


@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Стефани Майер.

"Зулмат остонасидағи
муҳаббат". 3-фасл.

ҚУЁШ ТУТИЛИШИ



@WORLDOF_kBOOKS
kanali a`zolari uchun maxsus

Муқаддима

Тўқнашувдан қочиш муваффақиятсиз тугади.

Мен унинг дардчил маслаҳатларидан шуни сездимки, у охирги жангга тайёр аскардек

ўзини тутарди. Ҳеч қандай нажотдан умид йўқ, бир томонда қалб бўлса, бир томонда оила ва

бурч устун туради.

Бунда на ғалаба бор ва на мағлубият. Ким нима йўқотади, ким нима топади? Бу жангнинг

натижаси йўқ эди. Чунки ҳеч қандай имкониятлар ҳам йўқ.

Менинг валенеъматим ўз ташналиги билан менга бир лаҳза тикилиб туаркан, ажал сари

тобора яқинлашиб қолганимни англайман. Шу ондан бошлаб қоп-қора ҳумор кўзларнинг

буткул асирига айланаман ва мен энди буткул ўзимдан айриламан.

Олис ўрмонлар томонда бўрининг увиллаши эшитилди...

I боб. Қатъий талаб

Белла,

Билмадим, нега сен дадам оркали хатларни юборишига дадангни мажбурлайсан, худди биз

*иккинчи синфда ўқийдигандек. Агар сен билан гаплашишини хоклаганимда, жавоб берган
бўлардим...*

Сен аллакачон бир карорга келиб бўлгансан. Бу эса мени тобора азобга соларди. Буadolatdan эмас! "Шавкатсиз душман", - сен буни тушунишини кам истамайсан, албатта, ана ўша ёвузларга накот бориб кўшилишини маъкул кўраяпсан? Тушуниш кийин.

Биламан, мен гирт ахмокдек каракат киляпман, лекин начора...

Сен камма вактингни карокчилар билан ўtkазар экансан, биз кеч качон дўст бўла олмаймиз. Мен сен какингда жуда кўп ўйлайман, аммо бу мен учун тобора кавф ортири бошлияпти...

*Ха, мен сени согиндим. Жуда кам согиндим. Лекин бу кеч нарсани ўзгартира олмайди. Мени
кечир".*

Жейкоб.

Мен мактубни обдон текшириб чиқдим. Айрим жойларида ручка асабий текканидан хатто шунақанги тирналгандики тешикчалар пайдо бўлишига бир баҳя қолганди. Ёвуз сўзлар пайдо бўлганида асабий ҳолда ручка ёзишдан таққа тўхтар, токи ғазаб бироз босилгач жумла давом этар, аммо барибир кейинги жаҳл тўлқини барибир хусниҳат тартибини вайрон қилмасдан қолмасди. Дилдан айтилаётган сўзлар пайдо бўлганида катта ҳарфларда узук танаффус сезилиб турар, тахминимча Жейк янада гўзалроқ жумла қидириб ручкани узоқ вақт никтаб турган.

Тиришган пешонаси, ўқрайган кўзлари, чақнаб турган нигоҳлари... Албатта мен агар унинг ёнида бўлганимда у жаҳлдан осонгина тушарди. Аммо буни иложи йўқ.

«Ҳа, майли, Жейк, — дедим мен. — Эзилма. Ҳаммасини қандай бўлса, ўшандай қабул қил».

Ҳозир эса кулишга сира ҳолим қолмаганди. Ўзим бошлаган бу мактуб ўйинининг бунаقا бурилишга келиб қолишига ўзим ҳам хайрон эдим. Мен мактубни дадам Чарлидан Биллига юборилишини, ўз ўрнида мактубни Жейкга беришини сўраганимдаёқ Жейк менга қандай жавоб беришини аллақачон билиб олгандим.

Ҳар бир остига чизилган сўз менинг қалбимни ўткир тиғдек тирнаб ўтарди. Ҳар бир чала қолган жумла ортида албатта кучли ғазаб ва қаҳр пинхона эдики, бу хатто Жейкобнинг ўзидан кўра менга кўпроқ азоб берарди.

Ҳаёлимни ошхонадан эшитилган қайноқ овоз бузиб юборди. Бизнинг уйда мендан ўзга одам таом пиширишга уриниб кўрса мана шунаقا жазавали ҳолат содир бўлади.

Мен фижимланиб кетган мактубни орқа чўнтағимга солдим-да, бир лаҳзада зинадан

сирпаниб энг сўнги сонияда ошхонага тушиб боришга улгурдим: дадам спагетти учун маҳсус

қайлали банкани иситиш учун микротўлқинли печга тиқиб қўйган экан. Яхшиям келиб қолдим.

Дарров эшикчасини очдим.

— Ниманидир нотўғри қилибманми? — норози тўнғиллади дадам.

— Дада, олдин қопқоғини очиш керак. Микротўлқинли печ металлни ёқтирмайди. — Мен банкани чайқатиб, сўнгра қопқоғини очиб яrim қайлани косага солдим ва иситгичга қўйдим.

Банкани эса музлатгичга жойладим. Вақтини ростлаб «старт» тугмасини босдим.

Дадам лабини тишлаб менинг хатти ҳаракатларимни кузатиб турди.

— Ҳарқалай, макаронларни тўғри қайнатгандирман?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен диққатимни жалб қылган ҳид таралаётган кастрюлка турған плитага қарадим.

— Яхшилаб аралаштириш керак, — меҳр билан изоҳ бердим.

Тортмадан қошиқни топдим ва секинлик билан идишни аралаштира бошладим.

Дадам хўрсишиб қўйди.

— Сизга нима бўлди? — сўрадим.

У қўлларини қовуштириб олди ва хўмрайганча қоронғу дераза ортидаги ёмғирларга тикилиб қолди ва минғиллади:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ҳаммаси жойида.

Дадам нега тушлик тайёрлашга обдон берилиб кетди? Нега бундай хўмрайиб юрибди?

Эдвард ҳали келгани йўқ: одатда дадам унинг ташрифидан у қадар суюнмас, шунчаки ҳар бир хатти ҳаракати ва жумлаларидан унга нисбатан совуқ адовати сезилиб турарди. Фақат бундан у қадар қаршилик қилиш шартмас. Шунинг учун Эдвард буни шусиз ҳам жуда яхши билар, шу сабаб дадамнинг дашномларига у қадар парво қилмасди.

Мен спагеттини тайёрлаб асабийларча аралаштиарканман, ёқимсиз ҳислар гирдобида миямда изғиёткан жумлаларни тартибга сола бошладим: «Йигитим». Қанақасига у менга «Йигит» бўларкан! Қанақадир бошқача сўз бўлиши керак, абадийликка алоқадор маъноли...

Аммо «такдир» ёки «пешонага битилган» атамалари одатий сухбатда жуда кулгули ва ғалати

туюлиши мумкин. Эдвард ҳақида яна бир сўзим бор, аммо уни эслашим билан кучли

асабийлик бутун вужудимни чулғайди. Шу сўзни бир марта талаффуз этишимдан ҳам даҳшат

ва қўрқув вужудимни қамрайди.

«Келинчак». Э воҳ! Бир сўз бўла туриб, шу қадар аянчли.

— Мен барibir сизнинг овқат тайёрлашга уринаётганингизга тушуна олмаяпман, — макаронни сувдан силқитарканман яrim босиқ оҳангда сўрадим. — Ёки пазандачиликка жиддий қизиқдингизми?

Дадам елкасини учирди.

— Ҳеч бир кимса ўз шахсий ошхонамда овқат тайёрлашимга монелик қилолмайди.

— Ҳа, албатта. Сизга қаршилик қилиш гунох, — мийифимда кулиб унинг чарм курткасидаги

нишонига қараб қўйдим.

— Ҳа! Бирга - ноль.

Дарров яна эътибор бердим: у ҳар доимгидек яна жанговар кийимда. Курткасидаги маҳсус нишондан тортиб тўпончасигача ҳаммаси шай туради. Вашингтон штатимизнинг Форкс

шахарчасида энди одамлар сирли равишда йўқолмасди ва улкан бўрисимон маҳлуқлар ҳам ёмғирли ўрмонларда изғимасди...

Мен жимгина овқатимни ерканман, дадам ўзи сұхбатга мавзу бошлишини кутиб ўтирадим.

Мен санчқини спагетти ўрамига чирмаб аралаштириб ўйнардим. Дадамни ўзи қачон сўз очаркан деб секин қараб қўйдим. Дадам у қадар сўзамол эмас, аммо тушликни ўзи тайёрлабдими демак айтишга қанақадир сабаби бор.

Одатланиб қолганим сабаб соатимга қарадим: бундай пайтда ҳар беш дақиқада вақтга қарайвераман. Яна ярим соат қолди.

Тушлик ва кечки таом орасида вақт доим секинлашгандек туюлади. Собиқ дўстим (ҳамда бўритус) Жейкоб Блэк мен билан мотоцикл сайрига чиқиб, сўнгра сотиб қўйганидан бери менга йигитим (ҳамда вампир) Эдвард Каллен билан кўришишимга ва уйдан чиқишим таъқиқлангани учун соат ўн тўққиздан то йигирма бирдан ўттиз дақиқагача дадамнинг норози мужмал чехрасини кўришга мажбурман.

Менинг қоядан сакрашим ва уч кунлаб уйда бўлмаганим сабаб уй қамоғи тобора мени қийнаб юборди. Албатта Эдвард билан ҳар куни мактабда учрашиб туришимга дадам қаршилик қила олмасди. Аммо тунлари Эдварднинг иккинча қаватдаги хонамга сассиз учиб

киришини эса дадам тасаввурига ҳам сиғдиролмаса керак. Ахир Эдвард шамолдек тез ҳаракат қила олади ва дадамнинг фикрини китоб ўқигандек ўқий олади-я!

Ҳар тугул куннинг қоқ ярмини мана шундай бемаъни ва зерикарли ҳолатда ўтказсам ҳам пинҳоний бу қамалдан асло анжимасдим. Чунки ушбу қамоқقا тушишимга биринчидан ўзим

айбдор эдим, иккинчидан эса ҳаётим уфқида жиддий ҳавф кутиб турган пайтда дадамдан хафа бўлишга асло ҳаққим йўқ эди.

Дадам мум тишлаб ўқиётган газетасидан нигоҳини узмасди.

— Дада, нега доим шу янгиликларни ўқийверасиз-а! Ахир турган битгани асаббузарлик бўлса!

У менинг сўзларимга парвойига ҳам илмай, газетага тикилиб минғиллади:

— Шунинг учун ҳамма кичкина шаҳарларда яшашни маъқул кўришади. Ёлғиз Худо билади, бу нималигини.

— Хўш, катта шаҳарларда нима содир бўлибди?

— Сиэтл қотилликлар сони бўйича бутун оламда чемпион бўладиганга ўхшайди. Охирги

икки ҳафта ичида очилмаган бешта қотиллик. Тасаввур киляпсанми? Бешта!

— Менимча, Сиэтлдан Финиксгача узоқ бўлса керак. Агарда мен Финиксда яшаганимда эди.

Шу сабаб то мен дадамнинг кичкина шаҳарчасига кўчиб келмасимдан аввал менга ҳеч қандай қотилликлар ҳавф солмасди. Ҳақиқатга тик қарайдиган бўлсам, ҳозирда менинг исмим кўпчиликнинг «қора рўйҳати»да ёзилиб турибди... Кўлимдаги санчки титради, кастрюлкадан илиқ буғ таралди.

— Мен қанча пул беришса ҳам у ерда яшашга рози бўлмасдим,
— дадам хомуза тортди.

Бу кишимнинг овқатини иштахасизларча емаганим кечки овқатга яна спагетти эканлигидан далолат берарди. Дадам зўр иштаҳа билан томат қайласига лағмонни ботириб кавшанаркан, мен ҳам дадамга тақлид қилишга уриндим. Аммо кошки, иштаҳам бўлса?!

Ошхонада жимлик ҳукмрон эди. Дадам ҳамон газетага муккасидан кетганди. Шу сабаб ўқиб чала қолган «Момақалдироқли довон» китобимни тўхтаган жойидан ўқишига тутиндим.

Эндигина қадимий Англия тарихига ҳаёлан парвоз этиб кетганимда, дадам сухбатни қўзғади.

Эссиз, энди Хитклиф исмли қаҳрамоним уйига қайтиб келганида, дадам газетани ерга ташлади.

— Сен ҳақсан, сенга нисбатан бироз адолатсизлик қилгандекман, - дадам макаронли санчқисини ҳавода ўйнатди. — Сен билан гаплашиб олмоқчи эдим.

Мен китобни бир четга қўйдим. Китобим муқоваси бироз титилганди, стол четида диккайиб ёпилмай қотиб қолди.

— Шуни дарров айтмайсизми.

Дадам бош чайқаб қовоқ уйиб қўйди.

— Агарда сенга атаб тушлик пишириб берсам, бироз кўнглинг кўтарилармикан, деб ўйлабман.

Мен пиқиллаб куливордим.

— Буни уддаладингиз, дада! Сизнинг пазандалик маҳоратингиз таҳсинга лойиқ, мен лолман. Хўш, нимани айтмоқчи эдингиз?

— Жейкоб ҳақида.

Юзим увишди.

— Хмм, Жейкобга нима қилиби? — тишимни орасидан меровланиб сўрадим.

— Уфф, Белла. Биламан ҳалиям ундан хафасан. Аммо у сенга жавобгар бўлгани сабаб ҳам шундай қилди.

— Оҳо, жавобгарлик! — кўзимни лўқ қилдим. — Майли. Жейкобни нима қилдик?

Бунақа совуқ ва бепарво савол миямда бироз акс садо бериб жаранглаб турди. Жуда ҳам ғалати савол. Жейкобни нима қиласиз? Менинг собиқ энг яхши дўстим энди менга... ким бўлди? Менинг душманим? Қалтираб кетдим.

Дадам кутилмаганда талмовсиради.

— Фақат, менга жаҳл қилма, ҳўпми?

— Жаҳл қилмай? Нима учун?

— Шу учунда, ва яна бу Эдвардга ҳам таалуқли.

Мен каловланиб қолдим.

Дадам хирқироқ овозда гапириб қолди:

— Мен уни уйга келишига руҳсат берардим, тўғрими гапим?

— руҳсат берасиз, — рози эдим. — Қисқа муддатга киради ва мен ҳам қисқа муддатга уйдан чиқа оламан, — ҳазил аралаш бор дардимни айтиб олдим, токи ўқув йили охиригача уй қамоғида бўлишимни кўнглимдан сезиб турардим. — Энди мен шунақа асираман...

— Умуман олганда, мен айнан шу ҳақида гаплашмоқчи эдим.

Дадамнинг юзида беҳосдан табассум пайдо бўлди ва нақ йигирма ёшга ёшариб кетди, ҳаёлимда. Ва мен бундай қизғин кайфиятидан унумли фойдаланиб олай деб умид билан сўрадим.

— Дада, сал тушунмадим. Биз Жейк ёки Эдвард ҳақида гаплашяпмизми ёки менинг уй қамоғим ҳақидами?

Дадам яна жилмайди.

— Хмм... менимча бир йўла ҳаммаси ҳақида.

— Хўш. Буларни бир-бирига нима алоқаси бор? — эҳтиёт бўлиб қизиқдим.

— Яхши. — Дадам чуқур нафас оларкан таслим бўлгандек қўлларини шалвиратди.

— Умуман олганда, сен ўзингни яхши хулқ авторинг билан муддатидан олдин эркинликка чиқдинг. Сен ўз ёшингга нисбатан анча бардошли экансан.

Менинг кўзларим чараклаб кетди ва бақириб юбордим:

— Ростанми? Мен озодманми?

Бу кутилмаганда қаердан кун чиқиб қолди? Мен ҳозироқ уйдан отилиб чиқиб севгилимдан суюнчи олишга тайёр бўлиб тургандим. Бундай вазиятда Эдвард ҳам дадамнинг фикрларидағи ўзгарувчанликни илғаб ололмаслиги муқаррар эди.

Дадам бармоғини кўтарди.

— Фақат битта шарт билан.

— Мактабдан ташқарида ҳеч ким билан учрашмаслигимни ўзингиз ҳам биласиз-ку? Фақат Анжеладан ташқари. Фақат унинг йигити бор, ахир. У ҳар доим Бен билан бирга сайр қиласади.

Агар мен ростанам озод бўлсан, — иложи борича сокин оҳангда айтдим, — биз тўртовлон бирга сайр қилишимиз мумкин.

— Хўп. Майли, унда... — Дадам аросатда мужмалланди. — Сен Жейк билан ажралмас дўст эдинглар, шекилли? наҳотки, энди...

— Дада, эски гапларни эсламайлик, илтимос! —
асабиyllашдим. — Айнан қанақа шартни ҳали ҳам айтмадингиз?

— Белла, биласанми, битта йигитни деб қолган барча
дўстларингдан юз ўгиришинг, менга сира ёқмаяпти, — дадам
хўмрайиб сўз бошлади. — Бу яхши эмас, мен шундай деб ўйлайман.

Агарда сен бошқа дўстларингни ҳам бироз эслаб турсанг,
хаёting балки янада ёрқинроқ ва яхшироқ бўлармиди? Ўша
сентябрда бўлган ҳодиса...

Мени бироз қўркув эгаллади.

— Агарда сен ҳаёtingда Эдвард Каллен билан тўқнаш
келмаганингда, балки ҳаёting буткул ўзгача бўлармиди?

— Ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, — секин шивирладим.

— Балки, ўзгартириш мумкинди?

— Дада, шартингизни айтасизми, ёки йўқ?

— Шартим шуки, сен мана шу сенга берилган озодлигингдан
бошқа дўстларинг билан ҳам учрашишга баҳшида этасан. Ўртада
тенглик бўлиши учун.

Мен секингина бош иргаб қўйдим.

— Тенглик — бу яхши нарса. Балки, ҳаракат жадвалимни ҳам
тузарман?

Дадам аланглағанча бошини ўгириди.

— Йўқ, шартмас. Шунчаки дўстларингни унутмасанг, бас...

Айтишга осон жуда ҳам: Дўстларингни унутмасанг бас!

Мактабни битирганимдан бери дўстларим билан иложи борича
камроқ учрашишга ҳаракат қиласайман. Йўқса, бу уларнинг ҳаёти
учун ҳавфли бўлиши мумкин. Қанақасига яна улар билан
кўришаман? Улар билан мана шунақа шарт сабаб учрашиб сухбат
куришим керак бўладими, энди? Бу эса айрилиқ азобига

яна йўлиқтиришига бир қадам эди. Айниқса иккинчи ўйлаган
ҳаёлимдан вужудимда титроқ турди.

— Айниқса Жейк билан, — деб қўшиб қўйди дадам.

Аммо буниси олдингиларидан беш баттар ёмон эди. Менинг
миямга дарров керакли сўзлар

кела қолмасди.

— Жейк билан биз анчадан бери... шунчаки.

— Белла, Блэклар оиласи билан деярли биз туташ муносабатдамиз. — Дадамнинг овозида оталарча қаттиққўллик пайдо бўлди. — Ва Жейкоб сен учун энг яхши дўст бўла оларди.

— Биламан.

— Наҳотки, сен уни умуман соғинмаган бўлсанг? — аччиқланиб сўради у.

Томоғим тўсатдан қуриб қолди ва жавоб беришим учун икки марта йўталиб қўйдим.

— Албатта, соғинаман, — кўзимни ерга тикиб тан олдим. — Жуда соғинганман.

— Унда муаммо нимада?

Аммо тушунтириб беришга илож йўқ эди. Одамлар — мендан ташқари дадамга ўхшаш оддий одамларга ҳамон сирли мавжудотлар ва ҳилқатлар ҳақида ҳеч нима билмасалар буни тушунтириб беришим асло иложсиз эди! Мана мен бир марта тушунаман деб ўз сочим ифорига тузоқ бўлгандим. Энди дадамга тушунтириб беришда ҳеч қандай маъно йўқ эди.

— Жейк билан бизнинг ўртамизыва... муаммо бор, — дедим. — Шунчаки... дўстлигимиз муаммо бўлиб қолди. Жейк бундан кўпроғини истайди.

Мен вазиятни чуқурлаштиришни истамасдим. Ахир Жейкнинг тўдаси қотилларча Эдвардни ва унинг оиласини ёмон қўришини ва мен ўртада аросатда қолгандек сарсон бўлганимни қандай айта олардим? Бора-бора мен ҳам вампирлар оиласига сингиб кетишни истаб турган бир пайтимда ўзимни уларни ажалдан баттар ёмон кўрадиган бўритуслар тўдаси ичига киришим керакми? Шу сабаб Жейкобнинг мактубига жавоб ёзиб ўтирмадим...

— Менимча, Эдвард учун бу соғлом рақобат бўлар эди. — Дадамнинг овозида эстеҳзо пайдо бўлди.

Мен ўқрайиб қараб қўйдим.

— Ҳеч қанақа рақобат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Жейк билан гаплашмай уни хафа қиласан.

Аҳа, демак мен у билан гаплашишни истамаётган эканманда!

— Жейк мен билан дўст бўлиб қолишни истамаяпти. —
Сўзларим ўзимга совуқ туюлди. — Умуман, нега бу ҳақида гаплашиб
ўтирибмиз?

Дадам талмовсиради.

— Биз бугун Билли амакинг билан...

— Сиз Билли амаким билан худди қари кампирлардек
ғийбатлашасизлар! — санчқимдаги макаронни ғазаб билан ниқтадим
ва еб қўйдим.

— Билли амакинг ўғлидан ҳавотир оляпти, — деди дадам.

Жейкка ҳозир жуда оғир. У тушкунликка учрабди.

Мен бошимни кўтармай макаронга тикилиб қолдим.

— Олдинлари Жейк билан учрашувдан қайтганингда доим
кувноқ ва шодон, асосийси

баҳтли кўринардинг, — минғиллади дадам.

— Ҳозирам баҳтлиман, — тишимни орасидан вишилладим.

Сўзларим сал ғалати туюлдими, дадам хохолаб кулиб юборди.

— Ҳа, бўпти, — таслим бўлдим мен. — Майли тенглик бўла
қолсин.

— Ва Жейкоб, — айёrona қўшиб қўйди дадам.

— Уриниб қўраман.

— Яхши. Тенглик нуқтасини топ, Белла. Ҳа айтганча, сенга
мактуб бор, — дадам мавзуга нуқта қўяркан ортига қараб қўйди. —
Плитани олдида турибди.

Мен ортимга қараб ҳам қўймадим. Ҳаёлларимда фақат Жейкоб
исми ялт этиб акс этди-ю, хат ундан эканига аниқ ишонч билан
ўтирадим. Ёки қанақадир рекламага ўхаш алламбало

бўлиши мумкин. Кечагина онамдан жўнатма қабул қилгандим.
Шу сабаб менга ким ҳам ёзиши мумкин эди?

Дадам ўрнидан туриб, тамомлаган таом идишини ювиш
чаноғига олиб бориб элтди.

дишни ўзи ювишга ҳаракат қилди-да, семизгина жилдли
мактубни стол устига секин сирпантириб юборди. Мактуб тўппа
тўғри кафтимга урилиб тўхтади.

— О, раҳмат, — шипшитиб қўйдим.

Нимага дадам бу қадар меҳрибон бўлиб қолди? Тўсатдан хатнинг манзилига кўзим тушди:

Аляска Жанубий - Шарқий университети. — Жуда тез жавоб қайтаришибди. Э Худо! Наҳотки қабулга яна кечиккан бўлсам?

Дадам паст овозда пиқиллаб қўйди.

Мен мактубни бир четга суріб қўйдим.

— Мактубни мендан олдин кимлардир очиб кўрганга ўхшайди.

— Менга жуда қизиқ туюлаяпти, очиб ўқий қол.

— Шериф жаноблари, мен даҳшатдаман. Бу ишингиз федерал қонунларга зид хатти ҳаракат!

— Сен олдин нима ёзилганини ўқигин.

Мен хатни очиб ўқий бошладим ва у ерда дарс жадваллари келтирилганди.

— Табриклайман, — деди дадам, ҳали биттагина сўзни ўқишига ҳам улгурмасимданоқ. —

Учинчи мартасига ижобий жавоб олдинг.

— Раҳмат, дада.

— Биз иқтисодий тўловлар ҳақида гаплашиб олишимиз керак.

Мени бироз йиғиб қўйганим бор...

— Хатто ўйламанг ҳам! Сизнинг нафақангизга тегмайман. Ўзим коллеж учун йиққан анча жамғармам бор.

Ҳар ҳолда анчагина тўпланиб қолган бўлса керак...

Дадам хўмрайди.

— Белла, кўпгина коллежларда тўлов пули анча баланд. Нима қилибди сенга ёрдам берсам?

Мен сенга ёрдам беришим шарт. Менга оғирлигинг тушмаслиги учун Аляскадаги арzon олийгоҳга кетишинг шартмас! Ўзим сени яқинроқ жойда ҳам ўқита оламан.

Ҳеч ҳам арzon эмас. Шунчаки жуда узокда. Ва Жунода йилнинг уч юз йигирма бир куни булутли ўтади. Бу икки вазиятда ҳам менга ҳам, Эдвардга ҳам жуда қулай эди.

— Менга етади шу ҳам, дада.

Умид қиласманки бу баҳонам у қадар шубҳали туюлмаса керак. Умуман олганда иқтисодий саволлар менга чўт эмас.

— Хмм... — деб мужмалланди дадам.

— Нима бўлди?

— Ҳеч нима. — дадам ғудранди. — Хўш, қизиқаяпман...

Эдвардинг келгусидаги режалари қанақа?

— Режалар?

— Ҳа.

Уч марта тез чертилган эшик тақиллаши менинг жонимга оро кирди. Дадам ноўнгай ўрнидан қўзғалди.

— Бир дақиқа! — деб бақирдим ва эшикка қараб югурдим.

Сабрсизлик билан эшикни очдим... мана у, менинг ягонам ва бетакрорим...

Ҳар қандай одамни онгу шууридан жудо қилувчи бу ўтли ва жонни оловчи нигоҳлар эгасининг бу чехраси олдида ҳар қандай қиз эриб адойи тамом бўлиши муқаррар. У учун буткул ўз жонини қурбон этмоққа тайёр. Хатто ўзим ҳам у учун қанча умрим бўлса кечишга шайман. Йўқ. Буни тан олишни истамайман. Бахтимга мен Эдвард фикрини ўқий олмайдиган яккаю ягона одамман.

Мен унга талпиндим ва бағрига отилдим. Муздек бармоқлар мени майин қучоқлаганида бутун вужудимда озорлар ҳам изтироблар ҳам бир зумлик нафасда тарқаб кетди.

— Сен. — Мен енгил табассум билан унга қарадим: узок кутишдан кейинги ғалати саломлашиш!

Эдвард менинг қўлларимни кафтига олди ва сархуш этувчи ифори билан атрофни хушбўйликка тўлдирди.

— Кунинг қандай ўтди?

— Секингина.

— Менда ҳам.

У менинг кафтимни юзига босди ва кўзларини юмиб бурни билан тўйиб ҳидлаб турди ва майин табассум қилди. Эдвард бу ҳолатини «шаробга тотиб кўрмасдан исидан маст бўлиш» деб атарди.

Менинг қоним у учун ўзга қонлар аро энг лаззатли ва роҳатбахш эканини бу гўё шаробхўр одам учун сувлар ичидা ягона шаробдек эканини яхши билардим. Бу ифор Эдвардда ҳаддан ташқари кучли ташналик уйғотар, бу эса унга чексиз азобу изтироблар келтирарди. Шу сабаб оддийгина тегиниш у учун нақадар фожеали азоб эканини тушунтириб беролмайман.

Менга ҳам бу аламлар жуда қаттиқ дашном берсада Эдвардни азалий азоб булоғи бўлишда давом этардим. Сабаби Эдвард учун бирга бўлмаслигимиз ҳам айро бўлишимиз ҳам бирдек изтиробга қўярди.

Шу пайт дадамнинг кутилмаган меҳмонга бўлган норози ва қаттиқ қадам товуши овози эши билди. Эдвард бир лаҳзада кўзларини очди ва қўлларимиз айро қолди.

— Ҳайрли кеч, Чарли. — Эдвард дадамнинг олдида ўзини доимо ўта одобли ва маданиятли тутарди.

Дадам йўлак бошида ноўнғай ҳолда қўлларини қовуштириб бизга қараб турарди: гўёки «қаттиққўл ота назорати»га ўхшайди.

— Мен янги ўқув дастурларини олиб келгандим.

Эдвард ёнимда катта қалин қоғозларни шитирлатиб намойиш қилди. Унинг кичкина бармоғида маркалар ўрами ўралиб турарди. Мен тош қотдим. Эдвард мени ҳали яна қанча олийгоҳларга тиқиширикаркан-а? Ёки шу орқали кўришиб туришимизга баҳона ахтаришини мени билмайди деб ўйлайдими? Ахир қабул муддати ўтиб кетганига анча бўлди!

Эдвард гўёки пешонамга ҳаммаси ёзилиб қўйгандек фикримни ўқигандек бўлди ва айёrona жилмайди.

— Ҳали ҳам бўш ўринлар бор. Баъзи ўқишлиарда кечикканлар учун маҳсус чегирмалар ҳам ёзиларкан.

Тасаввур қиласайман, бу ерда гап қанака миқдордаги пулга ёки мақсадга қараб кетаётганди.

Менинг ғўддайиб туришим Эдвардни кулгусини қистатди.

— Ҳўш, бошладикми? — У мени тушлик столига бошлади.

Дадам секин ҳуштак чалиб қўйди: ахир бугун кун бўйи менга қилган нутқининг бефойда эканидан аччиқланганди.

Мен бир зумда стол устини тозаладим ва Эдвард бир қанча қоғозларни столга ёйиб ташлади. Столдан муқоваси очилиб ётган «Момақалдириқли довон»ни қўриб, Эдвард қошини чимирди. Мен унинг нима ўйлаганини дарров сездим. Аммо дадам Эдвард оғзини очишидан олдин гап бошлаб қолди.

— Ҳа айтганча, коллежга кириш тўғрисида сўрамоқчи эдим, — дадам заҳарли оҳангда гап бошлади. Дадам иложи борича Эдвардинг кайфиятини шартсиз равишда бузиб қўймаслик

учун қарамай гапирди. — Биз Белла билан обдон маслаҳатлашиб келгуси йили таҳсил олиши ҳақида қарорга келдик. Сен-чи, қаерда ўқишинг ҳақида бир қарорга келдингми?

Эдвард, яна жилмайди ва дадамга тик қаради:

— Йўқ, ҳали ўйлаб кўрганим йўқ. Ҳар хил номзод ўкув муассасалари бор, аммо энг мақбул нуқтага келганим йўқ.

— Қанақа номзодлар чиқди? — дадамниг таслим бўлгиси келмасди.

— Сиракузага... Гарвардга... Дартмутга... бугун эса Аляска Жануби-Шарқий университетига қабул ҳақида қофоз олдим. — Эдвард енгилгина мени тўсишга улгурди.

Мен кулгудан бехосдан қиқирлаб юбордим.

— Гарвард? Дартмут? — дадам бор кучи билан ҳавасини яширишга уриниб минғиллади. — Ана бўлмаса... қойил. Аляскани нима қиласан? Даданг истаган жойларда ўқиш имконига эгасан. Шартта кетиворсанг бўлмайдими?...

— Менинг дадам инон-ихтиёrimни ўзимга қўйиб берган, — деди Эдвард.

Дадам асабийлашди.

— Эдвард, биласанми? — бу ўйинни тугатиш учун қувноқ оҳангда гапни бошқа ёққа бутивордим.

— Нимани?

Мен унга очилган хат жилдини кўрсатдим:

— Мени ҳам Аляска университетига қабул қилишди!

— Табриклайман! — севинди Эдвард. — Қара, қандай баҳтли тасодиф!

Дадам маъюс аҳволда бир менга, бир Эдвардга қаради.

— Ҳа, бўпти, — минғиллади дадам. — Бориб баскетбол ўйинини томоша қиласман. Белла, эсингдан чиқарма: йигирма биру ўттиз.

Ҳар оқшом у мана шу ўзгармас жумласини қайтаради.

— Дада? Сал олдин озодлик ҳақидаги сұхбатимиз нима бўлди?

Дадам асабий пишқирди.

— Ҳа, майли. Соат йигирма икки яримгача. Дам олиш кунлари назорат соатларим ҳам бор.

— Белла энди бемалол уйдан чиқа олиши мумкинми? — севинч билан сўради Эдвард.

Бу янгилик у учун у қадар таажубли эмаслигини билиб турсамда, унинг ҳали нимагадир иккиланаётганини сездим.

— Чегарадан чиқмаган ҳолда, — дадам тиши орасидан минғиллади. — Сенга нима?

Мен норози чехрада дадамга ўқрайдим.

— Ҳа, шунчаки Элис билан шаҳар бўйлаб дўкон айланишга борсак дегандим. Бу Беллага жуда ёқади. — Эдвард менга қараб жилмайди.

— Ҳечам-де! — дадам жаҳлланиб қаради.

— Дада! Нима учун?

Дадам ўзига зўрға келди.

— Мен сени шу кунларда Сиэтлга боришингни истамасдим.

— Нега ахир?

— Сен ҳали эшитдинг-ку: Сиэтлда одамларни битта қўймай ўлдириб кетаётган қанақадир жиноий тўда пайдо бўлганини. Шунинг учун шаҳардан нари юргин, тушундингми?

Мен хафа бўлдим.

— Дада, мен Сиэтлда чақмоқ уришига йўлиқишим бу ҳавфдан кўра кўпроқ ҳавф солиши мумкин-ку, ахир...

— Йўқ, йўқ, даданг ҳақ, — мени тўхтатди Эдвард. — Мен умуман Сиэтл ҳакида гапирганим йўқ. Портленд ҳакида гапиргандим. Менинг ўзим Беллани Сиэтлга боришига йўл қўймайман.

Асло.

Мен алам билан Эдвардга қарадим, аммо у диққатлик билан газетанинг биринчи саҳифасини ўқиши билан банд эди. Менимча у шунчаки дадамни қўнглини хотиржам қилаётганди.

Ахир Эдвард ва Элис ҳимоясида юрсам-у қандайдир ярамас жиноятчи одамлар менга ҳавф туғдирса — ҳозир куливораман!

Хийла иш берди. Дадам бир лаҳзада тинчланди ва елкасини қисди.

— Бу бошқа гап. — Дадам меҳмонхонага шошилди: менимча, у ўйинни ўтказиб юбормаслик учун шошилди.

Мен дадам мени эшитиб қолмаслиги учун то телевизорни ёқмагунча кутиб турдим.

— Нега сен...

— Шошмай тур-чи, — деб Эдвард эълонлардан кўзини узмай менга қофозларини тиқишитирди, — Менимча, мана бу ердаги тайёр жавобларни кўчириб ёзсак бўларкан.

Чамамда, дадам ҳали ҳамон бизнинг сухбатимизни эшитаётганди. Мен чуқур хўрсиниб бир хил зерикарли «фамилия, исм», «манзил», «шахсий суғурта рақами»... каби бўлимларни

тўлдира бошладим. Тахминан бир қанча вақт ўтгач мен Эдвардга қарадим, у деразага тикилган кўйи ҳоргин турарди. Мен яна варақаларга бош эгиб тўлдиришда давом этаётгандим, тўсатдан олийгоҳ номини ўқидим ва хуштак чалиб варақани ирқитдим.

— Белла, нима бўлди?

— Эдвард, сен менга қанақа қоз кўтариб келдинг. Дартмутгая?

Эдвард дикқатлик билан қофозни жойига қўйди.

— Мени ўйлашимча, сенга Нью-Гэмпшир ёқиб қолади. У ерда мен учун ҳам сен учун ҳам жуда кўп кечки ўқув курслари ҳам бор. Шундоқ шаҳар ёнида ўрмон бор. Сайёҳлар учун ҳамма

қулайликлар бор. Энг асосийси жонли табиат. — Эдвард менга синиқ табассум йўлади.

Мен секин нафас чиқардим.

— Ўйлаб кўриш керак! Балки кира олмасман? Сизлардек билимли эмасман. Хатто бутун бошли Калленлар кутубхонасини ўқиб чиқсан ҳам нафи йўқ? Бехудагарчилик.

Биз ахир бунга келишдик-ку!

— Белла, нима учун шунчаки варақани тўлдириб беришни истамайсан? Сенга ҳеч ҳам зарари тегмайди.

Мен ғазабландим.

— Мен рад этишимни биласанми? Мен хоҳламайман!

Мен бир зумга варақадан бошимни буриб сўнг уни аҳлат чеълакка ташлаш учун олдимга қарадим ва бўм-бўш столни кўрдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Менимча чаққон ва устамон Эдвард аллақачон варақани чўнтағига яширишга улгурганди.

— Бу яна қанақа ҳазил?

— Менинг имзоим сеникидан кўра чиройлироқ. Иншони эса аллақачон ёзиб бўлгандинг.

— Бу ҳеч бир ўлчамга сиғмайди! — Мен иложи борича секин овозда гапирдим, балки дадам телевизор кўрмай, ҳалиям қулоқ тутиб турган бўлиши мумкинда.

— Мен ҳеч қаёққа бошқа бормайман. Мени аллақачон қабул қилиб бўлишди. Ва йифиб қўйган пулларим биринчи семестримга етиб қолади. Яххиси бирорта арзирли баҳона ўйлаб топишимиз керак. Нимага пулларни бехудага сарфлашимиз керак!

Эдварднинг юзида хафалик акс этарди.

— Белла...

— Хатто ўйлаб ҳам ўтирма! Дадамни кўнгли учун ҳам бу кузда ўқишишга бирга боргандек бўламиз, аммо ўқишим эмас балки одамлардан узокроқ юришга ҳаракат қиласиз.

Вампира бўлишимнинг энг биринчи йили энг қийин бўлишини Эдвард бир икки марта айтиб берганди. Эдвард бу мавзуни тўлик сўзлаб беришдан қочганди. Аммо асосийси бу у қадар ёқимли ҳолат эмас экан. Ва ўзни жиловлаш энг оғриқлиси экан. Ва ўқишимни эса сиртқигаа кўчиришим ҳам мумкин.

— Менимча, биз ҳали аниқ бир муддатни белгилаганимиз йўқ, — майин жилмайиб эслатди

Эдвард. — Сен истагаингча семестрларда ўқишишинг ҳам мумкин. Ахир бу тирик ҳаётингда кўпроқ яшаб қолишинг мумкин.

— Мен ҳаммасига улгура оламан.

— Бундан сўнг буни тириклик ҳаёти деб бўлмайди. Белла, иккинчи марта инсонга айланиш имконияти мавжуд эмас.

Мен оғир хўрсиндим.

— Эдвард, яхшилаб ўйлаб кўр. Кечиктириш анча ҳавфли.

— Ҳозирча ҳавфли эмас, — деди у.

Мен хўмрайиб унга қарадим. Ҳавфли эмас? Аҳа сира ҳам ҳавфли эмас! Ортимдан севгилисинг ўлимни учун мени қайси йўл

билин бўлса ҳам азобли ва секин ўлдиришга аҳдланган қасоскор-вампира таъкиб этаяпти. Ҳа, майли, жин урсин ўша Викторияни! О, ҳа,

албатта яна Вольтурилар ҳам бор! Унча катта бўлмаган вампирлар армиясига эга оилавий қироллик. Улар ҳам мени яқин келажакда ўлдириш пайида юришарди. Сабаби уларнинг мавжудлигини инсон зоти билмаслиги қатъий талаб эди. Факат шу. Дахшатга тушишга асло арзимас нарсалар!

Эдвард ажойиб қобилиятга эга. Элис эса келажакни кўра олади. Бу эса бизни келажакда содир бўладиган ҳавф хатардан огоҳ этиши тайин. Аммо унинг синглиси ўзини унутиб қўйса ҳақиқий жиннига айланиб қолиши ҳеч гапмас: бундай ҳолда таваккал иш қилиб бўлмайди ахир!

Нихоят бу баҳсда ғалаба қозондим ва менинг вампирага айланишим атиги бир икки ҳафта қолган битирув оқшомидан сўнг содир этилиши аниқ бўлди.

Деярли жуда оз қолди! Бу ҳаёллардан юрагим бироз шувуллади. Албатта янгича эврилишдан қочиб бўлмайди. Ахир фактат шу йўл билан мен бу оламда ўзим истаган энг катта орзуларим рўёби бўларди. Аммо миямда ҳануз бир ҳаёл қурғур тинчлик бермас: ахир барибир ҳар оқшом дадам шундокқина қўшни хонада телевизор кўриб ўтираверади — худди одатдаги бошқа кунлардагидек. Онам эса доим янги эри билан серқуёш Флорида қирғоқларига дам

олишга келишимни айтиб ялинаверади. Ва албатта ота онамдан фарқли равишда аллақаерга ўқиш учун кетганимга ишонмайдиган Жейкоб ҳам бор. Албатта уйга мактуб жўнатиб соғлиғим унча яхшимаслигини хабардор этиб ҳавотирланмасликка чақириб қолсанм ҳам, у барибир барча ҳақиқатни англаб етади.

Бир лаҳзага Жейкобнинг менга нисбатан қандай нафрат ва жирканишини ҳис қилишини тасаввур қилдим ва ўзим ҳам қўрқиб кетдим. Ва айнан мана шу Жейкоб, қолган барча ширин

орзуларимни хиралаштириб юборди.

— Белла, шошилиш шартмас. — Эдвард юзимдаги маъюсликни англаб етди ва унинг юзида ҳам азоб акс этди. — Мен ҳеч кимни

сенга қўл теккизишига йўл қўймайман. Сен истаганингча кутишинг мумкин.

— Мен шошилишим керак, — ишончсизлик билан жилмайишга уриндим ва ҳаммасини ҳазилга йўйдим. — Мен маҳлуқقا айланишни хоҳлайман.

Эдвард тишларини ғичирлатди.

— Сен нима ҳақида гапираётганингни ўзинг ҳам билмаяпсан. — У тўсатдан намхуш газетанинг биринчи саҳифасини ёнимга тап этиб ташлади ва бармоғи билан сарлавҳани никтаб кўрсатди:

ҚУРБОНЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА ПОЛИЦИЯ ҚОТИЛЛАР ТЎДАСИНИ ТОПА ОЛМАЯПТИ.

— Буни нима алоқаси бор?

— Белла, маҳлук аслида мавжуд.

Мен сарлавҳани қайтадан ўқиб чиқдимда, Эдвардга қарадим.

— Буни... буни вампир қилганми? — пиҷирладим.

Эдвард маъюс жилмайди. Унинг овози тоғ жилғасидек сокин ва совук эди.

— Белла, сизларнинг газеталарингдаги бу даҳшатли хабарлар мени қанчалик ҳайратда қолдирганини тасаввур қилолмайсан. Умуман олганда Сиэтлда изғиб юрган янги туғилган вампирнинг сифатларига эътибор бер. Конга ташна, ёввойи, йўлдан адашган. Аслини олганда, ҳам биз ҳаммамиз шунақамиз.

Мен Эдвардинг кўзларига қарамаслик учун яна газетага шўнғидим.

— Биз анчадан бери бу ҳолатни пайига тушганмиз, — гапиришда давом этди у. — Ҳаммаси ошкора кўриниб турибди: кечалари сирли ғойиб бўлаётган одамлар; мурдаларининг топилмаётганлиги; ҳеч қандай далил исботни йўқлиги... Бу бутунлай бошқа - янги вампир.

Эскилардан ҳеч биримиз бу қадар кўп қурбонлик қила олмаймиз. — Эдвард чуқур уф тортди.

— Ростини айтадиган бўлсам, бу ишларнинг бизга сира ҳам аҳамияти йук. Агар бу янги вампир уйимизга яқинлашмас экан, у билан ишимиз ҳам йўқ. Мен ахир айтдим-ку, бундай нарсалар

доим бўлиб туради. Даҳшатнинг мавжудлиги даҳшатли нарсани ҳам келтириб чиқаради, албатта. Мен қурбонларнинг кимлигини айтмасам ҳам мана уларнинг исмлари улар семиз ёзувлар билан кўриниб турибди. Бешта одам ўз жонидан жудо бўлишди, бешта оиласада мотам.

Уларни ростанам ўлдиришган дейишади-ю, аммо бу мавҳумотдан бошқа нарса эмас: Морин Гардинер, Жеффри Кембелл, Грейс Раци, Мишель О'Коннелл, Рональд Элбрук. Бу одамларнинг ота-оналари, болалари, дўстлари, мушук-кучуклари, ишлари, орзу-умидлари, режалари, хотиралари бор эди...

— Мен билан бундай бўлмайди, — ўзимни ишонтириш учун аста шивирладим. — Сен мени бундай бўлиб қолишимга йўл қўймайсан. Биз Антарктида яшаймиз.

Эдвард буни ҳазилга йўйди ва хиринглади.

— Пингвинлар, нақадар бетакрор гўзаллик!

Мен ноўнгай жилмайдим-да, манави лаънати ёзувларни кўз олдимдан нари қилиш учун газетани полга ташладим. Албатта, Эдвард нимани овлашидан олдин, фикр қиласи «вегетарианлар» ўз ташналикларини йирик йиртқич хайвонлар қони билан қондириб, инсонларни асрashади.

— Унда, Аляскага борсак бўлади. Фақат Джунога эмас — у ер гризли-айиқларига тўлиб ётибди, — минфилладим.

— Бу ахир, янада яхши — рози бўлди у. — У ер қутб айиқлари маконидир. Улар хаддан ташқари вахший.

Шунчаки бўрилардан бироз каттароқ холос...

Мен хўрсиниб қўйдим.

— Сенга нима бўлди? — сўради Эдвард. Мен ўзимга келишимга сониялар кифоя эди, аммо Эдвард менинг кечинмаларимни лаҳзада сезди. — Тушунарли. Агар сенга ёқмас экан, бўрилар ҳақида бошқа гаплашмаймиз. — унинг овози совуқ ва бегонаникидай туюлди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Эдвард, у менинг энг яқин дўстим эди, — деб пицирладим мен. «эди» деган сўз нақадар ёвуз ва оғриқли. — Албатта, бу ёқимли эмас-да.

— Мени маъзур тутгайсиз, bemuloҳазалик қилибман — адабий расмий оҳангда узр сўради у.

— Мен бунақа демоқчи эмасдим.

— Ҳа бўпти, ҳаммаси жойида. — деб минғилладим ва столни муштим билан уриб қўйдим.

Иккимиз ҳам жим бўлиб қолдик, кейин Эдвард муздек бармоқлари билан юзимни силади.

Унинг юзи анчайин мулојим тус олганди.

— Чин сўзим, мени кечир.

— Ҳеч қиси йўқ. Сен бундай дейишни истамагандинг. Мен эса ўзимни бундай тутмаслигим керак эди. Шунчаки... сенинг бу гапингдан Жейк ҳақида ўйладим. — Мен титраб кетдим. Мен

қачон Жейкнинг исмини тилимга олсан, Эдвардинг қўй кўзлари қорамтири туслаги киради.

— Дадамнинг айтишича, унга ҳозир жудаям оғир эмиш — илтижоли оҳангда гапирдим. — У қийналаяпти, бунга... мен айборман.

— Белла, сенинг ҳеч қандай айбинг йўқ.

Мен чуқур хўрсиндим.

— Жейкка ёрдам бериш — менинг бурчим. Унинг устига бу дадамнинг талаби...

Мен гапираёткан маҳалим, Эдвардинг юзи тундлашиб, худди ҳайкалдай тош қотди.

— Сени бизнинг назоратимиздан ҳоли ахволда ўша бўритуслар маконига ёлғиз жўната олмайман. Бизни уларнинг ҳудудига киришимиз таъкиқланган. Нима, сен уруш кўзғамоқчимисан?

— Албатта йўқ!

— Унда бу ҳақида бошқа гаплашмаймиз. — Эдвард қўлини тортиб олди ва сухбат учун бошқа мавзу излаб атрофга аланглади. Унинг нигоҳи мени тешиб юборгудек эди. Эдвард жилмайди, аммо қаҳр ҳамон кўзларида акс этарди. — Хўш, даданг сени уйдан чиқишингга руҳсат берган экан: энг биринчи бўлиб кутубхонага

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

боришимиз керак бўлади. Ахир қачонгача «Момақалдироқли довон»ни хижалаб ўтирасан? Менимча, сен китобни деярли ёдлаб бўлдинг.

— Ҳаммага ҳам кучли хотира берилавермайди, — минғилладим.

— Хотирани нима алоқаси бор бу ерда? Сенга бу китобни нимаси ёқишига ҳечам тушунмайман. Асар қахрамонлари — ўз хаётларини барбод қиласидиган даҳшатли кимсалар.

Хатто кимлардир Хитклиф ва Кэтринни Ромео ва Джулъеттага ёки бўлмасам Элизабет Беннет ва Дарсига тенглаштиришса ҳайрон қоламан. Бу ҳеч қанақанги муҳаббат эмас, нафрат қиссаси.

— Сен ҳеч қачон мумтоз адабиётни тушунмайсан, — мен салмоқланиб гапирдим.

— Бўлиши мумкин, чунки менга эскилик ёқмайди, — тиржайиб қўйди Эдвард. У кўринишидан жуда мамнун эди, у мени диққатимни бошқа ёкка торта олганди. — Йўқ, ростини айт, нега шу асарни қайта ва қайта ўқийсан? — Энди унинг кўзларида соф қизиқиш пайдо бўлганди: Эдвард яна бир бор менинг фикрларим сарҳадига киришга уринарди. У менинг иягимнинг кафти билан кўтариб, кўзларимга тикилди. — Хўш, бу китоб нимаси билан сени ўзига шайдо қилди?

Унинг самимий қизиқиши мени қуролсизлантириб қўйди.

— Билмасам, — Эдварднинг кўзларидаги қудратдан қалтирадим.
— Менимча, бу ихтиёrsизлик туфайли. Асадаги фарқлаб бўлмайдиган тушунча муҳим: бу на ўзликни севиш, ва на золимлик, хаттоки бу ўлим ҳам эмас...

Эдвард маъжозий сўз ўйинимни тушуниб жилмайиб қўйди.

— Менимча, бу асадаги ҳамма қахрамонларда қанақадир нуқсон ва етишмовчилик бор.

— Менимча, эса, — дедим жаҳлим чиқиб. — Уларнинг энг ютуғи — бу уларнинг муҳаббатидир.

— Умид қиласанки, сен бунақасини севиб қолмайсан... шунақа зулмкорлардан бирортасини.

— Энди кеч, — эслатиб қўйдим. — Вақтида мени ҳеч ким огоҳлантирганди. Аммо севиб қолганимдан афсусланмайман.

Эдвард ғамгин жилмайди.

— Шундай ўйлашингдан хурсандман.

— Умид қиласанки, сен менинг ишқим босимидан азоб тортмайсан. Чунки ҳамма азобни Кэтрин келтириб чиқаради, Хитклиф эмас.

— Яхши, мен эҳтиёт бўламан, — ваъда берди у.

Мен хўрсиндим. Эдвард билан тез ярашиб кетаман. Мен унинг кафтини юзимга босдим.

— Мен Жейк билан кўришишим керак.

Эдвард кўзларини юмди.

— Йўқ.

— Бу мутлақо ҳавфсиз! — яна ялиндим. — Мен улар билан қанча вақт Ла-Пушда юрганман, ҳеч ҳам озор чекмаганман.

Барибир бефойда: охирги сузларни айтаётганимда лабим титради. Ана шунда, мен ёлғон гапираётганимни тушундим: бир марта шунга ўхшаш нимадир бўлганди. Кўз олдимда улкан кулранг бўри ўткир тишларини иржайтириб, сакраб ўтиб кетганди — кафтимда қўрқувдан совуқ тер чиқди.

Эдвард менинг юрак уришимни эшитарди, қалтис урганидан секин кулимсиради.

— Бўритусларга яқин юриш жуда ҳавфли. Улар маҳлук қиёфаси вақтида ўз хатти ҳаракатига жавоб бера олишмайди. Гоҳо кучли жароҳат етказиши, хаттоқи ўлдириб қўйишлари ҳам мумкин.

Мен бир нимадир деб айтиш учун оғиз жуфтладим, — ва гапирмай қўя қолдим. Хотирамда бошқа тасвир пайдо бўлди: Эмили Янгнинг гўзал юзидаги даҳшатли чандик, мана сенга ёвуз мукофот.

Эдвард менинг гапиришимни кутиб, жим қараб турарди.

— Сен барибир уларни билмайсан, — шивирладим аста.

— Белла, мен уларни сендан кўра кўпроқ биламан. Мен улар билан илгари ҳам тўқнаш келганман.

— Илгари?

— Биз Хоквиам ҳудудига яқин жойлашаётган пайтимизда, бундан етмиш йиллар олдин, бўритусларга тўқнаш келганмиз. Ўшанда Элис ва Жаспер сафимизга эндиғина келиб қўшилганди. Биз кўпчилик эдик, улар эса кам эдилар. Бемалол жангга чиқа олардик, аммо Карлайл Эфраим Блэкни дўстлик битимини тузишга кўндириди.

Жейкнинг катта бобосининг исмини эшитиб, ҳаяжонландим.

— Биз бўритуслар зоти Эфраимдан кейин қирилиб битишган, деб таҳмин этардик, — минғирлади Эдвард. Энди, у ўзи билан ўзи гаплашарди. — Одамнинг қонида бўрига айлантирувчи генетик мутация изсиз ғойиб бўлган, деб адашибмиз...

У жим бўлиб қолди ва менга тикилиб қолди.

— Сенинг чексиз бу қизиқишиларинг қанчалик бу ажаловар маҳлуқларни ўзига жалб этишини биласанми? Агар сенинг мана шу ишқалчилигингни йиғиб бир жойга тўплай билганимизда эди, жуда қудратли қуролга эга бўлардик!

Эдварднинг фикрлари ҳақида ўйлаб қолдим — наҳотки у жиддий гапирайяпти?

— Эдвард, унақада мени бу ерда нима алоқам бор? Кошки билмасанг?

— Нимани?

— Бўритуслар сизлар сабаб қайтишиди.

Эдвард ажабланганча қараб қолди.

— Жейкоб менга, сенинг оиланг пайдо бўлишгач, шундай ҳол бўлганини айтганди... Сен бундан хабарсизмидинг?

Эдвард хўмрайди.

— Демак, улар шундай фикрда, шундайми?

— Ҳа, бир ўйлаб кўр! Етмиш йил илгари сизлар бу ерга қадам қўйгансизлар — ва шу пайтда бўритуслар ҳам пайдо бўлишган. Сизлар яна қайтдингиз, ва яна бўритуслар пайдо бўлди. Бу сенинг-ча, тасодифми?

У энди тиғли қарашларини бас қилиб ўйланиб қолди.

— Бу назариянг Карлайлга ёққан бўларди.

— Бу сенингча, назариями ҳали! — энсаларим қотди.

Эдвард деразага термулиб ўйланиб қолди. Менимча, оддий аҳоли тинчини бузатётган бу улкан бўриларни пайдо бўлишига оиласабабчи, деб ўйлаётганди.

— Қизиқ, аммо бу нимани ҳам ўзгартиради, — тўнғиллади ўзича. — Вазият ўша-ўша.

Бўритуслардан ҳеч қанақа дўстинг бўлмаса: фожеа эмас-ку?

Эдвард билан ўта қаттиқ сабр-тоқатли бўлиш кераклигини биламан. Уни ўзи ишонишни истамаган нарсага инонтиришни

иложсизлигини тан олгим келмасди. У менинг Жейкоб Блэкка қанчалик қарздорлигимни тушуниб етишни истамас — күп бора ҳаётимни сақлаб қолган халоскоримни бетараф ҳолатдаям ҳазм этолмасди. Ҳаётимнинг қоронғу хотираларимни хеч кимга айтиб бергим келмас, айниқса Эдвардга. Ҳар ҳолда у менинг рұхимни асрәб қолиш учун мени тарқ этиб күрди. Шунчаки, менга яхши бўлар, деб ўйлаган. У кетгач, мен қилган аҳмоқликларга ҳам айбдор эмас. Чеккан азоб-изтиробларимга ҳам айбдор у эмас.

Аммо Эдвард бошқача фикрлайди.

Шунинг учун сўз танлашда жуда эҳтиёт бўлиб гапиришим зарур.

Мен ўрнимдан туриб, столни айланиб ўтдим. Эдвард қучоғини очди, мен уни тиззасига ўтириб музли тафтини туйдим.

— Илтимос, қулоқ сол, — унинг қўлларидан кўзларимни узмай гап бошладим. — Бу оддий аҳмоқона эркалик эмас — эски дўстимни кўришни истайман, холос! Жейкка ҳозир жуда қийин.

— Овозим титради. — Мен уни кулфатда ҳечам қолдиролмайман. Айниқса, менга муҳтоҷ пайтида. Хатто, баъзида инсон бўлмай қолса ҳам... Ахир, у мени ёлғиз қолдирмаганди... ўшанда ўзим ҳам инсонга ўхшамай қолгандим. Сен менга нималар бўлганини тасаввур ҳам эта билмайсан...

Мен довдирадим.

Мени қучоқлаб турган қўллар тошга айланди, бармоқлар мушт бўлиб тугилди.

— Агар Жейк бўлмаганида... Сен қайтганингда мендан ҳеч нима қолмасди. Эдвард, мен ундан қарздорман.

Мен эҳтиёт бўлиб Эдвардга қарадим: кўзлар юмилган, лаблар қимтилган.

— Сени ташлаб кетганим учун мен ўзимни ҳеч қачон кечирмайман, — шивирлади у. — Ҳеч қачон.

Мен кафтимни унинг музли ёноқларига босдим, то у хўрсишиб кўзларини очгунча.

— Сен шунчаки менга яхши бўлар деб ўйладинг холос. Аммо, охир-оқибат яна биргамиз-ку.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Агар мен кетмаганимда эди, сен қанақадир күпакни тинчлантираман деб эзилиб ўтирмасдинг.

Мен ғалати бўлиб кетдим. Жейк ҳақоратлаб: «қонсўрак», «зулук», «паразит» деган сўзларга одатланиб қолибман... Аммо Эдварднинг баҳмалдек овози билан айтилган сўз анчайин ҳақоратли туюлди ҳамда хафа қилди.

— Нима дейишга ҳам ҳайронман, — айбордек Эдвард. — Барибир ҳаммаси аянчли. Мен сени бир бора йўқотишимга оз қолганди. Шунинг учун қанақадир ҳавф озор берса ортиқ чидомайман.

— Ҳаммаси яхши бўлади, менга ишон. Унинг юзи оғриқдан буришгандек тусга кирди.

— Илтимос, Белла, — шивирлади у.

Унинг тилларанг кўзларига термулдим.

— Нима «илтимос»?

— Ўтиниб сўрайман, мен учун. Илтимос, ўзингни эҳтиёт қил. Баъзан мен сенга ёрдам беришга улгурмай қолишдан қўрқаман.

— Ҳаракат қиласман, — минғилладим.

— Сен менга қанчалик азиз эканлигинги, сени қанчалик қаттиқ севишимни биласанми?

— Эдвард мени иягими ўзига тортди.

Мен унинг муздек юзидан ўпиб қўйдим.

— Биласман, худди мен сени севгандек. — жавоб бердим.

— Сен кичкина дараҳтни бутун бошли ўрмонга тенглаштираյбсан... — Эдвард юзимдан ўпди. — Ҳеч қанака бўритуслар йўқ.

— Йук, бунақаси кетмайди. Мен Жейкни кўришим керак.

— Унда мен сенга ҳалал беравераман.

Унинг овозида ишонч бор эди.

Мен бу қадар ишонч қаердан келишини билардим.

— Кўрамиз ҳали, — таслим бўлмадим. — У барибир менинг дўстим бўлиб қолаверади.

Жейкнинг хати чўнтағимда қимирлагандек бўлди. Хатто менга Жейкнинг овози эшитилгандек бўлди: у реал ҳаётда иложсиз бўлсада, Эдвард билан хамфирдек туюлди.

«Бу хеч нимани ўзгартирмайди. Афсус».

II боб. Ҳийла

Испан тили дарсидан чиқиб ошхонага кетиб борарканман, ажигайфият мени қамраб олганди — чунки дунёдаги энг яхши инсон қўлимдан тутиб борарди.

Балки мен «ўз муддатимни ўтаб» яна озодликка чиқишимдир.

Балки, умуман менга боғлиқмасдир: шунчаки мактабда эркинлик шабадаси эсарди. Ўқув йили ўз адосига етиб қолган, шу сабаб ҳавода ёқимли эҳтирос уфурарди — асосан битирувчи синфлар аро.

Биз мактаб ошхонасига кирдик, у ерда битирув кечасига тайёргарлик авжида эди. Эдвард билан ҳар доимги ўрнимизга ўтирик. Анжела келиб бизга зўр қизиқиш билан,

— Таклифномангларни жўнатдингларми? - деди-да, Элис ва Беннинг ўртасига келиб ўтириди.

Унинг кўзлари асабдан чақнарди. Бен комиксга муккасидан кетганди. Элис эса менинг дидсиз кийимимга кўзларини қадади. Менимча у Золушкани қандай қилиб маликага айлантириш ҳақида янги режалар тузишни бошлаганди. Мен ҳижолатдан хўрсиндим, агар қўйиб берсам Элис мени ҳар куни ҳар хил кийим кийишга мажбур қиласди.

— Йўқ, кимга ҳам жўнатардим? Онам шусиз ҳам билади. Бошқа хеч ким йўқ, - деб жавоб бердим Анжелага.

— Элис, сен-чи? - Элис жилмайиб: - Аллақачон жўнатганман, - деди. - Омадлисан-да. Мени онамни қариндошлари кўп, у ўз қўлларим билан ҳар бирига хат ёзишимни истаяпти. Бунақада қўлларим узилиб тушади ахир.

Фурсатдан фойдаланиб:

— Хоҳласанг ёрдам беришим мумкин, - дедим. Уйда ўтириш жонимга текканди, шу билан отам ва Эдвардни хурсанд қилишимни билардим. Кўз қиримни Эдвардга қаратиб унинг жилмайганини илгадим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бу билан отам ва Эдвардни хурсанд қилишимни билардим. Кўз киримни Эдвардга қаратиб унинг жилмайганини илгадим.

— Катта раҳмат қачон боришни айтсанг бўлди, бoramан.

— Йўқ, яхиси ўзим уйинга бoramан, уйда ўтириш жонимга тегди.

— Ростданми? Анжелани жигарранг меҳрга тўла кўзлари қувончдан порлади. - Лекин, ўзинг уй қамоғидаман дегандинг-ку.

— Ҳа, лекин отам жазони бекор қилди.

— Ажойиб, Белла! Буни нишонлаш керак.

— Ҳақсан, фикринга қўшиламан!

— Бунинг учун биз нима қилишимиз керак? - имкониятдан фойдаланиб Элис ўз фикрини айтди. Тантанали нишонлашни режа қилгани кўриниб туради. Унинг одатдаги ишлари мен учун ўта дабдабали туюларди.

— Элис, сенинг ўйлаганларинг отамнинг менга кўйган чекловлари чегарасини бузиб юборади деб қўркаман.

— Сен энди озодсанку, яна қандай чеклов бўлиши мумкин?

— Ҳеч бўлмаганда АҚШ сарҳадлари чегарасида. Анжела билан Бен кулиб юборишиди.

Элисни юзи норози буришди.

— Шундай қилиб, кечқурун нима қиласиз. - Элис сўзида қатъий туриб олди.

— Ҳеч нима, отам менга ақл кирганини кўришини хоҳлайман. Отам ҳазил қилмаганига ишонч ҳосил қилмоқчиман. Бунинг устига эртага мактаб.

— Ундай бўлса дам олиш куни нишонлаймиз.

— Албатта! Элисни тинчлантириш учун ваъда бердим. Барибир бунақа беъманиликка рози бўлмасдим. Отамдан эҳтиёт бўлганим маъқул. Анжела ва Элис режаларини муҳокама қилишни бошлишди. Уларга комиксларини четга суриб Бен ҳам қўшилди. Уларни сухбатларини эшитгим келмади, озодлигимдан унчалик ҳам хурсанд эмасдим. Шунақаси ҳам бўлар экан-да.

Дўстларим Порт-Анжелас ёки Хаквиамга боришни режа қилишарди. Қандайдир нохушликни ҳис қилдим. Уйим ёнидаги

ўрмонда Жейкоб билан бўлиб ўтган видолашувим кўз ўнгимдан кетмайди.

Шу ҳақида ўйларканман Анжеланинг Элисни юзи қаршисида қўл силтаб уни чақиргани ҳаёлимни бузди.

— Элис! Элис!

Кутилмаганда Эдвард кулиб юборди. Анжела ва Бен унга қараб қолишиди. - Нима, ухлаш вақти бўлдими? - деди Эдвард. Мен Элиснинг нимани кўрганига қанчалик қизиқмайин буни Эдвардан сўрашимга имкон топа олмадим. Қизиқ, худди бундан қочгандай Эдвард ҳам Бен билан гарчи ўзи дарсларини бажарганини билсамда уйга берилган вазифалар ҳақида гаплашиб кетди. Дарслар тугагач Майк Ньютон билан машина тўхташ жойига қараб йўл олишиди. Мен ҳам уларнинг ортидан бордим, Эдвардинг Майкга бераётган дўстона саволларига Майк ҳайронлик билан жавоб берарди. Уларнинг сухбатидан Майкнинг машинасида муаммо борлигини билдим.

— Ахир, яқиндагина аккумляторини алмаштиридим-ку! - деди Майк.

— Балки симларида муаммо бордир, - Эдвард ўз фикрини билдириди.

— Билмадим, тўғрисини айтсам машинани тушунмайман, - тан олди Майк.

Эндиғина ўзимнинг устамни таклиф қилиш учун оғиз жуфтлаган эдим, тезда фикримдан

қайтдим. Менинг устам ҳозирги пайтда банд, у баҳайбат бўри териси остида ўрмон кезиб юрибди.

— Мен оз-моз тушунаман, хоҳласанг кўриб қўйишим мумкин, - Эдвард ўз таклифини айтди.

- Фақат Белла ва Элисни уйга олиб бориб қўйсам бас. Майк иккимиз Эдвардга дўстона нигоҳ

ташладик. - Лекин... бу... раҳмат, - ғудранди Майк, - Умуман олганда балки кейинги сафардир, ҳозир ишга боришим керак.

— Бемалол.

— Яхши қолинглар! Майк бошини ҳушсиз силкиганича машинасига ўтириди. Биздан икки қадам нарида Эдвардинг "вольво"си турар, орқа ўриндиғида Элис ўтирарди. Биз машинага ўтиридик. - Эдвард, сендан қанақа ҳам механик чиқарди? Юзингни ифлос қилмаслигинг учун кечқурун Розалидан Майкнинг машинасини кўриб қўйишини сўрасанг бўларди, агар у таклифингга кўнса албатта. Тўғри, Майк Розалини кўрса ҳайрон қолиши тайин. Ахир ҳамма уни коллежда ўқийди деб ўйлайди, шундай экан ундан сўрашнинг хожати йўқ. Ҳечкиси йўқ,

Майкни машинасини ўзинг бир амалларсан, фақат Италияning спорт машиналариға тишинг ўтмайди, афсус. Ҳа, айтганча, гап спорт машинасига тақалар экан, айтиб кўяй, мен олиб қочган сарик рангли порше сенинг чекингга. Билиб қўй янги йилгача кутиш ниятим йўқ. Мен бироз жим қолиб ўзимни кутиш ҳолатига солдим. Элиснинг гаплари менга эшитилмай қолди, назаримда Эдвард савол беришимдан ўзини олиб қочаётгандай эди. Майли ҳеч қиси йўқ, барибир тез орада ёлгиз қоламиз. Эдвард буни тушунгани кундек равшан. У Элисни Калленлар уйи йўлагида туширди, уни уй остонасига тушириб ичкарига кузатиб қўйишини кутгандим.

Элис машинадан тушар экан, акасига дикқат билан қаради. Эдвард ҳиссиз ўтирарди.

— Хайр, - деди Эдвард. Элис жаҳл билан эшикни ёпиб ўгирилди-да, тезда кўздан ғойиб бўлди. Нималар бўлаётганига қизиқсамда ўзимни қўлга олиб, уйга етиб келгунча бир оғиз ҳам гапирмадим.

— Уйга киришимга отанг қаршилик қилмасмикан?

— Эрталаб мени олиб кетиш учун келганингда ҳеч нима демаган эди. Биз уйга кириб зинадан юқорига кўтарилидик. Менинг хонамга кирдик, Эдвард ўзини каравотимга отди.

Сумкамни жойига қўйиб компьютерни ёқдим, хатдонимда ойимдан келган хат турарди.

Тезроқ жавоб олмаса, у қўрқа бошлайди. Менинг эскириб кетган компьютерим уйғонишини кутиб сабрсизланганимдан бармоқларим билан столни дўмбира қилиб чертишни бошладим.

Кутилмаганда Эдвард қўлимни қўли билан тўсди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Биз, бироз сабрсиздаймизми, - деди.

Мен кўзларимни бироз кулгилироқ қилиқ қилиш учун кўтардим, лекин унинг юзи менга шунчалар яқин эдики, буни кутмагандим. Унинг кўзлари олтиндай товланарди, лабларим

унинг салқин нафасини, тилим эса ифорини ҳис қилди. Шу заҳоти ҳаммасини, хатто дунёни ҳам унутдим. Эдвард ҳушимни ўғирлади, ўзимни қўлга ола олмай қолдим. Агар ҳаммаси мен

хоҳлаганимдай бўлганида эди, тўйгунимча Эдвардан бўса олган бўлар эдим. Унинг мармардай қаттиқ ва совуқ, шунингдек майнинликда бетакрор, лабларим ҳаракатини сўзсиз такрорловчи лабларини ҳали ҳаётимда ҳеч қачон ҳис қилмаганман. Бироқ менинг бу истагим камдан кам ҳоллардагина рўй беради. Шу боис у юзимга юзини яқинлаштирганидан ҳайрон қолдим. Эдварднинг бўйнидан ушлаб олдим, қани кучли бўлганимда эди, уни ҳеч қачон қўйиб юбормасдим. Бир қўлини елкамдан ўтқизиб мени бағрига босди. Эдварднинг совуқ ҳарорати хатто кийими устидан ҳам сезиларди, мен қалтирай бошладим - баҳт ва роҳатдан албатта...

Мен бу ҳолат уч сониядан ортиқ давом этмаслигини ва у чуқур нафас олиб ўзини тортишини, яна менинг ҳаётимни ҳавфга қўйганимиз бугунги ҳисобдан ошганини айтишини билардим. Сўнги лаҳзани бой бермаслик учун уни маҳкам кучокладим. Эдвард менда ўзини холос этди, мен бор кучимни ишлатганимни сезмади ҳам шекилли. Унинг кўзларида ўзи жиловлаб турган эҳтирослари порларди.

— Эҳ, Белла... хўрсинди у. - Кечирим сўрардиму, лекин ўзимни айбдор деб ҳисобламайман.

— Сен ўзингни айбдор ҳисобламаслигингда мен ўзимни айбдор деб биламан. Яхшиси каравотда ўтираман.

Бошим бироз айланди.

— Майли, хоҳишинг...

Мен компьютерга ўгирилдим, у аллақачон юкланиб овоз чиқаришни бошлаган эди.

— Ойингга саломимни етказ, - деди Эдвард.

— Албатта.

Ойимдан келган хабарни иккинчи бор уқиётган бўлсамда хайратда эдим. Ойим таваккалига иш кўришни хуш кўради, кўрқадиган ишга қўл уриб бўлганидагина қўрқиши эсига тушади.

Мана у баландликдан қўрқади, бу эса ўргатувчи унга парашютни боғлаб бўлганидан сўнгина эсига келибди. Фил ойимга уйланганига икки йил бўлган бўлса ҳам, ҳанузгача унинг хоҳишига қарши чиқмаслигига жаҳлим чиқди. Агар мен бўлганимда бунга асло йўл қўймас эдим, ахир ойимни феълини жуда яхши биламан. Умуман олганда ишларига энди аралашмайман, ахир қўлларидан ушлаб юролмайман-ку. Бир умр ойимни ҳар хил беъманиликлардан асраб келдим, гоҳида мулойимлик билан, гоҳида эса аврадим. Унинг хатоларидан сабоқ олдим, хуллас унга ўхшамасликка интилдим. Мен ойимдан фарқли ўлароқ маъсулиятли ва эҳтиёткорман. Ўзимни шундай тасаввур қиласман, тўғриси менга шундай туюлади.

Мен ҳали ҳам Эдвардинг бўсасини таъсирида эдим. Беихтиёр ойимнинг энг даҳшатли хатосини эсладим: эҳтиросга тўла, тентакгина қизалок мактабни тугатиши биланоқ ҳали яхши билмаган одамига турмушга чиқди. Бир йилдан сўнг эса мен дунёга келдим. Ойим ҳамиша ҳаётининг энг яхши тухфаси эканимни, у бундан сира афсусланмаслигини ва ақлли одамлар аввал ўкиб, ўз мавқеига эришиб ундан сўнг оилавий ҳаёт ҳақида ўйлайдилар дея таъкидлар эди.

Ойим мени унга ўхшаган енгил табиат, бекарор эмаслигимни билади. Тишимни қисиб ойимга жавоб хати ёзиш учун фикримни жамлашга уриндим. Ойимнинг хатини охирини ўқиб туриб нима учун олдинроқ жавоб ёзмаганим ёдимга тушди. "Жейкоб ҳақида кўпдан бери гапирмай қўйдинг, у ҳозирда нималар билан шуғулланяпти, " - ойим шундай ёзган эди. Бир хўрсиниб жавоб ёзишга тушдим. "Менимча Жейкобнинг ишлари жойида, биз кам кўришляпмиз: у деярли ҳамма вақтини Ла-Пушдаги дўстлари билан ўтказяпти. "Ним табассум билан Эдвардинг саломини ҳам қўшиб ёздимда хатни жўнатиб юбордим. Компьютерни ўчириб ўрнимдан туриш учун ўриндиқни ортга сурганимдагина ортимда Эдвард мени пойлаб турганини сезиб қолдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Унга дакки бериш мақсадида қарадим, лекин у менга зиғирча ҳам аҳамият бермай жим туарди. Эдвард ҳар тарафидан симлари чиқиб ётган қора ва силлиқ қутига диққат билан тикилиб турар эди. Кўриниб турибдики бу матохга нимадир бўлган. Ҳа бу ахир ўтган йилги туғилган кунимга Эмметт, Розали ва Жасперлар совға қилган автомагнитола-ку. Бутунлай унутган эканман, яшириб қўйган жойимда чанг босиб кетибди.

— Яна қандай шумлик қилмоқчисан бу бечора билан? - Эдвард даҳшатли овозда қизиқиб сўради.

— Жойидан олишнинг иложи бўлмади.

— Аҳа кейин сен куч ишлатдинг. Шундайми?

— Менинг эҳтиётсизлигимни ўзинг яхши биласан.

Бехосдан Эдвард маъюс бош чайкаб:

— Сен уни ўлдирибсан, - деди.

Елкамни қисиб: - Борим шу, - дедим.

— Болалар билса хафа бўлишади, отанг сени ҳеч қаерга чиқармагани омадинг. Улар буни сезиб қолмасларидан ўрнига янгисини қўйиб қўяман.

— Раҳмат, менга бунақа шохона буюмнинг зарурати йўқ.

— Буни сени деб қилмаяпман.

Мен хўрсиндим.

— Ўтган йилги туғилган кунингдаги совғалар, сенга унчалик керак бўлмаган, - деди Эдвард.

Кутилмаганда Эдварднинг қўлида қатламли қоғоз пайдо бўлди, у бу қоғоздан елпифич сифатида фойдаланаётган эди. Мен овозим титраб чиқишидан қўрқиб жим туравердим.

Менинг ўн саккиз ёшга киришимни қандай нишонлаганимиз ва унинг даҳшатли якуни, буларнинг ҳеч бирини эслашни ҳам истамайман. Шуни билса ҳам Эдвард нега буни эслаб қолди, ахир у мендан кўп азобланади-ку.

— Муддати ўтиб кетишини унутиб қўймадингми? - қўлидаги қоғозга ишора қилди Эдвард.

Яна битта туғилган кун совғаси, Карлайл ва Эсми Флоридага бориб ойимни кўриб келишим учун совға қилишган эди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен чуқур нафас олдимда ҳиссиз овозда, - Умуман олганда, мен бу ҳақда бутунлай унутибман, - дедим.

Эдвардинг чехрасида мамнуният пайдо бўлди.

— Ҳали вақтимиз бор, отанг сени озод қилди, дам олиш кунлари ҳам бўшмиз, мен билан рақс кечасига боришдан бош тортсанг, улгурамиз! Нега энди сенинг озодлигингни Флоридага бориб нишонламаслигимиз керак?

— Флоридага? - нафасим ичимга тушиб кетди.

— Ахир ўзинг қаерда бўлса ҳам майли фақат АҚШ сарҳадларидан чиқиб кетмасам бўлди деган эдинг-ку. - деди Эдвард.

Мен чимирлаган қошларим остидан "у нега кутилмаганда бунда қиляпти" дея Эдвардга гумон билан қараб қолдим.

— Шундай қилиб ойинг билан кўришишни истайсанми ёки йўк?

Эдвард ўз ҳолимга қўймай сўради.

— Дадам икки дунёда ҳам руҳсат бермайди.

— Ойинг билан кўришишингга қаршилик қилолмайди, ойинг ҳали ҳам сенинг асосий бокувчинг ҳисобланади.

— Менинг бокувчим йўқ, мен балоғатга етганман.

Эдвард кўзни қамаштирадиган даражада кулиб: худди шундай - деди. Бироз ўйланиб уйинга ўт қўйиб бўлмайди деган қарорга келдим. Дадам бўлаклаб ташлайди. Ойимни кўришга бораётганим учун эмас, балки Эдвард билан кетаётганим учун. Узоқ вақт мен билан гаплашмайди ва яна уй қамоғига ҳукм қиласди. Яхшиси бирор хафтадан кейин, битирув оқшоми совғаси сифатида руҳсат оламан.

Лекин ойимни жуда-жуда кўргим келяпти, кейин эмас ҳозирок. Ахир уни қўрмаганимга кўп вақт бўлди. Уни энг омадсиз вақтимда кўрган эдим. Охирги марта Финиксга борганимда касалхона каравотида ялпайиб ётдим. Ойим Форксга келганида эса мен бедаводек эдим.

Ойимни бундай хотиралар билан қолдириб кетолмайман. Агар у мени Эдвард билан хурсандлигимни кўрса дадамга бизни ўз ҳолимизга қўйиши кераклигини айтар, балки.

Шуларни ўйлар эканман, Эдвард менга синчковлик билан қараб турар эди. Мен хўрсиндим.

— Бу ҳафтада эмас.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Нега?

— Дадам билан тортишишни истамайман, ахир у мени эндиғина кечирди.

Эдвардинг ковоғи уюлди.

— Менинг фикрим эса, шу ҳафта айни муддао бўларди.

Бошимни чайқадим. - кейинги сафар.

— Умуман олганда, уйдан чиқиши таъқиқланган ёлғиз сен эмассан, - ковоғини ўйиб менга қаради, бу ерда бир гап бор. Эдвард ҳеч қачон шахсий қизиқишлигини ўйламайди ва бу билан мени эркалатиб юборган.

— Сени қамаб қўйишимаган-ку, - дедим.

— Сенсиз менга ҳеч нарсанинг қизиги йўқ.

Қўзларимни ўйнатиб, - Ошириб юбормадингми!, - дедим.

— Ҳазиллашмадим.

— Кел яххиси, шошилмаймиз хўпми? Ундан кўра Порт-Анжелесга бориб фильм томоша қилиб келмаймизми...

Эдвард жимиб қолди.

— Хўп яхши, бу мавзуга кейинроқ қайтамиз.

— Суҳбат аллақачон тугади. - енгилишни истамадим.

У елкасини қисди.

— Унда мавзууни ўзгартирамиз, - дедим, тушлик вактидаги ходиса ёдимга тушиб. - бугун

Элис нимани кўрди? - дедим. Эдвардга қараб унинг юзидан ҳеч қандай ўзгаришни пайқамадим, факат унинг тилларанг кўзлари сезилар сезилмас қора тусга кирди.

— У Жасперни нотаниш жойда кўрди: балки, жануби-ғарбдадир, унинг собиқ оиласи яқинида. Лекин Жаспер у ерга умуман қайтмоқчи эмас.

Эдвард хўрсинди. - Элис шунга ҳавотирланди.

— Тушунарли, ана холос мен эса ҳар хил қўркинчли нарсаларни ўйлаб юрибман.

Бўлмасамчи Элис Жаспернинг келажагини олдиндан кўриши тайин, ахир у Элиснинг иккинчи бўлаги-ку. Розали ва Эммиттга ўхшаб ҳислари оташини ошкор қилишмаса ҳам.

— Нега шуни аввалроқ айтмадинг?

— Эътиборингни шунга каратгансан деб ўйламагандим.

Менинг тасаввурга бой оламим билан, энг оддий кунни ҳам дахшатга айлантиридим, Эдвард мендан ниманидир яширяпти деб гумон қилибман-а. Даволанишим керак!

Дадамнинг ишдан эрта қайтиши мумкинлигини ҳисобга олиб биринчи қаватга тушдик ва дарс тайёрлай бошладик. Эдвард бир неча дақиқада тугатди, мен эса то кечки овқат тайёрлаш вақтигача ҳам тугатолмадим. Эдвард ошхонада ора-орада менга ёрдамлашиб турди. Унинг юзи вақти-вақти билан буришиб кетарди, одамлар ейдиган овқат уни бироз бехузур қилар эди. Мен Свон бувимнинг қўлланмаси бўйича бефстроган тайёрладим. Ўзим унчалик хушламайман, лекин дадамга ёқади. Дадам ишдан ҳуш кайфиятда қайтди, хатто Эдвардга унча қўполлик қилмади ҳам. Одатдагидай Эдвард биз билан овқатланмаслик учун узр сўради. Мехмон

хонадаги телевизор ишга тушди, лекин Эдвард кечги янгиликларни кўрмаслиги аниқ. Ҳеч бир қийинчиликсиз уч марта овқатланган дадам ёнидаги бўш стулга оёғини узатиб, қаппайган қорнини силади.

— Раҳмат Белла, жуда мазали!

— Сизга ёкканидан хурсандман, ишда нима гап? - дадамни иштахасини кўриб уни гап билан чалғитишни истамадим.

— Жимжитлик деса ҳам бўлади. Биз Марк билан куннинг катта қисмини карта ташаш билан ўтказдик, чуқур хўрсиниб тин олди. Мен 26 партиянинг 19 тасида Маркни мағлуб этдим, кейин эса Билли амакинг билан телефонда гаплашдим. Мен юз ифодамни ўзгартирмасликка ҳаракат қилиб, - хўш, ишлари яхши эканми? - деб сўрадим.

— Бўлади, фақат бўғимлари оғриб бироз безовта қилаётган экан.

— Шўрлик, - дедим ачиниб.

— Ҳа, Билли бизни якшанба кунига меҳмонга чақирди.

Клируотерлар ва Улейсларни ҳам чақирмоқчи.

Ҳа, бу гапга бир нима дейиш қийин, нима ҳам дея олардим? Бўритуслар йиғилган жойга хатто дадамнинг назорати остида ҳам боришимга Эдвард руҳсат бермайди, қизиқ у дадам билан Ла-Пушга боришимга қаршилик қилармикан? Ёки дадам оддий одам бўлган

Билли амаки билан вақтининг кўп қисмини ўтказаётгани учун хатар йўқ деб ҳисоблармикан?

Дадамга карамасдан стулдан турдимда, столни йигиштира бошладим. Идишларни ювишни бошлишим билан Эдвард қўлида идиш артиш учун сочиқ билан пайдо бўлди. У ҳеч бир гап сўзсиз қовоғи солиқ ҳолда мен ювган идишларни сочиқ билан артиб қурита бошлади.

Дадам хўрсинди ва гаплашишни тўхтатди, бироз муддатга албатта ёлғиз қолишимиз билан яна шу мавзуга қайтади. Дадам жойидан оғир қўзгалиб телевизор кўришга кетаётганида

Эдвард уни чақирди:

— Чарли.

Дадам кичкинагина ошхонамиз ўртасида тўхтади.

— Нима?

— Белла сизга туғилган кунига ота-онамнинг совғаси ҳақида айтганмиди? У бориб ойисини кўриб келиши учун авиачипталарини совға қилишган эди.

Бу гапни эшишиб қўлимдаги юваётган ликопчани тушириб юбордим, у стол устидан думалаб ерга тушди, хонага ва ҳаммамизга кўпик сачраб кетди. Буни дадам хатто сезмади ҳам.

— Белла? - ҳайратланиб деди у.

Мен ликопчани олиш учун энгашдим ва кўзларимни яшириб жавоб бердим.

— Ҳа, совға қилишган эди. Дадам овоз чиқариб ютинди ва нигоҳини Эдвардга каратди.

— Йўқ, айтмади.

— Ҳмм, - ғудранди Эдвард.

— Сен нега сўрайпсан? Эдвард елка қисди.

— Агар Белла чиптадан фойдаланмаса муддати ўтиб кетадими деб қўрқаман. Ойим гапиришга-ку гапирмайди, лекин хафа бўлиши аниқ... мен ҳайратланиб Эдвардга қарадим.

— Белла ойингни кўришга боришинг керак эди, у хурсанд бўлади. Бу ҳақида менга айтмаганинг жуда ғалати.

— Унитибман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Сенга совға қилинган чипталарни унитдингми? - дадам кесатди.

— Ҳмм, - ноаниқ жавоб бердим ва раковинага ўгирилиб олдим.

— Эдвард сен чипталар дедингми? Ота-онанг Беллага нечта чипта совға қилишган эди?

— Биттаси Белла учун... ва биттаси мен учун.

Бу гал ликопча қўлимдан сирғалиб ҳеч бир овозсиз раковинага тушди, дадамнинг нафас олиши менга яққол эшитилиб турад эди. Уят ва ғазабдан танамдаги қон қўлим ва юзимга урилди. Мен ғазаб ва қўркувдан титрай бошладим. Эдвард нега шу гапни гапирди?

— Бу ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас! - дадам кутилмагандага кутуриб кетди.

— Нега? - Эдвард беозоргина, ҳайратли овозда қизиқиб сўради.

— Ахир ҳозиргина ўзингиз Беллага ойингни кўришга боришинг керак дедингиз-ку.

Унинг гаплари дадамни қулоқлари остидан ўтиб кетди.

— Сен у билан ҳеч қаерга бормайсан! - қичқирди у.

Тез дадамга қараб унинг жаҳл билан менга каратилган бармоғини кўрдим. Унинг бундай муносабати мени қуюшқондан чиқарди.

— Дада мен ёш бола эмасман ва уйдан чиқишимга руҳсат берганингизни унутмагансиз деб умид қиласман.

— Шу вақтдан бошлаб эса таъқиқлайман!

— Нима учун?

— Мен айтганим учун.

— Дада, мен қонунан балоғатга етганим эсингиздами?

— Бу уй менини ва сен менинг қонунларимга бўйсинасан!

Мен унга совуқ нигоҳимни қададим.

— Ундей бўлса... ҳозироқ кетайми ёки нарсаларимни йиғиширишимга бир неча кун вақт берасизми? Дадам қотиб қолди. Унга кетишимни айтиб пўписа қилишга қандай ҳаддим сиғди.

Чуқур нафас олдим ва иложи борича босиқлик билан апиришга харакат қилдим.

— Дада, қилган хатоларим учун жазолашингизга қарши эмасман, бироқ сизнинг қилиқларизга чидашга мажбур эмасман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Дадам бир хиққиллаб тупурди, лекин бошқа гапирмади.

— Ўзингиз яхши биласиз, ойимни дам олиш кунлари бориб кўришга бутунлай ҳақлиман.

Тан олинг, Элис ёки Анжела билан борсам қаршилик қилиш хаёлизга ҳам келмас эди, шундайми?

— Улар ахир қизлар-ку!

— Жейкобга ҳам қаршилик қиласмидингиз?

Жейкни танлашимни сабаби, дадамнинг унга бўлган муносабатини билардим, лекин шу захотиёқ бу исмни тилга олганимдан афсусландим. Эдвард шунчалар тишландики, тишларидан қарсилаган овоз чиқди.

Дадам ўзини қўлга олишга уринди.

— Барибир бу ҳам менга ёқмаган бўларди.

— Дада, сиз умуман ёлғонни эплолмайсиз.

— Белла.

— Дада мен Лас-Вегасга раккосалик қилишга эмас, ойим билан кўришишга кетяпман!

Унинг ҳам оналик ҳуқуқи бор. Ёки у менга қаролмайди деб хисоблайсизми?

Дадам менинг очиқдан очиқ қилган пўписамдан чўчиdi.

— Унга шу гапларни айтишимни бир тасаввур қилиб кўринг-а!

— Ойинга айтишни ҳаёлинга ҳам келтирма, - огоҳлантириди у. -
Белла бу менга мутлақо ёқмаяпти.

— Дада, буни ҳавотирли ери йўқ.

Дадам мендан кўзини олиб қочди, лекин мен аллақачон бўрон тинганини англаб етдим ва ўгирилиб раковинанинг қопқоқласини суғуриб олдим.

— Дарсларимни тайёрладим, сиз овқатландиз, идишлар ювилди ва мен бўшман. Сайрга чиқаман, ўн бир яримларда уйга қайтаман.

— Буни қандай тушуниш керак?

— Белла ойингни соғинганингни биламан, ухлаётганингда у ҳақида гапирдинг. Хатто унга қайғурдинг.

— Мен-а?

— Лекин сен даданг билан бу ҳақда гаплашишдан қўрқдинг, шунинг учун мен бош қўшдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Бош қўшдинг? Ҳа сен мени наханга ем қилаёздинг.
У кўзини олиб қочди.
- Менимча эса, сенга ҳеч қандай хатар ҳавф солмаётганди.
- Ахир дадам билан уришгим йўқ дегандимку сенга.
- Сени ким мажбур қилибди?

Унга қараб ўқрайдим, ундаги эҳтиросни кўрсам ўзимни бошқаролмай қоламан, ўспиринлик инстинктим миямга урилади.

Эдвард қиҚирлади.

- Бунга мени нима алоқам бор?

Унга ўйчан тикилиб қолдим. Эдвард бекарор шамолга рўпарадаги ойнадан қараб ўтиради.

Бу ерда бошқа мен тушунмайдиган гап бор, лекин айнан нима. Балки худди бугунгидек менинг жонли тасаввурим қўзғалгандир-а?

— Бу кутилмаган Флоридага бориши истаги Билли амакиникидаги меҳмондорчилик билан боғлиқ эмасми мободо?

— Асло. Сен бу ердами ёки ернинг бошқа бир нуқтасидами аҳамиятсиз, сен барибир у ерга бормасдинг.

Мана беш дақиқа аввал дадам билан бўлган ҳолат яна такрорланяпти, менга бебош ёш боладай муносабатда бўлишяпти. Қичқириб юбормаслик учун тилимни тишладим. Бир ками энди Эдвард билан уришишим қолувди.

Эдвард хўрсинди.

— Кел ундан кўра сенинг уйинга борайлик? Эсмини курмаганимга ҳам юз йил бўлди. У кулди.

— У хурсанд бўлади. Айниқса дам олиш кунига тузган режамизни эшитса шодланади.

Уйга мен ваъда берганимдай кеч қайтдик. Биз уйга етиб келганимизда чироқлар ҳамон ёниқ эди, албатта ахир дадам менга яна бироз қичқириши учун кутиб ўтирибди-ку.

— Уйга кирмаганинг маъқул, баттар бўлади, - дедим Эдвардга.

— Унинг ўй ҳаёлларини инобатга олсақ, даданг етарлича тинчланиб олган. - Эдвард мени масҳара қилди, у кулиб юбормаслик учун ўзини базўр тутиб туради. Лабидаги ним табассумни кўриб қандай ҳазилдан бехабар қолдим экан деб ўйлаб қолдим.

— Ҳозирча, - ўжарлик билан ғудрандим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

У кулиб юборди ва мени ўпиб қўйди.

— Даданг хуррак отишни бошлаганида қайтиб келаман.

Уйда телевизор бор овозда жаранглаб тураг эди. Қандай қилиб дадамга сездирмай ўтиб кетишини ўйлаб бироз эсанкираб қолдим.

— Белла, бир дақиқага ёнимга киргин, - режаларимни ҳавога учирив дадам мени чақириб қолди. Катта қадамлар билан 5 қадам ташлаб меҳмонхонага кирдим.

— Нима, дада?

— Хўш, оқшоминг қандай ўтди? - ҳижолатланиб сўради дадам.

Мен саволга яширинган мантиқни топишга уриндим.

— Яхши, - ниҳоят иккиланиб жавоб бердим.

— Нима билан шуғулландинглар?

Елкамни қисдим.

— Элис ва Жаспер билан ўтирдик. Эдвард Элисни шаҳматда енгди, кейин мен Жаспер билан ўйнадим, у ғолиб бўлди.

Мен жилмайдим. Эдвард билан Элиснинг шаҳмат ўйнаётганларини кузатишдан завклироқ нарсанинг ўзи йўқ. Элис олдиндан кўра олади, Эдвард эса унинг фикрларини ўкийди. Тахтадан кўз узмасдан бир-бирларини ҳаракатларини олдиндан билиб олишади. Ўйиннинг асосий қисмини улар онгларида олиб боришади, менимча уларнинг ҳар бири пиёдалари билан атиги бир неча юриш қилишди холос. Элис ўзининг қиролини тахтадан олиб ташлади ва уйин уч дақиқада ниҳоясига етди.

Дадам ҳайратдан қотиб қолди - жуда қизиқ!

— Белла, сен билан гаплашиб олишим керак.

У уялиб ковоғини солди, мен жим ўтириб гапининг давомини кутдим. Дадам менинг нигоҳимга тутилди ва шу захотиёқ ҳеч бир сўз айтмай кўзларини ерга қадади.

— Дада, нима гап?

У хўрсинди.

— Мен буни унчалик эплолмайман, гапни нимадан бошлашни ҳам билмайман...

Мен кўтардим.

— Умуман, гап шундаки - дадам дивандан туриб қайсалик билан оеғи остига қараб мәхмонхонамизни қадами билан ўлчай бошлади.

— Эдвард билан муносабатларингиз жиддийга ўхшайди, сен баъзи нарсалардан сақланишни билишинг керак. Биламан катта бўлиб қолдинг, лекин ҳали ёшсан Белла, сен билишинг лозим бўлган муҳим нарсалар бор, қачонки сен... қачонки сенда яқинлик муносабати...

— Дада, Худо ҳаққи! - ибодат қилгандай чўқиндим.

— Менга жинсий алоқа ҳақида сўзлаб бериш ниятида эмассиз деб умид қиласман!

У ерга қараб қолди.

— Мен дадангман, сенга жавобгарман. Унутма сенга қанчалар ноқулай бўлса, бу ҳақда сўз очиш менга ҳам осон эмас.

— Наҳотки! Нима бўлганда ҳам сиз кеч қолдиз, хотиржам бўлишингиз мумкин, ойим бу ҳақда менга ўн йил аввал сўзлаб берган.

— Ўн йил аввал сен йигитлар билан дўстлашмас эдинг, - беихтиёр айтди у.

Бу сұхбатни тезроқ якунлашни истаётганини кўриб турардим, биз иккимиз ҳам хонанинг ўртасида бир-биrimизга орқа ўгириб турар эдик.

— Кошки шу вакт ичида нимадир ўзгарган бўлса, - шивирладим. Юзим худди дадамниkidай қизариб кетгандир, бу дўзахнинг еттинчи босқичидан ҳам ошиб кетди. Эдвард буни билиши эса ундан ҳам баттар.

— Шунчаки менга ўзингизни одоб доирасида тутаётганингизни айт, - дадам ер ёрилсаю ерга тушиб кетгудек бўлиб сўради.

— Дада куюнманг, ҳаммаси сиз ўйлаганчалик эмас!

— Белла, мени сенга ишонмайди деб ўйлама, ўзинг ҳам бу ҳақда мен гапиришни истамасдингқу, менга эса тафсилотлар текинга ҳам керак эмас. Замон ўзгарган буни тушунаман, нотўғри тушунчалардан йироқ бўлишга ҳаракат қиласман.

Мен уялиб жилмайдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Замон ўзгаргандир лекин Эдвард ўзгармади, у эски замон одамлигича қолди, ҳавотир олишингизга ҳожат йўқ.

Дадам хўрсинди.

— Эски замон одамларини биламиз, - ғудранди у.

— Жин урсин! - кескин гапирдим. - дада буни ўзингизга айтиш менга ёқмаяпти, ҳечам ёқмаяпти, лекин мен... мен ҳали ҳануз бокираман ва ҳозирча шундайлигимча қолмоқчиман.

Биз иккимиз ҳам ўйланиб қолдик, ниҳоят дадам ковоқ уюшни бас қилди. У менга ишонди шекилли!

— Хўш, шундай қилиб энди бориб ухласам ҳам бўлар.

— Яна бир дақиқа...

— дада, илтимос, сизга ёлвораман!

— Бошқа уялтирмайман. сўз бераман! - тинчлантириди у.

Мен секин дадамга зимдан қарадим ва севиндим. У анча босик ва мулоим тортганди. У диванга ўзини ташлади ва боя мен билан сухбатлашган "нозик" масала ёдидан чиққандек хотиржам кўринарди.

— Хўш, гапиринг,

— Мен шунчаки, дўстларинг ҳақида сўрамоқчи эдим...

— О, Барчаси зўр, мен Анжелага ҳафта оҳирида ўқиш ишларига кўмаклашишга ваъда бердим. Факат, ўзимиз қизлар.

— Бу яхши, Жейкоб яхши юрибдими?

Хўрсиниб кўйдим,

— Мен ҳали у билан гаплаша олмадим, дада.

— Уриниб кўр, Белла. У ахир сенинг энг яқин дўстингку, биламан, сен яхши одамсан.

Жуда соз. Демак, агарда мен Жейкоб билан алоқаларимни иситмасам, бундан чиқди, ёмон одам ҳисобланиб қоларканман-да?

Бу товонимга санчилган зирачадек ёқимсиз оғриқ берди.

— Албатта албатта, - кўндинг. Автоматдек икки марта жавоб берганимдан ўзимча тиржайдим - чунки мен аллақачон Жейкоб ҳақида режалаштириб қўйгандим. Мен Эдвард дадам билан қандай оҳангда гаплашса мен ҳам ўзимни шундай тутдим.

Дадам қорни тўйган қўзидек хотиржам тортиб телевизор овозини кўтарди. У ишдан сўнг толиққан бўлсада ҳозир жуда қониққандек бемалолхўжа бўлиб телевизор кўради. Мен бироз ҳаёл суриб қолдим, сўнгра қўзғалдим. Дадам ҳали ўйинни анча пайт кўрса керак.

— Ҳайрли тун, Белла.

— Эрталаб кўришгунча! - деб зинадан кўтариларканман қичқирдим.

Эдвард анчагача йўқ бўлиб кетди, то дадам мудрамугунча келмайди - қизик, Эдвард қаерда юрибди, экан-а, ов қиласяптимикан? Шу сабаб, ухлашга шошилмадим.

Мен ёлғиз қоладиган кайфиятда эмасдим, аммо, пастга тушиб дадам билан вақтичоғлик қилишниям истмасдим, албатта, тўсатдан дадам яна ўша "нозик" мавзудан гап очишини истамасдим; баданим хатто жимиirlаб кетди.

Дадамнинг шарофати билан анча ҳуркак бўлиб қолдим. Уй вазифаларим аллақачон бажарилган, мусика эшишишга ҳам хоҳиш йўқ. Мен ойимга қўнгироқ қилиб ташрифим ҳақида ҳабар бермоқчи бўлдим. Аммо, бизда Флоридадан уч соат фарқ қиласди, ойим аллақачон ухлаган бўлса керак деб, қўнгироқ қилмай қўя қолдим.

Мен яххиси Анжелага қўнгироқ қилмоқчи бўлдим.

Аммо тўсатдан Анжела билан гаплашгим келмаётганини, бошқа аллаким билан гаплашгим келаётганини ҳис қилдим. Аллаким билан...

Мен ойнадан зулматга қараб тирноғими тишлиб кимнидир ўйлардим. Ўз ички қарама- қаршиликларим ҳақида, фақат бир ҳаёл - қарор қабул қилиш ҳақида ўйлардим, энг яқин дўстим билан учрашиб энг яхши одамга айланайми ёки бу ишни қилмай Эдвардни хотиржам қилайми?

Таҳминан ўн дақиқа ўтди. Муҳим нарса ҳақида ўйлаб олмасам бўлмасдим. Эдвард барибир ҳавотирланади, аммо бу ҳавотирига арзимайди.

Телефон ёрдам бермайди; Жейкоб Эдвард қайтиб келганидан бери менинг қўнгироқларимга жавоб бермайди. Шунинг учун мени қўрганида жилмаядиган - ўша ёқимли табассумини кўргим келди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен унинг оғриқдан титраган юзидағи мудхиш хотираларни тарқатиб, яна кўнгил ҳаловатини қайтариб беришга қарор қилдим.

Мени атиги бир соат вақтим бор эди, холос. Мен Ла Пушга Эдвард уйда йўқлигимни тушуниб қолмагунча бориб, қайтишим керак эди. Бунданам қизиги дадам мени Эдвард билан эмаслигимни билганидаги башарасини кўриш эди. Буни билишни фақат битта йўли бор.

Мен курткамни эгнимга илиб, зинадан тушгунча қўлтиғимга қўлимни қисиб пастга тушдим.

Дадам ойинайи жаҳондан қўзини олиб, менга шубҳа аралаш қаради.

— Дада, Жейкоб билан кўришгани борсам қарши бўлмайсизми?
- товушимни пастгина қилиб. - Узок қолиб кетмайман.

Жейкобнинг исмини айтишим билан дадамнинг юзида табассум пайдо бўлди. У менга қилган узоқ маъruzаси бу қадар тез таъсир қилганидан ҳайратда эди - Албатта, болажоним.

Муаммо йўқ. Қанча хоҳласанг ўшанча меҳмон бўлаверишинг мумкин.

— Раҳмат, дада, - деб миннатдорона кўз қисиб қўйдим.

Хар қандай қочоқ каби мен ҳам ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишим даркорлиги сабаб, бир жойда қотиб турмасдан қоронғу зулматда тезгина илдамлаб машинамгача илдамладим. Мана машинам эшиги тутқичини тутдим.

Кўзларим қоронғуликка ўрганиб бўлгач, калитни ўт олдиргичга тиқдим ва куч билан бурадим, аммо мотор ожизона ғириллаб ўчиб қолаверди. Мен яна ва яна уриниб кўрсам ҳам, барибир ўша ахвол эди.

Кутилмаганда енгил жимирилашдан титраб, ёнбошимга қараб чўчиб тушдим.

— Вой! - Машинада ёлғиз эмаслигимдан қўрқиб кетдим.

Эдвард қора зулмат ичида оқ нурдек жимирилаб туарди, қўлида аллақандай қора нарса бор эди. У қўлидаги буюмни ўйнаганча секин гапирди.

— Элис қўнфироқ қилганди, - деди аста овозда.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Элис! Шайтонча! Мен унинг келажакни кўра билиш истеъдодини унутаёзибман.

— У сенинг келажакдаги ҳаётингни беш дақиқа олдин кўриб менга дарак берди.

Кўзларим ҳайратдан янада катталашиб кетди.

— Сабаби, у турланувчиларни кўра олмайди, - сокин овозда тушунтириди у. - Унутдингми?

Сен уларнинг ошёнига йўл олишга ахд қилишинг билан келажагинг ўзгариб сен ҳам улардек

Элисга кўринмай қолгандинг. Сен мени жуда осон ҳавотирга кўйишишингни биласанми? Элис сени ғойиб бўлишишингни кўргач, ундан кейинги қисматинг - сен уйингга қайтиб келасанми ёки қайтмайсанми, уни ҳам айттолмайди. Энди худди улар каби мажхуллик оламига мансуб бўлиб қолгандинг. Биз уларнинг нега бундайлигини билмаймиз, Гўё улар табиатан бизнинг назаримиздан сирли ҳимоя билан туғилишса керак. - у ўзи билан ўзи гапиради – Уларнинг фикри ҳаёлларини ўқиш менга у қадар қийин эмас, Блэкларнинг ўй-фикринику айтмасам ҳам бўлади. Аммо Карлайл уларнинг ривожланиш занжирини текшириб кўриб, улар тусланиши

сабаб ўзларининг муқим келажакларида мавжуд бўла лмаслигини аниқлади.

Мен унинг мушоҳадаларини ўлиқдек жим ўтириб эшитиб ўтирадим.

— Эрталаб машинангни олиб кетаман, мактабга бораётганингда қайтариб олиб келаман, - деди у.

Аразлаганча лабимни буриб калитимни ташлаб машинадан тушдим.

— Деразангни ёпиб ёт, майли мен бу кеча келмайман. Сени тушуниб турибман, - шивирлади у мен эшикни қарсиллатиб ёпаётганимда.

Мен уй эшигини ҳам худди шундай қарсиллатиб очиб кирдим.

— Не бўлди? - дадамнинг овози ошхонадан келди.

— Машина ўт олмади, - минғилладим аста.

— Хоҳласанг, тешириб кўраман?

— Йўқ. Эртага уриниб кўрарман.

— Балким, мени машинамда борарсан?

Мен ўзимни полиция жип машинасида кетиб бораётганимни тасаввур қилиб ҳеч қаёққа боришни истамай қолдим. Хозир мен Лапушга қанчалик боргим келмаётган бўлса, дадам шу қадар боришимни истарди.

— Йўқ, мен толикдим. Ҳайрли тун.

Мен аразлаганча зинадан кўтарилиб, хонам эшигини ортимдан гурсиллатиб ёпдим.

Эшигимнинг қора ойналари анчагача зарбдан титраб қимиirlаб турди. Мен эшигимга узоқ тикилиб қолдим. Кейин чуқур нафас олдим-да, деразамни охиригача ланг очиб қўйдим.

III боб. Баҳона

Офтоб булутлар ортига беркингач анча вақтга атроф тим бўлиб турди. Узок парвоз давомида ғарбга қараб офтоб билан бирга учганимиздан у ҳануз кўқдами ёки уфққа бош қўйдими, аниқ вақтни ҳис этиб бўлмасди. Ўрмонлар бошланиб кейин тугаб, аҳарчамизнинг

биринчи биноси кўзга ташлананида ва ниҳоят уйга айтганимизни тушундим.

— Сен жим бўлиб қолдинг, - сезди Эдвард. - Самолётда ўзингни ноҳуш сездингми?

— Йўқ, ҳаммаси жойида.

— У ердан кетганимизга хафа бўлдингми?

— Буни кўпроқ қайғудан ҳалос бўлинишдаги енгиллик, деб ўйлайман.

Менга қараб қўяркан, битта қоши бироз кўтарилиди. Мана шу қиёфасида у кўпроқ менинг ташвишларим ҳақида кўпроқ қайғурарди. Хозир ҳам нималар ҳақида ўйларди.

— Баъзи бир берган саволларидан сўнг дадангдан ҳам кўпроқ ойингдан кўпроқ ҳайиқиб қолдим. У мени шошилтириб ташлади.

Эдвард кулди:

— Сенинг ойингнинг онги ёш болаларникidek, аммо катталарникига қараганда анча сезгирроқ. Ойинг бошқаларга

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ўхшамас, кўпчилик эътибор бермайдиган митти жиҳатларга ҳам эътибор бераркан.

Сезгир. Бу ойимга нисбатан ажойиб ўхшатиш бўлди. Шахсий хаётидан сира тиним билмас бу аёл мен келганимда барча мушларини йиғиштириб бор эътиборини менга қаратди.

Ўгай дадам спорт дарслари билан бандлиги сабаб, ойим буткул биз билан овора бўлди.

Бошланишга ойим Эдварддаги кучли талпиниш ва қудратли эътиборни ҳис қилгач анчагача кўнига олмади. Хатто аёллик ички сезгисига инониб бироз ҳавотирланди.

Тонгда ойим мен билан соҳил бўйига сайдаги чиқишига қарор қилиб қолди. Эдвард ҳам негадир муҳим ҳисбот ишларим бор, деб уйда қоладиган бўлди. Шу сабаб ойим иккимиз денгизни томоша қилишга ёлғиз жўнадик.

Ҳозир мен ўша сухбатни эсладим...

Ойим билан денгиз бўйида анча пайт сайдаги қилиб юрарканмиз, ҳали тушликка вакт бўлсада хаво ҳаддан ташқари қизиб кетди.

Иккимиз палмалар соясига беркиндиқ. Мен гапира олмасдим. Фақат нафас олиб. Нафас чиқаардим.

— Белла? - ниҳоят ойим денгиз тўлқинлари мавжланаётган кумлоққа қараб ўтиришдан тўхтаб менга қаради.

— Нима гап, ойи?

Ойим мени кўзларимга тик қарамай чуқур ҳўрсиниб қўйди.

— Мен ҳавотир оляпман...

— Нимага унақа деяпсиз? - талмовсираб қолдим. — Сизга бирор нарса бўлдими?

— Менга ҳеч нима қилмади, - ойим бошини сарак-сарак қилди. - Мен сендан ва... Эдварддан ташвишланаяпман.

Севгилиминг исмини айтганида ойим менга қаради ва унинг кўзида мулзамлик қиёфаси акс этди.

— Эҳ, - деб ҳўрсиниб қўйдим мен ва ёнимиздан ўтиб кетган икки жуфтликка, кейин югуриб ўтган спортчиларга қараб қолдим.

— Сизларнинг муносабатларингиз мен ўйлаганданда кўра чуқурроққа ўхшайди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен ҳўмрайдим. Ва оҳирги икки-уч кунда бўлиб ўтган воқеаларни хотирамга келтириб шуни эсладимки, биз Эдвард билан шу қадар оғиз-бурун ўпишдикми, энди ойим ҳам дадам

каби маъсулият ҳақида маъруза ўқимаса гўрга эди. Чунки оҳирги ўн йил давомида ойимнинг бироз ўнгайсиз феъл-атвори сабаб одатда мен унга ақл ўргатардим.

— Аллақандай ришта бор... жуда ғалати, - минғиллади ойим ва пешонаси ва кўзлари четида майда ажинлар кўриниб кетди: - Қанақадир севгидан ҳам ўзгача, гўё бутун дунёдан сени асраб қолишига урингудек қалқондек бир ҳиссиёт бор.

Мен унинг кўзларига ортиқ қарамаслик учун куливордим.

— Нима бу ёмонми?

— Йўқ, - ойим сўз танлашда чалкашиб, тўнғиллади. -

...Ўртангизда ростанам қанақадир анча мураккаб бир сир борки, нафақат мендан, балки бутун дунёдан яшираётгандекизлар.

— Менимча, анчайин ошириб юбордингиз, бу шунчаки сизнинг оналиқ ра什кингиз холос, — иложи борича енгил овозда жилмайиб, аммо қорнимда титроқ турди: Эх, Ҳудо баъзан ойимнинг нақадар теран ўй суришларни унутиб қўярдим ва ёлғон гапирадим. Ва ойим ўта соддалиқ билан гапларимдан мени фош этарди. Ҳа, у пайтлар ёш бола бўлганман, ва беғубор ёлғончалар эди. Аммо ҳозир менда анчайин жиддий сир яширин. Буни хатто ўз ойимдан ҳам пинҳон тутишга мажбур эдим.

— Бундай эмас, - ойим айёrona нигоҳини мендан узмай. - Мен сени фақат унинг сояси бўлиб қолишингни истамайман...

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Сизлар гўё оҳанрабога ўхшайсизлар... - ниҳоят ойим менга қарамай гапира кетди. - Сизлар қарама қарши қутблардек бир-бирларингизни тортасизлар. Қанчалик яқинлашсангиз шу қадар кучлироқ тортиласизлар. Гўё Ерга тортилган Ой каби. Фақат эсингда тут, оҳанрабони тескари тарафи бор, Ойнинг ҳам қоронғу тарафи бор.

Ойим лабини тишлиб, кўзини қисиб қўйди.

— Фақат менга, яна мистика китоблар ўқияпман, деб айтманг, - дедим тиржайиб, - Ё бу сафар илмий фантастиками?

Ойим қизириб жилмайды.

— Буни бу гапга алоқаси йўқ.

— Бирор қизикроқ нарса топдингизми?

— Хўш, нимадир топгандирман, Аммо ҳозир сен ҳақингда гаплашяпмиз, ахир.

Мен уни чалғитиш учун яна нималардир деб алжирадим, аммо ойимнинг зукко нигоҳи барибир мендан нақадар ҳавотир оларди.

— Токи сиздаги бу олазираклик барҳам топмас экан, романлар ҳам ўқишингиз керак, - деб ҳазиллашсам у хафа бўлди:

— Наҳотки шу қадар калта фикрласам?

— Йўқ, сиз олазарак эмассиз шунчаки менинг севимли ойижонимсиз.

Ойим бу гапидан мамнун тортиб мовий денгиз ва қумларга қараб кулди:

— Ана кўрдингими, севимли ойижонингни кўриш учун қанча кўп баҳоналар бор?

Мени ёноғимдаги кўз ёшимни секин артиб олдим.

— Намгарчиликка кўнишиб қолибсан, - деди ойим.

— Сиз ҳам кўниксангиз яхши бўларди, - дедим ҳазиллашиб.

Ойим меҳр билан иягимни чимчилаб қўйди-да қўлимдан ушлаб иккимиз уйга йўл олдик.

Агарда мен ҳақимда қайғуришини ҳисобга олмаса, ойим ўгай дадам Фил билан жудабахтли ва осуда эди. Чунки Флоридага кўчганидан икки йил ўтган бўлса тобора ойим кўпроқ ёшариб борарди, демак ойимдан ортиқ ҳавотир олмасдан беғам бўлсам бўларди.

Эдварднинг музли бармоғи ёноғимга текканида реал оламимга қайтдим. У лаблари билан пешонамдан ўпди:

— Эй, Уйқудаги малика, уйга етиб келдик, уйғониш вақти бўлди...

Айвон чироқлари ёниқ, йўлакда эса дадамнинг патруль машинаси туради. Уйни зимданкузатар эканман, мен меҳмонхона дарпардаси тебраниб ичкаридан чироқ нурини қоронғуликга тушган шулъасини пайқадим. Чуқур нафас олдим: Дадам пойлоқчилик қилаётгани турган гап.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Эдвард ҳам шу ҳақида ўйлаётган бўлса керак, у менга эшикни очаётганида безовталигикўриниб турарди.

— Унинг роса жаҳли чиққанми? - сўрадим.

— Даданг билан муаммо бўлмайди, - Эдвард ҳеч бир ҳазилсиз, равон оҳангда ваъда берди.

— У сени жуда соғинган!

Бу ғалати. Агар шундай бўлса нега Эдварднинг қўриниши жангга шайлангандай?

Сумкам кичкиналигига карамай Эдвард уни уйга ўзи олиб киришга қарор қилди. Дадам бизучун эшикни ушлаб турди.

— Уйга хуш келибсан, миттивой! - деди дадам очик чехра билан.

— Жексонвиллида аҳволлар қандай?

— Намгарчилик. Шифобахш гиёҳлар тиқилиб ётибди.

— Демак, ойинг сени Флорида университетига ўқишга киришга кўндиrolмабди-да.

— Ҳаракат қилди. Лекин мен сувда нафас олишдан кўра уни ичишни афзал кўраман.

Дадам нигоҳини хоҳламайгина Эдвардга қаратди.

— Сенчи, вақтинг қандай ўтди?

— Яхши, совуққина жавоб берди Эдвард.

— Рене жудаям меҳмондўст экан.

— Ҳа яхши, сен учун хурсандман. Дадам Эдвардан кўз узиб кутилмаганда мени бағригабосди.

— Эсдан оғиши мумкин! - қулоғига аста шивирладим.

— Белла сени жуда соғиндим, бу уйда сенсиз очдан ўлиш ҳеч гап эмас.

— Буни ҳозир ўзим ҳал қиласман! - дадам мени қучоғидан бўшатиши билан сўз бердим.

— Балки, олдин Жейкка кўнғироқ қиласан? У эталаб соат 6: 00 дан бошлиб ҳар бешдақиқада сени сўраб кўнғироқ қилди. Мен унга келган захотинг кўнғироқ қилишингни айтиб ваъда бериб қўйдим.

Мени Эдвардга қарашимга ҳам ҳожат қолмади: унинг асаби таранглашганини шусиз ҳам сездим. Унинг асабийлиги сабабини энди тушундим!

— Жейк мен билан гаплашмоқчи эканми?

— Бор кучини шунга қаратган деган бўлардим, у менга ҳеч нима демади. Фақат муҳимгаплигини таъкидлади.

Дадам гапини тугатиши билан худди гўшакни кўтаришимизни буюраётгандай, талабқилаётгандай телефон асабий жиринглади.

— Гаров ўйнаб айтаманки бу Жейк, - ғудранди дадам.

— Ўзим жавоб бераман, - дадамга шундай дедимда ўзимни ошхонага урдим, Эдвардортимдан кирди, дадам эса меҳмонхонага равона бўлди. Гушакни қўлимда тутиб юзимни деворга буриб олдим.

— Алло.

— Қайтдингми? - деди Жейк.

Таниш хирилдоқ овоздан бутун танам жимиirlаб кетди.

Ҳаёлимни хотиралар қамраб олди, бари кўз ўнгимдан бирин-кетин ўта бошлади: тошли соҳил, дарахтга қадалган ўқлар, ғараз; хужрадаги эскириб кетган диван. Жейкни иситмалаганидаги қўлимда сезган кафтининг ҳарорати. Яраклаб турувчи тишлари, қорамтири юзидағи табассуми-у худди фақат қадрдон қалбларгина кириши мумкин бўлган маҳфий эшик.

У худди қадрдон қалбларгина кира олиши мумкин бўлган эшикнинг маҳфий қалитидек эди. Мени уйга бўлган соғинч ҳиссига ўхшаш ҳислар чулғаб олди. Энг оғир дамларимда менга юпанч бўлган одам ва жойни кўргим келди. Ютиниб қўйдимда

— Қайтдим, - дедим.

— Унда нега менга қўнғироқ қилмадинг? - унинг норози оҳанги мени эсанкиратиб қўйди. - Чунки мен уйга кирганимга роппа роса тўрт сония бўлди. Дадам қўнғироқ қилганингни ва сенга қўнғироқ қилишим кераклигини айтиётганида ўзинг қўнғироқ қилиб унинг гапини

— Ҳа, кечирасан.

— Ҳа, майли, нима гап дадамга тинчлик бермабсан? - Сен билан гаплашиб олишим керак. - Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим, қани гапир. Жейк жим бўлиб қолди.

— Эртага мактабга борасанми? - энсам қотди: бу қанақа аҳмоқона савол бўлди?

— Албатта, бораман. Нега бормас эканман?

— Ҳа, йўғ-а, ўзим шунчаки қизиқдим. Яна жимлик.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Жейк менда нима гапинг бор эди? - у бироз довдираң қолди.

— Умуман олганда ҳеч гап. Мен шунчаки... овозингни эшитгим келганди.

— Тушунарли. Жейк қўнғироқ қилганингдан жуда-жуда хурсандман.

Бошқа гап тополмаганим учун шундай дедим. Қани шартта Ла-Пушга боргим ва у билан

кўришгим келаётганини айта олсайдим, лекин айттолмасдим.

— Вақт бўлди, - кутилмаганда Жейкнинг сўз оҳангига ўзгарди.

— Нима?

— Кейинроқ қўнғироқ қиласман, хўпми?

— Лекин Жейк...

У аллақачон гўшакни қўйиб қўйганди, мен эса овсарга ўхшаб қисқа гудок товушини эшитиб турадим.

— Суҳбатимиз қисқа бўлди, - минғилладим.

— Ҳаммаси жойидами? - аста сўради Эдвард.

— Билмайман. Қизиқ, у нега қўнғироқ қилган экан?

Наҳотки Жейк бор йўғи мени эртага мактабга бориш бормаслигимни билиш учунгина кун бўйи дадамга тинчлик бермаган бўлса? Ёки шунчаки мени овозимни эшитгиси келганмикин, унда нега гўшакни бунчалар тез қўйиб қўйди?

— Бу фақат сенга аён, - деди Эдвард сезилар сезилмас жилмайиб.

Нима бўлса шу булар, мен Жейкни яхши биламан. Унинг моҳиятини англаш кўп меҳнат талаб этмайди.

Ўй ҳаёлларим бу ердан ўн беш миль нарида кезарди, токи дадам учун егулик тайёрлагунимча ҳаёлим Ла-Пушда бўлди. Эдвард ошхона столига ёнбошлаб олди, у мендан нигоҳини узмаётганини хис қилиб турадим. Жейкобнинг мактаб ҳақидаги саволи менга жумбокдек туюлди: у бор йўғи шуни сўради холос. Тахминимча у умуман бошқа саволга жавоб қутганди, акс ҳолда у бунчалик қўп қўнғироқ қилиб дадамни жонига тегмаган бўларди.

Лекин унга бунинг нима кераги бор?

Жейкнинг мактабга бориш бормаслигим билан нима иши бор?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бунга бошқача ёндашамиз. Айтайлик, эртага мактабга бормасам Жейк нима қилган бўларди? Кетишимдан олдин дадам менинг дарсларни кўп қолдириб юбораётганимдан норози бўлганди: биргина қолдирилган жума куни шаҳодатномамни булгаёлмаслигига аранг ишонтиридим. Бундай нарсалар Жейкни умуман безовта қилмайди.

Ҳеч нимага ақлим етмай қолди. Балки қандайдир муҳим тафсилотлар етишмаётгандир.

Сўнги уч кун ичида нима ўзгарган бўлиши мумкин? Жейк қўнғироқ қилишимни кутмай, тоқати етмай ўзи қўнғироқ қилишига мажбур қилган муҳим нарса нима экан? Нима бўлиши мумкин?

Мен ошхонамиз ўртасида туриб қолдим ва музлатилган гамбургерлар ўрамини беҳол қўлимдан тушириб юбордим. Бироқ улар ерга тушишга улгурмади, Эдвард тутиб қолди ва стол устига кўйди. Кейин мени қўли билан ушлаб қулоғимга,

— Нима бўлди? - деб аста шивирлади, мен ҳолсиз бош чайқадим. Уч кун ичида дунёдаги ҳамма нарсани ўзгартирса бўлади. Ахир ўзим ҳам яқиндагина коллежда ўқий олмаслигимни ўйлаётгандим. Менга мангаликни ҳадя қиласидиган ва абадий Эдвард билан бирга бўладидиган, уч кунлик оғриқли "айланишим"дан сўнг одамлар ёнида қола олмайман. "Айланганимдан" сўнг бир умрга ўз чанқоғимнинг асирасига айланаман.

Агар дадам Билли амакига уч кун йўқолиб қолганимни айтган бўлса-чи? У шошиб бирон қарор қабул қилмадимикин? Балки Жейк аслида илгариgidек одамлигимча қолдимми ёки йўқ, шуни билмоқчи бўлгандир.

Агар шундай бўлган тақдирда наҳотки Жейк мени шу ҳолатимда дадамни ёнига қайтади деб ўйласа?

Эдвард елкамга туртди.

— Белла?

— Ўйлашимча... таҳминимча, у текшириб кўрди, - ғудрандим мен. - У мени илгариgidай одамлигимга ишонч хосил қилмоқчи бўлган.

Эдвард тош котди ва хуштак аралаш нафас олди.

— Кетишимизга түғри келади, - шивирладим. - Токи ўрталарингдаги битим бузилмагунча биз бу ерга қайтолмаймиз.

Эдвард мени қаттиқ күчоклади.

— Биламан.

Дадам орқамиздан қаттик йўталиб қўйди. Мен чўчиб тушдим ва ўзимни Эдварднинг қучоғидан озод этдим.

— Агар пиширишни истамасанг пицца буюртма қиласиз, -
кесатди дадам.

— Майли, - деди дадам ва қўлларини қовуштириб мени кузата бошлади. Чуқур нафас олдим- да, менга томошабин нигоҳларга эътибор бермасликка уриниб ишга киришдим.

— Агар сендан бир иш қилишингни сўрасам, менга ишонасанми? - ҳавотирли овозда секин сўради Эдвард.

Биз мактабга етай деб қолдик. Ҳозиргина бегам, беташвиш ҳазил қилаётган Эдварднинг қўллари бирданига худди парчалаб ташлагудек бўлиб рулга ёпишиб қолди. У ҳавотирли кўринарди, худди олисдан келаётган овозларга қулоқ тутгандай. Юрагим қалқиб кетди, лекин мен эхтиёткорона жавоб бердим.

— Кандай ишлигига караб.

Биз мактаб авто қүйишиң жойига кирдик.

— Шундай дейишиңгдан күркәндим.

— Нима қилишим керак?

— Машинадан тушмаслигинг керак.

Эдвард машинани ҳар доимги жойига бурди ва моторни учирди.

— Ўзим келиб олиб кетмагунимча, мени шу ерда кут.

— Лекин... нега?

Шундагина мен уни күрдим, курмасликни иложи йўқ эди.

— Тушунарли, - ғудрандим. Менга таниш бўлган ифода Жейкни юзида қотиб қолган эди. У бу никобдан хисларига эрк бермаслик ва ўзини қўлга олишда фойдаланаарди. Шунинг учун Сэмга, Квилет бўрилари тўдаси бошлиғига ўхшаб кетарди. Бироқ Жейк Сэмдай хотиржам кўринишни уddaрай олмайди. Мен Сэм билан Калленлар йўқлигига танишгандим ва хаттоки дўстлашишга ҳам улгиргандим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейк унга ўхшашга уринишни бошлаганидан буён, ўзига ўхшамай қолган. Бу эса менга ёқмайди ва мен ҳеч нимага тушунмай коламан.

— Кеча сен хулоса чиқаришда шошма шошарлик қилдинг. Сен қаерда бўлсанг мен ўша ерда бўлишимни билган ва шунинг учун сендан мактаб ҳақида сўраган. У мен билан беҳавотир, гувоҳлар кўп жойда гаплашмоқчи.

Бундан келиб чиқадики, мен кеча Жейкнинг ниятини англамабман. Маълумотлар етишмаслиги муаммо. Масалан, у Эдвард билан нима сабабдан гаплашмоқчи?

— Машинада қолмайман, - дедим.

— Ҳа нега ҳам қолардинг... Майли, мушукни думидан тортмаймиз.

Жейкнинг юзи уни ёнига қўл ушлашиб бораётгинимизни кўриб тошдек қотди.

Атрофда қолган синфдошларимни ҳам пайқадим. Улар Жейкнинг футболкасини йиртиб юборгудек бўлиб турган ушаклари, ёғ сачраб доги қолган шими ва куёш нурида яраклаб турган қора мотоциклiga қарашарди-ю, бироқ унинг кўзларига қарашга ботина олишмасди.

Ҳеч бири яқин йўламасди, ҳамма уни четлаб ўтарди. Мен хайрон қолдим ва шуни англадимки улар Жейкдан ҳайикаётган эдилар. Каранг-а, шунақасиям бўлар эканда!

Жейкгача бир неча қадам қолганида Эдвард тўхтади ва мени уни орқасига ўтишимга мажбур қилиб қўлинни орқасига узатди.

— Кўнфироқ қилиб қўяқолсанг ҳам бўларди. Эдвардни овози темирдек жаранглаб чиқди.

— Кечирасан, - Жейк ковоғини уйди. - Мени дафтаримда зулукларни тел рақамлари йўқ.

— Беллани уйига қўнфироқ қилиб, мени сўрасанг бўларди.

Жейкнинг тишлари ғичирлаб кетди.

— Жейкоб, бу ер гаплашишга мос жой эмас, кейинроқ гаплашамиз, хўпми?

— Кейин ҳам бўлаверади, дарсдан кейин мақбараларинга бораман, - кесатди Жейк. - Нима,

бу ҳам сенга ёқмайдими?

Эдвард дикқат билан атрофдаги базёр эшитиладиган сұхбатни эшитишга уриниб, ўтибетишга шошилмаётган томошибинларға қаради. Улардан баъзилари навбатдаги зерикарлидүшанба муштлашувдан жонланишига умид қилишарди. Мен Тайлер Кроулини қандай

Остинни туртганини ва улар қадамларини секинлатғанларини пайқадим.

— Мен нима демоқчи эканингни аллақачон биламан. - Эдвард шу қадар секин гапирдики, хатто мен ҳам базёр эшиздим.

— Сен вазифангни бажардинг. Бизни огохлантиридим деб хисоблайвер.

Эдвард менга ҳавотир билан қаради.

— Огохлантириш? - тушунмай сўрадим. - Нима ҳакида гапиряпсизлар?

— Сен унга айтмадингми? Нима уни биз томонга ўтиб кетади деб қўрқдингми? Жейкнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Жейкоб, илтимос, керак эмас. - паст овозда буюрди Эдвард.

— Нега энди? - Жейк ҳам бўш келмасди.

Мен ҳеч нарсага тушунмаганимдан ковоғимни уйдим.

Эдвард худди уни эшитмаётгандек кўзлари билан уни чархлаётгандек эди.

— Жейк?

Жейк менга ҳайрон бўлиб қаради.

— Нима у ҳали сенга шанба куни, кечкурун унинг акаси чегарани бузиб ўтганини айтмадими? - Жейк кесатиб сўради ва Эдвардга қаради. - Полнинг сабаби бор эди...

— У ер дахлсиз ҳудуд эди! - шивирлаб айтди Эдвард.

— Ёлгон! - Жейкнинг жаҳли кайнади, унинг қўллари қалтирарди. У бошини чайқади ва бир икки чуқур нафас олди.

— Эмметт ва Пол? - шивирладим.

Пол - Жейкни тўдасидагилар ичиди энг жizzакиси эди. Ўшанда, ўрмонда айнан у ўзини босиб туролмаганди. Хотирамда тўсатдан бўрининг ириллаган образи гавдаланди.

— Нима бўлди? Уришиб қолишибдими? Нега? Полга нима бўлди? - қўрққанимдан овозим баландлаб кетди.

— Ҳеч ким уришгани йўқ, ҳамма соғ саломат. Қайғурма.

Жейк бизга бутунлай лол-у ҳайрон бўлиб караб турарди.

— Демак сен Беллага умуман ҳеч нарсани айтмаган экансанда?

Шунинг учун уни олиб кетган экансанда? Ва у билмайдики...

— Кет! - Эдвард уни гапини ярмида узиб қўйди, кутилмагандага унинг юзи ҳақиқатдан-да қўрқинчли тус олди, бир сонияга у... худди... ҳақиқий ВАМПИР бўлиб кўринди. У Жейкгажаҳл ва очиқдан очиқ нафрат билан қарапди. Жейк ҳам ўзгарди, бироқ жойидан жилмади.

— Сен нега унга ҳеч нима демадинг?

Улар бир-бирларидан кўз узмай сўzsиз туришарди. Тайлер ва Остиналарнинг атрофига қолган йигитлар ҳам тўплана бошлишди. Майкни Беннинг ёнида кўрдим. Майк қўлини

Беннинг елкасига қўйди, гўё уни жойидан қўзғалмаслиги учун ушлаб тургандек эди.

Бутунлай жимликдан ақлим ишлай бошлади ва ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Эдвард менгаайтишни хоҳламаган гапни ўзим англаб етдим.

Шуни англаб етдимки...

Жейк мендан ҳеч қачон сир тутмаган бўларди.

Англадимки... нима сабабдан Калленлар ва бўрилар ўрмоннинг энг хатарли жойини бир-бирларига яқин бўлган ҳолда изғишишган.

Англадимки... ўтган ҳафта Элис нимани кургани ва Эдвард менга ёлғон гапиргани.

Нафас олишим ўзимга эшитила бошлади, лекин ҳеч нима қилолмасдим. Мактабимиз биноси худди зилзила бўлаётгандек тебрана бошлади, лекин билардимки аслида мени туртаётган эди. - У мени деб қайтиб келди...

Виктория чекинмайди, у то ўз максадига эришмагунича мана шундай елгон зарбаларни айта-қайта бераверади, ўзи эса кочиб юраверади.

Балки омадим кулиб Вольтурликлар менга ҳаммадан кўра аввалроқ етишишар, уларнингқўлида тезроқ ўлган бўлардим.

Эдвард ўгирилиб мени Жейкдан тусган ҳолда бағрига қаттиқ босди ва юзимни силади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида. Мен сенга озор беришларига йўл қўймайман, -шивирлади у, кейин эса қаҳр билан Жейкка тикилиб:

— Хўш, саволинга жавоб олдингми? - деди.

— Э сенга Белла ҳаммасини билишга ҳақлидек туюлмаяптими? - талаб оҳангидага сўради

Жейк. — Ахир ҳавфда қолган, уни ҳаёти-ку.

— Унга ҳеч қандай ҳавф соя солмаётган бўлса, қўрқитишни нима кераги бор? – Эдвард шунчалар паст овозда гапирдики хатто, жуда яқин келиб қолган Тайлер ҳам эшитолмади.

— Алданиб қолгандан, қўрқиб қолгани анча яхши.

Мен ўзимни қўлга олишга қанча уринмай барибир кўз ёшларим юзимни юварди.

Ҳаёлимдан Викторияни қасос ўтидан қизариб кетган кўзлари кетмасди. У Эдвардни суюклиси

Жеймснинг ўлимига айбдор деб биларди ва ҳисоблашиш учун ҳар ишга тайёр.

Эдвард бармоқ учи билан юзимдаги ёшларимни артди. - Наҳотки сен ростдан ҳам ҳимоя қилишдан кўра азоб бериш яхши деб ҳисобласанг? - минғирлади у.

— Белла сен ўйлаганингдан кўра кучли. У бундан ҳам баттар можароларда иштирок этган. - айтиб қўйди Жейк.

Унинг юз ифодаси бирдан ўзгарди: у Эдвардга тушунарсиз нигоҳ билан қаради, гўёки ҳаёлан мураккаб... мураккаб масалани ечаётгандек. Эдвард бир қалқиб кетди, юзи оғриқли буришди. Бир муддат ҳаёлимга Италиядаги кун келди, Вольтур мудхиш сарой. Жейн Эдвардни ҳаёлан даҳшатли сўрат чизиб масҳара қилган жой.

Бу хотира ўзимни йўқота бошлаганимда тўхтади ва бу мени тик боқишимга имкон берарди.

Эдвард бундай азобланганидан кўра Виктория мени минг бор ўлдиргани яхши эди.

— Башаранг бунча бурушмаса? - Жейк кулиб юборди.

Эдвардни ажин босди, шунда ҳам ўзини йўқотмади. Юзидан бефарқлик ифодаси кетмади, лекин нигоҳи оғриқли эди. Мен кўзларимни Эдварддан олиб Жейкга қарадим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Сен уни нима қилдинг? - норози бўлиб сўрадим.
- Ҳаммаси жойида, Белла шунчаки Жейкни хотираси яхши. - аста жавоб берди Эдвард.
Жейк жилмайди ва яна Эдвардга ўқрайди.
- Бас! Нима қилсанг ҳам, ҳозироқ бас қил!
- Нима десанг шу, мени хотираларим ёқмаса, унинг ўзи айбор.
- Жейк елкасини қисди.

Мен унга норози тикилдим, лекин Жейк қайсарлик билан жавобан кулди: худди айб иш қилиб кўйган болакай эркалиги каби ҳаммасидан осон қутулиб кетадигандек.

— Директор буёкقا келяпти, мактаб худудидан бегоналарни кувиб юбормоқчи. Белла, кетдик инглиз тили дарсига, йўқса сенга ҳам гап тегиши мумкин. Менга шипшиитди Эдвард.

— У ўта ғамхўр эмасми? - деди Жейк менга. - Муаммоларсиз яшаш зерикарли ёки сенга хурсанчилик қилишга рухсат беришмайдими?

Эдвардни қошлари чимирилди.

- Жейк жим бўл, - буюрдим. Жейкоб кулиб юборди.
- Ростдан ҳам шунақага ўхшайди, хўп майли мабодо хурсанчиллик қилишни хоҳлаб колсанг меникига меҳмонга бор. Сенинг мотоциклинг ҳали ҳам гаражимда турибди.

Бу хабар мени чалғитди.

— Сен ахир уни сотишинг керак эдику, дадамга сотишингни ваъда қилгандинг.

Агар мен Жейкни номидан илтимос қилмаганимда (аслида шунча қилган меҳнати учун мукофотга лойиқ эди) дадам мотоциклини ахлатга ташлаб, ёкиб юборарди.

— Сотаман, қандай?! Бу ахир сени мотоциклинг меники эмас, майли олиб кетишга қарор қилгунингча меникида тура қолсин.

Бирдан унинг юзида менга кадрдон бўлиб қолган енгилгина табассум пайдо бўлди.

— Жейк...

У олдинга эгилди, юзидан қахрли кесатиқ ифодаси йуколди.

— Биласанми, фахмимча мен сен билан дўст бўла олмаймиз деб янглишган эканман. Мен буни уddалашим мумкин. Меҳмонга кел.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен Эдвардни ёнимда эканини қаттиқ ҳис қилдим, уни мушаклари қылт этмаса ҳам, мени ҳимоя ҳалкасида тутиб турарди.

— Билмадим, Жейк.

Жейкоб гүё Эдвардни унугандай ва уни ғашига текқандай юзидан никобини бутунлай олиб ташлаган ҳолда:

— Белла сени жуда соғиндим, сенсиз бари мазмунсиз.

— Билмадим, Жейк. Мен бундан жуда афсусдаман, лекин...

У хўрсиниб бош чайқади.

— Тушунаман, аҳамиятсиз, тўғрими?... майли, бир амалларман.

Дўст кимга ҳам керак?

У ўзининг қалб оғрикини яшириш учун юзини бурди.

Жейкнинг азобланиши менда англаб бўлмас, уни ҳимоя қилиш истагини келтириб чиқаради. Кошки унга қандай бўлмасин ҳимоямни таклиф қила олсан...

Эдвард қўлимдан маҳкам ушлашига қарамай Жейкни кенг ва иссиқ белидан кучиб, жим туриб унга таскин бериш учун қўлларимни узатдим.

Эдвардни мени тутган қўллари тизгинга айланди.

— Қани ҳаммангиз синфга кирингчи. - ортимиздан буйруқли овоз эшитилди.

— Чакқонроқ, чакқонроқ жаноб Кроули.

Директоримизни овозини танидим ва Жейкга - Мактабинга бор, - деб шивирладим.

Жейк Квилет мактабида ўқийди, лекин барибир бегона мактаб худудида ноқонуний юргани учун ҳайфсан олиши мумкин.

Эдвард мени қучоғидан қўйиб юборди, қўлимдан ушлаб ортига беркинишимга мажбур қилди. Жаноб Грин тўпланиб қолган ўқувчиларни сўра бошлади. Унинг кичкина кўзлари-ю қошлари чимирилган, қовоғидан қор ёгарди.

— Мен ҳазиллашмаяпман, агар ҳозир ортимга ўгирилганимда кимдир шу ерда бўлса, дарсдан кейин мактабда қолади.

Директор гапини тугатмасидан тўпланганлар тарқалиб кетишиди.

— Хўш, жаноб Каллен, нимадир бўлдими?

— Йўқ, жаноб Грин, айни дамда биз дарсга кетяпмиз.

— Хўп жаноб! - худди аскар каби ишора қилиб мотоциклига ўтириб ўт олдирди. Мотор ўкириб юборди. Жейк мотоциклни кескин бурди ва сония ичида кўздан ғойиб бўлди. Жаноб

Гриннинг бундан тили айланмай қолди.

— Жаноб Каллен, дўстингиздан бу ерга бошқа келмаслигини сўрайсиз деб умид қиласман.

— У менинг дўстим эмас жаноб Грин, лекин сизнинг огоҳлантиришингизни унга етказаман.

Жаноб Гриннинг лаблари қимтилди. Эдвардинг яхши хулқи ва аъло баҳолари сузсиз унинг фойдасига хизмат қиласади.

— Гап бундай. Агар сизда муаммолар вужудга келган бўлса, мен хурсанд бўлардимки, агар...

— Ҳаммаси жойида жаноб Грин, ҳеч қандай нохушлик йўқ.

— Умид қиласман, хўп яхши дарсга киринг, Свон хоним сиз ҳам.

Эдвард тез қўлимдан инглиз тили дарсига судраб кетди. Биз директор ёнидан ўтаётганимизда Эдвард менга - аҳволинг яхшими? Дарсга кироласанми? - деб шивирлаб сўради.

— Ҳа, - жавобим ростлигига ишонмай ғудрандим.

Аҳволим яхшими ёки йўқлиги энди муҳим эмас. Мен хозироқ Эдвард билан гаплашиб олишим керак, гарчи инглиз тили хонаси бунга мос жой эмаслиги аниқ бўлса ҳам. Бироқ ортимизда директор турарди, шунинг учун бизда синфга киришдан бошқа чора қолмаганди.

Биз бироз кечиқдик ва шошилганча жойимизга бориб ўтирдик. Жаноб Берти Фростнинг шеърини ўқиётганди, шеър ўқишдан тўхтамаслик учун у бизни пайқамасликни лозим топди.

Мен тоза коғоз олдим ва ёза бошладим, мени қийшиқ ёзувим асабийлашганимдан янада тушунарсиз бўлиб кетди: нима бўлди? Менга ҳаммасини айт! Мени ҳимоя қилишинг лозимлиги ҳақида чупчак тўқима.

Хатни Эдвардга узатдим. У хўрсинди ва қаламни олди, жавоб бериши саволимдан кўра оз вақтни олди. Эдвард ўзининг бетакрор хуснихати билан нақд бир абзацини тўлдирганди.

Ўша куни Элис Викторияни кайтиб келаётганини кўрди. Мен сени шакардан шунчаки, кар эктимолга карши олиб кетдим. Викториянинг сенга етиб олишига биронтаям имкони йўк эди.

Эмметт ва Жаспер уни тутишларига оз колганди, лекин у кочишига уста. Виктория Квилетлар чегараси томонга караб кочди, худди у харитада кўргандай. Бизга яна киндулар кам қалакит килишиди, улар Элисни кобилиятини тўсиб кўйишиди. Тан олишиим керак-ки. агар биз бўлмасак Квилетлар кам уни кўлга олган бўлишарди. Катта малла бўри Эмметтни чегарани босиб ўтди деб ўйлади ва турлана боилади. Розали кам караб турмади, ана шунда бизниклар кимояланиши учун кувшини тўхтатди. Карлайл ва Жаспер жанжал жанга айланмасидан тўхтатишиди. Виктория шунгача яширинишга улгурди. Бори шу холос...

Мен ёзиб ташланган қогозга хўмрайиб қарадим. Эмметт, Жаспер, Элис, Розали ва Карлайл, балки хатто Эсми ҳамдир. Гарчи Эдвард уни қўшимаган бўлса-да уларни барчаси ўша ерда бўлганлар.

Яна Пол ва қолган турланувчилар ҳам. Менинг бўлајсак қариндошлиарим ва эски дўстларим бор жойда кичик жанжал катта жанга айланиси осон ва улардан бири жароҳатланиши мумкин эди. Ушоққина Элисни баҳайбат бўри билан жанг қилишини тасаввур қилиб титраб кетдим.

Ўчиргич билан ёзилганларни тозалаб ўчирдим ва юқорисига ёздим: - Дадамчи? У дадамни овлаган бўларди-ку! Шуларни ёзиб улгурмасимдан Эдвард, даданг ҳавфдан ҳоли эди, дегандай бош чайқади. У қўлини қогозга узатди, лекин мен эътибор қилмай ёзишида давом этдим. У нимани ўйлаганини сен билолмасдинг, чунки бу ерда эмасдинг. Флоридага бормаслигимиз керак эди.

Эдвард мендан қогозни тортиб олди.

- Мен сени асло ёлгиз жўнатмас эдим, сенинг "омад "лилигиндан самолётнинг хатто кора кутиси кам колмаган бўларди!

Мен умуман бошқа гапни назарда тутгандим: мен усиз кетмасдим, аксинча иккимиз ҳам

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Форксда қолишимиз керак эди. Бироқ унинг жавоби мен ўйлантириб қўйди ва бироз жаҳлимни ҳам чиқарди. Гўёки мен бирон ерга ҳеч қандай фалокатсиз боролмасмушман, роса кулгули.

— Майли шундай ҳам дейлик, мени омадсизлигим чиндан ҳалокатга йўлиқтирса сен айнан нима қила олардинг?

— Самолёт нега қулади? - бу саволимдан Эдвард кулиб юборай деди.

Учувчилар ичиб олишган. Лекин бу ҳеч гап эмас, мен бошиқарувни ўз қўлимга олган бўлардим.

— Бўлмасамчи! Лабимни тишладим ва яна савол бердим: иккала двигателъ ҳам портлаб, катта тезликда ерга қуласакчи?

Мен етарлича пасга тушишини пойлайман, мўлжалга етганда деворни бузиб сени олиб сакрайман, кейин самолёт қулаган ерга қараб югурардим. Ва биз сен билан ўзимизни дунёдаги энг омадли одамлардай кўрсатиб фалокат жойида кезиб юрадик.

Мен жисмгина унга тикилиб қолдим.

— Нима бўлди? - шивирлаб сўради у.

— Ҳеч нима, - анқайганча эшишилар эшишилмас дедим. Мени ранжитган сатрларни ўчириб ташладим ва яна бир қатор ёздим.

— Кейинги гал менга айтишга сўз бер.

— Кейинги галсиз иложси йўқ, кимдир ҳалок бўлмагунча бу ҳол тақрорланаверади. Эдвард кўзимга узоқ тикилди. Қизиқ, кўринишум қандай? Назаримда юзи совуқ, демак қон бўйнимга оқмаган, киприкларим ҳали ҳам нам.

У хўрсиниб бош иргиди.

— Раҳмат...

Варақ бурним остидан гойиб бўлди. Мен ҳайратланиб нигоҳимни кўтардим ва биз тарафга келаётган жаноб Бертини кўрдим.

— Жаноб Каллен, сиздаги булар нима? Бутун синф учун қизиқарли нимадир борми?

Эдвард беғубор нигоҳ билан қаради ва энг устки қогозни кўтарди.

— Булар менинг конспектларим, - овозида ҳайронлик билан жавоб берди у.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жаноб Берти ўзининг беназир ёзилган нутқини тезгина ўқиб чиқди-да қовогини ўйиб биздан нари кетди.

Сал туриб, математикада (бу Эдвард мен билан бўлмайдиган ягона фан) қулогимга баъзи бир гийватлар чалинди.

— Баҳайбат ҳиндуга тикаман деди кимдир. Мен сочларим орасидан ўша тарафга қарадим ва Тайлер, Майк, Остин ва Бенларни кўрдим. Улар бурни бурнига теккудек ўтироволиб паст овозда гаплашишарди.

— Ҳа, роса баҳайбатлигини-чи бу Жейкобни. У Калленни уриб ташлайди деб ўйлайман, - деди Майк. Бу Майк учун айни муддаога ўхшайди.

— Кошкийди, Эдвард унчалик анойи эмас, у ҳамиша шунақа... ўзига ишонган. Менимча у бутунлай, ўзи учун туриб бера олади. - деди Бен.

— Бен ҳақ, бундан ташқари, анави йигит Эдвардни абжазини чиқарса, ўзингиз ҳамтушунасизку, уни акалари четда қолмайди, - қўшилди Тайлер.

— Сен Ла-пушга борганингга анча бўлдими? - сўради Майк. - Биз бир-икки ҳафта олдинсоҳилга боргандик, Жейкобнинг оғайниларини кўрганингдами, улар ҳам шундай, баҳайбат.

— Эҳ, тинчигани чатоқ бўлди, биз энди ҳеч қачон ким кимни урганини билолмаймиз дебқўрқаман. - хўрсинди Тайлер.

— Менимча эса, тинчимади, балки яна кўрармиз. - деди Остин. Майк тиржайди.

— Ҳеч ким гаров боғлашини хоҳламайдими? - деди.

— Жейкоб учун ўнталик - шу захоти қичқирди Остин.

— Калленга ўн - қўшилди Тайлер.

— Эдвардга ўн, - рози бўлди Бен.

— Жейкобга, - деди Майк.

— Ҳа-я, биронтангизни хабарингиз йўқми, баҳслашишларини сабаби нима экан? - қизиқди

Остин.

— Сабабини билиш қийин эмас. - жавоб берди Майк ва менга юзланди. Бен ва Тайлер ҳаммен томонга қарашди. Кўринишларидан, уларнинг ҳеч бири ҳаммасини эшифтганимданбехабар.

— Мен эса барибир Жейкобга тикаман, - бурни остида гудранди Майк.

IV боб. Табиат

Хафта расво ўтди. Аслида ҳеч нима ўзгармаганини билардим. Бўлмасамчи, Виктория яна мени овлайди, у мени тинч қўйшишига ақалли бир дақиқага бўлса-да ишонармидим? Унинг пайдо бўлиши менинг гумонларимни тасдиқлади холос. Ваҳима қилишига ҳеч қандай сабаб йўқ.

"Ваҳима қилишига сабаб йўқ" дейиш осон. Битирув кечасигача бир неча ҳафта қолди, навбатдаги баҳтсизликни ожиз ва мазали ҳолда кутиб ўтириши гирт аҳмоқлик эмасми? Одам бўлиши жуда қийин. Ҳар қадамда кулфат. Мендайин кимсалар одам бўлмасликлари керак. Шу қадар омадсизманки ҳимоясиз қола олмайман. Лекин менга ҳеч ким қулоқ солмайди.

— Белла, биз бу ерда еттитамиз. Бизда Викториянинг кутимаган ташрифидан хабардор қила оладиган Элис бор. Даданг учун аввалги режада қолишимиз керак деб ўйлайман. - деди

Карлайл.

— Офтобим, биз сенга кимдир бармоғини учиниям теккизишига йўл қўймаймиз. қайғурма. -қўшилди Эсми.

— Эдвард сени ўлдирмаганидан хурсандман, сен бор ерда зерикиши йўқ. - деди Эмметт.

Розали унга ўқрайиб қаради.

Элис кўзини ўйнатиб:

— Мени хафа қиляпсан, наҳотки қўрқаётганинг рост бўлса.

— Агар бу қўрқинчили бўлмаса унда нега мени Эдвард билан Флоридага жўннатиб юбординглар? - гумонланиб сўрадим.

— Белла, наҳотки Эдварддаги ўзгаришини сезмаган бўлсанг.

Жаспер ўзининг галати, хисларни бошқара олиши қобилиятини шига солиб мендаги саросима изларини ўчириб ташлади. Мен ўзимга ишона бошладим ва қайгули ўтинчим уларнинг қулоқлари остидан ўтиб кетишига қўйиб бердим. Эдвард билан хонадан чиқишимиз билан мендаги хотиржамлик гойиб бўлди.

Шундай қилиб, уларнинг ҳаммаси мени ўлдиримоқчи бўлган, эсини еган вампирани унумтишим керак деган қарорга келишиди. Мен эса ҳеч нарса бўлмагандай ўз ишларим билан шуғулланавераман.

Шундай қилишига уриндим. Баъзи нарсалар бор-ки, бу ҳақда ўйлашининг ўзи ёқимсиз эди.

Мен худди динозаврларни тақдирини бўлиб қўяётгандайман.

Бунга ҳаммасидан ҳам кўп Эдвардинг ўзини тумтиши жаҳлимни чиқаргани сабаб бўлди.

– Бу Карлайл билан сени ишингми? - деди Эдвард.

– Албатта, ўзинг биласан, сенга маълум бўлган шартга кўра барчасига тайёрман. - фариштадек жилмайиб гапини тугатди Эдвард.

Тфу! Биламан ўша шартларни! Эдвард қачонки ўзим хоҳласам ўшанда унинг ўзи мени тишилашига сўз берган... Фақат, ундан олдин турмуши қурсак.

Баъзиде менга у ўзини менинг фикрларимни ўқий олмайдигандек қилиб кўрсатаётгандай уюлади: акс ҳолда у мен қабул қилолмайдиган ягона шартни қаердан ҳам била оларди? Ўша мени тўхтатиб турган ягона шартни.

Қанча уринмай ҳафта барибир оғир кечди.

Бугун эса энг фалсафий кун.

Эдвард ёнимда йўқлигида ўтган кунларимни барчаси фалсафий бўлади. Элис бу галги дам олиш кунлари учун ҳеч қандай нохушиликни олдиндан кўрмади. Шу сабаб мен Эдвардни имкониятдан фойдаланиб қолишига ва акалари билан овга чиқишига кўндиридим. Ахир яқин атрофдаги майда қўшларни овлашдан зериккан.

– Борақол, яйрайкол. Менга бир иккита тоз арслонларидан олиб кел.

Эдвард кетгач қанчалар азобланишимни ҳеч қачон тан ололмайман, шу заҳоти айроликдаги даҳшатлар қайтади. Эдвард ҳам қаттиқ ранжийди ва энг зарур вазиятларда ҳам мени зинҳор ёлгиз қолдирмайди. Бошида, Италиядан қайтганимизда шундай бўлган. Унинг тилларанг кўзлари қорайиб, ташналик уни ҳар доимгидан-да кўпроқ қийнаган эди. Мен энди ўзимни ҳаммаси яхшидек тутаман ва ҳар гал Эмметт билан Жаспер овга

чиқаётганларида Эдвардни ҳам худди қувиб чиқарғандек эшикдан кузатиб қўяман.

У мени сиримни билиб қолган деб қўрқаман. Қисман шундай. Эрталаб ёстигимдан хат топдим.

Тез кайтаман, сен хатто согинишга кам улгурмайсан. Юрагимни авайла, уни сенда колдирдим.

Ва ниҳоят олдинда узундан узун хувиллаган шанба, хатто Ньютон хонимнинг спорт моллари дўконидаги эрталабки навбатчилигим ҳам бу бўшилиқни тўлдиролмайди. Аммо Элиснинг мени тинчлантириши учун "мен уйга яқинроқда бўламан. Зарурат туғилса ўн беш дақиқада югуриб келаман, нохушик бўлмаслиги учун хушёр бўламан" деб берган ваъдаси ҳам бор. Бу айтилганларни талқин қиласак "Эдвард кетгани учун аҳмоқгарчилик қила кўрма" деган маънони англаш мумкин.

Элис ҳам пикапимни қисмларга ажратишда акасидан қолишимайди.

Шундай бўлса ҳам, ҳаммаси унчалик ҳам ёмон эмас. Ишдан сўнг Анжелага огоҳлантиришлар ёзишига ёрдамлашмоқчиман - чалгиишум учун баҳона.

Дадам ҳам Эдвардинг кузатув ҳудудида, шундай имконият бор экан ундан аъло кайфият билан ўтишига ҳаракат қилишим керак. Агар яхшилаб Элисдан илтимос қиласам бугун бизникида қолишига рози бўлади. Эдвард эса эртага келади, бирор кун амалларман.

Ишга умуман боргим келмаётганлиги учун чойимни шошилмасдан ичдим. Идишларни ювдим, совутгичдаги магнитларни бир катор қилиб ёпиштирмоқчи бўлдим. Менда мажбурий асаб бузилиши касаллиги бошланаётганга ўхшайди. Охирги иккита магнитлар - оддий қора айланачалар, ўнлаб қогозларни осонлик билан тутиб тура оладиган бу тошлар бир катор бўлиб саф тортишини сира исташмасди. Яхшироқ қарасам улар бир-бирларига бутунлай қарама қарши туришган экан. Мен уларни қайта жойларига ёпиштирсам унинг ёнида тургани сакраб учуб кетаверарди. Билмадим нега (балки, чиндан ҳам асаб касалига чалингандирман), бу менигашибмга тегарди. Наҳотки итоаткор

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

магнитча бўлиш қийин бўлса?.. Аҳмоқона қайсарлик билан уларни биргаликда кучлироқ сурдим, гўё улар кутилмагандага таслим бўлишиадигандай.

Мумкин албатта, улардан бирини орқаси билан юқорига сурсам бас, лекин бу тор мор қилишига ўхшайди. Охир оқибат магнитлардан кўра кўпроқ ўзимдан жаҳлим чиқиб, уларни совутгичдан юлиб олдимда бир-бирига ёпиширига бошладим. Бу алоҳида ҳаракатни талаб қиласди.

Магнитлар жуда кучли бўлиб чиқишиди, жсангсиз таслим бўлишини исташмасди. Ва ниҳоят мен уларни жимгина росланиб туришига мажбур қилдим.

— Ана бўлди, дедим овоз чиқариб (жонсиз буюм билан гаплашиши - бу ёмон аломат). -

Кўрқадиган ери йўқ, кўрдингларми?

Табиат қонунини бузиб бўлмаслигини тан олишини истамаётган телбадек бир сония туриб қолдим. Кейин хўрсиниб магнитларни совутгич эшигига маълум оралиқ саклаб қайтариб ёпишириб қўйдим.

— Бу қадар қайсарликнинг сира кераги йўқ.

Майли, жонсиз буюмларнинг ўзлари мен билан гаплашишини бошламасидан олдин ишга кетганим маъқул. Мен дўконга кирганимда, Майк усталик билан рассталар орасидаги полларни артар, унинг ойиси эса янги келган молларни раслага жойлаштириши билан овора эдилар. Улар менинг келганимни сезишмади ва ишларида давом этаверишиди.

— Тайлар бошқа вақт боролмайди, - эътиroz билдириди Майк. Сиз эса битирудан сўнг деяпсиз...

— Ҳеч қиси йўқ, чидайсан. бошқа нарса билан шугулланинг. Сиэтл полицияси то у ердаги бебошликларга нуқта қўймагунича бормайсан. Бетти Кроули ҳам Тайлерга шуни айтди, шундай экан менга қовоқ тумшуқ қилма. Ҳа... Салом Белла бугун эрта келибсанми? -келганимни пайқаб тезда муомаласини ўзгартириди Ньютон хоним.

Карен Ньютондан спорт моллари ҳақида сўраш ҳеч кимни ҳаёлига ҳам келмайди. Унинг ёрқин рангга бўялиб юқори дид билан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

турмакланган сочлари, оро берилган тирноқлари-ю баланд ва ингичка поинали оёқ кийими сайёхлар бошмоқидан тубдан фарқ қиласди.

— Йўлда тирбандликка дуч келмадим-да, - раста ортидан ёқимсиз апельсин рангидаги маҳсус нимчамни олаётib ҳазиллашдим.

Ньютон хонимнинг дадамга ўхшаб Сиэтлга боришга қаршилигидан ҳайрон қолдим.

Менимча у ошириб юборяпти.

— Эээ... м-ҳа - Ньютон хоним касса олдидағи эълон варақаларини тартибга келтираётуббироз ўйланиб қолди.

Мен нимчамнинг енгига иккинчи қўлимни киргизаётуб менга жуда таниши нигоҳданэсанкираб қолдим.

Мен Ньютонларга ёзда ишлай олмаслигимни айтиб уларни огоҳлантирган эдим (айнисавдо сотик қайнайдиган вақтда), шу сабаб улар ўрнимга Кети Маршални тиқишишигандан.

Уларнинг эса иккимизга баравар ҳақ тўлашга имконлари йўқ, шунинг учун...

— Ўзим сенга қўнгироқ қилмоқчи эдим. Бугун одам унчалик кўп бўлмаслиги мумкин. Биз

Майк билан ўзимиз эплаймиз. Эрта билан турганингдан афсусдаман Белла...

Бошқа куни бўлганида бундай бурилишидан жуда қувонган бўлар эдим, лекин бугун...

— Ойи, буadolатдан эмас, агар Белла ишламоқчи бўлса...

— Йўқ-йўқ, ҳеч қиси йўқ, Ньютон хоним. Майк ҳаммаси жойида, мен имтиҳонга тайёрланишим керак ва яна...

Она-бола шундок ҳам тортишиб тургани учун яна бир дилхиралик сабабчиси бўлишини хоҳламадим.

— Рахмат. Ха-я, йўл усти мана буларни аҳлат идиишига ташлаб кетолмайсанми? Буларни қандайдир бир қиз келтирган эди - мен уларни касса яқинига қўяман деб сўз бергандим, лекин бўш жой йўқ.

— Албатта Ньютон хоним. Нимчамни қайтариб жойига қўйдим, қозоғларни олиб шаррос

ёгаётган ёмғирга чиқдим. Ахлат контейнери хизматчилар автотурагоҳи ёнида туради. Мен у ёкқа хафа ҳолда оёгим остидаги тошларни тепганча юриб бордим. Қозозларни идишига

эндигина ташламоқчи бўлган ҳам эдим йирик қилиб ёзилган ҳарфларга кўзим тушибди, ундан "8ЎРИХОНАДАГИ БЎРИНИ 8УТ8АРИНГ" деган ёзув диққатимни тортди. Қозозни икки қўлим билан тутганча тикилиб қолдим. Бўғзимга тош тиқилди. Эълондаги ёзув остида чўккалаганча ойга қараб увиллаётган бўри тасвирланган эди. Бу тасвирдан кўнглим ранжиди.

Бўри аразли ва ёлғиз, худди ғам чекиб увиллаётгандай кўринишда эди.

Мен қозозни қисганимча пикапимга қараб учдим. Менинг атиги ўн беш дақиқам бор, етса керак. Ла-Пушгача ўн беш дақиқалик йўл. Элис мени бу ҳаракатимни олдиндан кўролмайди, чунки мен буни режалашибтирмадим. Агар етарлича тез ҳаракат қиласам топилмамданфойдаланишимга имконим бўлади.

Қозозларни қараб ҳам ўтирумай кабинага ташладим, юзлаб йирик ҳарфлар, сариқ рангдаги юзлаб увиллаётган бўрилар кабина ичига сочилиб кетди.

Эски моторнинг таққиллашига қарамай ҳўл шоссе бўйлаб елдай учиб борардим. Чегара қаердалигини тасаввур ҳам қилолмайман, лекин Ла-Пушнинг ilk кулбаси кўринганида ўзимни дадил ҳис қилдим. Менимча Элис бу ерга ортимдан кела олмаса керак. Унга Анжеланикидан телефон қиласман. Элис мендан ҳавотир олмаслиги учун ўзимни овутардим. Уни асабийлашиши ва жаҳли чиқишига ҳожсат йўқ. Эдвард келгач иккимиздан роса жаҳли чиқади.

Ўзимга таниши бўлган қизил рангли уй олдига келиб тормозни босганимда пикапим худди жони чиққудек эди. Мен бир пайтлар ҳимояланишим учун хизмат қилган уйга қараб турадим.

Бўғзимга яна тош тиқилди. моторни ўчирмасимдан эшикдан ҳайрон ҳолда Жейк кўринди.

— Белла! - деди кўзларига ишонмай.

— Салом, Жейк!

— Белла! - тақрорлади у ва мен анчадан бери күтганимдай жилмайди, худди қуёш булутлар орасидан чиқиб келгандай. - Кўзларимга ишонмайман!

У пикатим ёнига югуриб келди ва мени ўриндиқдан тортиб олди. Биз хурсандлигимиздан ёш болалардай сакрардик.

— Бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Яширинча қочдим!

— Эсдан оғиши ҳеч гап эмас!

— Салом Белла! - Билли амаки нималар бўлаётганини кўриши учун ногиронлар аравачасида эшик олдига етиб келди.

— Салом, Би...

Гапимни тугатолмадим, чунки Жейк мени айиқдай қучоқлаб қисганча шундай айлантириди-ки, бўгилиб қолишимга оз қолди.

— Аҳволинг яхшими, нечук йўқлаб қолибсан?!

— Нафас... ололмаяпман... - дедим хириллаб.

Жейк кулиб юборди ва мени ерга қўйди.

— Хуши келибсан Белла! - деди. Бу сўз худди уйингга хуши келибсан дегандай эшиитилди.

Хурсандлигимиздан уйда ўтиришини истамай сайрга чиқдик. Жейк салкам сакрарди, унгабир неча бор мен бўриоёқ эмаслигимни уқтиришимга тўғри келди. Жейк билан тенг қадамташлаб борар эканман, менда иккинчи, кичик ёшдаги ва беғам "мен" уйгонаётганини ҳисқилдим. Ҳол аҳвол сўрашиб бўлганимиздан сўнг мен унга иккиланиб бўри сурати туширилганқоғозларни кўрсатдим. У шунчалар хандон отиб кулди-ки, хатто атрофдаги дараҳтлар титрабкетди.

Кейин биз дўкон ортидаги қуриган шох-шаббалар ёнида бироз урушдик. Узоқдан қирғоқкўринарди. Бепарво сухбатимиз тугади. Биз узоқ айрилигимиз сабабига тез етиб келдик ва мен дўстимни юзида менга яхши таниши бўлган қайғуни кўрдим.

— Хуши нима бўлди? - Жейк жаҳл билан қуриган новдани тенди, новда қум устидан учиб ўтиб тошлар устига шарақлаб тушиди. — Сўнги бор... демоқчиманки... - Жейк нима дейишни билмай ер тена бошлиди. Чуқурроқ нафас олиб давом этди. - Энди ҳаммаси у кетишидан олдин қандай бўлса яна шундайми?

Энди мен хўрсиндим.

— Кечирадиган ҳеч нима бўлмаганди.

Мен бошқа нарсалар ҳақида гаплашишимиздан олдин танбех ва айловларни ўтказибюборгум келди. Жейк лимон тишлагандай буришиди.

— Ўтган кузда Сэм сени қидириб топганида ёнида фотоаппарати бўлмагани ачинарли, биринчи рақамли далилий ашё бўларди.

— Ҳеч кимни жавобгарликка тортишгани йўқ.

— Баъзи бирорлар шундай қилиниши керак эди.

— Агар унинг нега кетганини билсанг, сен ҳам бундай қилмасдинг.

Жейк менга бир муддат тешиб юборгудек тикилиб қолди.

— Кани, мени огоҳ қил-чи, - мени масҳара қилди.

Жейкни мендан жаҳли чиқиши ёқимсиз ҳол. Бу менга ўша анча олдинги Сэмнинг гапига кириб биз ортиқ дўст бўла олмаймиз деган кунни эслатди. Мен руҳимни кўтариш учун бир сония тўхтадим.

— Ўтган кузда Эдвардинг мендан кетишига сабаб, мен вампирлар билан дўстлашишимни истамагани эди. Агар кетса менга яхши бўлади деб ўйлаган эди.

Жейк ўйланиб бироз жисм турди. У олдиндан ўйлаб қўйган менга айтмоқчи бўлганлари ҳозирга айтганларимга мос келмаслиги равшан эди. Эдвардинг бундай қарорга келиши сабабини Жейк тасаввур ҳам қилолмайди. Агар Жаспер менга ташланганини Жейк билса нима қилган бўларди. Буни тасвирлаш жуда мушикул.

— Эдвард барибир қайтиб келди. - гудранди у. - Ўйлаганларини бажаришига қурби етмабдими?

— Агар эсингда бўлса, уни олиб келишига ўзим боргандим.

Жейк бир лаҳза менга тикилиб турди-да чекинди.

— Тўғри, мен барибир тушунмадим ўзи нима бўлган эди?

Мен иккиланиб лабимни тишладим.

— Нима, бу сирми? - унинг овозида масҳара оҳанги бор эди. - Буни менга айтмасликни тайинлашганми?

— Йўқ! Шунчаки бу узундан узун ҳикоя.

Жейк ўзини шундай тутар экан, бу ерга келиб нима қилардим?
Уйга кетайми ёки йўқ шуни ўйлаб унга эргашибим. Тўғрида, уйда
Элисга ҳисоб бериш им керак бўлади, шундай экан шошиб нима
қилдим.

Жейк таниши дарахтга қадалиб қолган ўққа яқин келди ва буст-
бутун дарахтни таг томири билан сугуриб қирғоққа улоқтириди.
Унинг бақувват билаклари дарахтни чўпдек у ердан бу

ерга осонгина кўтариб ташлади. Қадалган ўқ қум остига кириб
кетди. Умуман айтганда, бу бизнинг дарахтимиз эди. Жейк табиат
томонидан яратилган ўриндиққа ўтириб таклиф қилгандай қўноққа
шапатилади.

— Мен узун ҳикояларни яхши кўраман, унда қувиишма ва
отишималар ҳам борми?

Мен кўзимни олиб қочдим.

— Шунақароқ.

— Кувиишмаси, отишимаси бўлмаган ҳикоя қўрқинчли бўлармиди?

— Қўрқинчли! - яна юлқиниб гапирдим.

— Мени эшиласанми ёки мана шунақа қилиб гапимни
бўлаверасанми? Жейк оғзини қулфлаб калитни улоқтирган
ишорасини қилди, ўзимни кулгидан зўрга тийиб турдим, лекин
уддалай олмадим.

— Ўзинг кўрганингдан бошлишимга тўғри келади.

Жейк дарсда ўтиргандай қўл кўтарди.

— Гапир, руҳсат бердим унга.

— Бу янайам яхши, мен ўшандада нима бўлганига унчалик
тушуунмаган эдим.

— Бу бироз чалкашроқ шунинг учун диққат билан эшишт.

Элиснинг келаҗаскни кўриши қобилияти борлигини биласанми?

Бўрилар вампирларнинг қобилияти бўлишини
ниқлаганларимда бундан унчалик ҳам

хурсанд бўлишмаган. Афсонавий ривоятларда қудратли кучга
эга вампирлар борлиги ва бу ҳақиқатлиги айтилган. Шунинг учун
Жейкнинг юз ифодасини тасдиқ деб қабул қилдим ва

Италия бўйлаб қандай қилиб Эдвардни қувганимизни сўзлай бошладим. Унчалик муҳим бўлмаган ҳодисаларни жум турив ўтказиб юбордим.

Эдвард мени ўлган деб ўйлаб ўз жонига қасд қилмоқчилигини Элис "кўриб" қолганини гапираётиб Жейкка қарадим, у мени эшиятитими ёки йўқ шуни билмоқчи эдим. Бироқ унинг юзи ҳиссиз эди. Жейк чуқур ўйга ботган, шу боис у фақат бир бор сўзимни бўлди.

—Демак, ўша зулук фолбин бизни кўролмас экан-да.

Жейкнинг юзида бир вақтни ўзида ҳам роҳат, ҳам қувонч балқди. - Ростданми? Бу зўрку!!!

Тишимни тишимга босдим. Биз жум ўтирадик. Давомини кутаётгандай менга тикилди, мен эса жавобан унга ўқрайдим.

— Войй! Гапириб юборганини сезиб Жейк оғзини маҳкам ёпди. - Кечирасан!

Ва яна имо ишора билан оғзини қулфлади.

Гап Вольтурига келганида Жейкнинг аҳволини сезиш қийин бўлмади. эти жунжуккан, қўли мушт бўлиб тугулган, қошлари чимирилган эди. Менинг даҳшатларим Жейкни тушига кирмаслиги учун ҳаммасини батафсил айтиб ўтирмадим. Фақат Эдвардинг Вольтури билан гаплашгани ва бизни қўйиб юборишганини айтдим холос.

— Мана ҳаммасини билиб ҳам олдинг. Энди навбат сеники. Мен ойимнига меҳмонга кетганимда нима ҳодиса рўй берди?

Жейк менга Эдвардан кўра батафсилроқ айтади деб ўйлайман. У мени қўрқишим мумкинлигини ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Кутимаганде жонланган Жейк олдинга эгилди.

— Қисқаси, шанба куни кечқурун, мен Квил ва Эмбри ўрмонни одатдагидай югуриб кўздан кечириб соқчилик қилаётган эдик, тўсатдан "БА-БАХ!". Жейк қўллари билан портлашини тасвиirlади. - Яп-янги из! Бу из ўн беш дақиқа олдин қолдирилган, бундан кўп эмас. Сэм кутишишимизни хоҳлади, лекин мен сени кетганингдан бехабар эдим, сен қонсўрарларингни ҳимоясидамисан ёки йўқ буни ҳам билмас эдим. Шу боис биз бор оёқларимиз билан ўша вамирани кетидан югурдик. Барibir у биздан олислаб чегарадан ўтишига улгурди. уни

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ортга қайтишидан умидланиб бор дикқатимизни чегарага қаратдик.
Ростини айтсам у бизни роса тинкамизни қуритди.

Жейк бошини силтади, унинг тикандай бўлиб қолган сочлари
кўзига тушибди.

Биз узоқ жсанубга келиб қолдик. Агар қаерда кутшини
билганимизда эди, тузоқнинг зўрига йўлиққан бўлар эди. Жейк
бошини яна силтади, юзини эса ажин босди.

Сэм қолган йигитлар билан биздан олдин етиб олишиди, биз чув
тушибдик. Ўша зулук айни чегарага етиб олган. бошқа томондан эса
қонсўрарларнинг тўдаси йигилишганди. Барзанги, ҳалиги-чи... ким
эди?

— Эмметт.

— Ҳа, худди узи. Ўша барзанги анави вампирага ташланди, у эса
ўқдан ҳам тез эди...

Барзанги уни кетидан учди ва полга урилиб кетишига оз қолди.
Пол эса... ўзинг биласан-ку

Полни қанақалигини.

— Ҳа, албатта!

— Полда қисқа туташув содир бўлди, бунақаси кимдаям
бўлмасди? Пол нахд қонсўрарнинг тумшуғи остидан сакради...

Менга бундай қарама! Вампирлар бизнинг ҳудудимизда эди ахир!

Жейк гапиришидан тўхтамаслиги учун ҳисларими яширишига
уриндим. Ҳаммаси яхшилик билан тугаганини билсамда кучли асаб
босими зўрлигидан бутун танамда оғрик турди.

— Қисқаси, Пол мўлжалдан адаиди ва барзанги ўз томонига
муваффақиятли ўтиб олди.

Лекин анави... ҳалиги бору, оксариқ сочли... Жейк Эдвардинг
синглиси ҳақида гапира бошлаганида қизиқ бир қоришима, нафрат ва
беихтиёр роҳатланиш бор эди.

— Розали.

— Фарқи йўқ. хуллас ўша ўлимга тик боришга ҳам тайёр эди.

Шунинг учун мен Сэм билан

Полнинг икки ёнига турдик. Шунда уларнинг йўлбошчиси ва
бошқа шунақа оқ-сариқ сочли...

— Карлайл ва Жаспер.

Жейк менга норози қаради.

— Уларни исмлари қандайлигига тупурдим! Майли, Карлайл бўлақолсин. У жанжални тўхтатиши учун Сэм билан гаплашиди. кейин нимадир бўлди-ю куттилмагандага ҳамма тинчланиб қолди. Бу ўша сен менга гапириб берганинг бору, ўша бошимизни айлантира бошлади. Нима бўлаётганига тушунсак ҳам барибир тинчлана олмадик.

— Мен бунда ўзингни қандай ҳис қилишингни биламан.

— Қахрли сезасан ўзингни, лекин кейин қахрланишинг мумкин бўлади.

Жейк жаҳланиб бош чайқади.

— Хуллас ўша, қонсўрарлар йўлбошчиси Сэм билан келишиб олишиди, асосийси анави

Виктория эди. Биз яна уни кетидан қувшишга тушдик. Изини топишимиш учун Карлайл бизни олдинга ўтказди. Бироқ малласоч шимолроқдаги қояларга яширинишга улгурган эди ва ўша

жойдан уммонга шўнгиди. Барзанги ва хотиржам, чегарадан ўтиб малласочни ортидан боришига руҳсат сўрашиди, турган гап-ки биз руҳсат бермадик.

— Яхши, ўзингизни аҳмоқона тутибсиз, Эмметт доим ўзини ҳавфга қўяди. Ахир соғ қолмаслиги мумкин эди.

— Демак, вампирчанг бизни бесабаб ҳужум қилди дебди-да, унинг бегуноҳ ўртоқлари...

— Йўқ, — Жейкни гапини бўлдим. — Эдвард менга худди шуларни айтди, батофсил бўлмаса ҳам.

Жейк эгилиб оёғимиз остида ётган минглаб тошлардан бирини олиб юз фут наридаги сув қўйилиши жойига қаратса отиб юборди.

— У қайтади деб ўйлайман, бизни ҳали яна имконимиз бўлади.

Мен қалқиб кетдим: албатта, Виктория яна қайтади. Эдвард бу ҳақида менга айтармикан?

Унчалик ишончим комил эмас. Малласочнинг қайтганини билиши учун Элисдан кўз узмаслигимга тўғри келади.

Узоқ жимликдан сўнг - Нималарни ўйлаб қолдинг? - деб сўрадим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Менга айтганларингни ўйлајпман. Фолбин қоядан сакраганингни қандай кўргани ва сени ўз жонига касд қилди деб ўйлагани, натижада эса содир бўлган ҳодисаларни... Агар мени кутганингда, ўша зул... Элис сакраганингни кўролмасди ва ҳеч нарса ўзгармасди. Биз сен билан ҳар доимгидек шанба кунлари гаражимда ўтирган бўлардик. Форксда ҳам ҳеч қанақа вампирлар бўлмасди, биз эса сен билан...

Жейкоб жим бўлиб ўйланиб қолди.

— Эдвард барибир қайтиб келарди.

— Ишончинг комилми?

— Айрилганимизда... иккимиз ҳам жуда қийналдик.

Жейнинг юз ифодасидан қандайдир ёмон гап айтмоқчилиги маълум эди, лекин ўзини қўлга олди ва чуқур нафас олиб гапиришини бошлади.

— Биласанми? Сем сендан қаттиқ газабда.

— Менданми? - мен серрайиб қолдим. — Ҳа тушунарли агар мен бўлмаганимда, улар ҳам бу ерда бўлишишмасди деб ўйлайди.

— Йўқ гап унда эмас.

— Унда нимада?

Жейк эгилиб яна битта тошни олди ва қўлида айлантира бошлади. Қора тошчадан кўз узмай секингина:

— Сэм сени илк бор қанақалигинги кўрганида, Билли унга даданг согаймаслигиндан ҳавотирда эканини айтганида, кейин эса қоядан сакрашни бошлаганингда...

Юзим бурушиди. Ҳеч шуни унумтишишмга йўл қўйишмайди-я!

Жейк менга қаради.

— Сем Калленларни ёмон кўришга сабаби бор ягона инсон сенсан деб ўйларди. Сен эса уларни ҳаётингга қайтишиларига йўл қўйиб бердинг, у эса ўзини хиёнат қурбонидай ҳис қилди.

Ёлгиз Сэмгина шу ҳолга тушиганига бир сония ҳам ишонмайман. Оғзимдаги заҳар гапим уларнинг ҳар иккисига ҳам тааллукли эди:

— Ўша Сэминга айтиб қўй, бориши мумкинлигини...

— Қара!

Жейк жуда баланддан уммонга шўнгуб, балиқ тутуб қирғоқча олиб чиқкан бургутни кўрсатди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Буни ҳар ерда кўриши мумкин. - унинг овози ҳайратли эди. - Овчи ва ўлжса, ҳаёт ва ўлимнинг узвий боғлиқлигини табиат ўз ичига олади.

Унинг табиат ҳақидаги нутқини мазмани менга етиб келмади, шунинг учун Жейк мавзуни ўзгартирди ва бирдан ёқимсиз ҳазил қилди.

— Шунда ҳам сен балиқнинг бургутни ўпишга уринганини кўролмайсан, бунақаси бўлмайди.

Жейк масҳаромуз тиржайди. Оғзимдан ачич ғапларимни мазаси кетмаган бўлса ҳам узоқ қулдим.

— Балки балиқча ҳаракат қилгандин, у нимани ўйлаганини ҳеч ким билмайди. Ахир бургутлар келишган бўлишади-ку.

— Мана ғап нимада экан-а? Жейкни овози янграб кетди. - Келишган дейсанми?

— Жейкоб, кўп ғапирма!

— Унда ғап бойликдами?

— Ажойиб, мен ҳакимдаги фикрингдан ҳайратдаман, - қуриган дарахтдан тураётиб гудраниб қўйдим. Ўгирилиб ундан нари кетдим.

— Хой, ачигинг чиқмасин! Жиддий айтяпман! Ғап имадалигини аниқламоқчиман, лекин ҳеч нимага тушунмаяпман.

У шундоққина ортимда эди ва мени қўлимдан ушлаб ўзига қаратди.

— Мен уни чироий ёки давлати учун севмайман. Мен учун буларни ҳеч бири шартмас, чунки у мен билганларни ичиди энг замхўр, энг севувчи, энг ажойиб ва рисоладагидек одам.

Албатта севаман-да, буни нимаси тушунарсиз?

— Ҳаммаси тушунарсиз!

— Жейк унда менга айт-чи, сенингча мен уни нима учун севишум керак?

— Яхшиси, ўз тоифангдагисидан топганинг маъқул, одатда бу иш беради.

— Ундаи бўлса менга фақат Майк Ньютон қолар эканда, гирт аҳмоқона маслаҳат!

Жейк сесканиб лабини тишлади, ғапим уни тешиб юборганини кўриб турадим-у, бироқ жаҳлимни зўридан ўзимни айбдор

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳисобламадим. У мени қўйиб юборди ва қўлларини кўксига қўйиб уммонга қаради.

— Мен оддий одамман, - эшишилар эшишилмас гўлдиради у.

— Лекин Майкка ўхшаб эмас. Ёки сен ҳалиям шу ҳаммасидан муҳим деб ўйлайсанми? – унга ачиниб ўтиргадим.

— Бу бошқа нарса, менга ҳеч нима боғлиқ бўлмаган. - у тўлқиндан кўз узмади.

Мен ишончсиз қулдим.

— Эдвардга боғлиқ бўлган деб ўйлайсанми? У сенга ўхшаб ўзиға нима бўлаётганини тушуна олмаган. Биласанми, турланувчи эканинга қарамай ўта димоғдор ва ўзингни доим ҳақ деб биласан, ўзингга жуда бино қўйгансан.

— Бу турли нарсалар. - тақрорлади Жейк, менга қовогини уйиб қаради.

— Фарқи нимада? Сен оз бўлсада Калленларни тушунсанг бўларди. Ахир уларнинг қанчалар ажойиб эканликларини тасаввур ҳам қилмайсан-ку.

Жейк баттар қовогини уйди.

— Улар умуман бўлмасликлари керак эди. Улар табиий эмас ва бу табиатга зид.

Мен унга узоқ вақт қараб турдим, лекин Жейк нигоҳимни кеч сезди.

— Нима бўлди?

— Табиий эмас... - ишора қилдим.

— Белла, мен шундай түгилганман. Бу менинг оилам ва қавмимнинг бир қисми ва бу бизнинг ҳозиргача мавжудлигимизнинг сабаби. Мен ҳали ҳам одамман деди.

У бошқача, катта ёшли одам - дадам ёки ўқитувчидай овозда гапиради. Менга бошимдан оёғимгача қараб қўйди мен унинг кўзларидан ҳеч қандай маънони ўқиёлмадим.

У қўлимдан тутиб ўзининг қайнок қўксига босди, футболкаси устидан унинг равон юрак уришини ҳис қилдим.

— Рисоладаги одам мотоциклни сенга ўхшаб ҳайдамайди.

Жейк менга майин жилмайди.

— Белла, рисоладаги одамлар маҳлуқлардан қочишиади. Мен эса сенга ҳеч қачон рисоладаги одамман демаганман, мен шунчаки одамман.

Жейкдан хафа бўлишининг иложи йўқ, кўксидан қўлимни олиб жилмайдим.

— Майли, менинг назаримда одамга ўхшайсан, ҳозир.

— Мен ўзимни одамдай ҳис қиласман.

Унинг пастки лаби титраб кетди ва у лабини тишлади.

— Жейк... - қўлига қўлимни узатиб шивирладим.

Айнан шунинг учун бу ерга келганман. Мени қайтишим билан уйда нималар кутаётган бўлса барига чидашга розиман. Чунки Жейк жаҳл ва кесатии ниқоби остида қалбидаги оғрикларни яширган эди. Буни кўриб турсамда қандай ердам беришини билмас эдим. Мен ундан кардорман, мени кўп бор қутқариб қолгани учун ундан миннатдорман. У менинг бир қисмимга айланди ва бундан ўзга чора йўқ.

V боб. Ҳиссий боғланиш

— Жейк, ишларинг қандай? Дадам ёмон деди... яхши томонга ўзгаришлар йўқми?

Унинг иссиқ қўли қўлимни ёпди.

— Унчалик ёмон эмас. - нигоҳини кўтармай жавоб берди у.

Оёқ остидаги ранг баранг тошларга қараб шошмасдан мени дарахтли ўриндиққа етаклаб келди, мен яна қўноққа ўтиродим. Жейк эса ёнимга ўтиришини ўрнига тошлоқли соҳилга қаради.

Менимча унинг қайгудан буришган юзини кўришимни истамади. Шундай бўлсада қўлимни қўйиб юбормади. Мен сукунатни тўлдириш учун ҳар балони валақлай бошладим.

— Бу ерга келмаганимга юз йил бўлди. Қизиқ воқеалар кўп бўлгандир. Сэм ва Эмили қандай? Эмбричи? Квил қандай...

Дўсти Квил ҳақида сўрамаганим яхшилиги эсимга тушиб жисм бўлдим.

— Эҳ бу Квил, - хўрсинди Жейк.

Демак бу содир бўлибди-да: Квил ҳам тўдага қўшилибди-да.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ачинарли, - ғудрандим.
- Буни ўзига айтишини ҳаёлингга ҳам келтирма!
- Нега?
- Квилга ачинишнинг кераги йўқ. Аксинча у бундай баҳтдан еттини осмонда учиб юрибди.

Ҳеч нарсага тушунмадим. Ахир бошқа бўрилар дўст қисматини айиришини билиб қайгуришган эди.

- Унга нима бўлди?

Жейк бошини қашлаб ва жилмайиб мендан кўзини олиб қочди.

- Квил ўзидағи ўзгаришидан мамнун, бундан зўри бўлмаса керак деб ўйлади. У дўстларини сафига қайтгани ва улар билан биргалигидан ўзида йўқ хурсанд. У ҳам энди "танланган"лардан ҳисобланади.

- Унга бу ёқадими? - ҳайратдан лол эдим.

— Тўғрисини айтсам, бу ҳаммамизга ёқади. Бир қанча имкониятларга эга бўласан, тезлик, эркинлик, куч... Сэм билан мен жуда кийналганмиз, Сэм синовдан ўтди, энди кийналмаяпти.

Фақат мен кўзимни ёшини оқизиб юрибман, ҳалигача. - истар-истамас тан олди Жейк ва кулиб юборди.

Менда минглаб саволлар пайдо бўла бошлиди ва уларни Жейк жавоб бершиига қўймай бирин кетин ёмғирдай ёғдира бошиладим.

— Нега Сэм иккингиз бошқаларга ўхшамайсизлар? Сэмга ўзи нима бўлган? Унга нима қилган?

- Бу узун ҳикоя.

— Мен узун бўлса ҳам гапириб бердимми, сен ҳам гапириб берасан. Эшишига тайёрман, уйга кетишига шошилаётганим йўқ.

Бунинг учун мени уйда нималар кутаётганини ўйлашим билан юзимни ажин босди. Жейк гапимдаги икки хил маънони тушунгандай менга тезлик билан қаради.

- Унинг жаҳли чиқадими?

— Ҳа, менинг қалтис иши қилишишга чидаб туролмайди.

— Турланувчи билан саирга чиқишинга ўхшаганми?

— Худди шундай.

— Унда қайтма, мен диванда ухлай қоламан.

— Зўр фикр! Ана шунда у зудлик билан мени қидиришига чиқади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейк энгашиб айёrona жилмайди.

— Ростдан чиқадими?

— Ҳа, агар менга нимадир бўлган деб ўйласа албатта чиқади.

Жейкниг бу гояси менга роса ёқиб тушиди.

— Фоям сония сайин ўзимга янада ёқиб кетяпти.

Ўзининг кутимагандан айтган гоясидан ғурурланиб айёрлик қилишини ўйлаётгани юзидан маълум эди.

Худо ҳаққи Жейк, жонимга тегиб кетди. Айнан нима тегди жонингга?

— Бир-бирингизни ўлдиришга тайёр эканингиз. Сизлар мени жинни қиласизлар бу кетишида. Наҳотки ўзингизни тараққиёт одамларидаи тута олмайсизлар?

— У ростдан ҳам мени ўлдиришга тайёрми?

Эҳ худойим у мени газабимга эътибор ҳам бермай қовогини уйди.

— Сен уни ўлдиришини хоҳлаганингчалик эмас! У ўзини катта ёшли одамдай кўради. Сенга озор берганида мени ҳам азобга қўйишини яхши билади. Ҳар ҳолда, шунинг учун ҳам бундай қилмайди. Сен эса бунга тупурасан шекилли! Бор овозда

қичқираётганимни пайқаб қолдим.

— Ҳа-да, албатта, у паишага ҳам озор бермайди. - ғудранди у.

— Тфу!

Қўлимни Жейкниг кафтидан тортиб олдим ва бошини нари сурдим. Тиззамни қўксимга босиб қўлларим билан қучоқладим. Газабим қайнаганча уфққа тикилдим.

Жейк бироз жим турди. Кейин ердан туриб ёнимга ўтироди, бир қўли билан елкамдан қучганида қўлини силтаб ташладим.

— Кечир, ўзимни атворли тутишга ҳаракат қиласман, - аста айтди у.

Мен гапирмадим.

— Сэм ҳақида билишини хоҳлайсанми? - сўради у.

Мен елка қисдим.

— Галати ҳикоя, Сэм билан содир бўлган ҳодиса... сенга тушунтира оламанми ёки йўқ ишончим комил эмас, хатто.

Жейкдан ғазабда бўлсамда унинг сўзлари қизиқшиимни қўзгатди.

— Эшиштаман, - қуруққина қилиб айтдим.

Кўзимнинг қири билан Жейкнинг юзида жилмайши балқиганини пайқадим.

— Сэмга бошқалардан кўра оғирроқ бўлган. Шунинг учун у ёлгиз қолган, ёнида ҳеч ким бўлмаган. Сэмнинг буваси у түғилмасидан оламдан ўтган, дадасини эса кўрмаган ҳам. Ҳеч ким касаллик белгиларини аниқлай олмаган. У илк турланганида ақлдан оздим деб ўйлаган. Ўзини қўлга олиши ва аслига қайтиши учун унга икки ҳафта керак бўлган. Бу сен Форксга келишингдан олдин бўлганди. Сэмнинг ойиси ва Ли Клироутерлар полиция ва ўрмон ходимларини қидирув шиларини ташкиллашибарини сўраб мурожсаат этишган. Бахтсиз ҳодиса ёки яна бошқа нарса деб ўйлашган.

— Ли Клироутер? - ҳайратландим мен.

Ли Клироутер Гарри амакининг қизи эди, унинг исмини эшишиб ачиниши ҳиссум тўлқинланиб кетди. Гарри амаки дадамнинг қадрдан дўсти эди, ўтган баҳорда инфарктдан ўлди.

Жейкнинг овози ўзгарди:

— Ҳа, улар Сэм билан мактабдаёқ дўстлашишган, Ли ўн тўртга ёшига кирганида учраша бошлишган. Сэм йўқолганида у эсдан огаёзди.

— Лекин Сэм Эмилини...

— Бу ҳам ҳикоянинг бир қисми, бу ҳақда кейин айтаман.

Жейк аста нафас олиб кескин нафас чиқарди.

Ҳа, Сэм Эмилигача яна кимнидир севмаган деб ўйлашнинг ўзи тентаклик. Кўпчилик умри мобайнида бир неча бор севиб қолади. Сэм билан Эмилини кўп бора бирга кўрганман, шунинг учун уни яна бошқаси билан тасаввур қилолмасдим. Сэм Эмилига шундай қаради-ки...

Эдвардининг менга баъзан шундай қарашига жуда ўхшайди.

— Сэм қайтиб келди, - давом этди Жейк. — Лекин унга нима бўлгани ҳақида ҳеч ким билан гаплашгиси келмасди, у ҳақида ҳар хил миши-миши тарқалди. Асосан қандайдир ёмон тўдага қўшилиб қолгани ҳақда гапиришарди. Бир куни Сэм Квилининг буваси билан учрашиб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қолади, қари Атеара Квил Улейс хонимни йўқлаб келганди. Сэм у билан қўл бериб кўришиади, шунда чол тўрт оёқлаб қолган.

Жейк кулиб юборди.

— Нима учун?

Жейкоб юзимга кафтини қўйди ва юзимни ўзига қаратди, унинг юзи юзимга шунчалар яқин эдики, хатто нафас олганида бурнидан чиққан ҳароратни ҳис қилдим, кафти ҳам худди ҳарорати ошгандай ёниб туради.

— Тушунарли, - у менга жуда яқин турганидан ўнгайсизланиб ғудрандим. — Сэмнинг иситмаси чиқаётганмиди.

Жейк яна кулиб юборди.

— Унинг қўли печга ўхшаб ёнарди. Хуллас жаноб Атеара тўғри қолган оқсоқолларнинг ёнига бориб у ҳакида айтади. Жаноб Атеара, Гарри ва Билли буваларининг бўрига қандай айланганини кўрганлари ҳакида фақат улар билишар ва эслашарди.

Кария Квилнинг хабаридан сўнг, улар Сэм билан пинхона учрашилар ва ҳаммасини тушунтиришиди. Сэм ҳаммасини тушунганида енгил тортди, энди у ёлғиз эмасди. Оқсоқоллар

Калленларнинг ташрифи ёлғиз Сэмга таъсир этмаганини билишарди, лекин қолганлар ҳали ёш эди, шунинг учун Сэм бизнинг унга қўшилишимизни кутган.

— Калленлар бу ҳақда тасаввурга ҳам эга эмасдилар! Улар бу ерда турланувчилар ҳали ҳам мавжуд деб ўйлашмаган. Бу ерга келиб сени ўзгаришига мажбур қилишларини билишмаган.

— Нима фарқи бор? Билганми билмаганми, бу барibir содир бўлди-ку.

— Сен кек сақлайдиганга ўхшайсан.

— Ҳа нима, сенингча, сенга ўхшаб ҳаммасини осонгина кечириб юборишим керакми?

Ҳамма ҳам сенга ўхшаб бағри кенг жабрдийда бўлавермайди.

— Жейкоб, улгайши вақтинг келди.

— Улгая олсам эди, - ғудранди у.

Унинг сўзларини тушунишга ҳаракат қилиб тикилиб қолдим.

— Нима дединг?

— Бу мен сенга айтган галатиликнинг биттаси.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Сен... улгая олмайсанми? Сен ҳеч ҳам... ҳеч ҳам қаримайсанми? Бу нима, ҳазилми? - овсарланиб сўрадим.

— Қанақасига ҳазил бўлади.

Рангим оқариб кўзим ёшланди, газабдан тишларим тақиллаб, жазим қарсиллади.

— Белла, нима ёмон гап айтдим?

Ўрнимдан сакраб турдим, бутун танам титраб, қўлларим мушт бўлиб тугилди.

— Сен... каримайсан, - тишларим орасидан вишилладим.

— Бизларнинг ҳеч биримиз қаримаймиз. Сенга нима бўлди?

— Нима бу дунёда қарийдиган ёлғиз менманми? Мен кун сайин қарийман. Жин урсин барини.

Мен дадамга ўхшаб жазавага туша бошладим, онгимнинг бир қисми ҳаммасини тушунса, қолган қисми буни рад этарди. Қоним қайнаб бор овозда додлай бошладим.

— Ҳа, йўқликда йўқ бўлиб кетавер. Бу ўзи қанақа аҳмоқона дунё бўлди? Қаниadolat?

— Белла тинчлан.

— Ўчир, Жейк, жисм бўл!

— Ҳозир сен ростданам оёгинги дўпиллаттингми? Қизлар фақат киноларда шунақа қилишади деб ўйлардим. Бу унчалик ҳам ёмон эмас, ўтири ҳозир сенга тушунтираман.

— Туравераман.

— Майли, хоҳишинг. Эшият, аслида мен ҳам бир кун келиб қарийман.

— Бу қандай бўлади?

У ўтиришга ишора қилди. Бир сония уни кўзларим билан чархлаб турдим, кейин барибир ўтирдим. Мендаги газаб қандай ёнган бўлса шундай ўчди ва мен етарлича тинчланиб олдим.

— Биз ўзимизни қанча кўп турланишдан тийсак... Узоқ вақт ўзгармай қўйсак ўшанда улгайшини бошлаймиз. Бу осон эмас, - у бош силтади. — Ўзимизни бошқаришини ҳали бери ўрганолмаймиз деб ўйлайман. Хатто Сэм ҳали буни уddyалай олмайди. Вамирлар галаси бурнимиз остида юриши эса буни янада қийинлаштиради. Қабиламиз ҳимояга муҳтож бўлганда турланмай туролмаймиз. Сен

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ваҳима қилишингга ҳожат йўқ. Мен сендан каттаман, ҳеч бўлмагандა жисмоний жиҳатдан.

— Нимани назарда тутяпсан?

— Белла, менга қара. Сенингча мен ўн олти ёшли ўсмирга ўхшайманми.

Мен унинг қудратли гавдасига бошдан оёқ дикқат билан назар солдим.

— Эҳтимол ўхшамассан.

— Умуман ўхшамайман. Чунки турланувчи генимиз кетганидагина биз бир неча ойгаулгаямиз. Бўйимиз ҳаддан ортиқ баланд бўлиб кетади. Жисмонан ёшим йигирма беш атрофида. Захирангда яна етти йилинг бор, қайғурмасанг ҳам бўлаверади.

"Йигирма беш атрофида". Ақлимга сиёмайди. Лекин Жейкнинг бирдан ўсгани кўз ўнгимда

бўй чўзид, мушакдор бўлгани, ҳар куни кўзимга ўзгача кўриниши эсимда... Бошим енгил айланганини сезиб силтадим.

— Хўши Сэм ҳақида эшишида давом этасанми ёки ўзгартиришим мумкин бўлмаган арзимас нарсаларга бақир-чақир қилаверасанми? — Кечир, ёш ҳақидаги савол қитигимни келтиради.

Жейкнинг қараши ўзгарди. У айтмоқчи бўлганларини саралаётганга ўхшайди.

Бу мавзу келажак режаларимни бузишини хоҳламасдим, шунинг учун сухбатни тўхтаб қолган жойига йўналтирдим.

— Демак Сэм Билли, Гарри ва жаноб Атеаралар гап нимада эканини тушунтиришганидан сўнг, у ҳаммасини тушуниб енгил тортган. Сен яна бунинг яхши томони ҳам бор дединг. Сэм нима учун Калленларни ёмон кўради? Нима учун мен ҳам нафратланишимни хоҳлайди?

— Айнан шу энг ажойиб-у гаройиби.

— Мени ажаблантириши осонмас.

— Тўғри айтасан, ҳақсан. Сэм ҳаммасини анлаганида енгил тортди, асосийси унинг ҳаёти аввалгидай эмасди. Лекин ишлари изига тушди.

Жейкнинг юзи қандайдир ноҳушиликни айтмоқчи бўлаётгандай қайгули тус олди.

— Сэм Лига бу ҳақда айттолмасди, зарурат бўлмаса ҳеч биримиз айтмаслигимиз керак.

Бундан ташқари Сэм учун унинг ёнида бўлиш хатарли бўлиб қолди. У гапирганда ишоралар қилишга ўтди. Худди мен сенга гапирганимдай. Ли Сэмнинг гапирмаслиги, қаерда бўлиши, кечалари қаерга кетиши ва нега дошихоре юришидан қаттиқ газабланди. Лекин улар муносабатларини асраб қолишга уринишиди, чунки бир-бirlарини севишаарди.

— Кейин у ҳаммасини билдими? Шу сабаб улар ажралишидими?

Жейк бошини чайқади.

— Йўқ, шунчаки бир куни Мак резервациясидан Линикига синглиси Эмили Янг келди.

— Эмили Лининг синглисими?

— Узоқ кариндоши, тўғриси улар болаликда жуда яқин бўлишган, қадрдан деса ҳам бўлади.

— Дахшат... ва Сэм... - бош чайқаб жим бўлиб қолдим.

— Хулоса чиқаришга шошилма. "Ҳиссий боғланиш" нима биласанми?

— Йўқ, билмайман. У нима ўзи?

— Биз кўникишишимиз керак бўлган яна бир ғалати ҳолат. Бу ҳаммада ҳам бўлавермайди, умуман бу тартиб қоидага кирмайди. Бу вақтга келиб Сэм биз афсона деб юрганларимизни барчасини эшишиб бўлган. У "ҳиссий боғланиш" ҳақида ҳам эшифтган, лекин ҳечам ўйламаган...

— Бу нима ўзи? - қизиқиб сўрадим.

Жейк нигоҳини уммонга қаратди.

— Сэм Лини чиндан севарди, бироқ Эмилини учратгач бу аҳамиятсиз бўлиб қолди.

Баъзида... негалигини билмайман... шундай қилиб ўзимизга дугона топамиз... Ёки иккинчи бўлагимизни.

— Қандай, "шундай"? Нима бир кўришда севгими бу? - масҳара қилгандай айтдим. Жейкоб кулмади, унинг тим қора кўзлари юзимга қадалди.

— Бу нарса бир кўришда севишидан кучли, муҳаббатдан ортиқроқ.

— Кечир, ҳазиллашмаяпсан, түгрими?

— Түгри.

— Бир кўришида севишдан ҳам кучлими? - овозимда ҳали ҳам иккиланиш эшиналар эди, Жейк буни фахмламай қолмасди.

— Буни тушунтириб беришим қийин, аслида муҳим ҳам эмас, - у елка қисди. - Сен Сэмга нима бўлганини билмоқчи эдинг, нима учун вампирларни ёмон кўради... улар уни ўзгаришга, ўзидан нафратланишга мажбур қилишган. Уларни ёмон кўради, чунки Лининг қалбини парчалади ва унга берган ваъдаларини ҳеч бирини бажаролмади. Ҳар куни унинг айловчи нигоҳини кўради ва у ҳақ эканини билади.

Жейк айтиши керак бўлмаган гапни айтиб қўйгандай жим бўлиб қолди.

— Агар Эмили опаси билан шунчалик яқин муносабатда бўлган бўлса... у буларга қандай қарайди?

Сэм ва Эмили идеал жуфтликдай кўринишарди: худди икки ёрти бир бутундай, лекин барибир... Сэм илгари кимгадир, Эмилига туғишишган опасидек бўлиб қолган қизга тегишли

бўлганига қандай чидаган?

— Эмили бошида жуда газабланди. Лекин бундай садоқат ва ҳурмат қилишларига қарши чиқиши қийин эди. - Жейкоб хўрсинди. — Бундан ташқари Сэм унга ҳаммасини айта олар эди.

Қачонки ўзингни иккинчи бўлагингни учратсанг, қоидалар сени тўхтатиб кола олмайди.

Эмилининг юзидағи чандиқлар қаердан эканини биласанми?

— Ҳа, Форксда Эмилига айиқ ҳамла қилганини гапиришган. Лекин мен ҳақиқатни билар эдим.

"Турланувчиларга суюниб бўлмайди, уларга яқин юрган одам жабр кўриши муқаррар", - деган эди Эдвард.

— Тушунарсиз бўлса ҳам, айнан шундай қилиб улар ярашиб олишган. Сэм қилган ишидан даҳшатга тушган, унинг ўзидан кўнгли қолди... Агар Эмилига фойдаси тегса, у ўзини автобус остига ташлаган бўлар эди. У ўзига кела олмай қийналди. Бир куни нимадир бўлди-ю, Эмили уни юпатишга тушди, кейин эса...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкоб жим бўлиб қолди ва мен қандайдир ўта шахсий воқеа содир бўлганини тушундим.

— Бечора Эмили, - аста шивирладим, - Бечора Сэм ва Ли...

— Ҳа, ҳаммадан ҳам кўра Лига оғир бўлди. У жасур қиз, тўйда келиннинг дугонаси бўлади.

Жануб томондаги нотекис қояларга ва уларга зарб билан урилиб, қоялар орасига оқиб кетаётган тўлқинларга қараб узоқ ўй суриб қолдим. Эшишганларимни ҳазм қилишига уриндим, Жейкнинг юзимга тикилганини сездим, у жавобимни кутарди.

— Бу сенда ҳам содир бўлдим? - атрофдан кўз узмасдан сўрадим, - ҳалиги, бир кўришида севиб қолиш!!!

— Йўқ, бу фақат Сэм ва Жаредда бўлган. - кескин жавоб берди у.

Мен мулойимлик билан қизиқши билдиргандай хмм дедим. Аслида эса юрагимни босиб турган оғир юқдан холос бўлгандай эдим ва мен нега деб ўйланиб қолдим. Яхшиям-ки, Жейк бизнинг муносабатимизни гўёки тасаввуфли алоқа демади, турланувчиларнинг ҳаракатларидан оёқни синдириб олиш ҳеч гап эмас. Бас, етар гайриоддийлик менга эмас.

Жейк ҳам жим турагар, бу жимликдан ўнгайсизлик сезилиб турагди. У нималарни ўйлаётганини эшишини ҳам истамасдим.

— Жаред билан қандай ҳодиса содир бўлган? - жимликни бузии учун сўрадим.

— Айтарли ҳеч нарса. Йил бўйи бир партада ўтириб, умуман эътибор бермаган, турлана бошлигач бефарқ эмаслигини сезиб ундан кўз узолмай қолган. Бу қиз Ким эди. Ким баҳтдан еттинчи осмонда учарди. У Жаредни аллақачон бутун борлиги билан севиб қолганди ва кундалигига ўзининг исмидан кейин Жаредни фамилиясини ёзиб қўярди. — Жейкнинг баҳиллиги келиб тиржайди, мен эса хўмрайиб олдим.

— Сенга Жаред айтдими?..

У бундай демаслиги керак эди, Жейкоб лабини тишлади.

— Ҳа бекор куляпман... лекин бу жуда кулгули, Жаред менга ҳеч нарса демаган. Мен сенга бу ҳақида айтгандим-ку, эсингдами?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Нима, сизлар бўрига айланганларингда бир-бирларингни фикрларингни эшиштасизларми?

— Ҳа. Ҳудди сенинг қонсўаринга ўхшаб.

Жейк қовогини солди.

— Эдвард, - тўғирладим.

— Ҳа, ҳа албатта. Сэм нимани ҳис қилганини айнан шундай қилиб билганман. Бу Сэм бизга ҳамма сирларини очиб ташлайди дегани эмас... Тўгрисини айтсан, бундан ҳаммамиз ҳам хурсанд эмасмиз. - унинг овозида бирданига аччиқланиши зохир бўлди. — Ҳеч қандай шахсий ҳаёт, ҳеч қандай сирларсиз. Барчаси, хатто ўзинг ҳам уяладиган нарсалар ҳамманинг эътиборида бўлади.

— Ҳа, бу ростдан ҳам ёқимсиз тушнинг ўзгинаси. - шивирладим.

— Умуман олганда, баъзида б ёрдам беради, айниқса жамоа бўлиб ҳаракат қилганимизда. - истамаса-да тан олди у. - Юз йилда бир марта қандайдир қонсўар чегарамизни бузиб ўтди. Биз Лоран билан роса яйрашдик. Агар Калленлар оёқ остида ралашмаганларида ўтган шанбакуни... эхх! биз Викторияни тутган бўлар эдик.

Жейк кафтига муштлади ва қаҳр-газаб билан муштини гижимлади. Мен титраб кетдим...

Ахир Жаспер ёки Эмметт жабрланса қандай ҳавотирланмаслигим мумкин, бу ҳавотирни ваҳимага ўхшатиб бўлмайди, дунёдаги наинки яксон қилиши мумкин бўлган нарсаларга улар жавобгар эмас. Жейкобнинг Викторияга ҳужум қилишини тасаввур қилишининг ўзи даҳшат.

Мен Жейкнинг қандай қилиб унинг устига бостириб боришини, Викториянинг жилвадор соchlари мушукникига ўхшаган кўзларини тўсиб қўйганини тасаввур қилиб титраб кетдим.

Жейкоб менга ғалати қаради.

— Сенда ҳам шундай эмасми? Ахир у ҳамиша ҳаёлингда-ку.

— Асло йўқ... Эдвард фикрларимни хоҳлаган тақдирда ҳам ўқий олмайди.

Жейкнинг юзидан тушунмаганлиги кўриниб туради.

— У мени эшитолмайди. - ўзимга ишонч билан тушунтира бошладим. - Мен у эшитолмайдиган ягона одамман. Сабабини билмаймиз.

- Галати, - деди Жейк.
- Ҳа, аниқроги томим жойида эмасга ўхшайди.
- Мен томинг қийшиқлигини аллақачон тахмин қилгандим. -
масҳара қилди Жейк.
- Мақтөв учун раҳмат.

Қуёши кутмалаганда булутли кағанни ёриб чиқди, бундай
совгани кутмагандим ва кўзларимни сувнинг жилваси
қамашибиршиидан ҳимоялаш учун қўлим билан тўсдим.

Атрофнинг ранги ўзгарди, дарахтларнинг яшил япроқлари
янада ёрқинлашиди. Тошлилар турфа рангда жилваланди.

Кўзларимиз аста секин ёруғликка мослаша бошлади. Жейкоб
яқинроқ ўтириб қўлимдан тутди. Унинг қўли шу қадар қайнок эдикни,
бир дақиқа ўтиб мен курткамни ечдим. Жейк маъқуллаб ишора
қилди ва яногимга юзини босди. Қуёши қиздиради, бироқ Жейк ундан
ҳам қайнок эди. Менинг ёниб кетишими учун қанча вақт кераклигини
тасаввур қиляпман.

Ўнг қўлимни қуёшга тутдим ва Жеймснинг тишилашидан қолган
чандиқни офтобда товланишини кузата бошладим.

- Нималарни ўйлајпсан? - гудранди Жейк.
- Қуёшни.
- Ёқимли.
- Ўзинг-чи? - сўрадим.
- Сен мени олиб борган аҳмоқона фильм ва Майк Ньютон
ҳамма ёқни расво қилганини эслаяпман.

Мен ҳам кулиб юбордим, ўша кеча кўп нарса ўзгарди... Буни
ҳозир эслаб қўрқувни ҳам ҳаяжонни ҳам ҳис қилмадим, шунчаки
кулгим келди.

Бу бизнинг Жейк билан сўнги, у ўз мохиятини англағунича
бўлган кечамиз эди. Бу унинг сўнги инсоний хотираси эди. Ҳозир
қандайдир ёқимли бўлиб қолди.

— Мен ўша дамларни қумсайман, - деди Жейк. - Ҳаммаси оддий
ва тушинарли эди...

Хотирам яхши эканидан хурсандман. - у хўрсинди. Жейк мени
жиддийлашганини сезди, унинг сўзлари менга баъзи нарсаларни
эслатиб юборди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Сенга нима бўлди?

— Айтгандай, яхши хотиранг ҳақида... - Жейкни кўриб туришим учун сурилдим.

— Айтчи, душанба куни эрталааб нима қилдинг?

Жейк менга тушунмай қараб қолди.

— Эдвардни ранжитадиган ниманидир ўйладинг.

Ранжитадиган - бу юмшоқ айтилди. Бироқ жавоб олишини истасам бунчалик қаттиқ сўроқ қилмаслигим керак. Жейкнинг юзидан ҳайронлик ариди ва у кулиб юборди.

— Мен шунчаки сен ҳақингда ўйлагандим, бу унга унчалик ҳам ёқмабдими, а?

— Мен ҳақимда? Хўши мен ҳақимда нимани ўйладинг?

Бу сафар Жейк унчалик ҳам кулмади.

— Сэм сени топганида қандай кўринишда бўлганингни эсладим.

Биласанми Сэм бу хотирадан қутулолмаяпти. Кейин эса ёнимга биринчи бор келганингни эсладим. Ўшанда қанчалар ёмон аҳволда бўлганингни тасаввур ҳам қилолмайсан. Сени одамга ўхшашинг учун узоқ ҳафталар керак бўлди. Худди бўлакларга бўлиниб кетаётгандай қўлинг билан ўзингни маҳкам кучиб олганинг-чи...

Жейк афтини бурушириб бош чайқади. - Сенинг изтиробларингни эслаш мен учун оғир, лекин буларнинг ҳеч бирига менинг алоқам йўқ эди. Шунда унинг ҳам аҳволи сеникидан баттар эканини ўйлаб қолдим.

Жейкнинг елкасига боплаб тушурдим, бундан қўлимга огрик кирди.

— Жейкоб Блэк бошқа бундай қилишини ҳаёлинга ҳам келтирма!

Менга сўз бер!

— Яна нима! Анчадан буён бу қадар хурсанд бўлмаган эдим!

— Жейк, менга ердам бер...

— Белла, ўзингни бос. Уни яна қачон кўраман?

Ташвишланмасанг ҳам бўлади.

Ўрнимдан туриб нари кетдим. Жейк қўлимдан ушлади, қўлимни тортиб олмоқчи бўлдим.

— Жейк, вақтим бўлди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Йўқ, тўхтаб тур. Кечир. Ҳа... майли, бошқа бундай қилмайман. Сўз бераман.

Мен хўрсиндим.

— Раҳмат Жейк.

— Ундаи бўлса юр бизникуга борамиз, - қатъий таклиф қилди у.

— Чиндан ҳам, кетадиган вақтим бўлди. Мени Анжела Вебер кутяпти, яна Элис ҳам, у ҳавотир олади. Уни қаттиқ ранжитишни истамасдим.

— Ахир ҳозиргина келдинг-ку!

— Менга ҳам шундай туюляпти, - гапига қўшилдим ва қуёшга юзландим у нахт бошим узра турар эди.

Вақт ҳайратланаарли даражада тез ўтди. Жейк қовогини солди.

— Сен яна қачон кўраман? - хафа бўлиб сўради у.

— Қачонки Эдвард яна кетса, - ўйлаб ҳам ўтирмасдан сўз бердим мен.

— Кетадими? Унинг қиласиган ишлари шундай аталадими?

Зулуклардан кўнглим айнийди.

— Агар ўзингни тарбияли тутмасанг, бошқа умуман қелмайман!

- дўқ урмоқчи бўлиб қўлимни тортдим. Жейк қўйиб юбормади.

— Майли, аччиғинг чиқмасин, - маъюс тортди у. - Агар яна келишимни хоҳласанг, баъзи нарсаларни келишиб олишимиз керак бўлади.

Жейк жим туриб таклифимни кутди.

— Кўряпсанми, ким вамир, ким турланувчи бунинг менга фарқи йўқ. Сен Жейкобсан, у Эдвард, мен эса Белламан. Қолгани муҳим эмас.

— Лекин мен бари бир турланувчиман, - беихтиёр айтди Жейк ва ижирганиш билан: - У эса вамирлигича қолади, - деб қўшиб қўйди.

— Мен эса Париман!

Чидаёлмай қичқириб юбордим.

Жейк чуқур қизиқиши билан юз ифодамни таҳлил қилди ва нуҳоят елка қисиб:

— Агар ўзинг шуни хоҳласанг...

- Ҳа. Ҳоҳлайман.
- Майли. Шунчаки Белла ва Жейкоб, ҳеч қанақа аҳмоқона Пари эмас.

Жейк менга таниши бўлган ва мен жуда согинганимдай жилмайди. Унга жавобан мен ҳам жилмайдим.

- Жейк, сени жуда согингандим. - оғзимдан чиқиб кетди.
- Мен ҳам, - унинг оғзи қулоғига етди.

Жейк менга баҳтиёр нигоҳда қаради. Бу нигоҳда аччиқ ғазаб йўқ эди. У менга тубсиз меҳрли кўзлари билан қараб: — Сен тасаввур қилганингдан ҳам ортиқ. Тез орада яна келасанми? - деб сўради.

- Имконим бўлиши билан. - сўз бердим унга.

VI боб. Швейцария

Офтоб нуридан ялтираётган ернинг намлигига қарамай уйга йўл олдим. Йўл йўлакай

Жейкоб менга ёғдирган маълумотлар оқими ҳақида ўйлаб кетдим. Миямда кучли юкланиши бўлишига қарамай, қалбим анча таскин топди. Мен Жейкнинг ўзим хоҳлаган ва согинган табассумини кўрдим ва ичимдагини тўкиб солдим. Бундан муаммоларим ҳал бўлиб қолгани йўқ албатта, лекин оз бўлсада кичрайди. Жейкни кўргани келиб тўғри қилдим, мен унга керакман.

Ҳозиргина шоссе бўм бўши эди, қаердандир кумушранг "вольво" орқа томонимда пайдо бўлди.

— Жин урсин! - тўйнгилладим. Тўхтамасликни ўйладим. Ҳозир у билан кўришишига журъатим етмайди, тайёrlанишига вақтим бўлади деб умид қилган эдим... ёнимда дадам ҳам бўлар эди ва унинг зарбаси юмшайди. Нима бўлганида ҳам у менга дадамнинг ҳузурида қичқирмайди.

"Вольво" мендан бир неча дъюм орқада келарди. Кўзимни йўлдан узмадим. Орқани кўрсатадиган ойнадан мени куйдиргудек бўлиб қаратилган нигоҳга тутқич бермай тўпна-тўғри Анжеланикига ҳайдадим. Роса қўрқоқман-да.

"Вольво" мени то Веберлар уйи олдида тўхтамагунимча ортимдан кузатиб келди. У тўхтамади, мен эса нигоҳимни кўттармадим. Унинг юзидаги ифодани кўргим келмади.

"Вольво" кўздан йуқолиши билан қисқагина йўлакчадан уй эшигига қараб чопдим. Эшикни тақиллатмасимдан худди кираверишда тургандай Бен эшикни очди.

— Салом Белла! - ҳайратланиб айтди у.

— Салом Бен! Анжела уйдами?

Режамизни унутган бўлмасинда. Уйга вакъти қайтишимни ўйлаб юзим бурушиди.

— Албатта, - жавоб берди Бен ва шу захоти зинада дугонам пайдо бўлди.

— Белла!

Бен менга елка ортидан қаради. Иккимиз ҳам яқинлашиб келаётган машина шовқинини эшиштидик. Овоз мени чўчитмади: мотор тарилларди ва қаттиқ пақиллаб товуши ўчди, вольвонинг майин овозига сира ўхшамасди. Бу Бен кутаётган меҳмон бўлса керак.

— Остин келди, - деди Бен Анжела унга яқин келганида. Кўчадан автомобиль сигнали эшишилди.

— Кўришгунча! Мен сени ҳалиттан согиняпман! - деди.

Анжелани бўйнидан ушлаб ўпиши учун ўзига қаратаркан. Сония ўтиб Остин яна сигнал берди.

— Ҳайр Анжи! Мен сени севаман! - дея қичқириб ёнимдан ўтиб эшикдан учиб чиқиб кетди.

Анжела бироз қизариб ўзига келди ва Бен билан Остин кўздан ўйқолгуналарича ортларидан қўл силтаб кузатиб қолди.

— Белла ёрдам беришига рози бўлганинг учун чин дилдан раҳмат. Сен менинг нафақат бармоқларим тузалмас жароҳат олишидан, балки расво таржима қилинган жсангаридан қўтқардинг. - у енгил хўрсинди.

— Ёрдамим текканидан хурсандман, - мен бироз тинчландим. Веберларникида ҳаммаси одатдагидай. Анжеланинг оддий одамникуга хос бўлган драммаси мени тинчлантириди.

Қаердадир одамлар оддий ҳаёт кечиргани яхши.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен дугонамни ортидан юқорига унинг хонасига кўтарилидим.
Анжела йўл йўлакай ерда ёйилиб ётган ўйинчоқларни оёги билан
суреб ўтди. Уйда ноодатий жимлик ҳукм сўради.

— Сеникилар қаерда?

— Ота-онам эгизакларни Порт-Анжелесга тузилган кунга олиб
кетишиди. Менга ёрдам беришга рози бўлганингга ҳеч ҳам ишонгим
келмаяпти. Бен ўзини қўли оғриётганга солди. -

Анжела очиқ айтди.

— Ҳа, майли, арзимайди, - жавоб бердим ва Анжелани хонасига
кирдим, у ерда қалашиб ётган хат жилдларини кўриб:

— Чакки эмас! - деб юбордим.

Анжела менга ҳижсолат бўлиб қаради. Мана энди тушундим
нима учун Анжела буни сўнги дамгача сурганини ва Бен баҳона қилиб
қочиб қолганини.

— Мен ваҳима қиляпсан деб ўйлагандим, - тан олдим мен.

— Қани эди. Хўши фикрингдан қайтмайсанми?

— Йўз-е, нима деяпсан? Куни билан бекорман.

Анжела тахламни иккига бўлди ва ойисининг манзиллар
рўйхати ёзилган китобини ўртамизга қўйди. Бир муддат дикқат
билан ишладик, хонада қогоз устида шитирлаётган ручкадан боиқа
сас йўқ эди.

— Эдвард бугун нима қиляпти? - бир оздан сўнг қизиқиб сўради
Анжела.

Ручкам ёзаётган қогозимга зарб билан урилди.

— Эмметт дам олгани уйига келганди. Улар биргалашиб сайрга
чиқишимоқчи эди, шекилли.

— Худди чиқишиларига ишонмагандай гапирдинг.

Мен елка қисдим.

— Омадинг бор-да, Эдвардинг сайрга чиқиши учун акалари бор.
Билмадим Остин бўлмаса нима қилардим, Бен у билан йигитлар
қилиши мумкин бўлган ҳар қандай вақтичоғликни қила олади.

— Ҳа нимасини айтасан, табиат мени ўзига тортмайди ва мен
ҳаётда уларни ортидан қувиб етолмиман.

Анжела кулиб юборди.

— Мен ҳам уйда ўтиришини маъқул кўраман. - деди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

У бир муддат дикқатини хат жилдарга қаратди, мен яна түртта манзилни ёздим. Анжела билан сукунатда қолиб ўнгайсизланмайман, у ҳамиша нималарни дир валақлайди. У ҳам дадамга ўхшаб жимликни ноқулай деб ҳисобламайди. Бирок дадам каби Анжела ҳам ўта кузатувчан бўлиб қолади.

— Ҳаммаси жойидами? Асабийлашаётганга ўхшайсан, — қизиқиб сўради.

Мен уялгандай жилмайдим.

— Нима, шунчалик сезиляптими?

— Йўқ, унчаликмас.

Анжела мени ранжитмаслик учун ёлгон гапирди.

— Хоҳламасанг айтмаслигинг мумкин. — тинчлантириди у. —
Лозим топсанг гапир эшиштаман.

"Рахмат, ҳожати йўқ" демоқчи эдим. Мен саклашим лозим бўлган сирларим жуда кўп ва мен ўз муаммоларимни оддий одамлар билан муҳокама қила олмайман. Агар ошкор этсам қоидани бузган бўламан. Бирок, шундай бўлса-да оддий дугонам билан гаплашгим, оддий ўсмирга ўхшаб у билан ҳаёт ҳақида хасратлашгим келди. Эх, қани эди муаммоларим оддий бўлганида! Бундан ташқари вампирлар ва турланувчилар пиширган ошга алоқаси бўлмаган оддий одам билан сұхбатлашсам, бу мураккаб муаммоларнинг ҳамма ҳаммасига четдан қарасам яхшироқ бўлар эди.

— Менга таълуқли бўлмаган ишга аралашмайман, — Анжела хат жилдига эгилиб сўз берди.

— Йўге. Сен ҳақсан. Мен чиндан ҳам асабийлашыпман... бунга сабаб Эдвард. — жавоб бердим.

— Нима бўлди?

Анжела билан гаплашиш осон. У Жессикага ўхшаб носоғлом қизиқишида ва гийбат учун савол бермаслигига ишончим комил.

Анжела хафалигимга бефарқ эмас.

— Унинг мендан жаҳли чиққан.

— Унинг? Сендан-а? Бўлиши мумкин эмас. Нимадан жаҳли чиқибди?

— Жейкоб Блэкни эслайсанми?

— А?

- Ҳа.
- У рашик қиляптими? - сўради Анжела.
- Йўқ рашик қилмаяпти...

Жим бўлганим яхшироқ эди. Бундай нарсаларни тушунтириб бўлмайди, лекин барибир гаплашгим келарди. Мен оддий одамлар билан гаплашишини шунчалик согинганимни ўйламагандим ҳам.

— Эдвард Жейкни менга ёмон таъсир кўрсатяпти деб ўйладяпти. Гўё... у мен учун ҳавфлидай. Менга бир неча ой муқаддам нима бўлганини ўзинг биласан... умуман олганда буларнинг бари тентаклик.

Менинг ҳайратланишимга Анжела бош иргиди.

— Нима? - деб сўрадим.
— Белла! Жейк сенга қандай қараганини ўзим кўрганман. Гаров ўйнайманки, у рашик қиляпти.

— Жейк билан муносабатим унақа эмас.

— Сенда унақа эмасдир... лекин Жейкда...

Мен қовогимни солдим.

— Жейк унга бўлган муносабатимни билади. Мен унга ҳаммасини айтганман.

— Белла, Эдвард ҳам одам. Унинг ўрнида ҳар қандай йигит ҳам шундай йўл тутган бўлар эди.

Юзимни бурушитирдим. Бунга жавобим йўқ эди.

- Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади.
- Умид қиласман. Жейкда ҳозир қийин давр. Мен унга керакман.
- Муносабатларинг шунчалик яқинми?
- Ака-сингилдай.
- Эдвард эса уни ёқтирмайди... осон бўлмаса керак... қизик, бу Бенга қандай таъсир қилган бўларди? - у ўйланиб қолди.

Мен жилмайдим:

- Унинг ўрнида бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай йигит каби. Анжела қовогини солди.
- Бу аниқ. - деди. Кейин мавзуни ўзгартирди. У бирорларни қалбига тумшуғини тиқадиганлардан эмас, мен сухбатни давом эттирмаслигимни, давом эттира олмаслигимни сезган кўринади.

— Менга кеча ётоқхонадан хона ажратилгани ҳақида билдим, менга колледждан анча узоги тегибди.

— Бенчи, у ҳам қаерда яшишини биладими?

— Унинг ҳамиша омади чопган, у энг яқинда. Сенчи? Қаерда ўқишингни ҳал қилдингми?

Мени Анжела ва Бенларнинг Вашингтон университетига кирганилари бир сония ўйлантириб қўйди, улар бир неча ойдан сўнг Сиетлга жўнаб кетишади, бу вақтгача у ер беҳавотир бўлиб қолармикин? Қайта туғилган вамирлар бошқа шаҳарга кўчиб кетишармикин? Бу бошқотирмалар менинг айбим билан содир бўлмаётганмикин? Ўзимдан бемаъни ўй ҳаёлларни ҳайдашга уриндим ва жавоб беришига шошилмадим.

— Менимча, Аляскага кетсам керак. У ерда Жунода университет бор.

— Аляскага? Ростданми? Бу яхши албатта... шунчаки иссиқроқ жойга кетасан деб ўйлаган эдим.

Конвертдан кўз узмай кулиб юбордим.

— Ҳа. Форкс дунё қарашимни тубдан ўзгартириб юборди.

— Эдвардчи?

Юрагим увишиб кетди, лекин барибир Анжелага жилмайиб қарадим.

— Эдвардни Аляскадаги қахратон ҳам қўрқитмайди.

Анжела кулди.

— Бу жуда узоқ-ку. Уйинга тез-тез келиб туролмасанг керак. Менга ҳеч бўлмаса хат ёзиб турасанми?

Мен гамгин бўлиб қолдим. Балки, у билан ҳозир унчалик яқин бўлмаганим маъқулдир.

Агар бундай имкониятни қўлдан чиқарсан янада қайгули бўлмайдими? Қайгули ҳаёлларимни қувиб ҳазил билан жавоб бердим.

— Агар мана бундан кейин ёзолсан, - ёзилган конвертга ишора қилдим. Иккаламиз ҳам кулиб юбордик. Мен хатто марка ёпиширишига ҳам ёрдамлашдим. Уйга кетиши қўрқинчли эди.

— Қўлинг қандай? - сўради Анжела.

Бармоқларимни қимирлатиб кўрдим.

— Улардан қачондир яна фойдалансам бўлади менимча!

Пастдан эшикнинг ёпилгани эшитилди ва биз бошимизни кўттардик.

— Анжи? - Бенning овози эшитилди. Жилмаймоқчи бўлдим, лекин лабларим титради.

— Менимча кетар вақтим бўлди.

— Қолавер, агар хоҳласанг. Менимча Бен менга фильм ҳақида батофсил гапириб бермоқчи.

— Йўқ. Вақт бўлди. Дадам ҳавотир олади.

— Ёрдаминг учун раҳмат.

— Умуман айтганда, менга ёқди. Бугунгидай нимадир ташкил қилиб туришимиз керак.

Кизлар базмига ўхшаган.

— Албатта!

Ётмоқхона эшиги тақиллади.

— Киравер, Бен! - руҳсат берди Анжела.

— Белла! Тирик қола олдингми! - Бен масҳара қилиб Анжелани ёнидаги менинг ўрнимга бориб ўтироди. Кейин диққат билан меҳнатларимиз маҳсулига тикилди.

— Баракалла! Афсус, ҳаммасини тугатибсизлар, бўлмаса мен...

У жим бўлиб қолди ва бирдан жонланиб фильм ҳақида сўзлай кетди.

— Анжи, сен ҳаётдаги кўп нарсаларни ўтказиб юбординг.

Шунақанги қойилмақом фильм, ундаги сўнги олишув, ҳаммаси ажойиб эди, эсдан оғиши мумкин! У ерда шунақанги йигит бор, сен буни кўришинг керак.

Анжела менга маъноли қаради.

— Мактабда кўришамиз, - асабий қиқириладим.

— Ҳайр, - хўрсинди Анжела.

Пикапим томон борар эканман, эҳтиёткорлик билан кўчани зимдан кузатдим, лекин кўча саҳро мисоли бўм бўши эди. Йўл бўйи кўзгудан кўз узмадим, бироқ кулранг вольво ҳеч қаерда кўринмади.

Уйимиз олдида ҳам йўқ, лекин бу ҳеч нарсани англатмасди.

— Белла! Сенмисан? - эшикни очишим билан чақирди дадам.

— Салом дада! - дадамни телевизор қаршисидан топдим.

— Хўши, ишларинг қандай?

— Яхши.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Дадамдан гап яширишдан фойда йўқ, барибир Билли амаки ҳаммасини етказади. Бундан ташқари бу хабар дадамни хурсанд қиласди.

— Мени ишдан қўйиб юборишиди, шунинг учун Ла-Пушга бориб келдим.

Унинг юзида бўлиши керак бўлган ҳайрат кўринмади. Билли амаки ҳаммасини аллақачон хабар қилган.

— Жейкнинг ишлари қандай экан?

— Яхши.

— Веберларни кига бордингми?

— Ҳа, ҳамма конвертларни ёзиб тугатдик.

— Баракалла! - дадам жилмайди, телевизорда ўйин бўлаётганда дадам мен диққат билан эшиштаётгани галати.

— Бугун дўстларинг билан вақт ўтказганингдан хурсандман.

— Мен ҳам.

Ўзимга юмуш ахтариб оишонага кирдим. Афсуски дадам тушиликдан кейинги идишларни ювиб қўйибди. Полдаги қуёши нурига қараб бироз ўйланиб қолдим.

— Бориб дарсларимни тайёрлайман. - деб юқорига чиқиб кетдим.

— Кейин гаплашамиз, - дадам ортимдан қичқирди.

"Агар тирик колсам", - ҳаёлимдан ўтказдим.

Ётмоқхонам эшигини эҳтиёткорлик билан секин ёпганимдан кейингина орқамга ўғирилдим.

Албатта у шу ерда эди, рўпарамдаги очиқ дераза ёнида деворга суюнганича мени тешиб юборгудек тошдек қотиб тикилиб туради. Мени қаттиқ урушишини кутгандим, лекин ҳеч нарса демади. У жимгина мендан нигоҳини узмай туради, балки қаттиқ жаҳли чиққанидан гаплашиси келмаётгандир.

— Салом, - ва нухоят тилга кирдим.

Унинг юзи тошдан йўнилганга ўхшарди. Мен юзгача санадим, лекин у қилт этмади.

— Хўши... мана мен... тирик ва саломатман деб гап бошлидим.

Унинг бўғзидан ўқирик чиқди.

Бироқ юзи ўзгармади. У кўзларини юмиб гап бошлиди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Белла, - шивирлади у.
— Кўрқинчли иши бўлмади, - елка қисдим.
— Сал қолса чегарадан ўтиб келишувни бузмоқчи эдим, бу нималарга олиб келиши мумкинлигини тушуняпсанми? - деди ва совуқ ҳамда тундай коп-қора кўзларини очди.

— Сен бундай қилмаслигинг керак. - Овозим баланд чиқди, дадам эшиитмаслиги учун паст овозда гапиришига қанчалик уринмай, барибир бақиргим келарди. - Эдвард улар жсанжсал чиқарии учун ҳар нарсадан унумли фойдаланишади. Улар бундан хурсанд бўлишади. Сен келишувни бузмаслигинг керак.

— Балки, урушгиси келган фақат улар эмасдир.
— Етар! - гапини бўлдим.
— Агар у сени хафа қилгудек бўлса...
— Бас қил! - ўшиқирдим. — Бундан ҳавотирга тушмасанг ҳам бўлади, Жейкоб ҳавфли эмас.

— Белла! Ким ҳавфли, ким ҳавфсиз эканлигини белгилайдиган шароитда эмассан.

— Ўйлайманки, сен ҳам, мен ҳам Жейкдан қайғурмасак ҳам бўлаверади.

Эдвард тишларини гичирлатиб, қўлини мушит қилди. У ҳали ҳам дераза ёнида турар эди, орамиздаги бу масофа менга ҳечам ёқмаётган эди. Чуқур нафас олиб Эдвард томон юрдим. Уни қучоқлаганимда ҳам қимир этмади.

— Сени ҳавотирга қўйганим учун кечир. - мингирладим. У хўрсинди ва бироз тинчланди.

Белимдан қучоқлади.

— "Ҳавотирланиш" - бу юмшок айтилгани, бугунги кун роса ҷўзилиб кетди. - деди у.

— Сенга буни билдиrmоқчи эмасдим. Овдан тез қайтишингни ҳисобга олмабман.

Унинг кўзларига қарадим ва қаттиқ нигоҳига тўқнаш келдим. Унинг кўзлари тим қора, атрофи сиёҳрангда эканини шундагина пайқадим. Норози бўлиб қовогимни уйдим.

— Элис гойиб бўлганингни кўрганидаёқ қайтиб келганман. - тушунтируди у.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Бундай қилишининг кераги йўқ эди! Ахир энди яна кетишинга тўғри келади. - мен баттар қовоқ уйдим.

— Кумтоб тура оламан.

— Мана яна тентаклик! Бу аниқ, биламан албатта, Элис мени Жейкни ёнидалигимда кўра олмаган, лекин сен билишинг керак эди.

— Мен билмаган эдим! Руҳсат беришими кутма... - гапимни бўлди.

— Нима деганинг, "кутма"? Айнан шуни кутаман ҳам!

— Бу бошқа қайтарилмайди.

— Худди шундай! Чунки кейинги сафар сен бунчалик асабийлашмайсан!

— Чунки кейинги сафарнинг ўзи бўлмайди! - гапимни чўрт кесиб деди Эдвард.

— Ахир менга ёқмаса ҳам, кетишинги тушуняпман-ку...

— Бу бошқа-бошқа нарсалар. Мен ҳаётимни ҳавфга қўймаяпман.

— Мен ҳам!

— Турланувчилар ҳавфли.

— Мен бундай деб ўйламайман.

— Белла, буни муҳокама қилмоқчи эмасман.

— Мен ҳам!

Унинг қўллари мушт бўлиб тугулди, гарчи белимдан қучиб турсада мен буни ҳис қилдим.

— Сен чиндан ҳам фақат ҳавфсизлигимдан ҳавотирдамисан? - бирдан айтиб юбордим.

— Нимани назарда тутяпсан? - норози оҳангда сўради.

Анжеланинг фикр юритиши аҳмоқона бўлиб туюлди, нима дейишини билмай қолдим.

— Ўйлайманки, мени рашик қиляпсан, тўғрими?

— Рашик қиламан?

— Жиддий айтилман!

— Яна нима, бу ҳечам кулгули эмас. Мен гумон аралаш қовогимни уйдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Ёки... ғап бунда эмасми? Балки ғап қандайдир аҳмоқона "вампирлар ва турланувчилар - ўлим билан баробар душман" лигидами?

Унинг кўзлари чақнади.

— Ҳамма ғап фақат сенда! Менга бир нарса, сенинг ҳавфсизлигинг керак. Кўзларидаги қора алангадан шубхага ўрин қолмади.

— Майли, сенга ишона қоламан. Лекин билиб қўйишингни хоҳлайман, мен сизларнинг аҳмоқона дўст-душман ўйинларингга қўшилмайман. Мен нейтраль мамлакат-Швейцарияман.

Афсонавий ҳудудларинг тортисувида иштирок этишдан бош тортаман. Жейкоб мен учун оиласи аъзоси. Сен... бутун ҳаётим муҳаббатисан демаган бўлардим, чунки сени бундан ҳам ортиқ ва узоқ севаман деб умид қиласман. Менинг борлигимсан. Кай бирингиз вампир, кай бирингиз бўритус, буни менга фарқи йўқ. Мободо Анжела жодугар бўлиб чиқса, у ҳолда, у ҳам дўстлигимнинг илиқ муносабатига қўшилиши мумкин.

Эдвард менга хийлавор нигоҳ билан қаради.

— Швейцария, - маънодор қилиб тақрорладим.

У қовогини уйиб хўрсинди.

— Белла, - бурнини жсийириб жим бўлиб қолди.

— Яна нима?

— Сендан анави... хафа бўлма, лекин сендан кўппакнинг иси анқияти.

Эдвард мийигида жилмайди ва бундан англадимки ярашдик, ҳозирча.

Эдвард бу галги овни ўтказиб юборибдими, демак кейингисига боришига тўғри келади: жума куни у Жаспер, Эмметт ва Карлайллар билан Калифорниянинг тоз арслонлари жуда кўп тарқаган қайсиdir қўриқхонасига кетган эди.

Биз барибир турланувчилар ҳақида бир тўхтамга келолмадик, лекин мен пайтдан фойдаланиб, уялмай Жейкка қўнгироқ қилдим. Эдвард хонамга деразадан киришидан олдин вольвосини уйига ташлаб келган эди. Мен Жейкка шанба куни боришимни айтдим, бу батамом ноҳақлик бўлди. Эдвард менинг ҳисларимни яхши билар эди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Агар у пикатимни бузса, Жейк мени ортимдан келиши мумкин:
Форкс нейтраль ҳудуд, худди Швейцария ва худди менинг ўзимдай.

Шунинг учун мен бошида ҳеч нарсадан шубхага бормадим.
Пайшанба куни ишдан чиқишимда мени вольвода Эдвард эмас Элис
кутарди. Йўловчи ўриндиқ эшиги очиқ турар, нотаниши мусиқанинг
баланд овози машинани титратар эди.

— Салом Элис! - машинага ўтираётib қўшиқидан баландроқ
қичқириб. - Аканг қани? - дедим.

Элис мусиқа оҳангига жўр бўлиб менинг овозимни эшифтади. У
мусиқани берилиб эшитар эди. Мен эшикни ёпиб, қўлларим билан
қулоғимни тўсиб олдим. Элис жилмайди ва мусиқа овозини
пасайтируди. Машинани ўт олдириши билан бир вақтда эшикларни
қулфлаш тугмасини босди.

— Нималар бўляпти? - шубха мени ўз домига торта бошлади. -
Эдвард қаерда?

Элис елкасини қисди.

— Улар эртароқ кетишди.

— Тушунарли.

Мен хафа бўлмасликка ҳаракат қилдим. Агар у эрта кетган
бўлса, демак эртароқ қайтиб келади.

— Болакайларнинг ҳаммалари кетишди ва биз кечаси билан қиз
базми уюштиришишимиз мумкин, - жарангдор овозда эълон қилди
Элис.

— Тун бўйи? - тақрорладим.

Менинг гумонларим аниқ бир асоссиз эди!

— Наҳотки хурсанд эмассан? - сўради Элис.

Мен жим бўлиб унинг қувончдан порлаётган нигоҳини
учратдим.

— Сен мени ўгириладинг, тўғрими?

Элис кулиб юборди.

— Шанбагача. Эсми даданг билан келишиб қўйди: сен икки
кечани мен билан ўтказасан, эртага ўзим сени мактабга олиб
бораман ва олиб кетаман.

Жаҳлим чиқиб ойнага ўгирилиб олдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Кечир. У менга етарлича ҳақ тўлади. - деди Элис афсусланмай.

— Нима билан? - шивирладим.

— Менга "порше" олиб берди, Италияда ўғирлаганимдакасидан. Форксда ҳайдашим мумкин эмас. Агар хоҳласанг Лос-Анжелесгача қанчада боришини текшириб кўришимиз мумкин. Гаров ўйнайманки, сени ярим тунгача уйга қайтариб олиб келаман.

— Менсиз, - титрогимни аранг босиб хўрсиниб жавоб бердим. Биз йўлакдан ҳар доимгидан ҳам учиб борар эдик. Элис гараж олдида тўхтади ва мен машиналарга назар солдим. У ерда Эмметтнинг жиспи ва Розалининг қизил кабриолети ўртасида сариқ порше ялтираб турад эди.

Элис вольводан гўё хавода учгандан енгилгина тушиби, ўзининг совгаси олдига бориб капотини қўли билан силаб ўтди.

— Чиройли, тўғрими?

— Эдвард ўта сахийлик қилиб юбормабдими? - ишонқирамай мингирладим. — У сенга, бир неча кун менга қўриқчилик қилишинг учунгина шунақа совга берди.

Элис кўзларини юмди.

Бир сониядан сўнг мен даҳшатдан бўғилиб кўкариб кетдим.

— Бу Эдвард ёнимда бўлмаган дамлар учунми?

У ҳа дегандай бош чайқади.

Машина эшигини қарсиллатиб ёпдимда, уйга қараб юриб кетдим. Элис хурсанд ҳолда, ёнимда рақс тушиб борарди.

— Элис, бу сенга кўпдай туюлмаяптими?

— Йўқ, туюлмаяпти. Билишимча сен ёш турланувчи қанчалар хатарли бўлиши ҳақида тасаввур ҳам қилолмайсан. Энг муҳими, менда уни кўриши имкони йўқ. Эдвард сени ҳавфсизликда эканингга тўлиқ ишонч билдиrolмайди. Сен бунга юзаки қарамаслигинг керак.

— Ҳа нимасини айтасан! Тунни вампирлар билан ўтказиш - бу дунёдаги энг беҳавотир машгулот. - заҳарханда жавоб бердим.

Элис кулиб юборди.

— Мен сенга педикюр ва бошқаларини ҳам қилиб қўяман, - сўз берди у.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мени куч билан ушлаб туришиларини айтмаганда, қолган ҳаммаси жойида эди. Эсми нахд Порт-Анжелесдан Италянча таом келтирди, еб түймайсан. Элис эса менинг севимли фильмларимни таҳт қилиб қўйганди. Хатто Розали ёнимизда жисм ўтиреди. Элис педикюр ҳақида қатъий туриб олди, менимча у бажариладиган шиларнинг рўйхатини тузиб олган кўринади.

— Ухлашга қанчалик кеч ётмоқчисан? - тирноқларим кондай қизил рангда товланганида қизиқиб сўради Элис.

— Ярим кечагача ўтириши ниятим йўқ, эртага мактабга бораман.

Элис лабларини шиширди.

— Умуман, айнан қаерда ухлайман? - нигоҳим билан диванни ўлчаб кўрдим: бироз калтарок, оёғимни букиб ётишимга тўғри келади. — Наҳотки, уйимда менга қараб туролмасмидинг?

— Унда қиз базми қандай бўлар эди? - хафа бўлгандаи бош чайқади Элис. — Эдвардни хонасида ухлайсан.

Хўрсиндим. Унинг қора чарм дивани чамамда бунисидан бироз узунроқ эди. Унинг хонасидаги олтин ранги гилам, устида ётишим учун етарлича қалин.

— Ҳар эҳтимолга қарши уйимдан буюмларимни бориб олиб келсам майлими?

— Улар аллақачон шу ерда.

— Телефондан, қўнгироқ қилсам бўладими?

— Даданг қаерда эканингни билади.

— Дадамга қўнгироқ қилмоқчи эмас эдим. - қовоғимни уйдим. — Менимча, баъзи режсаларимни қолдиришишмга тўғри келади шекилли!

Элис кулиб юборди.

— Бу борада ишончим комил эмас.

— Элис! Xўп деяқолгин!

— Xўп майли, - хонадан чиқиб кетаётib жавоб берди. Бир сониядан сўнг Элис қўлида миттигина телефон билан кириб келди.

— У буни тўғридан тўғри таъқиқламади... - мингирлади телефонни менга узатаркан.

Жейк дўстлари билан ўрмон кезмаётганидан умид қилиб унинг рақамини тердим. Омадим чопиб гўшакни Жейкнинг ўзи олди.

— Алло!

— Салом, Жейк! Бу мен.

Элис менга бир муддат ҳиссиз қараб турди-да, кейин бориб диванга Розали ва Эсмининг ёнига ўтириди.

— Салом, Белла, - унинг овози куттимаганды ҳавотирли эшиитилди.

— Нима бўлди?

— Яхши нарса эмас, шанба куни боролмайдиганга ўхшайман. Жейк жим турди.

— Жин ургур қонсўрар! - нихоят мингирилади у.

— Мен уни кетади деб ўйлагандим, наҳотки у йўқлигидага ҳам ўз ишларинг билан шугуллана олмасанг. Ёки у сени тобутига қамаб қўядими?

Мен кулиб юбордим.

— Кулгули нарсани кўрмаяпман.

— Кулишимга сабаб, топишингга оз қолди. - тушунтирудим. -

Лекин нима бўлмасин, шанба куни у шу ерда бўлади шунинг учун бунинг аҳамияти йўқ.

— Демак у Форксда ов қиласидими?

— Йўқ, - унинг саволига эътибор бермасликка ҳаракат қилдим, негаки бунга Жейкдан кўра ўзимнинг кўпроқ асабим ўйнаётган эди.

— У эртароқ кетди.

— Шундайми, ундаи бўлса ҳозир кел! Ҳали унча кеч эмас. Ёки ўзим бориб олиб келайми?

— Иложим йўқ, уйда эмасман. Мен гўё маҳбусдекман.

Жейк жим туриб хабаримни ўйлаб кўрди ва ўкириб юборди:

— Биз бориб сени озод этамиз, - совуққонлик билан жавоб берди у.

Елкамдан совуқ ўтганини сездим, аммо ҳазиломуз жавоб бердим.

— Хушиимни оладиган таклиф бўлди. Мени бу ерда қийноққа солишиди. Элис оёғим тирноқларини бўяб қўйди.

— Ҳазиллашмаяпман.

— Тинчлан, улар шунчаки ҳавфсизлигимни таъминлашга уринишяпти.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейк яна ўқирди.

— Тушунаман бу тентаклик, лекин улар буни чин дилдан қилишияпти.

— Дилдан! - хириллади у.

— Кечир, шанба куни күришолмаймиз. Ухлайдиган вақтим бўлди. Лекин яна сенга қўнгироқ қилишига ҳаракат қиласман.

— Руҳсат беришларига ишончинг комилми? - у заҳарли қизиқими билдириди.

— Унчаликмас, - хўрсиндим. — Ҳайрли тун Жейк.

— Кўришгунча.

Элис кутимагандада ёнимда пайдо бўлди, лекин мен аллақачон бошқа рақамни тераётган эдим.

— У телефонини ўзи билан олмаган бўлса керак. - деди у, кимга қўнгироқ қилаётганимни кўриб.

— Хабар қолдираман.

Тўртта гудокдан кейин автожавоб бергич ишига тушибди. Ҳеч қандай салом аликларсиз: Мен сенга кўрсатиб қўяман, - ҳар бир сўзимга алоҳида ургу бериб гапирдим. — Мен сенга шунақасини тайёрлаб қўяманки, уйга келганингда сени оқ ва хурпайган жаҳлдор гризли айиги кутади.

Мен телефонни жаҳл билан қарсиллатиб ёпдим ва Элиснинг қўлига тутқаздим.

— Ана бўлди.

— Сени ҳибсда ушлаб туриши менга ёқади, - деди Элис жилмайиб.

— Мен ухлашига кетдим, - дедим ва зинага қараб қўзгалдим.

Элис менга эргаиди.

— Элис, ҳавотир олма, кочиб кетмайман. Агар буни йўлаганимда буни билган бўлар эдинг, агар кочишига уринсан сен мени тутуб олган бўлардинг.

— Мен бор йўғи нарсаларинг қаерда эканини кўрсатмоқчи эдим, - деди Элис хўмрайиб.

Эдвардинг хонаси учинчи кават йўлагининг охрида эди. Уй қанчалик катта бўлмасин адашмасдан топа олади киши. Бироқ

чироқни ёқиб, ҳайратдан қотиб қолдим. Нахотки эшикларни адаштирған бўлсам.

Элис кулди.

Эшикни адаштирганимни дарров тушундим: хона-ку ўша-ўша, фақат жиҳозлар билан тўлдирилган эди. Диванни девор томон суришибди, мусиқа марказини жавонга СД ёнига ўрнатишибди, баҳайбат ётоқ учун хонани бўшатишибди. Жанубий девор яхлитлигича ойнаванд эди, кўзгудан хонанинг акси кўринар ва хона кенгайгандай таасурот қолдиради.

Хонадаги ҳар бир нарса ётоқ устидаги чойшабнинг олтин рангидан эди.

— Бу яна нимаси? - тутилиб сўрадим.

— Нахотки, у сени диванда ухлашга мажбур қиласди деб ўйлаган бўлсанг?

Ўзим ҳам тушунмайдиган бир нималарни тўнгиллаб дадиллик билан диванга яқинлашиб ўзимнинг нарсаларимни ушлаб олдим.

— Сени ҳижсолат қилмасдан чиқа қоламан, эрталаб кўришгунча, - кулди Элис.

Тишимни ювиб, тунги либосимни кийдим. Баҳайбат ётоқка энсам қотиб бир қарадим-да, ундаги момиқдай бўлиб турган ёстиқ билан чойшабни олдим. Бориб Эдвардинг қора чармли диванига ётиб ўраниб олдим. Лекин сира ухломадим, қанча уринмай кўзимга уйқу келмасди.

Кўзларим қоронгуликка мослаша бошлиди. Хонани кенгайтириб турган ойнадан асар ҳам қолмади. Деразага тикилдим, ойна ортидан ой нур сочар, юлдузлар жисмирлаб кўринарди.

Қизик, бунчалар гўзал манзара таъсирида ухлай олармикинман?
Эшик тақиллади.

— Элис яна нима дейсан?

— Бу мен, - деди Розали, эшикни қия очиб кириш кирмасликни билмай иккиланиб тўхтади.

Унинг юзи ой шуъласида янада жилваланиб кўринди. — Кирсам бўладими?

Ха

VII боб. Бахтсиз якун

Розали эшик ёнида журъатсиз тик қотганди.

- Албатта, - жавоб бердим мен. Ноодатий ҳайратдан овозим кўтарилиб кетди. - Киравер.

Мен диваннинг бир бурчагига қапишиб ўтириб олдим ва унга ўтиришига жой бўшатдим.

Каршимда Калленлар оиласидаги ягона менга қарши бўлган одам сукут сақлаб ўтиради.

Мен унинг нима учун келгани билан жуда қизиқардим албатта, аммо туман қоплаган калламга ақалли бир фикр келмади.

- Бироз сұхбатлашиб ўтирасак, бўладими? - сўради Розали. - Сени уйготиб юбормадимми?

У тўзгиб ётган каравотимга бир қаради, сўнг яна диванга қаради.

- Йўқ, ухламаган эдим ҳали, майли бемалол, гаплашиб ўтирамиз.

Қизиқ, Розали менинг юрагимдаги галаёнларни сезармикан? У ўзини жуда ғалати тутди.

Розали кулди - гўёки қўнгироқ жаранглагандек.

- У сени жуда ҳам кам ҳолатда ёлгиз қолдиради, - жилмайди у. - Хатто менга ҳеч қачон имкон бўлмайди, деб ҳам ўйлаб қоламан.

Бу билан Розали Эдвард ҳақида у йўқлигида нима демоқчи? Кўлим билан одеялни асабий гижимладим.

- Мени кечир, ўзгаларни ишига аралашаётганим учун. - Розалининг овози жуда майин, хатто ёлворгандек эшиштилди. У деярли кўзини ердан узмай тиззасини қўлига қўйиб олганди. -

Мен авваллари сени кўп ранжитганман ва яна кўнглингни оғритишни истамасдим.

- Сиқилма, Розали. Мен аразчи эмасман. Нима ҳақида гаплашмоқчи эдинг?

У яна жилмайди - бу сафар анча оғриқли табассум эди.

- Сенинг одам ҳолингда қолишингни нега исташимни биласанми - мен сенинг ўрнингда бўлганимда одам бўлиб қолардим.

Розали менинг лол бўлиб қолганимни кўриб яна жилмайди ва енгил нафас чиқарди.

- Эдвард сенга бу қандай пайдо бўлиши ҳақида айтмаганми? - сўради ўзининг бенуқсон ва гўзал бўлган ўлмас вуҷудини кўрсатиб.

Мен оҳиста бош чайқадим ва жисддийлашим.

- У буни Порт-Анжелесда содир бўлганлигини, фақат қўтқаришини асло иложи йўқлигини айтганди. - Мени қўрқинчли ҳотиралар яна қийнади.

- У бор-йўғи шуни гапириб бердими?

- Ҳа, - ўйламасдан жавоб бердим. - Нима аслида бошқача бўлганмиди?

Розали менга қаради ва жилмайди - аччиқ, аммо барибир чиройли табассум.

- Бу унчалик аввал содир бўлмаган.

У замгин қиёфада дераза тарафга қаради ва оғир тин олди.

Менимча, Розали ўзини қўлга олмоқчи бўлди.

- Белла, мен ҳақимда ростан ҳам билгинг келаяптими? Аммо бу қиссан якуни анча қайгули, аммо аслида ҳам ҳамма қиссаларимиз баҳтсиз тугайди. Агарда баҳтли тугаганда эди, ҳозир гўрда ётган бўлардик.

Унинг товушидаги алам мени қайгуга соглан бўлсада, унинг қиссасини тинглаш учун бош иргидим.

- Белла, менинг дунёйим сенинг оламингга қараганда анча ўзгача ва яхшироқ эди. Бир минг тўққиз юз ўттиз учинчи иилларда одамлар ҳам ўзгачароқ эди. Мен ўн саккиз ёшга тўлгандим ва бекиёс гўзал эдим.

Розали деразадан ташқарига тикилиб қолди, гўё ҳотиралари уни жуда олисларга олиб кетди.

- Мен ўзига тўқ оиласда тугилдим. Отам банкда ишларди - билсан, ўшандан отам ўз касбидан жуда ғурурланган экан.

Оиласиздаги тўқчилик сабаби унинг қобилияти ва ишига бўлган талабчанлиги эмас шунчаки омадли оила бўлганимиз эди. Мен бунга шунчаки шундай бўлиши керакдек қарадим. Оиласиз бошқа одамлар бошига тушган Кучли Инқироздан ҳоли эди. Мен ҳеч нарсасиз қолган йўқсилларни, бечораларни кўрадим. Аммо отам уларни омадсизлар

деб атаб, уларнинг ўз кулфатига сабаб ўзларнинг дангасаликлари дерди, мен эса отамга ишонардим. Онам эса уйда фарзандлар тарбияси билан шугулланарди - оилада мендан кейин иккита кичкина укам ҳам бор эди. Аммо оиласдан ҳамманинг дикқат эътибор маркази менда эди. Ўшанда мен билмаганман, лекин сезардим - ота-онамда ҳамма нарса бўлса ҳам ҳаётдан нолишарди. Ростанам уларнинг маънавий дунёси анча қашшоқ эди. Ота-онам жамият пиллапоясидан кўтарилиши учун одамларни босиб янчиб бўлса ҳам ўтишига тайёр эдилар.

Албатта, менинг гўзал чиройим ҳам уларнинг ғурури эди. Улар менда ўзим кўрмаган нарсани ҳам кўра оларди. Ота онамдан фарқли равишда мен ҳаётимдан нолимасдим. Ўзимни боримча севардим. Ўн икки ёшимданоқ эркаклар- йигитлар эътиборига туша бошлигандим.

Дугоналарим ҳасад билан тикилишар, юзим-сочимга маҳлиё бўлишарди. Онам мен билан фаҳрланар, отам эса ҳар доим байрам кўйлаклари совга қилишдан чарчамасди. Мен ҳаётда нима исташимни билардим ва бу истагимга эришиши учун ҳеч нима қаршилик қилолмасдиям.

Мени ҳамма севишини, мафтун бўлишини хоҳлардим. Мен катта ва серҳашам никоҳ тўйимни орзу этардим, бутун шаҳар аҳли олдида отамнинг мени кўркам ҳайратланарли либосда меҳроб ёнига олиб боришини, бутун шаҳар самодан ерга тушган маъбудани кўриб лол-у мафтун бўлишини орзу этардим. Белла, мен иззат-икромсиз яшай олмасдим. Кўрдингми, мен шунақа тентак, ҳудбин ва иззатпаст қиз эдим! - Розали ўз шахсиятпастлигидан мириқиб кулди.

- Ота-онамнинг таъсирида мен ҳам моддий нарсаларга меҳрим баланд эди: катта ва бадавлат уй, барча шарт-шароитлари тўқис хонадон, барча ҳизматларни мен учун кимдир бажариб беришини хоҳлардим. Айтдим-ку, мен шундай енгилтак қиз эдим. Ёш ва жуда тентак бўлганман. Мен ўз истагимни амалга ошишига бирор бир тўсиқни кўрмасдим. Орзуйим қандай бўлмасин амалга ошиши шарт эди. Баъзи бир орзуларим мантиқли ва ўйланган эди. Айниқса биттаси. Менинг битта энг яқин дугонам бор эди, исми Вера эди. У жуда эрта, ўн етти ёшида турмушига чиқканди. Унинг турмуш

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ўртоги ота-онам учун куёв бўлишига нолойиқ табақа -оддий ҳунарманд эди. Орадан бир йил ўтиб Вера ўғил фарзанд кўрди. Ўшанда биринчи марта кимгадир чин дилдан ҳавасим келганди...

Розали негадир менга галати қараб қўйди.

- У пайтлар боишқа давр эди. Сенинг ёшингда қизлар турмушига чиқшига тайёр бўларди.

Менинг ўз фарзандим бўлишини жуда истардим. Чироили уйим ва турмуши ўртогим бўлишини, худди Вераникидек менинг турмуши ўртогим ҳам ҳар ишдан қайтганида ўтиб кўришишини истардим. Фақат уйим Вераларникидек бечораҳол бўлмайди, дердим...

Розали ўсган оламни мен тасаввур этшига жуда қийналдим. Бу гўё эртакка ўхшарди.

Бироз ҳайрат билан иккиланиб шуни ҳис этдимки, Розалининг олами Эдвард бир пайтлар тирик бўлган дунё билан бир хил эди. Эдвардинг яшаб ўтган оламининг бунчалик гаройиб эканини ҳис этганимда Розали бир лаҳза сукут сақлади. Демак менга Розалининг олами менга шу қадар гаройиб туюлса, Эдвардга ҳам менинг оламим шу қадар галати туюлармикан?

Розали чуқур тин олиб қиссасини давом этирди - ўтмиши соғинчи аллақачон овозини тарқ этиб бўлганди.

- Рочестерда ҳаммани диққат марказида Кинг оиласи эди. Отам ишлайдиган банк ҳўжайини ҳам Ройс Кинг - бутун шаҳарнинг ярим даромади эгаси эди. Ва айнан ўша банкда мени ҳўжайиннинг ўғли Ройс Кинг Иккинчи биринчи марта кўриб қолганди. - Розалининг лаблари титради, унинг исмини газаб билан тишларини гижирлатиб айтди.

- У тез орада банкни бошлиги бўлиши аниқ эди. Икки кундан сўнг онам отамга тушлигини бериб келишим учун банкка жўнатди. Мен очиги ҳайрон бўлгандим. Онам одатдаги либосимда эмас байрамона ялтироқ оқ блузкамни кийшишимни ва сочимни эринмай турмаклаб боришишимни истади - ва буларнинг бариси бор-йўғи банкка бориши учун эди. - Розали даргазаб бўлиб кулди.

- Мен Ройсга иложи борича эътибор бермагандим: аммо менга ҳамма тикиларди. Аммо шу оқшом аллаким менга бир даста атиргул жўнатибди. Энди ҳар оқшом Ройс менга атиргуллар йўлларди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Уларнинг кўплигидан хонада оёқ қўйшига жой қолмади. Шунчаликка бориб етдики, энди мен хонамдан чиққанимда мендан атиргул ифори тараладиган бўлди. Ройс жуда келишган ёқимтой йигит эди. У бир куни менинг кўзларим бинафшага ўхшишини айтди, ва ўша кундан бошлиб атиргулга қўшиб бинафша ҳам жўннатадиган бўлди. Менинг ота-онам майин қилиб айтганда бундан хафа эмасдилар: улар айнан шуни исташарди. Мен ҳам Ройс - менинг орзуйим эканини ҳис этардим. У барча орзуларимни амалга оширувчи эртаклардаги шаҳзода эди - бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди?! Биз танишганимизга атиги бир-икки ой бўлган бўлса-да, унаштирилгандик. Биз унча кўп вақтимизни бирга ўтказмасдик. Ройс иши кўплигини рўкач этарди. Аммо биз бирга юрган пайтимизда у мени асраб ардоқлар, ҳамма бизга катта ҳавас билан қарашарди. Менга деярли бу ёқа бошлаганди. Базмлар, рақслар, байрамона либослар. Кинг фамилияси бўлган одам учун барча омад эшиги очиқ эди, уни зафар қучиб кутиб оларди. Тўйим учун ҳеч нарса қилишим шарт бўлмади. Ҳамма нарса тахт эди.

Энди Вераникига борсам ортиқ ҳавас ўтида изтироб чекмасдим, чунки тез орада ўзимнинг ҳам

Кинглар кошонасида ўйнаб юрадиган тилларанг сочли жажжси болачаларим бўлади.

Розали тўсатдан сукут сақлади, тиши асабий ғичирлади. Бу ёқимсиз тўхташдан, мен унинг ғамгин ҳикоясининг мудҳии қисми бошланаётганини сездим. Розали айтганидек баҳтсиз якун билан тугаши кераклигини билиб турардим. Балки шунга Розали бошқалардан кўра баҳтиқаро ва ғамгин эди: чунки у одам бўлган пайтида орзусига эришиган эди.

- Бир оқшом Вераникидан жуда кеч уйга қайтаётган эдим, - шивирлади Розали. Унинг юзи мармардек сип-силиқ ҳамда муздек совуқ эди. - Унинг жажжси фарзанди Генри шунақа ширинтой ва яхши эдики, у билан ўйнаб қош қорайганини ҳам сезмабман. Мен кетаётганимда Вера ўғилчасини кўтариб олиб остоноада кузатди, эри эса унинг белидан қучиб турарди. У мени кўрмаяпти, деб ўйлаб Верани ёногидан ўпди. Менга бу ўпич сира ёқмади. Ройс мени ўзгача ўпарди... бунақа майин эмас, қандайдир бошқача... Мен ширин

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳаёлларимни бошимдан қувдим. Ройс - менинг шаҳзодам. Ва мен тез орада маликага айланаман.

Ой нурида Розалининг юзи янада рангпарлашиб ўликдек мармар тусига кирди.

- Қоши қорайиб кўчада фонуслар ёқилганди. Мен бу қадар кеч қолиб кетаман деб ўйламагандим, - Розали деярли шивирлаб гапиравди. - Ва анча совуқ тушганди. Апрель оҳири анча совуқ эди. Тўй атиги бир ҳафтадан сўнг бўлиши керак эди, мен эса кўчада кетиб борарканман об-ҳаво ҳақида қайғурадим - буни жуда яхши хотирлайман. Мен ўша кечада содир бўлган воқеани яхши ёд этаман, ҳар бир майда-чуйдасигача эслайман. Мен шундай қилиб бошидан оҳиригача эслайман... Ўша вақтда ҳеч нарса ҳақида ўйлашни истамасдим. Ва битта шу воқеа қолган барча ёқимли хотираларимни ўчириб ташлади...

У ҳўрсинди ва шивирлашда давом этди:

- Ҳа мен об-ҳаво ҳақида қайғурадим, чунки тўйим кўчада бўлишини истардим. Уйимгача бир-икки даҳа қолганда мен уларни кўриб қолдим - бир тўда эркаклар шодон қаҳқаҳа отганича синган кўча чироги тагида тўпланиб турардилар. Гирт масти эдилар. Мен отамга қўнгироқ қилиб мени кўча бошида кутиб олишини сўрамаганимдан афсусландим: уйимга шу қадар яқин жойда тансоқчи зарар қилмасди. Ана шунда кимдир менинг исмими айтиб ҷақирди.

«Роза! » - деб бақирди кимдир, қолганлари хохолаб кулишарди.

Мен бошида эътибор қилмабман, улар гирт масти бўлса ҳам, жуда яхши қийинишиганди.

Улар орасида Ройс ҳам бор эди, ёнидаги ўзига ўхшаи бойвачча ўртоқлари.

«Бу менинг Розагинам!» - бақирди Ройс ва жиннилардек қаҳқаҳа отди. - «Сен кечиқдинг.

Биз совуқ қотдик. Бизни роса куттирдинг».

Мен уни аввал ҳеч қачон уни масти ҳолатда кўрмагандим. Вақт ўтган сари у базмба базм кўпроқ қадаҳ ичадиган бўлди. У менга шампан шаробини ёқтирмаслигини айтганди, шунинг учун у янада ўткирроргини хоҳлашига шубҳа қилмасдим.

Унинг ёнида янги ўртоқ пайдо бўлибди, - Атлантадан келган дўстининг дўсти.

«Хўши, қалай Жон, айтганимдек эканми?!» - деди мумнун қиёфада Ройс, мени қўлимдан судраб ўзига тортди. - Сенинг Жоржиянгдаги жононлардан зўрроқ-а?»

Жон дегани офтобда тобланган, қорамагиз қора сочли йигит эди, ўша менга овқатга қарагандай қаради.

«Бир нарса дейши қийин, - деди соф жануб шевасида. - Барча гўзаллик кийимлари ичидা».

Улар хохолаб кулишиди, Ройс ҳам уларга қўшилди.

Тўсатдан у ўзи совға қилган - нимчамни силтаб йиртиб юборди. Зарҳал тугмачалар тошлиқ йўлкага сочилиб кетди.

«Роза, ўзингни кўрсат!» - Ройс ҳамон хохолаб кулар, кўзлари ола кула бўлар, бошимдан шляпамни йулқиб отди. Сочимдаги қисқичларни сувуриб юлди ва сочимдан судрагудек ўртага тортди. Мен оғриқдан дод тортиб ўкирадим. Йигитларга эса бу ёқарди, мен бақирадим – улар эса мириқиб кулишарди...

Розали тўсатдан ҳотиралидан тўхтаб менинг ҳам борлигимни эслаб менга қаради.

Менинг юзим шу тонда униқидан-да рангпарроқ ва оппоқроқ бўлиб кетганди.

- Қолган воқеаларни айтиб сени даҳшатга солмайман, - сокин оҳангда айтди у. - Улар қаҳ- қаҳ отиб кулганича мени йўлакда ташлаб кетишиди. Улар мени ўлдига чиқаришганди. Ройсни елкасига қоқишиб, сенга янги келинчак топиш керак, деб ҳазиллашилар. Ройс эса, сабр қилишимга тўғри келади, деб жавоб берганди.

Мен йўлкада ётганча ўлишимни кутардим. Совуқ бутун баданимдан ўтиб буткул фалаҷ бўлгандим, ва ҳайртланарлиси - мен оғриқни ҳис қилмай қўйгандим. Кор учқунлай бошлади, мен ҳануз тирик эдим. Мен ўлимимга тезроқ келишини сўраб ёлворардим, аммо ажсал имилларди...

Мени Карлайл топганди. Қон ифорини ҳис этиб нима бўлганини билиш учун излаб топганди. Мен хатто уни менга тегинганида жаҳл ҳам қилгандим. Менга ҳеч қачон доктор Каллен, хотини ва унинг укаси менга сира ёқмасди - ўша вақтларда Эдвард Эсмининг

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

тутинган укаси қиёфасида юарди. Улар жуда кўркам ва ҳуисурат эдилар, айниқса эркаклари. Аммо

Калленлар одатда жуда кам уйдан чиқишгани учун, бор-йўги бир икки марта кўргандим, холос.

Мени Карлайл қўлига кўтариб олганида мен аллақачон ўлганман, деб ўйладим - аммо

Карлайл шунаقا тез чопардики, гўёки ҳавода учиб борардик. Оғриқ яна пайдо бўлганди...

Кейин ёруғ хонада ҳушимга келдим. Кўзимни очганимда оғриқ ўйқолганди. Тўсатдан бўйнимда кескир оғриқ бошланди. Мен оғриқдан талвасага тушгандим. Ўйладимки, Карлайл мени азобламоқчи. Ичимда олов гуриллаб ёнар, ўйлашга ҳолим қолмаганди. Карлайлдан мени ўлдиришини ўтиниб сўрадим. Эсми ва Эдвард уйга келишганида улардан ҳам ўлдиришиларини, мени бу азоблардан ҳалос этишиларини сўрадим. Карлайл мени ёнимда туради. У менинг қўлимдан тутиб тез орада оғриқ барҳам топишини айтарди. У менга кўп нарса ҳақида сўзлар, мен оғриқлар орасида баъзида буни эшишиб қолардим. У айтдики, аслида ўзи шунаقا экан, мени ҳам шунга айлантирибди. Унинг сўзларига ишонгим келмади. Мен ҳар сафар чинқирганимда у мендан кечирим сўради.

Эдвардга буларнинг барчаси ёқмасди. Улар мен ҳақимда муҳокама қилишганини эшишиб турадим. Баъзан бақиришдан тўхтардим: нима наф? Бақирдим нима, бақирмадим нима – енгил тортмасдим.

«Карлайл, сиз нега бу ҳақида ўйламадингиз? - деганди Эдвард. - Аҳир бу Розали Хейл!»

Розали Эдварднинг исмини бўртириб айтди.

- Ўшанда менга унинг исмини айтишии сира ёқмаганди - нокулай овозда шивирлади Розали.

«Унинг ўлишига жум қараб тура олмасдим, - оҳиста гапиравди Карлайл. - Бу жуда катта -жуда даҳшатли, жуда улкан йўқотииш бўларди».

«Тушунаман», - деганди Эдвард - ҳудди мен каби. Мен дарғазаб эдим. Ўшанда Эдвард

Карлайлнинг миясидагиларни ўқий олишини билмасдим ҳали.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

«Бу жуда даҳшатли эди. Мен уни ташлаб кетолмасдим», - яна шивирлаганди Карлайл.

«Ха, албатта» - деб гапига қўшилганди Эсми.

«Одамлар ҳар дақиқада ўлишади, - қўпол равишда ёдига солди Эдвард. - Сизнингча, унинг мурдасини осон топишмасми? Кинглар буни ўзлари ташкиллашибтиришарди - ҳар ҳолда ундан шубҳаланишимайди», - деб ўшиқирганди.

Ҳар тугул улар Ройснинг жиноятини билишларидан ҳурсанд бўлгандим.

Ўшанда мен буткул тамом бўлганимни англаб етмабман: кучим ўзимга қайтган, бемалол уларнинг сухбатига аралашишим мумкин эди. Оғриқлар бармоқларим учига бориб йўқолганди.

«Энди буни нима қиласми?» - сўраганди Эдвард - менга жирканиб қараганди.

Карлайл эса ҳўрсинганди: «Уни ўзи ҳал қиласди - балки, ўз йўлидан кетар».

Ҳамон унинг гапларига ишонгим келмасди, даҳшатда эдим. Менинг умрим ўз поёнига етган, ортга йўл йўқ эди. Абадий танҳолик ҳақидаги ҳаёллар эсаadolатсизлик эди...

Оғриқ батамом тугади ва улар менга кимга айланганимни айтишиди. Бу сафар шубҳаларим қолмаганди. Мен ташналикини туйгандим, терим тош қотган, кўзларим қип-қизил тусга кирганди.

Мен шунчалик ўзимга бино қўйган эдимки, кўзгудаги ўзимнинг аксимга қарадим ва ҳурсандчиликдан севиниб кетдим: қип-қизил кўзларимни ҳисобга олмаганимда мен ҳурлиқога айлангандим, - шодон оҳангда қийқириб кулди Розали. - Ана шунда, мен барча уқубатларимга сабаб мана шу гўзаллигим эканини - бу тавқи-лаънат эканлигини англаб етдим. Ана шунда мен бошқача бўлиб түгилмаганимга афсус қилдим... ҳар қалай, тасқара бўлмаса ҳам, Верадек -оддий қиз бўлиб түгилганимда эди. Балки ўшанда истаган одамимга турмушга чиқа олишим, шириндан ширин болачаларни дунё келтиармидим. Аҳир мен шуни истаган эдим-ку?

Розали ўйга берилиб сукут сақлади - менимча, яна мени борлигимни унумтиб қўйди, шекилли? Аммо сал ўтмай юзида тананали қиёфа акс этди:

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Зеро, мен ҳудди Карлайл каби бегуноҳман. Эсмидан кўра анча камроқ гуноҳ қилгандирман. Эдвардан кўра минг чандон бегуноҳроқман. Мен ҳеч қачон одам қонини татиб кўрмаганман, - у зуур билин гердайди.

Қизик, «деярли» бегуноҳ дегани нимани англатаркан?

Розали ишонч билан менга тикилди:

- Мен бешаласини ҳам ўлдирдим, - қониқиши билан айтиб берди у. - Уларни одам дейшига ҳам тил бормайди. Мен қон тўкишигача олиб бормай, жуда тоза иш қилдим: чунки, уларнинг қони ифори мени чалғитиб татиб кўриши васвасасига тушиб қолишимни билардим.

Ройсни энг оҳирида қолдирдим. Мен унинг қолган ўртоқлари ўлдирилганини ва тез орада ни ҳам излаб келишимни билишини истадим. Кўрқуви уни адойи тамом қилишини истардим.

Ва мен ўз истагимга эришгандим. Мен уни топганимда у деразалари йўқ, икки қарич металл деворли хонага беркинганди. Иккита қуролланган соқчиси ҳам бор эди. Оҳ, бешта эмас еттита одамни ўлдирибман, - тўғирлади у. - Соқчиларни унугибман, уларни бир сонияда саранжомладим.

Мен ўшанда жуда киришиб кетдим. Ёш боладек завқлангандим. Атай ўғирлаган тўй кўйлагимни кийиб олгандим. Мени қўриб, Ройс бўкириб юборди. Ўша кечада Ройс жуда узоқ бақирди. Мен ўз қасосимни моҳирона уддаладим: уни жонини оҳиста жуда секин қийнаб олгандим...

Кутимаганда, Розали айборларча менга қаради.

- Кечир. Сени қўрқитиб қўйдим-а?

- Йўқ, ҳаммаси жойида, - алдадим.

- Мен жуда берилиб кетдим.

- Ҳеч қиси йўқ.

- Ғалати, Эдвард нега сенга ҳаётимни тўлиқ айтиб бермади?

- У ўзгалар кечинмасини сўзлашни ёқтиирмайди: чунки, унга сўзлаб беришганидан кўра кўпроқ уларнинг онгидан ўқий олади-да.

У жилмайди ва бошини саррак-саррак қилди.

- Илтимос, фақат мени ёмон қиз деб ўйлама. Ростанам у жуда одобли йигит, тўғри-я?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Шахсан мен уни шундай ҳисоблаганман, доим.

- Бу ҳақиқатданам шундай. - Розали ҳўрсиниб қўйди. - Белла, аҳир мен сенга ёмон муносабатда бўлгандим. Эдвард бу ҳақида айтиб бермаганмиди? Ёки буни шахсий деб сўрамаганмидинг?

- У айтгандики, мени одам эканлигим сабаб эмиш. Мен сизларнинг сириңгиздан ҳабардорлигимдан эзиларкансан...

Розалининг мусиқага ўхши кулгуси менинг сўзимни бўлди.

- Мана энди ростанам айборликни ҳис қиласяпман. Эдвард менга доим керагидан ортиқроқ яхши муносабатда бўлган. -

Самими қиёфадаги Розали дўстона гапираводи. - Эҳ, у алдоқчи-ку!

- Эдвард мени алдаганми? - безовталаандим.

- Ҳа албатта, қайсиdir гапида ҳақиқат бордир, аммо ёлғонни ҳам аралаштирган. Аҳвол ўша пайтлардагидай эмас-ку ҳозир... - Розали титради ва асабий қиқирлади. - Тан олишига ҳам уяламан, уни бошида раиш қилиб қиззганганман. Чунки унга мен эмас, сен керак эдинг-да.

Унинг бу гапидан баданимда алами совуқ дард саншиб қўйди. Ой ёғдусида Розали янада гўзал кўринди. Менга йўл бўлсин!

- Аҳир сен Эмметтни севасан-ку тўғрими... - мингилладим мен.

Розали бошини қимирлатиб қўйди.

- Ҳа йўқ, унақа маънода Эдвард мени сира қизиқтиргаган. Эдвардни акамдек ёки укамдек яхши кўраман, шунчаки илк танишувимиздан бошлаб мени жаҳл босган. Кўриб турибсан-ку...

мен ўта иззатпарастман, доим ҳаммани эътиборида бўлишини истардим. Аммо Эдвард менга парво ҳам қилмаганди. Бу мени шу қадар қонимни қайнатган-ки... Кейинчалик эса унинг ҳаммага шундай бепарво совуқ эканини билганимдан кейин хотиржам бўлдим. Хаттоти биз Деналига Таняларникига борганимизда... - унинг сингиллари шунака ҳурлиқо-ки! - Эдвард бир сонияга ҳам назар солмаганди. Кейин эса у сени учратди. - Розали менга ақли шошган одамдек қараб қўйди.

Мен Эдвард, Таня ва сингиллари ҳақида ўйланиб тишишимни тақиллатдим.

- Белла, мен сени умуман чиройлимассан, дея олмайман, - Розали менинг юзимдан нималарни ўйлаётганимни таҳмин қилди. -

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен демоқчиманки, Эдвард сени жозибали деб ҳисоблайди. Мен шунга ҳуноб бўлардим.

- Аммо сен «аввал» дединг. Энди-чи, энди бунақа ҳуноб бўлмайсанми? Аҳир сен тенгсиз гўзалсан, буни биласан-ку.

Мен кулиб юбордим: аҳир бу кўриниб турган ҳақиқат! Розалининг бунга ургу бергани ғалати кўринаркан.

Розали табассум қилди:

- Раҳмат, Белла. Ҳа, бу мени энди асло ҳуноб қилмайди. Эдвард ўзи ҳар доим сал ғалатироқ бўлган.

- Аммо сен барибир ёқтирмайсан-а, - пичирладим.

Унинг табассуми сўнгандек бўлди:

- Узр.

Биз жим бўлиб қолдик, мен Розали яна бирор нима дер, деб кутдим.

- Балки, тушунтириб берарсан? Мен нима нотўғри иши қилдим?

Тўсатдан Розали унинг оиласига ва Эмметтга ҳавф келтирганим учун айблаб кетса-чи?

Бирма бир. Олдин Жеймс, энди Виктория туфайли...

- Йўқ, ҳеч нарса қилмадинг, - мужмалланди у. - Ҳозирча, ҳеч нарса.

Мен нодондек унга тушунмай қарадим.

- Белла, наҳотки тушунмасанг? - Розалининг овози яна ўша баҳтсиз ўтмишини сўзлаб берган палладагидек эҳтиросли жаранглаб чиқди. - Сенда ҳамма нарса бор! Олдинда бутун

ҳаётинг турибди - ҳаммаси сенинг истакларинг. Сен эса буларни ҳаммасини рад этаяпсан.

Наҳотки кўрмаяпсан, мен сен билан ўрин алмашши учун бутун дунёни беришга тайёрман-ку?

Сенда бир пайтлар менда бўлмаган имкон - танлаш имкони бор, сен эса нотўғри нарсани танляяпсан!

Мен жунжикиб кетдим.

Розали менга узок тикилиб қолди. Юзида ғамгин табассум жилваланди.

- Мана кўрдинг, баъзида ўзимни бошқара олмай қоламан. - Розали бошини чайқади. -

Шунчаки, менга бу адолатсизлик бўлиб туюлаётгани учун шундай бўлайпти.

У ойга тикилиб қолди. Мен эса дарҳол сукунатни бузишни истамасдим.

- Агар мен одам бўлиб қолишини танласам яхшироқ муносабатда бўлармидинг?

Розали менга қараб енгил кулди.

- Балки.

- Аммо сен ҳозир баҳтлисан-ку, - эслатдим. - Сени ёнингда Эмметт бор.

- Ҳа мен ўз жуфтимни топгандим. - У кулди. - Мен Эмметтни айик ҳамласидан қутқариб қолиб уйга - Карлайлни ёнига элтганимни билсанг керак. Нима деб ўйлайсан, нега мен

Эмметтни айик еб қўйишига йўл қўймадим?

Мен елкамни қисдим.

- Унинг жингалак қора соchlари... юзидағи кулгичлари, хатто оғриқдан азобланаётган бўлса ҳам юзидағи маъсумлик ёш болаларга хос беғуборликни кўрганман... Вояга етган эркакларда бу акс этмасди... У менга дугонам Веранинг ўғли жажжи Генрини эслатганди. Мен уни ўлишини истамасдим - шунинг учун мен учун Карлайлдан Эмметтни ўзгартиришини ҳудбинларча илтимос қилдим. Кейин нима бўлишини менга фарқи йўқ эди. Бунақа инсонни мен ҳаётим давомида фақат орзу қилганман.

Эмметт айнан мен истаган одам эди. Турган гапки, мен ҳам унга керакман. Ҳозир ҳаммаси мен умид қилганимдан-да яхшироқ давом этмоқда. Аммо бизда ҳеч қачон ҳақиқий оила шукуҳи бўлмайди. Менга ҳеч қачон кексайиб Эмметт билан ўз набираларимиз даврасида бирга бўлиши насиб этмайди.

Унинг табассуми илиқлашибди.

- Бу сенга анча ғалати эшишилса керак-а, тўғрими? Бир тарафдан сен мен ўн саккиз ёшимдагидан кўра анча етуқ фикр қиласан. Аммо бошқа тарафдан эса... ўйлашга арзийдиган

жуда кўп жиоддий нарсалар борки, сен бундан ўн-йигирма йилдан кейин нима бўлишини мулоҳаза қилолмайдиган даражада ёшсан ҳали. Сен эса оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмаи ҳаммасидан воз

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

кечиб кетмоқчисан. Белла, бунақа жиiddий қарорларда шошмаслик керак.

Розали менинг бошимга илиққина чертиб қўйди.

Мен ҳўрсиниб қўйдим.

- Шунчаки бу ҳақида чуқурроқ ўйла. Агар бу содир бўлса кейин ортга йўл йўқ. Эсми учун биз фарзанд ўрнидамиз... Элис бўлса одам бўлган пайтларини эслолмайди, шунинг учун сиқилмайди... Аммо сен жуда қаттиқ қайгурасан. Чунки жуда кўп нарсангни йўқотасан.

«Аммо эвазига кўпроқ нарсага эришаман», - деб ўйладим, аммо тилимга чиқармадим.

- Раҳмат, Розали. Энди мен сени анча яхшироқ... анча яқинроқ билдим.

- Кечир, сени жуда қўрқитиб қўйган бўлсам. - Розали кулди. -
Бошка тақрорланмайди.

Мен ҳам кулдим.

Хозирча дўстлашиб кетган бўлмасак-да, аммо энди Розали менга буткул янги қиёфада жилолана бошлаганди.

- Бўпти, энди ухла. - каравотга қараб қўйди, Розали. - Сен уй қамогига тушганингдан газабдалигинги билиб турибман. Аммо Эдвард қайтганида уни койима. Эдвард сени ёлғиз ташлаб кетолмасди, чунки сени ҳаддан ташқари қаттиқ севади - хатто сен буни тасаввур этолмайсан. - Розали ўрнидан турди ва арвоҳдек эшик ёнига бориб олди. - Ҳайрли тун, Белла, - шивирлади ва эшикни ёпди.

- Ҳайрли тун, Розали, - дедим ортидан.

Бунақа сұхбатдан сўнг менга анчагача уйқу келмади.

Ниҳоят уйқуга кетганимда даҳшатли туши кўрдим. Бегона бир шаҳарнинг қоронгу кўчасида ўзимдан қонли из қолдириб кетиб бораётгандим. Қарасам оппоқ либосда бир фариштасимон сиймо қўрқинчли тиржайғанча ортимдан эргашиб келаётганди...

Эрталаб Элис мени мактабга олиб кетди. Йўл бўйи деразадан кўзимни ўзмай, зулм остида қолган озодлигимдан ўқиниб кетардим.

- Бугун ҳиёбонгами ёки бирор бошка жойга боришишимиз мумкин, - ҳабардор қилди Элис. -

Зўр бўларди, тўғрими?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Яхиси, мени ертўлага қамаб қўй, - тақлиф қилдим. -
Ҳиёбонга бало борми?

Элис ҳўмрайди.

- Эдвард «порше» машинасини қайтариб олгунича бирор завқли
ши қилайлик, дегандим холос.

- Сен айборд эмассан, - пўнгилладим мен, наҳотки айборд үзим
бўлсан! – Тушиликда кўришамиз.

Инглиз тили дарсига судралиб кирдим. Эдвардсиз кун мен учун
ҳавосиз кундек туюлади.

Биринчи дарс жуда секин ўтди, мен эса сўлиб қолган гулдек
орқа партада чўзилиб ўтирадим.

Кўнгироқ жаранглаганде зўрга ўрнимдан турдим. Майк
аллақачон эшикка етиб борган, эшикни мен учун атайлаб очиб
туради.

- Дам олиш кунлари Эдвард бўлмайдими? - дўстона оҳангда
сўради Майк ва иккимиз ёмғир майдалаб ёгаётган ҳовлига
чикқанимизда.

- Ҳа, у бўлмайди.

- Балки, бугун сайрга чиқармиз?

Наҳотки ҳалиям Майк мендан умидвор?

- Йўқ, иложсим йўқ. Бугун бир дугонамницида тунаб қоламан, -
тўнгилладим мен.

Майк менинг кайфиятимни билиш учун юзимга қаради.

- Қайси дугонанг...

Ортимиздаги майдончада кучли гуриллаш овози янгради.

Ҳамма йўлак олдига гилдираги чийилаб тўхтаган қоп-қора
мотоциклъга ҳайрат билан қаради. Мотор ҳалиям тарилларди.

Жейкоб менга шошилиб қўл силкитди.

- Белла, чоп! - деб мотор ўкиригини босиб бақирди.

Нега бундай қиласяпти? Мен тўхтаб қолдим. Секин Майкга
қарадим. Бу бир неча сонияда бўлиб ўтди.

Элис ҳаммани олдида мени ушлаб қололмас?

- Мени касал бўлиб қолиб, уйга кетганимни айтиб қўй,
майлими? - илтимос қилдим Майкдан ялинчиқ овозда.

- Бўпти, - мингиллади у.

Мен шошилиб юзидан ўпиб қўйдим.

- Раҳмат, Майк! Сен энг яхши йигитсан! - чопиб кета унга бақирдим.

Айёrona жилмаётган Жейкоб ўтни юргизди. Мен дик этиб унинг ортига ўтириб,

Жейкобнинг белидан қучиб олдим.

Кўзимнинг қири билан Элисни кўрдим: у ошхона ёнида ғазабдан тишлари тақиллаб, кўзлари чақчайиб туради.

Мен унга ялингандек қарадим.

- Маҳкам ушла! - бақирди Жейк.

Мен унинг елкасига юзимни босдим ва биз катта йўлга қараб учиб кетдик. Мен унинг ўз ҳудудлари чегарасига этиб олгунича тезликка куч беришини билардим. Яна озгина қолди.

Ишқилиб Элис мени ортимдан қувиб келмасин-да, унданам даҳшати дадам кўриб қолмасин...

Дарҳол аҳвол ўзгарди, биз ҳавфсиз ҳудудга ўтгандик: мотоциклъ оҳиста кетиб борарди.

Жейкоб бор овози билан хохолаб куларди. Мен кўзимни очдим

- Бопладик-а! - қичқирди у. - Турмадан қочишини зўр ўйлабманми?

- Қойилмақом гоя, - фиқрига қўшилдим мен ҳам.

- Сен ана у келажакни кўра оловчи зулук менинг хатти ҳаракатимни кўрмаслини айтганинг эсимга тушиб қолди. Яхшиям бу гоя сенинг миянгга келиб қолмабди, йўқса у сени мактабга ҳам қўймасди.

- Айнан шунинг учун ҳам буни ўйламадим-да.

Жейкоб тантана билан кулди.

- Бугун нима билан шугулланамиз?

- Фарқи йўқ! - жавоб ўрнига тиржайдим. Муҳими - мен энди озодман!

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Охир-оқибат биз яна соҳилда эдик ва максадсиз қирғоқ бўйлаб кеза бошладик. Жейкоб ҳамон ўзининг топқирлигидан мағурланар эди.

— Нима деб ўйлайсан, улар сени қидиришига чиқишармикан? - умидвор қизиқсинди у.

— Йўқ, - ишонч билан айтдим.

— Лекин бугун кечкурун роса таъзиримни ейман.

Жейк тош донасини олиб сувга улоқтирди.

— Унда қайтиб борма, - таклиф қилди у.

— Бундан дадам қувониб кетади, - дедим.

— Ўйлайманки, у қарши бўлмайди.

Индамадим. Жейкоб ҳақ. Тишимни қисдим: дадам Квилетлик дўстларимни ёқлаши ўтаadolatсизлик эди. Қизик, агар дадам вампирлар ва турланувчилардан бирини танлашим кераклигини билса, нима деган бўлар эди?

— Хўши, сизларда қандай фавкулотда ҳолат юз берди? - телба тескари фикрларсиз қизиқиб сўрадим.

Жейкоб менга юқоридан пастга анқайганича қараб қолди.

— Нима? - тушунмадим. — Ҳазилку бу.

— Ҳазил дейсанми... - Жейкоб кўзини олиб қочди.

— Сизларда ростдан ҳам нимадир бўлдими? - сўрадим.

— Нималарни ўйлаётганингни ҳеч ким билмаслиги қандай бўлишини унудиб ҳам юбордим.

Бу ерда бари ҳаммага маълум.

Биз бир неча дақиқа соҳилда жим юрдик.

— Нима бўлди? - ўзимни тўхтатиб қололмадим. — Бошингдаги айнан нима ҳаммага ошкор бўлди? - деб сўрадим.

У менга нимани айтиши мумкинлигини ўйлаб жим турди.

— Квилда "Хиссий боғланиши" рўй берди, бу учинчи ҳодиса.

Ҳамма ҳавотирга тушиди. Балки

бу ривоятда айтилганидан кўра тез-тез содир бўлаётгандир. - деди хўрсиниб.

У бир сўз демай кўзларимга тикилиб қолди.

— Намунча тикилмасанг? - уялиб сўрадим.

— Ўзим, шундай.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

У қирғоқ томон юриб кетди, ўзи сезмаган ҳолда қўлимдан ушлаб олди. Мен ҳам жимгина унга эргашдим. Биз гаплашмас эдик.

Қизиқ, соҳилда қўл ушлашиб юришимиз қандай кўринар экан, менимча худди севишганлардай. Балки бундай қилишининг кераги йўқдир? Лекин биз Жейк билан ҳар доим шундай юрганмиз. Энди уялишини нима кераги бор.

— Нега Квилнинг "босим"и бунчалик ҳавотирга солди? - ҳикоянинг давомини кутмасдан сўрадим.

— У сизларнинг сафингизга янги қўшилгани учунми?

— Ҳа йўқ, буни алоқаси йўқ.

— Унда нима?

— Бу ривоятга алоқадор... Қачон биз ривоятлар аниқ ҳақиқат эканига ҳайратланишини бас қиласр эканмиз? - ўзига ўзи мингирлади.

— Нима бўлганини менга айтасанми? Ёки ўзим топайми?

— Ўзинг ҳаётда тополмайсан. Биласан Квил орамизда янги.

Шунинг учун у Эмилиницида кўп ҳам меҳмон бўлмаган.

— Наҳотки у хам... Эмилига... - ох тортдим.

— Йўғе! Айтяпманку ўзинг буни ҳаётда фахмлай олмайсан.

Эмилиницига иккита жияни келди... ва Квил Клер билан танишиди.

Жейк жим бўлиб қолди. Мен бир муддат ўйга толдим.

— Эмили жиянини турланувчи билан дўстлашишини хоҳламаяптими? Бу энди у томондан қилинган қўполлик бўлибди, - дедим.

Фақат Эмилигина бунга шумдай ёндаша олар эди. Мен яна унинг ўнг қўлидаги юқоридан пастга қараб кетган чандиқларини ҳам ёдга олдим. Бор йўғи бир бор Сэм Эмилига яқинлигида ўзини бошқара олмай қолган. Илк ва ягона марта... Мен Сэмнинг қилган бу хатосидан қанчалар азоб чекишини кўрганман. Эмили жиянини ҳимоя қилаётганини тушунса бўлади.

— Фол очишини бас қил! Гап унда эмас. Эмили турланувчиларга умуман қарши эмас, шунчаки, ҳали бироз эрта.

— Қайси маънода "эрта"?

Жейкоб кўзини ярим қисиб менга қаради.

— Хулоса чиқаришига ошиқма, хўпми?

Мен эҳтиёткорлик билан бош иргидим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Клер бор йўғи икки ёшда. - деди Жейкоб.

Ёмгир ёга бошлиди. Томчилар юзимга урилди ва мен кўзларимни тирпиратдим.

Жейкоб жисмина кутди, у ҳар доимгидаи курткасиз эди. Ёмгир унинг қора футболкасига тушиб ўз изларини қолдираш ва паришон сочларидан томчилар томарди. Жейкоб синчковлик билан мени кузатар эди.

— Квил... севиб қолди... икки ёшли қизчани-а? - нихоят гапирдим.

— Шунақаси ҳам бўлиб туради, - елка қисди. Жейк эгилиб яна битта тош олиб тўлқинга улоктириди. — Ривоятда шундай дейилган.

— Лекин, у ҳали гўдак-ку!

Жейк менга ажабланиб қаради.

— Квил қаримайди, - у менга дағал овозда эслатиб қўйди. - Бор йўғи бир неча ўн йил кутишига тўғри келади холос.

— Хатто, нима дейишни ҳам билмайман.

Бор кучим билан катъий қарор чиқармасликка уриндим, лекин, ростини айтсан бу хабар мени даҳшатга солди. Шу пайтгача турланувчилар нисбатан ҳеч қандай даъвойим бўлмаган -

уларнинг қотилликларидан бекор гумон қилганимни билганимдан сўнг.

— Сен уни танқид қиляпсан, юзингдан кўриниб турибди, - деди Жейк.

— Кечир, шунчаки ақлимга сиздиролмаяпман... - гудрандим.

— Ҳаммаси сен ўйлаганингчалик эмас, - Жейк кутмалаганда дўстини ҳимоя қилишига тушиди.

— Мен унинг кўзлари билан бунинг қанақа бўлишини кўрдим. Бунда ҳеч қанақанги эҳтирос йўқ, ҳозирча... - Жейк сўз танлашга ҳаракат қилиб нафасини ичига ютди. - Буни тушунтириши жуда мушкул. Бир кўришида севгининг бунга даҳли йўқ. Уни кўрганингда сени ер эмас, у ўзига тортаётган бўлади. Дунёда унданда муҳим бўлган ҳеч нарса йўқдек. Унинг учун ҳар ишга қодирсан ва ҳар ким бўласан... У хоҳлаганидай: ҳимоячиси, севгилиси, дўсти, акаси бўласан.

Квил дунёдаги энг ғамхүр ака бўлади ва қизалоққа яхши қарай олади. У катта бўлганида эса унга дўст керак бўлади, шунда Квил энг тушунгувчи, ишончли ва садоқатли дўст бўлади. У улгайгач эса улар Эмили ва Сэм каби баҳтли бўлишиади.

Жейк Сэмнинг номини тилга олганида, овозидан қандайдир ғалати газаб отилиб чиқди.

— Нажот Клерда танлаш ҳуқуқи бўлмаса?

— Нега энди, албатта бор. Нима учун Квилни танламаслиги керак? Квил унинг иккинчи бўлагига айланади. Гўё у учун яралгандаи.

Биз соҳилни жисм кезиб юраг әдик. Мен тўхтадим ва тош донасини олиб уммонга улоқтиридим. У сувга бир неча метр етмасдан қирғоққа тушиби.

Жейк кулиб юборди.

— Ҳамма ҳам баъзиларга ўхшаб кучли бўлавермайди, - дедим мингирлаб.

У хўрсинди.

— Нима деб ўйлайсан, бу сенда қачон содир бўларкин? - аста сўрадим.

— Ҳеч қачон, - иккilanмай жавоб берди у.

— Бу сенинг истагингга боғлиқ эмас, тўғрими?

Жейкоб жавоб бермади. Иккаламиз ҳам беихтиёр қадамимизни секинлатдик.

— Умуман олганда боғлиқ эмас, - ниҳоят тан олди у. — Бироқ сен аввал, уни сен учун яралган эканини фаҳмлашинг лозим.

— Ва сен уни ҳозиргacha учратмаганинг учун, ҳеч қачон учратмайман деб ўйлайсанми? - ишонмайроқ сўрадим. — Жейкоб, сен ҳаётда ҳали кўп нарса кўрмадинг, хатто мен... сендан кўпини кўрганман.

— Гапинг тўғри, - секин жавоб берди у ва менга тикилди. - Белла, мен ҳеч қачон бошқасига қарамайман. Фақат сенга. Хатто кўзимни юмиб бошқасини тасаввур қилмоқчи бўлсам ҳам,

фақат сени кўраман. Квил билан Эмбридан сўра, бу уларни эсдан оғдирди.

Нигоҳимни пастга қаратдим.

— Балки, уйга қайтганим яхши, - шивирладим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Йўқ, - ажисб кўринишида таъкидлади.

Мен Жейкобга қарадим: унинг кўзларида энди ҳадик бор эди.

— Ахир ҳали сенда бир кун бор-ку! Қонсўрар ҳали қайтмади.

Мен унга қайсарона нигоҳ ташладим.

— Ҳеч кимни хафа қилмоқчи эмас эдим, - тезда қўшиб қўйди

Жейк.

— Ҳа, бир кун вақтим бор, лекин Жейк...

У қўлларини кўтарди.

— Кечир, бошқа бундай қилмайман. Оддийгина Жейк бўламан.

Чуқур нафас олдим.

— Агар шуни ўйлаётган бўлсанг...

— Мендан қайгурма, - у узоқ жилмайди. - Нима қилаётганимни биламан, агар сени

ранжитаётган бўлсам айт.

— Билмайман...

— Қани, Белла! Юрақолсангчи, уйга бориб мотоцикларни оламиз. Улар чириб кетмасликлари учун учиб туриш керак.

— Менга мумкинмас деб қўрқаман.

— Ким таъқиқлаган? Дадангми? Ёки қонсў... ёки уми?

— Иккаласи.

Жейкоб мен ёқтирганимдай жилмайди ва бирдан аввалги Жейк бўлиб қолди. Қайси-ки, мен жуда согинган; иссиқ ва нур таратувчи.

Мен бундай жавобни кўтаролмадим.

— Мен ҳеч кимга айтмайман, - сўз берди у.

— Дўстларингни ҳисобламаганда.

У бошини айлантириди ва жиоддий тусда ўнг қўлини кўтарди, худди қасамёд қилмоқчидек.

— Бу ҳақида ўйламасликка ваъда бераман.

— Агар мен жароҳатлансам, ииқилиб тушдим деб алдайман.

— Нима десанг шу.

Биз мотоциклда Ла-Пуш атрофини чизиқ бўйлаб айландик, токи ёмғир ерни ҳўл қилгунича ва токи Жейк тановул қилмаса хушини йўқотиши мумкинлигини айтмагунича. Уйга қайтганимизда Билли амаки мени илиқ қарши олди. Мен билан дўстона қўл бериб саломлашибди, гўёки менинг кутимаган ташрифим уни

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳайратлантирилмагандай. Биз Жейк тайёрлаган бутербродларни паққос туширидик ва мен мотоциклларни тозалашига күмаклашган гаражга бордик. Гаражда кўп ойлар бўлмадим - Эдвард қайтиб келганидан бери, - лекин ўзимни бу ердан кечагина кетгандай ҳис қилдим.

— Зўрку! - дедим Жейкнинг қозоз халтадан иккита банка "кола"ни олганини пайқаб.

— Гаражни роса согинган эдим, - дедим.

Жейк кўзларини бошимиз узра маҳкамланган пластик шифтга тикиб кулди.

— Бунинг ажабланарли ери йўқ. Сен бу ерда Тож-Маҳал гўзаллигидан баҳра олишинг мумкин. Бунинг учун Ҳиндистонга бориб юрмайсан.

— Вашингтон штатидаги Тож-Маҳал учун! - дедим ва кола идишини кўтардим.

Жейк ҳам ўзиникини кўтарди.

— Ўтган галги Валентин кунини эслайсанми? - деб сўради. - Менимча айнан ўшандабу ерга келишинг охиргиси эди. Кейин эса... Нималар бўлганини биласан.

Мен кулиб юбордим.

— Албатта эслайман! Бир қути юракчали шоколад эвазига бир умрлик қуллик билан ҳақ тўладим. Бунақасини унудиб бўлмайди.

Жейкоб ҳам кулиб юборди.

— Худди шундай! Қуллик билан. Сен учун нимадир ўйлаб топишимига тўғри келади, -хўрсинди у. — Бу худди анча олдин, бошка бир мунча баҳтлироқ замонда бўлгандай туюлаяпти, - деди у.

Мен бу гапга қўшилолмайман, ҳозир мен учун ҳаётим баҳтга тўлган. Лекин барибир қизиқ, менинг қайгули ўтмишиимда кўп воеалар бўлиб ўтди, нега шуларни қумсаяпман? Эшик

ортидаги қоронгу ўрмонга тикилиб қолдим. Ёмғир тезлашиди, лекин торгина гаражнинг ичи илиқ эди; Жейкдан гўё пеҷдан келгандай иссиқ ҳарорат тараларди.

Унинг бармоқлари қўлимни силади.

— Ҳамма нарса ўзгарган.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Ҳа-я, - Мен ўзимнинг мотоциклим орқа гилдирагига шапатиладим. — Қачонлардир дадам менга унчалик ҳам ёмон муомала қилмаганди. Умид қиласанки, Билли амаки бугунгиларни айтиб қўймайди. - лабимни тишладим.

— Ҳеч қачон. У даданга ўхшамайди, бунақа майда-чуйдаларга кўп ҳам эътибор беравермайди. Айтгандай, ҳали ҳам аҳмоқлигим учун узр сўрамадим-ку. Илтимос даданга мотоцикллар ҳақида айтиб қўйганим учун кечир. Бундай қилмаганим яхши эди.

— Бу гапинг тўғри!

— Жуда афсусдаман, чин сўзим.

Умидвор нигоҳини менга қаратди; унинг жиққа ҳўл қора соchlари чигаллашиб кетганидан ҳар ер, ҳар ерида тик туриб қолган эди.

— Ҳа, майли. Кечирдим.

— Раҳмат, Белла!

Биз бир-биримизга жилмайдик ва бирдан Жейкнинг ранги ўзгариб қорайди.

— Биласанми, ўша куни, сенга мотоциклни олиб борганимда... баъзи нарсаларни сўрамоқчи эдим ва шу билан бир вақтда сўрагим ҳам келмасди. - секин айтди у.

Мен тоши қотдим - буни мен Эдвардан ўрганган эдим.

— Бу шунчаки заرارдан деган эдинг, мендан ғазабланганинг учун айтганмидинг ёки чиндан ҳам шундай ўйлайсанми?

— Айнан нима? - у нимани назарда тутганини билиб турсам ҳам тичирлаб сўрадим.

Жейк қовогини уйиб олди.

— Ўзинг биласан. Агар у... агар у сени тишласа аралашимаслигимни, бу менинг ишим эмаслигини айтгандинг, - Жейкнинг юзи охирги айтган гапидан буришиб кетди.

— Жейк... - томоғим бўғилиб жисм бўлиб қолдим.

У қўзларини юмиб чуқур нафас олди.

— Сен буни жиiddий айтганмидинг?

Жейкоб қўзларини очмас, бироз титраб турар эди.

— Ҳа. - шивирладим.

У секин нафас чиқарди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

Унга қараб кўзларини очишини кутдим.

— Бу нимани англатишни биласанми? - тўсатдан сўради у.

— Ахир ўзинг ҳам тушунасан шундайми? Агар улар битимни бузгудек бўлишиса нима

бўлишини биласан-а?

— Биз олдин кетамиз, - секин айтдим.

Жейкнинг кўзлари ярқ этиб очилди - огриқ ва газабдан қорайиб чақнарди.

— Белла битим географик чегарага эга эмас. Бизнинг бобокалонларимиз бир ва ягона сабабга кўра, яъни Калленлар боиқа вампирларга ўхшамасликка ва одамларга зиён етказмасликга қасам ичганликлари учунгина муроса қилишган. Ҳеч қачон ҳеч кимни

ўлдирмасликка ва вампирга айлантирмасликка ваъда беришган. Агар улар берган ваъдаларини бузишича битим ўз кучини йўқотади ва уларнинг ҳам боиқа вампирлардан фарқи қолмайди.

Шундай бўлган захоти, биз уларни топамиз...

— Жейкоб, ахир битимни биринчи бўлиб ўзларингиз бузмадингизми? - ҳасга осилгандаи бўлиб унинг сўзини бўлдим. — Ахир битимга биноан сизлар вампирлар ҳақида ҳеч кимга оғиз

очмасликларинг керак эдику! Сен эса менга айтдинг! Демак, ҳар қандай ҳолатда ҳам битим кучга эга эмас!

Бу эслатма Жейкобга ёқмади. Кўзларидаги огриқ душманликка айланди.

— Ҳа мен битимни буздим, бу ҳақиқат эканига ишонишиимдан олдин эди. Ишончим комил, улар буни билишиади.

Уни уялтирган нигоҳимдан кўзларини олиб қочди ва кўзларини пешонамга қаратди.

— Уларга фақат шунинг ўзигина, уларнинг ҳам битимни бузишлирига ҳуқуқ бермайди. Ҳеч қандай "бузиши учун бузиши" бўлиши мумкин эмас. Агар уларга қилган иш им ёқмаса, бизга ўхшаб уларнинг бир йўли қолади. Ҳужумга ўтиши ва жанг бошлиш.

Бу Жейкнинг оғзидан муқаррардек янграб чиқди.

— Жейк, боиқа йўли ҳам бор-ку ахир.

У тишини тишига босди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Бошқа йўли йўқ.

Бундай баёнотдан сўнг атрофни жимлик босди, лекин менга ҳамма ёқ зириллаб кетгандай туюлди.

— Жейкоб, наҳотки мени ҳеч қачон кечирмайсан? - пицирладим ва шу заҳоти айтган гапидан афсус чекдим; унинг жавобини эшиятгим келмасди.

— Бундан сўнг сен ортиқ Белла бўлмай коласан, - деди у. - Менинг дўстим бўлмайди.

Кечирадиган ҳеч ким ҳам.

— Демак, кечирмайсан, - шивирладим.

Бир-бири мизга узок тикилдик.

— Жейк, демак, биз бошқа кўришимизми?

У кўзларини пирпиратди ва унинг кўзларидағи боҳабарлик ҳайрат билан жой алмашди.

— Нега? Бизнинг ҳали яна бир неча йилимиз бор. Нима вактимиз борлигида дўст бўлолмаймизми?

— Бир неча йил? Қаёқда! - бош чайқаб маъюс кулдим.

— Аниқроғи, бир неча ҳафта, - дедим.

Бунчалик таъсирланишини кутмагандим.

Жейкоб кутмалаганда ўрнидан сакраб турди ва қўлидаги кола идии баланд овозда ёрилиб кетди. Кола менга ва ён атрофга сачради, гўё шлангдан сепилаётгандай.

— Жейк! - жон ҳолатда қичқирдим ва унинг танаси ғазабдан титраётганини кўриб жим бўлиб қолдим.

Жейкоб менга ёввойи нигоҳ билан қаради, унинг кўксидан ўкирик отилиб чиқди.

Мен қимирлашга ҳам қўрқардим. Жейкобнинг танаси титраида давом этар, титроқ борган сари кучайгандан кучаяр эди. Унинг гавдаси ўз-ўзидан ўзгариб ёйла бошлади.

Кейин у тишини тишига босди ва ўкиришдан тўхтади. У бор кучи билан муштланди, диққатини жамлади; титраши секинлашиди, фақат қўллари ҳамон қалтиради.

— Бир неча ҳафта, - ҳиссиз тақрорлади у.

Мен жим туравердим.

Жейк кўзларини очди - уларда ғазаб қолмаганди.

— Бир неча ҳафтадан кейин у сени жирканч зулукга айлантироқчими? - Жейкоб тишлари орасидан вишиллади.
Ажабланиб бош силкитдим.

Жейкобнинг қорапаранг териси яшил тусга кирди.

— Жейк, яна қандай? - жимликни бузиб шивирладим. - Ахир у атиги ўн еттида, мен эса кундан кунга ўн тўққизга яқинлашияпман. Бундан ташқари, кутишдан нима наф? Менга фақат у

керак. Бошқа яна нима ҳам қила олардим?

Саволларимни жавоби ўзида эди.

— Бундан бошқа ҳар нима. Ўлганинг яхшироқ. Бу менга кўпроқ ёққан бўларди.

У худди мени ургандек ўзимни ортга тортдим. Ургани яхши эди, бунчалик азобланмаган бўлардим.

Оғриқни кучлилигидан ичимдан ғазаб отилиб чиқди;

— Балки ниятинга етарсан! - дедим хўмрайиб. — Балки, мени уйга қайтаётганимда юк машинаси уриб юборар.

Мотоциклимни етакладимда шаррос ёғаётган ёмғир остига чиқдим. Жейкобнинг ёнидан ўтаётганимда у қимирламади ҳам. Ёмғирдан ивиб кетган сўқмоққа ўтиб олганимдан сўнг мотоциклга миндим ва ўт олдиргични тепдим. Мотоциклъ гилдираклари жойида тез айланиб кетди. Гараж ичкарисига лой сачради. Жейкка ҳам лой тегди деб умид қиласман.

Ёмғирдан эзилиб кетган йўлдан тўғри Калленлар уйига қараб учдим. Йўл бўйи ичимгача ивиб кетдим, шамол эса муздек ёмғир томчиларини танамга санчаётгандек эди. Ярим йўлга ҳам етмасимдан тишларим тақиллай бошлади.

Вашингтон штатида мотоциклда узокқа кетолмайсан. Имкони топилиши билан сотиб юбораман.

Мен мотоциклни Калленларнинг улкан гаражисига етаклаб кирдим. У ерда мени кутиб сариқ рангда ярқираб турган "порше" устидаги ўтирган Элисни кўриб ҳечам ҳайратланмадим. У ўз совгасини эркалаб, қўли билан силаб ўтиради.

— Шуни ҳеч ҳайдаб кўролмадим-да, - хўрсинди у.

— Кечир, - тишим тақиллаганидан зўрга гапирдим.

— Эҳтимол, иссиқгина душ сенга ҳалал бермас.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Бу аниқ!

Элис лабини шишириб дикқат билан юзимни кузатди.

— Менга нима бўлганини айтгинг келмаяптими?

— Йўқ.

У бош силтади, лекин кўзлари қизиқишдан порларди.

— Кўриқхонага боришни хоҳламайсанми?

— Хе ўшани. Уйга кетсам майлими?

Элис юзини буриштируди.

— Майли, бундан енгил тортсанг қолганум бўлсин, - дедим.

— Раҳмат, - енгил тин олди у.

Бу оқиом ухлагани эрта ётдим. Ва яна ўша диванда.

Уйғонганимда ҳали қоронгу эди.

Уйқусираганимдан миям яхши ишламасди, лекин тонг отишига ҳали анча вақт борлигини билардим. Кўзларим ўз-ўзидан юмилди, мен керилиб қоринчалаб ётдим ва бирдан бундай думалашимдан сўнг ерда ётишим кераклигини англадим. Ётишига ҳам анчагина кулай эди. Мен ортимга ўгирилиб бирор нарсани илгашига уриндим. Қалин булутларни ой нури ёриб ўта олмаётганди, кечагидан ҳам қоронгу эди.

— Кечир, уйготмоқчи эмасдим.

Эдвард шу қадар секин гапирдики, овози қоронгаликнинг бир бўлаидек туюлди.

Мен унда ёки ўзимда ғазаб ўти чақнашини кутиб ўзимни қўлга олдим. Лекин зулмат сокин ва жимжитлигича қолди. Бундан ташқари Эдвардинг нафаси ифоридан ширин висол онлари сезиларди. Ҳувиллаган бўшлиқдаги ҳижрон таъми аччиқ эди.

Худдики усиз ёлгиз қолганимдаги каби.

Ўртамиздаги бўшлиқда кескинлик сезилмасди - жимлик бетараф эди, булутсиз тундек, ёгингарчиликка шорасиз, бўрон олди сукунатсиз эди. Ундан ғазабланганим ҳам муҳим эмас.

Бошқалардан ҳам. У томон сурилдим, қоронгаликдан қўлини қидириб топдим ва маҳкам ушладим. Эдвард мени кўксига босиб қучоқлади. Мулойимлик билан пешонамдан ўпди ва кулиб юборди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Мен хатто гризли айиғи ҳам омон қола олмайдиган учрашувни кутгандим. Натижада нимага эришидим. Эҳтимол сени тез-тез шу ҳолга солиб турғаним маъқулдир.

— Шошилма, кутиб тур ҳали сенга барча дастуримни кўрсатаман! - уни масҳаралаб кулдим ва уни лабидан ўпдим.

— Қанча кутиши керак бўлса, кутаман, - шивирлади у лабини лабимдан узмай.

Нафасим энтика бошлиди.

— Балки, эрталабдир, - жавоб бердим.

— Нима десанг шу.

— Ўйга хуш келибсан, қайтганингдан хурсандман, - дедим Эдвард лабларини бўйнимга босганида. — Қайтганингдан хурсандман.

— Жуда яхши.

.....

— Олдиндан жаҳлингни чиқаришни истамадим. - шивирлади у. - Балки кроват сенга нега ёқмаганини менга тушунтириб берарсан.

.....

— Нега фикрингдан қайтдинг? - сўрадим.

— Белла, бемаъни гапни қўй. Мен шунчаки сенга каравотнинг имкониятларини кўрсатмоқчи эдим. Биз бунчаликга бормаймиз. Хатто орзу ҳам қилма.

— Энди жуда кеч, - ғудрандим ва қўшиб қўйдим, - Лекин ростини айтсам каравот менга ёқди.

— Унда яхши, - табассум билан жавоб берди ва пешонамдан ўпид қўйди.

— Барибир ўйлаб ўйимга етолмайман, - давом этдим. - Агар бунчаликка бормасак, бизга кроватнинг нима кераги бор?

Эдвард яна хўрсинди.

— Белла, сенга юз марта айтганман, бу хатарли.

— Мен хатарни ёқтираман.

— Буни биламан, - жавоб берди Эдвард ва мен гараждаги мотоциклни кўрганига амин бўлдим.

— Аслида хатар қандай бўлишини сенга мен айтаман, - мавзуни ўзгартиришига улгурмасидан тез гапирдим. - Ҳақиқий хатар шуки,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бир кун келиб сабрим тўлади ва мен кўк олов чиқариб юбораман, бунга эса айбдор фақат сен бўласан!

Эдвард мени ўзидан нари суро бошлиди.

– Нима қиляпсан? - эътиroz билдиридим ва янада қаттиқроқ ёпишдим унга.

– Ўз-ўзидан ёнгин чиқишини олдини олиши дастури. Агар бу сенга кўплик қилса...

– Ҳечқиси йўқ, кўп эмас! - дедим. У яна яқинлашишимга руҳсат берди.

– Кечир сени нотўгри тушунишингни истамаган эдим, - деди у.

- Сени хафа қилишини хоҳламагандим. Бу мен томондан қилинган энг ёмон иши бўлди.

– Умуман олганда, бу хатто жуда яхши бўлди.

Эдвард чуқур нафас олди.

– Чарчамадингми? Яхшилаб ухлаб олишинг керак.

– Йўқ, чарчамадим. Агар сен мени яна нотўгри тушунишимга қўйиб берсанг, қаршилик қилмасдим.

– Эҳтимол, бундай қилишининг ҳожати йўқдир. Чексиз орзу қилишига фақат сенгина мойил эмассан.

– Фақат мен кўринади. - мингилладим.

У кулиб юборди.

– Белла менга қанчалар оғир эканини тасаввур ҳам қилолмайсан! Ва катъиятлилигинг менга зигирча ҳам ўзимни қўлга олишимга кўмак бермайди.

– Бунинг учун кечирим сўраб ўтирмаиман.

– Балки мен кечирим сўрарман?

– Нима учун?

– Ахир мендан газабда эдинг эсингдами?

– А, бу ҳақидами...

– Кечир. Ноҳақ эдим. Сен шу ердасан, ҳавф хатардан ҳолисан, ҳар нарсани ўз рангida кўриш анча осон. - у мени қучлироқ бағрига босди. - Сендан узоқлашаётганимда, эсдан огаёзаман. Яхиси, бошқа узоққа кетмайман. У изтироб чекишига арзимайди.

Мен жилмайдим.

– Тоғ арслонларини топа олмадингми?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Умуман айтганда, топдим. Барибир ўлжаса ғам чекишига арзимайды. Ростини айтсам Элис сени тутқинликда сақлагани учун кечирим сўрамоқчи эдим. Бу аҳмоқона иш бўлди.

— Жудаям аҳмоқона!

— Бошқа бундай қилмайман.

— Майли, - осонгина рози бўлдим: Эдвард аллақачон кечирилганди. — Бундан кўра ётоқ фикри менга кўпроқ ёкди. Шахсан сен, қанча хоҳласанг шунча мени тутқинликда сақлашинг мумкин.

Руҳсат берганингдан фойдаланиб қолишим эҳтимолдан холи эмас. Шундай қилиб, навбат энди менгами? Нимага сенинг навбатинг? Кечирим сўрашига.

— Нима учун кечирим сўрамоқчисан?

— Мендан жсаҳлинг чиқмаяптими? - иккиланиб сўрадим.

— Йўқ, - жавоби шу қадар янгради-ки, унинг самимийлигига шубҳа қолмади.

— Қайтганингдан сўнг Элис билан гаплашдингми?

— Гаплашдим, нима эди?

— Сен ундан "порше"ни олиб қўймайсанми?

— Албатта йўқ! Ахир бу совға-ку.

Унинг овози ранжигандек эшишилди, шунинг учун юз ифодасини кўргим келарди.

— Нималар қилганимни гапириб берайми? - сўрадим.

Эдвардинг ҳеч қандай қийноқни сездирмаётгани жуда қизиқ. Мен унинг қандай елка қисганини сездим.

— Қилган ҳар ишинг менга доим қизиқ, лекин айтишини истамасанг шарт эмас.

— Лекин... ахир мен Ла-Пушга бордим-ку.

— Биламан.

— Мактабни ҳам қолдирдим.

— Мен ҳам.

Мен қоронгуликка, Эдвардинг овози келган томонга қараб қолдим ва унинг кайфиятини билиш учун бармоқларимни унинг юзи узра юргиздим.

— Қандай қилиб сен бу қадар бардошли бўлиб қолдинг? Эдвард хўрсинди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Ўйладимки, сен ҳақсан. Муаммо илгари... менинг турланувчиларга бўлган таъсирчанлигимда эди. Энди сенинг қароринга ишонишга ва ақлироқ бўлишига ҳаракат қиласман.

Агар сен буни ҳавфсиз деб ҳисобласанг, у ҳолда мен сенга ишонаман.

— Қойил!

— Лекин... энг муҳими шуки... бунинг ўртамиизда туришига зинҳор йўл қўймоқчи эмасман.

Мен унинг кўксига бошимни қўйдим ва кўзимни юмдим.

— Шундай қилиб, қачон яна Ла-Пушга бормоқчисан? - мингиллаб сўради у.

Мен сукут сақладим. Унинг саволи менга Жейкобнинг гапларини эслатди ва бирдан бўгила бошлидим.

Эдвард танамдаги кутмалмаган зўриқшини нотўғри қабул қилди.

— Ахир мен ҳам ўз режсаларимни тайёрлашим керакку, - у тезда тушунтириди. - Мен бу ерда ўтириб сени кутаётганимни ўйлаб уйга қайтишига шошилишинги истамайман.

— Йўқ, - қандайдир бегона овозда жавоб бердим. - У ерга бориши нијатим йўқ.

— Эй, мени деб бундай қурбонлик қилишини кераги йўқ.

— Менимча у ердагилар боришимдан ортиқ хурсанд эмаслар. - шивирладим мен.

— Кимнидир мушугини босиб олдингми? - ҳазиломуз қизиқсинди у.

У мендан ҳақиқатни сугуриб олишини хоҳламаётганини билардим, лекин унинг овозидан қизиқшии билиниб турарди.

— Йўқ. - мен хўрсиндим ва шошиб гапирдим. — Жейкоб тушунади деб ўйлаган эдим... ва у бундан ажабланишини кутмалмаган эдим.

Эдвард давомини сабр билан кутди.

— У буни шунчалик тез содир бўлади деб ўйламалаган эди.

— Тушунарли, - Эдвард аста жавоб берди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— У айтдики... ўлганим яхши экан. - охирги сўзимда овозим қалтираб чиқди. Эдвард бир онга қотди, гўё ниманидир ҳал қилмоқчидек.

Кейин мулойим, лекин кучли мени бағрига босди.

— Худо ҳаққи кечир.

— Хурсанд бўлдинг деб ўйлайман, - шивирладим.

— Сени хафа килган нарсадан қувониш им керакми? - юзини сочимга теккизиб деди, — Ҳеч қачон.

Унинг тошдек танасига ёпишиб хўрсиндим ва ўзимни бўши қўйдим. Танаси яна қимирламай зўриқиб қолди.

— Нима бўлди? - сўрадим.

— Ҳеч нима.

— Айт.

Бироз жум турди.

— Бу жаҳлингни чиқаради.

— Барibir айт. Эдвард чуқур нафас олди.

— Мен уни бу гаплари учун ўлдирган бўлар эдим. Бошини ҳам олардим. Мен ишончсиз кулдим.

— Эҳтимол, ўзингни тутиб тура олишинг ажойиб.

— Кўйиб юбориш им ҳам мумкин, - деди у ўйланиб.

— Агар ўзинга эркинлик бермоқчи бўлсанг, яхиси бошқа нарсада эркинроқ бул. — ўпмоқчи бўлиб унга яқинлашдим, у мени тутиб қолди ва хўрсинди.

— Лекин нима учун айнан мен доим ҳаммаси учун жавоб бериш им керак? Мен хўмрайдим.

— Ҳар доим эмас. Руҳсат бер мен жавоб берай - бир неча дақиқа... ёки соат.

— Ҳайрли тун, Белла.

— Тўхтаб тур, сендан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман.

— Нимани?

— Мен кеча Розали билан гаплашгандим. Эдвард диққатланди.

— Биламан. Келган пайтим у бу ҳақида ўйлади. Розали ўйлаб кўришинг учун сенга бир дунё озиқ берганга ўхшайди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Унинг овозида безовталик бор эди, ва мен Розали одам бўлиб қолишим ҳақида келтирган масала ҳақида гаплашмоқчи деб ўйлаганини тушундим. Лекин аслида мени бундан ҳам бир мунча муҳим бўлган нарса қизиқтираётган эди.

— Розали менга ўша даврлар ҳақида озроқ гапириб берди...

Сизларнинг Деналида яшаган вақтни.

Гапни бундай бошлинишини Эдвард кутмаганди ва бир муддат жим турди.

— Хўши?

— У ёши вамирилар ҳақида бир нималар деди... сен ҳақингда ҳам. Эдвард жим туради, мен ҳам.

— Ҳавотирланма, - нокулай бўлгани учун жимликни буздим. —

Розали айтди-ки, сен... ҳеч

бирига қизиқмабсан. Лекин менга қизиғи шуки, улардан биронтаси сенга қизиқмаганми кан?

Эдвард жавоб бермади.

— Айнан ким? - иложи борича бефарқ оҳангда сўрадим. - Ёки улар бир нечта бўлишганми?

Жимлик. Унинг юзини кўролмаётганимдан ачиниб кетдим: ўшандабу жимлик нимани англатишини билишга ҳаракат қила олардим.

— Менга Элис айтади, - дедим, - Мана ҳозир бораман-у ундан сўрайман. Эдвардинг қўллари зўриқди: мен ўрнимдан қўзғалолмай қолдим.

— Кеч бўлиб қолди, - жавоб берди у.

Унинг овозида қандайдир янги оҳанглар пайдо бўлди: бироз ҳадик, эҳтимол бироз уятчанлик ҳам.

— Бундан ташқари, менимча Элис уйда йўқ.

— Ҳаммаси шунчалик ёмонми? Ростдан ҳам жуда ёмонми?

Юрагим ваҳимадан тез-тез ура бошлади, ақлга сиғмас дараҷадаги умрбоқий рақибам борлигини тасаввур ҳам қилмаган эдим.

— Белла, тинчлан, - Эдвард бурнимни учидан ўпига қўйди. -

Бемаъни гапни қўй.

— Бемаъни? Шундай бўлса нега жимсан?

- Чунки айтадиган гапни ўзи йўқ, сен пашиадан фил ясаяпсан.
- Айнан ким? - қатъий сўрадим. У хўрсинди.
- Таня озроқ қизиқиши билдирган. Мен жентльменларга хос унга нисбатан қизиқишим йўқлигини тушунтиридим. Бори шу.
- Айтчи, ўша Таняning кўриниши қанақа? - овозимдаги титроқни босишига уриндим.
- Бизга ўхшаган: оқ танли, кўзлари олтинранг, - у жуда тез гапирди.
- Ва албатта гўзаллиги бекиёс.
- Эдвардинг елка қисганини ҳис қилдим.
- Одам кўзи учун, эҳтимол, ҳа - деди у. — Биласанми нима?
- Нима? - хўмрайдим.
- Эдвард қулогимга лабини босди; унинг совуқ нафасидан этим жамирлаб кетди.
- Мен қорамагиз қизларни маъқул кўраман.
- Аҳа, демак, у малласоч.
- Платина рангли - мутлақо менинг дидим эмас.
- Эдвард юзларимдан силаб мени эркаларкан диққатимни жамлашга ҳаракат қилиб ўйланиб қолдим.
- Ундаи бўлса яхши, - қарор қилдим.
- Ҳм, - лабини юзимдан олмасдан шивирлади у. — Раиш қилганингда бирам ёқимтойсан, ажабланарли дараҷада ёқимли кўриниш.
- Коронгуликка хўмрайиб қарадим.
- Кеч бўлди, - Эдвард сокин, ипакдек майин ва аллаловчи овозда тақрорлади. — Ухла ўзимнинг яшиигинам, яхши тушилар кўр.
- Юрагимда ягонам ўзинг ва у фақат сеники. Ухла ўзимнинг ягонам.
- Эдвард димогида аллани ҳиргойи қила бошлиди. Эртами кечми бунга тоқат қилолмай барибир ухлаб қолишимни билардим. Шунинг учун кўзларимни юмдим ва ўзимни Эдвардинг устига ташладим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Тонг отгач, ўзи айтганидек, Элис мени уйимга олиб бориб қўйди. Эдвард ўзининг навбатдаги "ов"идан қайтган бўлса, тез орада пайдо бўлиб қолса керак. Бу югур-югурлар мени тинкамни қуритди. Энди ҳаётимнинг қолган қисмини жонсарак бўлмай яшашиликка аҳд қилдим!

Дадам машина эшигини гарчиллаб ёпилганини эшитиб деразадан қаради. Элис қўл силкитди ва эшикни очди.

- Яхши вақтичоғлик қилдингларми? - сўради дадам.
- Ажойиб! Жуда қизиқ... вақт ўтди.

Мен нарсаларимни ўзим билан олиб келгандим, уларни полга ташладим ва зинадан кўтарилдим. Оихонага тамадди қилишга ўтдим.

- Сенга қўнгироқ қилишганди! - дадам ортимдан қичқириб қолди.

Оихонадаги стол устида, кастрюль ёнида қўнгироқлар қайднома дафтарчаси туради.

«Жейкоб қўнгироқ қилди, - дадам шундай ёзган экан. - Айтдики, у ноҳақ экан ва чуқур афсусда экан. Сени телефон қилишингни сўради. Ақлли қиз бўлиб, уни кечир. Менимча у жуда қаттиқ пушаймон».

Менинг энсаларим қотиб кетди: дадам қачондан бери ўз талаб ва таклифларини ёзма ҳолда баён этадиган бўлиб қолди?

Жейкоб қанча пушаймон бўлса, ўзи билади. Мен у билан гаплашиши ниятим йўқ. Бу дунёда негадир жавобсиз қўнгироқлар нима эканини мендан бошқа одам яхшироқ билмаса керак. Агар

Жейкоб мени тирик мурдалар ҳисобида кўраркан, унда менинг ўлик сукунатимга ҳозирдан кўнига қолсин.

- Нима сен Жейкобга қўнгироқ қилмайсанми? - сўраб қўйди дадам.

Дадам меҳмонхона эшигига суюнганича мен нарсаларимни қандай ишшишираётганимни томоша қилиб туради.

- Йўқ.

Мен юқорига кўтарилдим.

- Белла, сен ўзингни жуда ғалати тутаяпсан, - деди у. - Кечиримли бўлиши - илоҳий ҳислат.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ишингиз бўлмасин, - димоғимда мингилладим, чунки дадам эшиятмасин дедим.

Кирларни ювиши пайти бўлганди, шунинг учун тишимни ювиб бўлгач, ўзимнинг кийимларимни кир кийимлар саватига итқитиб, дадамнинг ҳам тўшак жилдларини ювишга аҳд қилдим. Унинг чойшабларини зинапояда қолдириб ўзимникуни олгани хонамга йўл олдим.

Кароватим ёнида серрайиб қотиб қолдим.

Менинг ёстиғим қани? Мен хонамга зир кўз югуртириб чиқдим. Ёстиқ йўқ. Хонам ҳам алланечук гайритабиий тусда эди - гўёки улар ўз тартибини ўзгартиришганди. Мободо кулранг свитерим каравотим суюнчиғида осилиб туриши керак эмасмиди? Мен қасам ичib айтаманки, курсим тутқичида икки жуфт кир пайтоқ турган бўлиши керак эди, эшигим тутқичида эса – мен икки кун олдин мактабга кийиб бораман деб кийиб, сўнгра жуда дабдабали бўлиб туюлгани учун ечиб қўйган қизил кофтачам бўлиши керак эди... У йўқ эди. Кирлар қутиси деярли тўла бўлиши керак эди, аммо ҳозир у ер бўм-бўши эди.

Балки дадам кир ювгандир? Ҳар қалай ундан кутса бўлади...

- Дада, мободо сиз кир ювмаганмидингиз? - хонамдан туриб бақирдим.

- Йўқ, - дадам ажабланиб сўради. - Кир ювиши керакми?

- Йўқ, ўзим юваман. Сиз хонамдан ул-бул нарса изламаганмидингиз?

- Йўқ, нима эди?

- Ҳеч нарса... кўйлагимни тополмаяпман.

- Мен хонангга кирганим йўқ.

Менимча Элис пижамамни олиб келгани келганида боиқа нарсаларни ҳам чаққонгина олган бўлса керак! Аммо мен унинг ёстиқ олиб келганини пайқамагандим, чунки каравотда ётмадим-да. Балки, Элис мени камчиликларимни беркитиши учун атай шундай қилган бўлса керак. Ўзимнинг жонсараклигимдан уялиб кетдим

Қизил кофтачам ҳали тоза эди, шу сабаб кир саватидан олишга қарор қилдим.

Кофтача шу ерда юқорида турган бўлиши керак эди - қаерда экан-а? Мен бутун кийимлар уюмини ағдариб ташласам ҳам топилмади. Мен ўзимда иримчи шубҳалар пайдо бўлаётганидан

ваҳимага тушибим. Мен излаётган буюмларим чамамда кўпроқ эди. Гўё ҳаммаси сирли равишда мендан беркиниб олишганди. Кир саватини фақат ярмигача тўшак жилдлари ва ёпинчиқлар эгаллади.

Мен сабр билан жилдларни кўрпалардан суғуриб олдим ва дадамнигини ҳам қўшиб кир ювиши машинасига тиқдим. Кир ювиши билан андармон бўлиб қуритгичга қараб қўйдим. Олдин ювилган кийимларни қуритгичда тахларканман зора Элис шу ерда қолдиргандир деган умид билан титкилаб ташласам ҳам чиқмади. Бўм бўш. Мен таажубланганча ҳўмрайдим.

- Излаганингни топдингми? - дадам қичқирди
- Йўқ ҳали.

Ортимга қайтиб хонамда каравотим тагига бош сукдим. Ўргимчак тўри ва чангдан бошқа ҳеч нима қолмабди. Бутун шкафни титиб ташладим: балки қизил кофтачамни шу ерга қўйиб, сўнгра унугран бўлсан-чи?

Эшик қўнғироги жарангини эшишиб, шкаф ичидаги тимирсикилашдан тўхтадим: бу Эдвард бўлса керак.

- Кимдир келди, - мен дадамнинг ёнидан учиб ўтарканман, дадам диванда ўтириб мингиллаб қўйди.

- Ўзим очаман!

Оғзим қулогимга етиб, севинганимча эшикка отилдим.

Эдвардинг тилларанг кўзлари чақнаб турагар, дурдек тишлари газабдан ириллаб менга чўчиб қараб турагди.

- Эдвард... сенга нима бўлди? - мен унинг юзига ҳайрат билан қараб сўрадим.

У бармогини лабларимга босди.

- Менга бир сония бер. Қимиrlамай тур...

Ва у гойиб бўлди. У шу қадар тез кўздан йўқолдик, хатто диванда ястаниб ётган дадам унинг мавжудлигини ҳам пайқамай қолди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен то иккига санамасимдан яна Эдвард ёнимга қайтиб келди. Мени даст қучиб оишонага олиб ўтди, атрофга ҳавотир аралаши текшириб олазарак қаради. Ва ҳамон кўзга кўринмас

кучдан ҳимоя қилмоқчилик мени танаси билан тўсиб олди. Дадамнинг дивандада чўзилиб ётишини зидан кузатиб турадим, аммо у бизни пайқамасди.

- Бу ерда кимдир бўлган, - қулогимга шивирлади Эдвард, ва мени янада оишона бурчагига тиради.

У шу қадар паст овозда гапирадики, мен зўрга эшиштардим, аксига олиб кир машинаси тарақларди.

- Қасам ичаман, ҳеч қанақа бўритус келмади... - дедим.

- Бу улардан эмас, - Эдвард бошини чайқади ва мени елкамни силаб қўйди. - Бу бизнинг дунёдан.

Унинг овоз оҳангидан ўз оиласидан бирортаси эмаслигини англаб етдим.

Бутун вужудимда қон тўхтаб қолгандек қўрқиб кетдим.

- Виктория? - бор кучимни тўплаб сўрадим.

- Бу ҳид менга нотаниши.

- Балки Вольтурилардан бирортасидир?

- Бўлиши мумкин.

- Қачон бу ерга келибди?

- Унча кўп бўлмаган, эрта тонгда даданг ҳали ухлаб ётган бўлган. У ким бўлса ҳам даданга тегмаган, унинг бошқа мақсади бўлган.

- Мени излаган.

Эдвард мармар ҳайкалдек тош қотди.

- Бу ерда нималар деб бир-бирингиз билан пицирлашайпизлар?

- бўшаб қолган попкорн қутисини кўтарганича аллақаердан дадам шубҳали қараб чиқиб келди.

Мен азбаройи ҳавотирдан кўкариб кетдим. Дадам ширин уйқудалигида уйга аллақандай қонсўрак кирган ва бемалол изгиган. Ваҳимали ҳаёлларим ва миямдаги чигал қўрқувлардан юзим алланечук беҳол тусга кирди. Дадамга жавоб беришга жазм этолмадим.

Дадамнинг юз ифодаси дарров ўзгарди - мийигида жилмайди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Агар шахсий муносабатларинг ҳақида гаплашаётган бўлсанглар... Ҳа, майли ҳалақит бермайман.

Ҳануз тиржайганича қўлидаги қутини ахлат чеълакка ишқитиб меҳмонхона тарафга ўтиб кетди.

- Кетдик, - оҳиста шивирлади Эдвард.

- Аммо дадам-чи! - Кўрқувдан кўкрагим музлаб зўрга нафас олдим.

Эдвард лаҳзада ўйлади ва дарров телефонга чопди.

- Эмметт, - пичирлади у ва шунақа тез гапирдики, очиги ҳеч нимани тушунмадим.

Ярим дақиқада сұхбат тугади, сўнгра Эдвард мени кўча эшик томон етаклади.

- Эмметт ва Жаспер бу ёққа келишаяпти, - шивирлади у менинг норозилигимни сезиб. -

Улар ўрмон ичидаги кузатиб туришади. Даданг билан ҳеч нарса бўлмайди.

Мен ортиқ қаршилик қилмадим, чунки ўйлайдиган аҳволда эмасдим. Дадам менинг қўрқиб кетган чеҳрамни кулгу билан қарши олди ва сал анқайиб қараб қолди. Эдвард мени шундай тез эшикдан олиб чиқиб кетди-ки, дадам бир оғиз сўз ҳам айтишга улгурмади.

- Қаёққа кетаяпмиз? - машинада кетиб борарканмиз ҳалиям пичирлаб гапирдим.

- Элис билан гаплашиб олишимиз керак, - Эдвард хотиржам аммо бироз тушкун кайфиятда гапирди.

- Ўйлайсан-ки, у буни кўра олганми?

Эдвард, кўзларини сокин сузиб чексиз йўлга қараб кетди.

- Балки.

Эдвардинг огоҳлантирувчи қўнгиригидан бутун оила аъзолари уйга жамулжам бўлгандилар, биз уйга кирганимизда улар музли сукунт сақлаганича ҳайкалдек тоши қотиб туришарди.

- У ерда нима бўлган? - киравераркан Эдвард сўради.

Мен уни Элисни кўрганида газабдан букилган муштларини кўриб довдираб қолдим.

Элис бурчакда турганича деярли сассиз тошдек қотган, фақат жавоб учун оғиз жуфтлади:

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Мен билмайман. Ҳеч нимани кўрмадим.
- У ким бўлиши мумкин? - шивирлади Эдвард.
- Эдвард! - унча баланд бўлмаган овозда бақирдим мен. Менга унинг Элис билан бу оҳангда гапириши ёқмаётганди.
- Бу ахир математика эмас, - тинчгина ўрнидан турди Карлайл.
 - Элис, ахир у унинг хонасида изғиган! Балки ўша ерда - Беллани кумтиб биқиниб туриши ҳам мумкин эди.
 - Агар шунака бўлганида мен буни кўрадим. Эдвард қўлларини шақиллатди.
 - Наҳотки? Ишончинг комилми?
 - Сен анчадан бери Вольтуриларнинг назоратини кузатиб боришимни менга вазифа қилиб бергансан, Виктория ва Белладан ҳам хабардор бўлишини ўз зиммамга юклагансан, - совуқ ириллади Элис. - Балки яна бирор нима қўшарсан? Балки энди Белланинг дадасидан ҳам кўз-
 - қулок бўлиб турарман? Ёки Белланинг хонасини ҳам кузатарман? Бутун бошли уйини ёки кўчаларни ҳам биргаликда кўра қолай? Эдвард, агар мен шундай кўп юкламаларни олаверсам, ҳеч нарсани кўра олмай қоламан.
 - Менимча шунинг учун кўролмаётган бўлсанг керак, - унин тўхтатди Эдвард.
 - Беллага ҳеч қандай хатар таҳдид солмаган, шу сабаб менга ҳеч нима аён бўлмади.
 - Агар сен Италияни кузатиб турган бўлган бўлсанг, албатта кўрмай қолгансан.
 - Ўйлашим бўйича, бу улар эмас, - норози бўлди Элис. - буни мен кўрган бўлардим.
 - Унда ким Белланинг дадасини соғ қолдириб кетиши мумкин яна?
- Мени титроқ тута бошлади.
- Мен билмайман, - деди Элис.
- Фақат сендан...
- Эдвард, бас қил, - пичирладим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

У бир даъфа менга қайрилиб қаради - унинг газабдан тақиллаган тишлари ва қизарган кўзларини кўрдим. Хўмрайган юзи билан менга тикилиб хўрсинди. Танасини бўши қўйиб бўшашиб қолди.

- Белла, сен ҳақсан. Узр. - У Элисга қаради. - Мени кечир, Элис. Мен ўз газабимни сенга сочмаслигим керак эди. Бу жуда катта гуноҳ бўлди.

- Мен ҳаммасини тушунаман, - уни тинчлантириди Элис. - Мени ўзимга ҳам ҳозир жуда ноҳуши ҳолат бўляяпти. Бу аҳвол менга ҳам ёқмаяпти.

- Келинглар, мантиқан ўйлаб кўрайлик. Қанақа таҳминларингиз бор?

Ҳамма бир лаҳзада жонланиб қолишиди. Элис бўшашиб ва креслога суюниб қолди. Карлайл

унинг ёнига келди, аммо фикрлари узоқ-узоқларга учиб кетганди. Эсми оёгини букиб олганича

Элисга қарама-қарши ўтиради. Фақат Розали жойида қимирамасдан шиша деразага тикилиб қолганди.

Эдвард мени диванга ўтиргизди, мен Эсмини ёнига чўқдим. Эсми мени оналарча бағрига босди, Эдвард эса иккимизнинг ҳам кафтилизни сиқиб қўйди.

- Викториями? - сўради Карлайл.

Эдвард бошини рад этгандек қимиратди.

- Йўқ. Бегонанинг ҳиди. Вольтурилардан бири бўлиши мумкин - кимдир, аммо менга таниш эмас.

Элис бошини чайқади.

- Аро ҳалигача Беллага ҳеч нима йўлламади. Мен буни ўтказиб юбормас эдим: мен шуни кутаяпман.

Эдвард бошини кўтарди.

- Сен унинг расмий буйруқ жўннатишини кутаяпсанми.

- Сен ўйлайсанки, бошқа бирор ўзича иш олиб бораяптими?

Нима учун?

- Кай ўзи истаганича юриши қилиши мумкин, - таҳмин қилди Эдвард, унинг юзи яна муздек тошга айланди.

- Ёки Жейн... - қўшишимча қилди Элис. - Уларнинг иккисида ҳам бизга билинтирмай юриши қилиши имконияти бор.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- *Нафақат имконият, балки сабаб ҳам бор, - ҳўмрайди Эдвард.*

- Аммо барибир ўша кимдир оҳир оқибат ўзини ошкор этмаяпти, - деди Эсми, - Ким бўлишидан қатъий назар, ким бўлса ҳам Беллага зарар етказмоқчи бўлса, буни Элис кўра оларди. Аммо у эркак, ёки аёл бўлсин, на Беллага ва на дадасига зиён етказа олмади.

Дадам ёдимга тушиб яна мени ваҳимали қайгу қоплади.

- Белла, қизим ҳаммаси яхши бўлади, - шивирлади Эсми бошимни силаб.

- Унда "ўша" нега бу ерга келган? - сўради Карлайл.

- Мен одамманми ёки йўқми, шуни билиш учун бўлса керак? - таҳмин қилдим мен.

- Бўлиши мумкин, - деди Карлайл.

Розали менга эшиштиларли қилиб ҳўрсинди. У ҳайкалдек тош қотиб туришидан безиб жонланди ва ошхона тарафга юриб кетди. Тўсатдан Эдвард қизишиб кетди.

Ошхонадан Эмметт, ортидан Жаспер чиқиб келдилар.

- Аллақачон кетиб бўлибди, бир соатдан ошибди, - хафсаласизларча айтди Эмметт. - Излар

Шарққа қараб кетган, қишлоққа етгач йўқолди. Уни машина кумтиб турган.

- Омадсизлик ортидан омадсизлик, - тўнгиллади Эдвард. - Агар излар ғарбга қараб кетганида эди... бу лаънати исковичларни қулдек ишлатардим.

Мени қалтироқ тутди, Эсми елкамни силади.

Жаспер Карлайлга тикилиб қолди.

- Биз учун нотаниши у. Бир кўринг. - у яшилранг ниманидир узатди - менимча бу эзгиланган папоротник япроги бўлса керак. Карлайл уни олиб ҳидлаб кўрди. - Балки, сиз биларсиз.

- Йўқ, - жавоб берди Карлайл. - Билмадим. Бунақасини аввал учратмаганман.

- Агарда биз адашаётган бўлсак-чи? Балки бу бир масодифдир... - деб фикр қўшиди Эсми ва бошқаларнинг юзидағи тушкунликни кўриб сергакланди. - Йўқ масодифдан эмас-у, шунчаки

бирорта дайди бир бегона адашиб тўғри Беллани ўйига рўбару келиб қолган бўлиб, қизиққанидан кирган бўлса-чи. Ахир Белла ҳам бизларни ифор билан қоришиб кетган-ку.

Шунга нега Белла бизни бу қадар ўзига тортганига қизиққан бўлгандир?

- Унда нега ўша дайди тўғридан тўғри бизга кела қолмади? - мингиллади Эмметт.

- Сен келган бўлардинг, - деди Эсми илиқ табассум қилиб. - Қолганлар бунақа режали иш туттмайди. Биз катта оиласиз - дайди келишига чўчиган. Асосийси Белланинг дадасига зиён етказмабди-ку. Демак бизга душман эмас.

Шунчаки қизиқши. Жеймс ва Виктория ҳам шундай қизиқшишганди-ку? Викторияни

ўйлашим билан чўчиб кетдим, ҳар қалай Калленлар боракан Виктория кела олмайди. Бу сафар у келмаган. У ўзини услубини ўзгартирмайди. Меникига бошқа бирор келган - бегона.

Менга гўёки бу оламда қонсўраклар ҳаддан ташқари кўпдек туюлиб кетди. Мана ўзим ддий одам боласи адашиб ўшалардан бирига тўқнашганман-ку? Бу ёзилган барча

қотилликлар мана шу очкўз қонсўракларни ишими? Мен қўшилмоқчи бўлган ушбу янги дунё менга яна нималар тайёрлаб турибди?

Туманли хира келажагимни ўйлаб елкамда чумоли ўрмалади.

Калленлар Эмининг гапларидан ўйланиб қолишиди. Албатта Эдвард буни инкор этиб турганди, аммо Карлайл рафиқасига жуда ишонгиси келарди.

Элис лабини қимиirlатди.

- Мен бундай деб ўйламайман. Чунки бу жуда пухта ўйланган мос вактга тўғри келган...

Мехмон биз билан учрашиб қолмаслик учун барча чорани кўрган. Гўёки у мени қўра олишимдан хабардор бўлган...

- Балки, унинг кўзга ташланмаслигига бошқа сабаби бўлгандир, - эслатди Эсми.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ахир уни ким эканлиги мұхым әмас-ку? - сүрадим мен. - У мени излаганлиги аниқ-ку... шундайми? Бити्रув оқшомимгача күтолмаймиз.

- Йүқ, Белла, - деб қолди Эдвард. - Вазият у қадар мудҳиши әмас. Агар сен мутлоқ ҳавф-хатар остида бўлсанг биз дарров сезардик.

- Даданг ҳақида ҳам ўйла, - ёдга солди Карлайл. - Тасаввур қил сен гойиб бўлсанг, у қандай изтиробга тушади.

- Айнан дадам ҳақида қайғураяпман! Айнан шундан қўрқаяпман! Агарда ўша кеча нотаниши меҳмон бироз тетиклашишини истаб қолса нима бўларди? Агар мен дадамнинг ёнида бўлсам унга ҳам ҳавфлиман. Дадамга нимадир бўлса мен айбдор бўламан!

- Нималар деяпсан, Белла, қизалогим мени, - деди Эсми онамдек яна меҳр улашиб. -

Дадангга ҳеч нима бўлмайди. Шунчаки энди бироз эҳтиёткорроқ бўлишишимиз керак.

- Эҳтиёткорроқ? - тақрорладим қулоқларимга ишонмай.

- Белла, ҳаммаси яхши бўлади, - ваъда берди Элис.

Эдвард қўлимни ушлади.

Уларнинг ёқимтой чеҳраларига қараб баҳслашиши бефойдалигини англаб етдим.

Үйимга гапирмасдан жимгина қайтдик. Мен даргазаб эдим. Бу инсоний умримдан бу қадар кучли ҳижсолат бўлмаган эдим.

- Сени бир сонияга ҳам ёлғиз қолдирмаймиз, - ваъда берди Эдвард йўл-йўлакай. - Сен билан ҳамиша бизлардан кимдир бўлади. Эмметт, Элис, Жаспер...

Мен ҳўрсиндим.

- Қанақа гавго бўлиб қолдим-а! Улар ахийри мендан безор бўлишиб ўзлари мени тинчтишиадилар, шекилли.

Эдвард менга ҳўмрайиб қаради.

- Ўлгудай кулгули! Ҳозир кулгудан ёрилиб ўламан.

Биз уйга қайтиб келганимизда дадам тўйган қўзидек ўтиради. У бизнинг руҳий аҳволимизни баҳарамиздан сезди шекилли. Кўнгли тўлган одамдек менинг дастурхон тузатишими кутди. Эдвард мендан узр сўраб саир қилгани кетишини айтди ва гойиб бўлди,

аслида эса айғоқчилик қилгани кетганди. Дадам унинг даф бўлишини кутиб турди-да сўнг айтиб қолди:

- Жейкоб яна қўнгироқ қилди.

Кўзимни лўқ қилиб ликопчани унга узатарканман мингилладим.

- Йўз-еў?

- Белла, мижгов бўлмасанг-чи, - дадам ҳўмрайди. - Менимча бола анча пушаймон кўринади.

- У сизга даллоллик қилишингиз учун пул тўляяптими ёки сизнинг ундан қарзингиз борми?

Дадам оғзидағи овқат билан алланима деб алжиради, мен кошки тушунсам, аслида қизиги ҳам йўқ.

Чунки айни пайтда онгимни ўзга манзара ишгол этганди.

Менинг ҳаётим гўё ўлим ўйинига ўхшаб қолди, агарда қарта тагидан қора шар чиқса кейин мен нима қиласман? Тўсатдан менга ҳавф-хатар ростан ҳам таҳдид қиласа-чи? Унда Жейкобни

бир умр виждан азобида қолдириб кетган бўлмайманми.

Дадамни ёнида Жейк билан гаплаша олмасдим ахир. Унга ўз сиримни айтсан борми? Шу тарафдан Жейкка унинг отаси Билли амакини эслаб ҳавасим келди, сенинг сирингни биладиган одам билан яшаши нақадар осон.

Демак эрталабгача кутиши керак холос. Ҳар тугул бу соатларни ижобий ва хотиржам үтказаман деб ният қилдим.

Эдвардинг "расмий" ташриф вақти ўз ниҳоясига етгач уй эшиклари мен учун ташқарига қулфланди. Ташқарида эзиз ёмғир ёғар, мен ва дадамни қўриқлаётган ким бўлса ҳам унга жуда раҳмим келиб кетди. Менинг Элис ёки бошқа бир Калленларга бўлган раҳмим хатто қувончга ҳам айланди, улар шу қадар мени асрраб авайлашади, улар доим ёнимдалар. Озроқ фурсат ўтиб қаршимда Эдвард пайдо бўлди (у қайтиб келганди), то оппоқ тонггача Эдвардинг ёнимда эканини, хатто тушиларимда ҳам у мени қўриқлаб чиққанини ҳис қилиб уйқуга кетдим.

Эрталаб уйқудан тургунимча дадам ёрдамчиси Марк билан балиқ овига кетиб қолибди.

Ота- онамнинг йўқлиги менинг чегарадан чиқшишимга барибир йўл қўймайди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Жейкобни кечирганимни айтмоқчиман - нонуштадан сўнг Эдвардни огоҳлантиридим.
- Уни кечиришингни мен кутгандим, - майин жилмайди Эдвард.
- Гина сақлаш сенинг табиатингга зид.

Ўзимдан мамнунлигим бу, Эдвард бўритусларга нисбатан муносабатини ўзгарганини билдиrmасди ҳали.

Соатга қарадим, агар ҳозир телефон қилсан уларни уйғотиб юбормас эканманми. Билли амаки ва Жейкоб ҳали уйқуда бўлишии ҳам мумкин! Аммо телефондан битта гудок кетмасидан кимдир гўшакни кўтарди - демак кимдир телефон яқинида бўлса керак.

- Алло? - хомуза тортган овоз эшиштилди.

- Жейкоб?

- Белла! - ҳайқирди у. - Белла, мени кечир, илтимос! - Жейк сўзларини шошиб айтарди. -

Чин сўзим мен у сўзларни айтмоқчи эмасдим. Жазавага тушиган пайтим шундай айтиб юбордим. Шунчаки жаҳлим чиққанди, тўғри бу оқлов бўлолмайди. Мен ахир ҳаётда унақа гаплар умуман айтмайман-ку. Илтимос ортиқ менга жаҳл қилма? Мени кечиришинг учун бир умр қулинг бўлишига ҳам тайёрман.

- Сени кечирдим.

- Раҳмат! - севинди у. - Мен шунақа тентакман-а.

- Ҳа, майли. Мен кўнишиб қолганман сенга.

У елкасидан тоғ ағдарилгандек хохолаб кулди.

- Бизниги кел, - ялингудек оҳангда. - Айбимни юваман.

- Қандай қилиб?

- Нима хоҳласанг шу. Балки қоядан сакрармиз, - у шуни айтаркан кулди.

- Ажойиб гоя! Таърифлашга сўз ожиз!

- Мени сени асраб авайлайман, - ваъда берди у. - Нима билан шуғулланишинг муҳим эмас.

Мен Эдвардга қараб қўйдим: у жуда совуққон тутарди ўзини, аммо рози бўлишига ҳали бироз эрта.

- Айнан ҳозир иложим йўқ.

- У жуда ўзига ишончи ортиб кетгандир? - Бир лаҳзага Жейкобни овозида нимадир ўзгарди; газаб эмас аллақандай титроқ.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- *Ха йўқ. Гап бунда эмас. Шунчаки... бу балоғат ёшидаги бўритусчани эркалиги холос... - мен ҳазиллашишга ҳаракат қилдим, аммо Жейкни ишонтира олмадим.*

- *Нима бўлди? - сўради у.*

- *Ҳаммаси жойида...*

Эдвард телефон гўшагига қўл чўзди. Мен дикқат билан унинг чехрасига қарадим, у анчайин хотиржам кўринди.

- *Белла? - чақирди Жейкоб.*

Эдвард тобора қўлинни яқин олиб борди.

- Сен билан Эдвард гаплашса қарши бўлмайсанми? - мен начора сўрадим. - Гўшакни олиб қўймоқчи.

Жавоб учун жуда узоқ жимлик бўлди.

- Майли, - нихоят рози бўлди Жейкоб, - Бу ерда ростанам нимадир бўлган кўринади.

Мен гўшакни Эдвардга берарканман, нигоҳимдаги огоҳлантиришимни кўрганига умид қилдим.

- *Салом, Жейкоб, - оддий оҳангда сўз бошлиди Эдвард.*

Жим-житлик. Мен Жейкобни нима деб жавоб берганини билолмай лабимни тишладим.

- Бу ерда кимдир бўлибди. Ҳиди менга нотаниши, - тушунтириди Эдвард. - Сенинг тўдангдан кимдир буни пайқамадингларми?

Яна тўхталиши. Кўринишдан Эдвард Жейкобнинг сўзларидан асло ҳайратланмагандек боши чайқади.

- *Жейкоб, муаммо мен Беллани шу учун қўйиб юбора олмаслигимда эмас. Бу шахсий масала. Биз буни барҳам беришиим керак.*

Жейкоб яна Эдвардни гапини бўлди шекилли: гўшакдан гириллаган овоз келди – жуда асабийлашаётгандир.

- *Эҳтимол, сен ҳақсан... - деди Эдвард, аммо Жейкоб яна тортшишиб кетди.*

Умуман олганда иккиси ҳам анча тинч ва босиқ эдилар.

- *Қизиқ таклиф. Биз буни муҳокама этишига розимиз. Албатта Сэм бунга кўнса.*

Жейкнинг овози тинчланиб қолди. Эдварднинг юзидан нима гаплигини англашга уринсан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳам оқ деворга қарагандек ўзимни ҳис қилдим.

- Раҳмат, - деди Эдвард.

Ва шу пайт Жейк нимадир деб сўрадими Эдвардни юзи ўзгарди.

- Умуман мен бир ўзим бормоқчиман, - кутимаган саволга жавоб бергандек жавоб қилди

Эдвард. - Унга бошқалар қараб туради.

Жейкоб яна овозини баландлатди - менимча Эдвардни кўндиримоққа уринарди.

- Мен ҳаракат қиласман, - ваъда берди Эдвард. - Бу мени кучимга боғлиқ.

Бу сафар тўхтатилиши у қадар узок چўзилмади.

- Ёмон фикр эмас. Қачон?.. Йўқ, ҳаммаси яхши. Аммо мен барибир ёлгиз боришни хоҳлаган

бўлардим. Тахминан ўн дақиқада... албатта. - Эдвард гўшакни менга узатди. - Сени сўраяпти.

Бироз ҳайратланиши билан гўшакни олдим.

- Нима ҳақида гаплашдинглар? - Жейкдан аразлаган оҳангда сўрадим.

Худди болалар боғчаси. Сени сұхбатга қўшишимади ва сен аразлагансан.

- Менимча битим тузамиз. Сен мен учун бир яшилик қил? Ана у қонсўракингни

ишонтиришига ҳаракат қил - айт-ки, сен учун энг ҳавфсиз жой бу менинг худудим - резервация

(хиндулар ажратилиб қўйилган маҳаллий ҳудуд). Биз қандай бўлмасин буни эплаймиз.

- Айнан шунинг учун уни ишонтиришига уринган экансан-да?

- Ҳа. Бутунлай мантиқан ажойиб йўл. Ҳа айтганча дадангни ҳам олиб келишинг керак. У бу ерда қанча кўпроқ қолса шунча яхши бўларди.

- Ўзинг дадангдан сўрай қол, у киши кўндиради, - дедим. Сабаби дадам ҳам мен каби нишонга айланишини истамасдим. - Яна нима?

- Шунчаки биз ўз ҳудудимизни кенгайтирсак, ана у Форксга кириб келган нотанишини исини топишшимиз осонроқ бўларди. Мен аниқ биламан, Сэм ҳам шу йўлни қиласди. Ва биз буни уddyалаймиз.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Сен буни қандай қилмоқчисан?
- Жуда оддий: агар сен уйинг ёнидан чопиб ўтган бўрини кўриб қолсанг, уни отиб қўймайсан, тамом вассалом.
- Мана шуни ўзингча ажойиб гоя деб аташ керакми! Сен бунақа қилмаслигинг керак... таваккал қилиб бўлмайди.
- Яна ақллилик қилмагин! Мен кичкина эмасман, мендан ҳавотир олма.

Мен ҳўрсиндим.

- Яна мен унга сени меникига келишингни айтгандим. У кўнмади. У ўзича ўйлаяптики, сенга ўзлари билан ҳавфсизроқ эмиш - аммо бу бўлмаган гап. У ҳали мени билмас экан, сен учун энг яхши жой бу менинг жойим.

- Мен ҳам шундай деб ҳисоблай қолай.
- Учрашгунча, - деди Жейкоб.
- Сен бу ерга келмоқчимисан?
- Ҳа. Сенинг нотаниш меҳмонингни ҳидини олиш учун сенинг маконингда бўлишим керак.
- Жейк, менга барibir бу изни олиш гояси ёқмаяпти...
- Белла! Қўйсангчи! - деб Жейкоб жарангли кулганича гўшакни жойига қўйиб қўйди.

X бооб. Ҳид

Бу яна қанақа болалар бөгчаси бўлди? Наҳотки Жейкоб бу ерга келиши учун Эдвардинг кетиши шарт бўлса? Бундай аҳмоқликларни унумиши вақти келди!

- Белла, мен унга мутлақо қарши эмасман. Лекин биз иккимиз учун ҳам шуниси маъқул ва осон, - деди Эдвард эшикдан чиқаркан. — Яқин ерда бўламан. Сен тўлиқ ҳавфсизликдасан.

- Мен бундан қайғурмайман хам!

У жилмайди ва кутилмаганда мени ўзига тортди. Сочимга юзини босиб нафас олди. Унинг совуқ нафасидан бўйним жимирлаб кетди.

- Тез орада қайтаман, - у сўз берди ва кулиб юборди. Гўёки мен кулгули ҳазил қилганимдай.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Нимаси кулгули?

Лекин Эдвард жавоб бермасдан катта-катта сакраб ўрмон ичига кириб кетди.

Мен мингиrlаганимча оихонага қайтиб кирдим ва тозалашига киришдим. Бироқ раковинани сувга тўлдиришига ҳам улгурмасимдан эшик қўнғироги чалинди. Жейкнинг машинасиз ҳам тез ҳаракатлана олишига ҳеч кўника олмадим-да. Яна қолганларнинг ҳам мендан тез ҳаракатланишиларига ҳам...

- Киравер, Жейк! - бош иргидим.

Бор эътиборимни кўпикли сувга солинган ликопларга қаратганим учун Жейкобни арвоҳ сифат сассиз эканини эсимдан чиқарибман. Ортимдан унинг овози келганида, беихтиёр сапчиб тушибдим.

- Эшикни ҳам очиқ қолдириб бўлар эканми?... Вой, узр!

Чўчиганим учун устимга кўпикли сувни сачратиб юбордим.

- Ёпиқ эшик тўхтатиб қола оладиганлардан қўрқмайман. - блузкамдан кўпик дөгларини артаётуб жавоб бердим.

- Тўғри, - маъқуллади Жейк.

Мен унга қараб ўгирилдим ва танқидли нигоҳ билан қарадим.

- Жейкоб, наҳотки кийим кийиб юриши шунчалар қийин бўлса?

У яна кийимсиз эди, биргина эски жинсида ва янада калталанган ҳолда. Жейкоб ўзининг яқинда эришган мушакларини кийим остига яширишини ёқтирмайдиганга ва улар билан

фаҳрланадиганга ўхшайди. Ростини айтганда, унинг мушаклари ёмонмас - фақат Жейкоб ўзига бино қўйган бўлиши мумкинлигини сира ўйламаган эканман.

- Албатта, сен энди сира совуққотмайсан, лекин барибир...

Жейкоб кўзига тушиб турган нам сочларига қўл югуртириди.

- Шуниси қулай, - тушунтириди у.

- Нимаси қулай?

У жилмайди.

- Ўзим билан шорти олиб юрганим хам етарли, бутун гардиробни олиб юришим кам эди.

Ахир мен ўргатилган от эмасман-ку!

Мен хўмрайдим.

- Нима ҳақида гапиряпсан?

Жейк менга шундай қарадики, гүё мен яққол кўриниб турган нарсани кўрмайтгандай.

- Мен турланган чоғимда, кийимларим гойиб бўлолмайди ва яна пайдо бўлолмайди –ўзим билан олиб юришимга тўғри келади. Кечириб қўясанки, ўзим билан шунча нарсани олиб юролмайман.

- Бу ҳақида ўйламаган эканман, - қизариб гудрандим.

Жейк кулди ва чап оёғига илиниб қолган қора чарм тасмага ишора қилди, шундагина мен унинг нафақат кийимсиз экани, балки ялангоёқ эканини ҳам пайқадим.

- Бу шунчаки урф бўлгани учун эмас: тишиимда жинси олиб юриши унчалик ҳам ёқимли эмас. Бунга нима дейсан?

У жилмайди.

- Салкам ялангочлигимга қаршимасмисан?

- Ҳаммаси жойида.

Жейк яна кулди. Мен ўгирилиб эътиборимни идишларга қаратдим. Умид қиласманки, юзимдаги қизиллик унинг саволидан эмас, балки ўзимнинг аҳмоқлигимдан эканини тушунади.

- Эҳтимол, ишиимни бошлий қоларман, - Жейк нафас ростлади.

- Эдвард мени ўз мажбуриятимни бажармаганликда айлашини истамаган бўлардим.

- Жейкоб, сен мутлақо мажбур эмассан... У қўл силтаб гапимни бўлди.

- Мен ўзим сўрадим. Хўши бегонанинг ҳиди кўпроқ қаердан тараляпти?

- Менинг хонамдан шекилли.

- Бир дақиқа кут. - деди у.

Мен одатга кўра ликопни шётка билан ювардим ва жимликда фақат шёткани шитирлашидан бошқа товуши эшишилмас эди.

Эшишишга ҳар қанча уринмайин иккинчи қаватдан на пол ғичирлашини ва на эшик зулфининг тиқирлашини эшитолмадим.

Тинмай битта ликопни ишқалаётганимни англаб, қилаётган ишиимга бор диққатимни қаратишга ҳаракат қилдим.

- Уф! - Жейк ёнгинамда хўрсинди ва мен яна сесканиб кетдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Жейк! Бас қил!

- Кечир, - Жейкоб қўлига сочиқни олди. — Мен айбимни юваман.

Сен идишларни юvasан, мен эса уларни артаман.

- Майли, - рози бўлдим ва унга ликопни узатдим.

- Ҳид олиши умуман қийин бўлмади. Айтганча, хонангдаги ҳидларингни айтмаса ҳам бўлаверади.

- Ҳаво тозаловчи восита сотиб оламан. Жейкоб кулиб юборди.

Мен идишларни ювдим Жейк эса артди - биз шу тариқа бир дақиқа бутунлай жимликда ишладик.

- Бир нарса сўрасам майлами? Мен унга ликопни узатдим.

- Нимани сўрашинга қараб.

- Мен умуман аралашмаяпман, ростдан ҳам қизиқяпман, - деди

Жейк.

- Майли сўра. У секинлашиби.

- Бу қанақа... ҳалиги... вампир йигит билан дўстлашиши?

- Бундан зўри бўлмайди!

- Жиддий сўрадим. Бу сени уялтиrmайдими? Ҳеч қачон титроқ босмайдими?

- Йўқ.

Жейк идишини қўлимдан жимгина олди. Мен унинг юзига қарадим: у хўмрайиб лабининг пастини тишлаб олди.

- Яна саволлар борми? - сўрадим мен. У бурнини жийирди.

- Лекин... шунчаки қизиқ... сен... сен у билан ўпишасанми? Мен кулиб юбордим.

- Албатта! Жейк қалқиб кетди.

- Таъми ва рангига... - гудрандим.

- Қозиқ тишларидан қўрқмайсанми?

Мен Жейкни қўлига туртдим, унга кўпик сув сачради.

- Жейкоб, жим бўл! Тишлари қозиқмаслигини яхии биласан!

- Ҳа-я, қозиқмас эмиши! - гудранди Жейк.

Мен тишимни тишимга босиб, керагидан ортиқ куч билан ошхона пичогини ишқалашиби киришидим.

- Яна савол берсам майлами? - Жейкоб қўлимдан пичоқни олаётниб секин сўради.

- Майли, - кескин жавоб бердим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

У жимгина пичокни оқиб турган сувда чайди. Кейин эшитилар эшитилмас сўради.

- Сен "бир неча ҳафта" дединг... Айнан қачон? - унинг гапини охиригача айтишига қурбি етмади.

- Битирув кечасидан сўнг, - жавобан ишвиirlадим, ҳимояга шайлангандай Жейкнинг юзига қарадим: яна бирдан қўзиб қолса-чи?

- Бунча тез! - кўзларини юмиб хўрсинди.

У сўрамади, таъкидлади холос. Қўл мушаклари зўриқиб, елкаси тоши қотди.

- Вой! - қичқирди Жейк.

Кутимаган ҳолдан мен чўчиб тушибим.

У ўнг қўлини мушит қилиб тугиб олган ва унинг ичидаги пичокни қисиб олганди. Жейкоб бармоқларини ёйди ва ошхона столига пичоқ тарақлаб тушибди. Кафтида узун кесилган из бор

эди, чуқур жароҳат. Бармоқларидан қон оқиб полга томарди.

- Ох, жин урсин! - қичқирди Жейк.

Бошим айлануб кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Столни маҳкам ушлаб чуқур нафас олдим:

Жейкобга ёрдам керак.

- Ох, Жейк! Яраланибсан-ку! Ма, сочиқ билан ўраб ол.

Мен ошхона сочиқини узатдим ва Жейкни қўлидан ушлашга уриндим. У ўзини орқага олди.

- Ҳечқиси йўқ, Белла, арзимас жароҳат.

Хона кўз олдимда айланба бошлиди. Мен яна чуқур нафас олдим.

- Арзимас?! Суягинга оз қолибди-ку!

У узатилган сочиққа эътибор ҳам қилмади. Шунчаки крандаги сувга кафтини тутди. Сув қизарди. Бошим яна айланди.

- Белла! - Жейкоб чақирди.

Кўзимни жароҳатдан олиб нигоҳимни Жейкни юзига қаратдим: унинг қовоги солинган, лекин босиқ кўринарди.

- Нима?

- Кўринишингдан ҳозир ҳушиингни йўқотадиганга ўхшайсан. Яна бироздан сўнг, пастки лабингни тишлайвериб узиб оласан. Бас қил. Тинчлан. Чуқур нафас ол. Мен яхшиман.

Оғзим билан чуқур нафас олдим ва лабимни тишилашни бас қилдим:

- Жасорат кўрсатишга уринма.

Жейк жилмайди.

- Кетдик, - дедим мен. — Касалхонага боришинг керак.

Машина ҳайдай оламан деб ўйладим. Ҳар ҳолда, бошим айланиши тўхтади.

- Кераги йўқ, - Жейк кранни ёнди.

Қўлимдан сочиқни олиб кафтини ўраб олди.

- Тўхтаб тур. Бир кўрай.

Мен бошим яна айланиб ийқилиб тушибаслигим учун столни маҳкамроқ ушлаб оёқларимни тираб олдим.

- Мободо врачлик дипломини олиб, менга айтишини истамаганмидинг?

- Жароҳатни кўришимга қўйиб бер ва мен касалхонага бориши ёки бормасликни ҳал қиласман.

- Кераги йўқ! - Жейк қатъий рад этди.

- Майли.

У боғични ечди. Мен қўлимни сочиқга узатганимда, у ўзиникини қўлимни устига қўйди.

Бир неча сония мен ҳеч нарсага тушунмай қолдим. Жейк кафтининг ичини кесиб олган бўлса ҳам, ташқи томонини ҳам ўгириб кўрдим хатто. Ва ниҳоят унинг кафтидаги пушти

рангдаги чизиқни пайқадим - Жейкнинг кафтида ўзини кўз-кўз қилиб товланиб турган жароҳат қолдиги. Унинг кафтини яна юқорига қаратдим.

- Лекин... ахир... қон оқаётган эди-ку!

Жейкоб кўзимга қаради.

- Менда ҳаммаси тез тузалади.

- Бу ҳақида тортишиши мушикул, - салкам овозсиз жавоб бердим.

Ахир чуқур жароҳат ва ундан оқаётган қонни ўз кўзим билан кўрдим-ку. Унинг шўр ҳидидан ҳушимни йўқотаёздим-ку. Бундай жароҳат тикишини талааб этиши аниқ эди. Яра устини эт қоплаши

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

учун бир кун кам, яна кўп ҳафталар керак эди. Шундагина пушти рангда жилваланиши мумкин эди.

Жейкоб қаддини ростлаб кўксига урди.

- Ахир мен турланувчиман! Унутдингми? У кўзларимга узоқ термулди ва кулди.

- Ахир сенга айтгандим-ку! Полниг ҳам чандигини кўргансан.

Мен фикримни жамлаш учун бошимни силкитдим.

- Эшиши бошқа, кўриш бошқа.

Мен ўтириб раковина остидаги жавондан маҳсус хлорли тозаловчи воситани олдим.

Озроғини латтага қўйиб пол артишга киришдим. Хлорниг ўткир ҳиди миямни тозалади, бошимни айланишдан бутунлай холос этди.

- Бер, мен тозалайман, - таклиф қилди Жейк.

- Мен ўзим. Сен яхиси сочиқни кир ювиш машинасига ташла.

Полдан хлор ҳидидан бошқа ҳид келмаётганига ишонч ҳосил қилганимдан кейин раковинани ҳам хлорлаб ювдим. Сўнг кир ювиш машинасининг маҳсус идишига ҳам хлор солиб тугмасини босдим.

Жейкоб ҳаракатларимни норозилик билан кузатиб турарди.

- Нима бало, асабинг жойида эмасми дейман? - сўради у тозалаб бўлганимдан сўнг. Хм.

Эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин бу сафар менда ўзимни оқлашим учун сабаб бор.

- Эдвардинг ҳаётини мураккаблашибирининг нима кераги бор? Унга шундок ҳам осон эмас, - дедим.

- Ҳа, ҳа албатта!

Мен тиқинни тортиб олдим ва сув раковина оқовасидан оқиб кетди.

- Белла, сенга савол берсан майлими? Мен хўрсиндим.

- Энг яқин дўстинг "турланувчи" экани қандай? Савол мени эсанкиратиб қўйди. Мен қулиб юбордим.

- Наҳотки қўрқмасанг? - у жавоб беришими кутмай савол берди.

- Йўқ. Агар турланувчи ўзини тартибли тутса, у ҳолда ундан яхши дўстни ўйлаб ҳам тополмайсан, - аниқ жавоб бердим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейк тишиларини ярақлатиб тиржайди.

- Раҳмат, Белла! - у қўлимдан тутди ва айиқникудек қучогига босди.

Мен унинг қўлимни қўйиб юбориб, ўзини ортга ташлаганини сезишга ҳам улгурмай қолдим.

- Фу! - Жейк юзини буриштириди. — Сочингдаги ҳид хонангдагидан кам эмас.

- Кечир, - гудрандим ва бирдан нега Эдвард сочимга қаратиб нафас чиқарганини тушуниб қолдим.

- Вампирлар билан мулокот қилингандаги муаммолардан бири, - елка қисди Жейк. —

Сендан ёқимсиз ҳид таралишини бошлибди. Бу унчалик ҳам катта муаммо эмас.

Унга қараб жилмайдим.

- Менинг ҳидим фақат сенга ёқмайди. У маъюс тортиди.

- Майли, Белла, кўришгунча!

- Кетасанми?

- У кетишимни кутаяпти. Уни кўчада эшиятман.

- Шунақами.

- Орқа эшикдан чиқаман, - Жейк секинлашиди. — Тўхтачи, бугун кечкурун Ла-Пушга кела оласанми? Биз гулҳан атрофида ўтириши ўюштиряпмиз. Эмили келади, Ким билан ҳам танишардинг... Ха-я, Квилнинг сени кўришга сабри чидамаяпти. Ундан олдин ҳаммасидан хабар топганинг унга ёқмаяпти.

Мен жилмайдим. Квилнинг газабланаётганини тасаввур қиляпман: Жейкнинг инсон дугонаси, у хатто бу ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган вақтда турланувчи билан мулокотда бўлган!

- Билмадим, Жейк. Кўряпсан, ҳозир вазият бир мунча қалтисроқ...

- Кўйсангчи, наҳотки сен кимдир биз (турланувчилар)га... бас кела олади деб ўйласанг?

Гапини сўнгида у дудукланди. Қизиқ "турланувчи" сўзини айтишига, у ҳам худди мен "вампир" сўзини айтишига қийналганим каби қийналар эканми?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкнинг катта қора кўзларида ёлвориши сезилди.

- Сўраб кўраман, - иккиланиб жавоб бердим.

- Нима, у ҳали сенинг бокувчинг ҳамми? Ўтган ҳафта янгиликлар дастурида севиб қолган ўсмир қизчаларни севган йигитлари томонидан масҳараланганини кўрдим...

- Етар! - гапини бўлдим ва Жейкни итардим. — Турланувчининг кетадиган вақти бўлди.

У истеҳзоли кулиб қўйди.

- Ҳайр, Белла. Аввал руҳсат олишини унутма.

Унга қараб бир нималар дейишига улгурмасимдан Жейк эшикдан чиқиб кетди.

Бир неча сониядан сўнг оишонага астагина Эдвард кириб келди. Сочидаги ёмғир томчилари гўё жавоҳирдек ялтиради. Кўзларида эҳтиёткорлик бор эди.

- Нима, урушидингларми? - деб сўради.

- Эдвард! - қичқирдим ўзимни унинг қучогига отиб.

- Салом! - кулди у, мени бағрига босаркан. — Мени эътиборимни тортишига уриняпсанми?

Буни яхши уddaляясан.

- Йўқ, урушимадик. Шунчаки озгина баҳслашдик. Нега ундаи деяпсан?

- Шунчаки, нима сабабдан унга пичоқ урганингни ўйлаяпман, гарчи бундай қилишинга қаршилигим йўқлигини тан олсан ҳам, - Эдвард оишона столи устидаги пичоқقا бош иргиб ишора қилди.

- Ана холос! Мен эса ҳаммасини тозаладим деб ўйлабман.

Эдвардинг бағридан отилиб чиқиб стол тарафга югурдим ва пичоқни сувга солиб устидан хлор қўйдим.

- Мен унга бармоғимни ҳам теккизмадим. Унинг ўзи қўлидаги пичоқни унуглан, - йўл- йўлакай тушунтирдим.

Эдвард тўнгиллади.

- Ҳаммаси мен кутганимдан кўра анча зерикарли бўлиб чиқди.

- Безорилик қилма.

Эдвард курткасининг чўнтағидан катта конвертни чиқариб стол устига ташлади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Мен сенга почта келтирдим.
- Бирор арзирлик нарсами? - сўрадим.
- Менимча, ҳа.

Унинг ўзини тутшии менда шубха уйготди. Бу яна нима бўлиши мумкин?

Эдвард хатни ярим очди. Мен тўғирладим ва қозознинг қалинлигига ҳайратланиб

орқасидаги манзилини ўқидим.

- Дартмут? Бу нима, ҳазилми?

- Ўйлашимча, бу сенинг коллежга кирганинг ҳақида хабарнома.

Менга ҳам худди шунақа конверт келди.

- Жин урсин, Эдвард, нима қилдинг?

- Бор йўги сен ёзган аризангни жўнатиб юбордим, - елка қисди Эдвард.

- Балки, Дартмут талабаси даражасини олишига муносиб масдирман, лекин, барибир бунга ишонадиган аҳмок эмасман.

- Лекин Дартмут сени шу даражадасан деб ўйлайди.

Мен чуқур нафас олдим ва секин ўнгача санадим.

- Бу улар томонидан жуда меҳрибонлик бўлибди, - ниҳоят жавоб бердим. — Бироқ, улар ўйлаганларидан ташқари таълим олишим учун тўлов муаммоси бор. Менда бунча пул йўқ,

сенга эса ўзимни Дартмут талабасидек кўрсатиш им учун яна битта поршега етадиган пулни совуришингга йўл қўймайнан.

- Яна битта порше керакмас ва ўзингни талаба қилиб кўрсатиш ингни кераги йўқ, - мингиллади у. — Коллежда бир йил ичida сен билан ҳеч қандай қўрқинчили ҳодиса содир

бўлмайди. Балки, хатто сенга ёқиб қолар. Шу ҳақида ўйлаб кўр, Белла. Даданг билан ойингни қанчалик хурсанд бўлишини тасаввур қилгин-а...

Мен унинг майин товушини ўчиришиимдан олдин, у ҳаёлимда ёркин тасвири чизишга улгурди: бўлмасамчи, дадам ғурурланганидан нақд ёрилиб кетади ва бу портлаш асоратидан

Форкс аҳолисининг ҳеч бири омон қолмайди; ойим эса қувониб эсдан оғади, гарчи қасам ичиб, умуман ҳайрон эмаслигини айтса-да...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен бу тасвирни ҳаёлимдан чиқариб ташлашга уриндим.

- Эдвард, билмадим, битирув кечасигача тирик қола олармикинман, ёз ва кузни гапирмаса ҳам бўлаверади.

У мени яна қучоқлади.

- Ҳеч кимнинг сенга хатто бармоғини ҳам теккизишга ҳадди сиёмайди. Шошилишингни кераги йўқ.

Мен хўрсиндим.

- Эртагаёқ банкда турган ҳисобимни ҳаммасини Аляскага ўтказаман. Бу алиби сифатида етарли бўлади. Аляска жуда узок, дадам мени янги йил байрамидан олдин меҳмонга

келишимни кутмайди. Унгача мен бирор баҳона ўйлаб топаман. Биласанми, бу сирлар ва ҳийлалар одамни шу қадар чарчатиб юборади-ки, - масҳара қилдим.

Эдвардинг юзи ўзгарди.

- Кейинчалик осон бўлади. Бир неча ўн йилдан кейин танишларинг ўлиб кетишади ва ҳеч қандай муаммо қолмайди.

Мен қалқиб кетдим.

- Кечир, бу жуда қўпол жаранглади.

Мен хира кўзларим билан катта оқ қонвертга қарадим.

- Лекин бу ҳақиқат-ку.

- Агар мен ҳозирги вазиятни англашни уddaласам, сен мухлатни кечиктириши ҳақида ўйлаб кўришга рози бўласанми?

- Йўқ.

- Бирам ўжарсан-ки!

- Бу аниқ.

Кир ювиши машинаси тақиллаб товуши ўчди.

- Аҳмоқона темир-терсак, - гудрандим Эдварддан иироқлашарканман.

Ошхона сочигини қайтариб машина марказига қўйдим ва машинани қайта ёқдим.

- Ҳа-я, эслаганим яхши бўлди. Элисдан сўрай олмайсанми, хонамни йигиштирганида

кийимларимни нима қилган экан. Мен ҳеч нарсамни топа олмаяпман.

Эдвард анқайганча менга қараб қолди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Элис хонангни йиғиштирибдими?
- Шунақага ўхшайды. Мени асираликка олганида пижамам, ёстигим ва бошқаларни олгани келганди, - мен Эдвардга хўмрайиб қарадим. — Элис хонамда ёйилиб ётган ҳамма нарсаларимни олган: кўйлак, пайпоқ ва бошқаларни, у нарсаларимни қаерга даф қилганини тушунмадим.
- Эдвард янада асабийлаша бошлиди.
- Нарсаларинг йўқолганини қачон билдинг?
- Қиз базмидан қайтганимдан сўнг. Нима эди?
- Элис эгнингдагилардан бошқасини ҳам олган деб ўйламайман. Кийганларингни олишган... Тегинганларингни...
- Ҳа. Эдвард, нима бўлди?
- У тош котди.
- Сенинг ҳидинг келган нарсаларни олишган. Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Биз сўзсиз бир-бири мизнинг кўзимизга тикилиб қолдик.
- Менинг чақирилмаган меҳмоним, - мингилладим.
- У изларни тўплаган... далилларни. Сени топганини исботлаш учунмикан!
- Нега? - шивирладим.
- Билмайман, Белла. Лекин нима бўлганда ҳам билишига ҳаракат қиласман, қасам ичаман.
- Бунга шубҳам йўқ, - дедим бошимни кўксига қўяётиб. Эдвардни чўнтағида телефони овозсиз жиринглаганини ҳис қилдим. Эдвард телефонни олди ва рақамга кўз ташлади.
- Айнан у ҳозир менга керак, - гудранди у. — Карлайл, мен... - Эдвард жим бўлиб қолди ва бир неча дақиқа асабий ҳолда эшишиб турди. — Яхши, текшириб кўраман. Қулоқ солинг...
- У менинг нарсаларим йўқолганини тушунтирди. Бироқ эшишибга муваффақ бўлганимга қараганда Карлайл жўяли маслаҳат беролмаган кўринади.
- Балки, мен борарман... - Эдвард менга қаради-да, жим бўлиб қолди. — Балки, йўқ. Фақат

Эмметтни ёлгиз қўйиб юборманг, ўзингиз биласиз унинг қандай бўлиб кетишини. Ҳар

эҳтимолга қарши, Элисдан унга кўз-қулоқ бўлиб туришини сўранг. Биз бу билан кейинроқ шугулланамиз.

Эдвард телефон қопқоғини ёпди.

- Газета қаерда? - сўради у.

- Билмайман, нима эди?

- Баъзи нарсаларни кўришим керак. Ёки даданг аллақачон ташлаб юборганми?

- Ким билади...

Эдвард гойиб бўлди ва бир зумда қайтиб келди. Сочида янги ёмғир томчилари, қўлида эса газета. Стол устида газетани очди ва тезда сарлавҳалар билан танишиди. Бармоги билан бир нималарни ўқиди.

- Карлайл ҳақ... ҳа... жуда пала партии. - деди у.

Мен унинг елкаси узра қарадим.

"Сиэтл таймс"да "8отиллик эпидемияси давом этмокда - полицияда гумондорлар йўқ" сарлавҳали мақола туради.

Мақола бир неча ҳафта олдин дадам ўқиган мақолага жуда ўхшарди: шаҳарда тобора кучайиб бораётган зўравонлик сабабли тез орада Сиэтлни ҳаёт учун ҳавфли ҳудудлар

рўйҳатининг бошида кўриши мумкин. Қотилликлар сони сезиларли даражада кўпайяпти.

- Ишлар ёмонлашиб бормоқда, - дедим мен.

- Ким билади дейсан? Битта янги вампир бундай қилолмайди.

Нималар бўляпти узи? Нима улар Вольтурилар ҳақида эшишишмаганми дейман? Конун қоидаларни уларга ҳеч ким

тушуунтирмаган, у ҳолда ким уларни вампирга айлантириди?

- Вольтуриларнинг ўзлари, - дедим қалтираб.

- Йўқ. Айнан Вольтурилар шунаقا ўлмасларни йўқ қилишиади.

Вольтурилар бундан бир неча йил олдин Атлантада тартиб ўрнатишганди, лекин у ердаги ҳолат бу даражагача

бормаганди. Агар биз олдинроқ бу вазиятни тўғирламасак, улар ўзлари аралашшиади. Мен уларни бу ерда ҳозир пайдо бўлишиларини

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

умуман хоҳламайман, чунки Сиэтл Форкса жуда яқин ва кутимагандар уларнинг сендан хабар олгилари келиб қолиши мумкин.

Мени яна қалтироқ босди.

- Энди нима қиласиз?

- Ҳозирча биз улар ҳақида жуда кам нарса биламиз. Агар у ёшлар билан гаплашиб, уларга қоидаларни тушунтирасак, балки тинчгина ўз йўлларидан кетишар?! - Эдвард иккиланиб қолди,

унинг ўзи ҳам бу гапга ишонмасди. — Элис нималар бўлишини кўрмагунича кутамиз. Аниқ билмай туриб ҳаракатлана олмаймиз. Кейин... бу бизнинг ишимиз эмас. Яхшияямки, бизда

Жаспер бор. - қўшиб қўйди Эдвард, у аниқ ўзи билан ўзи гаплашётганди.

- Жаспер? Нима учун?

- Жаспер янги яратилган вампирлар бўйича мутахассис.

- Қайси маънода "мутахассис"?

- Бу жуда узун ҳикоя, ундан ўзинг сўрайсан.

- Нималар бўлаётганини ким ҳам биларди.

- Бу тўғри, - Эдвард чуқур нафас олди. — Агарда мени севиб қолмаганингда, ҳаётинг

бошқача бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисан?

- Бўлиши мумкин. Лекин бу қандай ҳаёт бўларди.

- Менимча, сен мендан ниманидир сўрамоқчисан!

- Мумкинми?

- Балки йўқ. - жилмайди у. — Назаримда сен бугун бўритусларнинг оқшомига бориш учун

мендан руҳсат сўрамоқчисан.

- Яна гап пойладингми?

- Озгина, энг охирини.

- Бўпти, барибир сендан сўрамоқчи эмасдим. Шундоқ ҳам сени ҳавотирга соладиган

нарсалар бор.

Эдвард мени иягимдан тутиб, кўзимга қараши учун юзимни ўзига қаратди.

- Ўзинг боришини хоҳлармидинг?

- Унчаликмас. Бундан қайғурма.

- Белла, сен мендан руҳсат сўрашига мажбур эмассан. Мен даданг эмасман. Бироқ,

Чарлидан сўрашинг керакдир, эҳтимол.

- Ўзинг ҳам биласан, дадам рози бўлади.

- Умуман сен ҳақсан, ростдан ҳам Чарлини ҳаммадан кўра яхшироқ биламан.

Мен индамай Эдвардга қарадим. Унинг мақсади нима? Йўқ, Ла-Пушга бормаслик керак, аммо жуда хоҳляяпман: у ёқда ўзимни бутунлай эркин ҳис қиласан. Атрофда шунақанги воеалар бўляпти, мен эса баҳайбат бўриваччалар зиёфатига бормоқчи бўляпман. Ўта кетган тентакман! Лекин шунақаям боргим келяптики... Оз фурсатга бўлса-да, ўлим сояси ҳавфини унугиб, бироз соглом фикрловчи ва кўпроқ бебош Белла бўлиб колсам-у, бегамликда Жейк

билан мириқиб кулиши сам. Майли, буларнинг бари атиги бир неча соатга бўлса ҳам.

- Белла, мен сени тушиунишига ва қарорингни ҳурмат қилишига сўз берганман.

Ҳазиллашмаганман. Агар сен ўзингни бўритусларни ёнида беҳавотир сезсанг, демак ҳавотир олмасам ҳам бўлади.

- Қойил, - кеча кечаси унга айтган сўзларимни тақрорладим.

- Умуман айтганда Жейкоб бир нарсада ҳақ - бўритуслар тўдаси сендай омадсиз инсонни бир кеча ҳимоя қила олишиади.

- Ишончинг комилми?

- Албатта. Фақат...

Мен ёмонрогига шайландим.

- Умид қиласанки, сен бир нечта ҳавфсизлик шартларини қабул қиласан. Биринчидан, менга сени чегарагача олиб бориб қўйишимига руҳсат берасан ва ўзинг билан телефонингни олиб оласан. Сени қачон олиб кетишими билшишим учун.

- На чора... бу жуда оқилона ҳавфсизлик шартлари.

- Ажойиб.

Эдвард жилмайди, унинг кўзларида ҳеч қандай брезовталикини пайқамадим.

Кутганимиздек дадам Ла-Пушга боришиимга жон деб розилик берди. Жейкобга боришиимни айтиши учун телефон қилганимда,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

хурсандигини яшириб ўтирмади. У Эдвардинг эҳтиёт чораларига бутунлай рози бўлди ва бизни чегарада кутиб олишини айтди.

Озгина ўйлаб кўрганимдан сўнг, мотоциклимни сотмасликка қарор қилдим: уни Ла-Пушга ўз ўрнига қайтараман, унинг жойи ўша ерда. У менга умуман керак бўлмай қолганида эса...

Жейкдан сотиб юборишини ёки дўстига совга қилишини сўрайман. Менга барибир.

Бугунги оқиом мен учун мотоциклни Жейкни гаражига қайтаришим учун кулай

имкониятдек кўринди. Охирги вақтларда кайфиятим яхши эмас, ҳар бир куним сўнгиси

бўлиши мумкин. Ишларни кейинга қолдиришига вақт йўқ, гарчи ўта муҳим бўлса ҳам.

Режаларимни тушунтирганимда Эдвард атиги бошини силкиб қўя қолди. Рости, унинг

кўзларида безовталиқ намоён бўлди: Эдвард мотоциклъ минишишимни дадамдан кам ёқтирумайди шекилли.

Мен унинг ортидан мотоциклим турган Калленлар гаражига бордим. Пикапимни жойига

қўйиб, ундан тушишим билан англадимки, навбатдаги бу безовталиқ нафақат ғамхўрлик, балки

менинг ҳавфсизлигим туфайли экан.

Менинг эски мотоциклимнинг ёнида яна биттаси савлат тўкиб турарди... Уни мотоцикл

дэйшига тил бормайди: у менинг тўклиб қолаёзган темир тулпоримдан тубдан фарқ қиласарди.

Катта, силлиқ, кумушрангли - хатто турган ерида катта тезликда учаётгандай кўринарди.

- Бу маҳлуқ нима?

- Ҳеч нима, - таъкидлади Эдвард.

- "Ҳеч нима"нгда гап йўқ!

- Сен дўстингни ёки у сени кечирадими, буни билмайман, агар йўқ бўлса яна мотоцикл

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳайдашни ўйлаб қолмасмикинсан, - Эдвард гүё ҳеч нима бўлмагандай, эхтиётлик билан жавоб

берди. — Бу сенга ёқади шекилли, агар хоҳлаб колсанг, сен билан учшишим мумкин. - елка қисди у.

Мен бу мукаммал механизмга кўзларимни лўқ қилиб қараб қолдим. Унинг ёнида мени

мотоциклим болаларнинг бузилиб қолган велосипедидек кўринарди. Кутимагандаб остириб

келган қайғудан шуни тушуниб етдимки, тез фурсатда ўзим ҳам Эдвардинг ёнида шундай кўрина бошлайман.

- Сенинг ортингдан қувиб ҳам етолмайманку, - пичирладим.

Эдвард кўзларимга қарашиб учун иягимдан тутиб ўзига қаратди.

Бир бармоғи билан

лабимнинг бир четини кўтаришига ҳаракат қилди.

- Белла, мен ёнгинангда ҳайдайман.

- Кошки бу сенга ёқса.

- Агар бирга бўлсак, албатта ёқади.

Мен лабимни тишлаб, буни тасавур қилдим.

- Эдвард, агарда мен тезликни ошириб, бошқарувни йўқотгандай туюлсан, нима қиласан?

У тўғри жавоб ахтариб, довдирауб қолди. Мен ҳақиқатни билардим: мен бирор нарсага

бориб урилмасимдан олдин Эдвард мени қутқаришнинг йўлини топади.

Кейин у жилмайди-гүё самимийдек эди, гарчи кўзлари бироз сузилиб турса ҳам.

- Ҳали Жейкоб билан шундай қиласизларми. Тушунарли.

- Шунчаки мен рулни унчалик ҳам маҳкам ушламайман. Балки, уриниб кўришим мумкин...

Мен иккиланиб кумуширанг мотоциклга тикилиб қолдим.

- Ҳавотир олма, - жавоб берди Эдвард ва кулди. — Жаспер ундан кўзини узмаётганини

сезгандим. Балки унинг янгича ҳаракат воситасини ўзлаштириши вақти келгандир. Ахир энди

Элисда ҳам "порше" бор.

- Эдвард, мен...

У оғзимни бўса билан ёпиб қўйди.

- Айтдим-ку, ҳавотир олма. Лекин, сендан сўрашим керак бўлган бир нарса бор.

- Хоҳлаганингни сўра, - ўйлаб ҳам кўрмай сўз бердим.

У мени қўйиб юборди ва баҳайбат мотоциклнинг устидан сакраб ўтиб, унинг орқасига

яширилган ниманидир олди.

Эдвард қўлларида иккита буюмни ушлаб турарди: қандайдир қора тушунарсиз ва шу

жумладан, қизил таниб олиши осон бўлган нарса.

- Илтимос? - сўради у ва жилмайиб бир лаҳзада қаршиликларимни йўққа чиқарди.

Мен қизил шлемни олдим ва қўлимга илдирдим.

- Мен бунда аҳмоққа ўхшаб кўринаман.

- Йўқ, кўринишинг ўта ақлли бўлади. Жароҳатланишини олдини олиши учун етарли

даражада ақлли, - Эдвард қора матоҳни елкамга ташлаб мени қучоқлаб олди.

- Айни дамда мен қўлларимда усиз яшолмайдиган нарсамни ушлаб турибман. Сен уни

асрашинг керак.

- Яхши. Бу яна нима? - шубҳаланиб сўрадим.

Эдвард кулиб юборди ва қора буюмни очди - у қандайдир қалин тагликли куртка бўлиб

чиқди.

- Бу мотоциклчилар курткаси. Айтишиларича, мотоциклдан йиқилганда терини яхшигина

шилиб олиши мумкин экан.

Эдвард менга курткани узатди. Мен чуқур нафас олиб соchlаримни орқага ташладим,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

шлемни кийиб курткани тортдим. Эдвард сезилар сезилмас жилмайиб курткани олдини ёпди
ва мени бир қадам нари сурди.

Мен ўзимни қўпол ва ҳаракатсиз ҳис қилдим, худди сигирдек.

- Тўғрисини айт, кўринишиим расвоми?

Эдвард орқага яна бир қадам ташлади ва лабини шиширди.

- Наҳотки шунчалик ёмон бўлса? - ғудрандим.

- Йўқ, йўқ! Умуман... - у сўз танлай олмай лол қолди.

- Кўринишинг... мафтункор.

Мен хохолаб кулвордим

- Яна нима дейсан!

- Йўқ, чин сўзим, жуда ҳам мафтункор.

- Буни ечмаслигим учун шунақа деяпсан. Хўп яхши, сен ҳақсан:
шуниси маъқул.

Эдвард мени қучоқлаб қаттиқ қисди.

- Тентаккинам! Эҳтимол, бу сенинг мафтункорлигинги бир бўлагидир. Аммо тан олиш

керак шлемнинг ўз камчиликлари бор.

Эдвард мени ўтиш учун шлемни сурди.

Сал ўтиб, Эдвард мени Ла-Пушга олиб кетаётганида,
вазиятнинг таниш экани ҳаёлимга

келиб қолди. Ўйлаб кўриб сабабини тушундим.

- Биласанми, бу менга нимани эслатяпти? - сўрадим. -

Кичкиналигимда ойим мени ёзда

дадамникуга олиб борганига жуда ўхшаб кетяпти. Ўзимни етти ёшли боладек ҳис қиляпман.

Эдвард кулиб юборди.

Мен буни овоз чиқариб айтиб ўтирмадим, бироқ бу икки вазиятнинг ўртасидаги фарқ шу

эдики, дадам ва ойим Эдвард билан Жейкдан кўра бир-бирлари билан яхши муносабатда

эдилар.

Ла-Пушга элтувчи йўлнинг ярмидан бурилдик ва Жейкни кўрдик: у метал бўлакларидан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ўзи йиғган қизил "фольксваген"га суюниб турарди. Унга қўл силтаганимда Жейкнинг ҳиссиз юз ифодаси табассумга ўзгарди.

Эдвард "вольво"ни Жейкдан 30 ярд берида тўхтатди.

- Уйга кетишга тайёр бўлганингда менга телефон қил, олиб кетиши учун келаман, - деди у.

- Узоқ қолмайман, - сўз бердим.

Эдвард юкхонадан менинг мотоциклими чиқарди, шу билан бирга шлем ва курткани ҳам.

Буларнинг ҳаммасини қандай жойлагани ақлга сиёмайди!

Бундан ташқари бутун бир

машинани кўтароладиган даражада кучли одамга ушиоқдек келадиган мотоциклни кўтариши ҳеч гап эмас.

Жейкоб бизни кузатиб турарди, бизга яқин келишини ўйламасди.

У жилмайишдан тўхтаган

ва мен унинг қора кўзларидан ҳеч нарсани анголмасдим. Мен шлемни қўлтиғимга қисдим ва

курткани ўриндиқ устига ташладим.

- Ҳаммасини олдингми? - сўради Эдвард.

- Ҳа, ҳаммасини.

У хўрсиниб мен томон эгилди, мен ҳайрлашиш учун лабимни тутдим, лекин Эдвард мени

гафлатда қолдирди: мени қаттиқ қучоқлади ва шунақанги ўпди-ки, нафас ололмай бўғилиб

қолишимга оз қолди.

У аста жилмайди ва мени қўйиб юборди.

- Кўришгунча, куртка менга ростдан ҳам ёқди, - деди Эдвард.

Ўғирилиб шуни сездимки, унинг кўзларида мен кўришим керак бўлмаган чақнаш бор эди.

Бу айнан нима эканлигини билолмадим. Эҳтимол безовталиkdir. Бир сонияга Эдвард менга

қўрқиб кетгандай кўринди. Лекин аслида мен ҳар доимгидек пашшадан фил ясаётгандим.

Мотоциклни етаклаб вампирлар ва бўритуслар чегараси томон юриб борар эканман, ортимдан

Эдвардинг нигоҳини ҳис қилдим.

- Бу яна нима? - сўради Жейк, мотоциклни кўздан кечирабкан.

- Уни жойига қайтаришга қарор қилдим, - тушунтиридим.

Жейк бир сонияга ўйланиб қолди, кейин эса қулогигача тиржайди. Жейк машинасидан

тушиб мен томонга шахдам қадам ташлаб келишидан мен уларнинг ҳудудига ўтганимни

сездим. Мотоциклни олиб тиргакини тираб қўйди ва мени айиқницидек қучогида қисди.

Мен "вольво"нинг гуриллаганини эшиитдим ва Жейкнинг қучогидан чиқшига уриндим. —

Жейк, етар энди! - бўғилиб айтдим.

У кулиб юборди ва мени оёққа қўйди. Мен Эдвардга хайрлашии мақсадида қўл силташ

учун ўгирилдим, лекин кумуши рангли машина муюлишидан аллақачон гойиб бўлганди.

- Ажойиб, - сўзимдаги заҳарли оҳангни яшириб ўтирамадим.

- Нима?

- У шундоқ ҳам учрашувимизга келди. Ноҳушиликни юзага келтиришини нима кераги бор?

У яна кулди-бу сафар янада қаттиқроқ. Қандайdir кулгили гап айтди деб ўйлагани аниқ.

Буни нимаси кулгили бўлиши мумкин? У машинани айланиб ўтди ва қаршимдаги эшикни очди.

- Белла, бор нарсани юзага келтириб бўлмайди, - деди у ҳамон кулганча.

x

XI боб. Ҳикоялар

- Бу сосискани емайсанми? - Пол Жейкдан сўради, кўзларини бўритуслар егулигидан узмай.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейк ўзини ортга ташлади ва тиззамга ёпишиди. У қўлида сихга тортилган сосискани устини ялаб қўярди, Жейкоб хўрсиниб кўп еганига қарамай ҳеч қандай ўзгаришсиз турган қорнини силади: мен ўнинчисидан кейин саноқдан адашиб кетдим.

Катта халтали чипслар ва икки литрли имбирли пивони айтмаса ҳам бўлади.

— Кўп еб юбордим шекилли, ҳозир ёрилиб кетаман, — деди Жейк.

— Лекин, эҳтимол, яна биттасини есам керак. Тўғриси, қийинчилик билан. - қайгули хўрсинди у.

Пол ҳам Жейкдан кам емади. Лекин барибир қўлини мушт қилиб тугиб олди.

— Қўйсангчи! - кулди Жейк. - Ҳазилку! Уила!

У сосискани гулҳан устидан нариги томонга, рўпарада ўтирган Полга улоқтириди. У эса ушлаб олди.

Агар мен вақтимнинг кўп қисмини мана шунаقا эпчил одамлар даврасида ўтказсам, у ҳолда ўзлигимни йўқотаман.

— Сен ҳақиқий дўстсан! - деди Пол ва бир зумда ғазаби сўнди.

Гулҳан ёниб сўниб борарди. Кутимагандага ёрқин оловранг учқун сачраб қоронгү осмонни ёритиб юборди. Қара-я, ахир қуёш ботганку. Қизиқ соат неча бўлди экан? Мен вақтнинг ҳисобини буткул йўқотиб қўйдим. Квилет дўстларим билан вақтичоғлик қилиши мен кутганимдан ҳам ёқимли бўлиб чиқди.

Биз Жейк билан мотоциклни гаражга олиб бораётганимизда - Жейк афсусланиб мен учун шлем олиши ҳақида ўйламаганини айтди. Мен ҳавотирга тушдим: бўритуслар зиёфатида қандай кўрина оламан? Мени сотқин деб ҳисоблашмасмикин? Жейкдан жаҳллари чикмасмикин?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Зиёфатни бузиб қўймасмикинман?

Бироқ Жейк мени зиёфат жойига, қоя чўққисига олиб борганида, олов булутлар ортида

тўсилиб қолган қуёшдан ҳам ёркинроқ ёнарди. Ҳаммаси осон ва оддий эди.

- Салом, вампирлар дугонаси! - қичқирди Эмбри.

Квил билагимдан тортди ва яногимдан ўпиб қўйди. Мен совук тошга, Сэм ва Эмилиниңг

ёнига ўтирганимда Эмили қўлимни қисди.

Агар Полниң ҳазил аралаши, вампир ҳиди анқимаслиги учун шамолли томонда ўтириши

талабини инобатга олмаса, мени бу ердагилар ўзлариникидек қабул қилишиди.

Кояга қавмдагиларниң ҳаммаси тўпланишган: Сэм ва Эмили, Пол, Эмили, Квил, Жаред ва

у севиб қолган қиз Ким.

Бошида Ким менга оддийдек туюлди; бироз тортинчоқ ва унчалик ҳам чиройли эмас.

Юзининг катталигига кўзининг кичкиналиги мос келмасди. Бурни ва оғзи жуда катта эди.

Текис қора соchlари майдада ўрилган, қоя чўққисидаги тўхтovсиз шамол уларни тинмай

хилпиратарди.

Лекин бу фақат илк тассуротларим эди. Соатлаб Жаредни Кимга қарашини кузатиб, уни

тасқара деб ҳисобламай қўйдим.

Жаред унга шундай қарадики! Худди сўқир одам қуёшини илк бор кўргандай. Ёки да

Винчининг номаълум асарини топиб олган коллекционердек. Худди она эндиギна дунёга

келган чақалогини юзини силаётгандай.

Унинг ошиқ нигоҳи бошида Кимда кўрмаганларимни кўришига мени мајсбур қилди: гулҳан

шуъласида унинг териси тўқ рангли шойидек товланарди, лаблари туташганида ажойиб юрак

шаклига киради, оппок тишлари ялтирап, у кўзини юмганида киприклари узунилигидан яногини тўсиб қўярди.

Жареднинг мубтало бўлиб қолган нигоҳидан Кимнинг юзига баъзида қизил урилар ва

уялиб кўзларини юмарди, лекин Жаредга қарамасликни қийинчилик билан уддалар, бу эса

атиги бир неча сония давом этарди холос.

Уларни кузатиб, Жейкнинг менга "босим" ҳақида айтганларини яхши тушиниб олдим:

"Садоқат ва муҳаббатга қарши туриши мушкул".

Ким Жареднинг қучогида уйқуга кетди. Унга унинг ёнида жуда иссиқ бўлса керак.

- Кеч бўлиб қолди, - дедим секин Жейкка.

- Шошилма, - шивирлади у, гарчи бу ердагиларнинг аксарияти шивирлашибизни

эшиитиши қобилиятига эга бўлсалар ҳам. — Энг қизиги ҳали олдинда.

- Яна нима қилмоқчисан? Сигирни бутунлигича ютиб юборасанми?

- Йўқ, еб бўлдик. Биз бу ерга бир ҳафталик озиқ-овқатни еб битириши учун ииғилмаганмиз-

ку ахир. Биз кенгаш ииғилишига келганмиз. Қвилнинг бу ерга биринчи келиши, бизнинг

ҳикояларимизни ҳали эшиитмаган, балки эшиитгандир, лекин ҳозир бунинг ҳақиқат эканини

билади. Шунинг учун дикқат билан эшитади. Ким, Сет ва Лилар ҳам янгилар.

- Қанақа ҳикоя?

Жейк ёнимга ўтирди ва қўлини елкамга қўйди. Қулогимга аста пичирлаб,

- Ўша биз ривоят деб ҳисоблаган ҳикоялар, - деди у. - Бу ҳикоя бизнинг қандай пайдо

бўлганимиз ҳақида. Биринчи ҳикоя жангчи-руҳлар ҳақида.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкнинг пицирлаши гўё муқаддима бўлди - учиб қолаёзган гулҳан атрофидаги хаво

қобиги кескин ўзгарди. Пол ва Эмбри қаддини ростладилар. Жаред Кимни туртди ва

мулойимлик билан тўғри ўтиришига мажбур қилди.

Эмили маъруза тинглашга келган талабадек дафтар ва ручкасини тайёрлади. Унинг ёнида

ўтирган Сэм Кария Квил қараган тарафга ўгирилди - мен кутимагандек оқсоқоллар учта эмас,

тўртта эканини тушуниб етдим.

Ли Клируотер гўзал юзидан ҳиссизлик ниқобини ечмасдан кўзларини юмди-чарчоқдан

эмас, дикқатини янада жамлаш учун. Унинг укаси сабрсизланиб олдинга, оқсоқолларга

яқинроқ эгилди.

Гулҳан чарсиллади. Тунги осмонда яна бир оловли чақин чақнади. Билли йўталиб узундан

узоқ муқаддимасиз ривоятни сўзлай бошлади. Сўзлари бир маромда борар, бехато гўё ёдлаб

олингандек эди. Бунда оҳанг ҳам сезиларди. Худди шоирларнинг шеърларидек.

- Аввал бошида Квилетлар кам сонли қабила эдилар, - деди Билли. - Биз ҳозир ҳам кўп

эмасмиз, лекин йўқ бўлиб ҳам кетмадик. Негаки бизнинг қонимиизда афсун бор. Бу афсун бизни

ҳар доим ҳам бўритусларга айлантирган эмас. Бошида биз жангчи руҳлар бўлганмиз.

Илгарилари Билли Блэкнинг овозида буюкликни пайқамаган эканман, гарчи унинг овозида

ҳамиша ҳукмдорлик жаранлаган бўлса ҳам.

Эмили сўзловчининг ҳикоясини ёзигулгурниш учун ручкасини қогоз устида тез

ҳаракатлантиради.

- Бошида биз шу ерга келиб жойлашдик. Шу ерда биз кемасозлик, балиқчиликни ўргандик.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Лекин биз озчилик эдик. Бу ерда эса балиқ кўп эди. Бошқа қабилалар ерларимизга кўз олайтира бошлишиди.

Бизнинг эса ҳимоя учун жангчиларимиз етарли эмасди. Янада кучли қабила келди

ва биз қутулиб қолиши учун қайиқларга ўтиридик. Кахелеха биринчи жангчи рух эмасди. Лекин

биз ундан олдингиларини эслолмаймиз. Ким биринчи бўлиб бу қудратни очган ва ундан

қандай фойдаланган эслолмаймиз. Бизнинг тарихимизда биринчи рухлар сардори Кахелеха

бўлган. У оғир дамларда еримизни ҳимоя қилиши учун афсундан фойдаланган. У ва унинг

жангчилари қайиқларни таналари билан эмас рухлари билан тарк этишиган. Аёллар қайиқлар ва

жонсиз таналарни қўриқлаб қолишиган. Эркакларнинг рухлари эса ерга қайтишиган. Улар ўз

душманларига жисмонан тегишолмасди бироқ уларнинг қароргохларига кучли шамол йўллаб

уларни маҳв этишиган. Айтишларича, рухларни жониворлар кўра олишиган, тушунишиган ва

бўйсинишиган экан.

Кахелеха ва унинг жангчи рух қўшини босқинчиларга ҳужум қилишиган. Душман

қабиланинг узоқ шимолдан келтирилган қалин юнгли итлари бўлиб, миниб юришиган. Жангчи

рухлар итларни эгаларига қарши қилиб қўйишиган, кейин эсаazorдан кўришапалакларни

уларнинг устларига қаратма қувшишиган. Шамол ҳам итларга эгаларини чалгитишида катта ёрдам

берган. Жангда итлар ва кўришапалаклар голиб бўлишиди. Тирик қолган босқинчилар бу ерни

лаънатланган дея кочиб кетишиди. Жангчи рухлар итларни қўйиб юборишиди. Квилетлар

аёллари ва таналари ёнига галаба билан қайтишиди. Қўшини қабилалар "хоу" ва "мак"илар билан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

тинчлик сулхини тузшиди. Бизнинг афсунимиздан нари бўлишини афзал билишиди. Биз

қўшилар билан ҳамжихатликда яшардик. Душманлар ҳужум қилишганда эса жангчи руҳлар

уларнинг ҳамлаларини қайтаришиди. Орадан анча йил ўтиб буюк сардор Таха Аки пайдо бўлди.

У ўзининг ақл-заковати билан донг таратди. Унинг одамлари ҳаётдан нолишмади. Фақат бир киши Утлана норози эди.

Гулхан атрофида шивир-шивир эшишилди. Ким биринчи бошлиганини билолмай қолдим.

Билли бунга эътибор бермасдан сўзида давом этди.

Бир неча ҳафталик жимликдан сўнг Утлана янги қоидалар яратса бошлиди. Олдинига ҳамма

уни Таха Аки эканига шубха қилишмаётганига ишонч ҳосил қилди. Жангчиларга таналарини

тарк этмасликларини буорди, бунга ўзининг ҳам журъати етмасди. Чунки ҳар дақиқада Таха

танасини қайтариб олиш учун пайт пойлаётганини ва буни тезлик билан амалга оширишини

биларди. Шунинг учун қўшини қабилаларни мавҳ этишини ўйламай қўйди ва ўзининг

сардорлигидан лаззатланди. У қавмнинг фахрига айланди. У ўзи учун Таха фойдаланмаган

қудратни ахтарарди; Жангчилар билан ишлашдан бош тортди; Таханинг завжаси ҳаёт

бўлишига қарамасдан иккинчи хотинликка ёшроғига уйланди, кейин учинчисига. Таха

буларни ожиз ҳолда кузатиб турарди.

Охир оқибат Таха ўз қавмини Утлападан қутқарши учун ўз танасини ўлдиришига уринди. У

тоғдан баҳайбат бўрини бошлиб келди, лекин Утлана жангчилар ортига беркинди. Сохта

сардорни ҳимоя қилган ёши жангчини бўри ўлдириб қўйганида Таха қайгурундан ўзини йўқотиб

қўйди ва бўрига даф бўлишини буюорди.

Ривоятдан келиб чиқадики, жсангчи руҳ бўлиши осон эмас.

Танасидан озод бўлган руҳ

қўрқитганичалик қувонтиrolмайди. Шу сабаб афсундан фақат зарур ҳоллардагина

фойдаланилган. Сардорнинг ёлгиз қолган руҳи гўё ихтиёрий қурбонликдай эди. Руҳнинг

аросатда қолиши ўта аянчили. Таха узоқ вақт танасиз қолгани учун аҳволи қийинлашиди. У ўзини

энди ҳеч қачон аждодлари кўмилган заминга оёқ босолмасликка ҳукм қилингандай ҳис

қиласади. Таханинг безовта руҳи ўрмонни кезар, унинг ортидан эса баҳайбат ва чиройли бўри

эргашиб юради. Таханинг кутимагандা бўрига хаваси келди-ҳар ҳолда унинг ўз танаси,

ҳаёти бор. Ана шунда Таханинг ҳаёлига фикр келди. Жонсиз руҳ бўлиб қолгандан кўра

жонивор кўринишида яшаган яхии. У бўридан танасини баҳам кўришини сўради, жонивор

рози бўлди. Таха енгил тин олди ва миннатдорлик билдириб бўрининг вужудига кирди. Майли

инсон танаси бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда тирик жон, шарпа бўлишидан кўра анча яхшироқ. Одамлар

қўрқканларидан жсангчиларни ёрдамга чақириб қоча бошлишиди. Жангчилар найзалари билан

ёрдамга ошиқдилар, Утлана эса албатта, ҳавфсиз жойга яширинди. Таха Аки ўз жсангчиларига

ташланмади. У асталик билан чекинди, нигоҳлари орқали мулоқотга кишиди. Бундан

ташқари маҳаллий куйни увиллаб ҳиргойи қилди. Таниш оҳангдан жсангчилар ҳайратланишиди.

Бу оддий бўримаслигини ва кимнингдир руҳи уни бошқараётганини англашиди. Ёши улуг

жсангчи Ют сохта сардорнинг фармонини бузишга ва бўри билан гаплашишига қарор қилди. Ют

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

руҳлар оламига кириши билан Таха бўри танасидан чиқди. Бўри токи сардор жсангчи билан

гаплашиб олгунича итоаткорона кутиб турди. Ют сардорни кўриши биланоқ бир зумда ҳаммасини тушунди.

Бу вақтда Утлата бўрини ўлганини кўриш учун келди ва гап нимадалигини тушунди.

Қария Ют Таха билан гаплашиди, Таха унга бор гапни айтди. Ют сохта сардор ҳақида

жсангчиларга айтиши учун ортига қайтди, бироқ бир сўз айтишигада улгурмади.

Утлата чаққонлик қилиб Ютни хоинликда айлади ва эндиғина руҳлар оламидан қайтган

Ютни оғиз очишига улгурмасидан ўлдирди.

Бундан Таха қаттиқ газабланди. У ҳали ҳеч қачон бунчалик аччиқланмаган эди. Таха

бўрининг танасига қайтиб кирди. Ундаги газаб инсонларга хос эди. Шу пайт кўз кўриб қулоқ

эшиитмаган мўжиса рўй берди. Таханинг ўз қавмига бўлган меҳр-муҳаббати ва Утлапага

нисбатан нафрати бўрининг танасига сизмади. Бўри силкиниб титрай бошлиди. Жангчилар ва

Утлапанинг ҳайратга тўлган кўзлари ўнгида бўри одамга айланди. Бу одам Таха Акига

ўхшамасди. У Таханинг руҳи билан янада қудратли бўлиб кўринарди. Жангчилар уни шу

захоти танишиди. Ахир улар биргаликда кўп бор учшиган. Утлата қочмоқчи бўлди, аммо

Таханинг янги танаси анчайин бақувват ва чаққон эди. У ўгрини тутди ва ўғирланган танадан

чиқиб кочишидан олдин руҳини йўқ қилди. Одамлар нима бўлганини билганиларидан сўнг

хурсанд бўлишиди. Таха Аки барчасини ўз ўрнига қайтарди, жангчилар билан баробар ишлай

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бошлади, ёш хотинларини оиласариға қайтарди. Факат рұхлар оламиға кириш ҳақидағи

бүйрүқни бекор қылмасликка қарор қилди. У буни ҳавфли санаради, чунки ҳаёт үгирлаш фикри

туғилғанди. Шундан бери Таха бир вақтнің ўзида ҳам одам, ҳам бўри бўларди. Уни буюк

бўри Таха Аки ёки шарпа одам Таха Аки деб аташарди. У узок йиллар қавмга сардорлик қилди,

чунки у кексаймасди. Қачонки ҳавф соя соганида у душман билан олишиши ёки қўрқитиши

учунгина яна бўрига айланарди. Қавм тинч ҳаёт кечираради. Таха кўп ўғил фарзандли бўлди,

улар балогат ёшига етганларида, улар ҳам бўрига айлана олишлари мумкинлиги маълум бўлди.

Уларнің ҳаммалари турлича кўринишарди, чунки инсон руҳи акс этиб туради.

— Шунинг учун Сэм қора эканда! - мингирлади Квил. — Юраги қора, юнги ҳам қора.

Менга шундай эшиктилдики, аслиятга қайтганимдан титраб кетдим. Шу билан бир вақтда

яна бир ҳақиқат мени лол қолдирди: мени ўраб ўтирганларнің ҳаммалари, айнан кимлигининг

фарқи йўқ, хуллас улар Таха Акининг авлодлари.

- Сени ўзинг нега шоколад рангсан? - жавобан пицирлади Сэм. - Ширинман

демоқчимисан?

Билли бу тортишувни эшикмаганликка олди.

- Таха Акининг баъзи ўгиллари жсангчи ва ёш бўлиб қолишиди.

Ўзгаришини истамаганлар

бўри одамлар тўдасига қўшилишини рад этдилар. Шунда бир нарса, тўдага қўшилмаганлар вақт

ўтиб оддий одамлар сингари кексайишлари маълум бўлди. Таха уч авлод ёшини яшади. У

олдинги икки рафиқалари вафотидан сўнг учинчи бор уйланди.

Шу учинчи рафиқасида у

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳақиқий баҳтини топди. Гарчи у аввалги рафиқаларини севган бўлса-да, буниси бутунлай

бошқача эди. Таха Аки рафиқаси билан бирга ўлишини хоҳлади, шу сабабдан бўриликдан воз

кечди. Шу тариқа афсун бизларга ўтди, лекин бу ҳикоя тугади дегани эмас.

Билли курсисини суріб, нимжон елкасини рослаган қария Квилга қараб қўйди. Идишдан

сув хўплади. Эмили тўхтамай қалам тебратарди.

- Бу жсангчи руҳлар ҳақидаги ривоят эди, - майин овозда сўз бошлиди қария Квил. — Энди

эса учинчи рафиқасининг жонини фидо қилгани ҳақида сўзлаб бераман.

Таха бўриликдан воз кечиб анча кексайганидан сўнг кўп йиллар ўтиб шимолда мака

қабиласида қандайдир кўнгилсизликлар бошлиланди. Бир неча ёши аёллар йўқолди ва ўзлари бир

умр қўрқиб келишган қўшини бўрилар қабиласини айбор қилишиди. Бўри одамлар ҳам

ажсадлари сингари бўрига айланишганида бир-бирларининг фикрларини эшишишарди. Улар

аёлларнинг йўқолишига айбор эмасликларини билишарди. Таха Аки мака қавми сардорини

тинчлантиришига уриниб қўрди, бироқ мака сардори жуда қўрқарди. Таха уруши бўлишини

хоҳламасди, у энди жсангчиларни урушига бошлиб боролмасди. Шунда сардор катта ўғли Таха

Уини ҳақиқий айборни уруши бошланмасидан олдин топишга юборди. Таха Уи тўдадаги

бешта бўрини тоғга, йўқолган аёллар қидирувига бошлиб борди. Ва улар авваллари сира

учратмаган - димогни куйдирадиган даражадаги ширинтам ҳидга дуч келишиди.

Мен Жейкобга маҳкамроқ ёпишдим ва кўзимнинг қири билан лабининг четидаги ним

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

табассумни пайқадим. Жейк ҳам елкамдан маҳкамроқ кучди.

Бундай изларни ким қолдирганини улар билишимасди, шундай бўлса ҳам излар ортидан

боришиди. - давом этди қария Квил.

Унинг қалтирок овози Биллининг мардонавор овозидан фарқ қилмасди. У шундай

сўзларди- ки эшиштганим сари юрагимнинг уриши тезлашиди.

- Улар одамницидай изни ва одам қонини топшишиди ва душманнинг изига тушиганликларини

тушинишиди. Улар шимол томонга шу қадар олислаб кетганликлари учун Таха Уи тўданинг

ярмини, ёш бўриларни орқага, Таха Акига бўлаётган ишларни етказишга қайтариб юборди.

Таха Уи ва унинг икки иниси қайтишишади. Кенжса инилари уларни қидиришига боришиди. Лекин

ҳеч нарса топишолмади. Таха Аки ўғилларини қаттиқ койиди. Катта ўғиллари учун қасос

олгиси келар, бироқ кексалиги сабаб кучи етмасди. Таха Аки азадорлик либосида Мака қавми

сардорининг олдига бориб ҳаммасини айтди. Мака сардори унинг қайғусига ишонди ва

қавмлар ўртасидаги низога чек қўйишиди.

Бир йилдан сўнг Мака қабиласида бир кечанинг ўзида икки қиз гойиб бўлди. Макаликлар

шу заҳоти Квилет бўриларини чақиришиди. Квилет бўрилари бир йил аввал тоғда топишган

ҳидларни Мака қавми ҳудудининг хар бир қарич еридан уфуриб турганига дуч келишиди.

Бўрилар яна овга чиқишиди.

Фақат биргина ўғлон қайтди - Таха Акининг учинчи рафиқасининг тўнгич ўғли, тўданинг

энг ёши кичиги Яха Ута. У ҳали биронта ҳам Квилет кўрмаган нарсани олиб келганди -

номаълум совуқ ҳароратли жасад бўлаклари. Кимнинг томирида кон оқаётган бўлса, хатто

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

умрида бўрига айланмаганлар ҳам жасаддан тараалаётган бадбўй ҳидни сезишди. Таха Акининг

ёқимсиз ҳиддан димоги ашишди. Бу Макаликларнинг душмани эди.

Яха Ута нима бўлганини сўзлаб берди: у акалари билан одамсифат махлуқни топишган,

танаси оппоқ ва гранитдай қаттиқ бўлиб чиқкан. Унинг ёнида Мака қавмининг икки қизи

бўлган. Улардан бирини ерда ўлик ҳолда, иккинчисини эса махлуқ томоғидан тишлаб турган.

У ҳам тирик бўлган бўлиши мумкин, Квилетлар яқинлашаётганини сезган махлуқ қизнинг

бўйини синдирган ва жонсиз танани ерга ташлаб юборган. Унинг оппоқ лабини қон қоплаган,

кўзлари эса чўғдек ёниб туради. Яха Ута махлуқнинг заройиб кучи ва тезлигини тасвирлаб

берди. Ўзиллардан бири унга паст назар билан қаради ва ҳаёти билан видолашиди.

Махлуқ уни бўлакларга бўлиб ташлади. Вазият қалтис тус олди. Аҳвол чатоқлигини

тушуңган икки бўри бир-бирларига кўз ташлаб иккиси икки ёндан хужум қилишди. Махлуқ

Яха Утанинг укасига ёпишди. Яха Ута укасини қутқариш учун бор кучи билан жон ҳолатда

махлуқка ташланиб унинг бошини узуб ташлади. Боши узилган бўлишига қарамай махлуқ

тироқлари билан бўрини нимталаб ташлади. Яха Ута жони борича куч тўплаб махлуқни

бурдалаб ташлади. Лекин кеч бўлган эди. У энди ёлғиз колганди. Махлуқнинг бўлакларини

олиб ортига бир ўзи қайтди.

Оқсоқолларга кўрсатиш учун жасад бўлакларини ўртага ташлади. Ундан тараалаётган

бадбўй ҳид ҳамманинг димогини ашиштириди. Оқсоқоллар асолари билан жасадни туртиб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

кўришиди. Шунда жасаднинг қўли асони маҳкам ушлаб олди.
Асони тортуб олишга қанча

уриниши масин уддасидан чиқишолмадилар. У гуё асога сингиб
кетмоқчидек эди. Оқсоқоллар

қўрқиб кетишганларидан уни гулханга ташлашиди. Жасад куйиб
ўзидан қора булутдай тутун ва

ёқимсиз ҳид таратди. Таха Аки кул қолдигидан олиб, яна
шундай кунлар қайтиши

мумкинлигини эсдан чиқармаслиги учун халтачага солиб,
бўйнига тумор қилиб тақиб олди.

Кекса Квил секингина Биллига қараб қўйди. Билли ҳамон
қорайиб кетган чарм халтана

туморни бўйнида осиб юради. Кўпчилик ох тортуб юборди -
албатта, мен ҳам.

- Бу мавжудотни Совуқ одам ёки Консўрак деб аташарди.
Ҳамма ундан қўрқар, чунки у бир

ўзи эмас деб ўйлашарди. Қабилада эса фақат бита-ю битта
ҳимоячи бўри қолганди - ёш ва

навқирон Яха Ута. Лаънати маҳлуқнинг аёл ҳамроҳи ҳам бор
экан, у Квилетлардан қасос олиши

учун келганди. Аёл шу қадар гўзал эканки уни кўрган ҳамма
бехос хушидан кетар ёки ақли

шошиб қоларкан. Оппоқ мармар бадани, нозик ниҳол соchlари
қирмизи тилларанг тусда

ергача тушиб тураган. Аммо у жаллода вахший шафқат
нималигини билмас, йўлида учраган

тирик жонни бурдалаб қонини ичиб кучга тўлганича асосий
қасдини олишини истаган одам -

сехрли бўритус одамни изларди. Қабилада Яха Утанинг
кичкина ўғилчаси учинчи хотини

билан қолган экан, болакай шунча узоқдан туриб жуда сассиқ
ҳид келаётганини айтади. Ва

шунда одамлар ким ташриф буюрганини англашади.

Яха Ута бўрига айланиб қонсўракни излаб олдинга отиласди.
Унинг ортидан қабиланинг

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қариялари, ўғли ва учинчи рафиқаси ҳам эргашади. Аммо қаттолнинг қонлахталаб ташлаган

изларини ва одамларнинг мурдасини топишса ҳам қонсўракни ўзини топишмайди. Аммо

бандаргоҳ тарафда қий-чувни эшишиб ҳамма ўша томонга чопади.

Тирик қолган Квилетлар қайиқ панасига беркинишга, баъзилари очиқ денгизга қочишига

уринишар, аммо совуқ аёл худди наҳанг балиқдек сувда жуда тезликда сузиб қайиқларини

тешиб, уларни чўктирас ва ўлдиради. Шу тобда қирғоқда улкан бўрини кўргач, аёл

қурбонларини ташлаб қирғоққа қараб отиласди ва катта тезликда соҳилга чиқиб рақибини

қаршиисида гавдаланади. Жанг жуда даҳшатли бўлиб, иккиси ҳам куч-қудратда бир-биридан

қолишмасди. Аммо аёл сўнгги дақиқада Яха Утани енгади. Ўз ўглининг азоб билан ўлганини

кўрган ота кекса бўлса ҳам шижсоатга шўнгеб бир сакраб бўрига айланади ва қонсўрак аёлга

қараб ташланади. Аммо кекса бўри анча ҳолдан тойган ва ожиз эди. Ана шунда Таха Ахининг

учинчи рафиқаси бир улкан жасоратга қўл уради, у аввалги афсоналарда эрининг акасини

жонини сақлаб қолиши учун қилган чалғитувчи ҳийлаларни эшифтган эди.

Учинчи рафиқа омон қолган болаларининг ёнида турган ҳанжарни кўриб қолади. Шартта

уни олиб қонсурак аёл томон чопади. Аммо Совуқ аёл ўзи томон келаётган, аммо тошига

қирганчалик шикаст етказмайдиган бу жуссаси заифгина аёлга парво ҳам қилмай Таха Акига

ажаловор зарба бераман деб турганида учинчи рафиқа бир иш қиласди. Совуқ аёлнинг поиига

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

тиз чўкканича ҳанжарни ўз юрагига санчади. Қайноқ танадан отилиб чиққан қип-қизил қон

ҳиди қонсўрак аёлни бир лаҳза ҳамма нарсадан чалғишига олиб келади, у Таха Акини қўйиб

юбориб ўз ташналигини қондириши учун аёлнинг танасига ташланади, аммо фурсатдан

фойдаланиб Таха Аки куч билан аёлнинг томоғига тирмашади. Кучлар ҳамон тенг бўлмаган

бир пайтда анча ёш бўлса ҳам сардорнинг ёш гўдаклари ўз оналарининг ҳалок бўлганини кўриб

кучли ғазаб ва аламдан бўрига айланади ва ҳаммаси бирдек Совуқ аёлга ташланишиб уни

парча-парча қилиб ташлашади.

Шундай қилиб улар қонсўракдан қутулишиади. Аммо Таха Аки қайтиб одамга айланмайди.

Рафиқасининг жасадига хеч кимни яқинлаштирмайди.

Дафнидан сўнг эса ўрмонга кетиб

қолади ва қайтиб ҳеч ким уни кўрмайди.

Ҳали ҳалигача Таха Акининг авлодлари шу ерда хукмронлик қилиб келишар ҳамда ўз

сехрли қонларини авлоддан авлодга мерос ва бурч қилиб келишарди. Аммо шундан сўнг Совуқ

одамлар бу ерга жуда кам келишиди. Охирги марта келганлари эса бошқаларига асло

ўхшамасди. Уларнинг сардори тилларанг кўз, меҳрли бокувчи одам сардоримиз Эфраим Блэк

билан шартнома тузади. Барибир кўп жангларда қондошларимиздан жудо бўлгандик. Сехрли

қон эгалари жуда кам эдик. Шусиз ҳам жангда уларни қўли баланд келганди. Эфраим

шартнома тузиб, ҳамманинг ўз чегараси чизиғи белгилаб қўйилди. Шу-шу энди ҳар ким ўз

чегарасида яшай бошлади. Келгиндишларнинг иштироки бизнинг уруғимизда янгидан янги

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қонларни келтириб чиқарапди, бу эса отадан ўғилга мерос
қонга яна бурч тушунчасини мерос
қолдираради.

Кекса Квил менга бошқача қараб қўйди. Мен ҳам довдираб
қолдим.

Даврадаги ҳамманинг кўзида бироз алам ва оғир ҳаяжон ҳисси
акс этганди. Фақат

биттасидан бошқа.

- Бу менинг ҳам бурчим, - тинчгина гапирди Квил. - Менимча бу
жуда ажойиб! - у

енгилгина лабини артиб олди.

Унга гулханга қарама-қарши ўтирган Сет Клируотер рози
бўлгандек бошини иргитди -

унинг кенг очилган кўзларида қоп-қора чараклаган ҳимоячи
оғалар жасорати жўши уради.

Билли гулханга яна ўтин ташлади. Тўсатдан яна ўз
борлигимизга қайтгандик бўлдик.

Атрофдаги дўстларимизга қараб қолдик. Жаред Квилга тоши
отди, у эса чўчиб тушгач ҳамма
кулиб юборди.

Ли Клируотер ҳаммадан кейин кўзини очди. Менга шундай
туюлдими, унинг кўзида ёш

ялтираганди.

Биз Джейкоб иккимиз хеч нима демадик. Бир текисда нафас
олардик. Иккимиз ҳам

ҳайратда эдик.

Менинг ҳаёлларим минглаб йил олдингги даврга кетиб қолди.
Мен Яха Ута ёки бошқа

бўрилар ҳақида, хатто ана у гўзал Совуқ аёл ҳақида ҳам
ўйламасдим. Мен ҳеч қандай қудрат ва

сехрга эга юўлмаган ожиза ҳақида - Таха Акининг учинчи
рафиқаси ҳақида, хатто исмини ҳам

билмайдиган ўша аёл ҳақида ўйлардим.

Аёл ҳеч қандай куч-қудрат ёки сирли тилсимга эга эмасди,
оддий заифгина бир аёл эди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Лекин айнан мана шу ёвузликдан угина ортга чекинмади. У эрини, фарзандини ва бутун қабилани құтқарыб қолди.

Афсус унинг исмини унүтиб қўйдим...

Кимдир елкамни туртди.

- Белла! - деди Жейкоб құлозим остида — Биз етиб келдик.

Мен чўчиб қарадим, гулҳан гойиб бўлган. Зулматга қўзларим тўсатдан кўника бошлагач

мен ўзимни дарров қаерда эканимга ақлим етмай қолди, биз қояда эмаслигимизни англадим:

аммо мен ҳалиям Жейкоб билан эдим. У менинг елкаларимни тутуб олган, лекин биз ер устида

эмасдик. Ва мен қандай қилиб Жейкнинг машинасида пайдо бўлиб қолдим?

- Жин урсин! - ох тортдим ухлаб қолганимни сезиб. - Соат неча бўлди? Ана у жинни

телефоним қаёқда қолди-а? - мен ваҳима билан ҷўнтағимни ковладим, аммо ҳеч нима

топмадим.

- Тинчлан. Жаа ярим кечаси эмас-ку. Мен сени ўрнингга телефон қилиб қўйган эдим - у

сени ана у ерда кутяпти.

- Ярим тун? - ҳеч нарсани тасаввур эта олмай тақрорладим.

Зим-зиё тунга қарапканман, юрагим қинидан чиққудек ура кетди: ўттиз ярд наридан

«вольво» шарпаси кўринди. Мен машина эшик тутқичини ушладим.

- Ма, ол, - деди Жейкоб қўлимга майда бир нарсани тутқазди - телефоним!

- Сен Эдвардга мени ўрнимга қўнгироқ қилдингми?

Кўзларим қоронгуликка ўрганиб қолгани учун Жейкобнинг юзидаги табассумини кўрдим.

- Агар мен сени бироз ичиб маст бўлиб қолди демаганимда иккимиз кўпроқ вақт бирга

бўлолмасдик-да.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Раҳмат, Жейк. - унинг қилигидан мен титраб тўнгилладим. - Ростан ҳам катта раҳмат

сенга. Айниқса кечага таклиф қилганинг учун. Бу... - Нима ҳам дердим? - Умуман олганда ҳаммаси жуда зўр бўлди.

- Э, сен ухлаб қолиб кўрмаган эдингда, мен битта сигирни бутунлигича еб қўйдим! -

жилмайди Жейкоб. - ҳа йўқ, сенга ёққанидан хурсандман. Сен билан у ерда бирга бўлиш, мен учун... ёқимли эди.

Зулмат қўйнида қоп-қора дарахтлар аро бир оқимтиришарни липиллақ кўриниб кетди.

Эдвард ўз жойидан кетиб қолибдими?

- Менимча у кутавериб зиқ бўлиб кетган, - тўнгиллади Жейкоб, мени чалғиб қолганимни

сезгач. - Энди бора қол. Фақат тезроқ қайтиб кел, майлими?

- Албатта, Жейк, - ваъда бердим эшикни очаётуб.

Совуқ таъсир этиб этим жунжисиди.

- Хайрли тун, Белла. Мазза қилиб ухла - мен сени қўриқлаб чиқаман.

Мен машинадан тушаётганимда ҳам, машинани секин қимирлаб-тўхтаб тушишишмга имкон бермасди.

- Жейк, керакмас. Дамингни олгин хўпми, мен билан ҳеч нарса соодир бўлмайди.

- Албатта, албатта - мазлумларча розилик билдириди у.

- Кўришгунча, Жейк. Раҳмат

- Хайр, Белла, - пичирлади у мен зулмат қаърига сингиб кетаётганимда.

Эдвард менга чегарага етганимда этиб олди.

- Белла! - енгил ҳузур билан бағрига босаркан.

- Салом! Узр, мен бироз ушланиб қолдим... ухлаб қолибман...

- Биламан. Жейкоб айтганди. - Эдвард машинасига қараб, юра бошлиди мен эса унга осилиб

олдим. - Толиқдингми? Сени қўлимга кўтариб олайми.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Йўқ, ҳаммаси яхши.

- Кел сени уйингача элтиб тўшагингга ётқизаман. Хўши оқишом қалай бўлди?

- Зўр! Афсус сен у ерда бўла олмасдинг-да. Буни сўз билан ифодалааб бўлмайди, Жейкни

отаси жуда зўр ривоятлар сўзлаб берди... бу ҳақиқий сеҳри эди.

- Сен менга кейинроқ албатта сўзлаб берасан. Аввал ухлаб ол.

- Мени айтишга руҳсат олмаганман, - жавоб бердим ва оғзимни юмдим.

Эдвард хўмрайди. Эшикни очиб мени ўриндиққа ўтиргизиб қўйгач, ҳавфсизлик камарини

ўзи тақиб қўйди.

Қаршимизда ёрқин фара нурлари чараклади, мен қўлимни силкитдим, аммо менимча

Жейкоб мени пайқамади.

Дадам менинг кеч келишимни жуда хотиржам кутиб олди:
Жейкоб унга телефон қилган

бўлса керак. Хонамга етиб бориб тўшагимга киргунимча очиқ деразадан Эдвардни акс

этишини кутиб турдим. Тун тўсатдан қишики қаҳратондек туюлиб кетди. Қоядаги совуқ

шамолда аллақачон музлаб ўлардим, баҳтга қарши қайнок
Жейк бор, гулҳанда ўтиргандек

сездим ўзимни.

Ёмғир шиғиллаб ёга кетди, очиқ деразадан унинг томчилари юзимгача тегди.

Зулматда шамолда силкиётган арчаларни кўриши мумкин эди.
Лекин мен бошқа нарсаларни

кўриши учун кўзимни қисдим. Кеча қоронгусида шарпа каби нимадир кўринди... Балки бу катта

бўри эди... Зулматда жуда ёмон кўрдим.

Кейин нимадир ёнимда гимирлади: Эдвард очиқ деразадан пайдо бўлди. Унинг қўллари

совуқ ёмғирдай жимирларди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Жейкоб ҳам шу ердами? - мен қалтирадим, Эдвард менга яқинлашганида.

- Ҳа... шу яқин ўртада сангиб юрган бўлса керак. Эсми эса уйга кетди.

Мен ҳўрсиндим.

- Шунақангги совуқ. Кўчада бундай пайтда санғиши аҳмоқлик. -
Мени яна ёмғир титрата

бошлиди.

Эдвард кулди.

- Белла, бу факат сенга совуқ туюляпти холос.

Ўткан тундаги тушибимда ҳам шундай совқотгандим - балки
Эдвард мени қучоқлаб олгани

учунмикан. Мен туш кўрибман. Осмонда хира ярим ой қора
булут ортида туради. Мен соҳил

бўйида нам бир аҳволда эмишман. Сочларим хўллигидан
атрофни яхши кўра олмасдим. Сал

ўтмай булут кетиб, ой ёғдусида мен аниқ маназарани кўра
олдим.

Розали тилларанг нам соchlарини силкитиб катта қора
тукларига оқ оралаган бўрига

ташланибди. Бўри менга негадир Билли Блэкни эслатди.

Мен уларнинг жсангини ортиқ томоша эта олмасдим, шу сабаб
қочишига тушибим. Аммо

тушибимда ҳар доим шундай бўлади, жуда секин югурурмиишман.
Кейин қичқиришига ҳаракат

қўлдим, лекин овозим чиқмади. Мен уларни эътиборини жалб
қилиши умидида қўлларимни

силкитдим. Бирдан ўнг қўлимда қадимги кумушдан ясалган
ўткир тизли пичоққа эга
эканлигимни англашим.

Мен ўткир тиздан чўчиб, қоронгув ва сокин ётогимда уйгониб
кетдим. Мен ёлғиз эмасдим.

Эдвардинг кўксига бош қўйган эканман, унинг терисидан
таралаётган ширин ифор - барча

дахшатларга энг кучли давони ҳидлаб ётардим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Сени уйготиб юбордимми? - пичирлади Эдвард.

Қоғоз шитирлади, китоб енгилгина зарб билан полга тушиб кетди.

- Йүқ, - бўғзимда овоз чиқардим, унинг эпчилигига қойил қолиб мени қаттиқ баҳрига

босганида. - Шунчаки қўрқинчили туши кўрдим.

- Айтиб берасанми?

Мен бош чайқадим.

- Жуда чарчаганман. Балки эртага айтиб берарман, агар эсимдан чиқиб кетмаса.

Унинг танаси сассиз кулгудан титради.

- Майли, эртага, - рози бўлди у.

- Нима ўқиётгандинг? - уйқусираб сўрадим.

- «Момоқалдироқли довон»ни.

Мен ўқрайдим.

- Менимча сенга бу китоб ёқмаса керак.

- Китобинг кўринарли жойда турган экан, - тўнгиллади у.

Унинг майин овози қалинлашиди. -

Бахтга қарши, сен билан қанча кўп вақт ўтказганим сари инсоний туйгуларни кўпроқ

англайпман. Хитклиффининг ўрнига ўзимни қўйиб кўрсам бўларкан.

Эдвард сокин овозида яна бир нималар деб гапириб ўтироди, аммо мен эшиштмадим, ухлаб

қолгандим.

Тонг жуда хира ва намзах тусда отди. Эдвард мендан кечаги тушим ҳақида сўради, мен эса

деярли унутгандим бу тушни. Фақат жуда совуқ ҳароратни эслайман холос, аммо эрталабдан

ёнингда севган ёрингни кўриши жуда мароқли ва ҳақиқий бахт.

У мени узоқ вақт ўтиб турди,

хатто юрагим уришдан тўхтаб қолаёзди, кейин эса кийимини алмашибиши ва машинасини

олиб келиш учун уйига кетди.

Мен танлаб ҳам ўтирмай тездә кийиниб олдим. Деярли кетишига шай бўлиб турган эдим,

нонушта қилиб олиш пастга тушаётганимда «Момақалдироқли довон»ни кўриб қолдим. Китоб

кечада Эдвард тушириб юборган ҳолатида полда ётарди, - охирги ўқиган саҳифаси очилиб қолган экан.

Мен қизиқши билан китобни олдим ва кечада айтган гапларини ёдга олиб вараққа кўз

ташладим. Қанақадир ҳамдардлик ва ўрнига қўйиб кўриши ҳақида гапирганди шекилли.

Тўртта сўз матн бошидан пастда бошлиланган, мана шуни ўқиб Хитклиф нима деганини

тушуңгандек бўлдим:

«Айнан мана шу ерда мен ўзимнинг муқаббатимни уникини ўрнига қўйиб кўрдим, хатто энг

даҳшатли нафратга эга бўлган тақдиримда кам мен унга кўл кўтара олмас эканман. У-чи, у

кандай йўл тутарди. Агарда севгим уни ўзи истаган жамиятдан айро этса, мен кам у каби

куйинардим-ми? Йўк, мен бундай журъатга йўл кўя олмасдим. Мен унинг ўрнида бўлсам, шу

киздан кўнгли колган юрагини кўксидан юлиб олардим-да, конини охиригача ичиб қўйган

бўлардим! Унинг кисларига ишонмагани учун унинг танасини парча-парча бўлакларга бўлиб

ташлардим».

Менинг нигоҳим айнан мана шу жумлага, «қонини охиригача ичиб қўйган бўлардим»га

қаратилди.

Мен қалтираб кетдим.

Менимча Эдвард Хитклиф ҳақида жуда яхии таъсирланган бўлса керак. Балки у умуман

китобнинг бошқа бетини ўқиган бўлиши ҳам мумкин. Ахир китоб исталган бети билан ерга

құлаши мүмкін-ку.

XII боб. Вақт

— Мен ниманидир күргандек бўлдим... — аламзада оҳангда гапира бошлади Элис.

Эдвард бармоғи билан унинг қовурғасига теккизди. Аммо Элис эътибор бермади.

— Майли, — мингиллади Элис. — Ҳар ҳолда мен сени огоҳлантирдим, гапиришидан аввал гаплашиб олганинг яхшироқ деб.

Биз дарсдан сўнг машинамизга қайтарканмиз, Элис нима ҳақида гапирганини тушунмадим.

— Ҳўш, бу нима дегани ўзи?

— Фақат ваҳима қилма.

— Вой, ана энди ростакамига ваҳимага тушаяпман.

— Умуман олганда биз сенинг битирув оқшомингни ташкиллаштираяпмиз. Мен сенга агар

совға сифатида ҳалигадақа ишни қилсам бу яхшиликка олиб келмайди рости. Бундан қўрқиши

керакмас албатта... — Элис осонгина ўзини олиб қочди, Эдвард уни адабини бермоқчи эди,

уддалай олмади. — Ва Эдвард айтдики, мен сенга ҳаммасини олдиндан айтиб қўйишиим керак

эди. Эдвард ҳаммасини ўз режаси бўйича қилмоқчи!

Мен оғир нафас олдим.

— Баҳслашиш бемаънилик.

— Бутқул бемаънилик.

— Бўпти, Элис, мен бораман. Аммо ҳар бир дақиқам жуда азобли бўлиши ҳам мүмкін у

ерда. Чин сўзим.

— Мана бўларкан-ку ўзимнинг ақллигим! Ҳа айтганча, менга сенинг совғанг жуда ёқди.

Роса қаловини топибсан.

— Элис, мен ҳеч нима совға қилмадим-ку!

— Биламан. Аммо совға қиласан-а?

Мен иситмага тушган одамдек жазавада эдим. Мен Элисга бити्रув кунига қандай совга қилишиим ҳақида ўйланиб қолдим — у айнан нимани кўрган экан-а.

— Ақлдан озиш ҳеч гапмас! — тўнгиллади Эдвард. — Қандай қилиб одамни асабини эговлайсан-а?

— Тугилганимдан бери шунақаман! — жилмайди Элис.

— Сен бирон ҳафтадан кейин бу ҳақида маслаҳатлашсанг бўларди, бунгача мен бирор нима

ўйлаб қўярдимми? — эркаланаб сўрадим мен. — Энди мен жуда узок асабийлашишимга тўғри келади.

Элис ўқрайди.

— Белла, — энсаси қотиб сўради у, — Сен бир марта бўлса ҳам тақвимга қарадингми?

— Албатта! Бугун душанба.

— Албатта, душанба! Бугун аҳир, тўртинчи!

У мени елкамдан тутиб қайириб катта сариқ ёрлик турган эшик томонга қаратди: спорт зал

эшиги тепасига қалин қора ёзувда бити्रув куни санаси ёзилганди. Ронна роса бир ҳафта қолибди.

— Тўртинчи? Июнь? Ҳақиқатданми?

Улар жим бўлиб қолишиди. Элис шунчаки хафсаласи пир бўлгандек бошини чайқади холос.

— Бўлиши мумкинмас, наҳотки шундай тез?

Мен ўткан кунларни санай бошладим. Оҳо, қандай тез ўтиб кетибди ҳаммаси!

Ер ўз ўқидан чиқиб кетибди. Узок давом этган ташвишили ҳафталар... мен шунчаки вақтни

инобатга олмабман, вандай ўтиб кетганини сезмабман. Фикр юритиш ва режса тузишга вақтим йўқ. Вақт қолмади.

Менимча мен ҳали бунга тайёр эмасдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Буни мен қандай қиласаман? Отам билан қандай видолашаман?
Онам билан-чи?... Жейк

билин-чи?... ўзимнинг инсонийлик табиатим билан қандай
хайлышаман?!

Тўғри, мен нима хоҳлаганимни билар эдим, аммо истакларимни
бажариш менда қўрқув
уйготди.

Мангу барҳаётликни танлаш эвазига Эдвард билан бирга
бўлишим мумкин, фақат мана шу
менга далда бериб турарди.

Назарий жиҳатдан ҳаммаси мантиқий эди.

Аммо амалий жиҳатдан мен одамийликдан кетиши(эврилиши)ни
тасаввур эта олмасдим.

Олдимда ҳозирча унга сакрамаган, мен билмаган катта қора
жарлик бор...

Мен шунчаки атрофимга кўз югуртирдим. Эдвард машина
эшигини очади, Элис орқа

ўриндиқда ўзича бир нималарни гапириб келарди. Менинг
фикрларим баҳтга қарши иккисига

ҳам тегишли бўлмаган ҳолда эркин сарсона саргардон кезарди.

Ва ниҳоят уйга етиб келдик. Эдвард мени диванга қўйди ва
ёнимда ўтирди. Мен эса дераза

томонга, кулранг бўшлиқлар аро ёғаётган ёмғирга тикилиб
қолдим. Менинг қатъиятим қаерда

қолди? Нега мен тўсатдан ваҳимага тушиб қолдим? Ахир мен
муддат яқинлигини

билардим-ку. Нега мен бундан энди қўрқа бошладим?

Билмадим қанча вақт Эдвард мени деразага қарашибдан сукут
сақлаб ўтирди. Зулмат

атрофни қоплади ва у ниҳоят ёрилди. Менинг яногимни муздек
кафти билан кўзларига

қаратди.

- Балки нималар ҳақида ўйлаётганингни менга айтарсан?
Йўқса мен ақлдан озаман. Унга

нимадея олардим? Қўрқаётганимни айтаманми? Мен сўз топишига уриндим.

— Лабларинг қалтираяпти. Қани гапира қолсанг-чи.

Мен ҳўрсиндим. Қизиқ қанча вақт мен шундай сиқилиб ўтирудим экан?

— Бугунги сана мени тўсатдан довдиратиб қўйди, — шивирладим мен. — Бор йўғи шу.

Эдвард кутарди. Юзида ҳавотир ва ишончсизлик бор эди.

Мен тушуунтиришига уриндим:

— Мен баҳона тополмаяпман... дадамга қанақа қилиб баҳона кўрсатсам экан деб

ўйлаяпман... — мен ортиқ давом эттира олмадим.

— Буни ҳаммаси битирув кечаси сабаблими? Мен бўзардим.

— Йўқ. Аммо, раҳмат менга буни эслатганинг яхии бўлди.

Эдвард дикқат билан менинг юзимга қаради. Ёмғир шовқини баландлашиди.

— Сен ҳали тайёр эмассан, — пичирлади.

— Тайёрман! — ўйлаб ўтирумай қичқирдим. Эдвард ишонмади.

Ана шунда тўғрисини

айтдим.

— Тайёр бўлишим шарт эди.

— Сен ҳеч кимга, ҳеч нимага мажбур эмассан.

Сабабли одамларни санай бошлиб талаффуз этганимда у ҳам қўрқиб кетди:

— Виктория, Жейн, Кай ва хонамга келган аллаким...

— Мана шунинг учун ҳам кутиши керак.

— Эдвард, бу ахмоқлик!

У маҳкам кафтимни қисиб турди ва секин гапирди:

— Белла, бизнинг ҳеч биримизда танлаш имкони йўқ эди. Сен кўрдинг-ку қандай аламли бу

ҳол. Айниқса... Розали. Биз вақти соати билан нималарга қодирлигимиз ва қандай бўлиб

қолганимизга кўникдик. Мен буни сенга раво кўрмайман. Сенда ҳали имкон бор.

— Ўз танловимни аллақачон қилиб бўлганман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

— Сен олдинда ҳавфли ўлим тургани учун бундай қарор қилишинг шарт эмас. Биз ҳамма

муаммони ҳал қиласиз. Мен сенга ғамхўрлик қиласан, —
қасамёд қилгандек гапирди Эдвард.

— Қачонки биз ҳамма муаммо ва азобларни бартараф этсак,
балки сен ўшанда менга

қўшиларсан. Фақат ҳеч қандай қўрқув ёки чорасизликдан эмас,
мен сени мажбурликдан бу

шига қўл уришинги истамайман.

— Карлайл ваъда берган, — мингилладим одатдагидек унинг
гапларини бир тийинга олмай.

— Битирувдан кейин деганди.

— Сен тайёр бўлганингдан кейин, — ишонч билан айтди Эдвард.

— ахир сен ҳали ҳам

хатарни сезаяпсан.

Мен жум бўлдим. Баҳслашишга ҳолим қолмади. Ҳозир менинг
қатъиятим қаёққадир кетиб

қолганга ўхшайди.

— Мана бу бошқа гап. — Эдвард мени пешонамдан ўпди. —
Ҳавотирга ўрин йўқ. Мен

ишончсиз жилмайдим.

— Менга ишон.

— Сенга ишонаман.

У барibir мендаги ҳавотирни кетишини кутиб юзимга қараб
ўтираверди.

— Бир нима сўрасам майлими?

— Истаганингни сўра.

Мен бекарорларча иккиланиб унга қарадим ва мен ўзим истаган
савонни эмас, бошқа бир

нимани сўрадим:

— Элисга нима совға қилсан экан?

Эдвард пиқиллаб кулди

— Менимча сен биз иккимизга концертга чипта совға
қилмоқчига ўхшайсан...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Топдинг! — енгилгина севиндим. — Такомада концерт бўларкан. Ўтган ҳафта газетада

кўргандим. Ўйладимки сизларга бу ёқса керак.

- Ажойиб гоя. Раҳмат.

- Умид қиласманки, ҳали чипталар бор.

- Етарлича тонса бўлади. Асосийси ният қилиш - ахир мен дарров биламан-а!

Мен енгил тин олдим.

- Сен яна нимадир сўрамоқчисан, — деди Эдвард.

Мен хўмрайдим.

- Қандай топагонсан-а!

- Сенинг фикрингни ўқий олмасам ҳам, юз ифодангдан дарров сезаман. Сўрайвер.

Кўзимни юмдим ва ҳаёлан унинг кўксига юзимни беркитдим.

- Сен мени қонсўрак бўлишимни истайсанми?

- Йўқ истамайман, — жимгина жавоб берди Эдвард ва жим бўлиб қолди. — Ахир бу савол

эмас, — эслатди у.

- Хўш... мен... нега бу сенга ёқмаётганидан ташвишдаман.

- Ташвишдасан? — ажабланиб тақрорлади у.

- Балки айтиб берарсан нима учун? Нима бўлса, ҳаммасини.

Фақат мени ҳисларимга

богламасдан.

Эдвард ўйланиб қолди.

- Агар мен жавоб берсам, сен ҳам нега савол берганингни айтасанми?

Мен бош чайқадим, аммо ҳамон унинг кўксига юзимни қўйиб турадим.

- Белла, сен жуда кўп нарсаларга эришишинг мумкин. Сен менинг руҳимга ишониб ўз

руҳингдан воз кечаяпсан. Балки менда руҳ йўқ бўлса-чи... — у оҳиста бошини чайқади. — Сен

учун арзийдиган одам бўла олмаслигимни англаш бу жуда азобли ва аламли... аммо сен шу

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қадар осон бундан воз кечиб кетаяпсанки... Мен қанча баҳт бўлса ўзимга эмас, фақат сенга

тилаганман. Аммо сен бундан ҳам кўпига арзийсан. Агар тескариси бўлса-ю, менга сен учун

одамга айланши имкони бўлса, мен ҳамма нарсамдан воз кечиб, иккиланиб ҳам ўтирумай
эврилган бўлардим.

Мен индамай, эшиштганларимни мулоҳаза қилдим.

Демак буни ҳаммасини Эдвард худбинларча қарор қабул қилиши деб ўйлайди.

- Демак, сен мени бошқача тусга кирсам ифорим ҳам, тароватим ҳам ўзгариб сенга ёқмай

қолишимдан ҳавотирдасан, шундайми?

- Сен шундан ҳавотирдамисан? — ҳайратга тушиби Эдвард ва кулворди. — Белла, инсон

бўлиши барибир яхши-да, қара сен қанақа чуқур тасаввур қилиб ўйлайсан!

Мен Эдвард буни тентаклик деб ҳисоблашини билардим, аммо қалбан ҳали ҳам тушкун.

Агар мен унга ростанам керак бўлсам эди, у ўйлаб ҳам ўтирумай ҳар қандай ҳолатда ҳам мени

эврилишимга кўниб қўйган бўларди. Ва айнан мана шу "Худбинлик" сўзи мени асабимга тега бошлиди.

- Сен ҳали тушунмаяпсан менга нимадир етишимаслигини — деди Эдвард, у ҳамон

куларди. — Сени асло ўлдириб бўлмайди. Чексиз кучга тўлганлигиндан, менга ҳам

қудратингни даф эта ола бошлайсан. Ва мен сени согина бошлайман...

У менинг қўзларимга қараб, юзимни силади, ва мен қизардим. Эдвард майин жилмайди.

- Ва яна сенинг юрак уришингни согинаман, — таббассуми бўлса ҳам, энди у жиддий

гапиради. — Бу энг муҳим овоз мен учун. Мен юзлаб километрлар узоқдан ҳам сенинг

юрагинг садосини аниқ адашмай эшиштаман. Сенинг юрагинг садоси менга умид, куч ва ишонч

беради, мана кўрдингми қанчалик менга кераксан — деди у менинг яноқларимни силаб. — Сен

доим менинг нозик ва юмишоқ Беллам бўласан.

Мен хотиржам енгил тортдим — қандай ёқимли!

- Энди сен жавоб бер? — сўради у.

- Албатта, — айтдим мен ишонч билан кўзига қараб. У нимани билишини истайди?

- Сен менинг рафиқам бўлишини истамайсан, — сокин гапиради у.

Менинг юрагим музлаб кетди ва кейин қаттиқ қуттириб уриб кетди, терлаб кетдим ва

кафти музлади.

Эдвард кутарди, худди мен уни боя интиқиб кутгандек.

- Бу савол эмас, — ниҳоят шивирладим.

У мендан кўзини узмай қараб турарди. Совуқ кафти меники билан чирмашиб кетди.

- Менга сенинг муносабатинг ёқмаяпти. Томогимга нимадир тиқилди.

- Бу ҳам савол эмас, — тўнгилладим.

- Илтимос, Белла!

- Ҳақиқатни билмоқчимисан? — паст овозда сўрадим.

- Ҳа албатта. Қанақа бўлса ҳам.

- Сен куливорасан. Эдвард ҳайрон қолди.

- Куламан. Наҳотки?

- Мана кўрасан! — мингилладим мен ва чуқур нақас олдим, уятдан оппоқ яногим қизарди.

— Майли, барибир бир қуни айтардим! Бу сенга балки ахмоқлик бўлиб туюлар, аммо... мен

учун... бу уят! — тан олдим ҳамон унинг кўксидан юзимни олмай.

Эдвард жим эди.

- Тушунмаяпман.

Мен бошимни кўтариб дикқат билан унга қарадим.

- Эдвард, мен унақа мактабни битираг-битирмас эрга тегадиган қизлардан эмасман!

Биласанми одамлар нима деб ўйлайди? Биласанми ташқарида қанақа аср? Ҳеч ким ўн саккиз

ёшида эрга тегмайди. Мустақил ва маъсулятни ҳис қилмайдиган одам деб ўйлашларидан

кўрқаяпман... — ва ниҳоят кўнглимни тўкиб солдим унга.

Эдвард ўйчан ва ҳиссиз юзлари билан менга қаради.

- Бўлди шуми? — сўради у. Мен бош чайқадим.

- Нима бу камми?

- Гап бунда эмас... Ўлмаслик мендан кўра кўпроқ сенга керакми? Аслида унинг кулишини

кутган жойда мен жазавага тушиб кулиб юбордим.

- Эдвард! — дедим кулгумни ишитириб. — Мен доим сени мендан кўра ақли деб

ўйлаганман!

Эдвард мени қучоқлади ва кулди.

- Сенсиз менга абадийлик нега керак? — дедим киноя оҳангда.

— Сенсиз менга ҳаёт йўқ.

- Буни эшишидан мамнуунман!

- Ва бу... ҳеч нимани ўзгартирмайди.

- Барибир ҳаммасини англаш жуда яхши. Тушунаманки, сенинг сўзларинг рост. Аммо сен

мени тушунинишингни ҳам истардим.

Мен деярли ўзимга келдим. Шартта ўқрайдим. Эдвардинг тилларанг кўзлари менга

жодули қаради.

- Кўряпсанми, Белла, мен айнан ўшанақа йигитлар ёшидаман.

Мен ўз давримда аллақачон

вояга етган эдим. Мен севги изламагандим. Мен аскар бўлишини истардим. Шон-шуҳрат

чўққисига чиқишини истардим холос... аммо ўз истаганимдай одамни топсам, унга тиз чўкиб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қалбимни тутшига ахд қилгандим...

Мен унинг нигоҳларига дош бера олмай титрадим.

- Энди озгина бўлса ҳам тушундингми нимани айтмоқчи бўлганимни?

Мен ҳаммасини тушундим. Ўзимни оппоқ тўй либосида, чиройли соч турмагида узун

йўлакда кетиб бораётгандай тасаввур қилдим. Эдвард — ҳақиқий шаҳзодам анвойи гулдаста

тутганича ёрқин костюмда меҳроб ёнида менга қараб турибди... Мен ҳаяжондан бошим

айланиб кетди.

- Эдвард, — дедим титроқ овозда саволига жавоб беришдан қочиб, — Биласанми, мен учун

"абадийлик" ва "турмушига чиқиши" сўзлари ҳеч қандай бир-бирига алоқадор эмас. Модомики,

ташқарида умуман бошқа олам экан, унда шу олам билан яшаймиз.

- Бошқа тарафдан эса, — тўнгиллади у, — тез орада вақтни ҳис этиши тушунчаси сенда

ўзгаради.

Лабларим титради.

- Белла, сен айнан бугун қарор қабул қилишинг шарт эмас.

- Демак сенинг шартинг?

- Ҳаммаси ўша ўша. Белла, мен сенинг ҳисларингни тушунаман, лекин агар хоҳламанг

сени ўзим ўзгартираман...

- Пам-тарам-пам-пам — ҳиргойи қилдим.

Фақат висол тантанаси ортидан мотам куйи таралишини мен кутмагандим.

Вақт жуда тез ўтиб борарди.

Тун тушларсиз ўтди. Битиувга оз қолди. Имтиҳонларга тайёргарлик кўриши керак, лекин

қолган бир неча кунда дарсликларни ярмини варақлашга ҳам улгурмайман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Нонуштага тушганимда дадам кетиб бўлган экан. У рўзномани столда қолдириб кетибди,
мен эса нимадир ҳариd қилиши кераклигини эсладим. Фақатгина
концерт рекламасини ўчириб
ташлишмаган бўлсин, ахир чипталарни олиш учун телефон
ракамни ўша эълондан олмоқчи
эдим-да. Бу кутимаган совга бўлмасада, ҳар қалай Элис учун
нимадир қилмоқчи эдим.

Газетани варақлар эканман, қалин сарлавхага кўзим тушди ва
дахшатдан титраб секингина
ўқий бошладим:

Қотил бутун Сиэтл шаҳрини қўрқувга солмоқда.
Ўтган ўн йил давомида Сиэтл шаҳри қанчадан қанча жиноят
ва қотилликларни гувоҳи
бўлди. АҚШ жинояти оламидаги энг қонҳўр қотиллар Гари
Риджсвей, манъяк Грин-Ривер каби
қирқдан ортиқ аёлларни қурбон қилган қотиллардан ҳам
дахшатли маҳлуқ пайдо бўлди.

Полиция охирги пайтларда содир бўлаётган кўп сонли
қотилликларнинг асл манбаини
аниқлай олмай дахшатга тушиши моқда. Қурбонлар сони ортиб
бориши билан қаторда,
мурдалари ҳам изсиз йўқолган. Полиция барча жиноят ортида
битта ягона одам турганини
маълум қилиб, мана шу ўткан уч ой ичидаги ўттиз тўққизта
одамни ўлдирғанлигини ҳисобга
олса, АҚШ тарихида йигирма бир йил давомида қирқ саккизта
одам ўлдирған Риджсвейдан ўзиб
кетади деб ҳисоблашмоқда.

Аввалига полиция қотилликлар ортида бутун бошли тўда бор
дейишишгаётган эди, аммо
таҳмин рад этилди. Сабаби қурбонлар йўқолган жойларда ҳеч
бир изни кўрмас эдилар.

Қаттолларнинг қурбонлари одатда умумий уч турга қараб
тавсифланади: ёш, жинс,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

миллати. Бу ҳолатда қурбонлар жуда фарқ қиласади. Масалан, ўн беш ёшли аълочи ўқувчи қиз

Аманда Рид ва нафақадаги олтмиши ёшли почтаи Омар Женкс. Жинслар ҳам ҳар хил бўлиб, ўн

саккизта аёл ва йигирма битта эркак. Миллатлар ўртасида ҳам фарқ ҳар хил: америкалик, оқ

танли, қора танли, осиёлик, лотин америкалик...

Курбонларни танлаш тасодифий бўлиб, дуч келган одамни ўлдиришган.

Хўш, давомли қотилликларга бирор бир сабаб борми?

Одамнинг асабини бузиб, кўнгилни оздирадиган жиҳати ҳар бир қурбонда даҳшатли

зўрланиш ва тан жароҳати изи қолган.

Патологанатомларнинг айтишича, суяклар ва мушак

тўқималарининг шу қадар даҳшатли парчаланиши, ҳеч бир жисмонан кучли одамга ёки зарбага

мос келмасди. Шунингдек, қотилнинг на бир соч толаси на бармоқ изи топилмаган. Ҳеч ким

шубҳали бирор нарса кўрмаган.

Курбонларнинг ҳеч бирида осонгина ўлим ҳолати акс этмасди.

Улар орасида уйидан

қочаган, тез-тез йўқоладиган ўспириналар ёки уйсиз одамлар йўқ эди. Курбонлар ўз уйларида,

спорт клубларида ва тўй оқшомларида гойиб бўлганлар.

Масалан, ўттиз ёшли ҳаваскор боксчи

йигит Роберт Уолини олайлик: у кинотеатр залига маъшуқаси билан кирган ва кино

бошлангандан бир неча дақиқа ўтиб, қиз хамроҳининг сирли равишда гойиб бўлганини билган.

Уч соатдан сўнг эса унинг танасини кинотеатрдан йигирма миль наридаги ахлат қутиси ичидан

куйиб ётган ҳолда топишган.

Ҳамма қурбонларнинг барчаси тунда ўлдирилган.

Янада даҳшатлиси эса, борган сари қотилликлар сони ортиб бормоқда. Биринчи ой олтита

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

жиноят, иккинчи ой ўн битта, мана шу учинчи ойда эса йигирма иккита қурбонлар аниқланди.

Ва полиция биринчи қурбоннинг куйган танаси топилгандан бери жиноятларни очишга бир қадам ҳам яқинлашмадилар.

Калава иллари роса чалкаш, исбот ва далиллар эса дахшатли. Ким айбор: қаттол тўдами

ёки руҳан хаста манъяк? Ёки полиция ҳаёлига ҳам келтира олмаган яна бошқа нарса борми?

Ягона ҳақиқий асос шуки: Сиэтл бўйлаб аллақандай маҳлук изғимоқда.

Сўнгги жумлани уч марта ўқиб чиқдим: қўлларим қалтиради.

- Белла?

Гарчи Эдвард яқинлигини билган бўлсам-да, унинг паст овози ўйчан ҳолатимни бузди.

Мен елкамни қисдим.

Хўмрайган чеҳрали Эдвард эшикка суюниб турарди. Аммо мени юзимни кўриб дарров

жиддий тортди.

- Мен сени чўчитиб юбордимми? Узр. Мен тақиллатгандим...

- Йўқ, йўқ, чўчитмадинг. Сен буни кўрдингми? - мен газетани кўрсатдим.

Эдвардинг пешонаси тиришиди.

- Бугунги ахборотни мен ҳали кўрмабман. Аммо шуни билиб турибманки, вазият жуда

ёмонлашяпти. Нимадир қилиш керак... ва тезроқ.

Менга бу ёқмаяпти: мен Калленлар қиласидиган таваккаличилик сира ёқмасди, чунки

Сиэтллаги одамлар ёки маҳлук мени дахшатга соларди.

Албатта Вольтурининг акс этиши ҳам

мени камроқ дахшатга солган бўларди.

- Элис нима деяпти?

- Мана шуниси чатоқ. - Эдвард янада ҳўмрайди. - У ҳеч нима кўрмаяпти... ҳар ҳолда биз

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

аввал ҳам бу қотилликлар ортида ким турганини излагандик.
Элис ўзига бўлган ишончини

йўқотяпти. У жуда кўп нарсани ўтказиб юбораётгандек.
Эҳтимол унинг истеъододи йўқолаяптимикан.

- Шунача бўлиши ҳам мумкинми? - ҳайратланиб сўрадим.

- Ким билади? Буни ҳали ҳеч ким англаб етмаган... ҳар ҳолда
мен шахсан шубхадаман.

*Одатда вақт ўткан сари қобилиятлар кучайиши керак. Ана
Аро ва Жейнга қара.*

- Унда гап нимада?

- Менимча Элис батартиб жараённи кўра олади. Агарда биз
суст ҳаракат қилсак яъни

ҳаракат қилмай қўйсак Элис ҳеч нарсани кўрмайди. Токи биз
нимагадир интилсак, ана шунда у

ниманидир кўра олади. Бу гўё сароблар ўйинига ўҳшайди.

Мен қалтираб кетдим.

- Йўқ, фақат бу эмас!

- Сен бугун мактабга жуда ҳам боргинг келмаётгандир-а?

Имтиҳон олдидан дарслар у

қадар қизиқ бўлмайди.

- Бир кун бормасам осмон узилиб ерга тушимас. Сен нимани
маслаҳат берасан?

- Жаспер билан гаплашиб олсак бўларди.

*Яна Жаспер. Галати. Жаспер ҳар доим мен учун сирли ва
галати бўлиб туюларди. Унинг*

*иштироки у қадар менга сезилмайди, ўшанда ҳам у доимо Элис
сабаб ёнимга яқинроқ келиши*

*мумкин эди. Чунки Жаспер уларга ўхшиамас, азалдан тупроғи
бошқа ердан олинган эди. Унинг*

*иддаоси бўйича нима каромат кўрсатиши мени янада ҳайратга
соларди.*

*Эдвардинг Жасперга ишонч билдириб, уни мутахассис дегани
ҳамон қизиқ эди. Шу сабаб*

ҳам бу жумбоқни тезроқ билишга тиришиб кетдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Калленлар уйига етиб келганимизда Карлайл, Эсми ва Жаспер тедевизорда янгиликларни

күриб ўтиришган экан. Элис юқори зинада бошини тиззасига олиб баҳтсиз қиёфада ўтиради.

Биз кириб келганимизда, Эмметт ошхонадан чиқиб келди - у ҳар доимгидек хотиржам эди.

- Салом Эдвард. Белла, дарсга бормай нима қилиб юрибсан? - тиржайди менга қараб.

- Биз саир қилиб юргандик, - эслатди унга Эдвард.

Эмметт яна кулди.

- Ҳа биргами, аммо Белла ҳаёттида илк марта мактабни тамомляпти. Эҳтимол Белла бирор

қизиқ нарсаны ўтказиб юборшиидан ҳавотир олмайсанми.

Эдвард суюкли акажонисига эътибор қилмай Карлайлга газетани кўрсатди.

- Сиз энди ҳам қотил ҳақидаги фикрингизда қоласизми? - сўради у.

Карлайл ҳўрсинди.

- Телевизорда иккита мутахассис эрталабдан бери шу тахминни алжира бўтирибди.

- Биз бунга нуқта қўйишшимиз керак.

- Келинглар яхиси ҳозир бориб кела қоламиз! - тўсатдан таклиф қилиб қолди Эмметт. -

Зерикуб кетяпман.

Эдвард унга қўшилди:

- Қачондир барибир Сиэтлга боришига тўғри келади.

Розали юқори қават устунида пайдо бўлди ва унинг совуқ ҳиссиз юзида ҳеч нима намоён

бўлмади.

Карлайл бошини чайқади.

- Бу менга ёқмаяпти. Авваллари биз бунақа ишлар билан шуғулланмасдик. Бу бизнинг

ишишимиз эмас. Биз ахир Вольтури эмасмиз.

- Мен бу ерда Вольтури пайдо бўлишини истамаяпман, - деди Эдвард. - Щунинг учун

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

шошилишимиз керак.

- Сиэтлдаги айбиз одамлар, - шивирлади Эсми. - Уларнинг ўлиши адолатдан эмас.

- Биламан, - деди Карлайл.

- Аа! - бақириб юборди Эдвард ва Жасперга қаради - Бунақа ҳаёл менинг миямга

келмабди... Тушунарли. Мана гап қаёқда. Сен ҳақсан.

Битта мен бу ерда энг аҳмоқдек тикилиб турадим.

- Бошқаларга тушунтириб бер, - деди Эдвард Жасперга. - Аммо нима мақсадда? - Эдвард

буручакдан бурчакка ҳаёл қилиб юради.

Мен ёнимда Элис қандай пайдо бўлиб қолганини сезмабман ҳам.

- У нималар деяпти? - сўради у Жаспердан. - Нима ҳақида ўйладинг?

Жаспер ўзини жуда ноўнгай ҳис қилаётганга ўхшайди, дикқат эътиборда бўлиши ҳаммага

ҳам эмас. У ҳаммага навбатма навбат қараб чиқди ва нигоҳи менга тикилди.

- Сен саросимадасан, - деди у паст овозда.

Бу савол эмасди: Жаспер мен нима ҳис қилаётганимни ва бошқаларда ҳам нима ҳис

борлигини сезиб туради.

- Биз ҳаммамиз саросимадамиз, - тўнгиллади Эмметт.

- Ҳали шошмасликни маслаҳат берардим, - жавоб берди унга Жаспер. - Белла ҳам

тушуниши керак ахир, энди у ҳам оиласиз аъзоси.

Унинг бу гапи мени ҳайратга солди. Мен Жаспер билан жуда кам гаплашардим, айниқса

туғилган кунимда деярли мени ўлдиришига сал қолган паллани эслайман. Шу сабаб ҳозирги

гапидан ажабланмай бўлмасди.

- Белла, сен мен хақимда ҳеч нарса билмайсан-а? - сўради Жаспер.

Эмметт намойишкорона асабий сабр билан диванга ястаниб ётиб олиб, менга яна сирли

термулди ва Жасперга ўқрайиб қараб гапиришини кутди.

- Деярли ҳеч нарса билмайман, - тан олдим мен.

Жаспер Эдвардга қаради.

- Йўқ, - жавоб берди Эдвард Жасперга. - Мен сенинг ўтмишингни Беллага айтиб

бермаганимни энди тушунгандирсан. Аммо энди вақти келди деб ўйлайман.

Жаспер ўйланиб турди-да, секин сарғиши свитерининг енгини ечди.

Мен Жаспер нега бундай қилаётганига бошида тушунмадим, чироқ ёруғи остида қўллари

терисига қараб қанақадир изларни кўрдим.

Мен бу нарса нега бу қадар таниш эканига олдин эътибор қилмабман.

- Ох! - қичқирдим мен. - Жаспер, менда ҳам худди шундай чандик бор!

Мен қўлимни узатдим: кумушранг ярим ой чандик менинг сарғиши баданимда уникидан

кўра ялтираб кўринарди.

Жаспер заифгина жилмайди.

- Белла, менда ҳам бунақа чандиклар кўп.

У ҳиссиз равишда қўлларини очди ва менинг билагимда қолдирилган излар каби

чандикларни, ярим ойсимон доғларни кўрдим.

Мен ўзимнинг якка-ю ягона чандигимга тикиларканман - абадийга теримда қолган Жеймс

тишларини изини ёдга олдим. Кейин Жасперга қарадим: — Шундай қилиб сен билан нима

садир бўлган?

XIII боб. Янгилар

- Сен билан нима бўлган бўлса, мен билан ҳам шунақароқ, - оҳиста гапирди Жаспер. - Фақат

бир марта эмас, минг мартараб. - у анчайин ғамгин оҳангда кулди ва бармоқлари билан

қўлларини кўрсатди. - Фақат ўз заҳримиз шунақа из қолдиради.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Қандай қилиб? - даҳшат билан унга қарадим.

Саволим жуда одобсиздек туюлиб кетди, аммо мен унинг чандиқли қўлларидан кўзимни уза олмасдим.

- Менинг ўтмиши... ака сингилларимни кига ўхшамаган бошқача ўтмиши. Ҳаммаси

бутуnlай бошқача бошланган, - қаҳрли якун ясади у.

Мен оғзимни очганча қараб қолдим. Қандай даҳшат!

- Белла, - деди Жаспер, - биласанми бизнинг дунёмизда шунақа жойлар ҳам бор-ки, у ерда

мангу яшайдиганлар асрлаб эмас, бор йўғи бир ҳафтаға етар етмас ҳалок бўлиши мумкин.

Қолганлар ҳаммаси бу қиссани аллақачон эшишиб бўлишганди.
Шу сабаб Карлайл ва

Эмметт яна телевизор томоша қила кетди. Элис жим ўтирганича Эсмининг оёғига бошини

қўйиб олди. Факат Эдвард мен билан дикқатлик қилиб тинглай бошлиди.

- Бу дунёга бошқача кўз билан қараишга уриниб кўр. Тасаввур қил, бу дунё хокимиёт ва

ҳукмронликка интилувчи очкўз ва ташналарга тўлиб кетган.

Кўряпсанми, бу дунёда биз осуда ва яхши яшай оладиган жойлар жуда кўп. Мисол учун,

Гарбий Ярим шар харитасини тасаввур қил. Ҳар битта одамни қизил нуқта қилиб белгила, қара

қанча кўп қизил нуқта бўлса, шунча бизнинг овқатланиши мизга қулай, ҳамда эътиборни

ўзимизга тортмаймиз.

Манзарани тасаввур этдим, айниқса «овқатланиши» сўзимени титратди. Шуниси қизиқки

Жаспер мени чўчитишдан асло ўзини тиймас, факат Эдвард мени аяшини энди сездим. Жаспер

шунчаки ҳикоясини давом этиради.

- Жанубдаги қонсўраклар тўдаси ўз сирларини яширишида анча қийналишарди. Факат

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Вольтури уларни тийиб туришга мажбурлай оларди. Агар Вольтури бўлмаганида бизни

аллақачон ҳаммамизни тутиб йўқ қилишган бўларди.

Мен ҳўмрайдим: Жаспер Вольтури сўзини деярли ҳурмат билан айтди. Энсам қотди,

наҳотки Вольтури эзгу иши қилишга қодир бўлса?

- Жануб билан таққослагандা, Шимол нисбатан анча тараққий топган. Кўпчилик бемалол

тунда ҳам, кундузи ҳам қўрқмай кезиб юра оламиз,
маконимизни ҳам ўзгартира оламиз - биз

учун маҳфийлик у қадар шарт эмас.

Аммо Жанубда унақа эмас. Барҳаётлар одатда тунда кезишиади. Кундузи эса беркинишиб

турфа хил режалар тузишиади ёки рақибини нозик жойини ўрганишиади: Жанубда уруши кетяпти,

деярли юз йиллардан бери. Қонсўраклар онда сонда одамларга муҳтож бўлиб қолишиади:

одамлар улар учун гўё аскар учун олдидан сигир чиқиб қолгандек. Фақат Вольтури сабаб

вампирлар тўда бўлиб қолишидан қочишиади.

- Улар нима учун урушадилар? - сўрадим талмовсираб.

Жаспер тиржайди.

- Қизил нуқтачали харитани эсладингми?

У менинг жавобимни кутиб қараб турди, мен бош чайқадим.

- Улар энг қизил бўлган жойлар учун курашадилар. Қунларнинг бирида кимнингдир қовоқ

калласига, мисол учун Мехико (энг кўп одам яшайдиган шаҳарни олайлик)да яккаю ягона

қонсўрак бўлсан, бемалол ҳар кечада бир марта бир неча марта овқатлансан ҳам ҳеч ким

пайқамасди, деган ажойиб фикр келиб қолади. Ва шу тариқа у ракобатдошлиарини нима

қиласди? Ҳа баракала, топдинг, йўқ қила бошлиайди. Аммо шуниси қизиқки, ўзингни ақлли деб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳисобласанг ҳам, бошқа ақлли ҳам бўлиши мумкинку?! Ўз-
ўзидан бошқа биттасининг ҳам

очофат калласига мана шунақа фикр келиб қолади. Аммо ўша
донороқ калла эгасига қўшимча
заройиб гоя ҳам келади. Ва у буни амалга оширади.

Кунлардан бир куни Бенито исмли ёшигина қонсўрак йигит
кучли бир иши қиласди. У ҳақида

дастлаб Далласнинг қайси дир шимол тарафдан келиб,
Хьюстон яқинидаги иккита кичик

қонсўраклар жамоасини йўқ қилганида эшишишган. Икки
кундан сўнг Бенито шимолий

Мексиканинг Монтеррей ҳудудидаги янада кучли ҳукмрон
тўдага ҳужум қиласди ва яна ғалаба
қозонади.

- У қанақа қилиб бунга эришиди? - жуда ҳам қизиқиб кетиб
сўрадим.

- Бенито ўз қўшинини янги қонсўраклар (яқингача оддий одам
бўлиб, сўнгра қонсўракка

айланганлар)дан тузган эди. У биринчи бўлиб бу гояни илгари
сурди. Жуда ёши вампирлар -

оташин, ёввойи, терс ва энг ёмони ўзини идора қилолмайдиган
бўлишиади. Битта-ю битта

янгини бошқариб тарбияласа бўлар, аммо ўнта - ўн бешта
ёшлидан иборат тўдани бошқариши

бу ҳақиқий даҳшат. Ҳар қалай янгилар жуда ҳам ҳавфли
бўлишиарди. Эски қонсўракларни

бемалол парчалаб ташлай олишиади. Аммо улар ўз истаклари
асирига айланшишган. Уларнинг

хатти ҳаракати шу сабаб бекарор. Улар жсанг қилиши учун
эмас, шунчаки ғазаби ва кучини тия

олишмаганидан ҳам олишардилар. Бенито билан бўлган ҳолат
ҳам бир мисол. Шу сабаб

Жанубий Мексикалик қонсўраклар ўзларини нима
кутишаётганини англаш қолишгач, Бенито

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қўшинига қарши курашии учун ягона усул - ўзиники бўлган жамоадан қўшин тузишга мажбур

бўлдилар. Бу эса уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланган жанг бўлган. Бизда ҳам шунақа

уруш бўлган. Ва ҳамон ёдимизда қолган. Шунинг учун ҳам Мексикадагиларга осон

бўлмаганини яхши биламан.

Мен қалтирардим.

- Мурдалардан иборат тоғлар уюлиб инсоният бошига қанақадир касаллик хуружси дея

овоза тарқалгач, Вольтури нихоят тартибга чақириши учун етиб келди. Соқчилар Шимолий

Американинг жанубидаги ҳамма янгиларни бирин кетин изига тушиди, Пуэблани макон қилиб,

Мехикони эгаллашга янги қўшин тазаётган Бенитони топшиди. Вольтури аввалло уни йўқ

қилди, сўнгра эса бошқаларга навбат етди. Янгилар ўз хожаси Бенитони сўнгги кучи қолгунича

ҳимоя қилишиди. Мексика вақтинча қонсўраклардан тозаланган. Бир куни менга Вольтури

Кулиаканга келганида нималар содир бўлганини кўрган бир танишим гапириб берганди.

Жаспер ҳам титраб кетди. Унинг биринчи марта бунақа қўрқкан ҳолатда кўришим эди.

- Яхшиям Жанубдаги каби бошқа жойларда ҳам бунақа исён бўлмади. Тартиб қолган

жойларда сақланиб қолди. Биз ҳозирги ҳаёт тарзимиз учун Вольтури олдида қарздормиз. Аммо

Вольтури Италияга қайтганидан сўнг қонсўраклар вақт йўқотмасдан жанубдаги ҳудудни

эгаллаб олишиди. Янгилардан тузилган қўшинлар яна акс эта бошлиди, улар яна жанглар

уюширар, ўзаро тўқнашувлар бўлар, аммо энди бари назоратдагилардан яширинча олиб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бориларди. Жанубда ҳануз уруш бўлиб ётарди. Кўпчилик ҳамон буни аллақандай касаллик

сабаб одамлар ўлишимоқда дея асл сабабдан бехабар эдилар. Аммо янгилар қўшини тобора

жўшиб кетарди, газеталарда кўпроқ баён этилган маҳалда эса Вольтуридагилар яна тартибга

солиши учун келар ва ҳар сафар шаҳар яна тозаланаар эди, бунда энг эхтиёткор ва кучилар омон

қоларди.

Жаспер рўпарамда қотиб туради.

- Мана шундай қилиб сени ҳам ўзларига қўшишиган эканда, -
пичирладим мен.

- Ҳа, - деди у. - Мен оддий одамлигим вақтида Хьюстонда,
Тексас штатида яшардим. Минг

саккиз юз олтмиш биринчи йили, мен энди ўн еттига кирган
пайтим Конфедерация қўшинига

мени чакиришиди. Расмийларга ўзимни аллақачон йигирмага
тўлганман деб алдадим ва уларни

ишонтира олдим. Менинг ҳарбий йўлим у қадар кўпга бормаган
бўлса ҳам, анчайин самарали

эди. Мен доимо... одамларга ёқардим. Уларнинг фикрини,
мафкурасини ўзгартира олардим.

Хатто отам бир сафар менда жозиба борлигини айтганди.
Мени атай ёши катта, тажрибалироқ

қўшинга бириттириб қўйишиди. Бу вақтда Конфедерация
қўшини энди тартибга келтирилган,

ҳали анча ўқувсизлар кўп эди. Мен Тексас штатидаги энг ёш
майор эдим. Гальвестонда уруш

оқибатида кемада ҳалокатга учраган мухожир ва асиirlарни
топиши ҳамда Хьюстонга кузатиш

учун мени жўнатишиди. Бу кечани ҳеч қачон унутмайман.
Шахарга қуёш ботган маҳали кириб

келдик. Мен ҳаммани ҳавфсиз жойга кўчиришиганига ишончим
комил бўлсада, яна ҳар

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

эҳтимолга қарши деб битта дадил отга миндим ва яна
Гальвестонга қайтдим: дам олишга вакт
йўқ эди.

Назоратни тамомлаб изимга қайтаётгандим. Шахардан
чиқаётганимда қоқ кеча эди. Ва мен

сўқмоқ йўлда кетиб бораётган учта аёлга кўзим тушди. Улар
оҳиста пиёда кетиб боришарди.

Улар менимча кўчишдан қолиб кетган қочоқлар бўлса керак деб
уларга қараб от сурдим. Аммо

уларнинг юзини кўрганимда мен ҳайратдан тош қотгандим.
Улар ой нури остида шу қадар

жонсиз ва совуқ эдиларки, ҳаёт нишонаси йўқ эди. Уларнинг
бадани териси нақ мармардек

оппоқ ва латиф тусда эди. Хатто юз тузилиши мексикалик
бўлган қон-қора сочлиси ҳам оппоқ

мармар терили эди.

Улар аёлдан кўра қиз болага ўхшаши ёшгина эдилар. Буларни
аниқ олдин текширув пайти

кўрмаганман, йўқса бундай гўзал қиёфаларни эслаб қолардим.

«Ҳа, у гапиришини ҳам эсдан чиқариб қўйди», - деб хиринглади
энг баланд бўйлиси.

Унинг овози шамолдаги қўнгироқ жарангига ўхшарди. Сочлари
ёрқин тусда, териси қордек

оппоқ эди.

Иккинчисининг ҳам сочи оч рангла, териси ҳам шеригиникидан
қолишимасди,

фаришталардек оппоқ эдилар. Кўзини юмиб мени яқиндан
ҳидлади.

«Ммм, - деди ҳансира. - Қандай лаззат!»

Энг бўйи пасти, қора сочли гўзали дугонасини билагидан тутди
ва чеккага тортиб бир

нималарни тушунтира бошлиди, унинг овози ҳам сокин ва
оҳангдор бўлиб энтикиб гапиради.

«Немти, шошма-шошарлик қилма», - деди у.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен ҳар доим одамларнинг бир-бирига муносабатини ҳис қила олардим. Дарров сездимки,

мана бу кичкина қорасоч иккала ёруғсочга буйргуона муомала қилмоқда. Қўшин маъносидা

айтадиган бўлсан, қорасоч улардан кўра олий мақомга эга эди.

«Кўринишидан у айнан мос келадиган: ёш, бақувват, ҳарбий... - Қорасоч жим бўлиб қолди

ва мен сухбатга янада эътиборлироқ бўлдим. - Шунингдек унда яна нимадир бор...

Сездингларми? - сўради у иккисидан - У... оҳанраболи экан».

«Ха, шундай!» - тезда рози бўлган Нетти, яна мен томон талпинди.

«Сабр қил! - огоҳлантириди қорасоч. - Бу ҳали менга аскотади». Нетти хўмрайди: кўринишидан дарғазаб эди.

«Мария, яхиси ўзинг қил, - деди бўйни узун оқсошли қиз. - Агар у сенга керак бўлса.

Биласанку, мен омон қодирганимдан кўра кўпроқ ўлдириб қўяман».

«Яхши, ўзим, - кўнди Мария. - Бу менга жуда ҳам ёқиб кетаяпти. Караб ўрган Нетти,

ҳўпми? Мен шошмасам бўлмайди, ҳужумни қачон бўларкан деб елка ортига беркинишидан

чарчадим».

Бу гўзал маҳлиқолар айнан нима ҳақида гаплашганликларини аниқ билмасамда, соchlарим

қўрқувдан тикка бўлди. Ички сезгим мени қанақадир ҳавф рўпарасида турганимни англатарди,

анави фариштамонанд гўзал айнан ўлдириши ҳақида сўзлаган, аммо олган тарбиям ва тажрибам

менга бошқача иш тутишимга изн бермасди: мени аёлларни ҳимоя қилишига ўргатишган, асло

улардан қўрқишига эмасди.

«Кетдик, ов қиламиз», - иложссиз ҳолатда Нетти рози бўлди ва новчасини ўзи билан олиб кетди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бир лаҳзада иккиси шаҳар тарафга бурилишиб, ўқ тезлигида югуриб кетишди-ки, ҳаёлимда

уларнинг оппоқ либоси гўёки қанотдек ортиларида хилтираб қолди.

Мен Марияга қайрилиб қарадим - у диққатлик билан менга қараб турарди.

Шунгача мен ҳаёлимда барча сирли хилқатлар ҳақида ўй суреб кетдим ва қаршимда турган

ажаболикни ҳеч нарсага тенглай олмасдим. Мени ишончсизлик қийнай бошлади.

«Исминг нима, аскар? » - сўради Мария.

«Майор Жаспер Уитлок», - оҳиста жавоб бердим, аёлга ундан асло қўрқмасликка уриниб.

«Жаспер, мен чин дилдан умид қиласманки сен яшаб кетасан, - деди у нозик овозда. - Сени

ёқтириб қолдим».

У мен томон юрди ва худди бўса олмоқчилик талпинди. Мен музлаб кетаётгандим.

қочишим кераклигини англаб турардим.

Жаспер ўйчан қиёфада жим бўлиб қолди.

- Бир неча кундан кейин, - ниҳоят тилга кирди у, аммо негадир мени аядими, менга кесиб

ташланган воқеани давомини айтиб ўтирмади, секин Эдвардга қараб қўйди, - менинг янги

ҳаётим бошланди.

Қизларни Мария, Нетти ва Люси деб аташарди. Учалови танишганига унча кўп бўлмаган

экан. Учаласи ҳам мағлубиятдан сўнг чекинган жамоадан эдилар. Ва Мария фақат иккисини

танлаб олган. Бир кунмас бир кун қасосини олиш учун бирга куч тўплаётган экан. Қолганлар

эса... уларга ўз тўдасини кўпайтиши насиб этмаган. Қизлар одатдагидан кўра эхтиёткор

қўшин тузишган экан. Фоя Марияга тегишли бўлиб, унга ўзгача ҳусусиятга эга бўлган ва

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

жанговорликдан хабардор одам керак бўлган экан. Ўшанақа одамни топса уни бошлиқ этиб

тайинлар ва қолган янгиларга жсанг услубини ва одамлардан пана бўлишини ўргатарди. Энг

кучилар танлаб олинар, қолганлар эса шунчаки йўқ қилинарди.
Биз мувафақият қозонсак
тақдирланардик...

У яна сукут сақлади ва яна қанақадир қисмини ташлаб хикоя қила кетди.

- Рости, Мария шошиларди. У катта миқдордаги янгилар қўшини бир йилга қолмай жсанг

қилиши кераклигини, йўқса аслий кучидан мосуво бўлиб қолишларини биларди.

Мария жамоасига мен олтинчи бўлиб қўшилдим. Икки ҳафта ичida у тўртта эркакни ҳам

қўшиди. Менимча унга аскарлар керак эди. Аммо эркакларни жсангга ўргатиш қийин иш эди,

уларнинг ичida ёлгиз мен талабга жавоб берадим ва Мария мендан кўнгли тўқ эди. Мен

кучсиз бирортасини йўқ қилсам, у дарров янгисини тайёрлаб туради. Мен доим тақдирлаб

туришгани учун ҳам кучаяб борадим.

Мария одамларни яхши танлай оларди. У мени бошлиқ этиб сайлади. Менинг сайланганим

ҳам яхши бўлди, парчалаб ташланишлар анча камайиб сифатли ва тажрибали аскарлар анча

кўпайиб қолди. Таҳминан биз йигирматага етгандиник.

Эҳтиёткорликни йўқотмаган ҳолатда биз катта қўшин тузиб қўйгандиник. Менинг одамни

кайфияти ва ҳиссиётини бошқара олиш қобилияти м орқали катта ютуқларга эришгандиник.

Бундан хатто Мария, Нетти ва Люси ҳам севиниб кетардилар.

Мария менга талпинарди - ич-ичимдан ҳаваскорлигини сезардим. Мен эса уни ёқтирадим,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

хатто у босган қадамини ўшишга ҳам рози әдим. Ҳозир бу ҳақида эсласам тасаввуримга ҳам

сигдиролмай ақлдан озаман. Мария вазиятни бизга тушунтираш ва биз бунга ишонардик.

У мен ўзимни кўрсатишга тайёр бўлганимда ва аскар оғаларим ҳам жангга қобил бўлганида

хабар беришими сўраганди. Ва ниҳоят ҳали ҳеч бир қўшинда бўлмаган йигирма учта

мукаммал аскар билан тайёр бўлдик. Мариянинг севинчининг чеки йўқ әди.

Биз бир пайтлар Мария яшаган ва собиқ душманлари ҳукм сураётган Монтеррей шахрига

бостириб кирдик. Аламзада Мариянинг қасоси учун биз эски қонсўрак жуфтликнинг ўнга яқин

янгилардан тузилган аскарлари билан жанг қилдик ва бор йўги тўртта йўқотши орқали

галабага эришдик.

Бу муваффақият Марияни очофат қилиб қўйди. Тез орада у бошқа ҳудудларга ҳам кўз

олайтира бошлиди. Бора-бора Техаснинг катта ҳудудлари ва Шимолий Мексика унинг

тасарруфига ўтди. Аммо рақиблар ҳам бўлгуси жангга тайёргарлик кўрадилар.

Жаспер билагидаги бир иккита чандиқларни силаб қўйди.

- Тўқнашувлар анча қақшатқич әди. Кўпчилик яна Вольтуридалар келишидан

кўрқишиарди. Мен қолган йигирма тўртта янгилардан тирик қолган ягона янги қонсўрак әдим.

Биз баъзан галаба қилардик, баъзан эса мағлуб бўлардик. Охир оқибат шундай бўлдики, Нетти

ва Люси Марияга ҳужум қилдилар - аммо бу жангда биз галаба қозондик.

Мен билан Мария яна бироз муддат Монтерреидага жон саклаб турдик. Уруши анча тинчид

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қолганди, аммо ички зиддиятлар ҳамон давом этарди. Янги маконлар забти энди ҳеч кимни

қизиқтирмай қўйган. Ҳаммада қасос ва алам ҳисси ўртарди. Кўпчилик ўз севиклиларидан жудо

бўлган, шу сабаб биздан аламзадалар кўп эди...

Биз Мария билан ҳар доим ҳар эҳтимолга қарши ўнга яқин жангчи сақлардик. Аммо улар

биз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасди - шунчаки мақсад йўлида олдинда турган пиёда

доналари холос, истаган вақтида улар яроқсиз ҳолга келиши ва уларни йўқ қилиб янгисини

тайинлаш мумкин эди. Йиллар ўтиб борар, менинг ҳаётим эса ваҳшийлик ва ёвузликка

қоришиб кетаётганди. Мен ҳаммасини рад этишим мумкин эди, аммо...

Бир неча ўн йиллардан кейин мен уч йилдан ошиқ яшай билган янгилардан Питер исмли

йигит билан дўстлашиб қолгандим. У менга ёқарди... аниқ қилиб айтсам у вафодор чиқиб

қолди. У курашларни ёқтиргасди, аммо яхии олишарди.

Биз ундан энага сифатида фойдаланаардик - у янгилар билан тез тил тошишиб кетарди.

Кейин эса янги тозалаш вақти бошлианди. Янгилар ўз кучини йўқота бошлишган, қайта

тиклаш пайти келганди. Питернинг менга ёрдамлашиши шарт эди. Биз ҳар битта қурбонни

алоҳида-алоҳида қилиб дағн қилаётган эдик. Бунақа кечалар ҳар доим азобли ва узок

чўзиладигандек туюлади. Аммо бир сафар Питер менга баъзи янгилар ҳали куч қувватига

ишонч билдириши мумкин, деб айтиб қолди. Аммо Мария буни инкор этиб ҳаммасини

бартараф этишини буюрди. Мен эса рози бўлдим.

Биз ишишимизни деярли ярмини тамомлаб бўлган эдик. Биламан Питерга жуда ҳам қийин эди

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бу иш. Мен шунда ўйлаб қолдим, энг оҳирида Питерни ўзини ҳам гумдон қилишга тўғри келиб

қолсачи? Аммо бундан ҳам даҳшат ҳодиса юз берди. Мен навбатдаги қурбон ёнига

келганимда, Питер тўсатдан ўзгарди қўйди. Мен ҳозир жанг бўлади деб тайёр тургандим,

Питер яхши курашгани билан мендан барибир енгиларди...

Менинг кейинги қурбоним Шарлотта, бир йилга яқин омон қолган янгилардан эди. Киз

менга яқинлашганида Питер жон жаҳди билан бақириб қолди. У қизнинг қочишини айтди. Киз

қочиб кетгач, ўзи ҳам унинг ортидан югуриб кетди. Мен уларнинг ортидан югуришим ва

Питерни ўлдиришиим мумкин эди. Аммо мен ундаи қилмадим. Мен уни ўлдиришини

истамасдим. Мария эса бундан газабда эди.

Тахминан беш йиллардан сўнг мен Питер билан яширинча топишиб олдик. Ва айни

пайтида топишибмиз.

Мария менга нима сабабдан бу қадар оғир бўлаётганини билолмасди. У ҳеч қачон

тушикунлик нималигини ҳис қилмаган эди. Ўртамиздаги масофалар янада узоқлашиб совуб

борарди, умуман унга нисбатан азалдан фақат қўрқув ва нафрат ҳисси менда мавжуд эди.

Хатто Нетти ва Люси нега унга ҳиёнат қилишганини ҳам энди тушуунгандек бўляяпман. Мен

ўзимни ўзгартирган ягона ҳамроҳимни йўқ қилишга таҳт турган бир пайтда Питер ҳам менга

рўбарў бўлди.

У менга Шарлотта билан янги ҳаёт бошлаганини ва менинг миямга келмаган янгидан янги

имкониятлар мавжудлигини, жанг қилмасдан мазза қилиб яшаи мумкинлигини сўзлаб берди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бир- икки марта шимолда ўзларига ўхшаган қонсўракларга дуч келишиган бўлса ҳам улар билан

дўстона самимий алоқалар ўрнатилган эди.

Питернинг мени ишонтириши шарт ҳам эмасди, мен у келгунига қадар кетишига тайёр

бўлган эдим. Қалбимда хатто енгилликни ҳис қилдим. Фақат Марияни йўқ қилиши керак эди.

Биз у билан Карлайл ва Эсми қанча вақт яшаган бўлса шунча яшаган бўлсак ҳам, ўртамиизда

уларни кидай пок туйгулар ёки ришиналар эмас, бизни фақат жанг, кураши, янги аскарлар ва қон

боғлаб турарди холос. Шундай экан, ундан ҳеч бир пушаймонсиз кета олардим.

Бир қанча вақт мен Питер ва Шарлотта билан бирга саргардон кездим, янги оламга янги

анъаналарга кўнига бошладим. Аммо тушкунлигим ҳамон тарқалмас эдим. Токи бир куни

одатдаги овлардан кейин Питер мендаги тушкунлик янада кучайиб кетишини англаб қолди.

Бу жиiddий ҳолат эди ва бу ҳақида ўйлаши керак эди. Йиллар давомида мен жуда кўп

жаллодликлар қилиб ўзлигимни, инсонийлигимни ҳам йўқотиб қўйган эдим. Чунки мен

инсонларнинг ҳиссиётига таъсир эта оламан, ҳар бир ўлдирган инсонларимнинг ҳислари менда

яшаб келаётганди. Шу сабаб менга бу жуда оғир эди.

Белла, сен тасаввур ҳам эта олмайсан, мен одамларнинг ҳиссиётини бошқара оламан. Аммо

кейин бу ҳиссиётлар менга таъсир қила бошлишади. Мен бир аср ўша аламзада ва қасосокор

ҳиссиётлар асири бўлиб яшадим. Мариядан айрилишим менга анча енгил бўлган бўлса ҳам мен

ҳамон ярим йўлда эдим. Азобларим фориғ этмасди мени.

Менинг асабларим эса менга тинчлик бермасди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Тушкунлик янада кучаявергач мен Питер ва Шарлоттани тарк этдим. Ҳа улар анча

тараққий топган қонсўраклар бўлса ҳам, аммо ҳануз мен жирканга бошлаган ва

нафратланаётган овлар ва қон ичиши удумидан айрила олмасдилар. Мени эса одам ўлдириши хатто кўнглимга теккан эди.

Мен ҳам ов қилмасдан, ўз чанқоғимни қондирмасдан яшай билмасдим. Мен камроқ

ўлдиришига уриниб кўрадим. Ва ўзимни ташналигимни тийши баробарида қаттиқ азобга

гирифтор бўлар эдим.

Жаспер ўз ҳикоясига менданда кўра кўпроқ берилиб кетаркан, юзида табассум акс этди.

- Мен ўшанда Филадельфияда эдим. Кўчага кундуз кунлари чиқардим. Бунга кўникиш

қийин эди, аммо удаласа бўларди. Тўсатдан момақадироқ бошланди. Мен ёмғир остида қолиши

мумкин эмаслигини билардим, шу сабаб яқин ўртадаги бирор бир бўши емакхонага кириб жон

сақламоқчи эдим. Мен ташна эдим. Аммо сезиб қолишиларидан ҳам чўчирдим.

У эса ўша ерда ўтирганича мени кутаётган экан. - Жаспер жилмайди. - Хатто киришига ҳам

улгурмасимдан у курсисидан отилгулеқ учиб туриб кетганди ва менинг истиқболимга юргурган эди.

Мен тош қотгандим: у мендан нима хоҳлайди ўзи? Менинг ўтмиши тажрибамдан шуни

биламанки у нимадир хоҳляяптики талпинаяпти. У эса жилмаярди. Ва ундан шунақа ажисб бир

ҳиссиётлар таралар эдики, аввал ҳеч бунақасини сезмаган эдим.

«Мен сени кутиб тургандим», - деганди у.

Мен ортимда Элис турганини сезиб қолдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Сен эса бошингни саррак-саррак қилиб Жанубий шевада жаноблардек мулозамат билан:

«Кечирасиз хоним» деган эдинг. - Элис кулди.

Жаспер ҳам унга жилмайиб қаради.

- Сен қўлларингни менга узатдинг. Мен эса қабул қилдим. Бир асрдан ортиқ бу давр ичида

илк бора бундай ажисб сезгини туйшишим эдим. Умид туйғуси. - Жаспер Элиснинг қўлларини тутди.

Элис яна кулди

- Мен уни келажакдан кўрганим учун уни кутганман. Хатто қўрққанман ҳам агар келмаса-чи, деб.

Улар иккиси ҳам кулдилар. кейин Жаспер менга қаради ва майин қиёфага кириб ҳикоясини давом эттироди.

- Элис менга Карлайл ва унинг Калленлар оиласини кўрганини айтиб берди. Мен бунга

ишонмадим, аммо Элис менга умид бағишиларди. Ва биз излашга тушдик.

- Ўшанда нақ ўтакамизни ёришганди, - деди Эдвард Жасперни гапини илиб кетди ва менга

қаради: - Мен Эмметт билан овга жўнаган эдик. Тўсатдан ҳамма жойи чандиқ бўлган Жаспер

мана бу мўжизали қиз билан пайдо бўлиб қолди, - ва Элиснинг бурнига ҳазиллашиб чертиб

қўйди, - Бизни исм-шарифларимиздан тортиб қаерда яшашимизгача айтиб бера бошлаганди,

хатто энди қайси хонада яшаймиз деб ҳам сўраганди.

Элис ва Жаспер бирваракайига куливоришиди.

- Уйга қайтсан ҳамма юкларим гаражда! - қўшиб қўйди Эдвард.

Элис елка қисди.

- Сенинг хонангдан ҳамма манзара яхлит кўринади-да. Энди учаласи куливоришиди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Бу ёзи энди маълум, - дедим мен.

Уч жуфт кўз менга худди тентакка қарагандек қарашди.

- Демоқчиманки оҳирги қисми, - тўғирладим гапимни. - Элис билан баҳтли якун.

- Ҳа албатта, агар Элис бўлмаганида ҳаммаси буткул бошқача бўлиб кетган бўларди! - деди

Жаспер. - Унинг ёнида мен ўзлигимга қайтдим.

Аммо бир лаҳзадан сўнг яна муаммо ёдимизга тушаверди.

- Кўшин, - пичирлади Элис. - Нега менга бу ҳақида айтиб бермагансан?

Ҳамма яна Жасперга қаради.

- Ўйладимки ортиқча деталларни тиққим келмаганди. Чунки боғлиқлик кўрмагандим.

Ахир Сиэтлда қўшин тузии кимга керак? Бу ерда ҳеч қачон уруши бўлмаган ва ҳеч кимдан

қасос олиши ҳам керак бўлмаган. Шаҳарни забт этишига ҳам ҳожжат йўқ. Кўчманчилар ҳар доим

келишиган, кетишиган. Бу учун олишиши шарт ҳам эмас.

Сиэтлда ростан ҳам янгилар қўшини

пайдо бўлган, улар йигирматадан ошиқ бўлиши мумкин. Аммо уларни ким яратган бўлса ҳам

тўлиқ озодлик бериб қўйган. Бу албатта ўта аҳмоқлик. Ахир бу Вольтуридагиларни дикқатини

тортишиади, аммо шуниси қизиқки нега улар ҳануз ҳаракат қилишимаяти.

- Биз нима қилсак бўларкан? - сўради Карлайл.

- Агар Вольтуридан олдин отни жиловлаш керак бўлса, унда янгиларни битта қўймай йўқ

қилиши керак - қанча тез бўлса шунча яхши. - Жаспернинг юзи яна тундлашиди. Энди мен унинг

ўтмишини биламан ва унга нақадар қийин бўлганини ҳам сездим. - Мен нима қилиши

кераклигини ўргатиш им мумкин. Шаҳар ичида жсанг қилиши қийин. Янгилар тўсиқ қўйиши

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

мумкин. Аммо уларни шаҳардан ташқарига алдаб олиб чиқсак эди.

- Балки иши жанггача етиб бормас, - сал ғалатироқ гапириб қолди Эдвард. - Ахир кимнинг

ҳам калласига келади бунақа фикр? Бизни йўқ қилиши учун қўшин тузилган деб ўйлайсизми?

Жаспер жунжисиб олди. Карлайлнинг эса кўзи ҳайратдан катталашиди.

- Таняning оиласи ҳам унчалик узокда эмас, - эслатди Эсми, Эдвардни гапига кўнмай.

- Эсми, янгилар бу жангни Анкоридж учун эмас, айнан биз учун бошлишаюнти.

- Улар бизга ҳужум қилишади дегани эмас, - ишонч билан айтди Элис... ва ўйлануб қолди. -

Ҳар ҳолда, улар ҳали билишмайди бизга ҳужум қилишларини. Ҳозирча билишмайди.

- Бу билан нима демоқчисан? - ҳаяжонли қизиқши билан сўради Эдвард. - Ниманидир

кўрдингми?

- Айро манзаралар, - жавоб берди Элис. - Мен келажакка қарашига уриниб кўрсам, жўрттага

қилгандек манзаралар худди кесиб ташлангандек айро-айро ҳолда кўрина бошлиайди. Бу гўё

олдиндан уюштирилмай қилинидаган қарорлар ва режаларнинг акс-садосига ўхшайди.

Таваккал қилинган қарор эса, ўзингиз биласиз доимо ўзгарувчан. Ва буни дарров кўриб

бўлмайди...

- Улар ҳеч ҳам қарор қабул қилишиа олмайди, шундайми? - ишонмай сўради Жаспер.

- Билмайман...

- Йўқ, беқарорликни бу ерда ҳеч қандай алоқаси йўқ, - деди Эдвард. - Улар аниқ билишади.

Кимдир сенинг кароматингни ва нотугал қарорларни кўра олмаслигини жуда яхши билади ва

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ўша сароблар ортидан беркиниб иш қиласяпти.

- Хўши ким бўлиши мумкин ўша? - пицирлади Элис.

Эдвардинг қараишлари музли эди.

- Аро сени ўзингдан ҳам яшироқ билади.

- Аммо мен уларнинг бу ерга келишларини кўрган бўлардим...

- Балки улар қўл изи қолдиришини исташмас.

- Бу Жанубдан кимнингдир иши..., - Розали ўрнидан туриб овозини кўтарди. - Унга қилган

жинояти учун бир марта авф берилган. Уни ўшандеёқ йўқ қилиши керак бўлган, аммо уни йўқ

қилишимаган... мана нима учун Вольтуридагилар шошилишмаяптилар.

- Бўлиши мумкин эмас! - асабий ҳолатда Карлайл. - Вольтурини бунга алоқаси йўқ.

- Бўлганида қандоқ, - тинчгина жавоб берди Эдвард. - Аро сени фикр ҳаёлларингни ҳам,

оилангни ҳам, бизни ҳам, мени ҳам, Элисни ҳам қанчалик қимматли эканимизни биларди. У

ўзида йўқ бўлган нарсага ҳасад қиласади. У бизни энг кучли оила эканимизни ҳар лаҳза билади.

Шу сабаб ҳам ундан биринчи навбатда гумон қилиши керак.

Мен Эдвардга қўрқиб қарадим. У аввал ҳеч бунақа оҳангда гапирмасди. Аронинг шу қадар

манфур эканига янада ишониб кетдим...

Карлайнинг овози менинг тасаввуримни тарқатиб юборди:

- Вольтури ўз қонун қоидаларига жуда қаттиқ берилган.

Уларнинг ўзи бу қоидаларни асло

бузишмайди ва айнан ўзлари қарши бўлган нарсани танлашмайди.

- Аха кейин яна ҳаммани қайта тозалайдилар. Икки бора хоинлик, - мингиллади Эдвард. -

Ҳеч бир муаммосиз.

Жаспер бош чайқади.

- Йўқ, Карлайл ҳақ. Вольтури қоидани бузмайди. Буни бирорта янги бўлган бошқа одам

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қилган. Менга ҳам Вольтуридагилар келишии сира ёқмасди, аммо иш шу дарајсага етар экан тез орада улар ҳам келишади.

- Унда кетдик! - кучли хирс билан қичқирди Эмметт. - Нимани күтляпмиз?

Карлайл ва Эдвард бир-бирига тикилиб қолишиди. Эдвард бош қимирлатди.

- Жаспер, сен бизга ўргатишинг керак, - нихоят тилга кирди Карлайл. - Уларни қандай йўқ қилишини ўргатасан.

У журъатсиз ҳолатда гапирганини кўзларидан сездим: Карлайл зўравонликларга тоқати йўқ эди.

Мен эса ҳануз нималар содир бўлаётганини ақлим бовар этолмасди.

- Бизга ёрдам керак бўлади, - деди Жаспер. - Балки Таняниг оиласидан кўмак сўрармиз?..

Бешта вояга етган қонсўрак уруида бизга фойдали бўларди. Кэйт ва Элиязар ёрдами билан биз

осонгина ғалаба қозонган бўлармидик.

- Келинглар сўраб кўрамиз, - деди Карлайл.

Жаспер унга телефон гўшагини тутқазди.

- Вақтни кетгизмайлик.

Мен ҳеч қачон Карлайлни бунақа қиёфада кўрмаганман.

Таниши ракамни териб гўшакни қулогига олиб бораркан, сўнгра ҳеч ким ҳалақит бермасин

деб бурчакка суюниб кутиши садосини эшиштганича узоқ узоқларга ҳаёлан кетди.

Эдвард мени елкамдан тутиб оппоқ икки кишилиқ диванчага ўтиргизди ва ўзи киприк

қоқмай Карлайлга қараб қолди.

Карлайл тез ва паст овозда гаплашиди - ҳеч нарсани илгаб бўлмасди. У Таня билан қандай

саломлашгани ва ўқдек тез бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб бераётганини кўриб турадим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Қизиғи Аляскадаги қонсүраклар ҳам Сиэтлдеги ҳодисалардан хабардор экан.

Карлайлнинг овози тўсатдан ўзгарди.

- Аа! - ҳайрат билан қичқирди у. - Биз бунақа бўлади деб ўйдамагандик... Ирина бунақа

қилмаслиги керак эди.

Эдвард тош қотди ва кўзини юмди.

- Жин урсин! Лаънати Лоран дўзахда куйиб кул бўлсанг бўларди!

- Лоран? - кўзларимдаги даҳшатдан титраб сўрадим.

Эдвард Карлайлнинг фикрини ўқиётгани учун жавоб бермади.

Мен ўрмондаги Лоран билан бўлган учрашувни бир лаҳза ҳам эсдан чиқармайман. Ўшанда

Жейкоб ўз тўдаси билан келган пайтидаги айтган гапларини асло унумтмайман.

«Айнан у мени шу ерга жўнатди...»

Виктория. Аввало у вазият қандайлигини билиш учун Лоранини бу ёққа жўнатган. Бироқ,

бўрилар уни ортига қайтишига тўсқинлик қилишиганди.

Ахир Лоран Жеймс ўлгандан кейин ҳам Виктория билан муносабатини асраб қолган экан,

кейин эса Аляскага Таня оиласидагиларга бориб қўшилганди - улар билан бир йилча дўстона

яшаган эди.

- Ҳа албатта, гап бўлиши мумкин эмас, - деди Карлайл. - Биз шартномани бузмаймиз. Улар

ҳам қоидада қаттиқ туришиади. Аммо сиздан буни эшиштиши жуда аламли. Албатта. Биз ўз

кучимиз билан ҳал қиласиз.

Жавоб ҳам кутмай, Карлайл гўшакни қўйиб қўйди.

- Нима гап? - Эмметт секин Эдвардга қаради.

- Ирина ва Лоран биз ўйлагандан кўра яқинроқ алоқада экан.

Чамаси Лоран Беллани

ўлдиришига борганида бўритуслар уни парчалаб ташлаганди.

Ирина эса аламзада... - Эдвард

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

жим бўлди ва менга қаради.

- Гапираверинг, - дедим мен секингина.

- Ирина қасос олишини истайди. Бутун бўрилар тўдасини йўқ қилишини истайди. Улар бизга

кўмакка келишлари мумкин экан.

- Йўқ! - оҳ тортдим мен.

- Ҳавотир олма, - деди у мени кўнглимни кўтариб. - Карлайл ҳеч қачон бунга кўнмайди. - У

секинлашиди. - Ва мен ҳам рози бўлмайман. Лораннинг ўзи айбордор, - деярли бақириб гапирди

Эдвард. - Биз бўрилар олдида қарздормиз.

- Ишлар унда жуда ёмон, - деди Жаспер. - кучлар тенг. Бизнинг тарафда билим ва тажриба,

уларда эса сон устун. Биз ғалаба қозонишимиз мумкин. Аммо бунинг тўлови нима? - у Элисга

қаради.

Мен Жаспер нимани ўйлаганини англаб етганимда сал қолса қичқириб юборардим.

Биз ғалаба қозонамиз ёки мағлуб бўламиз. Аммо кимдир ғалабагача омон қолмаслиги

мумкин.

Мен кўз ташладим: Жаспер, Элис, Эмметт, Розали, Эсми, Карлайл... ва Эдвард. Менинг

оилам.

XIV боб. Икрор

- Сен ҳазиллашаяпсан! - дедим мен чоршанба куни тушиликдан сўнг. - Ахир бу гирт

ахмоқлик-ку!

- Нима деб номласанг номлайвер, - деди Элис. - Аммо кечки базм барибир бўлади.

Мен ундан қўзимни олиб қочиб ўқрайиб ўтиравердим.

- Белла, хўп десанг-чи! Байрамни рад этишга ҳеч бир баҳона йўқ. Аксига олиб

таклифномалар аллақачон юбориб бўлинган.

- Лекин... мен...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Сен ҳар қалай менга совға сотиб олғандирсан, - эслатди Элис.
- Сенинг бошқа ҳеч нима
қилишинг керак бўлмайди, шунчаки келасан, ўтирасан бўлди.
Мен ўзимни қўлга олишига уриндим.
- Бу ёқда шунчавоқеа содир бўлаётган бир паллада, қандай
қилиб кўнглингга базм сизади?
- Нимаям содир бўларди? Бор йўзи битирув оқшоми! Қачон
ўйнаб куламиз яна, ҳозир
кувнамасак?
- Элис!
- У ҳўрсинди ва ўзини жиiddий тумтишига уринди.
- Биз нимадир қилишимиз керак ва бунга албатта вақтимиз
бўлади. Ҳозир эса бундай
ажойиб воқеани нишонлашга ҳеч нарса ҳалақит бермайди.
Белла, сенда бунақа имконият
иккинча марта бўлмайди.
- Эдвард боядан бери баҳсимизга қўшилмай турган эди, шартта
Элисга ўткир нигоҳ
ташлади. Жинни қиз эса акасига тилини чиқариб аҳмоқ қилди.
- Аввало нима қилишимиз керак? - сўрадим сухбат мавзусини
дарҳол ўзгартириб.
- Жаспернинг ўйлашича бизга ёрдам керак, - оҳиста гапира
кетди Эдвард. - Таня оиласи бу
ягона мўлжалимиз эмас. Карлайл бошқа эски қадрдонларини
изляяпти, Жаспер бўлса Питер ва
Шарлоттани изляяпти. У Мария билан боғланиб кўришини ҳам
бир ўйлаганди... аммо
жанубликлардан яхшилик чиқмаслигини у жуда яхши билади.
Элис енгил титраб қўйди.
- Аммо ҳаммани ҳам кўндириб бўлмаса керак, - давом этди
Эдвард. - Кимга ҳам ёқарди
итальянларнинг бу ёққа келиши?
- Бу дўстлар дегани... улар ҳалиги... вегетарианлар эмас-а,
тўғрими? - ҳаяжонланиб сўрадим

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

мен, Калленлар оиласи ўзларини ҳазиллашиб шунақа чақиргани ёдимга тушиб.

- Йўқ, - жавоб берди Эдвард.

- Улар бу ерга келишадими? Форксгами?

- Улар дўстлар, - тинчлантириди мени Элис. - Ҳаммаси яхии бўлади. Ҳавотир олма. Аксига

олиб, Жаспер янгилар билан қандай олишии ҳақида дарс ўтишии керак ҳали...

Бу сўзлардан Эдвард жонланиб жилмайди, мен эса аксинча ошқозонимга мих қадалгандек

бехузур бўла бошладим.

- Қачон кетасизлар? - зўрга сўрадим.

Кимдир орқага қайтмаслигини ўйлашга ҳам қўрқиб кетаётгандим. Балки бу Эмметт бўлса-

чи? У жуда кучли ва ўзига бино қўйган дараҷада довюрак бўлса ҳам баъзида эхтиётсизликни

унутиб қўяди. Ёки Эсми? Қандай меҳрибон ва ғамхўр, ҳақиқий онамдек - уни жсанг

қилаётганини тасаввур эта олмайман. Ёки? Ушоқдеккина, деярли ҳимоясиз Элис. Ёки...

- Бир ҳафталардан сўнг, - деб қолди Эдвард. - Бир ҳафта етади.

Ўткир тиёдек нарса ошқозонимга янада санчилди. Кўнглим айний бошлади.

- Негадир сен кўкариб кетдинг-а, - эътибор қилган бўлди Элис. Эдвард мени қучоқлади ва ўзига яқин олди.

- Белла, ҳаммаси яхии бўлади, ваъда бераман.

«Ҳа, албатта, - ўйладим мен. - Ваъда бериши осон. Ахир у игна устида ўтирганича эсон омон

қайтармикан деб кутиб ўтирмаиди-да».

Тўсатдан ўзимча ўйлаб қолдим. Балки кутиб ўтириши шартмасдир. Бир ҳафта - деярли

етарли вақт.

- Сизга ёрдам керак бўладими, - секин сўрадим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

– Албатта керак. - Элис менинг ички оҳангимни сезиб секин боши чайқади.

Мен унинг нигоҳларига қарадим ва эшишилар эшишилмас овоз чиқардим:

- Мен ёрдамга тайёрман.

Эдвард тўсатдан ўзгариб, мени янада қаттиқроқ қучди ва хўрсиниб қўйди.

Элис хотиржам ҳолатда жавоб берди:

- Бунақа ёрдамни ҳеч кимга бериб бўлмайди.

- Нима учун? - дедим мен таслим бўлгим келмай. Овозимда алам ва газаб сезила бошлади. -

Саккиз еттидан кўра яхши-ку. Вакт ҳам ҳали етарли.

- Белла, сени тайёrlашига вактимиз етмайди, - истар истамас жавоб қилди Элис. -

Эслайсанми Жаспер ёшлар ҳақида нима деганди? Жангда сен ўзи ички ҳисларинг билан овора

бўлиб қоласан ва фақат оёқ остида ўралашиб бизга ҳалакит берганинг қолади холос. Эдвард эса

сенга ёрдам бераман деб ўзи азият чекиб қолиши мумкин. - у қўлларини кўкрагига қовушириб

рад этиб бўлмас таъзиқларини тамомлади.

Мен Элиснинг ҳақлигини биламан, албатта. Тасодифий илҳомлантирувчи гоям сўнди,

қўйди.

- Сенинг қўрқишингга умуман арзимайди, -деди Эдвард қулогимга пичирлаб.

- А! - Элис бир лаҳза жим бўлиб қолди ва секин норози қиёфада ҳўмрайди. - Одамлар

сўнгги лаҳзада рад этишиса сира ҳам чидай олмайман. Нима ҳам дердим, меҳмонлар сони

олтмиш бештага камаядиган бўлди...

- Олтмиш бештага! -ҳайрат билан Элисга қарадим.

Менинг дўстларим бунча бўлиши мумкин эмас, хатто танишларимни ҳаммаси ҳам бунча

эмас.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ким келмас экан? - қизиқди Эдвард.

- Рене.

- Нега? - ох тортдим мен.

- Онанг сенга қандайдир куттимаган совга қилмоқчига ўхшайди. Уйда автоможавоблагичда сенга хабар қолдирибди.

Бир лаҳза ўзимни енгил сездим. У ерда ойим нима қолдирган бўлса ҳам бу фақат

яхшиликка. Агар у Форксга келса борми... хатто ўйлашга ҳам қўрқаман.

Уйга келсам автоможавоблагич хира ёниб турган экан. Мени янада хурсанд қилган нарса:

ойимни айтишича машгулотда Фил сон суягини синдириб олибди ва уни ёлгиз ташлаб кетиши

мумкинмаслиги сабаб кела олмас экан. Ойим яна бир бор тинмай узр сўраётган эди, хабар вакти тугаб овози ўчиб қолди.

- Ҳар қалай, битта одам - хўрсиндим.

- Қанақа битта одам? - сўради Эдвард.

- Ҳар қалай битта бўлса ҳам кимнингдир дам олиши куни ўлдириб қўйишмасликларидан ҳавотир олмайман энди.

Эдвард менга ёш болага қарагандек қаради.

- Нега Элис билан иккингиз бунга жиоддий қарамайсизлар-а?

Ахир бу ҳазил эмас-ку! -

тўнгилладим мен.

У жилмайди.

- Ўзингга ишон.

- Жуда соз! - дедим мен.

Гўшакни олиб онамнинг рақамини тера бошладим. Аниқ биламан сухбат узоқ чўзилади ва

ундан ҳам қизиғи менга гапиришига ҳам вакт тегмаса керак.

Айниқса ойимни ҳавотир олмаслигини, бундан хафа эмаслигимни ишонтириш анча вактни

олди. Ундан кўра эри Филнинг тезроқ согайиб кетишини сўрадим. Ва албатта базм тугагач

телефон қилиб барча икир-чикирларигача сўзлаб беришини ваъда бердим. Суҳбатни тугатиш

учун имтиҳонларга тайёрланаман деб баҳона қилишга мажбур бўлдим.

Эдвард сабрсизлик билан қараб туради. Аммо одоб билан, суҳбатимни якунлаб

бўлгунимча мендан кўзини узмай турди. Балки мен енгилтак ҳаёл қилаётгандирман. Бошимда

шунча жиоддий муаммолар турган бўлса-да, унинг мана шу табассуми кетидан ҳамма

ҳаёлларни бир лаҳза яна унумиб юбордим. Кутирган қонсўраклар қўшинини ҳам, ўгай

отамнинг синган оёгини ҳам, хатто ойимнинг узрларини ҳам унумтдим.

Мен гўшакни қўярканман, секин Эдвардга яқинлашдим. Эдвард мени даст кўтариб оиҳона

столи устига ўтиргизди. Ва секин унинг лаблари менинг лабимга келди...

Аммо у ҳар сафаргидек тезда ўзини ортга тортиш қилди.

Юзимда хафалик акс этди. У кулимсираб, мени қучогидан қўйвормай шунчаки силаб

ўтироди.

- Сен менинг ўзимни идора эта олмай қолишимни билмайсан-да.

- Агар сен астойдил истасанг! - тўнгилладим мен.

- Эртага дарсдан сўнг, - гап бошлиди Эдвард мавзуни ўзгартириш учун, - мен Карлайл,

Эсми ва Розали билан овга кетаман. Атиги бир қанча соатга: биз яқин орада ов қиласиз. Элис,

Жаспер ва Эмметт сенга қараб туради.

Мен норози бўлиб тўнгилладим. Эртага битирув имтиҳонлари бошланади, тушдан кейин

эса буткул бўши бўлардик. Бизнинг олдимизда математика ва тарих фанидан имтиҳон муаммо

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бўлиб турарди. Аксига олиб бундан сўнг Эдвардсиз вақт ўтказиши эса янада асабийликдан бошқа нарса эмас.

- Менга энагалик қилишиса сира тоқат қилолмайман.
- Бу вақтинча, - ваъда қилди у.
- Жаспер зерикуб ўлади мен билан. Анави Эмметт бўлса мени калака қилиб жисгимга тегади.

- Улар иккиси ҳам ўзларини жуда яхши туттишиади.
- Ҳа албатта, - тўнгилладим яна.

Аммо миямга бошқа бир гоя келди, ана энди энагалар керак бўлмайди.

- Биласанми... мен Ла-Пушда, ўша гулҳан атрофида ўтирганимда ўзимни анча беҳавотир сезгандим.

Мен дикқат билан Эдвардинг юзига қарадим, ҳар қалай унинг юзи ўзгармади, аммо

барибир сал ичидан зил кетди.

- У ерда мен ҳавфсизман, - эслатдим мен.

У ўйланиб қолди.

- Умуман олганда сен ҳақсан.

Эдвардинг юзи янада хотиржамлашиди. Мен унинг бу ўзгаришидан ажабланниб, гапни

ўзгартиримоқчи бўлдим:

- Ахир сенинг ҳам боргинг келаяпти-ку овга, тўғрими?

Мен Эдвардинг кўзларидаги таниши сояни кўрдим.

- Унчалик эмас, - хоҳламай жавоб берди Эдвард.

Мен ажабландим ва тушунтиришини кутиб турдим.

- Биз куч тўплаб олишимиз керак, - яна истамай деди. -

Сиэтлгача йўлда барибир ов

қиламиз.

- Кейин сизларянада кучлироқ бўласизларми?

Эдвард дик этиб менга қаради, унинг кўзида фақат қизиқувчанлик акс этиб турарди.

- Ҳа, - ва ниҳоят жавоб берди у. - Одам қони кўпроқ куч беради.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен ҳўмрайдим. Агар нимадир ғалабани кучайтириб бергудек бўлса... шу тобда Эдвардни

асраб қолиши учун одам ўлдиришга ҳам рози эдим. Ва дархол даҳшатли фикрни миямдан ҳайдашга тушиб кетдим.

Эдвард яна мавзуни бошқа ёққа буришига уринарди:

- Айнан шунинг учун улар шунақа кучли. Янгилар ўз қонларига тўла. Уларнинг қони ҳамон

аслиятича туради ва уларга чексиз куч бағишлаб туради.

Жаспер айтганидек, уларнинг танаси

бир йилга қолмай сўлиб, охири кучи тугаб қуруқлашиб қолади.

- Мен ҳам янгилигимда қанчалик кучга эга бўламан?

У тиржайди

- Мендан кучлироқ бўласан.

- Эмметтдан ҳам кучлими?

У яна кулворди.

- Ҳа. Менга ваъда бер. Қачонки шу кун келса ва кучли бўлиб қолсанг, у билан куч синашиб

кўр, майлими. Бу унга сабоқ бўлади.

Мен ҳам кулдим: албатта!

Кейин эса яна ҳўрсиндим: қиласиган иши йўқ. Энди имтиҳон ҳақида ҳам ўйлаш керак,

бахтимга Эдвард ёрдам бериб туради. Энг азоблиси имтиҳон олдидан кутиши. Ўзимни

чалгитиши учун иниш ёзгим келди, масалан «Жанубий штатлардаги қонсўраклар уруши» деган

мавзуда.

Мен бир дақиқа ичида Жейкобга қўнғироқ қилдим. Эдвард бу сафар ҳам ойим билан

гаплашганимдагидек хотиржам кафтиими силаб қараб турди.

Ҳар қалай унга кун ярмида қўнғироқ қилган бўлсам ҳам, менинг қўнғирогим Жейкобни

уйготиб юборди. Уйқусираган оҳангидан Квилетлар мактабида аллақачон таътил эканини

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бидим, шунинг учун у эртагаёк келишиим мумкинлигини, кўзи тўрт бўлиб кутишини айтди.

Эдвард барибир ич-ичидан изтироб чекаётган эди.

- Имтиҳон қалай бўлди? - сўради Эдвард Ла-Пушга кетаётганимизда.

- Тарихдан деярли муаммо бўлмади. Аммо математикадан аниқ йиқилсам керак.

Эдвард жилмайди.

- Менимча яхши топширган бўлсанг керак. Агар хоҳласанг, устоз Варнерни пул билан

кўндиришиим мумкин, шунда сенга беш қўйиб беради.

- Э... раҳмат. Аммо керак эмас.

У яна кулди, аммо бурилишга етганимизда у жиоддийлашиди. Биз энг сўнгги чегара

бурилишига келган эдик. Сал нарида Жейкобнинг қизил машинаси кўринди. Машинани четга

тўхтатди ва чуқур нафас чиқарди.

- Нима бўлди? - сўрадим эшикни очарканман.

Эдвард бошини силкитди.

- Ҳеч нима.

У дикқатлик билан Жейкоб турган томонга қараб қолди - бу нигоҳни мен биламан.

- Сен Жейкобни эшитишига уринаяпсанми? - сўрадим.

- Бор томоги билан бақираётган одамни эшитиши осон иш эмас.

- Нима, у бақираяптими? - пичирлаб сўрадим мен.

- Аниқ биламанки, уни ўзи сенга айтиб беради, - қуруққина жавоб берди Эдвард.

Мен ундан жавоб кутдим, аммо Жейкоб яна икки марта садо бериб чақирди.

- У жуда одобсиз - деди Эдвард.

- У ўзи шунаقا табиатан. Бори шу, - Жейкоб яна бирор шумлик бошламасидан мен сакраб машинадан тушибдим.

Мен доим иккисининг ҳам бирдек тушиб қўл бериб
кўришишиларини жуда истардим, худди
дўстлардек, худди Эдвард ва Жейкобдек, ҳеч қанақа қонсўрак
ва бўритусдек эмас.

Мен хўрсиндим ва Жейкобнинг машинасига ўтирдим.

- Салом! - қувноқ оҳангда саломлашиди Жейкоб, аммо овозида
чарчоқ бор эди.

Ла-Пуш йўлида Жейк машинани тез ҳайдади, аммо Эдварддек
тез эмас. Мен Жейкка
тиклиб қолдим.

У ўзгариб қолибди: касалмикан? Қовоқлари шишиган, хоргин
қанақадир. Сочлари

нахмоклашиб кетган.

- Жейк, аҳволинг яхими?

- Ҳа, шунчаки бироз чарчабман шекилли, - бир эснаб қўйиб
Жейкоб сўради: - Бугун нима

билан шугулланишини хоҳлайсан?

Бир сония жимиб қолдим.

- Кел, бугунча сеникида уйда ўтира тураман. - Менимча кўпроқ
бу Жейкка фойдалидек. -

Мотоциклда бошқа сафар учамиз.

- Майли, - рози бўлди у ва яна эснаб кетди.

Уйда ҳеч кимса йўқ эди, қизиқ: мен доим уйда Билли амаки
бўлишига ўрганиб қолган

эканман.

- Отанг қани?

- Клируотерларникуга кетди. Гарри, ўлганидан бери шундай:
Сью ўзини жуда ёлғиз

сезаяти.

Жейкоб эски диванга ўтириб олиб, ёнидан менга жой қолдириди.

- Отанг жуда яхши иш қилибди. Бечора Сью.

- Хмм... унинг муаммолари... болалари билан, - кутимагандা
айтиб қолди Жейкоб.

- Албатта, Сет ва Ли менимча отаси ўлимидан ҳамон ўзларига
келишиолмаётган бўлса

керак...

- Хаа, - бепарволарча тан олди у ҳам.

Телевизор пультини олиб каналларни титкилай кетди, кейин яна эснаб қўйди.

- Жейк, сенга нима бўлди? Ҳудди зомбидексан!

- Кеча икки соат ухлаганман, кечадан аввал эса тўрт соат, - жавоб берди у керилиб. Жейк

чап қўлини диванга тирааб бошини деворга сурди. - Шундоқ оёғимдан қариб кетаяпман.

- Нега бундай кам ухляйсан? - сўрадим секингина.

- Сэм билан ҳеч келиша олмаяпман. У сенинг қонсўрагингга ишонмайди. Мана мен икки

ҳафтадан бери икки марталаб навбатчилик қиласяпман. Бирор қўлини учини теккизмади менга.

Аммо барibir Сэм ишонмаяпти, шу сабаб мени бошқага алмаштиргиси йўқ.

- Икки марталаб назорат? Сен мени шундай қўриқлаяпсанми? Жейк, нақадар аҳмоқлик!

Сен ухлаб олишинг керак. Менга ҳеч нима бўлмайди.

- Ҳавотир олма ҳаммаси жойида. - Унинг кўзлари зўрга юмилай дер эди. - Сизлар ким

сенинг хонангда бўлганини аниқладингизларми? Қанақадир янгилик борми?

Иккинчи саволни мен эътиборга олмасликка уриндим.

- Йўқ, ҳозирча келган ташрифчи ҳақида ҳеч нима билолмадик.

- Унда мен сени қўриқлайвераман, - деди Жейк ва унинг кўзлари юмилди.

- Жейк... кккккккккккк- деб сўрамоқчи бўлдим мен.

- Эй, мен ваъда берганимдек сенинг қулинг бўлавераман? Мен сени то ўлгунимча

қулингман.

- Менга қул керакмас!

Жейкоб шу деганича кўзини очмади.

- Унда ким керак сенга?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Менга ўзимнинг дўстим Жейкоб керак, ўзича ахмоқона жиннилик қилаётган ярим мурда керак эмас...

- Кел, вазиятга бошқа кўз билан қараб кўрамиз. Мени кетимдан битта қонсўрак эргашиб юрибди. Мени ўлдириши учун.

Мен жисм бўлиб қолдим. Жейкоб менга қаради:

- Белла, ҳазиллашим.

Мен телевизор экранидан кўзимни узмадим.

- Айтганча, келгуси ҳафтаға режсаларинг қанақа? Ахир сен мактабни тамомляпсан-ку!

Анчайин муҳим кун.

Жейкнинг овози анчайин жонсиз чиқди. Юзику анча хоргин, битта кўзи юмилиб бўлди.

Бунақа жиоддий мавзуда ҳозир гаплашмаганим маъқул.

- Ҳеч қанақа муҳим нарсани режса қилмадим, - эҳтиёткорона жавоб бердим, умид қиласманки

Жейкоб менинг гапимни тушунди ва ортиқча асослар сўраб ўтирумайди.

Биринчидан, ҳозир у ўзида эмас, уйқусираб ўтирибди, жиоддий мавзуда гаплаша олмайман.

Иккинчидан эса у менинг шубхаларимни бошқача тушунишини истамайман

- Умуман олганда базм бўлади. Мен учун. - Мен норози оҳангда тўнгилладим. - Элис

базмларни ёқтиради, шу сабаб бутун шаҳарни таклиф қилган. Ҳақиқий даҳшат бўлса керак!

Жейкоб кўзларини очди, юзида табассум пайдо бўлди.

- Мени таклиф қилишмади-ку. Мен хафа бўлдим! - тўнгиллади.

- Ўзингни таклиф этилдим деб ҳисоблайвер. Кеча меники, демак кимни таклиф қилишини

ҳам ўзим ҳал қиласман.

- Раҳмат, - шивирлади у ва яна кўзлари юмилди.

- Сен келсанг ростанам яхии бўларди, - дедим умидсиз ҳолатда

- Сен билан янада қизиқроқ

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ва қувноқроқ бўларди.

- *Ха албатта, - хириллаб қўйди. - Бу жуда яхши ва соз бўлар эди... - у тинчиб қолди.*

Сал ўтиб эса хуррак ота бошлади.

Бечора Жейкоб! Мен унинг уйқудаги чеҳрасига термулиб қолдим, у менга янада ёқиб

кетди: ухлаётган вақтда инсондаги ҳамма ғазаб, алам, қаҳр бирдан йўқолиб, яна аввалгидек илк

марта мен дўстлашган содда меҳрибон ва оддий болага айланиб қолгандек бўлди.

Мен унинг уйқусини бузмаслик учун бироз секин ҳаракат қилиб қулай ўрнашиб олдим. У

уйгонгунича диванда кутиб ўтираман дедим. Каналларда изгиб кўришига ҳеч вақо бўлмаса ҳам

пазандачилик ҳақидаги кўрсатувни мажбуран тикилиб ўтирарканман ҳеч қачон дадамга

бундан таомлар пишириб бера олмаслигимни тасаввур қила кетдим.

Жейкоб янада кучлироқ хуррак отди.

Тўсатдан менда ғалати хотиржамлик қуришаб олди. Бу уй мен учун энг ҳавфсиз,

ўзимнициданда азиз туюлиб кетди. Сабаби айнан шу ерда мени ҳеч ким таъқиб эта олмайди.

Овлай олмайди. Мен ҳам ухламоқчи эдим, аммо Жейкобнинг хурраги ҳалақит бериб туради.

Ухламаганим учун ҳаёлларимга эрк бердим.

Имтиҳонларим тугайди, математикани ҳисобламаса деярли ҳаммаси тамом эди. Аммо уни

ҳам бир амалладим шекилли. Ва нихоят мактабни тамомлайман ва инсонийлик ҳаётим ҳам

тамомланиши керак эди. Мен шунга тайёрман деб ўйлайманми?

Қизиқ, қанча вақт Эдвард «сен бундан эмас, бошқа нарсадан қўрқишинг керак» деган

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

иборасини тақрорлаб юраркан яна. Эртами кечми мени пайтим келади-ку.

Аммо Эдвард бир жойда ҳақ: мен ҳали тайёр эмасман.

Ва мен ўзимни ақлли тутишим керак. Мени айнан Эдвард айлантиришини истайман. Ҳеч

бир зиддиятсиз, ўзга истаксиз. Балки бир лаҳзалик тишилашдан сўнг заҳар қонимга аралашиб,

ким мени айлантирганини фарқи бўлмай қолар.

Аммо барибир танлов сабабини тушунтира олмаяпман. Барибир Эдвард танлайди бу ишни.

Ахир мен билан шу қадар бирга бўлиш учун ҳам тиришиб ҳаракат қилиши керак. Унинг теккан

лаби ёки тиши изи менинг хотирамда мангу қолиши керак. Айнан унинг заҳри мени

ўзгартирсин ва шунда мен уни буткул ҳис қиласиган бўлай.

Аммо биламанки, Эдвард тиши

тиргонги билан тўйгача сабр қил, деб туриб олади.

Мен шу ёзда тўйим бўлаётганини ота-онамга қандай айтишимни тасаввур қилдим. Анжела,

Бен ва Майкка бу ҳақда қандай айтаман. Ҳа тилим қотиб қолса керак! Сўз топилмаса керак!

Унданам даҳшати, қонсўракка айланиб қолишим ҳақида айтиганимда ойимнинг юзини тасаввур

қиласиганман.

Ва тўсатдан бир лаҳза ўзимни Эдвард билан кўрдим. Бошқа асрда бошқача русумда

кийиниб олганимизча, қўлимда никоҳ узугини кўриб ҳеч ким бармогини ниқтаб кўрсатмайди.

Бу оламда ҳаммаси оддий бўларди - ва севги ҳам. Бир қўшилган бир иккига тенг бўларди...

Жейкоб хўриллади ва ёнбош бўламан деб диванда турган қўли мени елкам оша тушиб мени

қучоқлаб олди.

Бунча оғир бўлмаса бу Жейкоб. Бир неча сонияда терлаб кетдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен унинг қўллари орасидан секин сиргалиб чиқмоқчи бўлиб қўлини ўзимдан тортиб

олган эдим, Жейк кўзини очди. Оёгини тапиллатиб олди ва менга ҳавотирли қаради.

- Нима? Нима бўлди? - ўйламай сўради.

- Жейк, бу мен. Узр, сени уйғотиб юбордим.

У менга қаради ва бироз титраб қўйди.

- Белла? Сенмисан?

- Хайрли тонг, уйқучи.

- Жин урсин! Ухлаб қолдимми? Кечирасан. Узоқ ухладимми?

- Лекин бу вақт ичига телевизорда бутун бошли базми жамишидни кўрсатишди.

Жейк пишиллаб яна диванга ётди.

- Узр, марҳамат.

Мен унинг бошини қашиб, каттакон пахмоқ сочини тарагандек бўлдим.

- Ҳа яхшида. Сен бироз бўлса ҳам ухлаб олдинг.

У яна эснаб терлаб кетди.

- Охирги пайтда мендан ҳеч бир фойда йўқ. Дадам ҳам уйда йўқ, сабаби мен билан зерикиб

ўлиш мумкин-да.

- Ҳаммаси жойида, - тинчлантиридим.

- Йўқ, кел кўчага чиқамиз. Мен айланиб келишим керак, йўқса яна мудраб қоламан.

- Жейк, яна озроқ ухлашинг керак. Менга ҳеч нима қилмайди.

Эдвардга телефон қиласман ва

у мени олиб кетади. - мен чўнтағимни титкиладим - бўм бўши.

Жин урсин, сенинг

телефонингдан қўнгироқ қилишимга тўғри келади. Менимча телефонимни машинада унубиб

қолдирган бўлсан керак. - Мен ўрнимдан тура бошлаган эдим.

- Йўқ! - Жейкоб мкни қўли билан тўхтатиб қолди. - Йўқ, қола қол. Сен анчадан бери

меникига келмай қўйдинг, мен ахмоқ шунча вақтимни беҳуда ўтказиб ухлаб ўтирибман!

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкоб мени қўлимдан ушлаб дивандан турдик ва кўчага чиқиб кетдик. Эшикка келганида

бошини эгиб чиқди, йўқса тепага уриб оларди. Жейкоб ухлаб қолган пайтда ҳаво совиб

қолибди анча - менимча бўрон келаяпти. Аммо бунақа ҳаво май ойидамас февралда бўларди!

Қишига ўхшаи совуқ ҳаво Жейкобни мудроқлигини тарқатиб юборди. Бир-икки дақиқа уй атрофига сайд қилдик.

- Қанақа мен ахмоқман-а! - тўнғилларди тинмай Жейкоб.

- Жейк, нима бўлди? Ўйлама, нима қилибди ухлаб қолган бўлсанг - ҳаммада ҳам бўлиб

туради! - елка қисдим.

- Мен сен билан гаплашиб ўтирмоқчи эдим.

- Ҳалиям кеч эмас.

Жейкоб бир сония менга қаради ва шартта юзини четга тортди. Қизардими? Тўқ

буғдоиранг терисида қизиллик у қадар кўзга ҳам ташланмайди.

Мен тўсатдан Эдвардни гапини эсладим: Жейкоб Эдвардга ҳаёлан бақириб айтган гапини

менга айтармиш. Мен лабимни тишладим.

- Биласанми, - деди Жейкоб, - мен буни сал бошқачароқ ҳолда бажармоқчи эдим. - у кулди,

ўзини устидан кулгандек туюлди. Ва қўшиб қўйди: - Янада мулойимроқ. Анчадан бери

айтишига тайёрланиб келардим, аммо... - у тобора тундлашиб бораётган осмонга қаради. -

Вақтим оз қолди.

Жейкоб қийналиб жилмайди. Биз оҳиста уй томон қадам ташладик.

- Нима демоқчи эдинг? - сўрадим.

Жейкоб чукур ух тортди.

- Мен бир нарса айтмоқчиман. Сен буни аллақачон биласан... аммо мен буни овоз чиқариб

айтишиим шарт. Ортиқ телбаликлар бўлмаслиги учун.

Мен юришдан тўхтадим, Жейкоб ҳам тўхтади. Мен ундан сал ўзимни олдим ва қўлимни

кўксимга қовушириб унга қарадим. Шу топда менга ҳаммаси аниқ-ошкор бўлгани сабаб

унинг сўз қотишини умуман истамаётган эдим.

Жейкоб қошини кўтарди, унинг остида эса тундек қон-қора кўзлари менга чарақлаб қаради.

- Белла, мен сени севаман, - ишонч билан аниқ гапирди Жейк. -
Мен сени севаман. Ва сен

уни эмас, мени танлашингни истардим. Биламан сен бунга бошқача қарайсан, аммо эсингдан

чиқарма, сенда доим танлаш имкони бор.

XV боб. Гаров

Мен жаҳлим чиққандек унга қараб турадим. Нима деб жавоб беришни билмасдим.

Жейкоб тўсатдан кулиб юборди.

- Бори шу, - деди у.

- Жейк... - Томогимга тош тиқилгандек бўлди. Мен йўталиб қўйдим. - Мени қолишига

имконим йўқ... яъни... кетар вақтим бўлди.

Мен ортимга ўғирилдим, у бўлса елкамдан тутиб ўзига қаратди.

- Йўқ, шошма. Белла, буни биламан. Аммо сен манга жавоб бер. Бор йўғи битта савол,

хўпми? Сен менинг бутунлай кетиб, бошқа қайтиб кўзингга кўринмаслигимни истайсанми?

Фақат ростини айт.

Мен бу саволга жавоб беришга шу қадар қийналардимки, аммо жавоб бериш имконига эди.

- Йўқ, хоҳламайман.

- Мана кўрдинг! - яна қулди Жейкоб.

- Аммо мен сени айнан мана шу сабабдан кўришини истайман дегани эмас-ку! - тўнгилладим

мен.

- Унда нега сен мен билан кўришасан. Мен ўйланиб қолдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Чунки сенсиз зерикарли. - мен сўзларни танлаб айта бошладим: - Сенинг кайфиятинг аъло бўлса, менини ҳам аъло бўлади. Бу худди дадам билан ҳам шундай. Мен сени худди укам ё акамдек яхши кўраман, аммо асло севган йигитдек эмас. Жейкоб чидамсиз ҳолатда бош иргаб қўйди.
- Аммо барибир ёнингда бўлишимни истайсан-ку тўғрими.
- Ҳа, - ҳўрсиндим.
- Унда доим ёнингда бўлганим бўлсин.
- Нима, мазах қиляпсанми?
- Ундаи эмас. - у бармогини бўйнимга теккизди. Мен эса унинг қўлини силтаб нари туртдим.
- Балки, ўзингни одоблироқ тутарсан-а? - жаҳл билан сўрадим.
- Йўз-а. Белла, танла: ёки мени шундайлигимча - жиннича одобсизлигимча қабул қиласан - ёки...
- Қандай заарали маҳлуқсан-а! - мен газаблангандек ўқрайдим.
- Ўзинг шунақасан.
- Унинг бу гапидан тўхтаб ўйланиб қолдим. Ростанам у ҳақ. Мен шунақа заарали маҳлуқман.
- Ҳам ҳудбин ва қизганчиқ. Дўстимга бу азоб бўлишини била туриб ўзимни шунақа тутаяпман.
- Жин урсин, мен ўзи бу ерда нима қиласяпман? Ҳеч нима!
- Сен ҳақсан, - пичирлаб қўйдим. У кулди.
- Мен сени кечирдим. Шунчаки мендан аччиқланма. Чунки мен энди курашмасдан таслим бўлмасликка қарор қилганман.
- Жейкоб. - Мен унинг қон-қора кўзларидағи жиддий маъносига дикқат билан қараб дедим.
- Мен уни севаман, Жейкоб. Усиз менга ҳаёт йўқ.
- Мени ҳам севасан, - эслатди у. Мен баҳслашишни бошлаган эдим, у қўлини кўтарди. -
- Мен бундай маънода айтмадим. У йўқ пайтида ҳаёт давом этгаётганди-ку. Сен бор эдинг, мен

ҳам. Бахтили эдик-ку. Аммо у келди ва осонгина мен билан ҳисоблашмасдан сени олиб қўйди.

Мен бошимни чайқадим.

- Сен қанақа одамсан-а!

Жейкоб куттилмагандага жиоддийлаши. Менинг иягимни ушлади, мен унинг чақноқ

кўзларидан ўзимни олиб қочолмасдим.

- Белла, ҳали кўксингда юрак уриб тураркан, мен курашаман, - деди Жейкоб. - Ёдда тут,

сенда танлаши имкони бор.

- Менда танлов ўйқ! - Мен ожизона ундан чиқиб кетишга уринардим. - Ва юрагим тез орада

уришдан тўхтайди. Вакти келди деярли.

- Энди аниқ курашии керак, ҳали имкон бор, - пичирлади у.

Жейкоб ҳамон менинг иягимни ушлаб турарди - қаттиқ ушлаб турарди, сал оғритди ҳам. Ва

шу пайт унинг қарашида у танлаган нарсани сездим.

- Йў... - мен рад этаман дедим, аммо кечикдим.

Унинг лаблари мени раддияларимни ютиб юборганича ўна кетди. У мени анча қўпол ва

газаб билан ўпар, қочиб кетмаслигим учун бўйнимдан ушлаб олганди. Мен бор кучим билан

унинг кўкрагидан итарардим, аммо у сезмасди ҳам. Газабга қарамасдан унинг лаблари меҳр

билан лабимни қисди ва мен ўзига хос ноодатий иссиқликни сездим.

Мен унинг юзини тирнардим, ундан нарироққа қочишига ҳаракат қиласдим. Ва яна

енгилганимни сезиб тўхтаб қолардим. Бу сафар енгилганимни сезган Жейкоб янада

дадиллашиб лаби билан янада талпинди ва мен унинг қайноқ нафасини сездим.

Ички тугёnlаримга эрк бериб мен қаршилик қилишини бас қилдим ва таслим бўлдим. Ҳеч

қандай ҳаракат қиласдан, то у ўпиб бўлгунича кутиб турдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Ёрдам берди шекилли. Унинг даргазаб кайфияти тарқаб, мамнуният ва қониқиши пайдо

бўлганида у мени қўйворди ва яна илиқ лабларимдан яна бўса олди... яна бир марта.. ва яна...

Мен уни тўхтатишни ҳайкалдек кутиб туравердим.

Ниҳоят Жейкоб мени қўйиб юборди.

- Тугадими? - сўрадим ҳиссиз овозда.

- Ҳа, - ҳансиради у.

Кўзини лаззатдан юмиб, мийигида кулган эди. Мен эса мушитимни тугиб, бор кучим билан

Жейкобни юзига урдим. Қарсилаган овоз эшиштилди.

- Вай! ай! - оғриқдан дод солиб жойимда сакраб, қўлимни кўксимга босдим. —Менимча

суягим синди.

Жейкоб ҳайрат билан орқага сурилган эди.

- Нима қилди?

- Сени деб! Сен қўлимни синдиридинг!

- Белла, ўзингни ўзингни қўлингни синдиридинг-ку. Вой-войламай тинч тур, кўрайчи нима

қилибди.

- Қўлингни теккизма! Мен уйга кетаман ҳозироқ!

- Ҳозир машинамни олиб келаман, - хотиржам жавоб берди Жейкоб.

Унинг хатто бир туки ўзгармади-я.

- Йўқ овора бўлма, пиёда кетаман, - тўнгилладим асабий.

Мен йўлнинг бу тарафига ўтиб олдим - чегарагача бир километр бор. Жейкобдан нари

кетишиим билан, Элис мени кўриши мумкин. Ва мени олиб кетгани ким биландир келади.

- Кел, мен сени олиб бориб қўяй, - мажбурлади Жейкоб.

Ярамас, мени безбетларча кўтариб олди.

Мен сакрашга уриндим ўхшамади.

- Жуда соз! - бақирдим. - Олиб бор! Шу баҳонада Эдвард сени нима қилишини бир томоша

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қилардим! Умид қиламанки, у сенинг бўйнигни синдириб ташлайди - ярамас кўппак!

Жейкоб яна кулди. Мени машина ўриндигига ўтиргизиб қўйдида, эшикни ёпди. Рулга

ўтирганида хатто ҳуиштак чалиб қўйди.

- Сен хатто оғриқни ҳам сезмадингми? - сўрадим.

- Оғриқ? Сен мени бурдалаб ташласанг ҳам ҳеч нимани сезмасам керак. Ҳа албатта, мен

тошдан эмасман. Мени тишимни ҳам синдириши мумкин.

- Жейкоб Блэк, сендан нафратланаман!

- Жуда соз. Нафрат - жуда ҳам эҳтиросли туйғу.

- Мен сенга кўрсатиб қўяман эҳтиросли туйғу қанақа бўлишини, - мингилладим мен. -

Ўлганингдан кейин эҳтирос қолмайди.

- Ҳа бўлди-да энди, - беозор тиржайиб гапирди у, ҳар бир сўзидан газабим келавераяпти. -

Бу ахир тошни ўлганингдан кўра анча ёқимли бўлди-ку.

- Фарқи сезилмади! - аламзада мингилладим.

- Бу шунчаки қуруқ сўз.

- Бу ҳақиқат!

Бир сония у жим бўлиб хафалашгандек бўлди, аммо яна жонланди.

- Сен шунчаки дарғазабсан. Умуман менинг бунақа ишида тажрибам йўқ эди. Аммо жуда

яхши бўлди.

Мен инграй бошладим.

- Сен бу ҳақида ҳали яна эслайсан - у ҳал қиласи нима қилишини.

- Балки қўрқинчли тушинг бўлиб яна эслатарман сенга бу кунни!

Жейкоб атайлаб шиллиққуртдек машинани жуда секин ҳайдай бошлади, атай менга кўпроқ

қараб қолиши учун вақтимни ўғирлади.

- Белла, бир ўйлаб кўр, бошқача бўлиши ҳам мумкин-ку, - қайноқ оҳангда паст товушда

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

гапира кетди у. - Мен учун ўзгаришингга ҳам ҳожсат үйк. Сен биласанку, агар мени танласанг

даданг ҳам бундан фақат хурсанд бўларди. Мен сени ўша қонсўрагингдан ҳам кўпроқ ҳимоя

эта оламан. Ва мен сени баҳтли эта оламан. Хатто у бера оладиганидан ҳам кўпроқ нарса ҳадя

эта оламан. У хатто сенга озор бериб қўяман деб ўтиша ҳам олмайди. Мен эса сенга ҳеч қачон

озор бермайман...

Мен унга синган қўлимни кўрсатдим.

Жейкоб ҳўрсинди.

- Бунда ўзинг айбдорсан. Ақлни ишлатиш керак эди.

- Жейкоб, усиз менга баҳт үйк.

- Сен уриниб кўрдингми ўзи? - дарғазаб бўлди Жейк. - У кетганида сен бор кучинг билан

унга талпиндинг. Сен баҳтли бўла олардинг, агарда ўзинг шуни истасанг. Мен билан баҳтли

бўла олардинг.

- Ундан бошқа ҳеч ким билан баҳтли бўла олмайман, - зўраки жавоб бердим мен.

- Сен ҳеч қачон унга менга бўлгандек ишонмаслигинг керак. Бир марта кетдими, яна

кетиши мумкин.

- Йўқ кетмайди! - тишиимни гижирлатдим. Хотиралар қиличдек ёдимни тимдалади. Яна

Жейкка мушиш туширгим келди. - Сен ҳам мендан бир марта кетган эдинг, - совуққонларча

эслатдим, узоқ ҳафталар давомида хат-хабарсиз ўткан кунларимни ёдга олиб. Ўрмон ёнида уйи

қаршиисида айтган гапларини ҳам эслатдим...

- Йўқ! - қаҳрли гапирди Жейкоб. - Улар сенга ҳавфсиз бўлишиим, учун атай ўзимни ошкор

этмаслигимни истаб таъқиқлашган эди. Аммо ҳар кеча уйинг атрофида изгиридим. Сендан бир

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

зум ҳам айро бўлмаганман. Мен сени тинч ва хотиржам бўлишинг учун қанча ойсиз тунларни

ўтказганман ахир. Сен қайдан ҳам билардинг.

- Мени уйимга олиб бориб қўй. Қўлим огрияпти.

Жейкоб яна ҳўрсишиб тезликни ошириб йўлга қаради.

- Белла, бу ҳақда ўйлаб кўр.

- Йўқ! - тўғри жавоб бера қолдим.

- Сен албатта ўйлаб кўрасан. Шу оқшом. Мен эса сен мен ҳақимда ўйлагунингча, ўзим сен

ҳақингда ўйлаб тураман.

- Сени фақат қўрқинчили тушиларда кўришим мумкин!

У кулди.

- Сени ўпаётганимда ўзинг ҳам жавоб қайтардинг.

Мен инградим. Шошиб синган қўлимни гижимладим шекилли, қаттиқ оғриди.

- Нима бўлди сенга? - сўради у.

- Мен сени ўтмадим!

- Мен эса бўлган нарсани айтаяпман!

- Бўлган нарса! Мен сени ўтмадим ярамас! Мен сендан бор кучим билан итариладим-ку!

Жейкоб хохолаб кулди.

- Таъсирчан жумлалар. Айтдим-а, ҳадеб бир гапни қайтарасан.

Мен ух тортиб нафас чиқардим. Манави Жейкоб билан баҳслашиш бефойда: нима деб

ўқталма барибир ўзи билганини тўқийди. Мен қўлимга эҳтиёт бўлишим керак. Суяк ва

пайларим орасидан оғриқ чиқарди. Мен оғриқдан тишишимни тақиллатдим.

- Рости, чин сўзим, қўлинг учун афсусдаман, - деярли самимий айттаётганди Жейкоб. -

Кейинги сафар мени ургинг келиб қолса лом ёки бейсбол таёгини олиб ур.

- Албатта шундай қиласман энди! - пўнгилладим мен.

Машина уйимиз ёнига келиб тўхтамагунча, қаерга келганимизга эътибор бермабман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Нега мени бу ёққа олиб келдинг? Жейкоб асабий менга қаради.
- Сен ахир уйимга элтиб қўй дединг шекилли?
- Эз! Сен мени Эдвардникуга олиб бориб қўя олмасмидинг? -
мен тишиимни гижирлатдим
жсаҳл билан.

Жейкобнинг афти буришиди. У менинг ҳозир айтган гапимдан
қаттиқ хафа бўлди, бу мен
аввал қилган гапларим ичида энг кучли таъсир қилгани бўлди
шекилли.

- Белла, бу сенинг уйинг, - оҳиста айтди у.
- Ҳа, бу ерда шифокор яшайдими? - сўрадим ярадор қўлимни
силтаб.
- Эх! - Жейкоб бир дақиқа ўйланиб қолиб менга қаради. - Мен
сени шифохонага олиб
бораман ёки даданг олиб боради.
- У ёққа бормиман. Нимага шифохонага бораман, уятдан ўлиб
қоламан-ку.

Жейкоб машинани уй ёнига тўхтатганди, аммо мотор
гувиллаб туради. Унинг юзида

ўйчан қиёфа акс этди. Дадамнинг полиция машинаси уй йўлаги
ёнида қаққайиб туради. Мен
хўрсиндим.

- Жейкоб, уйинга кетавер.
Беўхисов бўлиб машинадан тушиб бир қадам ташлагандим
мотор овози ўчиб қолди, ҳеч бир
шуубхасиз қарадим ёнимда Жейкоб кетиб борарди.
- Нима қилмоқчи бўляйсан? - сўради у.
- Қўлимга муз қўяман, кейин Эдвардга телефон қилиб олиб кет
дейман, у эса мени қўлимни

даволаши учун Карлайлга олиб боради. Агар сен ҳалиям ёнимда
бўлсанг, бирор бир лом излаб
топиб сени яшилаб ураман.

Жейкоб жим бўлиб қолди. Эшикни очиб мени кишишга ундади.
Биз жимгина меҳмонхонага
кирдик, дадам диванда ётган экан.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Салом, болалар! - деди у ва туриб ўтироди. - Жейк, сени кўрганимдан хурсандман!

- Салом, Чарли, - Жейкоб саломлашиб жойида тўхтади. Мен индамай оишонага ўтиб кетдим.

- Унга нима қилди? - ҳайрон бўлди дадам.

- Чамаси қўли синди, шекилли, - одобли болалардек жавоб берди Жейкоб. Мен музлатгичга

яқинлашиб музхонасидан муз бўлакчалари идишчасини олдим.

- Қандай қилиб синдириб олди?

Ўйлашимча дадам ҳамма оталардек энг мақбул ғамхўрона саволни бераётганди. Жейкоб кулди.

- У менга тушириб қолди.

Дадам эса жавобга кулиб юбора қолди. Мен эса асабийлик билан музчалар идишини сув

чаноқقا итқитдим. Муз тўртбурчаклар дувва дўлдек тўкилиб, мен сог қўлим билан оишона

сочиги билан музни тера кетдим.

- Нима сабабдан сенга ташланиб қолди?

- Шунчаки бир марта ўпганимга, - сал уялиб бошини эгди Жейкоб.

- Э баракалла, йигитни гули! - табриклади дадам.

Мен тишиимни тишиимга босиб телефонга яқинлашдим ва Эдвардни рақамини тера бошладим.

- Белла? - лаҳзада овози эшитилди - қувончдан овози бошқача эшитилди. Машина

моторининг гўнгиллаши ҳам эшитиларди - жуда соз, Эдвард демак йўлга тушган. - Сен

телефонингни унутибсан... Жейкоб сени уйингга олиб келдими?

- Ҳа, - тўнгилладим секингина. - Сен келиб мени олиб кета оласанми?

- Деярли келиб қолдим, - дарҳол жавоб қайтарди. - Нима бўлди?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Карлайл менинг қўлимга қараб қўйишини хоҳлардим. Чамаси қўлим синди. Меҳмонхона

тинчиб қолди. Қизиқ қачон Жейкоб жим бўлиб қолди экан?

Унга қанақа ёқимсиз

туюлаётганини тасаввур қиласяпман.

- Нима бўлди яна? - чидолмасдан сўради Эдвард.

- Мен Жейкобни урдим, - тан олиб қўя қолдим.

- Ажойиб, - ғалати оҳангда айтди Эдвард. - Эссиз қўлингга шикаст етказибсан. Мен кулдим,

унинг бу оҳангда боя дадам ҳам гапирганди.

- Ундан кўра унга шикаст етказсам бўларди! - хафа бўлиб кетгандек гапирдим. - Худди

филни чимчилагандек бефойда бўлди урганим.

- Мен буни қилишиим мумкин, - таклиф қилди Эдвард.

- Буни шунақанги хоҳлайманки. Эдвард секинлашибди.

- Қизиқ ўзингга ўҳшамайсан-а, - ғайратланди у. - У нима қилди ўзи?

- Мени ўпди, - дедим секингина.

Гўшакдан энг баланд кўтарилган мотор овози янгради.

Сукунатни меҳмонхонада

дадамнинг овози бузди.

- Жейк, эҳтимол кетадиган пайтинг бўлгандир, қара кеч тушиди, - сўраб қолди дадам.

- Агар хўп десангиз, бироз қолсам уйингизда.

- Ўзингга ўзинг қиласяпсан - тўнгиллади дадам.

- Анави итвачча ҳалиям уйингдами? - нихоят сўраб қолди Эдвард.

- Ҳа.

- Мен уйинг ёнидаман, - заҳарли оҳангда гапни тугатди.

Машина шовқинини эшишиб севинганимча гўшакни қўйдим.

Эдвард қаттиқ тормоз

берганига шиналари чийиллади. Мен эшикни очишга отилдим.

- Қўлинг қалай? - сўради дадам.

Дадамнинг чеҳраси анча саросимали эди. Жейкоб ҳеч нима бўлмагандек диванда ўтирарди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен музли дастагимни кўрсатдим.

- Шишиб кетди.

- Балки, кучинг етмаган одамга қўл кўтмармаганинг яхшиимиди, - деди дадам.

- Хмм балки, - дея эшикни очишга талпиндим. Эдвард аллақачон осто нада кутиб турган экан.

- Кўрсатчи, - қўлимни авайлаб кўрди. Унинг музли қўли теримни совутди.

- Ростанам синган кўринади - деди Эдвард. - Сен билан фахрланаман. Яхши қилибсан уни уриб.

- Бор кучим билан. Аммо кучим анчайин камлик қилди. Эдвард мулойимлик билан қўлимни ўпди.

- Меники етарли, - деди у ва тиник ва анчайин баланд овозда бақирса бўладими: - Жейкоб!

- Эй, секинроғ-е,! - талмовсиради дадам.

Дивандан аллакимнинг оғир равишда тургани эшиштилди.

Жейкоб биринчи йўлакда пайдо бўлди шекилли хатто дадам ҳам тўхтатиб қола олмади.

Жейкобнинг юзида тайёрман деган акс кўриниб туради.

- Ҳеч қанақа муштлашув бўлмайди, тушунарлими? - Дадам фақат Эдвардга қараб гапирди. -

Менинг бу гапим шериф нишонисиз ҳам сизларга таъсир қиласди деб ўйлайман.

- Буни ҳожати йўқ. - вазмин жаво берди Эдвард.

- Дада, нега мени ҳибсга олмадингиз? Ахир мен унга озор етказдим. Дадам қошини кўтарди.

- Жейк, сен айблов билдирасанми?

- Йўқ. - Жейк мийигида кулиб ўзича қиқиллади. - Яна зарба бўлса йўқ демасдим. Эдвард қутира бошлиди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- ккккккккккккДада, қаердадир беркитиб қўйган бейсбол таёгингиз йўқми? Дадам менга пинагини бузмади:

- Белла, бўлди қил.

- Кел қўлингни Карлайлга кўрсатгани борамиз, йўқса сени қамоққа тиқиши масин, - деди

Эдвард.

Мени қучиб эшикка юрди.

- Майли, - жавоб бердим ва унга эргашидим.

Эдвард ёнимда бўлса оғриқни ҳам сезмайман, жаҳлим ҳам тушиди.

Биз машина томон бораётган эдик, дадамнинг асабий бақириги эшишилди:

- Эй сен қаёққа? Томинг кетганми сен болани!

- Чарли, бир дақиқага холос, - жавоб қилди Жейкоб. - Ҳавотир олманг.

Жейкоб ортимииздан отилиб ташқарига чиқиб, дадамнинг бурни тагида эшикни ёпди.

Эдвард аввалига эътибор бермади унга. Мени машинага ўтиргизди ва эшикни ёпди. Кейин

ортига ўгирилиб - йўлакда турган Жейкобга қаради.

Мен машина ойнасидан қарадим. Дадам ҳам дераза пардаларини гизиллаб туширганини

кўрдим. Жейкоб қўлинни кўксига қовушириб олганича хотиржам туради. Аммо терисида титрашни сезардим.

Мулойим ва тинчликсевар овозда Эдвард унга ваъда берди:

- Сени ҳозир ўлдира олмайман. Белланинг кўнгли оғриши мумкин.

Эдвард, одоб билан сокингина ортига ўгирилиб менга қаради.

- Эрталаб балки бундан пушаймон бўларсан, - енгил табассум билан мени ёногимни

силади. Ва тезда Жейкобга қаради: - Агар яна уни шундай ҳолатда келтирсанг менга фарқи йўқ,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ким сабабчи: уни ўзи сени ўпадими ёки сен уни яна ўпасанми ёки бошингизга метеорит тушиб

кетадими, менга тўлиқ бус-бутун қайтармасанг тузилганингга пушаймон қиласман сени. Уч

оёқлаб чопадиган бўлиб қоласан.

- Ким айтди мени яна уни олдига боради деб? - тўнгилладим мен.

Эдвард менинг гапимни қулогига ҳам илмай, давом этди.

- Агар сен уни яна ўпсанг тишиларингни битталаб сувриб оламан, - майин товуида, аммо

ўлим таҳди迪 билан сўз берди у.

- Уни ўзи мени ўтишини хоҳлаб қолса-чи? - калондимоғлик билан ғўлдиради Жейкоб.

- Агар Беллани ўзи хоҳласа, унда майли мени жаҳлим чиқмайди бундан. - Эдвард

беозоргина елка қисди. - Сенга маслаҳатим кут. Токи уни ўзи истамас экан, сен уни ўтишингга

йўл йўқ - қаршилик қилсанг тишингдан умидингни узавер.

Жейкоб тиржайди.

- Хатто ҳаёлингга келтирма, - шангилладим.

- У ҳали бундай ўйлагани йўқ, - тўнгиллади яна Эдвард.

- Миямни ковлашни тўхтатиб уни шифокорга олиб борарсан, ахир Беллани олиб кетаётган

эдинг шекилли? - газабланиб гапирди Жейкоб.

- Агар яна битта ортиқча иши қилсанг, - секингина таҳдиод қилди Эдвард. - Мен ҳам қараб

турмайман. Эсингдан чиқарма. Бу сафаргидек аяб ўтирмайман. Дабдалангни чиқараман.

- Жуда соз, - хириллади Жейкоб. - Қандай ажойиб, тишиимни ковлашга чўп топиларкан.

- У меники. - Эдвардинг сокин овози янада қўрқинчли эшиштилди. - Мен сени

огоҳлантиридим.

- Мен ҳам тайёр тураман.

- Омадингни берсин!

Жейкоб бош қашиди:

- Арзийдиган одам ғалаба қозонсин.
- Худди шунақа бўлади... кучуквачча.

Жейкоб ўқрайди, аммо ўзида куч топиб менга жилмайиб қаради. Мен ҳам унга ёвқарашибилан қарадим.

- Умид қиласманки, сен тузалиб кетасан. Ростан ҳам қўлингни синдириб олганингдан жуда ҳам афсусдаман.

Мен ранжиган гўдакдек ерга қараб олдим. Қачонки Эдвард машинага қайтиб келиб миниб

олганидан сўнг Жейкоб кетибдими ёки ҳалиям турибдимикан деб қошимни кўтарсам у уйга кириб кетган экан.

- Ўзингни қандай ҳис қиляпсан? - сўради Эдвард, биз уйдан узоклашгач.

- Иблисданда баттарман.

У хохолаб кулиб юборди.

- Умуман олганда мен қўлинг ҳақида сўраган эдим.

Мен елка қисдим.

- Нима ҳам бўларди, бундан баттари ҳам бўлиши мумкин эди.

- Буниси аниқ, - тўнгиллади у ва хўмрайиб олди.

Эдвард уйи ёнига этиб келганимизда машинани гаражга қўйиш учун бурди. Гаражда

Эмметт ва Розали бор экан - қизнинг нозик гўзал оёқчаси кийган жинси шимидан ҳам яққол акс

этиб турар, у Эмметтнинг "жип"и остида алланимани ковларди. Эмметт бўлса унинг ёнида

туриб шунчаки «жип»ни ушлаб, худди домкратдек кўтариб турарди.

Эмметт синчковлик билан менинг машинадан тушаётганимга қараб турди, сўнгра кўксимга

қовуштириб олган қўлимни кўриб нигоҳи ўзгарди.

- Белла, нима акашак бўлиб қолдингми? - тиржайди Эмметт.

Мен ҳам асабий унга қарадим.

- Йўқ. Битта бўриваччани бетини ёрдим.

Эмметт каловланиб қолди ва бор овозида кулворди.

Эдвард билан уйга етай деб қолганимизда «жип» тагидан Розалининг хурсанд овози

янгради:

- Жаспер аниқ гаровда ютди.

Эмметт яна менга лаззатли бир хирс билан суқилиб қараб қолди.

- Яна қанақа гаров? - сўрадим қадамимни секинлатиб.

- Юр Карлайлни олдига бораильик, - деди Эдвард ва

Эмметтнинг шарм хаёсизлигидан

асабий бош чайқади.

- Яна қанақа гаров? - қайтардим яна.

- Розали, каттакон раҳмат сенга, - деди Эдвард ва мени қаттиқ қучоқлаб уйга судраб кетди.

- Эдвард... - вайсадим.

- Болаларча эрмак, - елка қисди у. - Эмметт ва Жаспер шунақа тентакларча ўйин қилиб туришиади.

- Эмметт менга ҳаммасини айтиб берсин. - Мен яна ортимга қайтмоқчи бўлдим, аммо

Эдвард чангалидан бўшатмади.

- Улар сени биринчи йили қанча пайт... чидай олишинг устида баҳслашдилар, - деди у.

Мен у айнан нималар демоқчилиги ҳақида мулоҳаза қилиб кўрдим.

- Улар мен қанча одам ўлдиришиим устида гаров ўйнашдими?

- Ҳа, - ноўнгай тан олди у. - Розали ўйлашича сени ўзингни жиловлай олмаслигинг

Жасперни ютишига сабаб бўлади.

- Демак, Жаспер мени қўп одам ўлдиради деб ўйлайди.

- Агар сен янгиға айлансанг Жаспер ўзини анча енгил ҳис қила бошлийди, ана шунда ўзини

тумта олмайдиган энг заиф аъзо мартабаси сенга насиб қиласди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Тушунарли. албатта. Тасавур қиласыпман, мен Жаспернинг енгиллашиши учун бир қанча

одам ўлдиридим. Бу жуда ажойиб бўлса керак-а? - Мен рўзномалар сахифасида ўзим ўлдирган

одамлар исм шарифларини кўз олдимга келтиридим...

Эдвард мени маҳкам қучоқлаб олди.

- Бу ҳақида ҳозир ўйлашимиз шартмас. Умуман ҳеч кимга зиён бермай яшашинг ҳам

мумкин.

Мен ингравордим, Эдвард бўлса мени қўли оғриди деб тезда уй тўрига бошлади.

Қўлим ростанам синган экан - аммо жуда катта ваҳима эмас, кичкинагина суюк дарз кетиши

екан холос. Гипс тақтирилди. Карлайл айтдики агар ечиб қўймасам шина тақиши ҳам фойда

бераркан. Мен шунисини маъқул кўрдим.

Эдвард Карлайл менга шина қўяётган маҳали тинмай оғрияптими ёки йўқми деб

сўрайверса ҳам, менинг миямда бошқа нарсалар чарх ураётгани сабаб фаромуши хотир бўлиб

қолганимни сезди.

Жаспер ўз ўтмишини сўзлаб берганидан бери мени бир даъфа ҳам янгилар тинч қўймасди.

Анави Эмметт ва Жаспер ўртасидаги гаровни эшишиб эса ҳеч нима ҳақида ўйлолмайдиган

бўлиб қолдим. Қизиқ, бу иккиси айнан нима ҳақида баҳслашган экан-а... Ахир иккисида ҳам

ҳамма нарса бор-ку, ютуққа нима тикилган экан?

Мен доим ишонганман, агар қонсўракка айлансан Эдвард айтгандек кучли бўламан. Кучли,

тезкор ва энг асосийси гўзал. Айнан мана шунда Эдвардинг тенги бўла оламан.

Қолган сифатлар ҳақида эса мен ўйламасликка ҳаракат қиласман. Бекарорлик.

Қонсирашик. Агар мен ўзимни одамларни ўлдиришдан ўзимни тия олмасам-чи, яъни

Сиэтлдаги каби оддий менга ҳеч қанақа ёмонлик қилмаган одамларни ўлдира бошласам-чи.

Ахир уларнинг ҳам яқинлари, севиклилари, дўстлари бор ва энг асосийси бутун ҳаётлари

олдинда-ку. Унда мен ким бўламан. Мен уларни барчасидан жудо қилувчи маҳлуққа айланаман.

Ростини айтсам мени бунақа ўй-ҳаёллар одатда қаттиқ қўрқитарди. Аммо мен Эдвардга

ишонаман, у мени тийиб тура олади, у менга келажакдаги умримда дастури амал бўла олади.

Агар у мени ҳаммадан узоққа, Антарктидага олиб кетиб фақат пингвинларни ов қилишини

айтса, мен индамай кетавераман. Мен маҳлуққа айланмайман. Мен яхши қонсўрак бўламан.

Мен аламзада ҳолатда ҳирингладим, бу тасавурларим менинг асабларимни буза бошлади.

Агар мен Жаспер сўзлаб берган янги қонсўрарларга ўхшаб даҳшатли маҳлуққа айланиб

қолсам, унда аслимдагимга нима бўлади? Агар менинг ягона истагим фақат ўлдириш ва қон

ичиши бўлса, унда аввалги ширин орзу-истакларим нима бўлади?

Эдвард ўта ишонч билан инсонийлик жиҳатимни йўқотмаслигимни тасдиқларди. Ҳозирча

Эдвард ёнимда экан менга бошқа ҳеч нима керак эмас.

Карлайл менга шина қўяётган пайтда Эдвардинг юзига қарадим. Бу дунёда менга фақат

Эдвард керак. Агар ҳаммаси ўзгарса-чи? Ҳиссиётларим ҳам ўзгариши мумкинмикан?

XVI боб. Ўзгариши фурсати

- Мени ҳеч нарса кийгим йўқ! - қайсарлик қилдим.

Мен ҳамма либосларимни ташқарига итқитиб ташлаб, бўм-бўши шикаф ичига қараб қолдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Гүёки у ердан айнан менбоб нарса чиқиб қоладигандек.

Хира сариқ рангли юбкам стулда осилиб тураркан, унга мос кийши мумкин бўлган нарсани

кутарди. Айнан мени гўзал қилиб кўрсатадиган бирор бир нарса бўлиши керак-ку. Аммо унаقا

нарса топилмади.

Деярли кетиши вақти бўлган бўлса ҳам, мен ҳамон оддий кундалик кийимимда эдим. Агар

яхшироқ кийим тополмасам, битирув кечасига шартта шу кийимда кетавераман.

Мен бетартиб лиbosлар уюмига тикилиб қолдим.

Мен аниқ қизил кофтачамни кийишум кераклигини билардим ва айнан мана шу мавҳумлик

мени энг баттар физонимни бузарди. Мен соғлом қўлим билан деворни муштладим.

- Тентак ўгри, ярамас қонсўрак! - шангилладим.

- Мени айбим нима? - сўради Элис.

У айбсизгина бўлиб очиқ дераза ёнида турарди.

- Тақ-тақ! - тиржайди у.

- Наҳотки эшикни очишимни кутиб тура олмасанг-а?

Элис каравотим устига оппоқ қутини итқитди.

- Ҳа, шунчаки ўтиб кетаётгандим. Балки сени кийинишингга ёрдамим тегиб қолар деб

ўйладим ва келавердим.

Мен ҳеч нимага ярамай қолган гардеробим ичидан туриб қутига тепадан қарадим ва

ўқрайдим.

- Хўп, тан ол, - хингиллади Элис. - Мен сенинг ҳалоскорингман.

- Ҳа, сен мени ҳалоскоримсан, - дедим мен. - Раҳмат.

- Жуда соз, ҳар ҳолда кимгадир фойдам тегди. Ички қобилиятларим йўқолиб бораётганидан

шу қадар тушкунликка тушиб қоламанки, баъзида ҳеч бир фойдасиздек ўзимни сезаман. Сен

буни тасаввур қила олмайсан. - Элис даҳшатли сўз айтгандек уялиб кетди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Мен ўзимни бундай тасавур қила олмайман даҳшат.
- Умуман олганда менинг айбим йўқ. Сен айтиётган ярамас ўғрини мен кўра олмайман
ахир, Сиэтл билан боғлиқ нарсаларни кўра олмайман-ку.
Элис вазиятни битта гап билан изоҳлаб қўя қолгач, хафсалам пир бўлгани қолди.
- Наҳотки қутини очиб кўришини истамасанг? - сўради у.
Мен жойимдан қимирламадим, ўзи қутини қопқогини очди.
Ундан ниманидир олиб секин
ўрамини очди, нима экан-а...
- Чиройли, тўғрими? Мен мовий рангни танладим. Ахир
Эдвардга сен шу рангда бўлсанг
жуда ёқасан.
Мен ҳеч нимани эшиштмадим.
- Бу ҳам ўшанақалардек, - пиҷирладим.
- Қанақасига ўшанақалардек? - норози овозда сўради Элис. -
Сенинг кийим жавонингда
бундайни тополмайсан. Бор йўги мана бу юбканги
айтмагандা.
- Элис, жин урсин шу кийимларни, мени эшиштсанг-чи!
- Сенга ёқмаган кўринади чоғи? - Элиснинг юзида кўнгли қолган
каби нимадир пирпиради.
- Элис, наҳотки тушунмаган бўлсанг? Бу ўша тўда! Менинг
хонамга кириб кийимимни
ўмарган ана ўша Сиэтлдаги янгилар билан тили бир. Улар бир
жамоа!
- Янги нарса дарров унинг қўлидан сирпаниб яна қутига қайтди.
- Нега бунақа деб ўйлаяпсан? - сўради Элис, бу сафар
жиддийлашганди.
- Эслайсанми, Эдвард нима деган эди? Кимдир сенинг баshoreт
эта олиш қобилиятнингни
заиф жойини билган. Сен янгиларни кўра олмаслигини. Шу
сабаб туташ алоқалар
бошлиномасиндан ўғри дарров кўздан йўқолишни маъқул кўрган,
йўқса сен илгаб қолишинг

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

мумкинлигини билган. Энг қизиғи, иккитаси бир вақтни ўзида сени яхши билгани учун бирдек

ҳаракат қилиши ғалати. Бунақа бўлиши мумкинмас! Бу ҳам ўшалардан, қўшин тузганиларнинг

битетаси кийимимни ҳам, ҳидимни ҳам ўғирлаган.

Элис куттилмаган нарсаларга одатланмаганди. У фақат ўзим ҳақимда ўйлаганимдагина

қимирлаб қолди. Унгача у тошдек бир-икки дақиқа қотиб қолган эди. Кейин унинг нигоҳи менга қаради.

- Сен тўғри айтаяпсан, - ўлимтик бир оҳангда. - Албатта шунақа бўлиши керак эди. Ва

шунинг учун сен буни пайқаб қолгансан...

- Эдвард адашаяпти, - пицирладим мен. - Бу текшириб кўриши бўлган... улар бу ҳийла иш

берадими йўқми, шуни билишга уриниб кўришган. Қани ўғри уйга кириб чиқса сен кўра

оласанми ёки йўқми, агарда шунда ҳам у мени ўлдириши учун сабаб билан келмаса. Кейин у

менинг буюмларимдан бирини исбот учун ола кетган. Ва энг ёмони, ҳидимдан бошқалар ҳам

топиб келсин деб у менинг ҳидимни ўғирлаб кетди.

Элис жазавага тушгандек титраб қолди, мен аниқ билардимки мен англаб етганни Элис ҳам

тушуниб қолганди.

- Фақат бу эмас! - деярли унсиз оҳангда инрагандек.

Мен ортиқ ички тугёнларимдан азобланмай қўйгандим.

Сиэтлда қанчадан қанча одамларни

ўлдириб ташлаган, қўшин тузган аллаким айнан мени ўлдирмоқчилигидан жуда севиниб

кетдим. Мен енгилгина пишиллаб қўйдим.

Бошқа тарафдан олганда, мени қўрқитувчи ваҳимадан қуттилишим бошқа бир галаённи

бошлиши тайин эди.

Аммо бу асосий сабаб бўлмайди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Нима ҳам бўларди, - шивирладим. - Энди бироз енгиллашсак бўлар, ахир ҳеч ким бутун

Калленлар оиласи билан жанг қилишини режса қилмаган бўляяпти-ку.

- Қасдан фикр қиласан, бу ниманидир ўзгартирмайди, - Элис тиши орасидан ириллади -

Агар кимдир ичимиздан биримизни йўқ қилишга қасдашган экан, уни барибир унга имкон

бермасдан тинчитиб ташлаш мухим.

- Раҳмат, Элис. Аммо асосийси энди уларга нима кераклигини биламиз. Ва ўзгариш бор.

- Эҳтимол, - тўнгиллади Элис.

Эшикни кимдир чертди.

Мен очишга бордим. Элис жимиб қолди.

- Тайёрмисан? Кечикаяпмиз! - шошилинқираб гапирди дадам.

Маросимларни дадам мендан қолишимаган ҳолда ёқтирмас, шу сабаб дабдабали кийиниб

ўтирумасди.

- Деярли тахт бўлдим. Бир дақиқа кумтиб туринг, - хирилладим мен.

Дадам бир лаҳза жим бўлди.

- Нима бўлди, йиглаяпсанми? - сўради у.

- Йўқ. Шунчаки асабийлашацияман. Ҳалал бермай туринг.

У пастга зина томон шайланди.

- Кетишим керак, - шивирлади Элис.

- Нимага?

- Эдвард ҳозир келиб қолади. Агар бу ҳақида эшишиб қолса...

- Ҳа кетақол унда, тезроқ! - мен ҳам шошилиб уни ҳайдашга тушиб кетдим.

Агар Эдвард буни билиб қолса ақлдан озиши аниқ. Албатта анча пайтгача бу янгиликни

сир саклай олмасмиз, аммо битирув чогида буни билиб давдирашини истамайман.

- Кийина қол тезроқ! - шипшиди Элис ва деразадан сакради.

Мен ҳеч нарсага эътибор қилмай кийиниб олдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

*Сочимни турмаклаш фикридан қайтдим: бунга вақтим
қолмаганди, шусиз ҳам сочим ҳар*

*доим бир хил турмакда бўлади. Кўзгуга бир қараб қўярканман,
Элис совга қилган юбка ва*

*кофта қанақа турганига ҳам эътибор қилмай, сап-сариқ
рангли битирув ёпинчигини олиб
настга туша бошладим.*

*- Жуда чиройли бўлиб кетибсан-ку, - деди дадам жаҳлини
беркитиб. - Янгисими?*

*- Аҳа - дедим мен фикрларимни чалғитиши учун. - Элис совга
қилди. Эътиборингиз учун
раҳмат.*

*Эдвард синглиси гойиб бўлганидан сўнг сал туриб пайдо
бўлганди. Менга бу вақт беғам*

*қиёфага кириш учун етарли фурсат эди. Биз дадамнинг
полиция машинасида кетаётганимиз
сабаб Эдвард деярли миқ эта олмади.*

*Ўтган ҳафта дадам мени Эдвард билан битирув оқшомига
кетишимни билгани учунми*

*ҳозир ғалати сигир қараши қилиб кетарди. Уни ҳам тушуниш
керак. Фарзандлар вояга етганида*

*ота- оналарда ўзгача ваколатлар ва илтифотлар пайдо бўла
бошлийди. Шу сабаб Эдвард*

*дадамнинг раъйини бузмаслик учун индамай биз билан кета
қолди. Карлайл ва Эсми албатта*

*хафа бўлишимасди, аммо дадам ҳам уни рад эта олмасди. Шу
сабаб ҳозир Эдвард орқа*

*ўриндиқда менга қараб қўяркан, дадамнинг ҳаёлига аллақандай
ўз касбий таассуротлари ёдига*

тушидими дейман кулгиси келиб тиржайиб қўяётганди.

*- Ҳаммаси яхшими? - пичирлаб сўради мени машина
тушишимга ёрдалашиб Эдвард.*

- Асабларим ўйнаб кетяпти, - дедим зўрга.

*- Сен жуда ажойиб кўринишдасан, - деди у биринчи бўлиб,
аммо кекса маҳобатли*

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

арслондек дадам менинг олдимга келиб елкамдан қүчиб қўйди.

- Хурсандмисан? - сўради дадам.

- Унчалик эмас, - тан олдим секин.

- Белла, бу жуда муҳим кун. Сен мактабни тамомляпсан.

Энди олдинда сени катта ҳаёт

кутади. Институт. Мустақил ҳаёт. Энди сен менинг
кичкинагина қизим эмассан. - охирги

сўзларидан дадам хўрсиниб қўйди.

- Дада! - инқилладим мен. - Фақат ииғламанг.

- Э қанақа ииғи? - тўнгиллаб қўйди дадам. - Ундан кўра айтчи,
нега унчалик хурсандмассан.

- Билмадим. Негадир ўзимга ярашмай турганим учунмикан.

- Яхшику. Сенга Элис базм ҳам ташкиллашибди.

- Албатта. Айнан базм етишимай турганди менга.

Дадам менинг гапим оҳангини аразчи эрка қизи нозига йўйиб
мени қучоқлади. Эдвард эса

ўйчан қиёфада осмонга қараб қўярди.

Дадам бизни спортзал кириши қисмида ёлгиз қолдириб, ўзи эса
ота-оналар учун маҳсус

катта эшикдан ўтиши учун жўнаб кетди.

Спортзал худди жиннихонага ўхшарди: маъмуриятда
ишлайдиган Коуп хоним ва

математика ўқитувчимиз жаноб Варнер ҳаммани алифбо
тартибida жойлашга уриниб

туришган эди.

- Эдвард Каллен, сен бу ёққа! - чақириб қолди жаноб Варнер
Эдвардни.

- Салом, Белла!

Мен Жессика Стэнлини кўриб қолдим: у орқа қатордан
тиржайиб қўл силкиди.

Эдвард мени бир ўтиб қўйди-да, фамилияси «К»дан
бошланганлар томонга кетиб қолди.

Элис у ерда кўринмасди. Нима қилиб юрибди экан-а? Нима бало
базм тантанасини

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ташкиллаштириши билан елиб юрибдими? Ва айнан энг беўхшов палламда! Битиув тантанаси

тугагунича кутиб турса ўлармиди.

- Белла, буёқقا кел! - чақирди Жессика.

Мен унинг ёнига бордим. Қизиқ, нега бугун у бунақа дўстона мехр билан гапирайпти?

Яқинлашарканман Анжелани кўриб қолдим, у ҳам Жессикани бунақа хулқидан ажабланиб қараб турган экан.

Унга етар етмас Жессика валдирашни бошлади.

- ...Қандай яхши. Яқиндагина биз шу ерда танишган эдик. Ана энди биргаликда мактабни

ҳам битиряпмиз, - бидирлади у. — Тасаввур қиляпсанми, мактабни тугатяпмиз! Ақлдан озиш мумкин!

- Кўриниб турибди, - тўнгилладим мен.

- Бу ерадаги биринчи кунингни эслайсанми? Сан билан иккимиз яқин дугона бўлганмиз.

Энди ман Колифорнияга кетяпман, сен эса Аляскага. Мен сени соғинаман. Онда сонда бўлсада

кўришиб туришга ваъда бер! Охирги вақтларда сени кам кўрадим ўзи, энди эса умуман

айрилаёттирмиз...

Жессика бунақа вайсаиларидан ҳаммани баъдига тегиб кетганди. Барибир тез орада уни

қайтиб эшиитмаслигимни билиб тишишимни тишишимга босиб эшиитиб ўтиредим.

Ҳар ҳолда Эрик нутқ сўзлаётган паллада битиувчиларни исмини айтиб «янги ҳаёт

бўсағасидагилар» деб зўр истиора қилди. Қолганлар одатий бир битириши деб ўйлашди, аммо

мен ҳаяжонланиб кетдим.

Ҳаммаси жуда тез якунлана қолди - худди пультни тезлаштиргич нуқтасини босишганидек.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

*Наҳотки шунақа тез қадам ташлаб юбордикми биз? Анави
Эрик бўлса, асабийлашганича ҳамон*

*ўқ тезлигида ваъз ўқишидан тўхтамасди. Дириектор ҳаммани
исм шарифини бирма бир айтиб*

*чақира кетаркан, олдиндагилар аллақачон оёққа туриб
бўлишиган, биз эса шошилдик. Бечора*

*Коуп хоним битиравчиларни куттириб қўймаслик учун
шошилиб битиравчилик*

гувоҳномасини узатишга зўрга улгуради.

*Тўсатдан Элисни чақиришиди, чуқур ўйга толганича саҳнага
чиқиб келган эди, ортидан эса*

*Эдвард ҳам эргашиди. Эдвард ҳам ўзича ҳаяжонлангандек чиқиб
келди - аслида ҳаяжондан асар*

*ҳам йўқ. Барча сап-сариқ ёпингиchlарлар ичидаги фақат иккиси
энг чиройли ва бетакрор бўлиб*

*кўринар. Нега уларни оддий одамлар парво қилмагандек одатий
қабул қилишар экан, ҳалигача*

ҳайрон қоламан.

*Жаноб Грин менинг фамилиямни айтиб чақирганида, оҳиста
ўрнимдан туриб навбатимга*

*қараб юқорига кўтарилдим. Орқадан қарсак ва шодиёнали
ҳуштак янгради - Жейкоб ва дадам*

*шовқин солиб мени байрамона олқишилади. Билли амакининг
пешонаси зўрга кўриниб кетди.*

Мен зўрга табассум билан қараб қўйдим.

*Жаноб Грин битиравчилар рўйхатини ўқиб бўлгач, мулоийим
табассум билан аттестатларни*

топширди.

*- Табриклайман Стэнли хоним, - Жессикага аттестатни
тумтқазаркан.*

*- Табриклайман Свон хоним. - Менинг аттестатимни ҳам соғ
қўлимга топширди.*

- Раҳмат, - дедим секингина.

Мана шу билан ҳаммаси тугади.

Мен бити्रувчилар орасида Жессикани ёнида турардим. Унинг кўзлари қизарган,

ёпинчигини енги билан кўзини ишқарди. Наҳотки у йиғлаяпти.
Биринчи марта гувоҳи бўлдим,
наҳотки у ҳам йиғлашини билади.

Жаноб Грин нимадир деган эди, ҳамма бирдан бўкириб юборди
ва сакраганича тепага

шифтга қараб сап-сариқ бош кийимлар отилди. Мен
довдирлигим сабаб кечиқдим, шу сабаб
бошимдаги қалпоқни шунчаки ерга ташладим.

- Эҳ, Белла! - йиғларди Жессика ҳалиям кўзидан ёш қалқиб. -
Мактабни тугатганимизга

ҳамон ишонмаятман.

- Мени ҳам, - тўнгилладим мен.

Жессика мени қучоқлаш учун менга отилди.

- Йўқолиб кетмасликка ваъда бер.

Мен ҳам ўзимни уни қучоқлагандек қилиб кўрсатдим.

- Жессика, мен ҳам жуда хурсандман сен билан ўтган мана шу
икки йилга.

- Ажойиб! - деди Жессика бурнини тортиб, сўнг мени
қучогидан қўйивориб - Лорен! - дея

валдираганича сап сариқ оломон аро кириб қоришиб кетди.

Оилалар тўпланишаётганди, шу сабаб оломон ҳам кенгайиб
кетди.

Мен Анжела ва Бенни кўриб қолдим, уларни атрофини яқинлари
куришаб олганди.

Табрикларни кутиб турсам керак. Мен Элисни излаш умиди
билан қарай бошладим.

- Табриклайман, - пичирлади қулогимга Эдвард, ортимдан секин
келиб қучоқлади.

Унинг овозида мен мактабни тамомлаётганимдан сира ҳам
хурсандмасдек оҳанг бор эди.

- Раҳмат...

- Менимча сен ҳалиям асабийсан, - изоҳ берди у.

- Ҳа озроқ.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Энди нимага асабийлашасан. Базм оқшоми учунми? Ҳаммаси сен кутганингдагидек

дахшатли бўлмайди, ҳавотир олма.

- Ҳа, сен ҳақсан.

- Кимни излаётган эдинг?

- Элис... Қаёққа йўқола қолди?

- Аттестатни олиши билан эшикдан отилиб қочиб кетди.

Эдвардинг овозида нотаниши оҳанглар янгарди. Мен шунда кўзимни олдинга қаратдим ва

унинг ташвишили нигоҳи спортзал эшиги тарафга тикилганини сезиб қолдим.

- Элисдан ҳавотир оляйсанми? - тўсатдан сўраб қолдим.

Одатда ўйлаб гапирмаслигимдан

қовун тушириб юраман, аммо ҳозир унақа эмасди шекилли.

- Эээ... - деб қўйди у жавоб бергиси келмай.

- Ҳа айтганча, у нима ҳақида ўйлаётган эди? Сендан фикрларини яшириш учун демоқчи

эдим.

Эдвард менга қаради ва шубҳали қимтиниб олди.

- Сен уни мендан нима яширганини биласан! - жизиллади Эдвард.

- Албатта биламан, - кулдим. - Ахир бу менинг ғоям эди.

Эдвард ақли шошиб жим бўлиб қолди.

Мен эдим дадам мени оломон орасидан излаётганини кўрдим.

- Элисни биламан, битирув базмидан кейингача сендан ниманидир яшираяптими демак

ҳаммаси яхишиликка. Асабийлашма хўпми? - деб уни овутдим

- Сен нима ҳақида айтаяпсан ўзи?

Мен дадамнинг ёнимизга келиб қолганини кўрдим. Дадам қўл силкиди

- Фақат ўзингни бос, хўпми?

Эдвард боши чайқади ва лабини тишлади. Мен уни ўз мулоҳазалари билан қолдирдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Менимча сен ноҳаққа ўхшайсан. Мен шунча пайтдан бери бизни лақиллатиб юрган ана у сирли шарпани англагандек бўлдим. Элис билан фикр алмашиб бўлдим. Ўша ким бўлса ҳам мени қўлга киритиш учун ўз гумаштасини жўнатган. Ўша лаънати Элиснинг беқарор режсаларни кўра олмаслигидан хабардорлиги учун ҳам бемалол менинг хонамга кира олган ва аниқ хараат режаси асосида менинг ҳидим анқийидиган бирор кийимимни ўғирлаб изига қайтган ва ёш янги қонсўракчаларга искатиш учун олиб кетган. Аммо энди менинг кўнглим хотиржам. Тушуняпсанми, сизларга ҳеч ким ҳавф солмайди? Бу яхшии-ку: Эсми, Элис, Карлайл - ҳеч ким азоб чекмайди!

Эдвард менга қараб туради. Элис ҳам тушунган пайти шунақа ўйга ботганди. Мен унинг яногига кафтиимни босдим.

- Тинчлан, - илтимос қилдим.

- Белла! - бақирди дадам одамлар орасидан отилиб чиқиб. - Табриклиман болажсоним!

Дадам ҳалиям бақириб шодон эди. Ёнимда бўлса ҳам шанғиллашидан тўхтамасди.

- Раҳмат, - тўнғилладим мен ҳам, аммо Эдвардан кўзимни узмадим.

У ҳануз ўзига келмаган, менинг қўлимдан ушлаб олганича турар, ҳозир имкони бўлса мени ҳаммадан узоққа олиб кетишига тахт эди. Мен ҳам зўрга ўзимни босиб турадим.

- Жейкоб ва Билли амакинг кетишиаяпти - сен уларни бир бўлса ҳам кўра олдингми? Дадам мени елкамдан силаб оталарча алқаб қўйди, мен ҳануз Эдвардан кўз узмасдим, тезроқ ўзига келсинда.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- *Ха, - дадамни ўзимдан йироқлаштириши учун алдаб гапирдим.* -
Ха кўрдим ҳам, эшигдим

ҳам.

- *Уларга қойил, сени деб келишиди табриклиши учун, - деди*
дадам.

- *Аха.*

Шундай қилиб, Эдвардга ҳеч нима айтиши керак эмас экан ўзи.
Бирор бир жойда алоҳида

ёлғиз қолганимизда айтсам бўларкан ёки Калленлар оиласи
даврасидами, қаерда бўлса ҳам

бошқа жойда айтсам бўларкан.

Эдвард менга алам билан қараб туради.

- *Хўш овқатлангани бирор жойга кетдикми?* - сўради дадам. -
Истаганингни танла.

- *Ха, аммо ўзим ҳам овқат тайёрлай оламан-ку.*

- *Ана бўлмаса жиннивой! Хоҳлайсанми «Овчилар уйи»*
емакхонасига борамиз? - дадил
таклиф қилди дадам.

Унинг энг севимли жойи ўша ер. Унинг кайфиятини бузгим
келмади, шу сабаб нима фарқи

бор? Барibir томоқдан овқат ўтмайди барibir.

- *Ха, албатта кетдик.*

Дадам янада севиниб кетди, юзида табассум ёйилди. Эдвардга
ўгирилиб сўради:

- *Эдвард, сен ҳам борасанми?*

Мен ялинчоқ қиёфада Эдварга қарадим. У ўзини қўлга олишига
улгурди. Дадамнинг

саволига ажабланиб бир қаради.

- *Йўқ, раҳмат,* - деб ҳўмрайиб жавоб қилди Эдвард.

- *Ота-онанг билан бошқа ёққа бормоқчи бўлгандингми?* - дадам
норози оҳангда сўради.

Эдвард одатда дадам билан гаплашганида одобли ва мулойим
эди. Чунки дадамнинг барча

ҳурмат ва иззатга лойиқ одам деб ҳисобларди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ҳа. Узр сўрайман... - Эдвард дарров ўғирилиб оломон орасига кириб гойиб бўлди.

- Мен нима дедим? - айборона сўради дадам.

- Ҳеч нима, ҳавотир олманг, - тинчлантиридим уни. - Менинг ишимни сизга дахли йўқ.

- Сизлар яна жсанжаллашдингларми?

- Ҳеч ким жсанжаллашмади. Ишимга аралашманг.

- Бу менинг ҳам ишим ахир!

Мен кўзимни пирпиратдим.

- Юринг яхиси овқатланамиз.

«Овчилар уйи» рад этиб бўлмас жой эди. Менинг кўзим билан қараганда нарҳлар анча паст.

Бу шахарчамиздаги ягона ресторан деб атаб бўладиган макон бўлгани учун ҳамма шу ерга келарди.

Мен деворга осиб қўйилган тасқара буғунинг бошига тикилиб турадим, бу вақтда дадам

Тайлер Кроулининг ота-онаси билан гаплашиб ўтиради.

Ҳамма жойда шовқин, битирувчилар

танишилари, яқинлари билан келишганди.

Мен ортимни ойнага тутуб жим ўтирадим. Хатто мендан ранжиган бўлса ҳам

аллақаердадир Эдвард мендан бир сония ҳам кўзини узмай пойлаб турганига ишончим комил

эди - айниқса энди.

Кечки овқат тўсатдан анча чўзилиб кетди. Дадам гап билан алқаб жуда секин овқатланарди.

Мен котлет бўлакларини зўрга ютдим. Баъзи бўлакларни емай салфеткага ўраб дадам кўрмай

қолган пайтда айёрларча беркитардим.

Нихоят дадам ҳисоб-китоб қилиб қўшимчасига чой пули қўйди.

Мен дик этиб ўрнимдан

турдим.

- Шошајсанми? - сўради у.

- Элисга ёрдамга бормоқчи эдим, - дедим мен.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Майли. - дадам ва қолганлар билан хайрлаша бошлади.

Мен ташқарига чиқиб патрул машинаси ёнида кута бошладим.

Машина тутқичини ушлаб

дадамнинг байрамона базмдан тезроқ чиқишини кута
бошладим. Атроф тўлиқ қоронгугашган.

Қора булутлар осмонни тўсган, қуёш ботдими ёки йўқми билиб
бўлмайди. Оғир хавода яқин

қолган ёмғир ҳиди келади.

Шу онда ниманидир шарпаси сезилди.

Мен ох тортдим - ва енгилликни сездим: гира-ширадан Эдвард
чиқиб келди.

Жимгина ёнимга келиб пешонамдан совуқ муздек лаблари билан
ўпди. Бутун бадани

таранглашган эди.

- Аҳволинг қанақа? - сўрадим у мени қўйворгиси келмай
қучоқлаб турганида.

- Ўзимдаман, - деди у. - Аммо тўлиқ ўзимни қўлга олмадим
ҳалиям. Узр, боя ўзимни тута
олмадим.

- Ўзим айборман. Сенга дарров айтмаслигим керак эди.

- Йўқ, керак эди - тан олди у. - Бунақа нарсаларни дарров
айтиши лозим. Аммо қандай қилиб

ўзим буни тагига етмадим-а!

- Сенинг калланг шусиз ҳам муаммога лиқ тўла.

- Сенда муаммо йўқми?

У яна мени ўпа бошлади гапиришига изн бермади. Бир неча
сониядан сўнг мени қўйиб

юбориб:

- Даданг келаяпти.

- Мен ундан сизларникига олиб боришини илтимос қилиб
кўраман.

- Мен сизлар билан кетаман.

- Йўқ керакмас, нимага? - мен асабийлашишини бошлаган эдим,
аммо Эдвард гойиб бўлди

қўйди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Белла? - дадам ресторан эшиги томонда пайдо бўлди ва мен томон кела бошлади

- Шу ердаман!

Дадам машинага яқинлашиб тинмай бўлган ҳодисани вайсаб кетди.

- Хўши ўзингни қанақа ҳис қиласан? - сўради шимол томонга катта шоссега

чиққанимизда. - Бугун эсда қоларли кун.

- Ўзимни яхши ҳис қиласан, - алдадим.

Дадам менинг алдовимга ишонгандек кулди.

- Базм учун асабийлашсан-а?

- Ҳа, - яна алдадим.

Бу сафар эса у англамади, алдадимми ёки йўқ.

- Сен ҳеч қачон базм кечаларини ёқтиргмагансан.

- Қизик, бу менга кимдан ўткан экан-аа? - пиқилладим мен.

Дадам қашиниб қўйди.

- Сен жуда чиройли бўлиб кетдинг бугун. Афсус сенга бирор нима сотиб олишига

улгурмадим-да. Кечир мени.

- Дада, ҳечам сиқилманг.

- Йўқ, бу сиқилиши эмас. Мен кўпинча сенга бошқа оталар қизларига қиласидиган

муносабатни кўрсатмайдигандек, жуда бегона отадек қиёфада кўринсам керак.

- Мени кулдирманг дада. Сиз мен учун дунёдаги энг яхии дадасиз. Ва мен... - дадам билан

ҳисларим ҳақида осонгина гаплашиб бўлмайди - Ва ҳар доим худога шукур қиласан, сизнинг

ёнингизга келиб яшаётганим учун. Бу энг яхши ишим бўлган.

Шундай экан, асло ғам чекманг.

- Балки шунақадир. Аммо қаердадир хато қилдим. Ана қўлингга қара!

Мен бепарво ҳолатда қўлимга қарадим. Синган қўл суюгимга шина қўйилган, энди умуман

оғримай қолган.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Мен сени муштлашишга ўргатсам бўларкан.
- Мен сизни Жейкобни тарафида бўлсангиз керак деб ўйлабман!
- Кимнинг тарафида бўлиш мухим эмас. Агар кимдир сенинг
ҳисларингга қарамасдан
ўпадиган бўлса, сен бутунлигинчча қолишинг ва
ҳавфсизлигинчча асрой билишинг мухим эди.

Муштингда катта бармогингни беркитмагандирсан-а?
- Ҳа шундай. Дада ғамхўрлингиз учун раҳмат. Аммо
сабогингизни фойдаси йўқ эди.

Жейкобнинг териси эшакникидан ҳам қалин.

Дадам кулворди.

- Унда кейинги сафар... ўзинг тушундингга... анави ерига...
мен...

- Кейинги сафар? - мен бу гапидан хасратга тушдим.
- Ҳа, майли, сиқилма. У ёш йигитча, қизиққон ва қалта ўйлаган
холос.

- Кўзимга кўринмасин!
- Барibir сенинг дўстинг бўлиб қолаверади.
- Биламан, - ҳўрсиниб қўйдим. - Аммо энди қандай муомала
қиласман билмайман. Дадам

ўйланиб боши чайқади.

- Ҳа етар. Ҳар доим ҳам бирдан киришиб кетиб бўлмайди.
Қандай бошлиш мухим эмас,

қандай давом эттириши мухимроқ... аммо сенга ишонаман.

- Раҳмат, - қуруққина жавоб бердим.
Дадам бир кулиб қўйди-ю, кейин ҳўмрайиб олди.
- Агар сизлар анави базмда хаддан ташқари қизишиб
кетмасангизлар...

- Ҳавотир олманг. Биз билан Карлайл ва Эсми ҳам бўлади. Агар
истасангиз сиз ҳам келинг.

Дадамнинг қоши пешонасигача тиришиб кетди. Дадам
кечаларни ёқтирмасликда мендан ўтса
ўтардики, асло қолишимасди.

- Уларнига йўл қаердан ўтиларди? - сўради дадам. - Уларга
бирорта йўл белгиси керак

экан. Коронгулукда ҳеч нимани тополмайсан киши.

- Адашмасам кейинги муюлиши. - Мен лабимни тишладим -
Биласизми сиз ҳақсиз.

Муюлишини дарров йўқотиб қўйиши мумкин экан. Элиснинг
айтишича ҳамма жўнатилган

таклифномаларга йўл хариталари чизиб қўйилган экан.

Меҳмонлар адашиб йўл тополмай

қолмасликлари учун, аммо барибир адашиб қолса керак улар.

Рўпарамизда минглаб чироқлар нури остида Калленлар уйи
турарди. Кимдир дараҳтларга

чироқларни маржондай териб чиқибди.

- Элис! - пайқадим.

- Қойилман унга! - дадам ҳам ҳайратланиб қаради муюлишига
бурилганимизда.

Киравериша иккита дараҳт гўё маёқдек чараклаб турар, ҳар
йигирма қадамда маёқлар порлаб

каттакон уйга йўл кўрсатиб турарди.

- Сиз киришини аниқ хоҳламайсизми?

- Аниқ хоҳламайман. Яхши вақтичоғлик қилинглар!

- Раҳмат, дада.

Дадам машинани буриб ўзининг одамовилигидан кулиб
қўйганича тез орадан кўздан гойиб

бўлди. Мен эса ҳўрсиндим ва зинадан кўтарилдим.

х

XVII боб. Иттифоқчилар

- Белла? - секингина Эдвард ортимда пайдо бўлди.

Мен ўгирилдим: у енгил сакраш билан зинадан менга етиб олди;
соchlари ҳавода

ҳилтиради. Яна мени бағрига босиб бўса олди.

Бунақа бўсадан бутун баданимдан электр токи тарқалгандек
бўлди: жуда ҳам қучли ва

ажиб эхтирос билан мени ўпаётган Эдвард лаблари билан мени
еб қўяётгандек эди - гўё бу

бизнинг сўнгги лаҳзамиздек.

Мен ўзимни олиб қочдим.

- Кел олдин мана бу ахмоқона базмни эсон-омон тамомлаб олайлик, - пўнгилладим мен кўзимни ундан олиб.

У менинг яногимни ушлаб олиб, қарамагунимча тутуб турди.

- Мен ўзим сенга қалқонман. Қани улар бошингдан битта толангни юлиб кўрсинчи.

Соғлом қўлим билан унинг лабларини босдим.

- Ўзим ҳақимда умуман ўйламай қўйганман.

- Негадир бу мени сира ажаблантирмайди, - пицирлади у.

Чуқур нафас олиб яна

жисмайишни бошлади. - Байрамни бошлишга тайёрмисан?

Эдвард менинг қаршимдаги эшикни очди ва мени қучогидан қўйвормади. Мен тош қотиб

қолдим:

- Ақлдан озиш ҳеч гапмас!

Эдвард елкасини қисди.

- Элисдан ҳамма нарса кутиши мумкин.

Калленлар уйининг ичи тунгги клубга айлантирилган эди. Худди мен телевизорда кўрган

манзаранинг ўзи.

- Эдвард! - қичқирди Элис, улкан овоз динамигининг ёнида тураган. - Менга маслаҳатинг

керак. - у қўлидаги дискларни силкитди. - Мехмонларга нима қўйган маъқул? Қулоқларига

таниши одатдаги куй қўшиқми ёки... - У бошқа дискларни кўрсатди, - уларнинг мусиқий дидини

оширамизми?

- Кел яхшиси одатдаги куйларни қўя қол, - маслаҳат берди Эдвард.

У бош чайқади ва таниши дискларни титкилай кетди.

Элиснинг эгнида қирмизи чарм шим ва ёрқин рангдаги кофтacha бор эди. Ўйноқи қизил ва

бинафша рангдаги чироқ нурида унинг рангпар териси ғалати тусда ялтиради.

- Менимча, мен байрамга тўғри келмайдиган кийимдаман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Бундан аълороги топилмаса керак! - мингиллади Эдвард.
- Жуда ярашиб турибди! - тўғирлади уни Элис.
- Раҳмат, - чуқур нафас чиқардим. - Нима деб ўйлайсан,
мехмонлар ростанам келармикан?

Менинг овозимда аниқ умид илинжи сезилиб туради. Элис
афтини буриштириди.

- Ҳаммаси келади, - деди Эдвард. - Ахир улар ўлиб қолса ҳам бир
марта сирли Калленлар
уйининг ичини кўришини исташади.

- Жуда соз! - хингилладим.

Менинг кўмагим керак бўлмади. Хатто туни билан ухламай
жуда тез ҳаракат қилиб

шиласам ҳам, бирор иш Элисдан ортиқроқ қила олмайман.

Эдвард бир зум ҳам мени ўзидан ажратмас, хатто Жаспер ва
Карлайлни излаб уларга

менинг фаразимни айтганида ҳам мени ёнида олиб юрди. Мен
улар ҳужум қилиш режасини

сўзлашаётганида даҳшат билан тинглаб ўтирадим. Жасперга
ёрдам учун Таняниг оиласидан

бошқани излаб топа олишимагани ёқмади. Аммо Жаспер
Эдвардай ўз ваҳимасини ичига беркита
олмасди.

Мен бемалол ўтириб улар уйга қачон қайтишини кутиб
ўтирадиган аҳволда эмасдим.

Ақлдан озаман ҳозир!

Эшик қўнғироги жиринглади.

Кутимагандা ҳамма ўрнидан турди. Карлайнинг тарангли
юзида бирдан шодлик ва

қувонч порлай бошлиди. Элис дик этиб сакраб туриб рақс
тушганича эшикка чопди.

Менинг дўсталарим бир тўда бўлиб келишган эди. Энг биринчи
эшикдан Жессика кўринди,

изидан - Майк. Тайлер, Коннор, Остин, Ли, Саманта... ва
хатто Лорен - у энг оҳирги бўлиб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

кирди, сирли қизиқиши билан атрофга қаради. Улар ҳайратдан кар-соқов бўлиб қолишгандек

эди. Бундай катта хонани тунги клубдай безатилган манзарадан ҳайратлари баланд эди. Хонада

ҳамма Калленлар йизилиб бўлишганди. Ўзларини одамга айлангандек тутишиди. Бугун мен ҳам

ўзимни худди улардек тутаётгандек эдим.

Мен Жессика ва Майкнинг ёнига байрамона ҳаяжон билан яқинлашим. Мен ҳамма билан

куришишига улгурмадим. Эшик яна жиринглади. Мен Анжела ва Бени ичкарига таклиф

қиласканман, эшикни очиқ қолдира қолдим, сабаби зинадан юқорига Эрик ва Кэйти

кўтарилишаётган эди.

Вахима қилишга вақтим қолмади: чунки бор кучим билан ҳақиқий бекадай ўзимни

тутишим, ҳамманинг кўнглига қарашиб керак эди. Ҳар ҳолда байрам кечаси - мен, Эдвард ва

Элис, - учаламиз учун уюштирилган бўлса ҳам, аммо негадир ҳамма мени табриклаб қутларди.

Эҳтимол Элис безаган катта чироқлар нури остида Калленлар унча кўзга ташланмай кўринар,

шу сабаб ҳамманинг диққат марказида мен бўлаётгандирман. Аксига олиб сирли ва тилсимга

бой бунақа муҳитда улар янада ўзгача кўринарди.

Аниқ биламан, Элис атай шунақа нур танлаб мени энг марказдаги ягона одамга

айлантиришини истаган ва буни уddaлади.

Кеча қизиганидан қизиди, хатто Калленларнинг борлиги ҳам даврани совута олмас,

негадир ҳамма ўзини худди ўз уйидагидек ҳис қила бошлишиди. Дастурхонда ноз неъматлар

камая бошлар ва яна тезликда ликопларни тўлдириб ҳам қўйшишига зўрга эришардик. Тез орада

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

яна одам тўпланди. Бу сафар хатто битиравчи синфлар эмас, хатто кичик синфдаги ўқувчилар

ҳам келишганди. Ҳамма шўх-шодон рақсга тушарди.

Ҳаммаси жуда даҳшатли бўлса керак деб қўрқардим. Йўқ ҳаммаси жуда оддий, хатто

мароқли экан. Мен Элисга тақлид қилишига уриндим: у ёқдан бу ёққа уриниб-суриниб бориб

келаман, онда-сонда гап ташлаб қўяман. Меҳмонларнинг кўнглини олиш у қадар қийин

эмасди. Форксдаги ҳаёт бу ерга кўчганди. Элис айтишича: энди ҳеч ким бу байрамни анча пайтгача унута олмайди.

Мен хона ўртасидаги даврага қўшилдим. Жессика тинмай гапирар, уни асосан эшиштиши

ўрнига кўпчилик асабий бош иргиб қўйишарди. Эдвард ҳар сафаргидек ёнимдан нари кетмас,

ҳудди соядек эди. Каерга борсам ёнимда, белимдан оҳиста қучиб олганди. Борган сари у мени

қаттиқроқ бағрига босар - мени қизиқтиргани қандай ҳаёллар уни қийнаётгани эди.

У мени тўсатдан қўйиб юбориб сал ортига тисариларкан, мен дарров нимадандир

гашиландим.

- Шу ерда кумтуб тур, - деб қулогимга шипшиди. - Мен тезда келаман.

У шу қадар шарпасиз шириллаб оломон ичидан кесиб ўтиб кетди-ки, мен қаёққа

кетаётганини ҳам сўрашга улгурмадим. У кетиб бораркан, унинг ортидан қараб қолдим. Баланд

мусиқа садоси остида Жессика тинмай шанғилларди, кошки мен уни эшиштсан.

Эдвард ошхонанинг чекка эшиги томонга ўтиб кетди - у ерга деярли нур тушмаётганди, у

кимнидир ёнига борди. Оломондан ажralиб бўлса ҳам унинг кимлигини билишига

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қизиқарканман, хира нур жилваси оралығыда мен уни күриб қолдим. Элиснинг ялтироқ кофтачаси сал ялтираб кетганди. Чироқ нури бир сония унинг юзини ёритган бўлса-да, менга бу етарли бўлди.

- Жессика, кечирасан мен бир дақиқага, - дедим унинг елкасига меҳр билан шапатилаб ундан нари кетдим.

Мен унинг жавобини ҳам кутиб ўтирмаи кетиб қолдим.

Мен меҳмонлар орасидан сабрсизланиб кечиб борарканман, тўсиқларга учрадим.

Кимлардир рақсга тушарди.

Эдвард кетди, аммо Элис ҳамон ўша зулматда жим қотиб туради, нигоҳида даҳшатли

баҳтсизлик акси товланиб туради. Бир қўли билан эшик кесакисига суюниб қолган, гўё кимдир

уни қулатган, у зўрга таяниб қолгандек эди у.

- Элис, нима бўлди? Нима гап? Нимани кўрдинг? - Мен ялинчоқ овозда ундан сўрай

бошладим.

У менга эътибор ҳам бермади. Қаёққадир, узок-узоқча тикилиб қолганди. Унинг нигоҳи

бўйлаб қараб хонанинг нариги бурчагида Эдвардни кўрдим.

Унинг чехраси тошдек қотиб

қолганди. У зина ортига кетиб кўздан йўқолди.

Ва шу пайт эшик қўнгириғи чалиниб энг сўнгги меҳмон ташриф буюорди. Элис ҳайрат билан кўзини ўйнатди ва жирканиб кетди.

- Ким бўритусни таклиф қилди? - норози бўлиб сўради у.

Мен ҳўмрайдим.

- Шунақа бўлиб қолди.

- Унда сен улар билан машгул бўл. Мен эса Карлайл билан гаплашиб олишим керак.

- Элис, тўхта! - мен уни ушлаб қолмоқчи бўлдим, аммо қўлим бўшилиқда қотиб қолди: Элис

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

аллақачон ғойиб бўлганди.

- Жин урсин! - ирилладим мен.

Менимча бу ўша нарса: Элис ўзи кутган нарсасини кўрган шекилли. Жин урсин уларни,

ўша меҳмонларни.

Кўнгироқ яна қаттиқ босилди ва бу сафар қўйиб юбормасдан узоқ чалинди. Мен ечим излаб

Элиснинг хонасига кўз ташлаб қўйдим, ҳеч нима кўринмади.

- Салом, Белла.

Жейкобнинг пастгина овози мусиқа ўртасидаги танаффусда эшиитилиб кетди. Исмимни

эшиитиб иродасизларча ортимга қарадим. Ва довдираб қолдим.

Фақат битта бўритус келмабди, аксига олиб учта бўлиб келибдилар: Жейкобнинг ўзи

эшикни очиб кирган, ортида тирагиб турган Квил ва Эмбри тураг, атрофга асабий

тиклишишарди. Худди арвоҳлар қасрига кириб қолгандек эсанкирашарди. Эмбри қалтираган

қўли билан эшикни тутиб тураг, ҳозир бир лаҳзада қочиб кетишга шай бўлиб турагди.

Жейкоб менга қўлинни силкитди ва у ҳамроҳларига нисбатан анча босиқ кўринарди. Мен

ҳам қўлимни силкитиб - кўришгунча! - деб яна Элисни қидиришига тушиб кетдим.

Коннор ва Лореннинг орасидан зўрга сукилиб ўтган ҳам эдим, ердан чиқдими кўкдан

тушибдими олдимдан Жейкоб пайдо бўлиб қолди ва мени қўлимдан тутиб оишона томонга олиб

келди. Мен чап беришига уриниб кўрдим, аммо у соглом қўлимни тутиб оломондан четга

тортди.

- Нақадар меҳмондўст кеча, - деди у.

- Сен бу ерда нима қиласяпсан?

- Ахир ўзинг мени таклиф қилгандинг-ку.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Агар менинг зарбам жуда оддий бўлган бўлса, эндиғи сафар танқда борганим бўлсин.

Таклифнома бекор қилинди.

- Ҳа, майли. Мен сенга совга келтиргандим холос.

Мен қўлимни қовушириб олдим. Ҳозир Жейкоб билан тортшишиб ўтиришига хоҳишим йўқ.

Мен Элис нима кўрганини, Эдвард ва Карлайлга нима деганига қизиқаётгандим. Мен

бўйнимни силаб Жейкнинг ортига ўтиб кетар эканман, тўнгилладим.

- Жейк, совганги дўконга қайтариб бера қол. Мени ишларим бор...

У менинг ёнимдан яна чиқиб олди.

- Белла, совгани рад этиб бўлмайди: мен уни сотиб олмадим, ўзим ясадим. Ва бунга оз вақт кетгани йўқ.

Мен яна аланглаб атрофга қараб Калленларнинг бирортасини қораси кўринармикан деб

тимирициланарадим. Улар қаёққа йўқолиб қолишиди? Мен зулматга қарадим.

- Белла, бўлди-да энди. Худди мен кўзга кўринмаётгандек ўзингни тутма!

- Мен бунақа тутмаятман. - Ҳеч нима кўринмади. - Эшият, Жейк, ҳозир мени ишларим жуда

ҳам кўп...

У менинг иягимдан асабий тутиб турди-да, юқорироққа кўтарди.

- Свон хоним, сиз билан бир-икки сония гаплашиб олишига руҳсат берасизми?

Мен чўчиб тушидим.

- Жейкоб, қўлингни мендан торт.

- Узр! - деди у қўлини юқорига кўтариб. - Чин сўзим мен атай қилмадим. Ҳозир ҳам. Сени

ўпиишим ҳам аҳмоқлик бўлди. Менимча... менимча мен ўзимни алдадим, гўёки сен ҳам буни

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

хоҳлайсан деб ўйлабман.

- Ўз-ўзингни алдагансан - буни ниҳоят тушунибсан!

- Бунақа баджасаҳл қиз бўлма. Сен барибир менинг узримни қабул қилишинг шарт.

- Жуда соз. Узринг қабул қилинди. Ана энди мумкин бўлса мен бир дақиқага...

- Майли, - тўнғиллааб қўйди.

Унинг овози шу қадар ўзгариб эшиштилди-ки, мен Элисни излашдан бир зум тўхтадим. У

полдан кўзини узмай жим туриб қолди. Пастки лаби аразлагандек титрарди.

- Тушуниб турибман. Сен ҳақиқий дўстларинг билан бирга бўлишини истаяпсан, - деди

даҳшатли алам берадиган оҳангда.

- Жейк, сен ахир бундай эмаслигини жуда яхши биласан-ку.

- Наҳотки?

- Билишинг шарт. - мен олдинга интилиб, унга кўз ташлаб қўйдим. Энди у менга бошим

узра қарагандек бўлди.

- Жейк?

У менинг кўзимга қарашини хоҳламади.

- Қани айтчи, мен учун нима ясагандинг? - сўрадим қувлик қилиб. - Қани мени совғам?

Бунақа қизиқувчан оҳангим унга таъсир қилдими, Жейкоб қимирлаб қолди.

Мен кафтимни очиб қизиқиб унга қарадим.

- Хўши, қани менинг совғам?

- Ҳалиги, - ноўнгай ҳолатда бироз довдиради ва қўлини орқа چўнтағига тиқиб ҳар хил иплар

билан тикилган чарм ҳалтачини олди ва кафтимга қўйди.

- Жейк, қандай чиройли! Раҳмат.

- Белла, совға ичида.

- А...

Богич очилмади. Жейкоб ҳирсиллааб қўйди-да ўзи шартта bogichni echi. Men ҳaltachani

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қайтиб олмоқчи бўлиб кафтимни чўздим, аммо Жейкоб уни очиқ туйнугини кафтимга қоқди ва шарақлаган садо чиқиб, қанақадир кумуширанг нарса кафтимга тушибди. Қанақадир металл нарса эди.

- Билагузукни мен ясамадим, - тан олди Жейкоб. - Мен фақат туморини ясадим.

Билагузукнинг бир бўлагида миттигина ёғочдан ишланган нарсача осилиб турарди. Мен уни

яқинроқ олиб келиб дикқат қилиб қарадим: миттигина бўри худди тирикка ўхшайди, бежирим

ясалган эди. Унинг қизғиши жигарранги Жейкобнинг терисини эслатарди.

- Қанақа чиройли, - пицирладим мен. - Ростанам ўзинг ясадингми? Қандай қилиб? У елка қисди.

- Отам ўргатиб турди. Ўзи ясаганида унданам зўр чиқарди.

- Бўлиши мумкин эмас, - мен миттича бўрини силаб қўйдим.

- Сенга ростанам ёқдими?

- Ҳа. Жейк, бу жуда ажойиб экан!

У хотиржам табассум қилди, аммо юзи яна тундлашиди.

- Бу мени доим эслатиб турар деб ўйлайман. Айтишиади-ку, кўзимдан йўқол дегани

қалбимдан ҳам кет дегани...

Мен буни эшишмаганга олдим.

- Уни тақишимга қарашиб юбор.

Ўнг қўлимда шина борлиги учун чап қўлимни Жейкка тутдим.

Унинг йирик бармоқлари

нозик занжир илгакчасини дид билан тутди.

- Сен уни тақиб юрмоқчимисан? - сўради Жейкоб.

- Албатта!

У жилмайди - мен яхии кўрган баҳтли табассуми.

Мен ҳам жилмайдим, лекин яна оломон орасидан Эдвард ёки Элисни қидирапдим.

- Бугун негадир паришионхотирсан? - сўради Жейкоб.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Йўқ, ҳеч нарса, - алдадим қарши туришга мажбур бўлиб. -
Совга учун, раҳмат менга жуда
ёқди.

- Белла? - Жейкоб қошини чимирди. - Нимадир содир бўлган,
тўғрими?

- Жейк, мен... йўқ, ҳеч нима.

- Алдама, алдашни билмайсан. Сен менга нима бўлаётганини
айтишинг шарт. Бунақа

нарсаларни билишимиз керак, - у шунақа гапирдики, гўё кўплик
сонда эшигилди.

Ростан ҳам Жейкоб ҳақ: бўриларга буни фарқи йўқ аслида.
Фақат ўзим ҳам нима содир

бўлаётганини билмайман, ҳали Элисни топишум керак.

- Жейкоб, мен ҳаммасини сенга албатта айтиб бераман. Аммо
бунинг учун аввал ўзим ҳам

билиб олишим керак. Мен Элис билан гаплашиб олишим керак.

- У нимадир кўрган! - тонди Жейкоб.

- Айнан сизлар кириб келган пайтда.

- Бу ўша сенинг хонангда ивирсиган қонсўракка боғлиқми? -
пўнгиллади Жейкоб, овозини

пасайтириб.

- Шунақа шекилли, - тан олдим мен.

У бир лаҳза ўйланиб турди-да, сўнг юзимга тикилиб қолди.

- Сен мендан ниманидир яшираяпсан... жуда жиддий нарсани.

Алдашдан не наф? Жейкоб мени жуда яхши билади.

- Ҳа.

Жейкоб мендан бир қанча вақт кўзини ўзмай турди, сўнг
тўдадошлирига қаради: Квил ва

Эмбри ўзларини бу ерда бегонадек сезишаётганди. Улар
Жейкобнинг юз ифодасини кўришигач

шартта оломон оралаб юришиди ва худди ракс тушгандек
ўзларини кўрсатиб, секин биз томонга

етиб келишиди. Ўттиз сонияда эса улар мен ва Жейкобнинг
ёнида бўлишиди.

- Тушунтир. Ҳозироқ, - талаб қилди Жейкоб.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Эмбри ва Квил эхтиёткорона атрофга қараб қўйди.

- Жейкоб, ҳали ўзимам тўлиқ билмаяпман нима бўлаётганини.

Мен атрофга олазарак қаарканман, најсотдан умидни узсан
ҳам бўлади. Мени бурчакка
тиқиб қўйшиди.

- Унда билганингни гапир.

Учаласи ҳам қўлларини қовушириб менга қарашиди. Бу
ҳаракат бироз кулгули, ҳам
таҳдидли туюлиб кетди.

Ва шу онда мен Элисни кўриб қолдим: у зинадан тушиб
келаётганди, оппоқ бадани

бинафшаранг нурда ялтиради.

- Элис! - деб юбордим.

У ўша ерда менга қараб тураркан, товушимни баланд мусиқа
овози тутиб кетса ҳам у мени

эшиштганига қойилман. Мен қўлимни силкитдим. Ёнимдаги
бўритусларни кўриб кўзлари
чақчайиб кетди.

Кўзида ваҳима ва қўрқув бор эди. Мен лабимни тишладим. Элис
мен томонга учиб келди.

Жейкоб, Квил ва Эмбри нари кетишиди. Элис менинг белимдан
қучоқлади.

- Сен билан гаплашиб олишим керак, - пичирлади у.

- Жейк, ҳалиги мен... умуман олганда кейинроқ, - тўнғилладим
мен.

Мен Элис билан квилетлардан узоқлашмоқчи бўлгандик.

Жейкоб қўли билан деворни
тираб ўтишига қўймади.

- Бунчалик тез эмас.

Элис катта кўзлари билан ҳайратланиб қаради.

- Нима бўлаётганини ҳозироқ бизга сўзла, - шангиллади
Жейкоб.

Жаспер кутимагандага гўёки ҳавода пайдо бўлиб қолди ва Элис
билан биз турган жойда акс

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

этди. У Жейкобнинг қўлини ёнида пайдо бўлди, Жейкоб унга парво қилмай ёнини тўсган эди

бир сонияда бошқа томонида пайдо бўла қолди. Жаспер келдими демак ҳазил тугади.

Жейкоб хоҳламайгина қўлини олди - ақлли қарор, йўқса ҳозир унга қийин бўлар эди.

- Биз билиш ҳуқуқига эгамиз, - деди Жейкоб ва ҳануз Элисдан кўзини узмасди.

Жаспер уларнинг ўртасига туриб олди, ана у бўритуслар эса олишувга тайёр туришганди.

- Хей хей, - дедим сохта кулимсираб. - Эсингиздан чиқмасин биз базм кечасидамиз.

Хеч ким менинг гапимга эътибор бермади. Жейкоб ҳўмрайиб Элисга қараб турар, Жаспер

эса Жейкобга ўқрайиб турарди. Элиснинг юзи тўсатдан ўзгарди ва анчайин ўйчан бўлиб қолди.

- Жаспер, аммо у ҳақ.

Жаспер қимирламади.

- Элис, сен нимани кўрдинг?

У бир сония Жейкобга қараб турди, сўнг менга қаради, унинг кўзида тайёрлик аксини

кўрдим.

- Қарор қабул қилинди.

- Сизлар Сиэтлга борасизларми?

- Йўқ.

Менинг юрагим уришдан тўхтаб қолгандек, қоним эса томиримда музлаб кетгандек

туюлди.

- Улар бу ёққа келишиади, - пицирлади у.

Квилетлар жимгина бизнинг юзимиздаги жараёнларга қараб туришарди. Улар далада катта

бўлишган бўлса ҳам ҳозир улар ҳам бизни аҳволимиздан титраб кетдилар.

- Ҳа.

- Форксга, - шивирладим мен.

- Ҳа.

- Нега?

Элис бош чайқади.

- Уларнинг биттасида сенинг қизил кофтанг бор экан. Мен довдираб қолдим.

Жаспер асабий ҳўмрайди. Унга бу ердаги бўритуслар шитироки ёқмаётганди, аммо

суҳбатни бузмади:

- Биз уларни бу қадар узоқдан келишиларига қараб тура олмаймиз. Аммо шаҳарни ҳимоя

қилишига биз жуда камчиликмиз.

- Биламан, - тасдиқлади Элис. - Аммо айнан қаерда уларни тўхтатишимиш мухум эмас. Ҳар

қандай ҳолатда ҳам улардан барибир кимиdir бу ерга келаверади.

- Йўқ! - бақириб юбордим.

Менинг овозимни шовқин босиб кетди. Атрофдаги ҳамма - менинг дўстларим, қўшинилар ва

дўст бўлмаган оддий танишлар - овқатланишар, кулишар ва рақсга тушишар, ҳеч бири тез

орада қандай даҳшат ва хаттоки ўлим яқинлашаётганини билишимасди ҳам. Ва ҳаммасига мен

сабабчиман.

- Элис, - деярли овозим чиқмади. - Мен кетишиим керак. Бу ердан узоқларга.

- Фойдаси йўқ. Ахир булар овчи эмас. Улар барибир биринчи шу ерга келишиади.

- Унда мен уларга рўпару бўлишига тайёрман! Агар улар нима исташаётганини қўлга

киритишиса балки изларига қайтиб кетар ҳеч кимга азият етказмасдан!

- Белла! - аччиқланди Элис.

- Шошма, - баланд бўлмаган аммо дангал овозда буюорди Жейкоб. - Ким бу ёқقا келаяпти?

Элис унга музли қараши қилди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Бизга ўхшаганлар. Улар жуда кўп.

- Нега бу ёққа келишаяпти?

- Белла учун. Бори шу биз билган.

- Улар сиз учун жуда кўпми? - сўради Жейкоб.

- Бизнинг ҳам ўз қудратимиз бор, кўппак, - аралашиди Жаспер. -

Жанг тенг кучлар остида.

- Йўқ, - деди Жейкоб, галати ва газабли табассум пайдо бўлди унинг лабида. - Тенг бўлмайди.

- Жуда соз! - ҳапқирди Элис.

Дахшатдан унга қарадим: Элиснинг юзида ташвиши ўрнига жонланиши пайдо бўлди. У

Жейкобга кулиб қаради ва Жейкоб ҳам жавобан кулди.

- Албатта ҳа. - қониққандек гапирди у. - Бу нокулай, аммо барча ҳолатни ҳисобга олсак мен

қарши эмасман.

- Биз бирга ҳаракат қилишимиз шарт, - деди Жейкоб. - Бизга албатта осон бўлмайди.

- Мен унақа демадим, аммо бизга ёрдам керак.

- Тўхтанг, тўхтанг, тўхтанг! - аралашим мен.

Элис шанғиллашдан тўхтади. Жейкоб ҳам унинг ёнида эди.

Иккиси ҳам бир-биридан

таралаётган ҳиддан афти буришиб менга қараб туришарди.

- Нима дегани бу «бирга»?

- Сен бизни бир четда қараб туради деб ўйлаганмидинг? - сўради Жейкоб.

- Шунақа ҳам бўлади!

- Сенинг келажакни кўрувчи дугонанг унақа деб ўйламайди.

- Элис! Уларга йўқ деб айт! - буюрдим мен. - Уларни

ўлдиришиади! Жейкоб, Квил ва Эмбри

хохолаб кулиб юбордилар.

- Белла, - тинчлантирди Элис, - яккаликда улар ҳаммамизни ўлдирадилар, бирга бўлсак

эса...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ҳаммаси зўр бўлади, - унинг гапини тамомлади Жейкоб. Квил яна кулди.

- Улар нечта? - астойдил қизиқиб сўради у.

Йўқ! - бақирдим мен.

Элис мени қараши билан жум қилди.

- Сонлари ўзгарайпти: бугун йигирма битта, аммо тез орада камайиб кетишяяпти.

- Нега? - қизиқиб сўради Жейкоб.

- Тарихи узун, - жавоб берди Элис.

- Бугунги кунга қандай режсалар? - сўради яна Жейкоб.

- Яхши, - жавоб берди унга Жаспер. - Биз аллақачон режса қилиб бўлдик. Амалий

йўналишини ишлаб чиқдик... агар сизлар биз тарафда олишаркансиз... унда сизга бир иккита

уқтиришилар бор.

Охирги гапидан учала бўритуслар юзини буришитирди.

- Йўқ! - ҳинқилладим мен.

- Ҳа, зўр иш бўлаяпти, - ўйланиб гапирди Жаспер. - Ҳеч қачон биз бирлашамиз деб тасаввур

қилмаган эдим. Тарихда биринчи марта.

- Буниси аниқ, - унга қўшилди Жейкоб. Энди у шошарди. - Биз Сэмнинг ёнига қайтишиимиз

керак. Қачон учрашамиз?

- Соат учда, бўладими?

- Каерда?

- Хоу-Форестдаги ўрмончилар уйидан бир миль шимол томонда учрашамиз. Сизлар гарб

тарафдан келинг ва бизнинг изимиз бўйлаб юринг.

- Борамиз.

Улар эшикка йўналишиди.

- Жейк, тўхтаб тур! - қичқирдим унинг ортидан. - Илтимос! Бундай қилма!

У тўхтади. Квил ва Эмбри бесабр эшикни қитирлатишиди. Жейкоб жилмайиб менга қаради.

- Белла, жиннича гапирма. Сен менга шундай яхии совга бердинг-ки, бугун мен сенга

берган совга буни олдида ҳеч нима эмас.

- Йўқ! - яна бақирдим.

Менинг қичқириғимни электрон гитара садоси босиб кетди.

Жейкоб жавоб қилмади. Деярли кўздан йўқолган дўстларининг ортидан кетиб қолди. Мен

чорасиз унинг ортидан қараб қолдим.

XVIII боб. Йўл-йўриқ

- Бу кеча бутун инсоният тарихидаги энг узун кеча бўлди! -
йўлда кетарканман ҳасрат чекдим.

Эдвард баҳслашиб ўтирмади:

- Ҳа, аммо у барибир тугади-ку. — у тинчлантирувчи лаззат билан мени силаб қўйди.

Айни пайтда тинчланиши фақат менга керак эди: Эдвард ўзига келган, албатта қолган

Калленлар ҳам.

Ҳамма мени тинчлантирарди: Элис ўртага туриб олиб тинмай мени ҳаёлимни чалгитар,

Жаспернинг тез-тез тикилишидан эса ўзимни анча беҳавотир сезардим. Эсми пешонамдан

ўпиб ҳаммаси яхии бўлишини ваъда қилди; Эмметт бўлса яна асабимга тегиб, нега мен

бўритуслар билан олишиши баҳтига сазовор бўлмадим деб нолирди...

Жейкобнинг бу таклифи узок ҳафталик сиқилишларини қувончга айлантирди. Шубҳа

ўрнини ишонч эгаллади. Кеча ҳақиқий байрамдек тугади.

Фақат мен учун эмас.

Мени деб Калленларнинг қурашиши бу жуда ёмон! Аммо бунга қарши нима ҳам қила

олардим.

- Бугун мени ўзинг билан олиб борасан, - дедим мен товушимга аниқлик киритиб.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Белла, сен чарчагансан.

- Мени ухлай олади деб ўйлайсанми?

У ҳўмрайди.

- Бу шунчаки тажриба холос. Ишончим комил эмас, бирга ҳаракат қилишимиз ўхшайдими

йўқми... Сени ўша марказда бўлишингни хоҳламайман.

Бунақа таклифдан сўнг мен ҳам уларни кўриш учун боришим керак.

- Агар сен мени олиб бормасанг, Жейкобга телефон қиласман.

Эдвард бужмайди. Унинг жсон нуқтасига урган эдим. Мен уйда ўтирмаиман барибир!

Эдвард жим бўлди: бизга уйга етиб келдик. Остонада чирок ёниқ эди.

- Тепада учрашамиз, - дедим.

Мен оёқ учида уйга кирдим. Дадам меҳмонхонада ухлаб ётар, аммо кресло унга

кичкиналик қиласди. Шунақа хуррак отардики, бомба портласа эшиштилмаса керак.

- Дада! Дада! - бор кучим билан унинг елкасига турта бошлидим.

У қимиirlади, аммо кўзини очмади.

- Мен уйдаман! Бунақа ётманг, хонангизга бориб ётинг, йўқса белингиз оғрийди.

Яна бироз уни қўзғатиб кўрдим, аммо бечора дадам анча чарчаган экан уйғонмади, шу

сабаб бир амаллаб уни ётогига олиб бордим. Кийимини ҳам ечмай, шу туриида диванга

ташлаб яна хуррагини бошлиди.

Шу етмай турувди ўзи деб хонамга қайтдим.

Эдвард мени хонамда кутиб турганди. Мен чўмилиб жинси шимим ва футболкамни

кийдим. У менга қараб туради. Мен Элис совга қилган кийимни шкафга илиб қўйгунимча

қараб турди, сўнг пичирлади.

- Ёнимга кел.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен унинг қўлини ушлаб каравотга келдим, унинг бағрига бошимни қўйиб ётавердим. ҳа у

ҳақ экан, роса чарчабман, у айёр ухлаб қолишимни кутаяпти, аммо мен ухлаб қолмаслигим

керак. Мен уни месиз кетишини хоҳламайманю

Эдвард жун адёл билан мени ўраб бағрига босди.

- Асосийси тинчлан.

- Албатта!

- Белла, ҳаммаси яхши бўлади. Мен буни сезаяпман.

Мен тишишимни қисдим.

Эдвард ҳали ҳам хуши кайфиятда эди. Мендан боиқа ҳеч кимни, Жейкоб ва унинг дўстлари

азоб чекиши билан иши йўқ.

- Белла, мени дикқат билан эшишт. Ҳаммаси яхши бўлади.

Янгилар бўритусларни умуман

тушуунмайдилар. Улар жамоа бўлиб олишганини Жаспер билади. Мен аниқ биламанки,

овчилик истеъоди билан бўритусларга бас келиши хатто бизга ҳам қийин. Ва албатта

йўлбошчисининг калласи узилса қолганлари ҳеч нима қила олмас дараҷага тушиб қолишади,

жсанг жуда енгил тугайди. Хатто кимдир зерикиб ўриндиқда томоша қилиши ҳам мумкин

бўлади, - ҳазиллашиди у.

- Ҳаммаси яхши бўлармиш, - пўнгилладим мен.

У менинг яногимни силади.

- Мана кўрасан. Сира ҳавотирга ўрин йўқ.

Одамлар - хўп майли, қонсўраклар ва бўритуслар бўлсин менга баридир, уларни яхши

кўраман, - яқин одамларим азоб чекишини тасаввур қилиши нақадар азоб. Яна мен сабаб. Бу

сафар ҳам. Ҳозир самога қараб боримча бақиргим: «Мана мен! Ахир фақат мен сизга

керакман-ку!» дея дод согим келиб кетди.

- Сен ростан ҳам уйда қолиб ухлашни истамайсанми?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен унга ҳўмрайиб қарадим.

У хўрсинди ва мени ортига опичлаб олди ва деразадан сакради.

Ортига мени ўтқазиб олиб, Эдвард зим-зиё тун қўйнида ўрмон оралаб учиб кетарди. Хатто

югуряётган вақтида ҳам унинг кайфияти аъло эканини сезиб турадим. Эдвард шундай учиб

елиб кетардики, у гўё одатдаги кунларимиздаги шўхликларимиз каби эди. Агар миямда мана

бунақа ўй- ҳаёллар бўлмаганида балки мен ҳам шодланармишим.

Биз катта ўтлоққа етиб келганимизда бутун оила жамулжсам эди: ўтириб олишганича гўё

ҳеч нима бўлмагандек сухбат қуришиарди. Баъзан Эмметтни қаҳқаҳаси эшиитилиб қолади.

Эдвард мени ерга қўйгач қолганларнинг ёнига бордик.

Ой булутлар ортига беркинди, мен бир қараашда дарров танимабман. Бу ўша ўтлоқ, биз

бейсбол ўйнаган майдонча экан. Айнан мана шу гўшада Калленлар билан бегам ўйнаб

юрганимизда Жеймс ва ҳамроҳларига рўпара келганимиз. Жуда қизиқ ҳолат бўлди, бу ерда

фақат энди Жеймс, Лоран ва Виктория етишимаяпти. Аммо Жеймс ва Лоран иккиси ҳеч қачон

кела олишимайди: қайта учрашув бўлмайди асло. Балки бу менинг ҳам сўнгги учрашувимдир?

Ха, балки бошқачароқ бўлар. Эҳтимол Вольтури ўз қоидаларини ўзгартирасади?

Виктория мен учун ҳар доим ўзгарувчан табиат ҳодисасига ўхшаган - баъзан ўрама шамол,

баъзан тўфон, баъзан чақмоқ: ўзгарувчан, бекарор ва бешафқат. Фақат уни мангу деб

бўлмайди. Ахир қачондир бўрон ҳам тинади-ку.

- Биласанми нимани ўйлаяпман? - сўрадим Эдвардан.

- Йўқ, - кулди у.

Мен ўзимни зўрга кулгудан ушлаб турдим.

- Ҳўши нимани ўйлаяпсан?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ўйлашимча, ҳаммаси бир-бираига боғланган. Фақат иккита ҳодиса эмас, хаттоти учта.

- Ҳеч нимани тушунмадим.

- Сен қайтганингдан сўнг учта баҳтсиз воқеа содир бўлди. -

Мен бармоғим билан санашини

бошладим: - Сиэтлда янгилар пайдо бўла бошлади. Кимдир хонамга ўгринча кириб чиқди. Ва

охир оқибат Виктория ниҳоят қайтди ва мени изляяпти.

Эдвард ўйчан туриб қолди.

- Нима учун бундай деб ўйлаяпсан?

- Чунки мен Жаспернинг фикрига қўшиламан: Вольтури ўз қоидаларига сигинган. Ва тез

орада бу ерга келишади. - «Агар улар мени ўлдиришини исташганида эди, мен аллақачон мурда

бўлардим», - ҳаёл қилдим. - Эслайсанми ўтган йили Викторияни ортидан қувлаганларинг?

- Ҳа. - Эдвард ҳўмрайди. - Мени ўшандада у қадар омадим келмаганди.

- Элис сени Техасга кетганингни айтган эди. Ўша сабаб кетганмидинг?

Эдвард қошини чимирди.

- Ҳа...

- Ана кўрдингми! У бемалол бу ғоясини амалга ошира оларди.

Аммо у нима фойда, нима

зарар тушунмай ўйлайди, шу сабаб янгилар ҳам бемақсад айлангандек.

У бошини қимирлатди.

- Фақат Аро аниқ Элис қандай қилиб келажакни кўра олишини билади.

- Аро ҳаммадан яхши билса ҳам, аммо Таня, Ирина ва Деналидаги бошқа дўстларимиз

нимадир билишган бўлиши мумкин-ку? Лоран улар билан қанчадир пайт дўстона яшаган. Агар

у Виктория билан анча пайтгача яқин алоқада бўлган бўлса, нега унинг илтимосига кўниб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бунақа иш қилди?

Эдвард яна ҳўмрайди.

- Сенинг хонангга кирган Виктория эмас.

- Ахир у янги дўстлар орттириши мумкин эмасми? Эдвард, ўзинг ўйлаб кўр. Агар Виктория

Сиэтлда бўлса, у жуда кўп дўстлар орттирган бўлса керак:
уларни айлантирган холос!

Эдвард ўйланиб қолди.

- Хм, бўлиши мумкин, - деди нихоят. - Ҳар ҳолда Вольтури
бўлиши ҳам мумкин деб

ўйлардим. Сени фаразларингга кўра Викторияга жуда
ўхшаяпти - деярли унинг феъл автори. У

аввалдан яшаб қолувчанлик қобилиятига эга эди. Албатта у
кимнидир орқасига беркиниб

ўшанинг измига солиб иш кўришига ўрганган. Охир-оқибат ўша
қарами аскарлари жанг саҳнида

жон олиб жон бераётган бир паллада у ўз инига беркиниб олиб,
жимгина кузатиши ва энг

сўнгги жангчиси адo бўлганида ҳам яна ҳеч нима бўлмагандай
ўз яшишида давом этиши ва яна

қанақадир янги ҳийлалар ўйлаб топиши мумкин. Айбдор ҳам
саналмай саноқдан четда қолиши

мумкин бўлиб қолади. У ўз галабасини биз учун энг қадрли
нарсада деб билади. Ва қачонки

унинг аскарлари тугатилса ёки бир дона бўлса ҳам уни бармоғи
билан кўрсатиб айблайдиган

қолмаса, умуман олганда - давом этди Эдвард, ҳаёлан ўйлаб, -
менимча тирик қолганида ҳам,

ўзи уларни йўқ қиларди... Хм. Йўқ, барибир унинг томонида
битта вояга етган қонсўрак бор:

чунки ҳеч бир янгилардан бирортаси дадангни тирик
қолдирмаган бўларди...

Эдвард узоқ вақт юзини буришириб ўйланиб қолди, аммо
тўсатдан ўйчанликдан

қувноқликка ўтди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Батамом мантиқий назария. Ҳар ҳолда ҳаммасига тайёр туришимиз керак. Тўлиқ

қаршилик этишга имонимиз комил бўлиши керак. Сен бугун жуда топагон бўлиб кетибсанми, -

деди меҳр билан. - Жуда ҳам топқирсан!

Мен ҳўрсиндим.

- Менимча бу ўтлоқ менга таъсир қиляпти. Бу ерда қаердадир Виктория шу яқин ўртада

мени кузатиб тургандек туюлади.

- Белла, у сенга икки дунёда қўлинни учини теккиза олмайди!

Аксига олиб қоп-қора дарахтлар, ўрмон аро бу борлиқда Эдвардинг кўзидаги чақин

якка-ю ягона умид учқуни бўлиб туюлди.

- Мен Виктория яқинроқ жойда бўлиши учун бор бойлигимни беришга тайёр эдим, -

пичирлади у. - У ҳам сенга озор етказишга уринадиганлар каби мутлак азоб билан менинг

қўлимда тамом бўлишига маҳкум.

Қонга ташналиги мени даҳшатга солди. Мен унинг бармоқларини маҳкам ушлаб олдим -

агар кучим етганида уни бир умр маҳкам ушлаб турган бўлардим!

Биз деярли қолганларниг ёнига етиб келдик. Элис хуихандонликдан мосуво ҳолатда

жисмоний тарбия машқларини тақрорлаётган Жаспердан сал нарида хўмрайиб ўтирибди.

- Элисга нима қилди? - пичирлаб гапирдим мен.

Эдвард ўзига келиб пиқиллаб кулди.

- Бўритуслар бу ёққа келишияпти. У эса улар шу яқин ўртада бўлишиса яқин келаజакни кўра

олмай қолади. Бунга эса Элис тоқат қила олмайди.

Элис узокроқда бўлса ҳам Эдвардинг сокин овозини эшишта олди. У акасига қараб тилини

чиқариб масҳара қилди. Эдвард яна кулди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Салом, Эдвард, - деди Эмметт. - Салом, Белла. У сенга тегиниб, сени мушт туширишингни истаяптими?

Эдвард шангилларди.

- Эмметт, уни бошини қотирма!

- Мехмонларимиз қачон келади? - сўради Эдвардан Карлайл. Эдвард бир лаҳза сезиб туриб нафас чиқарди.

- Чорак соатда шу ерда бўлишиади. Аммо улар ҳали бизга у қадар ишонишмайди, шу сабаб одамийлик қиёфасида бўлишимайди.

Карлайл бош иргиб қўйди.

- Улар учун бу одатий нарса эмас. Мен уларнинг келишига розилик билдиргани учун ҳам миннатдорман.

- Улар бўри қиёфасида келишиадими? - ҳайрон бўлдим мен.

Эдвард секингина бош иргаб қўйди. Мен ҳам ютиниб қўйдим, Жейкобни илк марта бўри

шаклида кўрган куним эсимга тушиб кетди. Ўшанда Лоран билан ўтлоқда учрашган эдим.

Иккинчи марта Пол менга жаҳл қилганида... иккисида ҳам доим ваҳимага тушган пайтимда бўлган...

Эдвардининг кўзида ғалати чақин порлади: гўё миясига бир фикр келди-ю, негадир у қадар

ёқимли бўлмаган фикрга ўхшиади. У тезда мени қўйиб бошқаларга қаради.

- Тайёр турингиз: улар бизга вақт бершишмоқчи.

- Нима демоқчисан бу билан? - қичқириб сўради Элис.

- Жим, - огоҳлантириди у зулматга қараб қоларкан.

Калленлар саф тортишга тушишиди. Саф бошида Жаспер ва Эмметт бош бўлиб туриб олди.

Қарасам Эдвард ҳам мени ортига олиб, ана у иккисига ўхшибошга туриб олмоқчи.

Мен унинг билагини ушладим. Титраганимча ўрмонга қарадим, аммо зулматдан бошқа

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

нарсани кўрмадим.

- Жин урсин! - пўнгиллади Эмметт - Умрим бино бўлиб бунақасини кўрмаганман!

Эсми ва Розали орқага тисарилишиди.

- Нима бўляяпти? - иложи борича секин сўрадим мен тиҷирлаб.

- Мен ҳеч нимани

кўрмаяпман.

- Тўда кенгайибди, - шивирлади у жавобан.

Мен унга Квил ҳам тўдада эканини айтмагандимку ҳали? Мен зулматга узоқ қараб турдим

ва олтита бўрини санадим. Ва ниҳоят қоронгуликдан алланима, жуда катта қоп-қора кўмирдек

нарса чиқиб келди. Кўзлари оловдек порлар, катта отдек хатто унданам катта гавдаси, жунлари

ва мушакдор баданини шу ердан туриб кўриб турардим.

Тирноқлари ҳанжардек - бу манзарани

эсдан чиқариб бўлмайди.

Мен фақат кўзларни кўрадим. Бошқаларига ҳам дикқат билан қарапканман, кўзим тиниб

кетса ҳам санаб кўрдим. Олтитадан ташқари яна бир, икки, уч... икки марталаб санаб чиқдим.

Ўнта бўри.

- Э қойил-e! - деб юборди Эдвард ҳам.

Карлайл сардорлардек олдинга секин оҳиста қадам ташлаб чиқиб келди. Эҳтиёткорлик

ҳозир энг асосийси эди. Шу йўл билан меҳмонларни тинчлантириши керак.

- Хуш келибсиз, - у зулматдаги бўрилар билан саломлашиди.

- Раҳмат, - деди Эдвард нотаниши, аммо қалин овоз билан - ва дарров Сэм жавоб

қилаётганини топдим.

Мен чақнаб турган кўзлар орасидаги энг улкан қора бўрини излаб топдим.

Эдвард яна қўрс овозда Сэмнинг гапини айтди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Биз фақат кўришишимиз ва эшишишимиз мумкин - ортиқ ўзимизни тутиб туришишимиз етмаслиги мумкин.

- Бу бизга етарли, - рози бўлди Карлайл. - Менинг ўглим Жаспер, - у тайёр турган Жасперни

чақирди, - у бир қанча тажрибага эга. У бизга янгиларни қандай ўзини тутиши ва қандай қилиб

енгиши мумкин бўлган йўлларни ўргатади. Аниқ биламанки, бу бизга қўл келади.

- Улар сизлардан фарқ қиласидими? - сўради Эдвард Сэмнинг овозида.

Карлайл бош чайқади.

- Улар жуда ёш - бу ҳаётига атиги бир қанча ойлик тўлган холос. Уларда жсанг қилиши учун

лаёқати ва стратегияси йўқ - фақат қўпол кучлари бор холос. Бугун улар йигирмата. Ўнтаси

бизга, ўнтаси сизга - бу у қадар қийин бўлмаса керак. Улар янада камайиши мумкин, чунки

улар ўзини ўзи ҳам ҳалок этадилар.

Бўрилар ўзаро гаплашиб кетишди - паст бўлмаган ириллаш ва бўкиришиларида ҳаяжон ва

қанақадир газаб ҳам бор эди.

- Агар керак бўлса ундан ҳам кўпрогини йўқ қиласиз, - таржима қилди Эдвард - бу сафар

анча хотиржам оҳангда.

Карлайл жилмайди.

- Кўрамиз бундан нима чиқаркан.

- Сизлар аниқ биласизларми, улар қачон ва қандай пайдо бўлишиади?

- Улар тўрт кундан сўнг тоз томондан келишиади. Элис улар яқинлашганида уларни қандай

қилиб қуршовга олишини айтади.

- Маълумот учун раҳмат. Биз кўриши учун қоламиз.

Пишиллашга ўхшаши овозлар эшишилиб, бирма бир кўзлар чақнаб ерга ётиб олишиди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бир неча сония атроф жисимиб қолди. Сўнг Жаспер бўритуслар ва қонсўраклар орасидаги

бўши майдонга чиқди. Унинг териси қоронгуда ҳам ҳамон ялтираб турар, шу сабаб уни аниқ

кўриб турадим. У Эдвардга эҳтиёткорона назар ташлади. У боши иргиди. Шунда Жаспер

бўритусларга ўғирилиб қулай кайфият муҳитини яратди.

- Карлайл ҳақ, - деди Жаспер, бизга қараб у негадир ортидаги тингловчиларни рад этгандек

туюлди. - Улар худди ёш болалардек олишадилар. Сиз иккита муҳим нарсани эсдан

чиқармаслингиз керак: биринчидан уларни сизни қўли билан қучоқлаб олишига йўқ қўйманг,

иккинчиси энг машхур усуллардан фойдаланманг. Уларга орқасидан ҳужум қилинг ва бир

жойда турманг. Ана шунда улар шошиб қолишади ва сизга қаршилик қила олмай қолишади.

Эмметт?

Тиржайиб кулганича, Эмметт сафдан чиқиб келди.

Жаспер даланинг шимол тарафига бориб худди иккита қўшиндан чиққан аскардек туриб

олди ва Эмметтга қўл силтади.

- Хўш, Эмметт биринчи чиқади. У қандай қилиб янгилар ҳужум қилишини кўрсатиб

беради.

Эмметт хингиллаб қўйди.

- Мен ҳеч кимни синдириб ташламасликка ваъда бераман, - кариллади у.

Жаспер мийигида кулди.

- Аслида эса Эмметт ўз кучига ишонади. У юзма-юз ҳужум қиласди. Худди Янгилар каби

ҳеч қандай айёрикка қодир эмас. Эмметт энг оддий усул билан ҳужум қилиб кўр.

Жаспер бир нечта қадам ортга сакраб тиришиб турди.

- Қани, Эмметт, мени тутиб ол.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Шу пайт Жаспер шамолдек тез отилиб кетди, ортидан Эмметт ҳам қўлини кенг ёзганича интилди. Иккиси тенг эди, аммо Жаспер тезкорроқ ва айёргик қилганича ҳар тарафга ҳаракат қилиб чайқаларди.

Эдвард олдинга бироз интилгандек бўлди.

Эмметт тўхтади. Жаспер бир сакраида унинг ортида пайдо бўлиб, уни ортидан тутди ва бўйнига тишини ботиришига таҳт бўлгандек кўрсатиб берди. Эмметт гингшиди.

Бўрилар дикқат билан қараб туришарди.

- Яна бир марта! - деб талаб қилди Эмметт, бу сафар табассуми йўқолганди.

- Менинг навбатим! - хайқирди Эдвард.

Мен унинг кафтини ушладим.

- Бир дақиқа, - тиржайди Жаспер, аralашиб. - Мен Беллага бир нарса кўрсатмоқчи эдим.

У Элисни қўли билан имлаб чақирганини кўрганимда қўрқа бошладим.

- Мен ундан ҳавотир олаётганингни сезиб юрибман, - тушунтириди Жаспер, Элис рақсга

тушгандек хиром айлаб яқинлашгунича. - Ҳозир кўрасан, ҳавотир олиш умуман керакмаслигини.

Ҳар ҳолда Жаспер Элиснинг бошидан битта тола узмаслигини жуда яхши биламан, аммо у қандай қилиб унга ташланганини кўриши даҳшатли бўларкан.

Элис қўрқмай хотиржам кулиб туради - Эмметтнинг олдида у миттигина қўғирчоққа ўхшарди. Жаспер олдинга талпиниб дарров чапга бурилди.

Элис қўзини юмди.

Менинг юрагим жуда тез ура бошлади. Жаспер Элисга етиб келди.

У сакради ва гойиб бўлди. Ва тўсатдан Элиснинг бошка томонидан пайдо бўлди, аксига

олиб Элис хатто қилт ҳам этмаганди.

Жаспер яна тездә сакраб бурилиб аввал пайдо бўлган жойда акс этди. Шунча вақт давомида

Элис қилт этмасдан фақат кўзини юмиб тиржайиб туради.

Энди мен унга дикқат билан термула бошладим.

Аммо аслида эса Элис ҳаракат қилаётган экан. Фақат мен Жасперга эътибор қилганим учун

парво қилмабман. Элис худди рақс тушгандек у ёқдан ўтиб бу ёққа чап берарди.

Ҳар сафар Жаспер Элисни тутуб олиш учун у ёзида бу ёзиға ўтар экан, қиз ҳар сафар

чандастлик қилиб қоларди.

Жаспер қанча яқин келса, Элис шунча тез ҳаракат қиларди.

Элис тўсатдан бир айланиб Жаспернинг ортида пайдо бўлди ва лаби билан унинг бўйини тутди.

- Кўлга тушдингми! - кулди у ва бўйнидан ўтиб олди.

Жаспер қиқирлаб кулиб бошини қимирлатди.

- Сен миттигина даҳшатли маҳлуқсан!

Бўрилар ғалати ириллаб қўйишиди.

- Бу уларга фойда: бизни ҳурмат қилишини ўрганишади, - пўнгиллади Эдвард меҳр билан ва

бақирди: - Менинг навбатим!

У менинг қўлимни қўйворишдан аввал секин силаб қўйди.

Элис мени ёнимга келиб турди.

- Зўр-а? - сўради у ўзида мамнун бўлиб.

- Бўлмасамчи! - рози бўлгандек унинг фикрига кўзимни Эдвардан узмасдим, у жисмина

Жаспернинг рўпарасига худди ёввойи мушукдек кета борарди.

- Белла, мен сендан бир нималарни кўрдим, - кутимаганда қулогимга Элис шивирлади -

мен уни зўрга эшита олдим.

Элис менга таъна аралаш қаради.

- Мен унга ҳаммасини айтиб бераман. Сен ҳозирча мукаммал аниқ режса қарор қилмагансан,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

шу сабаб иккиланиш бор, - унинг овозида даёдага бор эди. -
Айтчи кимга осон бўларкан?

Сенинг ўлиминг кимнидир тўхтатиб қолармикан? Улар
барибир жсанг қилишади - ҳаммамиз

олишамиз. Сен бирор нимани ўзгартира олмайсан, шунинг учун
ақли бўл. Тентак қарор қабул
қилма?

Мен ғужсаниб олдим, аммо эътибор тортмасликка уриндим.

- Мен сени кузатишда давом этаман, - қайтарди Элис.

Эдвард Жасперга яқинлашиди, бу ҳамлараларнинг
олдингиларидан фарқи кучлар роппа

роса тенг эди. Юз йиллик жсанг тажрибасидан Жаспер жуда
шонли услубни мерос қилган эди.

У ҳужумни аввалдан ички туйгуси ёрдамида билиб оларди.

Эдвард шиддатлироқ эди, аммо

Жаспер нотаниш усуллар қўллаб ҳамладан қутулиб кетарди.

Рақиблар ўта қақшатгич ҳаракатлари билан шунақа тез
қўзгалишар эдики, мен уларнинг

қай бири Жаспер, қай бири Эдвард эканини ҳам адаштириб
юбордим. Хатто бўрилар ҳам анча

дадиллашиб диққат билан кузатишшаётган эди.

Ниҳоят Карлайл йўталиб қўйди.

Жаспер тиржайиб уни қўйворди. Эдвард елкасини қашиб
ҳўмрайиб қўйди.

- Мақташга етарли, - деди Жаспер. - Майли дуранг бўла
қолсин.

Колганлар ҳам кучларини Жаспер билан солишишириб кўрдилар:
Карлайл, кейин Розали,

Эсми ва яна Эмметт. Мен ҳар сафар Жаспер Эсмига
ташланганида қўрққанимдан кўзимни

юмиб олардим - буни кўриш энг даҳшатлиси эди. Кейин эса
Жаспер тезлигини камайтириб,

хатти ҳаракатини сирини Эсмига шипшишиб қўйди:

- Кўрдингизми мен нима қилдим? - сўради у ва тетиклашиб
олди: - Ҳа, худди шундай.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Диққат билан қаранг, унумтманг рақибингизни қаёкқа талпинаётганидан бохабар бўлинг. Бир жойда туриб қолманг.

Эдвард ҳар дамда ҳам кузатиб, ҳам эшиитиб ўтироди - бошқалар кўришига улгурмаётган сирлар ҳам бор эди.

Ҳамлани қайтариши энг қийин иш экан: мени эса уйқу боса бошлиди. Охирги пайтда жуда

ёмон ухляяпман. Хатто бир кунлаб ухламай қўйгандим. Мен Эдвардга ёрилдим.

- Биз деярли тугатдик, - пицирлади у.

Жаспер унинг сўзларини тасдиқлади: биринчи марта бўриларга қараб ўзини ноҳуш сезганинча.

- Эртага яна машғулотлар олиб борамиз. Агар хоҳласангиз келиб кузатинг.

- Ҳа, - жавоб қилди Эдвард Сэмнинг овозида. - Биз келамиз.

Эдвард хўрсинди ва мени қўлимдан ушлаб нариги томонга кета бошлиди.

- Тўда бизнинг ҳидимизга ўрганиши керак, - деди у. - Келажакда адашиб кетмасликлари

учун. Агар биз ҳам ўзимизни тинч тутсак икки тарафга ҳам яхши бўларди.

- Албатта, - жавоб берди Карлайл Сэмга. - Биз нима керак бўлса ҳаммасини қиласиз.

Бўрилар қўзгалиб кета бошлиди.

Чарчоқни ҳам унумтиб улар кетаётган тарафга қараб қолдим.

Сэм албатта энг олдинда кетиб борар: ҳаддан ташқари катта қон-қора, худди тунга

ўхшиайди. Тушларимдаги ҳақиқий даҳшатнинг ўзгинаси. Аммо уларни илк марта бунақа тусда

кўрганимни ўйлаб, тушимда уларни кўрмаганимни тушуниб қолдим.

Ҳар сафар уларни кўрсам бу улкан бўрилар янада каттадек кўриниб кетарди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Кўзимни қири билан атрофга қарапканман, Эдвард ҳам менга секин қараб турганини билдим.

Сэм ҳаммадан олдин Карлайлга яқинлашиди. Тўда бештадан бўлиб сардор ортидан

сафланганди. Жаспер тўзгиди. Аммо Эмметт хотиржам ҳўмрайиб қараб турди.

Сэм Карлайлни ҳидлади - ва менимча енгилгина ўтди. Кейин эса Жасперга ўтди.

Мен секин тўда ортига қараб қўйдим. Жамоага яна янгилари келиб қўшилди. Ёрқин

кулранг тусли бир бўри, у ҳаммадан кўра кичик кўринсада туклари хўрпайган жаҳлдор ва

нафрати сезилиб турарди. Ортидан эса яна битта янги қум рангидаги бўри келиб қўшилди. У

ҳаммадан кўра Сэмга итоат қилган шекилли ҳар бир хатти ҳаракатидан таъсирланиб ўзини

бошқара олмай қолаётганди.

Мен назаримни Сэмнинг ортидаги бўрига қаратдим: пахмок қизғиши жигарранг жунли

бошқаларга қараганда анча баланд ва деярли Сэмга тенг келадиган катта бўри. У ўзини анча

хотиржам ва дадил тутар, гўё бу ер у учун жуда ҳавфсиздек эди.

Улкан қизғиши жигарранг бўри менинг нигоҳимни пайқаб менга қаради ва таниш қон-қора

кўзлари билан қараб қўйди.

Мен унга қараб қоларканман, мен уни танишимни сезиб қолдим. Юзимда эса қизиқиши акс этди.

Бўри оғзини очиб тишиларини кўрсатди - агар тилини ҳам чиқармаганида мен қўрқсан

бўлардим, у иржайиб турган эди.

Мен хихилаб кулдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкоб янада кенгрок иржайиб қўйди. У тўдани тарк этиб биродарларини эътиборига

назар қилмай, шошилмай Эдвард ва Элиснинг ёнига келди,
қисқагина Эдвардга қараб сўнг
менга яқин жойга келди.

Эдвард менинг таъсирланишимни кутиб қараб туради.

Жейкоб олдинги панжаларини пастга тушириб бошини эгиб,
мен билан тенглашиб қараб
турди.

- Жейкоб? - алжирашим мен.

Жавобига у секин хириллаб қўйди, худди кулгуга ўхшарди.

Мен унинг тўқ қизғиши жигарранг тукларини силаб қўйдим.

Қоп-қора кўзлар юмилиб Жейкоб бошини қўлларим тагига
қўйди ва томогидан майин
эркалик ириллаши сезилди.

Жуни сип силиқ аммо қаттиқ ва ҳам иссиқ эди. Мен унинг
қорароқ тукларини ҳам силаб

унга анча яқин келиб қолибман шекилли, у дарров бошина
кўтарди ва унинг тумшуғига иягим

тўғри келиб қолди!

- Фу, Жейк! - тортиниб кетдим-да орқага тисарилдим.

Жейкоб ортига ўгирилиб кулгули оҳангда хириллаб кетди.

Мен ҳам юзимни кўйлагим енги билан артиб кулгудан ўзимни
тия олмадим.

Шу пайт ҳамма бизга қараб турганини пайқаб қолдим:
Калленлар ҳам, бўритуслар ҳам.

Калленларнинг юзида ҳайрат ва бироз жирканни ҳисси бор
эди. Ана у бўрилар нима деб

ўйлаган, бир нарса дейши қийин. Менимча, Сэмга бу ёқмаган.

Ҳаммадан ҳам Эдвард жуда ғалати ҳолатга тушиган, у мендан
бошқа акс таъсир кутганди,

мисол учун мени довдираб қўрқиб кетади деб ўйлаган.

Жейкоб янада севиниб хириллаб кетарди.

Қолган бўрилар Калленларга қарашини маъқул кўрмадилар.
Жейкоб яна ёнимда туради.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Кетиб бораётган зулмат билан бирга биродарлари ҳам кетиб боришарди. Фақат дараҳт ёнидаги

ана у иккитаси кетмадилар. Ва қизганиши ҳисси билан Жейкобга қараб туради.

Эдвард хўрсиниб Жейкка эътибор қилмай менга қаради ва қўлимдан тутди.

- Кетдиқми? - сўради у.

Жавоб бершишмдан аввал менинг бошим узра Жейкобга қаради.

- Мен ҳали барча тафсилотларни аниқлаганим йўқ, - деди Эдвард ғалати оҳангда.

Жейкоб норози бўлиб тўнгиллай бошлиди.

- Ахир бу осон эмас, - тушунтириди Эдвард. - Бошингни қотирма. Мен унга ҳавфсиз жой топаман.

- Нима ҳақида гаплашаяпсизлар? - сўрадим мен.

- Ҳа, шунчаки жсанг йўналиши ҳақида гаплашаяпмиз, - жавоб қилди Эдвард.

Жейкоб бошини ликиллатиб у ёқдан бу ёққа қаради ва тўсатдан орқасига ўрмонга кетиб

қолди. Фақат шунда қора мато боғлаб олган орқа оёгини кўриб қолдим.

- Тўхта! - мен унинг ортидан қўл силтаб қолдим, аммо Жейкоб дараҳтлар ортига, иккита

бўрилар кетиб қолган томонга кетиб қолди.

- Нега у кетиб қолди? - хафа бўлиб сўрадим.

- У қайтади, - деди Эдвард ва хўрсинди: - Сен билан таржимонсиз гаплашмоқчи.

Мен ўрмон ортига Жейкоб йўқолган тарафга тикилиб қолдим.

Чарчоқдан оёгим оғриб

Эдвардга суюндим.

Жейкоб одам қиёфасида кўринди. Мушиаклари бўртиб, белига қўлини қўйган, фақат қора

иштон кийиб олганди. Совуқ бўлса ҳам оёқ яланг асло совқотмасди. У ўрмондан бир ўзи чиқиб

келди. Дўстлари дараҳтлар ортига беркинишиди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Калленлар айлана бўлиб олишиб тинчгина гаплашиб туришарди. Улардан узокроқ ўтиб

Жейкоб биз томонга секин яқинлашиди.

- Ҳа нима бўлди зулук, - деди Жейкоб, мен тушунмай қолган чала сұхбатни давом

эттиаркан. - Буни нимаси қийин?

- Мен ҳамма имкониятларни ҳисоблаб чиқишим шарт, - асаби қўзиб жавоб қилди Эдвард. -

Агар сиз кимнидир ўтказиб юборсангиз нима бўлади?

Жейкоб ахмоқона қараб ҳуитак чалди.

- Бўпти, унда кел у резервацияда қолади. Биз барибир Колин ва Брейдини қолдириб

кетамиз. У ерда у ҳавфсиз бўлади.

- Бу мен ҳақимда? - жекилладим мен.

- Мен жанг пайтида сени қаерга юбориб яшириб қўйишига қизиққандим, - тушунтириди

Жейкоб.

- Қаёққадир юборади?

- Белла, сени Форксда қолдириб бўлмайди, - ўйланиб гапира кетди Эдвард. - Улар сени

қаердан излашни билади.

Юрагим қаттиқ дупирлаб урди.

- Дадам-чи? - ох тортдим.

- У менинг отам билан қолади, - тинчлантириди Жейкоб. - Агар ўлдиришгача борса,

дадангни ҳимоя қилиши керак бўлиб қолса менинг отам буни бемалол бажара олади. Умуман

олганда шанба куни матч бўлади ва иккисини бутун дунё безовта қила олмайди.

- Мана шу шанбами? - бошим айланиб, фикрларим тўзгидиб кетди. Мен Эдвардга қарадим ва

қовоғимни солдим: - Ана бўлмаса! Сенинг совғанг йўқолиб қолди!

Эдвард тиржайди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Жуда қимматбаҳо эътибор, - эслатди у. - Балки чипталарингни кимгадир бергандирсан.

- Анжела ва Бен! - эсимга тушиди. - Ҳар қалай улар омадлари бор, бу шахардан кетишаётни.

- Сен бутун шахарни бошқа ерга кўчира олмайсан, - юмшоқ оҳангда гапирди Эдвард ва

менинг бўйнимни силади. - Мен сени ҳар эҳтимолга қарши беркитиб қўймоқчиман. Ҳаммаси

осон тугайди. Битта ҳамлада уларни йўқ қиласиз.

- Уни Ла-Пуида қолдириксак-чи? - бесабрларча аралашиди Жейкоб.

- У ерга жуда кўп марта борган. Ҳиди жуда кўп қолиб кетган. Унинг ҳиди ҳамма жойда

тарқалган, - жавоб берди Эдвард. - Элис фақат ёши қонсўракларни кўраяпти. Аммо уларнинг

ортида тажрибали кимдир турибди. Уларни ўша айлантирган. Ва албатта у ҳам янгилар билан

овга чиқади. У ким бўлишидан қатъий назар, аёл ёки эркак - Эдвард менга жуда кўп қараб

қўяверди - кўздан нари туриб излаши мумкин. Агар у қарор қилса Элис кўра олади, аммо биз

банд бўлсак уни пайқамай қолиши мумкин. Беллани доим ўзи бўладиган жойда қолдиришини

истамайман. Шу сабаб беркитиши керак. Ҳавфни кўпайтишини истамайман.

Мен Эдвардни хўмрайганча эшишиб турардим, у тушуунтиаркан қўлимни секин бармоғи

билан чертиб ўйнарди.

- Мен шунчаки эҳтиётлаб қўймоқчиман холос, - деди у.

Жейкоб қуюқ ўрмонга қараб, шарқда ястаниб ётган тоғларга қўл силтади.

- Унда ана шу ёқларга беркитиб қўйиши керак. Жой кўп. Биздан бирортамиз уни олиб

боришишимиз мумкин, бир неча сонияда олиб кетамиз.

Эдвард бошин чайқади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Унинг ҳиди жуда ўткир. Меники билан эса дарров пайқаш мумкин. Агар мен олиб борган тақдиримда ҳам дарров пайқашади. Аксига олиб улар турлича қарорлар қабул қилишади.

Тоғдан тушиб келишлари ҳам мумкин. Шу сабаб таваккал қила олмайман...

Иккиси ҳам хўрсиниб қўйшиди.

- Кўрдингми, ҳаммаси ҳам у қадар оддий эмас.
- Аммо қанақадир чиқши йўли бўлиши керак-ку, - пўнгиллади Жейкоб лабини тишлаб асабийлашиб.

Мен титрадим. Эдвард мени кўтариб олди, йўқса йиқилиб тушиардим.

- Сен жуда чарчагансан - уйингга олиб бориши керак. Ҳализамон даданг ҳам уйгониб қолади...

- Тўхта-чи! - Жейкоб тўсатдан уни тўхтатди. Унинг кўзи чарақлади. - Адашмасам менинг ҳидим сенга акс таъсир қиласи, тўғрими?

- Ажойиб гоя. - Эдвард уни ярим сўзидан тушуунди. - Балки ёрдам берар. - У ўзиникиларга қаради. - Жаспер!

Шунача катта қизиқши билан у бизга яқинлашиди. Элис унинг ортидан эргашиди.

- Жейкоб, қани бўл! - бош иргади Эдвард.

Жейкоб менга қаради. Унинг чехрасида турфа хил ҳислар гирён қиласи: унга ҳозир

ўйлаган мақсади жуда муҳим эди, аммо ёнгинасидаги иттифоқчиларига айланган душманларини кўриши асабини бузарди.

Энди асабийлашии навбати менга етди. Жейкоб мени қўлига олмоқчи эди.

Эдвард чуқур уф тортди.

- Биз сенинг ҳидингни менинг ҳидим йўқ қилиб ташлайдими ёки йўқми шуни текшириб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

кўрмоқчимиз, - тушунтириди Жейкоб.

Мен уни қучоқлаб олмоқчи деб шубхаланиб қарадим.

- Белла, сени қўлига кўтариб олиши керак, - деди Эдвард.

Унинг сокин овозида аламли қимтишини ҳис қилдим.

Мен яна ҳўмрайдим.

Жейкоб бесабрларча хмм деди-да, мени қўлига илиб олди.

- Бунча кичкинасан! - пўнгиллади у.

Ва у Эдвардга қаради. Мен ҳам қарадим: Эдвард хотиржам ва совуқ кўринди.

- Мен жуда ҳам яхши сезаяпман Беллани ҳидини, - деди Жасперга қараб. - Балки бошқа

унинг изидан ҳидлаб кўрар.

Жейкоб ортига ўгирилди ва ўрмонга чопиб кетди. Бизни гираширалиқ қамраб олди. У

жимгина олдинга интилиб кетар, мени маҳкам тутганича мен ўзимни Жейкобни бағрида ўзгача

ҳис қилардим. қизиқ унинг ўзи айни пайтда нимани ҳис қиларкан? Шу ҳолатда негадир Ла-

Пушдаги бўлган воқеани эсладим, аммо эсламаслик керак буни...

Узоққа кетиб қолмадик: Жейкоб айлана ясаб даланинг бошқа томонидан чопиб чиқди.

Футбол майдонига тенг келадиган майдондан бир давра чопиб ўтиб ёлғиз турган Эдвардга

яқинлашдик.

- Энди мени қўйворсанг ҳам бўлади!

- Мен тажрибани бузишни хоҳламайман. - Жейкоб мени оҳиста, кейин маҳкамроқ қучиб

олди.

- Қанака сен ярамассан-а! - пўнгилладим мен.

- Мақтov учун раҳмат.

Жаспер ва Элис қутимагандага Эдварднинг ёнида пайдо бўлишиди. Жейкоб олдинга юрди ва

мени ерга қўйди. Мен Эдвардга яқинлашиб уни қўлинни ушладим.

- Хўши қандай? - сўрадим мен.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Белла, агар сен ҳеч нимага тегмасанг ва сени ҳеч ким улардан бирортаси шу яқин ўртада

ҳидламаган бўлса, сени икки дунёда топа олишимайди, - жавоб берди Жаспер ва қимтинди. -

Иккингизни ҳидингиз бир-бираига қоришиб кетибди.

- Ҳаммаси жуда яхши бўлди! - кўндириди бизни Элис, бурнини тириштириб.

- Бу менинг ҳаёлимга ҳам келмасди.

- Ба бу жуда зўр иш берди, - ишонч билан қўшиб қўйди Элис.

- Жуда ақлли гоя, - рози бўлди Эдвард.

- Сен бунга қандай чидаркансан? - тўнгиллади Жейкоб ва менга қаради.

Эдвард Жейкобнинг гапини чала қолдириб менга қаради.

- Биз ёлғон из қолдириб ҳамма янгиларни мана шу майдонга йиғмоқчимиз. Янгилар сенинг

ҳидингга алқаб ўз эҳтиётсизликларини йўқотиб қўйишади. Элис буни кўради, бу ёрдам қиласди,

агар улар бизни ҳидимизни сезса ярми ўрмонга қочадилар ва буни ҳам Элис кўради...

- Ва албатта ҳа! - пицирлади Жейкоб.

Эдвард унга қараб деярли дўстона жилмайди.

Мени эса кўнглим беҳузур бўларди. Улар қандай қилиб бунақа ҳавфни осонгина муҳокама

қилишияпти? Ахир иккиси ҳам ҳавф остида! Мен буни кўтара олмайман.

- Ҳеч қачон! - кутимагандада Эдвард жирканган овозда.

Мен қўрқиб кетдим, наҳотки у менинг ҳаёлларимни ўқиди?

Аммо Эдвард Жасперга қараб

туради.

- Ҳа хўп, хўп - шошиб жавоб берди Жаспер. - Шунчаки миямга келиб қолди.

Элис унинг оёгини туртиб қўйди.

- Агар Белла жсанг майдонида бўлса, ҳамма янгилар ўз ақлини буткул йўқотиб бу дунёда

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳамма нарсани унумтиб қўйшишади, - унга тушинтириди Жаспер, -
Ана шунда биз уларни шу қадар
осон йўқ қиласардик...

Хўмрайган нигоҳни кўриб Жаспер нутқини ўзгартириди.

- Албатта бу Белла учун жуда ҳавфли. Шунчаки миямга
келдида бунақа фикр, - қўшиб
қўйди у.

Аммо мен у қандай афсус билан менга қараганини кўрдим.

- Хатто ҳаёлингга келтирма, - аниқ қилиб гапирди Эдвард.

- Ҳа, сен ҳақсан, - жавоб қилди Жаспер. Элисни қўлидан тутиб
қолган Калленларнинг

олдига кетди. - Балки учтага иккита? - сўради у Элисдан, улар
яна шугулана бошлидилар.

Жейкоб жирканиб ундан кўзини олди.

- Жаспер нарсаларга ҳарбийларча қарайди, - тинчгина
тушуунтириди акасини ёнини олиб

Эдвард. - Ҳамма услугуб ва ўналишилардан уни асло бағритош
деб ўйламанг.

Иккисининг орасига туриб олганимда, аллақандай сирли рад
этиб бўлмас электр

зарядининг таъсирини сездим. Қанақадир қарама қарии кучлар
тўқнашганга ўхшарди гўё.

Эдвард яна мақсадга қўчди:

- Жума куни кундузи Беллани шу ерга олиб келаман. Ва ундан
ёлғон из қолдирамиз. Кейин

сен келиб уни ишончи жойга олиб борасан. Уни кўндириши
қийин, аммо мен уdda лайман. У

ерга осон бориб бўлмайди, шу сабаб мен бошқа йўл билан
бораман.

- Кейинчи? - шубҳали сўради Жейкоб. - Унга мобилник телефон
бериб ёлғиз

қолдирамизми?

- Сенда бошқа яхшироқ фикр борми?

- Албатта, ҳа, - мумнун иржайди Жейкоб.

- Ҳм... Кучуквой яна ажойиб гоя айтинг.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкоб тезда менга қаради - менимча ўзидан кучли ва ғолиб йигит қиёфасини

кўрсатмоқчи. шу сабаб мени сухбатга тортди.

- Биз Сетни уйда қолишга кўндирамоқчи эдик. У жуда ёши бўри. Колган иккита бўридан ҳам

ёши. Аммо қудрати нақ буқаникидек қахрли. Аммо мана энди унга янги топшириқ тайинланди.

Энди - мобиль телефон (ҳабарчи) бўлади.

Мен ҳаммасини тушунгандек қилиб ўзимни кўрсатдим, аслида ҳеч нимани тушунмадим.

- Сет Клируотер бўри қиёфасида тўдадан алоҳида шу ерда турса, - аниқлаштириб олди

Эдвард. - Масофа ҳалақит қилмайдими? - сўради у Жейкобга қараб.

- Ҳеч қанақа.

- Уч юз миль? - ҳайратланди Эдвард. - Қойил-е!

Жейкоб яна ғолиб қиёфада гердайди.

- Шунчаки бундан ҳам узоқча бормаганмиз, - деди у менга. -

Аммо барибир зўр.

Мен довдирга ўхшаб бош чайқадим. Миямда фақат битта ҳаёл, кичкинтой Сет кап-катта

бўри бўлибди энди! Мен уни ёнимда кулиб турганини эсладим, у Жейкобга жуда ўхшайди.

Сетни эслаш, гулҳан атрофидаги сокин дамларни ёдга солди.

- Ёмон гоя эмас, - шошилиб гапирди Эдвард. - Агар ипсиз алоқага эга Сет Белла билан бирга

экан, мен анча хотиржам бўламан. Билмадим Беллани ёлгиз ташлаб, Бўритусга ишониб кета

олармиканман!

- Консўраклар билан бирга туриб бошқа қонсўракларга қарии курашаётганингга

ишонмайсан? - худди шу оҳангда гапирди Жейкоб.

- Албатта жсанг қонсўраклар билан бўлиши мукаррар, - изоҳ берди Эдвард.

- Айнан шунинг учун биз бу ерга келдик, - жилмайди Жейкоб.

XIX боб. Худбинлик

Эдвард мени қўлида кўтариб келган экан, қаттиқ чарчаганим учун елкасида опичлаб келишини ноқулай деб ҳисоблабди. Йўлда менимча ухлаб қолганман шекилли.

Ўз тўшагимда уйғондим. Деразадан нур оқими хонага оқиб кирди. Кўринишидан аллақачон кун ёришиб кетганди.

Мен эснадим ва ўрнимдан турдим. Қўлимни чўздим, аммо бўшлиқни сездим.

- Эдвард? - чақирдим мен.

Менинг бармоқларим ва ниҳоят кимнингдир муздек, аммо майин қўлларига тегди – унинг қўли.

- Сен ростан уйғондингми? - пўнгиллади у.

Мен тасдиқлагандек хўмрайдим.

- Нима бўлди, алаҳладимми?

- Сен ўзингни билмай ётдинг. Кун бўйи алжирадинг.

- Кун бўйи? - қўрқиб кетдим ва кўзгуга қарадим.

- Сен жуда узоқ тунни бошингдан ўтказдинг - тинчлантириди мени. - Шу сабаб кун бўйи мазза қилиб ухладинг.

Мен ўтириб олдим. Бошимда гуж-гуж ҳаёл. Нур аллақачон зарб томонга ўтган эди.

- Ана бўлмаса!

- Очқадингми? - сўради Эдвард. - Хоҳласанг сенга шундоқ жойингга таом келтириб бераман?

- Керак эмас, - деб ўрнимдан турдим ва керишидим. - Энди ўзимга бироз қараб, дадиллашиб оламан

Ошхонага етгунча Эдвард қўлимдан ушлаб олди, гўёки ҳалиям ухлаб қоладигандекман.

Нонуштани қилмасдан фақат қизиб олиш учун чой ичмоқчи бўлдим. Ўз юзимни чойнак

аксида кўриб ох тортуб юбордим:

- Оҳо, дала қўриқчисидан фарқум йўқ!

- Тун жуда узоқ эди, - тинчлантирди мени Эдвард. - Ўшанда яхиси қолиб ухласанг

бўларкан.

- Бутун умримни ўтказиб юборардим кейин! Биласанми энди кўнигишингга тўэри келади,

мен ҳам сенинг оила аъзоингман.

У жилмайди.

- Албатта мен қаршимасман.

Мен чой билан қиздирилган нон ея бошладим. Эдвард ёнимда ўтирар ва қўлимга эътибор

қилди. Шунда эсимга тушибди, мен Жейкоб совга қилган занжирчани ечмабман.

- Майлими? - сўради Эдвард, ва занжирдаги митти ёғоч бўричага қўл чўзди.

Мен ютиниб қўйдим.

- Албатта.

Эдвард қордек оппоқ кафти билан занжирдаги бўричани ушлаб кўради. Бир лаҳзага

қаттиқроқ босса парчалаб ташлаши ҳам мумкинлигини ўйлаб қўрқиб кетдим.

Аммо Эдвард ҳеч қачон бунақа иши қилмайди. Миямга қаердан келди бунақа ҳаёл! У яна

бироз қараб турди-да, сўнгра тезда қўлини тортуб олди.

Бўрича занжирда бироз қимирлаб

қолди.

Мен Эдвардинг кўзидағи ифодани кўришига интилдим, аммо бор йўғи ўйчанликни кўрдим.

- Жейкоб Блэк сенга совга бериш ҳуқуқига эга.

Бу гўё саволга ҳам, айловгага ҳам ўхшамасди. Бу шунчаки қатъий талаб этиб бўлмас тўхтам

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

эди. Аммо мен Эдвард нимани ўйлаганини тушундим, ўткан түгилган кунимда совгалар

олмасликни айтган эдим. Айниқса Эдварддан. Ана энди мантиқ ва қарор бир-бирига мос келмасди.

- Сен ҳам менга совгалар бергансан, - эслатдим мен. - Биласан-ку, мен қўлда ясалган

нарсаларни ёқтираман.

Эдвард ҳўмрайди.

- Мана бу совга нима бўлади? Шунақасига рози бўласанми?

- Сен нима демоқчисан ўзи?

- Мана бу билак занжирча. - Эдвард менинг билагимга кафтини босди. - Сен буни доим

тақиб юрмоқчимисан?

Мен елка қисдим.

- Чунки Жейкобни хафа қилишини истамайсан, - мулоҳаза билан изоҳлади Эдвард.

- Ҳа, албатта, шунақароқ.

- Сенингча мен ҳам шунақа туморча совга қилсамadolatdan бўлармикан? - Эдвард

бармоқларимни силаб кафтиими ни ўйнади.

- Тумор?

- Мени доим эслаб юришинг учун.

- Мен шусиз ҳам ҳар доим сен ҳақингда ўйлайман.

- Йўқ агар бирорта митти нарса берсам уни тақиб юрасанми? - мени қўймасди.

- Энди янгимасга ўхшайди? - аниқлик киритдим.

- Ҳа. Мен уни анча йил тақиб юрганман - Эдвард фаришталардек жилмайди.

Агар унинг асаби Жейкобнинг совгаси сабаб ўзгарган бўлса, мен бажонидил совгасини

оламан!

- Агар шу қадар хоҳлар экансан албатта тақиб юраман, - жавоб бердим мен.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Аммо сен тенгликка риоя қилмадинг? - тишлаб олгудек гапиради Эдвард. - Мен мана шуни сездим.

- Яна қанақа тенглик?
У қимтиниб олди.

- Мендан бошқа ҳамма сенга совга берииши мумкин. Фақат мен эмас. Мен сенга бор

қувончим билан истаган нарсани совга қилишиим мумкин.

Битириув оқшомида ҳам сенга

нимадир совга қилмоқчи эдим, аммо сен менинг совғамни бошқаларники билан солишитирган

ва катта тенгликни бузилишии сабаб фақат менинг совғамни энг зўр дея ҳисоблай бошлардинг.

Шу сабаб мендан совга олишини истамасдингми?

- Ҳа, нима деб тушунтиурсам бўлади? - елкамни қисдим. - Сен менга ҳаммадан ҳам энг

муҳимрогисан. Ўзингни менга совга қилгансан. Бу эса мен арзиишимга қараганда анча кўпроқ

нарса дегани. Қолганларни совғалари эса бу шунчаки эътибор ифодаси холос.

Эдвард бир дақиқа ўйланиб қолди.

- Бу яна қанақа ахмоқлик! Сен менга жуда ғалати муносабатда бўляпсан.

Мен жимгина нонимни чайнардим: Эдвард барибир у мен учун қанчалик бебаҳо эканини

тушуунтиришиимни истамасди.

Кўл телефони жиринглади. Эдвард рақамга қаради, кейин эса кўтариб жавоб қилди.

- Элис, нима бўлди?

Эдвард тингларди, мен эса ўзимдан ўзим қалтирадим. Элис нима гапирган бўлса ҳам

Эдвардни ҳайратлантирмади. У икки бора хўрсиниб қўйди.

- Мен ҳам шундай ўйлаган эдим, - жавоб берди у менга қараб ва бироз ҳўмрайди. - У

тушида гапириб чиқди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Менинг юзим қизариб кетди: нима деб валдираган эканман-а?

- Мен ўзим бу билан шугулланаман, - ваъда берди Эдвард.

Телефонни ўчираркан яна

ҳўмрайиб менга қаради: - Сен менга ҳеч нарса айтиши ниятинг йўқми?

Мен ўйланиб қолдим. Кечаги огоҳлантирувни эсга олсан, Элис шу сабаб қўнгироқ қилган

бўлиши мумкин. Кейин алағ жалағ тушиларимни ёдга олдим.

Мен қоп-қора ўрмонда

Жаспернинг ортидан чопиб кетаётганмисиман. Ундан ўзиб кетиб мана бу бошқотирма

ўрмондан чиқиб кетмоқчи эмисиман. Аммо менинг олдимда Эдвард чиқиб қолибди. Аммо бу

айнан ўша Эдвард эмас экан. Аллақандай маҳлук, анчадан бери менинг қонимга ташна маҳлук

эди у. Менга энди ҳаммаси барибир эди. Чунки мен қарор қабул қилиб бўлгандим. Ва айнан

мана шу гапимни Эдвард уйқудалигимда эшиитган бўлса керак.

Мен лабимни тишлаб жисм ўтиредим. Эдвардга қарашини истамасдим. У кутарди.

- Менга Жаспернинг гояси жуда ёқиб қолди, - нихоят тилга кирдим мен. - Мен ёрдам

бермоқчиман. Нимадир бўлса ҳам қилсан дейман, - буюргандек бўлдим.

- Сен қўшимча зарба ортирасан холос, ортиқ ҳеч нарса қилолмайсан.

- Жаспер ундаи ўйламайди. У яхшироқ фикрларкан!

Эдвард менга сотқинга қарагандек ириллаб қаради.

- Сен мени у ёққа элтиб ташлай олмайсан, - босим ўтказдим секин. - Ўрмонда инимга

беркиниб жисмгина кутиб ўтиришини хоҳламайман.

Эдвард тўсатдан лабини қимтиб олди, кулгусини зўрга тия олди.

- Белла, Элис сени ўтлоқда кўра олмайди. Ўрмонда изгиб юришишнини эса кўра олади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен у каби ўзимни оддий қабул қилгандек тутмоқчи бўлдим, аммо ўхшата олмадим.

- Бу Элис Сетдек алоқага қодир эмаслиги сабаблими, - мулойимгина сўрадим мен. - Йўқса у

умуман ҳеч нимани кўра олмас эканда. Менимча, Сет мендан кам бўлмаган истакда ўтлоқда

бўлгиси келаяпти-ку. Унда ундан йўлни кўрсатиб юборишини илтимос қилишим мумкин

бўлади.

Эдвардинг юзида ғазабланиши кўринди, кейин аста чуқур нафас олиб енгиллашиди.

- Ҳа, мен ҳам шундай жиннилик қилишингдан чўчигандим... агар сен бу ҳақида

айтмаганингда ҳам барибир Сэмдан Сетга алоҳида қатъий буйруқ бершишини сўраб қўйгандим.

Сет буйруқни бузиши мумкин эмас.

Мени майин табассум қилишда давом этдим.

- Нега Сэм бунақа буйруқ бершии керак? Агар мен борлигим уларнинг фойдаси эканлигини

тушуунтирсан-чи ва қарабсанки, Сэмнинг ўзи мени кутиб олиш учун истиқболимга чиқади.

Эдвард яна асабийлашиди.

- Балки сен ҳақдирсан. Аммо мен аниқ биламан Жейкоб мухим буйруқни бажарганидан

фақат мамнун бўлади.

Мен хўмрайдим.

- Нега энди Жейкоб?

- Чунки Жейкоб Сэмдан кейин иккинчи ўриндаги катта унвон эгаси. Наҳотки у сенга ҳеч

нарса айтмаган бу ҳақида? Унинг буйруқларини ҳам бажарииш шарт.

Мана шу ерда мен қўлга тушибдим ва табассумим ҳам ёрдам бермайдиган кўринади. Эдвард

буни билган. Қошимни чимирдим. Жейкоб албатта Эдвардинг томонида бўлади - бу ерда

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

шубхага ўрин үйүк. Ярамас Жейкоб мансаби ҳақида менга айтмаганди!

Эдвард менинг жимлигимни кўриб, сокин бир тинчлантиргич оҳангда деди:

- Кеча мен тўданинг онгига кириб уларнинг ўзаро мулоқотини ўргандим. Бир кишига бу

оғирлик қиларкан, шундай катта жамоани ўқий олиш ва бошиқариш. Ўзаро ҳаракат қилиши,

жамоа онги билан ўртоқлашиш... ҳайратанаарли нарса экан!

У мени чалгитишига уринарди. Мен жимгина эшишиб ўтиредим.

- Жейкоб жуда кўп сирларни беркитиб ётибди, - хингиллади Эдвард.

Мен ҳануз жим эдим, қулай пайти бўлса ўз гапимни айтиб олсам.

- Мисол учун, ана у кичкина кулранг бўрини эслайсанми?

Мен истамайгина бош иргадим.

Эдвард пиқиллади.

- Улар ўз афсоналарига шу қадар берилган экан. Уларни ҳеч бир афсонаси биттасидек

уларга кучли таъсир қилмаган.

- Майли. Қизиқиб қолдим. Гапириб бер.

- Уларнинг ўйлашича, энг биринчи бўрининг тўғридан тўғри авлодларигина бўрига айлана

оладилар.

- Демоқчисанки, бошқалардан кимдир бўрига айланаб қолибдими?

- Йўқ, у қиз авлод давомчиси эканлигига баҳс қизгин бўлаяпти.

- У қиз? - мен мингилладим ҳайрат билан Эдвардга қараб.

У бош чайқади.

- У қиз сени таниркан. Унинг исми Ли Клируотер.

- Ли бўритусга айландими! - чинқириб юбордим. - Қандай қилиб? Қачон? Нега Жейкоб

менга бу ҳақида айтмади?

- Шунақа нарсалар борки, уни асло айтиб бўлмайди - масалан нечта бўритуслар бор. Яна

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

баъзан Сэм буйруқ берса тўда уни эшиштмай қолиши мумкин экан. Жейкоб жуда эҳтиёткор эди

ва менинг қаршимда дўстлари ҳақида ўйларкан. Албатта кечаги тунда кўп сирини сездим.

- Ақлдан озиш ҳеч гап эмас! Ли Клируотер!

Жейкоб бир марта Ли ва Сэм ҳақида айтиб берганди. Қизни деб Сэм ҳар сафар қоидани

бузмаслик кераклигини қайта ва қайта ёдига оларкан. Ўша тунда гулҳан ёнида кекса Квил

айтиб берган қондаги бурч фақат Квилетлар ўғлонларида жўши уради деган гапидан сўнг

Лининг кўзидан оққан ёшини сабабини тушундим. Ва Билли амаки Сьюнинг фарзандлари билан

муаммолар сабаб уни ҳолидан хабар олгани тез-тез боришини сабабини тушунгандек бўлдим.

Муаммо шуки - уларнинг иккаласи ҳам бўритусга айланисибди!

Мен Ли Клируотер ҳақида жуда кам эслайман. Ана энди у ҳам бўрига айланди ва унинг

фикрини ўқий олади ва ўзининг шахсий фикрини яшира олмайди.

«Мен билсанми нимага тоқат қила олмайман, - қачондир айтган эди Жейкоб. - Уялиб

беркитган нарсангни кўпинча ҳамма кўриб қолади».

- Бечора Ли, - пицирладим мен.

- Усиз ҳам уларга қийин.

- Нимага экан-а?

- Уларга жуда оғир. Ўз фикрларини ошкор этиб тарқатиш жуда муҳим. Кўпчилиги бир-

бирига кўмак беради. Айтайлик, биттаси қасддан ўз онгини ўзи бошқара бошлийдигандек

бўлса борми, бу тўдага парокандалик келтиради.

- Унинг сабаблари етарли, - дедим ва ҳануз Лини ҳимоя қиласдим.

- Ҳа биламан, биламан, - иқрор бўлди Эдвард. - Бу уларнинг ғалати "ҳиссий боғланиш"и. -

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

У ҳайратлангандек боши ирэиди. - Ўшанда Сэм Эмилига ипсиз боғланиб қолган эди. Сэмда ҳеч

қандай танлашга имконият бўлмаган. Бу менга «Ёз кечасидаги туши» пъесасини эслатади -

парининг севги афсуни... ҳақиқий сеҳр. - У жилмайди. - Бу айнан мени сенга талпинтирувчи муҳаббат.

- Бечора Ли, - яна қайтардим тўтиқушидек. - Аммо нега уни қасдан иши қиласини деб айтаяпсан?

- Ли доимо уларга бир нарсани, тўдадаги ҳеч ким, ким афзалроқ эканлигини танлай

олмасликларини эслатиб туради, - тушунтириди Эдвард. - Мисол учун Эмбри ҳақида.

- Нега энди Эмбри? - ҳайрон бўлдим мен.

- Унинг онаси Ла-Пушга ўн етти йил аввал хомиладорлик пайтида Мак қабиласининг

қўчирилиши бўлаётганда келиб қолган. У Квилетлардан эмас. Ҳамма Эмбрининг отаси Мак

қабиласида қолган деб ўйларди. Аммо кутимагандан Эмбри тўдага қўшилди.

- Хўши нима қилибди?

- Аммо шуниси қизиқки, бунинг учун унинг отаси училикдан биттаси бўлиши керак эди:

катта Квил Атеара, Жошуа Улей ёки Билли Блэк - ўша вақтда учаласи ҳам уйланган эди.

- Ана холос! - ох тортиб юбордим мен.

- Ана энди Сэм, Жейкоб ва Квилларнинг боши қотган, қай бири Эмбрининг ягона қондош

огалари экан. Кўпчилик ўйлашича бу Сэм, чунки унинг отаси кўпинча уйда бўлмас экан. Аммо

барибир шубҳа аримаяпти. Жейкоб отасидан сўрашга қўрқади.

- Ақлдан озиши ҳеч гап эмас! Бир кечани ўзида ҳаммасини қандай билиб олдинг-а?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Тўданинг онги чалкашиб кетган: улар биргаликда ўйлашади, аммо ҳар бири ўзича. Қанча бўлса ҳам ўқийвераман!

Эдвард буларни ҳижсолат бўлиб китобнинг энг қизиқ жойида ёниб қўйган одамдек гапиради. Мен кулдим.

Эдвардинг чехраси яна мулойим бўлиб қолди.

- Эдвард, мен ўтлоқда бўлишим шарт.

- Йўқ, - жаҳлинин тийиб олиб қатъий овозда гапиради.

Ва мен тушиуниб олдим. Менинг айнан ўтлоқда бўлишим шарт эмас - Эдвардга етарлича

яқин ерда бўлсам бўлди.

«Бу жуда бешафқатлик, - ўзимни айблай кетдим. - ва жуда, жуда худбинлик... бундай қилма!»

Мен ўзимнинг ички овозимни ўчирдим. Аммо Эдвардга қарашига ботинолмадим. Шу сабаб

столга қараб гапирадим:

- Эдвард, мени эшишт, - пицирлаб. - Бу умуман бошқа гап... бир марта ақлдан оздим. Мен

нимага қодирман-у ва нимага йўқ, билмайман ҳам... Агар сен йўқ бўлсанг, мен бунга чидолмайман.

Мен кўз ташлашига қўрқдим, унга қанақа азоб берганимни кўришини истамадим. Унинг

хўрсиниши ва жим бўлиб қолишини етарлича эшиштдим. Нега мен буни айтдим-а! Аммо

мақсадга етишиши учун сўзимни қайтариб олиб бўлмайди.

Эдвард бирдан мени қучоқлаб олди ва силаб сийпади. У мени тинчлантирмоқчи.

Айборлик ҳисси мендан арий бошлади. Ўзликни саклаш ҳисси енгиллашибди: аммо мен аниқ

биламан, Эдвардсиз мен яшай олмайман.

- Белла, ҳаммаси сен ўйлаганингчалик эмас, - деди у. - Мен сенга жуда яқин бўламан ва

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳаммаси жуда тез тугайди.

- Мен буни күтара олмайман, - мажбурладим уни кўзимни кўтаришга куч топа олмай. - Мен келадими ёки йўқ деб топишмоқ топиб ўтиришини истамайман. Бу жуда тез тугаса ҳам мен шу

асрға тенг лаҳзаларда қандай чидайман?

Эдвард хўрсинди.

- Белла, ҳаммаси яхши бўлади. Кўрқишига сабаб йўқ.

- Ҳеч қандай сабаб йўқми?

- Умуман йўқ.

- Ҳамма соғ-саломат тирик қоладими?

- Буткул ҳамма, - ваъда берди.

- Демоқчиманки менсиз ҳам ҳаммаси яхши тугайди, шундайми?

- Уддалаймиз. Элис ҳозир хабар қилди, улар ўн тўққизта қолишибди. Биз уларни бир

ҳамлада йўқ қиласиз.

- Ўзинг айтганингдек кимдирга хатто иш ҳам қолмайди, бемалол ўтириб томоша қилиши

мумкин, - эслатдим. - Ростанам шундай деб ўйлайсанми?

- Ҳа.

Ҳаммаси шундай жуда оддийми - наҳотки мен нимага ёпишаётганимни сезмаяпти?

- Сен бунда иштирок этмасанг нима бўлади?

Узоқ сукунатдан сўнг, ниҳоят, унига кўзимни кўтариб қарашига журъят этдим.

Эдвард мен билан ҳавфсиз ерда бўлишини ва мен имкони бўлса унга ўзимни қурбон

қилишига ҳам тайёрлигимни кўрсатмоқчи эдим.

- Сен мени жангда қатнашишимни истамайсанми? - тинчгина сўради Эдвард.

- Ҳа. - ўзимнинг ҳайратимдан жўшиб ишонч билан гапирдим. - Ёки мен ҳам сиз билан. Ё

ундай ёки бундай, асосийси биз бирга бўлсак бўлди.

Эдвард чуқур нақас олди ва енгил нафас чиқарди. У менинг юзимни кафтига олди,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

нигоҳимни ўзига қаратди, кўзларимга узоқ қараб қолди. Қизиқ у ердан нима излад экан? Ва

ниматопди? Мен ўзимни айборд ҳисоблардим, аммо юзимда сезилармикан?

У енгил қимтиниб қўйди ва телефонига қўл чўзди.

- Элис, - деди у - Сен бироз Белла билан гаплашиб ўтира олмайсанми? - Мен Жаспер билан гаплашиб олишим керак.

Элис, менимча рози бўлди шекилли, Эдвард телефонни ўчирди ва яна менга қаради.

- Сен Жасперга нима демоқчисан? - пиҷирладим мен.

- У билан гаплашиб олишим керак... заҳирадаги ўриндиғим ҳақида.

Унинг юзидан қанчалик унга қийинлигини сезиб турардим.

- Кечир мени.

Мен ростанам айборликни ҳис қилаётгандим. Уни шунга мажбур қилганим учун ўзимни

кечира олмаётгандим. Аммо соҳта кулиб уни қўйиб юборишга журъатим етмасди.

- Узр сўрама, - жавоб берди Эдвард, енгилгина кулиб. - Белла, ҳеч қачон ҳис қилган

нарсангни айтишидан қўрқма. Агар сенга айнан шу керак бўлса...

- у елкасини қисди. - Сен

менга ҳаммадан ҳам кўра муҳимсан.

- Мен сени оиласанг ёки мени танла демадим...

- Биламан. Сен умуман бошқа нарсани сўрадинг. Сен менга иккита йўлни таклиф қилдинг.

Сен ўзингга мос йўлни, мен эса ўзимга мос йўлни танлагандик. Ва мана шу келишиув дейилади.

- Раҳмат, - пиҷирладим мен.

- Ҳеч қиси йўқ, - жавоб берди у, менинг сочимни силади ва ўпди.

- Нима истасанг ҳаммаси

бўлади.

Биз анча пайт қимиrlамасдан тек қотиб турдик. Мен Эдвардинг кўйлагини юзимга суртиб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳидлаб ўтирсам, ичимда икки овоз тинмай шанғилларди: бири ақлли ва жасур бўл деса,

иккинчиси жимгина ўтир дер эди.

- Айтганча учинчи рафиқа ким? - тўсатдан сўраб қолди Эдвард.

- Нима? - мен чўчиб тушибим ва бироз тушумай нари кетдим.

Наҳотки яна ўша тушни кўрган бўлсам?

- Сен тушингда учинча рафиқа деб алаҳсираб чиқдинг.

Қолганларини тушунса бўлади,

аммо бу сўзни умуман тушунмадим.

- Ҳа, у-ми. Бу афсоналардан биттасида айтилган аёл. Гулҳан атрофига сўзлаб беришганди, -

мен елка қисдим. - менимча миямда қолиб кетган экан.

Эдвард менинг овозимдаги ҳаяжондан ўзи ҳам қизиқиб кетди.

У қизиқиб сўрайман деб турган эди, остонаяда Элис пайдо бўлди.

- Сен энг қизиқ нарсани ўтказиб юбординг, - деди у.

- Салом, Элис, - саломлаши Эдвард ва хайрлашув бўсасини бериши учун иягимни кўтарди.

- Мен кечроқ келаман. - ваъда берди у. - Қолганлар билан гаплашишим керак бу ҳақида.

Режалар ўзгарди.

- Майли.

- Кўп нарса ўзгармайди, - қўшииб қўйди Элис. - Мен уларга айтдим. Эмметт рози бўлди.

- Ана бўлмаса! — дея хўрсиниб Эдвард мени Элис билан ёлғиз қолдирди.

- Кечир, - яна узр сўрадим. - Сен нима деб ўйлайсан... сизларни жиоддий ҳавфга

қўйяпманми?

- Белла, сен жуда қаттиқ безовта бўляйсан. Аслида эса сиқилишинга арзимайди.

- Унда сен нега жаҳл қилдинг?

- Эдвард ўзи истаган нарласига эриша олмаса шунаقا майдаган бўлиб қолади. У билан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бирга яшишингни тасаввур қиласыпман! - У хохолаб кулди. - Ҳар ҳолда сенга осон бўлади, ахир

у сенга муносиб. Фақат бунақа пессимист бўлма.

- Сен Жасперни ёлгиз ташлаб келдингми? - сўрадим мен.

- Бу бошқа масала, - деди Элис.

- Ҳа-я, бошқа.

- Бор ўзингни бир ойнага сол, - буйруқ берди Элис. - Даданг ўн беш дақиқадан кейин уйда

бўлади, сени бунақа мунгайган қиёфада кўрса ҳеч қаёққа жўнатмайди.

Жин урсин, мен бир кунни ухлаб йўқотдим. Қанақа катта йўқотиш! Ҳар қалай энди туш

кўриш билан ўтказмайман бошқа.

Дадам уйга келганида мен ўзимга анча келиб олган эдим, кийиниб ясаниб анча ўзимга оро

бериб кечки овқатни тайёрлаётган эдим. Элис Эдвард ўтирадиган жойда ўтирган эди. Дадам

уни кўриб ҳайратга тушди.

- Салом, Элис! Аҳволларинг яхшиими?

- Раҳмат, Чарли, жуда яхши.

- Сен ниҳоят уйғондинг-а уйқучи қиз, - деди дадам менга, столга ўтиргач яна Элисга гапира

кетди. - Бутун шаҳар кечаги базмни гапирайти. Бунақа кечадан кейин катта миқёсда тозалаш

ишилари олиб боргандирсизлар?

Элис елка қисди. Мен уни биламан, аллақачон ҳамма жойни саранжом сарийта қилган.

- Тозалаши ҳақида гапирсиз-а, - деди у. - Бундай байрам учун қанча йигим териши бўлса ҳам

арзийди.

- Эдвард қаерда? - сўради дадам енгилгина норози овозида. -

Тартибга келтириши билан

шугулланаяптими?

Элис хўрсиниб қўйди - сиқилиб кетган қиёфага кирди. Аммо барибир ўзини тутуб олди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Йўқ. У Эмметт ва Карлайл билан дам олиш куни сафар уюшишига тайёргарлик кўряпти.

- Яна тоққами?

Элис хафа бўлгандек бош иргиди.

- Ҳа. Мендан бошқа ҳамма. Ўқув йили охирда ҳар доим сайёҳатга чиқардик. Бу сафар мен

ўзгартириши киритдим. Мен тоққа боргандан кўра дўконларни айланаман дедим. Аммо ҳеч ким

менга қўшилишини хоҳламади. Мени ташлаб кетишмоқчи.

- Элис, қизалогим сен бизницида яшасанг бўлмайдими? -
таклиф қилди дадам. - Хатто

менга ҳам қўрқинчли, ана шундай катта уйда бир ўзинг яшаш қўрқинчли.

У хўрсиниб қўйди. Менинг оёғимги тўсатдан оғир бир нима босди.

- Вой! - деб қичқирвордим билмасдан.

Дадам менга қаради.

- Нима бўлди сенга?

Элис менга маъноли қаради. Менимча бугун бир нимани ҳал қилмоқчи.

- Оёғимни столга уриб олдим, - дедим мен.

- Ҳм. - дадам яна Элисга қаради. - Хўши бизницида яшашга розимисан? Элис яна мени

оёғимга секин тепди - бу сафар унча қаттиқ эмасди.

- Дада, биласиз-ку хонамда яшаш у қадар қулай эмас. Элис полда ётишига тўғри келмаса

деб қўрқаман...

Дадам лабини тишилади.

- Унда балки, Белла сен билан яшар, - таклиф қилиб қолди дадам. - То сеникилар келгунича.

- О, Белла, розимисан? - Элис жозибали қараши билан жилмайди. - Сен мен билан дўкон

айланшига ҳам қарши эмасмисан?

- Албатта, - рози бўлдим мен. - Нега энди айланмас эканман?

- Сеникилар қачон кетишшаётни? - қизиқди дадам.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Эртага. - Элис яна аразлаб бурун тортиб қўйди.
 - Қачон сеникига боришимни хоҳлайсан? - сўрадим мен.
 - Эҳтимол кечки овқатдан сўнг, - иягини қашиб ўйчан жавоб қилди Элис. - Сен ахир шанба куни бўши бўлсанг керак. Мен кун бўйи дўкон айлансан дегандим.
 - Фақат Сиэтлга эмас, - деди дадам қошини ўйиб.
 - Йўқ албатта - рози бўлди Элис, аммо иккимиз ҳам шанба куни Сиэтл энг ҳавфсиз жой бўлишини билардик. - Биз Олимпияга борамиз...
 - Белла, менимча сенга бу ёқади, - мамнун гапираводи дадам енгил керишиб. - Ҳар ҳолда шахарда сайр қиласан.
 - Ҳа дада, бу жуда зўр бўлади.
- Мана бир иккита сўз билан Элис менинг иштироким учун имкон тайёрлади. Эдвард тез орада етиб келди. У ҳеч бир ҳайратсиз дадамнинг яхши дам олиб кел деган тилакларини қабул қилди. У сайёҳат эртага эрталаб бўлишини ва эртароқ кетишини айтиб ҳайрлашиб жўнаб кетди. Элис унга қўшилиб кетди. Мен эса ухлашга ётаман дедим.
- Наҳотки сен чарчадинг? - ҳайрон бўлди дадам.
 - Озроқ, - алладим.
 - Албатта ҳайрон қолмаса ҳам бўлади... Сен базмларни ёқтирмасдинг, - деди дадам. - Бунақа базмдан кейин роса толиқибсан.
- Хонамда мени тўшагимда ётган Эдвардни кўрдим.
- Соат нечада бўритуслар билан кўришамиз? - пичирлаб сўрадим мен унга яқинлашиб.
 - Бир соатлардан кейин.
 - Бу яхши. Жейк ва унинг дўстларига ухлаб олиш зарар қилмасди.
 - Сенга бундан ҳам кўпроқ керак, - эслатди у.
- Мен мавзуни ўзгартирдим, Эдвард эса мени уйда қолишимга кўндиromoқчи бўларди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Элис сенга мени яна ўғирламоқчи эканини айтмадими?

- Йўқ айтмади, - тиржайди у.

Мен оҳиста унга термуламан, у ҳам менинг жиннилигимдан кулиб майин тикилади.

- Наҳотки сен унумтдинг. Сени ўғирлаш фақат менга руҳсат берилган? - сўради у. - Элис

бошқалар билан ов қилгани кетади. - у хўрсинди. - Менга энди ов бефойда.

- Демак сен мени ўғирлаб кетаркансан-да? У бош иргиди.

Мен бир дақиқа ўйладим. У ерда ҳар вақт хонамга кириб аҳволимни сўровчи ва эшик

ортида тингловчи дадам бўлмайди, яна у ерда ҳар пицир- пицирингни эшишта оладиган,

ухламайдиган қонсўраклар ҳам бўлмайди. Фақат биз иккимиз мен ва Эдвард.

- Эътирозинг йўқми? - сўради у менга мафтун бўлганича.

- Ҳа, йўқ... аммо ҳалиги...

- Нима? - Эдвард бироз қўзғалиб менга қаради.

Ҳали ҳамон мен унга розилик билдирганинга ишонмаётган эди. мен аниқроқ

тушуунтиришим керакка ўхшайди.

- Нега Элис дадамга бугун кетаётганингни айтмади? - сўрадим мен.

Эдвард енгилгина кулиб қўйди.

Ўтлоққа бўлган бу сафарги сайёҳатим мени янада фарогатга кўмди. Мен ҳалиям ўзимни

айбдор ҳисоблардим. Аммо Эдвард осонгина ва тинчгина жангда қатнашмасликка рози бўлган

бўлсада, у яқинларини ташлаб кетишга ўзига эп кўрмас, балки шу сабаб у мени кўнглимни

кўтариш учун номига алдаб қўяётган бўлса ҳам не ажаб?

Ўтлоқда ҳамма келиб бўлган экан. Биз энг охирги бўлиб борибмиз.

Жаспер ва Эмметт аллақачон кураш олиб борардилар - ҳар ҳолда кулгу билан кучларини

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

солиштириши эди бу. Элис ва Розали эса жимгина кузатишаради.
Улардан унча узок бўлмаган

жойда Эсми ва Карлайл гаплашиб ўтиришаради, ҳеч кимга
парво ҳам қилмасдан ўз оламларига
шўнгешганди гўё.

Бугун анча ойдин кеча эди. Ой чарақлаб нур таратар, узокда
учта бўрини шарпаси кўриниб

тураг, улар машғулот майдончасини олишаётганларни
жимгина кузатишаради.

Мен дарров Жейкобни танидим - хатто у бизни кўрмаган бўлса
ҳам қадам ташлашидан
сездим.

- Колган тўдадагилар қани? - қизиқдим мен.

- Уларнинг ҳаммасини бир жойда бўлиши шарт эмас,
битеттанинг ўзи етарли албатта. Аммо

Сэм битеттани ўзини жўнатма олмасди. Сэм ҳалиям тўлиқ бизга
ишонмасди. Шу сабаб Жейкобни

жўнатган. Квил ва Эмбри эса унинг доимги соясидек
шериклари.

- Жейкоб бизга ишонади.

Эдвард бош қимирилатди.

- У биз уни ўлдирмаслигимизни билади.

- Сен бугун машғулот олиб борасанми? - ўйламасдан сўрадим.

Эдвард учун бу мени уйда

ёлғиз қолдиришдек қийин иши, хатто унданам қийинроқ.

- Мен қачонки эҳтиёж сезилса ёрдам бераман, - елка қисди
Эдвард. - Жаспер аллақандай

нотенг бўлган ҳужумларни ўргатишни хоҳляяпти.

Мени янги вахима тўлқини қамраб олди.

Ахир янгилар баривир кўпчиликни ташкил этади. Мен туфайли
бу тенгсизлик янада

катталашади.

Мен ўтлоқда турарканман ўз ҳисларимни беркитишга уриндим.

Ох, қани энди яшира олсан. Манга янада қийин. Калленлар
ўзлари мени ишонтириб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳаммаси яшии бўлади десалар ҳам тез орада даҳшатли жанг бўлади. Мен ўзимни чалгитиб

Жейкобга қарадим.

Жейкоб ўша кунгидек бўриларча табассум қилди, кўзлари атрофида ажинлар пайдо бўлди,

одам қиёфасида ҳам шундай кулади.

Ишониш қийин, авваллари тушиларимда бўритуслардан қўрқиб чиқардим, ана энди bemalol

хатто тиржайиб уларга қараб ўтирибман

Хеч бир шубҳасиз Эмбрини Квилдан ажратма оламан. Ҳаммаси аниқ фарқ қилади, Эмбри -

ана у сарғиши кулранг бўри, елкасида бир иккита қора дөглари бор, Калленларга тийиксиз шашт

билан қараб турибди. Мана буниси эса Квил - тўқ шоколад ранг, бироз ёрқин жуни бор ва

дўстона қиёфасидан чиқишиб кета оладигандек таассурот уйготади одамда. Хатто мана

шунақа маҳлук кўринишида бўлса ҳам улар дўстлар, ҳақиқий дўстлардир.

Аммо бу дўстлар Эмметт ва Жаспер каби метин бадан, тоши терили эмасди. Улар узоқ умр

кўришиади, қони билан даволаши хусусияти бор, аммо улар оғир жароҳатдан ҳалок бўлишилари

мумкин...

Эдвардинг ишончи баланд эди: кўриниб турибди у ўзининг яқинларидан ҳавотирда эмас.

Аммо бўриларга озор етса-чи? Агар у бундан ҳавотир олмас экан, нега мен ҳам ҳавотир

олишим керак. Эдвардинг ишончи йўқолиши ҳам менинг қўрқувларимнинг бир қисми.

Мен Жейкобга жилмайдим аммо, томогимга нимадир тиқилди. Кулганим ўхшамади.

Жейкоб бир сакраб енгил ҳаракат билан юриб биз Эдвард билан турган жойга етиб келди.

- Салом, Жейкоб, - одоб билан саломлашибди Эдвард.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

*Бир зарра ҳам эътибор бермаган Жейкоб менга қоп-қора
кўзларини қадади. Кечагидек*

*менга бошини паст қилиб тикилиб қарапкан, унинг ичидан
паст бир текисда гимирлаган овоз
чиқди.*

*- Менинг аҳволим яхши, - жавоб бердим унга. - Шунчаки
ҳавотирланаяпман.*

Жейкоб менинг кўзимга қарашиб давом этди.

- У нима учунлигини билмоқчи, - деди Эдвард.

*Жейкоб ириллади - баланд овозда эмас, шунчаки дарғазаблик
бор эди. Эдвардинг лаби
титради.*

- Нима бўлди? - сўрадим мен.

*- Менинг таржимамдан норози. Одатдаги ҳаёлида «Яна ўша
ахмоқликми. Нима учун*

*ҳавотир оласан?» деб ўйлади. Мен буни қўполроқ деб ўйлаб, сал
ўзгартиридим.*

Мен ноилож кулдим, аммо куладиган ҳолим йўқ эди.

*- Ҳа, ҳавотирга сабаб бор - дедим Жейкобга. - Мисол учун мана
бу ҳавф-хатарга ўзини
отадиган тентак бўрилар.*

Жейкоб йўталгандек хириллаб кулди.

Эдвард хўрсинди.

*- Жасперга менинг ёрдамим керак экан. Сен таржимонсиз ҳам
заплаша олишини*

эплайсан-ку?

- Уриниб кўраман.

Эдвард қайгуга чўкиб қаради ва Жаспернинг ёнига кетди.

Жейкоб олдинга интилиб менга яна қаради ва секин хириллади.

Яна ярим қадам юрди.

- Ўзинг бора қол. Мен кўргим йўқ.

*Жейкоб бошини ён томонга яна қимирлатиб юр дегандек
ниқтади.*

- Ҳа бор, кета қол.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкоб индамай кетмади. Олдинги панжаларини бошига қўйиб менга қаради, кейин жангга қараб қўйди.

Мен олишувни кўрмаслик учун кумуширанг ойга термулиб қолдим. Чунки менда жуда

жонли тасаввур бор эди. Совуқ жунжиктирувчи шамол эсган эсди, мен қалтирадим.

Жейкоб менга етиб келиб қалин жунлари билан ортимдан қоплаб исита бошалди.

- Ммм, раҳмат, - дедим мен.

Бироздан сўнг мен унинг кенг елкасига кўнишиб олдим. Бу ер анча қулай экан.

Булутлар осмон гардишига чиқиб янада ойни ялтиратиб кўрсатар, булутни қамраб гоҳ

тўсиб, гоҳ тарқалиб уни яраклатар, гоҳида эса тундлаштиради.

Мен Жейкнинг силлиқ ва иссиқ мўйнасини тараб силарканман ичидан меҳрли ва мазза

қилаётган хириллашга ўхшашиб сокин овоз чиқди, бу унга жуда ёқарди.

- Биласанми менинг ҳеч қачон итим бўлмаган, - тан олдим мен.

- Ҳар доим хоҳлаганман.

Аммо онамнинг аллергияси бор эди.

Жейкоб кулди - мен унинг танаси қимиirlаб кетганидан сездим.

- Наҳотки сен шанба кунидан ҳавотирда эмассан? - сўрадим мен.

У мени кўришим учун бошини менга қаратди ва катта қора кўзлари хотиржам боқди.

- Қани эди мен ҳам сендеқ хотиржам бўла олсан эди!

Жейкоб бошини менинг оёғим устига қўйди ва секин меҳрли ириллаб қўйди. Мен ўзимни

анча енгил сездим.

- Демак эртага сайрга чиқарканмиз.

У ҳаяжонланиб ўкириб қўйди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Йўл анча узоқ бўлиши мумкин, - огоҳлантиридим мен. - Эдвард оддий одамларни кидек

масофани ўлчамай ўзини қарашида ўлчаган.

Жейкоб яна ўша эркали йўталини қилди.

Мен унинг қайнот мўйнасига ўралиб қулай ўтириб олдим-да, бошини силадим.

Қизиқ... Ҳар ҳолда ҳозир Жейкоб бўри тусида менга энг яқин, энг яхши дўстимдек

туююлаяпти. Хатто қараашлари, нафаслари ҳам ҳақиқий ўзимнинг хотиржам пайтларимдаги

бегам дўстимнинг нафаси. Аммо одам тусига кирганида гўё ўзида бўлмай қолади. Ўша

кунлардаги бегубор дўстлигимизни бўри тусида қайта топгандек бўлдим...

Ўтлоқда ажалкор ўйинлар давом этар, мен эса булутлар оғушидаги ойга термулардим.

XX боб. Муроса

Ҳамма нарса тахт эди.

«Элисникидаги таширифим» учун икки кунлик буюмларим ва кийимларимни тайёрлаб

қўйдим, юкларим пикапнинг орқа ўридишида. Концертга чипталарни Анжела, Бен ва Майкка

бердим. Майк ўзи билан Жессикани олиб кетса керак деб ўйладим - режис шунақа эди. Билли

амаки кекса Квил Атеарадан қайигини олиб матч бошлангунча денгизга балиқ овлагани

кетиши керак эди. Коллин ва Брейди, энг ёш бўритуслар Ла-Пушни ҳимояси учун қолишлари

керак эди - ҳар ҳолда улар ўн учга ҳам тўлмаган бўлсалар ҳам, ҳали улар бола эди. Дадам

Форксда қолгандан кўра шу ерда ҳавфдан ҳоли бўлади.

Мен қўлимдан келганича ҳаммасини қилдим. Мен бугун учун ўзгартира олмайдиган

нарсаларимгагина кўз юмдим холос. Агар тескариси бўлса ҳам яна қирқ саккиз соатдан сўнг

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

мен учун ҳаммаси тугайди бундан асло ҳавотирда эмасман.

Эдвард менинг тинчланишимни истайди.

- Бор йўғи битта кечада биз бутун борлиқни унумишига ҳаққимиз бордир ахир? - ялинди у

мени нигоҳи билан аврар экан. - Менимча бу учун бизга ҳеч қачон вақт етмайди. Мен фақат

ёнингда бўлишини истайман холос.

Бундай ўтинчни рад этиб бўлмасди... «барча қўрқувларни унум» дейиш осон! Аммо бу кеча

биз ёлғиз қоламиз ва ҳаёлимда ҳам бошқа ўйлар мужассам бўлиши керак...

Нимадир ўзгарди.

Мисол учун, энди мен тайёр эдим.

Унинг оиласи аъзосига ва унинг дунёсининг бир бўлагига айланшига тайёр эдим. Қўрқув,

айборлик ҳисси ва оғриқ мени шунга ўргатишганди. Мен ой шуъласига термулиб

бўритуснинг тафтида ўтирганимда булар ҳақида ўйлаб бўлгандим. Энди мен ҷўчимай

қўйганимни тушуниб қолдим. Агар кейинги сафар бирор кор-ҳол бўлса энди мен ортиқча юк

эмас, балки суюнчиқ бўламан. Энди Эдвардда мени ёки оиласини танлаши имконини

қолдирмайман. Биз худди Элис ва Жаспердек бирга бўламиз.

Кейинги сафар менга ҳам иши

топилади.

Мен энди ҳавф-хатар соя солмагунича кутавераман. Майли Эдвард тинчлантираверсин.

Энди ҳавф-хатар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас мен учун. Мен тайёрман.

Фақат бир нарса етишишмаяти. Фақат менинг инсонийликдаги муҳаббатим йўқолишидан

ҳавфсирайман. Ана у Жаспер ва Эмметт ўйнаган гаров шартларига ўзгартириши киритиш керак

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

эди. Мен қонсүракка айлансан Эдвардни севмай қўяманми ёки севишида давом этаманми, мана шуни устида баҳслашса бўлади.

Шу сабаб бу кеча гаплашишига анча мавзу бор. Оҳирги мана шу икки йилимда «мумкин

бўлмаган» одамни кўрганим ва уни севиб қолишимга ишонмасдим. Жиддий сабаблар борлиги учун ҳам нимадир бўлиши керак.

Ҳар ҳолда бу сафар ҳаммаси ростакамига бўлади.

Шу қадар қатъийлигимга қарамай Эдвардинг уйига яқинлашганимда ўзимдаги

ишончсизлик гувиллаб кетди. Уйга келганда қош қорайганди. Ўтзорга деразадан чироқ нури тушиб турарди.

Машина моторини ўчишини кутиб турмасидан эшигимни Эдвард очиб берди, битта қўли

билан мени тушириб, иккинчисида орқадан юкимни олди.

Лабимдан бўса олди-да, елкамдан тутиб эшикни ёпди.

У ҳамон лабимдан лабини олмасдан мени қўлимни тутганича уй томон кўтарилдик.

Мен хатто уй эшиги очиқ эканлигига ҳам эътибор қилмабман. Ичкарига кирганимда бошим

гувилларди.

Бунақа бўса мени деярли адo қилиб қўяёзди. Менимча бу кеча энг ажойиб кеча бўлса керак.

Бир неча дақиқа у мени лабимни қўйиб юбормай ўпиб турди. Энди тушундимки, у ҳам мендан

кам бўлмаган ҳолатда ёлғиз қолганмиздан баҳтиёр эди.

Шу пайт менинг умидим яна уйгонди: эҳтимол мен истаган нарсага бугун эришарман.

Мана нуҳоят таваккал қадам қўйишига ахд қиламан. Эдвард менинг кўзимга қараб қўлимни силаб қараб турди.

- Уйингга хуш келибсан, - деди у.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Унинг кўзида илиқ меҳр товланди.

- Ёқимли эшиштиларкан, - ҳаяжонландим мен.

У мени оҳиста ерга қўйди. Мен тушарканман шунда ҳам икки қўлим билан уни тутиб

турдим, ўзимдан асло узоқлаштиргим келмасди.

- Сен учун битта нарса бор, - уялиб гапирди Эдвард.

- Нима?

Эсингдан чиқдими? Янги бўлмаган совга. Ўзинг айтинг-ку, шунақаси бўлса майли деб.

- Ростан. Тўгри шундай дегандим.

Эдвард кулимсиради.

- У менинг хонамда турибди. Келтирайми?

Унинг хонасида?

- Албатта. - мен Эдвардинг қўлидан ушлаб ўзимни айёр тулкидек сездим. - Кетдик.

Эдвард мени кўтариб зинапоядан учиб чиқди. Хонаси эшиги ёнига келганимизда мени ерга

қўйиб, шкафи томон интилди. Мен икки қадам ҳам қўймасимдан, у яна ёнимда пайдо

бўлди.

- Бўпти, - дедим секин. - Кўрсата қол.

Эдвард жилмайди.

Караватга ўтириб олганимча унинг сирли совгасини тезроқ олишини хоҳлардим. Юрагим

жуда тез урап, уни кўргим келарди.

- Янги нарса эмас, - яна эслатиб қўйди у.

У менинг кафтимни силаб занжирчамга ниманидир қадади, сўнг қўлимни қайтариб қўйди.

Мен секингина қарадим: занжирчамнинг бўрича осилиб турган тарафнинг нариги

томонида шаффоф юракча ялтираб осилиб турарди.

- Бу онамга тегишли эди. - Эдвард мунгайиб елкасини қисди. -

Ундан бир қанча нарса мерос

қолганди. Бир нечтасини Элис ва Эсмига тухфа қилганман.

Шундай экан бу совга ҳам эмас.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен маъюс табассум қилдим.

- Шунчаки миямга шундай фикр келди, у сенга мени эслатади.

Худди мендек қаттиқ ва

совуқ. - Эдвард кулди.

- Сен энг мос ўхшатишни айтмадинг, - дедим мен. - У жуда чиройли.

Мен қўлимни буриб кўрдим, юракча ялтиради.

- Раҳмат.

- Нега раҳмат айтасан. Мен совгани осонгина қабул қилишингни кутмаган эдим. Айтганча,

сен совга олишини ҳам машқ қилиб турсанг чакки бўлмасди. -

Эдвард дурдек оппоқ тишиларини

ялтиратиб кулди.

Мен унга суюндим ва пинжига кирдим. Эҳтимол бу

Микеланжелонинг «Давид»ига

суйкаландек туюлса ҳам - энг асосий фарқи бу гўзал мармар ҳайкал мени қучогига ола

биларди.

Менимча энг қулай пайти.

- Балки бир нарсани гаплашиб олсак бўлар? Агар сен мени дикқат билан эшишсанг сендан

жуда миннатдор бўлар эдим.

Эдвард иккиланиб қолди.

- Бор вужудим билан эшиштаман, - эҳтиёт бўлиб рози бўлди у.

- Қоидаларни бузмайман ҳавотир олма, - ваъда қилдим. - Бу фақат иккимизга тегишили. -

Мен йўталдим. - Умуман олганда... менга ўтган гал муросага келганимиз жуда ёққан эди.

Ўйлашимча бу сафар ҳам ечим йўлини топамиз.

Қизиқ, жуда расмий гапириб юбормадиммикан? Менимча, буларни ҳаммаси асабдан.

- Нимани муҳокама қилмоқчисан? - кулиб сўради у.

Мен жум турганча керакли сўзларни излаб унга азоб бергаётгандек туюлдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Сен олдин мени эшишт, юрагинг ғалати ураяпти, - деди Эдвард. - Калибри қуши қафасда

птирилагандек ураяпти... ҳаммаси жойидами ўзи?

- Мутлақо.

- Ҳа, унда гапира қол, - деди хотиржам кўриниб у.

- Мен умуман анчадан бери аҳмоқона бир нарса хақида гаплашмоқчи бўлиб юргандим...

тўй ҳақида.

Бу фақат сенга аҳмоқона туюлаётган бўлиши мумкин. Ҳўши, тўй ҳақида нима демоқчисан?

Мен ўйладимки... наҳотки ҳеч қачон муросага кела олмаймиз?

Эдвард жиоддийлашиб хўмрайди.

- Мен жуда катта ён бердим сенга, бир умр сенинг барча фикрингни ҳурмат қилиб қабул

қилишига ахд берганман. Шундай экан сенинг томонингдан ҳам қандайдир ён босиши бўлиши

керак.

- Йўқ. - Мен бошимни қимирлатдим хисларимни кўрсатмасликка ҳаракат қилиб. - Бу

мунозарамизга алоқадор эмас. Ҳаммаси аллақачон муҳокама қилинган. Менинг айланишими

ҳақида гаплашмоқчи эмасман ҳозир. Мен бошқа нарсалар ҳақида гаплашмоқчи эдим.

Эдвард шубҳа билан менга қаради.

- Айнан қанақа нарсалар экан?

Мен иккиландим.

- Кел олдин сенинг шартларингни эшиштай.

- Сен нимани хоҳлашимни яхши биласан.

- Сенга никоҳ керак. - Сўнгги сўзим ғалати эшишилди ўзимга ҳам.

- Ҳа, - ёйилиб жилмайди Эдвард. - Бошланишига.

Бу зарба менинг довдирлигимни ошкора очиб қўйди.

- Бу ҳали ҳаммаси эмасми?

- Ҳўп, агар сен менинг рафиқам бўлганингдан сўнг менинг барча мулким сенга ўтади, -

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

деди Эдвард. - Мисол учун, институтда ўқиши учун пуллар. Ана шунда Дартмутда ўқишида ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

- Яна нима? Агар сен шунча ахмоқона нарсаларни талаб этаркансан?

- Балки буни кечиктиармиз?

- Йўқ. Кумтшини истамайман. Бу ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Эдвард аразлагандек менга қаради.

- Бир-икки йил кутармиз?

Мен бошимни чайқадим.

- Кейинги шартинг.

- Бошқа йўқ.

У афтим буришганини кўриб кулди ва қўлимни ушлади.

- Ўзингни айланишингдан бошқа нарса ҳақида гапирмаса керак деб ўйлаганим тўғри чиқди.

Мен секинлашдим. Бармоқларимни ўйнадим. Нимадан бошласам экан? Эдвардинг менга

қараган кўзларига қарашиб уялдим. Менинг яногим қизарди.

Совуқ кафти менинг яногимни силади.

- Сен қизардинг? - ҳайрон бўлди Эдвард. Мен кўзимни кўтармадим. - Белла, худо ҳаққи,

уюлма. Сенинг жимлигинг мени ўлдиради.

Лабимни тишладим.

- Белла! - Унинг таънали оҳанги, у жуда ҳам билгиси келиб кетаётган пайтда кумтшини

истамаслигини англатарди.

- Хўш... мен бироз ҳавотирланаяпман... кейин нима бўлади, - тан олдим нуҳоят унинг кўзларига қараб.

Эдвардинг танаси таранглазди, аммо овози ўша-ўша майин эди.

- Сен нимадандир қаттиқ ҳавотир оляйсанми?

- Сизларни фикрингизча, мен қонсўракка айланганимдан кейин буткул қаттолга айланаб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бутун шаҳардаги ҳаммани бирма бир тишлаб чиқаман. - бу сўзимдан Эдвард ўқрайди. - Ва агар

мен шунақа номаъқул ишлар билан банд бўлиб қолсам, ўзимда бўлмай қоламан... мен

ҳозиргидек ўзимни йўқотган бўлмайманми...

- Белла, бу ўтиб кетади, - у мени тинчлантириди.

Аммо мен айнан нима демоқчилигимни тушунмади.

- Эдвард, - бошладим яна мен билагимдаги чандиқча қарамасдан. Асабийлашсам ҳам

гапира бошладим. - Мен одамийликдан кетгунимча бир нарсани қўлга киритишни хоҳлайман.

У жим қараб туради. У эшитарди. Мен ҳам жим бўлиб қолдим. Юзим ловуллаб ёнарди.

- Сен нима хоҳласанг ўшани оласан, - у мени ишонтириди, аммо ўзи безовта бўлиб қараб туради.

- Ваъда берасанми? - дедим мен бу ҳолатдан қочиши учун энг осон имкондан фойдаланиб.

- Ваъда бераман - деди у.

Мен кўзимни унга қаратдим: Эдвард менга жиоддий қиёфада тикилиб қараб туради.

- Айт менга, нима хоҳлайсан, ва у сеники бўлади.

Қандай мен аҳмоқ ва телбаман! Жуда ҳам уят - қаердан ҳам шуни сўрай қолдим.

- Сени, - деярли гўлдираб гапирдим мен.

- Мен шусиз ҳам сеникиман. - у кулди, ҳалиям ҳеч нимани тушунмасди.

Мен унга лўқ этиб тикилдим. Олдинга эгилиб унинг танасига яқинлашдим. Секин уни

ўпдим.

Эдвард ҳам шошиб мени ўпа кетди, аммо ҳаёллари бутунлай бошқа ерда айланиб юрар, у

ҳамон мен нимани ўйлаётганимни билиши билан банд эди. Мен ишора қилиш кераклигини

бидим ва секин унинг кўйлагини тугмасини еча бошладим,
аксига олиб қайсар тугмалар сира

ечилмас, бир амаллаб иккинчи тугмани ечаётганимда Эдвард
сезиб қолди ва шошилиб мендан
ўзини олиб қочди.

У музлагандек қараб қолди. У бошини асабий тебратганини
сездим. Ва ниҳоят менинг

сўзларим ва ҳаракатим нимани истаётганимни тагига етган
эди. Мен яна талпинган эдим,

қўлларимни тўхтатиб қолди.

- Тентаклик қилма.

- Аммо сен мен нима истасам, ўшани оласан деб ваъда бердинг,

- эслатдим унга умид билан

қараб.

- Бу ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас! - Менга хўмрайиб
қаради Эдвард ва мен ечишга

улгурган иккита тугмани қайта ўтказди.

- Мен эса мумкин дедим! - кофтамни ечиб у томонга қараб
эҳтиросли юра бошладим.

Эдвард мени ушлаб қолди ва кафтини менинг елкамга қўйиб
қаради.

- Мен эса йўқ дедим! - мутлоқ буйруқ бергандек гапирди.

Биз аламзада бўлиб қараб қолдик.

- Сен ўзинг билишини истайман деганингга шундай қилдим.

- Сен бу нарса ҳақида эмас, бошқа бирор нарсанни айтсанг
керак деб ўйлагандим.

- Демак, сен истаган нарсангни сўрашинг мумкин, аммо мана
бунақа ахмоқона никоҳ

ҳақида бўлса... менга ҳатто у ҳақида гапириши мумкинмас...

Эдвард менинг икки қўлимни тутиб, иккинчи қўли билан
оғзимни ёпиб олди. Ва чексиз

айловларимга барҳам берди.

- Йўқ, - аччиқ қилиб гапирди.

Мен чуқур нафас олдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Нега мен буни олдинроқ англаң етмадим, у менинг вужудимга талпинса ҳам фақат ўпади,

баҳонаси ҳам тайёр йўқса қонимни ичиб қўяркан, мана энди ҳаммаси тушунарли.

У мени хоҳламайди!

Бу фикр мантиққа мос эмасди. Эдвард доим менинг ҳавфсизлигим мұхимлигини айтарди.

Ва бундан ортиқ биз чегарадан чиқмаган эдик.

Худди Эдварднинг кўзиdek тилларанг сариқ ранг адёлга ўраниб, аразлаб кўз ёшимни зўрга

тийиб қараб турардим.

Эдвард хўрсинди. Кўлини мендан олди. Сўнг менга еб қўйгудек қаради.

- Хўши, энди нима?

- Ҳеч нима, - истамай жавоб қилдим мен.

У узоқ вақт юзимга термулиб ўтироди. Мен унинг қарашидан безиб кетдим.

Эдвард хўмрайди.

- Мен сени хафа қилдимми?!

- Йўқ, - алладим.

Ҳеч нарсани тушунмасимдан у мени қаттиқ бағрига босиб, қучоқлаб ўтирганича у мени

силаб гапира кетди.

- Сен нега йўқ деганимга хафа бўлдинг. Биласан, мен ҳам сени хоҳлайман.

- Ростан-а? - шубҳа билан сўрадим.

- Албатта, ҳа! Менинг жиннича аразчим! - кулди Эдвард ва мана шу тарзда бироз

жиддийлашиб қўшиб қўйди: - Сени жуда хоҳляпман рости.

- Мана сен ҳам жиннича гапирайсан-ку? - наҳотки кўримсизгина, уятчан қизчани ҳеч ким

хоҳламаса?

- Нима энди катта сўровнома ташкил қилиб энг кўп ким хоҳлайди деган мусобақа

уюштирайми? Барибир энг биринчиси ўзим бўламан.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен бошимни чайқадим ва уялиб юзимни кўксига беркитдим.

- Сен шунчаки гапни айлантираяпсан.

Эдвард хўрсинди.

- Агар ноҳақ бўлсам, тўғирла... - мен пинағимни бузмадим, - Сен биз турмуши қуришишимизни

сўраяпсан, эвазига сен мени институтда ўқишишимга пул тўларкансан ва бироз вақтни чўзишини

истайсан, яна менга янги машина сотиб олиб бермоқчисан...

Рўйхатингдан ҳаммасини

айтдимми? Жуда соз!

- Фақат биринчи шарт ўзгармайди. - Эдвард жилмайди. -

Колганлари хоҳишинг.

- Менингягона кичкина талабим...

- Талаб? - менинг гапимни бўлиб у жиддийлашиб олди.

- Ҳа, талаб.

Эдвард қимтиниб олди.

- Мен никоҳга рози бўлишиим учун мен истаган нарсани олишиим керак.

У яқинлашиди ва майин овози билан қулогимга шивирлади:

- Йўқ. Ҳозир бунинг иложи йўқ. Қачонки сен қаттиқ ва пишиқ бўлганингда... Белла, сабр

қил.

Мен ҳам қатъий ва рад этиб бўлмайдиган қилиб гапириб кўрмоқчи бўлдим:

- Ҳамма гап шунда-да. Қачонки мен қаттиқ ва мустаҳкам бўлиб айланганимда, бу мен

бўлмай қоламан... мен бошқача бўлиб қоламан! Ким билади қанақа бўлиб қоламан айнан.

- Сен барибир ўша Белла бўлиб қолаверасан, - ваъда берди у.

Мен хўмрайдим.

- Қандай маънода?! Мен ўзгаргач албатта дадамни ўлдирадиган ёки Жейкоб ва Анжелани

қонини ичадиган бўлиб қоламан-ку?

- Бу ўтиб кетади. Аммо мен ана кучукнинг қонини ичишингга умуман ишонмайроқ

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

турибман. - Эдвард асабийлаши. - Агар янгига айлансанг янада жиззаки ва қайсар бўлиб қоласан!

Мен ҳамон диққатини тортма олмаётганимдан асабийлашаётгандим.

- Аммо айнан мана шу мен учун энг муҳими бўлади, тўғрими?
Қон, қон ва яна қон!

- Агар сен ҳали ҳамон тирик экансан бунга эхтиёж бўлмаслиги мумкин, - эслатди Эдвард.

- Ўн саккиз йил кутганим етар! - мен ҳам эслатдим. - Мен жисмоний томонлама айтаяпман,

ақлан сира ўзгармасам керак... аммо табиий жихатдан қондан бошқа нарсани истамай қолсам керак.

Эдвард жим эди.

- Демак фарқ барибир бор, - якун ясадим мен. - Шунинг учун ҳозир бу дунёда энг кўпроқ

истаган нарсам бу сен. Сен менга овқат, сув ва ҳаводан ҳам кўпроқ кераксан. Ақлим ҳаётдаги

мақсад ва афзалликларни жой жойига ўзи қўяр, аммо вужудим...

Мен эгилдим ва унинг кафтини ўпдим.

Эдвард чуқур нафас олди, унинг нафасида ишончсизлик ва шубҳа акс этди.

- Белла, мен сени ўзим истамаган ҳолатда ўлдириб қўйишим ҳам мумкин, - пичирлади у.

- Сен бунга қодирлигинга ишонмайман.

Эдвард кўзларини қисди ва қўлини орқасига тисарди. Тўсатдан нимадир тарақлаб кетди,

тагимиздаги каравот титради.

Эдвард менга қўлини кўрсатди, кафтида қизғиши атиргул шаклидаги нақши бўлаги қолган

эди. Бу каравотнинг бурчагида турган металл безак, ҳозир эса у унинг қўлида синдириб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

олинган ҳолат эди. Бир лаҳзада Эдвард уни қисимлаб олди ва майда-майда кукун бўлиб кетди.

Мен Эдвардга хўмрайиб қарадим.

- Мен буни назарда тутмагандим. Кучингни шусиз ҳам биламан. Бекорга мебелни шикаст етказдинг.

- Унда нимани назарда тутгандинг? - у ғазаб билан қўлидаги қумли темир зарраларини

бурчакка сочиб юборди, худди ёмғир товушидек шитирлаб кетди.

Эдвард дикқат билан қараб, ҳар бир сўзимни эътиборан тингларди.

- Демак, агар сен мени хоҳласанг жисмонан менга азоб берасан... мен шуни тушундимки,

сен мени хоҳламаётганингни сабаби... менимча сен ҳеч қачон бундай иш қилолмайсан...

Мен гапириб тугатгунимча у бошини чайқади.

- Белла, бунақа эмас, сен бошқача ўйляяпсан.

- «Бошқача»! - дедим. - Менимча ортиқ мени тушуна олмасанг керак.

- Айнан мана шу. Наҳотки сен мени шунақа таваккал қиласди деб ўйласанг?

Мен узоқ тикилиб қолдим унга. Эдвардинг кўзларида бир қатра ҳам шубҳа ва хатто

муросасизлик илинжи ҳам кўринмасди.

- Ҳа, майли, - умидсизларча пичирладим мен. - Мана шу мен хоҳлаган нарса эди.

Мен кўзимни юмдим ва мағлубиятимни тан олдим. Ва қатъий рад этилган жавобни кутиб турадим.

Эдвард сукут сақлаб, бир маромда нафас олмасди.

Кўзимни очганимда азобланаётган чеҳрани кўрдим.

- Илтимос? - пичирладим мен ва юрагим титради. Эдвардинг қатъиятсизлигидан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

фойдаланиб сўзимни ўтказиб олишига уриндим: - Сен ҳеч қанақа кафолат беришинг шарт эмас.

Ҳеч нима ўхшамаса бундан хафа бўлмайман, ҳеч бўлмаса бир уриниб кўрайлик... бор йўғи

уриниб кўрайлик. Сен қанақасига хоҳласанг, шунақасига розиман, - ўйламай алжирардим. -

Сенга эрга тегаман. Дартмутда ўқишимга пул тўлашингга ҳам розиман ва қанча кечиктириши

керак бўлса ҳам розиман. Истасанг менга пойга машинаси сотиб олиб бер! Фақат... мана шу...

хўпми илтимос!

Унинг муздек қўллари мени қаттиқ қучоқлади, лаблари қулогимга етиб борди ва совуқ нафасини сездим.

- Буadolatdan эмас! Сенга совга қилмоқчи бўлаётган нарсами сен талаб қиласяпсан!

Биласанми, сен ялинаётган нарсани мен рад этишим қандай азобли?

- Унда рад этма! - таклиф қилдим.

У жим бўлиб қолди.

- Илтимос! - яна ялиндим.

- Белла...

У оҳиста бошини қимирлатиб туришидан рад этмаганга ўхшарди: унинг лаблари менинг

бўйнимда эди - менимча Эдвард таслим бўлди. Юрагим шунақа тез урап эдики, қутиргандек

қафасига сизмасди.

Ва ниҳоят мен вазиятни қўлга олдим: у ишонқирамай ва эҳтиёткор ҳолатда менга қараган

эди, мен уни қаттиқ қучоқлаб олдим. У яна қочиб кетади деб таҳмин қилган эдим. Аммо

адашибман.

Энди унинг лаблари аввалгидек майин эмас: бўсаларида алам ва қаттиқ босимни сездим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен Эдвардинг бўйнидан қўлимни ўтказиб оллим, ялангоч муздек бадани менинг қайноқ

олов бўлиб ёнаётган баданимга ишқаланди. Энди совуқ менга таъсир этмасди.

Эдвард менинг лабларимни рад этмади. Бу сафар мен тисарилишига мажбур бўлдим. Унинг

музли лаблари мени шунаقا еб қўйгудек ўпар эдики, менинг нафасим тиқилиб қолди. Галабам

нашидаси мени ҳаяжонга сола бошлиди, бу эса менга ҳар нарсага қодирликни намоён этарди.

Қўлларим қалтирамай қўйди, мен уни ечинтириб ташладим, менинг бармоқларим унинг

муздек ялангоч кўксини силарди. У қандай эҳтиросни қўзговчи эркак! Қанақа сўз билан аташга

ҳам лолман. Чидаб бўлмас даражада...

Мен яна унинг лабларини изладим. Эдвард ошкора менинг ҳиссиётимни қўзгатган эди.

Битта қўли билан юзимни силар, иккинчи билан баданимни ушлаб олганди. Бор кучи билан

менга суйкаларди. Чала қолган кийимимни еча бошлидим, миянгда фақат эҳтирос чарх урса-ю,

сенинг тугмаларинг ечилга қолмаса қийин бўларкан.

- Белла, - пичирлади майин овозли ёрим қулогимга. - Кийимингни ечишини бас қил.

- Сен ўзинг ечинтирасанми? - ҳирс билан энтикиб сўрадим.

- Бугун эмас, - деди астагина.

Энди унинг лаблари оҳиста, майин бўлиб яногимни ўпарди.

- Эдвард, ҳалиги...

- Мен йўқ дедимми, йўқ, - тинчлантириди у. - Мен «бугун эмас» дедим.

Мен унинг гапларини ўйлаб ўзимни гирт фоҳишадан баттар кўриб кетдим ва жим қотиб

турдим.

- Менга битта сабабни келтир, нега бугун эмас? - Мен ҳануз титраб, овозим ҳам ўзгариб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

унга қараб турарканман, бутун вужудим қулоққа айланган эди.

- Мен кеча түгилмаганман... деди у - Иккимиз ҳам бир-бirimizga ваъда бердик. Кимки

биринчи ваъда бераркан, ўша биринчи амалга ошириши керак...
Ўзимга қолса хоҳляяпман,

аммо таслим бўлиб сен билан... бўлсам, эртагача тирик
қолмаслигинг, сўнг Карлайлнинг ёки

бошқаларнинг кўзига қандай қарайман... шундай экан биринчи
навбатинг.

- Аввало сенга турмушига чиқишим керакми? - ишионмай сўрадим
мен.

- Бу менинг шартим. Хоҳласанг қабул қил, хоҳламасанг ўзинг
биласан. Муроса эсингдами?

Эдвард мени қучоқлаб яна ўпа бошлиди.

- Менимча ҳеч қанақа ахмоқлик қилмайман энди, - дедим мен ва
ниҳоят Эдвард мени нафас

олишиш учун қўйворгач.

- Фалати гаплар қилдинг, - у вайсади. - Сенга тўэри келмайди.

- Хўш қанақа бўлай? - шангилладим мен. - Ўзингча асрлар
давомида топдим-у унга

эришдим дейсан... ва тўсатдан...

- Сен гапингни қайтариб оласанми? - у нигоҳини мендан
узоқлаштириди.

Эдвардни бу очиқдан очиқ ҳайратлантиради.

Мен аламзада бўлиб унга қарадим. Наҳотки мен унга қаршилик
қилган бўлсам?

- Шундай қилиб гапларингни рад этасанми? - хафа бўлиб кетди
у.

- Эҳ! - бақирдим мен. - Йўқ. Рад этмадим. Энди
хотиржаммисан?

Эдвард ҳайратга солгудек кулди:

- Теримга сизмай кетаяпман.

Мен яна бақирдим.

- Сен хурсандга ўхшамайсан?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

У мени яна ўпди ва мен жавоб бераман дегунича меҳр аралашишонч билан яна ўпди.

- Озроқ, - тан ола билдим, йўқса гапиришига ҳам қўймасди. - Аммо тўй сабаб эмас.

Эдвард мени яна ўпди.

- Билинимаяптими, бизда ҳаммаси тескарисига бўлаётгандек-тичиrlади у қулозимга ва

кулди. - Анъаналарга қараганда ушибу баҳсда иккимизнинг ўрнимиз ўзгарган бўларди.

- Бизнинг ҳолатимизга анъананинг алоқаси йўқ

- Бу ҳам тўэри.

У яна мени ўпаверди, ўпаверди... ва яноқларим қизариб кетди.

- Эдвард, эшиитсангчи, - дедим у ўпишдан тўхтаган пайт. - сенга турмушига чиқаман

дедимми, мен ваъда бераман, аниқ сенга турмушига чиқаман.

Агар хоҳласанг, ўз қоним билан

қасам ичаман.

- Бу сира кулгули эмас, - у менинг билагимни секин чимдидиб қўйди.

- Мен сени ҳеч қачон алдамайман. Мени биласан-ку. Шундай экан кутиб нима қилдик.

Хатто уйда ҳеч кимса йўқ... бунақаси камдан кам бўлади.

Унинг устига катта ва қулаи

каравот...

- Бугун эмас, - қайтарди у.

- Нима сен менга ишонмайсанми?

- Албатта ишонаман!

У қўлимни ўпаётган эди, мен тортиб олиб унга қарадим.

- Унда муаммо нимада? Сен охир оқибат истаган нарсангга эришишингни билгансан. - мен

хўмрайдим: - Мана унда ола қол.

- Шунчаки эҳтиёт бўляпман, - истамай гапирди у.

- Ва яна бир нима борки, - топқирилик қилдим мен. Эдвардинг юзида зулмат шарпаси зув

этиб учиб ўтди. - Ўзинг сўзингдан қайтиб қолмайсанми?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Йўқ, -ваъда қилди у. - Онт ичаман, биз уриниб кўрамиз. Тўйдан сўнг.

Мен бошимни қашидим ва аламзада тиржайдим.

- Сен мени галати ҳаёлларга бошлаяпсан, Эски киноларда бўладиган ёвуз қаҳрамон бечора

қизнинг бокирагига таҳдид этади. Сен ўша кинодаги ўз бокирагини асраб авайлаётган

ожизага ўхшаб кетаяпсан.

Эдвард сергакланди.

- Мана гап қаерда экан! - Мен хохолаб кулиб юбордим. - Сен ўз иффатингни асраб

қолмоқчимисан!

- Йўғ-е, тентак қиз! - деди у менинг елкамни силаб қўйиб. - Мен сенинг бокирагингни

асраяпман. Сен эса янада бу вазифамни қийинлаштираяпсан.

- Сира кулгулимас...

- Майлими савол берсам? - гапимни бўлди Эдвард. - Биз бу ҳақида гаплашдик, аммо яна

уриниб кўрайлик бир гал. Бу хонада нечта одамнинг руҳи бор?

Кимда жсаннатга тушишига

имкон бор, кимда эса йўқ?

- Иккимизда ҳам, - ўйлаб ўтирмай жавоб қилдим.

- Майли шундай бўла қолсин ҳам. Бу савол орқали одамлар учун бир қанча қадриятли

қоидаларни бузши ёки бузмаслик кераклигини айтмоқчи эдим.

- Наҳотки сенга қонсўраклар қоидалари камлик қилса?

Инсонлар қоидалари ҳам керакми?

- Бундан баттари бўлмайди, - елка қисди Эдвард. - Барibir амал қилиши керак.

Мен ўйланиб қараб қолдим.

- Ким билади, менинг руҳим борлигига сен ишонарсан, аммо мен жуда кеч деб

ҳисоблайман.

- Йўқ сира кеч эмас! - дедим қарши чиқиб.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Белла, жуда кўп динларда «Ўлдирма» дейилган, аммо мен жуда кўп одамларни

ўлдиргандан.

- Фақат ёмон одамларни.

У елка қисди.

- Балки, бу айтишига арзийдими ёки йўқ. Сен ҳали одам ўлдирмагансан...

- Ҳа, тўғри, - дедим мен.

Эдвард жилмайди ва менинг изоҳимга парво қилмади.

- Мен сени бунақа гуноҳдан асраб авайлайман.

- Яхши. Аммо биз ўлдириши ҳақида гаплашмаётгандик, - эслатдим мен.

- Бу барибир ана шу қоидаларнинг бир бўлимчаси холос... масавур қил, мен ҳам шундай

тоза ва бегуноҳман. Ва мана шу гуноҳларнинг бирортасини қилишишни истармидинг?

- Бирортасини?

- Сен биласан, мен ўзимга тегишли бўлмаган нарсани ўгирладим, алдадим, хоҳладим...

мана энди менинг "бокиралигим"... бор йўқ қолган нарсам мана шу... - у жилмайди.

- Мен ҳам ҳар доим алдайман.

- Йўқ, сен алдашни эплолмайсан, бу ҳисобга ўтмайди. Сенга барибир ҳеч ким ишонмайди.

- Сен ўзингники бўлмаган нимани ўзингга раво кўргансан? - шубҳаланиб қарадим мен. -

Сенда ҳамма нарса бор-ку.

- Сени. - унинг табассуми хўмрайшига айланди. - Мен ҳеч қандай хуқуққа эга эмасман.

Сени ушилаш ёки исташи, умуман сени қалбингга ҳам хожалик қила олмайман. Кўраяпсанми

кимга айландинг, вампирни ўзингга ром этиб қўйдинг.

- Ҳеч ким сенга ўзингники бўлган нарсани маън эта олмайди, - дедим мен. - Ва сен менинг

иффатимни асрармоқчилигини тушуниб турибман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Мана шундай - менинг ҳавотиридан фойда йўқ. жуда кеч. Аммо сенинг руҳингга гард юклиш бу гуноҳ.

- Сен мени ўзинг бўлмаган томонга етаклай олмайсан. Айнан мана шу менимча Дўзах деб

номланса керак. Менда бу муаммога битта жавоб бор: кел, ўлмаймиз.

- Жуда оддий эшитилгани билан асло осон иши эмас. Қаердан ҳаёлингга келди бу?

У менга қараб қулди, аммо мен асабий уфф тортдим.

- Мана шундай қилиб то мен сенга эрга тегмагунимча мен билан бирга ётмайсан, шундайми?

- Агар муқаррар ҳаққа қарасам сен билан ҳеч қачон ёта олмаслигим керак.

Менинг кўзим чиқиб кетди.

- Накадар даҳшатли донолик!

- Агар мана шу майда нарсани ҳисобга олмасак менинг ҳамма гапимни тушуниб етдинг.

- Менимча ҳаёлингда яна нимадир борга ўхшайди.

Эдвард беайб одамдек кўзини пирпиратди.

- Яна нима?

- Яхшиси ўзинг тан ола қол, - қистадим мен. - Бу ишини тезлаштиради.

- Фақат ҳаммасини тезлаштирадиган битта нарса бор.

Хатто асрлаб кутиб ҳам бунга эриша

олмаганман... аммо шу ерда сен ҳақсан, айни дамда сенинг бесабр гармонларинг - менинг энг

кучли иттифоқчим.

- Агар мен бунга рози бўлсам? Дадамга нима дейман... онамгачи! Тасаввур қилаяпсанми:

Анжела нима деб ўйлайди? ёки Жессика? Уларнинг мишишларини эшитиб юраманми.

Эдвард ҳайрат билан қараб қолди. Буни нима аҳамияти бор. Барибир мен бу ерлардан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

кетаман ва ҳеч қачон қайтиб келмайман-ку? Ёки ростанам бунақа саволлар ва мишишларга тоқат қилолмасмиканман?

Менимча мен жуда кам ҳавотир оляяпман. Тасаввур қиласаяпман, бир қиз мактабни битира-

битирмас мана шу ёзда эрга тегиб кетса!

Мени бу вахимага солаяпти.

Мен агар болалигимда эрга тегиши машаққатлари ва рухий зарбалари ҳақида күп

гапиришишмагани учун ҳам шундай кам сиқилаётгандирман.

Эдвард менинг оташин мулоҳазаларимни тарқатиб юборди.

- Умуман олганда бу у қадар долзарб нарса эмас, менга дабдабали маросим керак эмас.

Шунчаки ҳеч кимга хабар қилмасдан, ҳеч кимга ҳеч нима ёзмай амалга оширса ҳам бўлади...

Биз Вегасга бориб шунақа жой топамизки, хатто машинадан ҳам чиқмай ҳеч қандай никоҳ

кийимисиз, шундоқ эски жинси шимни ўзида расмий никоҳдан ўта қолишимиз мумкин - менга

муҳими сен фақат менга тегишли эканлигинги билишимдир.

- Ҳозир расмиятчиликдан қочиб қутула олмайсан, - дедим.

Умуман олганда Эдвардинг режаси ёмон эмас. Фақат Элиснинг кўнгли қолишии аниқ.

- Кўрамиз. - у мамнун илжайди. - Наҳотки ҳозироқ никоҳ узугини олишини истармидинг?

Мен жавоб бераман деб ютиндим:

- Топдинг!

Эдвард куливорди.

- Ҳа, майли. Мен баривир тез орада узук тақардим.

- Аниқ биламан, у сенда бор.

- Албатта, - деярли уялиб кетди. — Уни мен ҳар доим ўзим билан олиб юраман ва имкони

бўлгунича сенга тақсам дея ният қилганман.

- Ана бўлмаса!

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Кўришни истармидинг? - сўради Эдвард, ва унинг тилла ранг кўзлари чақнаб кетди.

- Йўқ! - деб билмасдан айтиб юбордим ва афсуслана бошлидим, чунки Эдварднинг юзи

замгинлашиди. - Наҳотки шунчалик уни менга кўрсатгинг келаётган бўлса... - гапимни

ўзгартиришига уриндим.

- Майли, қаёққа ҳам шошардим, - елка қисди Эдвард.

Мен хўрсиниб қўйдим.

- Эдвард, менга ўша аҳмоқона узукни кўрсат.

У бошини чайқади.

- Йўқ.

Мен жим бўлдим ва жимгина кузатиб ўтиредим.

- Илтимос, - аста шивирладим, унинг ияига қўл теккизиб ўзимга қаратдим. - Кўрсат,

илтимос.

У қимтиниб олди.

- Сен мен учратган мавжудотлар ичида энг даҳшатлисисан, - деди Эдвард.

Аммо бирдан у ўрнидан туриб, тўшак ёнидаги стол тортмасини яшин тезлигида очиб,

ундан кичкина қора қутича олди ва бир лаҳзада менинг тиззамга уни қўйди.

- Мана кўришинг мумкин.

Мен зўрга қалтираб қутини оча бошлидим, Эдвардни яна хафа қилишини истамасдим. Мен

секин қора сатин матоли бу қутини силаб қопқоғини оча бошларканман мингилладим:

- Бунга роса катта пул сарфлаган бўлсанг керак?

- Мен бир тийин ҳам сарфламадим бунга, - оҳиста гапиради у.

- Бу ҳам янги бўлмаган

нарса. Бу отам онамга совға қилган узук.

- О! - ҳайратга тушдим мен.

- Эҳтимол, у эски урфдаги нарса, - узр сўради Эдвард. -

Қадимги нарсалардан бири, худди

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ўзим каби. Хоҳласанг замонавийроқ бирор нарса - мисол учун «Тиффани»дан сотиб олишим мумкин.

- Менга эски нарсалар ёқади, - лақилладим мен ва қўрқа-писа қопқоқни олдим.

Қоп-қора матоли сирт устида ингичка бандли, овал шаклидаги ўргимчак тўр каби

қават-қават нақшили тилла ва ялтироқ тоишчали ажойиб узук турарди.

Мен ўзим билмаган ҳолда ярқироқ тошларга маҳлиё бўлиб қолдим.

- Қандай чиройли!

- Ёқдими?

- Жуда ҳам ёқди. Нега энди ёқмаслиги керак?

Эдвард ҳм деб қўйди

- Унда тақиб кўр.

Менинг чап қўлим мушт бўлиб тугилди.

- Белла, -деди Эдвард, - мен сени қўлинга тақиб қўяётганим йўқ-ку. Шунчаки бир тақиб кўр,

каттамикан ёки кичик, шунга қараб ўлчамини тўғирлайман.

Кейин майли ечиб қўярсан.

- Майли, - дедим ва узукка қўл чўздим.

Эдвардинг узун бармоқлари мендан олдин узукни илиб кетди ва чап қўлимнинг номсиз

бармоғига тақиб қўйди. Ана бўлмаса, лоппа лойиқ келди.

Иккимиз ҳам узукни қандай

ялтирашини кўриши учун қўлимга қарадик. Унчалик даҳшатли эмас экан-ку!

- Айнан сенинг ўлчаминг экан, - севиниб кетди Эдвард. - Яхии бўлди - заргарга ҳам

боршига ҳожат йўқ.

- Сенга ёқди, тўғрими? - ишионмай сўрадим бармоғимни ўйнатиб.

Яхиси чап қўлимни синдирсам бўларкан!

Эдвард елка қисди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Бўлмасамчи, - ҳиссиз жавоб қилди у. - Сенга яраши.

Мен унга қараб туравердим: қандай ҳислар қайнаётган экан бу совуқ жиоддийлик ичидা?

Эдвард кўзимга қаради ва унда ўз қисматимни кўргандек бўлдим, дабдаба ва намойиш билан

мени бағрига босиб бўсаларга кўмиб ташлади.

Мен ўзимга кела олмай қолдим. У менинг лабларимни тинч қўйган паллада менинг бошим

айланар, иккимиз ҳам хансирардик.

- Ҳа, менга жуда ёқди. Менга қандай ёқаётганлигини сен масаввур ҳам қила олмайсан! -

пичирлади қулогимга.

- Ишонаман!

- Майлими, нимадир қилмоқчи эдим? - деди у мени қаттиқ бағрига босиб.

- Майли, нима қилсанг ҳам қилавер, розиман.

Ана шунда у мени бағридан бўшатиб, сал нарига тисарилди.

- Фақат бу эмас! - деб юбордим мен.

Эдвард менинг овозимга парво ҳам қилмай, мени каравотдан тортуб олди. Жиоддий қиёфада

қўлларини елкамга қўйди.

- Ана энди мен ўзим истагандек бажара оламан. Илтимос, сен деярли рози бўлгансан ва

менга азоб берма...

- Фақат бу эмас! - ох тортдим мен у узукни олиб қўйганида.

- Халал берма, - пичирлади у.

Мен чуқур нафас олдим.

- Изабелла Свон. - Эдвард менга пастдан тепага қараб туради. - Мен сени бир умр, ҳар аср,

ҳар йил, ҳар кун, ҳар лаҳза севиб ардоқлашга ваъда бераман.

Менга турмушга чиқишга

розимисан?

Миямда минглаб алимсоқдан қолган айёрликлар ва ўта маъсирчан ёки қайгули, хатто

кулгули жавоблар янграй бошлади, аммо Эдвард қай бир жавобни күтган бўлмасин, жавобим

ҳар доим битта бўлади ва мен пичирладим:

— Ҳа.

— Раҳмат, - деди руҳланиб Эдвард.

Менинг чап қўлимни қўлига оларкан, ҳар бир бармоғимни ўпиб чиқди ва энди меники

бўлган узукни ҳам тақиб қўйди-да, унинг устидан ҳам ўпиб қўйди.

XXI боб. Излар

Бу кечани уйқуга алишигим келмасди аммо барибир ухлаб қолибман. Уйгонганимда

аллақачон тонг отган, осмонда қуёш чараклар, тоз тарафда бир парча булут ҳам қўриниб

туради. Шамол эса дарахт шоҳларини силтар, тез орада қаттиқ бўронга айланадиганга

ўхшарди.

Эдвард мени ёлгиз қолдирибди. Менимча ўзи кийиниб олиш учун, мени эса танҳо

қолдириб ўйлаб олишим учун бўлса керак. Негадир режаларим сал оқсаяпти. Мен узукни

кечани ўзидаёқ унга қайтариб берардим, хафа бўлишини билсамда ҳали вақтли эди, узукнинг

залвори чап бармоғимда ҳануз сезилиб туради.

Оҳир оқибат энди нимадан ҳам ҳавотир олардим? Ўйлаб қўрсам, биз Вегасга кетамиз. Мен

жинси шим эмас, эски спорт иштонимни кийиб оламан.

Маросим унча узоқ чўзилмаса керак. -

ўн - ўн беш дақиқа. Ҳеч қиси йўқ, яшай оламан.

Бундан кейин эса, Эдвард келишувимизга кўра ваъда қилган ишини қиласди. Мана шундай

экан қолган нарсани миямдан чиқариб ташлайман.

Эдвард буни кимгадир айтиши ёки ҳабар қилиш керакмас деб айтди, шундай экан ҳеч ким

билиши шарт эмас. Фақат мен Элисни унумтиб қўйдим-ку.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Калленлар кун ярмида кириб келишиди. Улар ўта ишчан ва банд кўринишдик, мен

яқинлашаётган ҳодисани эсимга олдим.

Элис негадир ўзида эмас, қанақадир бошқача бўлиб қолибди!

- Ўйлашимча - деди у асабий, - сизлар ўзингиз билан иссиқ нарсалар олиб олишингиз

керак... мен аниқ кўра олмай қолишим мумкин, чунки сизлар билан ана у кўпнак ҳам бирга

кетади. Менимча айнан ўша томонда бўрон кучли бўлиши мумкин.

Эдвард бош чайқаб қўйди.

- Тогда қор ёғади, - огоҳлантириди у.

- Қор! - тўнгилладим мен.

Жин урсин, ахир июнь ойи-ку!

- Курткангни кий, - истамагандек гапирди Элис.

Нега у бунақа аламзада кайфиятда? Мен унинг юзига қарадим, аммо Элис бурилиб олди.

Мен Эдвардга қарадим: у эса кулди. Қанчалик Элис дарғазаб бўлмасин, унга бу оддий

нарсадек туюлди.

Эдвардинг сафар халтасида мендан бошқа ҳамма нарса бор эди. Менимча у Ньютоналар

дўқонидан ҳамма нарсани сотиб олган шекилли, алламбалолар тўла халтани кўриб кўзим

шокосасидан чиқай деб кетди, у эса тиржайиб қўйди - ва рюкзакни илдам кўтарди.

Элис гаражсга кириб келди ва жимгина атрофни тимирицилаб юрди. Эдвард унга эътибор

ҳам қилмади.

Рюкзакни жойига қўяр экан, менинг мобильнигимга тегиниб қўйди.

- Жейкобга қўнгироқ қилиб айтиб қўй, биз уни бир соатдан кейин кутамиз - у жойни билади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкоб уйда эмас экан, аммо Билли амаки бирорта бўривойни кўрса ҳабарни зудлик билан айтишига ваъда қилди.

- Белла, дадангдан ҳавотир олма, - деди Билли амаки. - Уни ёнида шахсан ўзим бўламан.

- Ҳа, мен бунга ишонаман раҳмат. - Аммо менинг назаримда Билли амакининг ўғли кўпроқ

ҳавф-хатар остонасида эди, аммо буни айтиб ўтирмаидим.

- Афсус мен эртага қолганлар билан бирга бўла олмас эканман, - афсус билан алжиради

Билли амаки. - Қарилек бу қарилек.

Жангга бўлган шаштидан полни тўпиллатарди. Эх бу эркаклар ҳаммаси бир хил-а!

- Умид қиласманки, дадам билан вақтни мазмунли ўтказасизлар.

- Омад сенга, Белла, - жавоб қилди у. - ва... Калленларга номидан омад тилаб қўй.

- Айтаман, - ваъда бердим ва мен ҳайратланиб гўшакни қўйдим.

Эдвардга телефонни қайтариб берарканман иккиси Элис билан баҳслашаётганини кўрдим.

Элис тикилиб турганича ўқинч билан ялиниб турар, Эдвард эса хўмрайиб унинг норози

илтимосига жавоб қиларди.

- Билли амаки сизга омад тилади.

- Жуда катта жасорат бу, - жавоб қилди Эдвард, Элисдан нари кетаркан.

- Белла, бир-иккита гапим бор эди сенга? - деди Элис шу пайт.

- Элис, сен менинг ҳаётимни қийинлаштираяпсан, - тиши ичидан ириллади Эдвард. – Керак

эмас.

- Эдвард, бу сенга боғлиқ эмас, - деди Элис.

У кулиб юборди: синглисининг жавоби уни ҳайратландирганди.

- Сени бу ерда умуман алоқанг йўқ, - буюорди Элис. - Бу қизлар ўртасидаги суҳбат.

Эдвард хўмрайди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Мен билан гаплашишига руҳсат бер, - дедим мен: мени ҳам бу гапи қизиқтириб қўйганди.

- Сен ўзинг сўрадинг, - деди у ва кулворди - бироз тушунган, бироз ажабланган кўйи чиқиб кетди.

Эдвард кетгач мен Элисга қарадим. Унинг ҳаёлида нималар бор? Айни пайтда Элис менга

қарамаётганди: у ҳалиям ўзида эмасди. Нордон башарисини чўччайтириб ўзининг

«порше»сининг капотига ўтироди. Мен итоаткорона қилиб бамперга унинг рўпарасига ўтириб олдим.

- Белла? - деди Элис ва менга қаради.

Унинг овозида анча қайгу ва хасрат бор эдики, мен дугонамни қучоқлаб уни овутгим келиб кетди.

- Элис, нима бўлди?

- Сен мени яхши кўрасанми? - сўради у ўша баҳтсиз оҳангда.

- Албатта яхши кўраман! Буни ўзинг биласан-ку.

- Унда нега оёгингни қўлингга олиб Вегасга чопаяпсан, мени таклиф ҳам қилмай?

- Вой! - Менинг юзим қизариб кетди. Албатта, Элис хафа бўлган! Мен тушунтиришига

ҳаракат қилдим: - Мен маросимларга тоқат қила олмайман. Ва умуман олганда бу Эдвардининг гояси менини эмас.

- Нима фарқи бор кимни килигинг? Сен қандай қилиб бунақа иш қилишинг мумкин? Эдвард

тентакдан буни кутса бўлади! Аммо сендан! Ахир мен сени түгшишган опамдан ҳам кўпроқ яхши кўраман.

- Элис, сен мен учун ростан ҳам түгшишган сингилдексан.

- Қуруқ гапда! - пўнгиллади у.

- Майли, тўйга келишинг мумкин. Хатто у ерда ҳеч нима бўлса ҳам.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Элис яна хўмрайди.

- *Ха, яна нима бўлди? - сўрадим меровланиб.*

- *Белла, сен мени қанчалик яхши кўрасан?*

- *Нима?*

Элис менга ўтиниб қарагандек термулди-ки, кўзлари ғамгин қон-қора қалам қошлиари ёйдек

қайрилган маъсума юзида алам из босганди!

- *Илтимос, мен ялиниб сўрайман, - пицирлаб ўтинарди у.* -

Белла, агар мени десанг...

тўйингн ташкиллаштиришига изн бер.

- *Элис! - бўкириб юбордим мен билмасдан. - Йўқ! Хатто сўрама ҳам.*

- *Белла, агар сен мени чинданам яхши кўрганингда эди...*

Мен қўлимни қовушириб олдим.

- *Буadolatдан эмас. Эдвард ҳам бундай одатдан қочган бўларди.*

- *Ишончим комил. Эдвард анъанавий никоҳ маросимини жуда истайди, фақат сенга*

айтишига журъат қилмаган. Эсми... бу у учун қанчалик аҳамиятли эканини билсанг эди!

Мен инграб юбордим:

- *Ундан кўра мен бутун бошли янгилар қўшини билан ёлғиз бир ўзим олишганим афзалроқ.*

- *Мен бир умр миннатдор бўлар эдим.*

- *Сен юз асрга ҳам қарздор бўласан менга!*

Элис чинқирди.

- *Демак сен рози?*

- *Йўқ! Бунақасига кўнмайман!*

- *Сенинг ҳеч нима қилишинг шарт эмас - шунчаки бир нечта қадам ва ҳазратнинг гапларини*

қайтарасан холос.

- *Валақ, валақ ва яна валақ!*

- *Хўп илтимос? - Элис жойида тентакдек сакрай бошлиди.* -

Мен ўтинаман, ялинаман,

ўқинаман!

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Элис, бу шинг учун ҳеч қачон кечирмайман! Ҳеч қачон ва ҳеч нарсага!

- Ура! - қиқирлаб кулди, севиниб кафтини ишқалади.

- Мен ҳа демадим!

- Аммо барибир айтасан-ку! - мингиллади у.

- Эдвард! - чинқирдим, гараждан чопиб чиқиб уни изладим. -

Биламан сен ҳаммасини

эшишиб ўтирибсан. Бу ёкқа кел!

Элис ортимдан эргашди ва тинмай қарсак чаларди.

- Катта раҳмат сенга, Элис, - ириллади Эдвард, менинг ёнбошимдан чиқиб келиб.

Мен уни энди сўқмоқчи бўлиб қараб турган эдим, аммо унинг юзидаги бечорагина

манзарани кўриб чўчиб қучоқлаб олдим, менинг газабим кўз ёшига айланди қўйди.

- Вегас, - шивирлаб ваъда берди менга Эдвард.

- Ҳеч қиси йўқ! - севинчдан сакради Элис. - Белла мен баҳслашмай қўяқол. Биласан,

Эдвард, баъзан мени доим қўллаб юборгансан.

- Унақа қилғилик қилма, - дедим мен. - Сендан фарқли ўлароқ у мени баҳтли қилмоқчи.

- Белла, мен ҳам сени баҳтли бўлишинги истайман. Шунчаки баҳт ўзи билан бирга нима

келтиришини биламан. Сен хатто менга бу ишидан кўп миннатдор бўласан ҳали. Эллик йилча

мақтаб хурсанд бўлиб юрасан.

- Умримда ҳеч қачон сен билан баҳслашиб қолмасам керак деб ўйлагандим, аммо бугун шу

кун экан!

Элис кумушдек жаранглаб кулди.

- Хўши узукни кўрсатасанми?

Мен даҳшатдан ўқрайдим, Элис чап қўлимни тутиб қаради - ва қўйворди.

- Қизиқ. Мен қўлингга узук тақилганини кўрдим-ку... Наҳотки ниманидир ўтказиб юборган

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

бўлсам? - Бир сония у қошини кериб ўйланиб қолди, кейин эса яна шодон қагалай бошлади: -

Ҳа, йўқ, тўй барибир бўлади.

- Шунчаки Белла заргарлик буюмларини у қадар хушиламайди, - тушунтириди Эдвард.

- Ўйлаяпсанми, яна битта бриллиант! Йўқ, албатта узукда ҳам жавоҳирлар кўп эди, аммо сен яна битта...

- Элис, бўлди! - туйқус бақирди Эдвард. Кўринишидан ҳақиқий вампирнинг ўзгинаси. -

Бизда ҳеч қачон.

- Ҳеч нимага тушунмадим, қанақа яна бриллиантлар? - сўрадим мен.

- Бу ҳақида кейин гаплашамиз - деди Элис. - Эдвард ҳак: сизларнинг вақтингиз бўлди.

Сизлар тузоқ қўйишларингиз, чодир ясаларингиз керак, йўқса ҳали замон момақалдироқ бошланиб қолади. - Элис хўмрайди ва унинг юзида қанақадир ваҳимга ўхшашиб ҳавотир акс

этди. - Белла, куртканги унумтма. Жуда совуқ бўладиганга ўхшиайди...

- Курткасини аллақачон олдим, - айтиб қўйди Эдвард.

- Ҳаммаси яхши бўлдаи, - тилак билдириб қолди Элис хайрлашар экан.

Ўтлоққа йўл аввалгига қараганди икки барабор узоқдек туюлди: Эдвард айланиб юрап,

менинг ҳидим сўқмоқ йўлда изи қолмаслиги учун атай ҷўзиларди. Кейинчалик бу ердан мени

Жейкоб олиб ўтиши керак бўларди. Эдвард менинг қўлида кўтариб олди.

Узоқ ҷўзилиб кетган дала томон юриб борарканмиз у мени ерга қўйди.

- Бўлди. Энди сен шимолга қараб йўл ол, йўлда ҳамма нарсага тегиниб кетавер. Элис менга

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

яңгилар келадиган йўналишни айтди ва улар мана шу йўлларда сенинг изинг билан уларни чалкаштирамиз.

- Шимол қайси томонда?

Эдвард жислмайди ва тўғри йўналишни кўрсатиб юборди.

Мен ўрмонга кириб борарканман ноодатий қуёшли куннинг ёрқин нури ортимда қолди.

Балки Элиснинг башорати у қадар тўғримасдир, қор ёғар эмиши. Осмон деярли булутсиз, очик

жойда шамол увиллагани билан қорга ақалли яқин ҳаво эмас эди. Июнь ойига хос бўлмаган

совуқ. Қалин свитеримнинг ичидан кўйлак кийиб олган бўлсам ҳам барибир совқота бошладим.

Мен шошмасдан қўлимга илинган нарсага тегиниб, дарахт тўнкалари пўстлоқлари намли

папоротникларнинг барглари-ю, моҳ билан қопланган тошларни ҳам ушлаб чиқдим.

Эдвард ортимдан секин изма-из келарди, аммо орамиз - мендан йигирма ярд эди.

- Ҳаммасини тўғри қиласяпманми? - қичқириб қўяман.

- Бундан яхиси йўқ!

- Мана бу ёрдам берадими? - мен сочимдан бир тола олдимда папоротник устига ташлаб қўйдим.

- Ҳа, бу ҳидингни кучайтиради. Аммо сочингни юлиб нима қиласан. Шусиз ҳам ажойиб кетаяпти.

- Ҳеч қиси йўқ. Сочим етарли.

Дарахтлар остида қоронгулик қамрай бошлади. Афсус Эдвард билан бирга кетиб қўлини ушлаб ололмайман-да!

Мен бир иккита сочимни сўқмоққа осилиб турган синган шохга илиб қўйдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Сен Элиснинг шартларига кўнишинг шарт эмас, - деди Эдвард.

- Ҳавотир олма. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам дор тагидан қочиб қутила олмасман.

Элис ҳар ҳолда ўзи истаганига етмай қўймайдиганга ўхшайди.
Ва яна мени айборликни

туйшишим унга жуда қўл келади.

- Гап бу ҳақида эмас. Мен шунчаки сен нима хоҳласанг ўшандай бўлсин дейман.

Мен оғир хўрсишиб қўйдим. Эдвард хафа бўларди агар ҳақиқатни айтсан: агар Элис

орзусига етиб тўй маросимини бошқаришини ўз қўлига олса борми мен учун ҳақиқий даҳшат бошлигади қўяди.

- Агар Элис айтганини қиласан деса унга ҳам имкон топади ва фақат бизниkilар бўлади.

Эмметт балки интернетдан тўй маросимлари ўтказиш учун руҳсатнома ҳам олиши мумкин.

Мен пиқиллаб кулдим.

- Мана буниси яхшироқ!

Агар қасамёд ўқитишини Эмметтга топширсак бу жуда яхши бўлади, шунда унинг ёнида

жиддий туришим ҳам шарт бўлмайди. Ахир бу жуда қизик-ку.

- Ана кўрдинг, - кулди Эдвард. - Ҳамма нарсага муроса тонса бўлади.

Менинг вақтим кам эди, янгилар қўшини изгиши мумкин бўлган жой ҳали етарли эди, аммо

ҳидим тўхташи мумкин бўлган жой қаерда бўлишини аниқ билмас эдик, шу сабаб Эдвард ҳам

менинг тошибақа юришишимга парво қилмади.

Қайтишида у менга йўлни кўрсатди, қандай бориши мумкин ахир ҳамма сўқмоқдар менга бир хил эди.

Биз деярли ўтлоққа етиб келган эдик, аммо мен йиқилиб тушдим. Оёғим остида чуқурча

бор экан мен, зўрга битта шохни ушлаб қолиб мувозанатимни тумтиб олдим, аммо кафтиимни шох тилди.

- Вой! Жуда ажойиб, - дедим мен.

- Сен жароҳатланмадингми?

- Йўқ. Тўхта, жойингда тур. Менинг кафтиимда қон томчилади. Бироздан сўнг тўхтайди.

Эдвард мени эшиштмади: уни кўндиришига улгурмасимдан ёнимда пайдо бўлди.

- Мен дори қутини олиб олгандим, - деди халтасини ечиб. - У кўмак беришини сезгандим.

- Ҳеч қиси йўқ. Ўзим уddaлардим - сен ўзингни бунақа нокулайликларга

аралашибирмаслигинг керак.

- Менда ҳаммаси жойида, - хотиржам гапирди у. - Кел қўлингни бер. Ярани ювии керак.

- Тўхтасанг-чи! Менда унданам зўр гоя бор!

Қонга қарамасдан бурун билан нафас оларканман яқин орада турган тошга қонимни

суртдим.

- Нима қилаяпсан?

- Жасперга бу ёққан бўларди! - дедим мен ва ўтлоқда сангиғанимча ҳар учраган нарсага

қонимни сурта бошлидим - Ундан уларнинг томи кетиб қолиши тайин!

Эдвард хўрсинди.

- Нафасингни ичингда ют, - буюрдим мен.

- Ҳаммаси жойида, - деди у. - Аммо менимча бу етарли.

- Бу қилаётган ҳамма ишларим ўз бурчимни сидқидилдан бажариш дейилади.

Биз ўрмондан чиқиб яна далага қайтдик. Мен жароҳатланган қўлимни папоротник баргига

артдим.

- Сен вазифангни жуда ажойиб бажардинг. Янгилар эса буткул ўзини йўқотади ва Жаспер

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

сенинг қилган ишиндан жуда қойил қолади. Энди кел ярангни тозалай - йўқса жарохатга кир тушиши мумкин.

- Яхшиси ўзим.

У қўлимни ушлади ва жилмайди:

- Энди мени бу ортиқ безовта қилмайди.

Мен диққат билан қарадим, у хотиржам кесилган жойни тозалаб ювар, аммо юзида асло

саросималикни сезмадим: Эдвард равон нафас оларди ва енгилгина куларди.

- Қандай қилиб? - ниҳоят у кафтиимни боғлаб қўйгач сўрадим.

- Ўтиб кетди, - елка қисди у.

- Ўтиб кетди? Қачон? Қандай?

Мен оҳирги марта Эдвард ёнимда нафасини сиқиб ушлаганини эслайман. Яна шунингдек

омадсиз ўтган йилги тугилган кунимни ҳам.

Эдвард лабини қимтиниб сўз танлай бошлиди.

- Белла, мен сени йигирма тўрт соат аввал сени ўлгансан аллақачон деб яшаб кўришга

уриндим ва бу менинг қарашиимни ўзгартириди.

- Ва ҳидим ҳам сен учун ўзгардими?

- Умуман олганда йўқ. Шунчаки... сени йўқотиш нималигини билиб турсанг шунга бўлган

реакциям ҳам ўзгариб қолди. Агар бутун вужудимга оғриқ келтирувчи ҳолат бўладиган бўлса

борлигим ўзидан ўзи ўзгаради.

Менга қарапкан, Эдвард жилмайди.

- Мана шу ҳавотир олишишимиз менга кўп нарсага ўргатди.

Шамолнинг шиддати далага ёйилиб менинг сочимни тўзгитди.

Мен қалтирадим.

- Бўйти, - деди Эдвард яна рюкзакни очиб. - Сен ишинги қилиб бўлдинг. - ичидан қалин

қишики курткамни олди ва уни кийишиимга қарашиборди. - Ортиқ ҳеч нима қила олмаймиз.

Кетдик чодир қурамиз!

Тетиклиги мени албатта севинтирди.

Эдвард менинг боғланган қўлимни тутиб - бошқасида шина бор эди. Ялангликнинг нариги

томонидан юриб кетдик.

- Жейкоб билан қаерда учрашамиз? - сўрадим мен.

- Мана шу ерда.

Эдвард рўпарадаги дарахтга ишора қилди ва қорамтири соя тарафда эҳтиёткорона чиқиб

келган одам қиёфасидаги Жейкобни кўрдим.

Мени бу ажаблантириди: негадир мен улкан қизғии жигарранг бўрини кутгандим.

Ҳаёлимда Жейкоб аввалгига қараганда анча катталашигандек туюлди. Мен ҳаёлан

хотирамдаги ўзи билан бемалол мириқиб сухбатлашиса бўладиган кичкина Жейкобни кўз

олдимга келтиришига уриниб кўрдим.

Жейкоб қўлинни чалиштириб олганича мушти тугилиб ҳиссиз қиёфада бизга қараб туради.

Эдвард лабини қимтинди.

- Биз балки бунданда яхшироқ нарса ўйлаб топишимииз мумкин эди.

- Энди жуда кеч, - аламзада бўлиб мингилладим.

У хўрсинди.

- Салом, Жейк! - дедим мен унга яқинлашганимизда.

- Салом, Белла.

- Салом, Жейкоб.

Жейкоб Эдвардинг саломига эътибор ҳам қилмади ва дарров ишга ўтиб қўя қолди.

- Уни қаёқка олиб боришими керак?

Эдвард халтасининг олди чўнтағидан ҳаритани олиб Жейкобга берди. У бурилиб қаради.

- Ҳозир биз мана бу ердамиз, - деди Эдвард, жойни бармоғи билан кўрсатаркан. Жейкоб

ижсигандек ундан сал нарига сурилди. Эдвард ҳеч нима бўлмагандек ўзини тутди. - Сен уни

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

мана бу ерга олиб келасан, - давом этди Эдвард ва бармогини ўргимчак инидек бўлиб

кўтарилиб кетган баландлик белгиси нуқтасида кўрсатди. - Бу тахминан тўққиз миль.

Жейкоб бош ирғади.

- Бу жойгача бир миль қолганда менинг изим бўйлаб борасиз. У эса менга етказади. Ҳарита

керакми?

- Йўқ, раҳмат. Мен бу ерларни яхши биламан. Шусиз ҳам йўлни топиб оламан. Менимча

Жейкобга одобли муомалада бўлиши учун бошқача овоз керак.

- Мен узунроқ йўлдан бораман, - деди Эдвард. - бир икки соатда учрашамиз.

Эдвард маҳзун қиёфада менга қараб қолди: режанинг мана шу қисми унга сира ёқмаганди.

- Кўришгунча, - дедим мен.

Эдвард ўрмонга кириб кўздан йўқолди.

У кета қолиб, Жейкоб севиниб кетди.

- Нима янгиликлар, Белла? - сўради кулгиси қистаб.

- Ҳаммаси аввалгидай.

- Ҳа-я, - деди у. - Бир тўда қонсўраклар сени ўлдириши пайига тушиган - бошқа янгилик йўқ.

- Умуман йўқ.

- Бўпти, - деди у, курткасини енгини очиб қўлинни бўшантирди. - Унда кетдик.

Мен қийшайиб бир кичик қадамча ташладим.

Жейкоб тиззалаб олиб тиззасидан туриб мени ушлаб дархол кўтараётган эди мен

мувозанатимни ушлай олмай, сал қолса ерга бошимни уриб олардим.

- Ярамас қўпол! - жедим асабий.

Жейкоб тиржайди - у аллақачон ўрмон бўйлаб бир текисда тез қадамлар билан чопишни

бошлаганди. Қўлида атиги нуқрадек келадиган юкни илиб олгандек кетиб борарди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Югурши умуман шарт эмас. Сен чарчаб қоласан.

- Чопишдан чарчамайман, - жавоб қилди Жейкоб. У бир текис нафас оларди - марафончи

югурувчи нафасига ўхшайди. - Тез орада ҳаво совуб кетади.

Умид қиламанки у чодир ёйшига

улгуради.

Мен Жейкобнинг қалин курткасини елка бандини бармоғим билан чўқидим.

- Сен совуқ қотмайман деб керилмаганидинг.

- Мен совқотмайман, сенга атаб олиб чиққандим - балки масодифан тайёргарликсиз чиққан

бўларсан. - Жейкоб хафсаласи пир бўлиб менинг курткамга қараб қўйди. - Нимагадир менга об-

ҳаво ёқмаяпти. Мени жигимга тегаяпти. Эътибор қилдингми битта ҳам хайвонни учратмадик?

- Ҳа, умуман парво қилмабман.

- Ҳа, айтганча ҳидлаш қобилиятинг йўқ эди-я.

Мен унинг мингиллашига эътибор қилмадим.

- Элис ҳам момоқалдироққа ўхшаши нимадир бўлади деб фол очганди.

- Агарда ўрмон сукутга кетса демак шунга ўхшаши бир нима бўлади. Тоғда тунашга жуда

ажойиб тунни танлабсан!

- Худди мен атай шуни хоҳлагандек гапирасан-а!

Жейкоб ўрмонда из қолдирмай юриб тоққа қараб борарди ва унинг тезлиги эса асло

ўзгармади. У тошдан тошга осон сакраб чиқар, қўлинини ҳам ишлатмасди. Унинг мана шу ҳолати

менга тоғ эчкисини эслатди.

- Билак занжирингдаги янги матоҳ нима? - сўраб қолди Жейкоб.

Мен пастга қарадим: юракча кафтимга тегди.

- Мактабни битирганинга яна бир совга, - айбдорона елкамни қисдим.

- Тош, - хуитак чалиб қўйди Жейкоб. - Ҳаммаси тушунарли.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Тош? Мен тўсатдан Элиснинг чала қолган гапини эсладим.
Ёрқин шаффоф кристаллга
қарарканман у гапирган гапини эслашга уриндим... Биз гараж
олдида тургандик ва Элис
бриллиантлар ҳақида нимадир деди. Балки у «сен яна
биттасини» деганда шуни назарда
тутганмиди? Яъни мен Эдвард совга қилган яна битта
бриллиантни тақиб олганманми?

Бўлиши мумкин эмас! Юракча беш карат туради - ақлдан озиши
мумкин! Эдвард шунчалик...

- Сен анчадан бери Ла-Пушни кўрмадинг-а, - деди Жейкоб,
менинг жазавали ҳаёлларимни
чалгитиб.

- Ҳа, - жавоб бердим. - Эҳтимол, истасам ҳам келмасдим.
Жейкоб қийшайди.

- Мен бўлсан мени кечиргансан деб ўйлабман, ҳозир эса бунақа
дайсан.

Мен елкамни бурдим.

- Сен ҳалиям ўша сўнгги учрашувилизни эслаб юрибсанми?

- Бўлмасамчи!

Жейкоб кулди.

- Ёки сен ёлғончисан ёки бу дунёдаги энг тўғри сўз одамсан.
Менга бу сухбат сира ёқмаётганди - айниқса ҳозир унинг
қайноқ қўллари мени қаттиқ
тумтиб турар, усиз ҳеч нима қилиб бўлмайди. Ва юзи ҳам жуда
яқин - афсус нари ола билмайди.

- Эси бор одам танловини ҳар тарафлама ўйлаб кўради.

- Мен шунақа қилдим.

- Агар сен умуман охирги сухбатимизни ўйламаган бўлсанг. Бу
нотўғри.

- Бизнинг сухбат ҳеч қандай муносабатга эга эмас.

- Кимлардир эса ўзини алдашлари учун ҳамма нарсага тайёр.

- Ҳа, эътибор бердим. Асосан бўритусларда - нима бу гендан
ўтадими?

- Балки у мендан кўра яхшироқ ўтишар? - Жейкоб тўсатдан тундлашиди.

- Жейк, бу саволингга жавоб билмайман: Эдвард - мен ўтишган ягона одам.

- Мендан ташқари.

- Жейкоб, мен буни бўса дея олмайман. Менимча бу зўрлаш эди.

- Нималар деб ташлаяпсан-а!

Мен елка қисдим: сўзимни қайтиб олмайман.

- Ахир мен узр сўрадим-ку, - эслатди у.

- Ва мен сени кечирдим... деярли. Аммо хотирамдагини асло ўзгартира олмайман.

Жейкоб тушунарсиз гўдирлаб қўйди.

Биз жим бўлиб қолдик: фақат бир ўлчовдаги Жейкобнинг нафаси ва шамол чайқатаётган

шох-шаббалар овози эшиштиларди. Ўрмон ёқасидаги баланд ялангоч қоя тоши қаққайиб турарди,

биз айланиб ўтдик.

- Менимча бу жуда тасдиқли эди, - кутимагандада айтиб қолди Жейкоб.

- Билмадим нима демоқчисан, аммо сен барибир ноҳақсан.

- Белла, хўп ўзинг ўйлаб кўр. Айтаяпсанки бу дунёда фақат битта одам билан ўтишганман -

хатто у одам ҳам эмас - ва бўлди шу голосми? Каердан биласан айнан шуми сен истаган нарса?

Балки сенда бошқаларни ҳам татиб кўришининг имконияти борку?

- Мен нима хоҳлашимни аниқ биламан, - асабий шангилладим мен.

- Унда бунга ишонишнинг зарари йўқ. Балки яна ким биландир уриниб кўрарсан ўтишиб -

шунчаки таққослаб кўриши учун... чунки ўтган галдагиси ҳисоб эмас. Эҳтимол мени ўтиб

кўрарсан. Мен тажриба қуёнчаси бўлишга розиман.

Жейкоб мени маҳкам қисиб ушлади - шундай бизнинг юзларимиз яқинлашиди. У ўзининг

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳазилидан кулди, мен эса таваккал қилишга шошилмасдим.

- Жейк, яна кўмилиб кетма. Рост сўзим агар мен Эдвардни тўхтатмаганимда тишингни

битталаб териб юрадинг.

Менинг овозимдаги саросима уни бақириб кулишига сабаб бўлди.

- Агар сен ўзинг ўпишимни сўрасанг, унда хафа қилиш учун сабаб йўқ. Эдвард бундай

вазиятда мумкин деган эди.

- Сендан сўрайман? Ҳа мен тез орада ўлиб қолганим яхши!

- Негадир бугун бошқачасан.

- Қизиқ қанақасига билдинг-а?

- Баъзан менга сен мендан кўра бўрилигимни кўпроқ яхши қўрадигандек туюлади.

- Баъзан эмас ҳар доим. Балки бўрилар гапирмаслиги учун бўлса керак?

Жейкоб ўйланиб тишини тишига босди.

- Йўқ, мен ўйлашимча гап бунда эмас. Менимча сенга менинг бўрилигим билан билан

ўтиришида анча енгил бўлса керак, чунки бунда сен ҳам, мен ҳам ўзлигимизча бўламиз.

Мен бунақа қўполлигидан газабландим.

Жавоб беришдан аввал нафас чиқардим.

- Йўқ. Менимча сен ўшанда сўздан қоласан ва бу менга албатта ёқади.

У хўрсинди.

- Сен ўзингни алдашдан ҳеч чарчамайсанми? Наҳотки сен менинг жисмонан таъсиримдан

канчалик кучли ўзгаришингни ўзинг билмайсанми.

- Жейкоб, ким ҳам сенинг жисмонан мавжудлигиндан таъсирланиши мумкин? - гашим

келиб сўрадим. - Албатта сен ҳамма қочиб кетадиган улкан маҳлуқ бўлсанг.

- Кўрдингми сени асабийлаштираяпман. Фақат одам танамда. Бўри бўлган пайтимда

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ёнимда ўзингни анча яхши сезасан.

- Асабийлашиш ва жаҳланиш булар бошқа-бошқа нарсалар.

Жейкоб нақ бир дақиқа мендан кўзини узмади. У энди секин юради, қувноқлик ҳам

тарқалиб кетган, кўзлари эса осилган қошлиари тагидан хорғин қарапди. Нафас олиши ҳамон

боя юрганидек бир текис секин нафас олиб менинг юзимга яқинлашиди.

Мен таҳминан нима қилмоқчилигини сездим.

- Тишларингни асра, - огоҳлантиридим.

Жейкоб хоҳолаб қулиб юборди ва яна чопиб кетди.

- Бугун севимли вамиринг билан олишиб ётишини маъқул кўрмайман. Бошқа куни майли

кўрарман. Шусиз ҳам эртага катта жсанг бўлади, ҳали севимли Калленларингдан ким қолади-ю,

ким кетади...

Мени тўсатдан айборлик ҳисси чулгаб олди.

- Билдим, билдим, - деди Жейкоб, юзимдаги ифодадан сезиб. - Ўйлайсанки, у мени уриб

ўлдиради.

Мен ҳеч нима дегим келмасди: мени деб Калленлардан кимдир ҳалок бўлса-я. Ва бунинг

сабабчиси мен шунақа нозиккина бўлганим? Агар ботирроқ бўлганимда балки Эдвард... йўқ,

хатто ўйлашга ҳам қўрқасан киши!

- Белла, сенга нима бўлди? - Жейкобнинг юзидан масҳаромуз манзара йўқолди, никобини

олиб ташлагандек мен ўзим билган Жейкоб қараб тургандек бўлди. - Агар менинг сўзларим

хафа қилган бўлса мени кечир, биласанку мен шунчаки ҳазиллашаман холос... Эй, жиннивой

нима қиласяпсан? Белла, ииғлама, илтимос, - ўтинди у.

Мен ўзимни қўлга олишга уриндим.

- Бўпти ииғламайман.

- Мен нима дедим ўзи?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ҳеч нима. Сен ҳеч нима демадинг. Буниси ҳаммаси ўзимдан... таъсирланиб кетдим.

Жейкоб тушунмагандек менга қаради.

- Эдвард эртага уришгани бормайди, - шивирлаб тушунтиридим. - Мен уни ўзим билан

қолишини талаб қилдим. Кўрдингми шунаقا ваҳимакаш қўрқоқман.

У хўмрайди.

- Ўйлайсанки, ҳийланг иш берармикан? Улар сени бу ердан топишидан қўрқаяпсан-а? Сен

мен билмайдиган ниманидир биласан?

- Ҳа, ўйқундаймас! Мен умуман бундан ҳавотирдамасман.

Шунчаки уни кетишига йўл қўя

олмайман. Агар у қайтмаса... - мен титрадим ва бу ҳаёллардан қочиши учун кўзимни юмдим.

Жейкоб жисм бўлиб қолди.

Мен кўзимни очмай шивирладим:

- Агар кимдир азоб чекса бунга ёлгиз мен айбдор бўламан.

Хатто ҳамма сог-омон тирик

қолса ҳам... мен барибир ўзимни дахшатлар маконига йўлаган одамдек ҳис қиласман... чунки

ҳаммаси мен сабаб содир бўлаяпти.

Мен ҳамма ичимдагиларни тан олганим учун анча енгил бўлиб қолдим. Ҳар ҳолда фақат

Жейкобга иқрор бўла оламан.

Жейкоб кулиб қўйди. Кўзимни очганимда у яна ниқоб кийгандек қарарди.

- У сени жсангга бормаслигинги айтдими? Қулоқларимга ишонмаяпман! Шахсан мен бунга

асло рози бўлмасдим.

- Биламан, - хўрсиндим мен.

- Аммо бу ҳеч нимани ўзгартирмайди ҳали, - туйқус айтиб қолди Жейкоб. - Мен сени ундан

камроқ севаркан деб ўйлай кўрма.

- Аммо сен ялинсам ҳам қолишига рози бўлмагандинг.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкоб ўйланиб қолди. Қизиқ у рад этармикан-а? Биз иккимиз ҳам ҳақиқатни билардик.

- Шунчаки мен сени яхшироқ биламан, - ниҳоят жавоб берди Жейкоб. - Ҳаммаси хамирдан

қил суғургандек осон ўтади. Ҳатто сен мени қол десанг ҳам, мен қолмаганимдан кейин ҳам

араз қилиб юрмайсан.

- Агар сен айтгандек ҳаммаси осон кўчса, албатта сен ҳақсан. Мен араз қилиб юрмасдим.

Токи сен ёнимда бўлмас экансан мен тинч ўтира олмайман. Ҳавотирдан ақлдан озмасам гўрга

эди.

- Нимага? - хўмрайиб сўради у. - Менга бир нарса бўлса сенга нима фарқи бор?

- Унақа дема. Ахир сен мен учун қандай муҳим эканлигинги ӯзинг ҳам биласанку. Сен мен

учун энг яқин дўстсан. Тўғрироги шундай эди. Ва баъзида шундай бўласан... ниқобингни ечган пайтингда.

Жейкоб мен яхши кўрган табассум ила кулди.

- Мен доимо сенинг энг яқин дўстинг бўлганман. Ҳатто баъзида ӯзимни бошқача

тутганимда ҳам... ич-ичимда ҳар доимидек ўшандайлигимча қолавераман.

- Биламан. Аммо қолган масалаларда сенинг қилиқларинг билан чиқиша олмаяпман.

Жейкоб мен билан бирга кулди, аммо тезда кўзи ғамгинлашиди.

- Белла, сен қачондир мени севишинги тан олиб қоларсан?

- Сен доим нотўғри нарсага шама қиласан!

- Мен умуман сен уни севмайсан демаяпман. Мен бутунлай тентак эмасман. Аммо бир

вақтда иккитани севиши мумкин - ва мен буни кўрганман.

- Жейкоб, мен сен айтиётган ахмоқ бўритус эмасман!

У бурнини жийирди, мен ҳатто охирги гапим учун кечирим ҳам сўрайман деб тургандим

ўзи мавзуни ўзгартируди.

- Биз жуда яқинмиз, мен буни ҳис қиласаман.

Мен енгиллашиб хұрсаниб қүйдим.

- Белла, мен жон деб тезликни оширган бўлардим, аммо сени пана қилиши керак, мана бу

бошланиб қолишидан аввал.

Иккимиз ҳам осмонга қарадик.

Ғарбдан тўқ сиёхранг қора булутлар бостириб келар, ўрмонни зулмат қамраб олаётганди.

- Ана холос! - вайсадим мен. - Жейк, шошила қол, йўқса уйингга улгурмай қоламан.

- Уйимга қайтаман деб ўлиб турганим йўқ.

Мен жаҳл билан уни тўхтатмоқчи бўлдим.

- Биз билан қолишини ҳаёлингга ҳам келтирма!

- Умуман олганда мен сизлар билан бўлмайман: ҳар эҳтимолга қарши... чодирда

тунамайман. Мободо сенинг ана у қонсўрагинг бирдан тўда билан гаплашиси келиб қолса,

мен унга текин мулокотчи бўлиб беришим мумкин бўлади.

- Мен бу Сетнинг вазифаси деб ўйлагандим.

- Сет бу билан эртага жанг пайтида шуғулланади.

Жанг ҳақида эшитиб бир лаҳза жим бўлиб қолдим. Мен Жейкка суюниб олдим: мени

тўсатдан ахмоқона нотинчлик қамраб олди.

- Мободо сени бизнинг ёнимизда бўлишишингни илтимос қилсан ҳам сен барибир шу яқин

ўртада бўласанми? - гапирдим мен. - Хаттоқи сендан сўрасам ҳамми? Эвазига бир умр қулинг

бўламан деб ваъда берсамчи?

- Жуда таъсирли таклиф. Буни бир кўргим келаяти, қандай қилиб илтимос қилишишингни.

Хоҳласанг уриниб кўр.

- Демак бефойда шундайми?

- Йўғ-е. Сен ундан кўра жангда олишмасликни буюриб кўр.

Умуман олганда, Сэм буйруқ

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

беради, мен эмас.

- Эдвард бир куни сен ҳақингда айтганди шу масалада, -
эслатдим.

- Қип-қизил ёлғон айтибди.

- Наҳотки? Яъники сен Сэмдан кейин иккинчи ўринда
эмасмисан?

У эсанкираб қолгандек қаради.

- Ҳа! бу ми...

- Нега бу ҳақида менга айтмагансан?

- Нега? Бу керакмиди сенга.

- Билмасам. Нега энди? Аммо қизиқ-да баривир. Ҳүш бу қандай
бўлди? Нега Сэм альфа

бошлиққа айланди, сен эса... ҳалиги... бетамисан?

Жейкоб тиржайди, бунақа атамаларни билганимдан энсаси
қотди.

- Сэм энг биринчи бўлиб эврилган (айланган), у энг каттамиз,
шу сабаб у буйруқ бершии

мумкин.

Мен хўмрайдим.

- Унда нега иккинчи мақомига Пол ёки Жаред сазовор бўлмади?

Менимча улар сенгача

ўзгаришган эди шекилли!

- Юуни тушунтириши қийинроқ, - елка қисди Жейкоб.

- Сен уриниб кўр.

У хўрсинди.

- Келиб чиқиши насаби муҳим. Худди қадимий даврдардагидек.

Ҳар ҳолда сенинг

бобокалонинг ким бўлгани кимга қизиқ?

Ана шунда мен Жейкоб бир пайлар айтиб берган афсоналарни
эсладим. У пайтда иккимиз

ҳам бўритуслар ҳақида ҳеч нима билмас эдик.

- Сен Эфраим Блэк энг охирги сардор бўлганини айтган эдинг-
а?

- Ҳа айтгандим. Чунки у альфа (етакчи) эди. Сен эса Сэм
сардор деган гапга ишониб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ўтирибсанми? - Жейкоб кулди. - Ахмоқона анъана!

Мен бир сония ўйланиб олдим.

- Аммо жамоада сенинг отанг Эфраимнинг кенжса невараси бўлгани учун кўпроқ қулоқ

солишлари ҳақида гапирган эдинг?

- Хўши нима қилибди?

- Агар шундай кетаётган экан... насл-насаб бўйича сен тўда сардори бўлишинг керак

эмасми?

Жейкоб жисм бўлиб қолди. Атрофдаги зулматли ўрмон аро кетиб борарканмиз, қаёққа

кетаётганимизни ҳам билмайман.

- Жейк?

- Йўқ. Бу Сэмнинг иши. - Жейкоб кўзга кўринмас из ортидан кета туриб деди.

- Нега? Ахир унинг бобокалони Леви Улей бўлган, шундайми? У ҳам альфа бошлиқ

бўлганми?

Альфа доим битта бўлган, - ўйламай жавоб берди Жейкоб.

- Унда Леви ким бўлган?

- Менимча бета бўлса керак, - Жейкоб пиқиллаб кулди, менинг атамаларимни ишлатиб. -

Худди мендек.

- Ҳеч нимани тушуунмадим.

- Ҳа, бу ерда айтарли ҳеч нима йўқ.

- Мен шунчаки ажратиб кўрдим-да.

Жейкоб ниҳоят менга қаради. Менинг меровсираган қарашимни кўриб хўрсинди.

- Ҳа. Мен альфа бўлишим керак.

- Сэм бундай бўлишингни истамаяптими? - ҳайрон қолдим мен.

- Йўқ, қайтанга мен ўзим унинг жойини эгаллашини истамаяпман.

- Нега?

Жейкоб хўмрайди, менинг саволларимдан норозидек кўринди. Энди у ҳам ўзини бир

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ноўнгай ҳис этиб кўрсин-чи.

- Белла, менга умуман керак эмас бу нарсалар. Мен бирор нимани ўзгаришини ҳам

хоҳламайман. Мен афсонавий сардор бўлишига ҳам даъвогар эмасман. Ва умуман бўритуслар

тўдасида бўлишини ҳам истамайман. Бир бор Сэм таклиф этганида мен рад этгандим.

Мен узоқ вақт унга қараб қолдим. Жейкоб менинг ўйларимга ҳалақит қилмади. Биз

ўрмонда кетиб борардик.

- Мен шунчаки сенинг баҳтли бўлиб ҳамма айтганинг айтган, деганинг деган бўлишини

истайман, - ниҳоят пичирладим.

Жейкоб кулди.

- Йўқ, ҳаммаси яхши-ку, - ишонтириди у. - Баъзан шунақа қизиқ нарсалар бўлиб туради.

Масалан эртанги жсангга ўхшаб. Ҳар ҳолда мени жсангга ўйллашар экан, ўйланиб қоламан.

Менга ҳеч ким танлашига имкон бермаган, тушунаяпсанми? Ва ҳеч қачон эриша олмайман

бунга. - у елка қисди. - Аммо ҳозир мен мамнунман. Вазифа бажарилиши керакми, демак

бажарилади. Бундан нега нолиш керак.

Мен Жейкка кутмалмаган ҳайрат билан қараб қолдим: менинг дўстим вояга етибди. Ўша

гулҳан атрофида Билли амаки айтганидек у катта бўлибди.

- Сардор Жейкоб, - пичирладим ва кулдим: гаройиб жумла!

Жейкоб ҳам кулди.

Шу пайт жуда кучли шамол турди, дарахтни илдизи билан қўпориб ташлайдигандек гўё.

Дарахтлар шовуллаши тоғларда акс садо берарди. Онда-сонда қуюқ қора булутларда ярақлаб

нимадир тоғ тенасида кўриниб кетар, даргазаб осмон алами бўкирарди.

Жейкоб қадамини тезлаштириб ердан ерга сакраб ўта бошлади ва оқариб кўринган нарса

қорлигини сездим. Юзимни унинг кўксига босдим.

Бир дақиқалардан сўнг биз қояга етиб бордик ва иккимиз ҳам у ерда қаққайиб турган

чодирни кўрдик. У ерда қаттиқ бўрон турган бўлса ҳам, тошларга бириктирилганми, чодир

қилт этмасдан туради.

- Белла! - енгилгина қичқирди Эдвард, у сал нарида туради.

Эдвард менга шу қадар тез талпиндики, хатто Жейкоб мени ерга ҳам қўйшига улгурмади.

Энг қизиги Эдвард Жейкобнинг мени қаттиқ қучганига ҳам парво қилмади.

- Раҳмат, - деди Эдвард менинг бошим узра қарапкан унинг овозида асл самимийлик

тараларди. - Сиз мен кутганимдан ҳам эртароқ келдинглар, катта раҳмат.

Мен Жейкобга қарашиб учун бурилдим: у ҳамон ҳеч қанақа дўстоналиқдан асар ҳам йўқ

бўлган юз билан елкасини қисиб туради.

- Уни тезроқ чодирга киргиз. Ҳозир бўрон янада қутуради!

Хатто сочим тиккариб кетаяпти.

Чодирни яхшилаб қурганмисан ўзи?

- Қояга айланиб қолишига сал қолди.

- Унда яхши.

Жейкоб осмонга қаради: кўк шу қадар тундлашган эди, майдалаб қор ёгарди.

- Мен бўрига айланишум керак. - Жейкоб бурун катакларини кера бошлади. - Уйда нима гап

экан билишиум керак.

У қурткасини пастак бир шохга илди-да, ортига ҳам қарамай зулматли ўрмонга шўнгиди.

XXII боб. Олов ва муз

Шамол яна қутуриб кетди ва мен ҳам унга қўшилиб титрадим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Ҳарорат борган сари тушиб борарди: буни мени жун тўшак халтамдан ҳам сезиб турадим.

Уни ичида мен тўлиқ кийимда эдим, ботинкамдан тортиб бош кийимгача, аммо барибир

совқотиб кетаётгандим. Нақадар аёз! Бунданда совуқ бўлиши мумкин эмас? Қанақадир чораси йўқмикан-а!

- С-с-с-соат неч-ч-ча? - зўрга тишларим тақиллааб сўрадим.

- Соат тунги икки, - деди Эдвард.

У иложси борича мендан узокроқ ўтиришига ҳаракат қилар - чодирнинг ўзи қанча тор бўлса

ҳам, у борган сари узоклашиб борар, менга нафас чиқариб ҳам совуқтириб қўйишдан қўрқарди.

Коронгуда унинг юзини кўрмасам ҳам унинг овозидан ёғингарчилик ва совуқдан

нафратланаётганини сездим.

- Балки...

- И-й-йўқ ҳ-ҳаммаси ж-ж-жойида. Т-т-ташқарига чиқишини хоҳламайман.

Эдвард жуда кўп марта мени бу ердан кетишига кўндиromoқчи бўлар, аммо мен қаршилик

қилардим. Чодир ичида шу қадар қўрқинчли совқотяпман, ташқарида ўрмон тарафга йўл олиш

қанақа даҳшатли бўларкан?

Мен янада титраб қалтирай кетдим. Бўрон тугагач яна қайтадан тайёргарлик кўришига тўғри

келадими. Шу сабаб кетмаслигим керак. Йўқса яна ҳамма изларим очилиб қолади. Бир кеча чидайман, ўлиб қолмайман.

Мени ўзим қолдирган из безовта қиларди. Бунақа изни қайта ўрнатишига вактимиз йўқ ахир.

- Сен учун нима қилсан экан? - деди ялингандек Эдвард.

Мен бош силкидим.

Қаердадир қорни гарч-гурч босиб Жейкоб келгандек бўлди.

- К-к-кет! - яна унга буюрдим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- У сендан ҳавотир оляяпти, - деди Эдвард. - Унга ҳеч нима қилмайди: ҳаво таъсир қилмайди.

- К-к-к...

Мен барибираам Жейкобни кетишини истардим, аммо тишиларим шунақа тақиллардики

тилимни тишилаб олмаганимга ҳам шукур. Умуман олганда Жейкобга қор ҳеч нарса эмас, бутун

түдасида унинг мўйнасидан узунроқ мўйнали бўри йўқ. Қизиқ нима учун шунақа экан-а?

Жейкоб қисқагина хуитак чалиб қўйди - бу гўё шикоятга ўхшарди.

- Мендан нима хоҳлайсан? - ингради Эдвард, ҳаддан ташқари ҳаяжонда эди. - Мана шундай бўронда уни ортга олиб кетайми? Сендан эса фойда йўқ. Иситгич олиб кела олганингда эди.

- Ҳ-ҳ-ҳаммаси ж-ж-жойида, - дудуқландим мен.

Эдвард оҳ тортиди ва нималардир деб ўзини қарғади, аммо мен эшишта олмадим. Бўрон садоси товушларни юлиб кетарди.

Бўрон шиддати янада кучая кетди, мен қулогимни беркитдим. Эдвард вайсай кетди.

- Ҳеч қачон бундай қилмайман, - деди асабийлашиб: - Умрим бино бўлиб бунақа ахмоқона нарса эшишмаганман!

- Сен ўзинг бундан яхшироқ нарса ўйлаб тополмадинг-ку, - деди Жейкоб одам овози билан

гапирад экан. - «Иситгич олиб кел» эмиш. Нима мен сенга този итманми? - деди у.

Занжирли очгичнинг қаттиқ садоси эшиштилди: Жейкоб кириш туйнугини очиб ичкаригакирди. Қадамидан ичкарига янада совуқ урди ва қор парчалари ерга сепилди. Мени иситма тутгандек қалтироқ босди.

- Менга бу ёқмаяпти, - деди Эдвард, Жейкоб туйнукни занжирли очгичини ёпаркан. -

Беллага курткангни бер-да, ўзинг чиқиб кет.

Кўзим зулматга ўрганиб қолганди, қоронгуда қўлида ўзининг курткасини ушлаб турган

Жейкобни кўрдим.

Мен улар нима ҳақида баҳслашаётганини сўрамоқчи бўлдим, аммо фақат «В-в-в-в» дея

олдим: тишиларим қўрқинчли тақилларди.

- Куртка эртага керак бўлади. Ҳозир Белла жуда ҳам музлаб қолган, шу сабаб ўзидан ўзи

исий олмайди: куртка эса аллақачон музлаб қолган экан. - у курткани туйнук тагига итқитди. -

Ўзинг айтинг-ку Беллага иситгич керак деб - мана менда.

Жейкоб одатда одам тусига қайтиб кирса эгнида фақат кичкина қора шимчаси бўларди,

бошқа нарса эса, на оёқ кийим, ва на қўйлак унда бўлмасди.

- Ж-Ж-Жейк, м-м-музлаб қ-қ-қоласан! - дедим мен.

- Ҳечамда! - қувнаб гапиради у. - Мен доим қайнок бўлганман - қирқ иккидан то қирқ еттигача! Мен билан хатто терлаб кетасан.

Эдвард ингради, аммо Жейкоб унга парво ҳам қилмади. Менинг кўрпа халтам ичига секин кириб олди.

Эдвардинг қаттиқ қўли унинг елкасига текканини сездим.

Жейкоб тишини ириллатди, бурун катаклари кенгайди, аммо совуқ қўлни ўзининг катта мушаклари силтаб ташлади.

- Қисқичингни ол, - хириллади тишини орасидан.

- Ўзинг ҳам панжсангни ол ундан, - совуқ жавоб берди Эдвард.

- Ж-ж-жанжалашманг! - ялиндим.

Мени яна титроқ тутди. Тишиларим шунаقا тақиллаб сакраардики ҳозир отилибкетадигандек.

- Белла тез орада қўл оёги кўкариб оёқ қўли қорайиб узилиб кетса эртага сенга катта раҳмат

айтади - деди босим ўтказиб Жейкоб.

Эдвард довдираб қолди. Кейин қўлини олди ва бурчакка бориб олди.

- Фақат жиннилик қилма, - таҳдид қилди.

Жейкоб масҳара қилгандек хуриллаб қўйди.

- Белла, салгина қимиirlатаман. - у тўшагимни бир қўтариб тушируди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен газабимни яшира олмасдим. Ҳайронман нега Эдвард бундай жаҳл қилибди!

- И-йў... - рад этаман деб ириладим.

- Ҳеч қиси йўқ, бунча кичкинасан! - ҳайрон бўлди у. -

Оёқчаларинг музлашини истамассан?

Жейкоб тўшак халтага сирпалиб кириб мени қучоқлади.

Ва мен шу пайтда уялдим: у шу қадар қайноқ эди-ки! Жейкоб мени қўллари билан қучоқлаб кўксига босиб турарди. Унинг тафти тезлик билан менга тарқалди. Мен унга музлаган кафтиимни босдим.

- Сен музга айланиб қолибсан-ку!

- Уз-з-р, - энтиқдим секин.

- Ҳа тинчлан, - маслаҳат берди у мени яна титроқ тутганида.

- Ҳозир қизий бошлийсан. Ҳар ҳолда кийимингни ечганингда янада тезроқ исиган бўлардинг.

Эдвард ингради.

- Ҳа нима бўлди? - пўнгиллади Жейкоб. - Далилларга қарши чиқа олмайсан. Бу шошилинч ҳолатларда жонни саклаб қолиши қўлланмасида келтирилган.

- Ж-Ж-Жейк, б-б-бас! - жаҳл қилдим мен, аммо танам асло ундан айрилиб кетишни истамасди ҳозир. - К-к-кимга керак ҳозир ши-шунча гап?

- Сиқилма. Бу мана бу қонсўрагингга айтилаётган гап эди холос, - мамнун бўлиб Жейкоб. -

У шунчаки рашик қилаяпти.

- Албатта рашик қилаяпманда, қопагон им. - Эдвардинг овози яна баҳмалдек майин, худди

тун қўйнидаги мусиқа садосидек эшишилди. - Мен ҳозир сенинг ўрнингда бўлиб уни шундай

иситгим келаяпти-ки, тасаввур ҳам қилолмайсан.

- Ҳамманинг камчилиги бор. - Жейкоб ҳақоратга жаҳл қилмади. Аммо кейин хафа бўлиб

қўшиб қўйди: - Тўғрисини айтсам, у менинг ўрнимда сенинг бўлишингни жуда истарди.

- Тўғри, - қўшилди бу гапга Эдвард.

Улар гижиллашгунича титроғим босилиб кетди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ана, - қониқиши билан эътибор берди Жейкоб. - Анча яхши бўлиб қолдими?

Мен ниҳоят бемалол гапира олдим:

- Ҳа.

- Сенинг лабларинг ҳамон кўм-кўк, - қаради у. - Хоҳлайсанми уларни иситиб қўяман?

Фақат сўрасанг бас.

Эдвард оғир ингради.

- Шўхлик қилма, - дедим мен юзимни кўксига беркитиб.

Жейкоб яна менинг совиган баданимга қўл теккизди, мен эса уялиб ўзимни шармизларча ҳис қилдим.

Тўшагим анча исик ва қулай бўлиб қолди. Ҳаёлимда иссиқлик ҳамма жойдан тараалаётгандек эди - менимча Жейкоб катталиги учун бўлса керак. Мен ботинкамни ечиб оёғимни тўпиши билан ишқаладим. Жейкоб енгил қимирлаб бошимни қўйишини учун кўксини тутди, мен яхлаган қулогимни унинг бағрига тутдим. Жейкобдан босиқ дарахтлар ҳиди келарди, худди доривор ўтлар ва гиёҳлари ҳиди аралаши

ўрмон ҳавоси. Ёқимли ис. Менимча, Калленлар ва Квилетлар ҳид ажратишади аслида мен

нолимаган бўлардим.

Бўрон ёввойи ҳайвондек қутуриб кетди, чодирни учирив кетмоқчи бўларди, аммо мен

бундан асло ҳавотир олмасдим: Жейкоб иссиқ эди, мен ҳам. Шу сабаб ташвишланишга ҳожсат

йўқ эди: жуда узоқ мен ухлай олмадим, барча мушакларим титраб қақшарди. Мен қисмларга

бўлинниб кетаётгандек эриб исий бошладим.

- Жейк? - уйқусираб пичирладим мен. - Майлими бир нима сўрасам? Мен жигингга

тегмоқчи эмасман шунчаки менга қизиқда. - Худди шундай деб бир пайтлар оишонада Жейк

мендан савол сўраганди... эҳ қанча вақтлар ўтиб кетди?

- Сўра. - у ҳам хотирага кўмилиб мингиллади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Нега сен бунақа бароқсан? Сенинг дўстларинг сенчалик пахмоқмас. Хоҳласанг жавоб берма.

- Ким билиб ўтирибди, эҳтимол бўритуслар жамиятида жун ҳақида сўраш бу маданиятсизлик ҳисобланар?

- Чунки менинг сочим узунроқ, - жавоб қилди Жейк.

Умуман олганда бу савол уни хафа қилмади, балки яшнатди.

Жейкоб бошини қимирлатиб узун пахмоқ сочини яногимда бир теккизиб силкиди.

- Энди тушунарли. - жавоб мени қониқтирди, бошқа тарафдан анча мантиқий тўғри жавоб.

Мана нима учун қолганлар тўдага қўшилганларида калта сочга олдирган эканлар.

- Нега сен сочинги ҳеч калталатмагансан? Пахмоқ бўлиш сенга ёқадими?

Бу сафар Жейкоб дарров жавоб бермади, Эдвард эса жимгина кулиб қўйди.

- Узр. - эснадим. - Истасанг гапирмай қўя қол.

Жейкоб жаҳланиб хмм деб қўйди.

- У барибир сенга айтиб қўяди... яхшиси ўзим айта қоламан...

Сочларимни нимага

калталатмайман... сенга ёқмай қолишидан қўрқаман.

- Вой! - менга сал ноқулай бўлди. - Хўши умуман олдириб ташласанг ҳам менга шусиз ҳам ёқаверасан... ноқулайликларга кўникардик.

У елка қисди.

- Аммо бугун бу ҳолатимни анча фойдаси тегаяпти, шундай экан ҳавотир олма.

Гапиришга гапим қолмаганди, жимлик мени элатди, қовоқларим юмилиб нафасим ҳам пасайди.

- Ҳа мана шундай, ақллигим, озроқ ухлаб ол, - пицирлади Жейкоб.

Мен мамнун бўлиб пишиллаб қўйдим.

- Сет келди, - хабар қилди Эдвард Жейкобга, мана нимага Жейкоб боя увиллаган экан.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Жуда соз. Энди сен иши билан шуғуллан, мен эса дугонанғга ғамхұрлық қиламан.

Эдвард жисим эди, мен эса уйқусираб түнгилладим:

- Бас қилинглар!

Жимлик ұукм сурди - өодир ичида албатта. Ташиқарида ҳануз бүрон увилларди, дараҳтлар

шовулларди. Өодир силкинар, ухлашга ҳалал берарди: энди күзим илинган пайт өодир түсими

титраб тақиллаб кетиб мени уйғотиб юборар ва қайғули ҳаёлларимни ёдга соларди

Уйқуни күтиб ҳаёлларим миямда гир-гир айланарди. Иссик ва құлай түшагим менга

Жейкоб билан илк танишган күнларимни ёдга солди, - менга ҳаётт өнсиқлик туҳфа қилған

әқимли күнлар. Анча бўлибди бу дамларни эсламаганимга, мана нихоят Жейк ёнимда ва мени

иситиб ўтирибди.

- Худо ҳаққи! - пицирлади Эдвард. - Балки бас қиларсан!

- Нимани бас қиламан? - ҳайрон бўлиб пицирлади Жейкоб.

- Ўз ҳиссиётларингни жиловлай биларсан? - осуда шивирлаб гапиради Эдвард, оҳангидан газаб бор эди.

- Ким сенга ҳаёлимни эшишт деб буюраяпти? - масҳара қилиб гапиради Жейкоб. - Миямгакирма.

- Жуда хоҳлардим эшиштмасликни! Аммо сенинг тасаввурларинг шу қадар баланд жарангаяпти, сен гүё бақираяпсан.

- Бўпти секинроқ тасаввур қиларман, - тиржайиб қўйди Жейкоб.

Бир зумга иккиси ҳам жисим бўлиб қолишиди.

- Ҳа, - зўрга эшишиларли жавоб қилди Эдвард, сокин саволга жавоб қилгандек. - Мана шунга рашким келаяпти.

- Шунақа бўлса керак деб ўйлагандим, - хотиржам пицирлади Жейкоб. - Бу анча имкониятларни тенглаштиради.

- Орзуга айб йўқ! - хуриллади Эдвард.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Аммо у ҳали ўйлаб кўриши мумкин, - таслим бўлмай Жейкоб. - Сен қила олмаган нарсаларни мен қила олишимни ҳисобга олсак. Ҳавф солишидан ташқари.

- Жейкоб, яхиси ухлаганинг маъқул, - пўнгиллади Эдвард. - Сен асабимга ўйнашини бошладинг.

- Албатта, мен аллақачон ухлаб қолишим ҳам мумкин. Жуда қулаи-ку бу ер.

Эдвард жисм бўлиб қолди.

Мен улардан менинг бу ерда гўёки йўқдек бемалол мен ҳақимда гаплашишларини бас

қилишини ўтиниб сўрамоқчи бўлдим, аммо туши аро ўнгимда мен аниқ уларнинг мен ҳақимда гаплашаётганини билмас эдим.

- Эҳтимол, - деди соқовча саволга жавоб бериб Эдвард.

- Ростини айтсанми?

- Ишонмасанг ўзинг ундан сўра. - Менимча қақанақадир ҳазилни ўтказиб юбордим шекилли.

- Шундай қилиб менинг миямни титкилаб фикрларимни ўқий олган экансан, кел

ўзингникини ҳам ўқишишмга изн бер - бу тўлиқ адолатли бўлар эди, - деди Жейкоб.

- Сенинг миянгда фақат саволлар. Айнан қайси бирига жавоб олмоқчисан?

- Раиш... ахир сени раиш қийнайтими? Сен аниқ ишонч билан кўрсата олмайсан-ку қанчалик раиш қилаётганингни, ахир сен ҳиссиз бўлишинг керак эмасми.

- Албатта қийнайди, - жавоб берди Эдвард навбатдаги шўхликка. - Айни пайтда мен жудакатта қийинчилик билан овозимни назорат қиласаяпман. Ва Белла сен билан бўлса янада ёмонлашаман.

- Сен ҳар доим шу ҳақида ўйлайсанми? - пичирлади Жейкоб. - У сенинг ёнингда бўлмаган пайтлари қаттиқ сиқиласанми?

- Ҳа ва йўқ, - жавоб қилди Эдвард: у аниқ саволларга ростини айтмоқчига ўхшайди. -

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Менинг миям сеникига ўхшаб ишиламайди. Бир вақтни ўзида ҳам ўйлаб, ҳам бошқа нарсани

бажарышим мумкин. Албатта сен ҳам ёдимдан чиқмайсан. У баъзан жим бўлиб қолса сен ҳақингда ўйламасмикан деб ўзимдан сўраб қоламан.

Бир дақиқа иккиси ҳам жимиб қолишиди.

- Ҳа, менимча у сен ҳақингда тез-тез ўйлайди, - деди Эдвард, Жейкобнинг ҳаёлий саволига жавоб бериб. - Мен истаганимдан ҳам кўпроқ. У сенинг баҳтсизлингни ўйлаб сиқилади, сен эса бундан баъзан фойдаланасан.

- Унчалик эмас, - эшитилар-эшитилмас гапирди Жейкоб. - Менда сендаги устунлик йўқ - мисол учун, у сени севишингни аниқ билади.

- Ҳа, аммо бу жуда ҳам ортиқча эмас, - кўнди Эдвард.

- Аммо мени ҳам севади, - таслим бўлмай Жейкоб.

Эдвард жим бўлди.

- Фақат ўзи буни билмайди, - ҳўрсинди Жейкоб.

- Ҳеч нарса дея олмайман бу ҳолатга.

- Бу сени асовламайдими? Наҳотки сен у нимани ўйлаётганига қизиқмасанг?

- Ҳа... ва йўқ. Бунга бу кўпроқ ёқса керак, хатто мени ақлдан оздиради, аммо нима дердим у мамнун бўлса бас.

Шамол чодирни титратарди, гўё ер қимирлагандек Жейкоб мени маҳкамроқ қисди.

- Раҳмат, - пичирлади Эдвард. - Бу ғалати туюлар сенга, аммо сенинг шу ерда эканингдан харсандман, Жейкоб.

- Сен аслида «унга иссиқ бўлганинг учун, шунчалик сени ўлдиргим келаяптики» демоқчи бўляйсан-а?

- Иккимизнинг ўлчовимиз ҳар хил, тўғрими?

- Мен билардим сен ҳам мендек кам рашик қилмайсан - мамнун бўлиб пичирлаб қўйди Жейкоб.

- Сендан фарқли равишда ўзимни ҳисларимни тентакка ўхшаб ошкора кўрсатмайман. Буни фойдаси йўқ барибир.

- Шунчаки сенинг сабринг кучли.

- Албатта! Мен юз йиллаб бунинг устида ишилалаганман. Мен уни юз йил кутдим.

- Хмм... шундай қилиб қачондан бери сабр-қаноатли фаришта ролини ўйнаб келаяпсан?

- Мен унда танлов арафасида қанақа азоб бўлишини билганимда қарор қилганман. Одатда мен ўзимни қўлга олишда қийналаман. Бошқа пайтда эса осонгина ўчаман... сенга бўлган муносабатда ҳам шундай бўлади. Баъзан у менга тешиб ўтгандек қарайди.

- Менимча эса агар сен унга ростан ҳам танлов имконини берсанг, у сени эмас бутунлай бошқача қарор қабул қилишидан қўрқсанг керак.

Эдвард жавобни секинлатди.

- Қайсиdir жиҳатдан сен ҳақсан, - ниҳоят тан олди у. - Аммо қисман. Вақт ўтган сари ҳаммамиз шубҳага бориб турамиз. Баъзан эса мен қўрқаман, у сеникига яширинча борган пайтларида айниқса. Баъзан Белла сен билан кўпроқ беҳавотир бўлишини тан олишдан, аслида ҳам шундай бўлса деб қўрқаман.

Жейкоб хўрсинди.

- Мен бу ҳақида унга кўп айтганман.

- Биламан. - менимча Эдвард жилмайди.

- Ўзингни бу дунёда ҳамма нарсани биладигандек кўрсатма, - деди Жейкоб.

- Келажакни билмайман, - жавоб қилди Эдвард, ва шунда оҳангиди ишончсизлик сезилди.

Улар яна узоқ пайт жимиб қолишиди.

- Агар у ўйлаб кўраман деса нима қилган бўлардинг? - сўради Жейкоб.

- Буни билмадим.

- Мени ўлдирган бўлардингми? - ахмоқ қилгандек сўради Жейкоб, гўёки Эдвардинг қандайлигини билмаслигини сездириб қўйди.

- Йўқ.

- Нега? - Жейкоб ҳамон масҳара қилгандек.

- Наҳотки мен унга азоб беришим мумкин?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бир сония Жейкоб кулиб қўйди, сўнг хўрсинди.

- *Ҳа, сен ҳақсан. Бу аниқ. Аммо баъзида...*

- *Баъзида бу гоя жуда ҳам қизиқ туюлади.*

Жейкоб юзини тўшакка босиб зўрга кулгусини босди.

- *Ҳа, роса! - тан олди у ҳам.*

Қандай ажойиб туши! Балки бу тинмас шамол менинг тасаввур ва орзуларимни ҳар ёнга таратиб сочаётгандир. Ҳар қалай шамол кучли эссада, менга шивирлагандек туюларди...

- *Бу қанақа бўлади? Ундан айрилиш? - сукунатни бузди*

Жейкоб, ва унинг кутимаган хириллаган овозда яна давом эттироди.

- *Яъниким уни мангуга йўқотдим деб ўйласанг? Қандай қилиб чидар эдинг?*

- *Менга буни айтиши жуда қийин.*

Жейкоб жимгина кутди.

- *Бунақаси икки марта бўлган. - Эдвард оддий сўзлардан фойданишга уринарди.*

- *Биринчи марта мен ундан айрилиб кета олсам яшай оламан деганимда. Ахир мен у мени ёдидан чиқаради, гўё ҳеч қачон мени учратмагандек бемалол яшайверади деб умид қилгандим.*

Олти ой давомида мен унинг ҳаётига ортиқ аралашмайман деб айтган ваъдамга тургандим.

Мени қанчалик ишонтиришиб унинг ҳаёти яхши дейшиша ҳам ўзим гувоҳи бўлай деб қайтгандим. Мен ўшанда ўзимни ишонтира олиб агар у озроққина бўлса ҳам баҳтиёрдек бўлса мен яна изимга қайтиб кетаман. Аммо у баҳтсиз эди. Ва мен қолдим. Айнан у эртаси куни мени қолишим учун мана шу гапларни айтганди. Менинг баҳтсизлигим сабаб ҳам у ўзини айбдор ҳис қиларкан. Бу менинг айбим, мен унга келиб ҳам кетиб ҳам фақат азоб етказдим. Зора у менинг кетишишмдан кўра қолишимдан камроқ азоб тортаркан, мен қолганим бўлсин дедим.

Жейкоб жим эди - бўронга қулоқ тутганми ёки эшиштганларини ўйлаб қолдими, деярли билмайман.

- *Кейинги сафарчи, уни ўлган деб ўйлаганингдами? - хириллаб пичирлади Жейкоб.*

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ҳа, - деди Эдвард жим-жит овозда. - Бу гўёки аввалгидек эмасдек. У ҳар доим бўлган-у, тўсатдан йўқ бўлиб қолгандек ғалати туйғу.

- Мен бу ҳақида сўрамаган эдим.

- Мен буни оддий сўзлар билан тушунтириб бера олмайман! - аччиқ қилиб айтди Эдвард.

Жейкоб мени бағрига янада босди.

- Аммо сен кетган эдинг, уни ҳам ўзингдек қонсўрак қилмаслик учун ҳам кетган эдинг.

Ахир ўзинг ҳам унинг одам бўлиб қолишини истайсан-ку!

- Жейкоб, ўшанда мен Беллани севишимни англаб етканимда менга тўртта йўл қолган эди, - истамайгина гапирди Эдвард. - Биринчи йўлим, Белла учун энг яхши йўл, - агар у менга у қадар кучли боғланмаган бўлса эди, мен уни буткул тарқ этиб уни тинч қўярдим. У эса мени унумидан юбориб янги бошқа инсонга кўнгил қўйган бўлармиди, дейман. Сен ўйлайсанки мен тирик тошман - совуқ ва қаттиқ. Бу тўғри. Биз шунақамиз, жуда ҳам камдан кам ўзгарамиз, аммо баъзан ҳаётда танаффуслар бўлади-ку. Агар танаффуслар бўлгудек бўлса борми ва у абадий қотиб қолса - айнан Белла ана шундай пайтда ҳаётимда пайдо бўлди. Энди ҳеч нимани ўзгартириб бўлмасди...

Иккинчи йўл мен бошида танлаган йўл, - у билан унинг инсон ҳаётида бирга яшаи. Аммо бу Белла учун энг фойдасиз йўл, бутун умрини хатто одам бўлмаган жонзодга беҳудага сарфлаши. У билан то у умрини охиригача ёнида қолиши. Биласанми эллик, олтмиш йиллар мен учун жуда қисқа ва саёз ҳолат, аммо шунча вақт давомида Белланинг атрофидаги менинг ҳаётим унга таъсир этиши, ҳар хил ҳавф-хатарларни раҳна солишидан чўчиб яшардик, шу сабаб мен учинчи йўл уни тарқ этишини маъқул топдим ва кетдим. Ва мен Белланинг биринчи йўлимни танлайди деб умид қилдим. Аммо ўзинг гувоҳ бўлдингки бу иккаламизга ҳам катта муаммо ва ҳалокатлар келтирди ва менга ана шунда тўртинчи йўл қолаётган эди. Айнан буни ўзи хоҳляяпти - тўғрироғи ўзи шундай дейди. Мен уни тўхтатишга ҳаракат қилдим. Ўйлашига вақт ҳам бердим, аммо даҳшатли тарзда буни рад этајапти - буни хатто сен билмайсан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

хам! Уни яна бироз кечиктирсам бу жуда яхши эди. Белла қаришдан жуда қўрқади. Сентябрда эса унинг тугилган куни...

- Шахсан мен биринчи йўлни маъқул кўраман, - пўнгиллади Жейкоб.

Эдвард тундлашиди.

- Биласанми буни айтиши менга жуда оғир, аммо сен уни ростан ҳам жуда кучли севасан... ўзимча эса, - пицирлади Жейкоб. - Бу билан-ку баҳслашмайман. Шундай экан биринчи йўлни танлашга ҳали ҳам кеч эмасмикан-а? Менимча ёмон имконият эмас, вақт ўтган сари унда ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Агар марта у қоядан сакрамаганида... агар сен яна олти ой кутганингда... у анчайин баҳтли бўларди. Менинг режам жуда самарали тузилган эди.

- Эҳтимол шундай бўлган бўлармиди, - деб қўйди Эдвард. - Режсанг яхши ишланган экан.

- Бўлмаса-чи, - пишиллади Жейкоб. - Аммо... - шу пайт у тўсатдан шошилиб қолиб сўзини ютиб юборди: - менга бир йил вақт бер қонсў... Эдвард. Мен ишонаман уни баҳтли қиласман.

Белланинг қанақа асов ва шаддодлигини фарқи йўқ. Ўшанда унинг деярли азоблари унум бўлиб сокинлашган эди. У одам бўлиб қолиши керак, отаси ва онаси ҳаққи, бола-чақа ортириши...

Ўзи билан ўзи қолиши мумкин... сен уни етарлича кучли севасан. Белла сени хокисор ҳамма тилагини адo этувчи деб ҳисоблайди. Шу сабаб бир ўйлаб кўр, мен унга кўпроқ тўғри келаман, шундайми?

- Мен бу ҳақида аллақачон ўйлаб бўлганман, - тинчгина жавоб берди Эдвард. – Қайсиdir томондан сен унга ростан ҳам мос келасан, оддий одамлигинг албатта. Унга ростан ҳам қараб турадиган кучли, хатто ўзидан ҳам ҳимоя қила оладиган одам керак. Сен буни уddaлагансан, бундан сендан бир умр миннатдорман. Кўрайликчи кейин нима бўларкан... Мен хатто Элисдан

Беллани сен билан кўра оласанми деб ҳам сўраганман, аммо у сени кўра олмайди-ку, Белла эса айни пайтда нима хоҳлашини аниқ билади. Ва мен яна хатто қиласдан даражада ахмоқ эмасман. Мен шу сабаб Беллани биринчи йўлни танлашини истамайман. Демак у

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳозир мен билан бирга қолишини истаяптими, демак мен ёнида бўламан.

- Агарда у мен билан қолишини иҳтиёр этса-чи? - босим ўтказди Жейкоб. - Бўпти, тан оламан бу жуда ҳам кам имкоиятли ҳолат, аммо барибир-да?

- Унда мен уни қўйиб юбораман.

- Шунчаки оддийми?

- Ҳа, - бир тарафдан менга қийинлигини билдиримасдан тарқ этарман, аммо сени доим кузатиб юрадим. Эҳтимол бир куни сен уни ташлаб кетишгача борсангчи: худди Сэм ва Эмили каби ўзини бошқара олмаслик сабаб. Ва ҳар сафар яқин имкон бўлишига умид қилиб яшардим жимгина.

Жейкоб паст овозда пиқиллаб кулди.

- Сен билан анча очилиб гаплашдик, ўзим кутганимдан ҳам зиёда... Эдвард. Раҳмат сенга, менга ҳаёлларингни баҳам кўрганинг учун.

- Мени биласан-ку, мен сендан доим миннатдор бўлганман. Ва ҳозир ҳам Белланинг ёнида эканлигиндан жуда хурсандман. Яна биласанми Жейкоб, агар биз битта қизни севиб қолмаганимизда ва азалий душман бўлмаганимизда жуда яхши дўстлар бўлган бўлардикми.

- Балки... сен жирканч вамир бўлмасанг-у, севган қизимни қонини сўрмаган тақдирингда балки ростан ҳам дўст бўлардик.

Эдвард кулгуси келса ҳам жиоддий туриб олди. Ва қўшиб қўйди:

- Майлими бир нима сўрасам?

- Наҳотки шуни сўраб ўтиранг?

- Мен фақат сен нимани ўйласанг ўшани эшиштаман. Бу бир афсона, негадир Белла менга сўзлаб бермади. Қанақадир учинчи рафиқа ҳақидаги афсона...

- Айнан нимаси?

Эдвард жавоб қилмади.

- Нима бўлди? - сўради Жейкоб.

- Ҳа, албатта! - деди Эдвард. - Нега шуни олдинроқ тушунмабман! Яхшиси буни аждодларингиз умуман айтишимагани яхши эди!

- Нима бўлди қонсўракнинг асил башираси очиб ташлангани сенга ёқмадими? – деди

Жейкоб. - Истайсанми ё йўқ улар мана шунаقا ва шундай бўлиб қоладидар.

- Менга барибир! Яхиси бир ўйлаб кўрчи Белла қайси қаҳрамонга ўзини тенглаши мумкин?

Жейкоб бир дақиқа ўйлаб қолди.

-Хмм... учинчи рафиқа. Энди тушинарли.

- У ҳам ялангликда ҳамма билан бирга турмоқчи бўлди. Ўзининг бор заҳирасидан шундай фойдаланмоқчи бўлган. - Эдвард хўрсинди. - Ва бу иккинчи сабаб, мен унинг олдида қолиш им учун. У истаган нарсасига эришиши учун бир нималар ўйлаб топишга уста.

- Умуман олсак сенинг жангари акахонларинг ҳам афсонанинг ўзидан кам бўлмаган ҳолатда унга таъсир этган.

- Ҳеч ким унга ёмон таъсир этмайди, - пичирлади Эдвард.

- Бу азобли аросат қачон тугайди? - сўради Жейкоб. - Тонг отгандами? ёки жангдан сўнгми?

Иккиси ҳам жимишиди ва ўйланиб қолдилар.

- Тонг отганда, - иккиси ҳам бир вақтда пичирлашиди ва кулиб юборшиди.

- Хайрли тун, Жейкоб, - пичирлади Эдвард. - Лаҳзадан ҳузурлан.

Улар яна жимиб қолишиди ва бир қанча вақт чодирда сокинлик ҳукм сурди. Шамол бизнинг устимиздан кулишга қурби етмадими, маслим бўлди.

- Мен бунақа маънода айтмаган эдим! - ириллади Эдвард.

- Узр, - пичирлади Жейкоб. - Балки бизни ёлғиз қолдирарсан.

- Жейкоб, балки бир сонияда ухлатиб қўйишимни истаётгандирсан? - таҳдили таклиф қилди Эдвард.

- Майли уриниб кўр, - бегам валдиради Жейкоб. - Қизиқ кимни танларкан-а?

- Увиллама бўривої. Менинг сабримни ҳам чегараси бор!

- Айни пайтда яхиси мен қимирлаганим яхии, агар қарши бўлмасанг! - жимгина кулди Жейкоб.

Эдвард димогида баландроқ куй чалиб Жейкобнинг ҳаёлларидан ўзини чалгитишга уриниб ётди. У эса мулойим кучукчадек менинг

силиқ ва ёқимли тушга ўұшаи ҳолатимни силаганча донг қотаркан, бу наздимда мен күрган энг фараҳбахи ва саррин туш бўлиб қолаётганди.

XXIII боб. Махлук

Мен уйғонганимда қуёш чарақлаётганди - хатто чодир ичида ҳам кўзим раёшанликдан

қамашиб кетди. Мен Жейкоб айтганидек терлаб кетган эдим. Ўзи эса мени ҳамон бағрига босганича хуриллаб ухлаб ётарди.

Мен унинг қайноқ бағридан ўзимни олишим билан совуқ шамол юзимга урилди. Жейкоб уйқусираб хўрсинди ва мени яна қаттиқроқ гижимлади. Мен уни бағридан озод бўлишга уриниб қимирладим ва бошимни кўтардим...

Эдвард жимгина менга қараб ўтиради, аммо кўзларида сўзсиз оғриқни кўриб турадим.

- Ташқари илиб қолдими? - пичирладим мен.
- Ҳа. Бугун сенга иситгич керак бўлмаса керак.

Мен тўшак кўрпамни занжирчасини ечишга уриниб гимирлай бошладим. аммо ана у пахмоқ уйқисида гўлдираб мени яна маҳкамроқ бағрига босарди.

- Ёрдам берасанми? - секингина сўрадим мен.
- Эдвард жилмайди.
- Хоҳласанг қўлини узиб ташлашим ҳам мумкин?
- Йўқ, раҳмат. Шунчаки мени бу ердан халос эт. Йўқса иссиқ уриши мумкин.

Эдвард бир силташда тўшакни шараклаб очиб юборди. Жейкоб ташқарисида ётгани учун шартта муз ерга думалаб туиди.

- Хей! - инграб юборди Жейкоб, бир лаҳзада кўзини очиб бироз совуқдан ҳислари тетиклашиб атрофга қаради.

Ҳамма тарафдан ириллаган овозлар келарди. Эдвард менинг ёнимда бурчакда ўтирас, унинг юзини кўра олмай қолдим, аммо газабнок садо эшишлиб туради. Жейкоб ҳам бутун бадани титрас, тишлари тақиллар, ўзи эса ириллай бошлади. Ташқаридан эса Сетнинг ўқиргани ҳавода акс садо берарди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Бас! Тўхтатинглар! - инградим мен уларнинг ўртасига бир амаллаб тушиб олдим.

Чодир кичкина эди, қўлимни чўзиб осонгина иккисининг орасига суқилиб кириб олдим.

Эдвард танамни қучиб туради. Сал қолса мени орага итқитиб ташлашга тайёр туради.

- Ҳозироқ тўхтатинг! - огоҳлантиридим мен.

Жейкобнинг кўксига қўлимни қўйганимдан кейин у тинчланиб қолди, аммо ҳануз тиши орасидан ириллаб турди ва Эдвардан аламзада нигоҳини узмади. Ташиқарида ҳамон Сет дарғазаб бўкиришидан тўхтамасди.

- Жейкоб, - у менга қараганида сўрай кетдим, - Сенга ҳеч нима қилмадими?

- Ҳеч нарса! - бидирлади у.

Мен Эдвардга қарадим: у менга норози қараши қилди.

- Бу жуда қўполлик эди. Сен узр сўрасанг бўларди.

- Ҳазиллашаяпсанми? - ҳайрон бўлди Эдвард. - У сени сал қолса босиб қўярди!

- Чунки сен уни полга итқитиб юбординг! Жейкоб атай қилмади менга ҳеч нима бўлмасди!

Эдвард секингина Жейкобга кўз ташлади.

- Кечирасан, кучуквой, - жирканни билан гапирди.

- Ҳеч қиси йўқ, - тўнгиллаб қўйди Жейкоб.

Чодир ҳануз совуқ эди, ҳар ҳолда кечагидек эмас. Мен қўлларимни ишқаладим.

- Уила, - хотиржам овозда Эдвард, курткани елкамга ташлаб қўйди.

- Ахир Жейкобнинг курткаси-ку, - эътиroz билдиридим.

- Жейкобнинг мўйнаси бор.

- Агар жаҳлинг чиқмаса мен яна ухлаб олсам. - Жейкоб бизга бир қараб олгач яна тўшакка қаради. - Ҳали тургим йўқ: тун шундогам менга камлик қилди.

- Ўзинг сўраган эдинг, - ҳиссиз оҳангда эслатди Эдвард.

Жейкоб аллақачон кулча бўлиб олиб кўзини юмиб олганди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Бу менга ёқмади демадим, шунчаки ухламай чиққанимнинг сабаби Белла тунда алаҳсираб чиқармикан деб кутдим.

Мен ўқрайдим: яна кимлар мени тунда алаҳлаб чиқишиимдан ҳабардор экан - ўйлашини ўзи даҳшат!

- Сен учун хурсандман, - деди Эдвард.

Жейкобнинг қон-қора кўзлари чарақлаб кетди.

- Сен тунни қандай ўтказдинг? - мамнун қиёфада сўради у.

- Мен буни ҳаётимдаги энг ёмон тун деб номламасам ҳам бўлади.

- Нима ўнлаб даҳшатли тунларга дуч келганмисизлар? - хингилади Жейкоб.

- Балки.

Жейкоб кулди ва кўзини юмди.

- Агарда кечаги тунда сенинг ўрнингда мен бўлғанимда, - давом этди Эдвард, - Бу менинг энг яхши кечам деб атамаган бўлардим. Яхши тушлар кўр!

Жейкоб яна бир марта кўзини очиб хўмрайди.

- Менимча бу ер анча тор бўлиб қолди.

- Ҳа, буни тўғри топдинг.

Мен қўлим билан Эдвардинг қовургасига ниқтадим.

- Майли кейинроқ ухлаб оларман. - Жейкоб қўзгалди. - Барибир мен Сэм билан гаплашишим керак эди.

У бир керишиб ташқарига чиқишига ҳозирланди.

Мени ғалати бир оғриқ қамраб олди, гўё менга Жейкни қайтиб бошқа кўрмайдигандек туюлди. У Сэмнинг ёнига боради ва қонга ташна янгилар билан олишиади.

- Жейк, тўхтаб тур... - мен унга талпиниб қўлим елкасига тегди. Жейкоб иргиб ўтиб кетди,

мен уни тутиб қола олмадим.

- Илтимос Жейк! Тўхта!

- Йўқ.

Эътирози анчайин совуқ ва аниқ эшиитилди. Юзимда аниқ оғриқ акс этдими Жейкоб уфғлади ва жилмайди.

- Белла, ҳавотир олма. Мен билан ҳаммаси яхши бўлади - ҳар сафаргилик. - У кулди. -

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бундан ташқари ўйлаб кўр, наҳот мен осонгина Сетга жойимни бериб қўйсам, фақат у қувнаб кўнгил ёзиши учун-а? - деди у.

- Эҳтиёт бўл...

Жейкоб гапимни эшиштмай гойиб бўлди.

- Белла, ўзингни бос, - деди у ташқаридан, занжирли очқични шақиллаган овози эшиштилди.

Мен узоқлашаётган қадам товушларини эшишишга уринсанм ҳам эшишишга кучим етмади: буткул сукунат. Тиқ этган шамол йўқ. Фақат узоқ тоз томонда ғамгин қушининг сайрагани эшишилиб турди. Энди Жейкоб янада шовқинсиз ҳаракатланарди.

Иккита курткага ўралган ҳолда Эдвардинг елкасига суюндим. Биз жисм эдик.

- Ҳали борми? - сўрадим мен.

- Элис Сэмга яна бир соат бор дебди, - оҳиста жавоб қилди Эдвард рангпар қўзи билан.

- Нима бўлган тақдирда ҳам биз бирга бўламиш.

- Нима бўлган тақдирда ҳам, - кўнди Эдвард.

- Мен ҳам улардан ҳавотирдаман, - дедим мен.

- Улар ўзлари учун туриб бера олади, - тинчлантириди мени Эдвард бегам овозда. - Афсус, мен бу кўнгилхушиликда бўлмайман-да!

Эдвард қўлини елкамга қўйди.

- Ҳавотир олма. - у пешонамдан ўпди.

Қандай қилиб бундай ҳолатда тинч хотиржам ўтириши мумкин!

- Бўлмайман.

- Хоҳлайсанми мен сени чалгитаман? - хўрсишиб қўйди Эдвард ва совуқ қўлини ёногимга қўйди.

Мен беҳос титрадим: бугун тонг совуқ бошланди.

- Эҳтимол, бироз вақт ўтар, - ўзига ўзи гапирди Эдвард ва қўлини олди.

- Мени чалгитишни бошқа йўли ҳам бор.

- Мисол учун?

- Сен менга ўнлаб ўша тунларинг ҳақида гапириб берсанг бўларди, - таклиф қилдим мен. -

Қизиқда буни билиш.

У кулди.

- Ўзинг топа қол!

Мен бош чайқадим:

*- Сенинг жуда кўп тунларинг бўлган бўлса керак - бутун бир юз
йил!*

*- Ростини айтсам ҳамма ёқумли тунларим фақат ва фақат
сен билан танишганимда сўнг бўлиб ўтган.*

- Ростан-а?

*- Албатта рост! Аввал бўлганлари буларнинг ёнига яқинлаша
олмайди.*

Мен ўйланиб қолдим ва ниҳоят тан олдим:

*- Мен бўлсам фақат мен учун энг яхши тунлар бўлса керак деб
ўйлардим.*

- Мен ҳам шундай ўйлардим, - дадиллашибди Эдвард.

- Хўши унда илк тунми - меникида илк бора қолган пайт.

*- Ҳа, мен учун ҳам энг яхшиси. Рости ўшандада сен ширин уйқуда
эдинг ва менга энг ёққани ҳам ўшандада.*

- Тўғри, - эсладим мен. - Яна мен уйқумда гапирганим.

- Ҳа, шундай қилгандинг, - деди у.

*Мен уялдим, бу кеча Жейкоб қучоқлаб ётган пайтда мен нима
деб алаҳлаган бўлсам-а. Ҳеч қандай сўзларимни эслай олмадим. Ахир
қаердан ҳам эслай олардим ухлаб қолгандим.*

- Шу кеча нима деб алаҳладим? - пицирлаб сўрадим.

Жавоб ўрнига Эдвард елка қисди. Мен бўзрайдим.

- Шунчалик ёмонми?

- Ҳеч қандай даҳшатли жойи йўқ.

- Унда гапира қол.

- Асосан менинг исмимни тақрорладинг.

- Бу у қадар ёмон эмас-ку - хотиржам бўлдим мен.

*- Эрталаб эса сен ўзингдан ўзинг алжираф «Жейкоб, менинг
Жейкобим» дединг. – Унинг пастгина шивирида ҳам оғриқ бор эди. -
Сенинг Жейкобингга бу жуда ёқди.*

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен бўйнимни чўзиб унинг лабига етиб олмоқчи бўлдим, аммо иягида етиб бордим. Унинг кўзларига қарай олмадим, у шифтга қараб туради.

- Кечирасан, - дедим мен. - Мен уларни шундай ажратаман.

- Кимни?

- Доктор Жекилл ва жаноб Хайдни - Жейкоб, менга ёқади ва иккинчисига эса тоқат қилаолмайман, - тушунтиридим мен.

- Унда тушунарли. - менимча Эдвард енгилгина чалғиди. - Яна қанақа сенинг севимли тунларинг бор?

- Италиядан уйга қайтаётганимиз.

Эдвард ҳўмрайди.

- Наҳотки сенинг рўйхатингда мана шу тун ҳам бор? - ҳайрон қолдим мен.

- Ҳа менинг энг азобли ва алами кечаларим адo бўлган тун - буткул бехато! – менинг қилмишларим фақат виждан азоби билан азобларди ахир. Ва тезроқ самолёт ерга қўнишини илтижо қиласдим.

У менинг пешонамни ўпди:

- Белла, сен мени кўпроқ севасан мен бунга арзимасам ҳам.

- Навбатдагиси эса бу Италиядаги тундан кейинги тун бўлди, - давом этдим мен.

- Ҳа билдим. Сен шу қадар қизиқ бўлиб кўрингандинг ўшанда.

- Қизиқ?

- Мен ҳануз тушунмайман ўшанда сен туши кўраётганимдинг ёки ўнгингдами, барибир сени

уйгоқ деб ўйлаганман.

- Мен ўшанда сенинг тирклигинга имоним комиллигидан севиниб баҳтдан ухлаётган эдим. Рости уйгонишни, ухлаб қолмасдан сен билан қолдирган ҳижрон кунларимнинг хуморини олмоқчи бўлганман холос?

- Йўқ. Энг биринчи энг яхии тунимиз бу сен менга турмушига чиқишига розилик берган тун

бўлса керак.

Мен уялдим.

- Наҳотки у сенга ёқмади?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен Эдвард мени қанчалик қаттиқ ва узоқ ўпган кечани эсладим ва ўйлаб кўрдим:

- Ёқди... Ҳар ҳолда у қадар эмас. Тушунмадим нега бу сенга бу қадар муҳим: ахир мен бир умрга сеникиман-ку.

- Юз йилгача сенда яхшигина тажриба бўлади, ана шунда менинг нима учун бундай деганимни қадрига етасан, - деди у.

- Хўп, юз йилдан кейин ўзим сенга эслатаман!

- Сен совқотмадингми? - кутитмагандা сўраб қолди у.

- Йўқ. Нима эди?

Жавоб беришга у улгурмади. Сабаби сукунатни даҳшатли ва аламли бўкирик эгаллади.

Ялангоч қояга урилиб бутун атрофга таралган даҳшатли ўкирик.

Бу ўкирик бир вақтни ўзида ҳам таниши, ҳам нотаниши эди: нотанишилиги аввал бунақа садо эшиитмагандим - мени титратиб юборди, бу катта оғриққан овоз эди; танишилиги эса мен бу овозни биламан. Бу овозни таниганимда ўзим ҳам қичқириб юбордим. Ҳозир Жейкоб қандай

қиёфада одам шаклидами ёки йўқ, бас уни кўришим шарт эди.

Жейкоб ёнимизда эди. Ва у ҳаммасини эшиитиб турган эди. У оғриқдан дод соглан ҳам эди.

Ўкирик яна бироз пайт янграб сўнг тинчиб қолди.

Мен Жейкоб қандай кетиб қолганини эшиитмадим, аммо у жимгина кетиб қолди, аниқ

сездим юрагимни аламли бўшлиқ қоплади. Мен уни анча узоқларга кетиб қолган деб

ўйлардим!

- Бу сенинг иситгичинг хаддидан ошгани учун, - паст овозда гапирди Эдвард. – Такқослаш тамомланди, - шунақа паст ва хотиржам қўшиб қўйди.

- Жейкоб бизнинг гапларимизни эшиитди, - пичирладим мен. - Унинг кўрсатгич оҳангини рад этиб.

- Ҳа.

- Ва сен буни билгансан.

- Ҳа.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен кўзга кўринмас бўшилиқقا тикилиб қолдим.

- Айтгандим-ку мен баъзан ҳалол жанг қилмаслигим ҳам мумкин деб, - сокингина бўлиб менга эслатди Эдвард. - Ана у ҳам билиш ҳуқуқига эга.

Мен бошимни чанглладим.

- Сен мендан газабланаясанми? - сўради у.

- Сендан эмас, - пичирладим мен. - Мен ўзимдан. Мен ҳақиқий маҳлуқман.

- Ўзингни қийнама, - илтимос қилди Эдвард.

- Ҳа-да - аламзада бўлиб тан олдим мен. - Яхиси кучимни асрашим мумкин эди, унга азоб

бергандан кўра ўзимга азоб берганим маъқул эди.

- У нима қилаётганини биларди.

- Нима фарқи бор? - Мен кўз ёшимни товушимга қўшиб сипқордим. - Менга ҳам осон деб

ўйлайсанми, ҳар сафар Жейкобни огоҳлантириб юриш? Мен унга доимо азоб бераман, ҳар

сафар қайтганимда унга дард бераман! - Менинг овозим янада баландроқ янграб жазавага бошларди. - Мана мен ҳақиқий маҳлуқман!

- Ҳеч ҳам ундаи эмас! - Эдвард қаттиқ мени бағрига босди.

- Менга қанақа шайтон кириб олган экан-а? - мен унинг қучогидан чиқаман дедим, у мени қўйворди. - Мен унинг ортидан боришим керак.

- Белла, худо билади у қаерда ҳозир, ташқари эса совуқ.

- Тупурдим! Мен бу ерда шунчаки кутиб ўтироқчи эмасман! - Мен Жейкобнинг курткасини олиб оёғимни ботинкамга тикдим, туйнукка қараб урилиб туртиниб бордим: оёқларим ўзимга бўйсингасди. - Мен... мен... - мен нима қилиш кераклигини билмасам ҳам барибир занжирли очқични туртдим ва ташқарига отилдим.

Чароғон қуёшли тонг эди. Қор ерда жуда кам, аммо кечаги бўрондан кўп қор кутгандим.

Менимча кечаги шамол учирib кетган кўринади. Жанубий шарқ томонда оппоқ қор ястаниб ётган манзарада кўзинг қамашади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Совуқ ҳаво ҳамон титратади, аммо кўтарилаётган қуёши тафти секин аста илитаяпти.

Сет Клируотер қора арчанинг қуриган иғначаларининг устига кўрпа қилиб тўшаб олганича панжасини устига бошини қўйиб ётибди. Унинг сарғиши жуни сарғиши иғнабаргларга қоришиб кетгани учун мен фақат қордаги ёрқин аксини ва қора кўзларини пайқадим. Сет менга ўпкаланиб қараб қўйди.

Қоқилиб суриниб ўрмонга кириб борарканман Эдвард изимдан келаётганини ҳис қилиб кетардим. У сассиз келар, аммо қуёши унда минглаб камалак жилвасини пайдо қиласар бу эса ортимда янада ишвали жило таратарди. Ўрмонга деярли кирганимда Эдвард қўлимни ушлади.

- Сен унинг ортидан кета олмайсан. Бугун мумкин эмас. Деярли вақти бўлди. Ҳар қандай

ҳолатда ҳам сен йўқолиб қолсанг бу ҳеч кимга яхшилик олиб келмайди.

Мен қўлимни силтаб унинг мустаҳкам чангалидан озод бўлишига уринардим.

- Белла, мени кечир, - пицирлади у. - Мен бундай қилмаслигим керак эди.

- Сен ҳеч нарса қилмадинг. Мен ҳаммасига айборман. Мен шунақа қилдим. Мен хато

қилдим. Мен балки... агар у менинг ортимда эргашмаганида... мен... мен... - мен ҳўнграб юбордим.

- Белла, барибир шундай бўларди!

Эдвардинг қўллари мени тутиб турад, менинг кўз ёшим унинг кўйлагини хўл қилди.

- Мен унга айтишим шарт эди... унга айтиши шарт эди... шарт эди... - Нимани? Нимани

айтардим? - Ҳеч қачон у бу ҳолатда тутиб олмаслиги керак эди.

- Хоҳлайсанми мен уни ортга қайтаришга уриниб кўраман ва сен у билан гаплашиб оласан?

Озроқ ҳали вақтимиз бор, - деди Эдвард.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен унинг кўзларига қарашига уялиб, бошимни қимирлатдим.

- Ҳеч қаёққа кетма. Мен тез орада қайтаман.

У шу қадар мени қучоғидан тез бўшатиб ортига қайтиб кетдик, ҳушиимни йигиб олганимда

сездимки мен ёлгиз бир ўзим қолибман.

Ва яна ииғлаб юбордим. Бугун фақат ҳаммага азоб бераяпман.

Нимага тегинсам барбод

қилаяпман!

Нега мен ҳаммасига тўлиқ эътибор қаратмадим. Ахир алал оқибат ҳаммаси шу ерга олиб

келиши мұқаррар эди-ку! Авваллари Жейкоб ҳеч қачон ўзига бўлган ишончини йўқотмас эди!

ҳеч қачон ўзининг оғригини бировга кўрсатмас эди. Унинг инграгани ҳануз қулогим остида

жаранглайди. Мен Жейкобга азоб бераяпман деб сиқилиб Эдвардга ҳам дард келтираётгандим.

Мен Жейкобга менинг бошқа танловим йўқ деган маъно билан совуққонларча кетишига даъват

қилаётган эдим.

Қанақа худбин қизман! Азоб берувчи қаттол. Мен севган одамларимга фақат дард ва ранж

келтираяпман.

Худди «Момақалдироқли Довон»даги Кэтрин каби. Фақат менда танлов анча яхши: иккиси

ҳам заиф ёки ёвуз эмасди. Мана шундай турардим: худди Кэтриндек - ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди.

Мен ортиқ ҳисларимнинг танловимга таъсир этишига йўл қўйиб беролмайман. Энди бирор

нимани ўзгартириши жуда қийин ва мумкин ҳам эмас. Балки мен учун ҳаммаси аллақачон қилиб

бўлингандир. Эҳтимол, Эдвард Жейкобни ортига қайтара олмас. Агар шундай бўлса мен бунга

кўникаман ва яна яшашига куч топаман. Эдвард ортиқ бир дона ҳам Жейкоб Блэйк учун кўз ёш

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

тўйкканимни кўрмайди! Мен музлаётган бармоғим билан кўз ёшимни артдим.

Агар Эдвард Жейкобни қайтариб олиб келса-чи, унда мен нима қиласай. Унда мен Жейкни

кетишини ва ортиқ қайтиб келмаслигини айтаман.

Аммо бу нега бу қадар мушкул? Анжела ёки Майк каби дўстларим билан

видолаишганимдан- да анча оғир бу? Нега бундан ўзим ҳам азоб чекаятман? Негадир бу ерда

бир гап бор. Оғриқли бўлмаслиги керак. Ахир мен истаган нарсамни олдим. Албатта иккисини

ҳам олиши насиб этмади: чунки Жейкоб дўст бўлиб қолишини истамади. Ва унинг дўст

бўлишидан умидимни узсан ҳам бўлади. Бундай қизғанчиқ бўлиши керакмас ахир!

Жейкоб билан алоқаларни сақлаб қолишини бас қилишим керакка ўхшайди. Ахир қандай

қилиб ўзгага тегишили бўла туриб Менинг Жейкобим бўла оларди?

Мен ялангликка қайтиб келдим. Ўрмон соясидан чиққанимда Сетга кўзим тушибди: у ҳануз

ўз тўшамасида ётарди. Мен унинг қарашидан ўзимни олиб қочдим.

Сочларим тўзгиб ҳар ёнга солланарди. Мен бармоғим билан тараига уриниб кўрдим, аммо

яна тўзгиб қолди. Кўринишимни қандай фарқи бор?

Чодирга кираверишида бидонча турган экан. Уни олиб муздек сувдан симириб ичдим.

Қаердадир овқат бор бўлиши керак, аммо уни излашга у қадар очқамагандим.

Мен қадамларимни санаб у ердан бу ерга юрарканман, Сет мендан диққатини

олмаётганини пайқаб турардим. Сетни улкан бўрилигига парво этмай, бир пайтлар

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Жейкобнинг болалигидек бўлган ёши бола тургандек таассурот келди.

Сетдан вовуллаши ёки қанақадир бошқача ишора бера олишини сўрасаммикан? Йўқ

керакмас. Жейкоб қайтадими ёки йўқ нима фарқи бор?

Баригир у келса яхши бўларди, албатта

Эдвард уни қайтара олса!

Шу пайт Сет ириллади ва оёққа турди.

- Нима бўлди? - жиннига ўхшаб сўрадим.

Сет менга парво ҳам қилмади. Ўрмон чегарасига келиб гарбга тикилиб қолди.

- Сет? Булар қолганларми? Ҳаммаси ялангликдами? - талаб қилиб сўрадим.

У менга қаради, қисқагина пишиллаб қўйди ва яна гарбга тикилиб қолди. Кулогини динг

қилиб гириллаб турди.

Эҳ мен қанақа ахмоқман-а! Нега Эдвардни жўннатиб юбордим-а? Қандай қилиб нима содир

бўлаётганини билиб оламан? Ахир мен бўри тилини билмайман-ку!

Ортимда совуқ бир қўрқув таралди. Агар вақт ўтиб бўлган бўлса-чи? Агарда Жейкоб ва

Эдвард ялангликка анча яқинлашиб қолишган бўлса-чи. Ва тўсатдан Эдвард жсангда

қатнашишини истаб қолса-чи?

Кўрқув томоғимда аччиқ бир тиқин пайдо қилди. Мана бу Сет газабноклиги сабаби у ерда

ҳамма борми деганимга «йўқ» дегани бўлса-чи? Тўсатдан Эдвард ва Жейкоб ўрмоннинг бирор

ерида олишиб кетган бўлса-я?

Эрталаб уларнинг оддий нарсага ҳам урушишига тахт эканликларини кўрган эдим. Агар

иккиси ҳам қутуриб кетса мен нима қиласман?

Менга ўзи шу керакмиди, агар иккисини ҳам бирдан йўқотсан нима бўлади!

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен қўрқувдан титрашга улгурмай Сет бир марта увиллаб
қўйиб яна бояги тўшамаси
устига ётиб олди. Мен ҳам тинчланиб, ҳам қизишиб борардим.
Наҳотки мана бу Сет бирор
йўлини қилиб менга вазиятни баён қилолмаса: панжаси билан
чишиб кўрсатиши ёки ёзиши ҳам
мумкин-ку?

У ёқдан бу ёққа бўзчисининг мокисидек юраверганимдан терлаб
тишиб кетдим. Эгнимдаги
курткани ечиб осиб қўйдим. Ва яна сўқмоқ ёнида ўзимча юриб
чиқдим.

Сет кутимагандаги сакраб турди ва ириллаган овоз қилди. Мен
ўгирилиб қарадим, аммо ҳеч

нарса кўринмасди. Агар Сет яна шунаقا бемаъни қилиқлар
қилаверса мен уни калласини

қорақарағай гуддаси билан ёраман!

У кўзга кўринмас тарафга қараб ириллаб ялангликнинг гарб
томонига талпинмоқчи бўлди.

- Сет, бу биз! - узоқдан Жейкобнинг овози янгради.

Нега юрагим қутургудек ура кетди? Менимча фақат қўрқувдан
бўлса керак. Жейкобнинг

қайтишидан асло хурсанд бўлмаслигим керак: бу фақат бало
келтиради.

Биринчи бўлиб ўрмондан Эдвард чиқиб келди, юзидағи
иғодасини беркитиб олганди.

Куёши чарақлар, унинг бадани яна жимир-жимир қиларди. Сет
унга яқинлашиди ва саломлашиди,

сўнг Эдвардга тикилиб қараб турди. Эдвард секингина бош
иргиб асабий хўмрайди:

- Наҳотки, фақат шу етмай турганди, - бурни билан паст
овозда гўнгиллаб гапирапкан,

каттакон бўрига кейин гапиради: - Эҳтимол бундан ҳайрон
қолмасдим. Аммо вақтимиз жуда оз.

Илтимос Сэмга хабар бер, у Элисдан аниқ вақтини сўраб
билсин.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Сет бошини эгиб силкитиб қўйди! Мен ғазабланиб турганимча ўгирилдим ва Жейкобни кўрдим.

У менга орқамачасига, ўзлари келган тарафга қараб туради. Мен эҳтиёт бўлиб унинг ўгирилишини кутдим.

- Белла, - деди Эдвард, кутимагандা ёнимда пайдо бўлиб.

У менга қаради кўзларида фақат ғамхўрлик чарақларди. Эдвардинг буюк қалблигига яна ишониб кетдим! Энди мен унга янада камроқ арзийман.

- Бироз муаммо пайдо бўлиб қолди, - деди меҳрибон овоз билан.

- Биз Сет билан озгина

вактга узоклашамиз ва албатта эшиитмаймиз. Сенга гувоҳлар керак эмас. Нима қилсанг ҳам бу сенинг қароринг.

Унинг сўнгги сўзларида оғриқ бор эди.

Ҳеч қачон унга ортиқ азоб бермайман! Бу менинг ҳаётим мақсади бўлсин. У ортиқ асло

менга бунақа кўз билан қарамайди.

Мен жуда ҳам нималар содир бўлаётганига қизиқсамда, ўзимни босиб турадим. Шусиз

ҳам муаммоларим етарли эди!

- Тезроқ қайтгин! - пицирладим мен.

У менинг лабимни енгилгина ўпди ва ўрмонга кириб гойиб бўлди.

Сет унга эргашди.

Жейкоб ҳануз ўша ерда дарахт соясида туради ва мен сира унинг юзини кўра олмас эдим.

- Белла, мен шошаяпман, - тунд оҳангда гапирди у. - Тезроқ гапир?

Мен ютиндим: томогимга нимадир тиқилди.

- Шунчаки нима бўлса гапир ва нуқта қўй.

Мен хўрсиндим:

- Мени кечир, мен шунчаки ярамас бир ҷўчқаман. Мен сенга бу қадар худбинларча муомала

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

құлғаним учун роса уяляпман. Яхиси биз ҳеч қачон учрашмаслигимиз ва мен сенга асло азоб

бермаганим яхшироқ. Сенга ортиқ күзингә күринасында бераман. Штатлардан ҳам

кетаман. Күз олдингда ваъда бераман.

- Мени ҳам кечир, - аччиқ гапирди Жейкоб.

Мен фақат паст овозда гапира олардим:

- Айт-чи, нима қылсам мени кечирасан.

- Агар мен сени кетишингни истамасам-чи? Агар сен ҳаддан ташқари худбин бўлишингга

қарамай кетишингни истамасам-чи? Ахир менда танлаш имкони йўқ.

- Жейк, ҳеч қандай яхшилик чиқмайди бундан. Сен билан қола олмайман, иккимиз буткул

ҳар хил қарашибдамиз. Яхши бўлмайди. Мен фақат сенга азоб бераман. Сенга азоб берсам

ўзимдан нафратланаман! - мен бўшашиб қолдим.

Жейкоб хўрсинди.

- Бас қил. Ҳеч нима дема. Мен ҳаммасини тушунаман.

Мен уни соғинишишимни айтгим келди, аммо тилимни тишладим: бундан яхши нарса

чиқмасди.

Жейкоб бир дақиқача шундоқ турди. Мен эса уни тинчлантириб қучоқлаб олгим келиб

кетди, яна тинчландим.

Ва шу онда у тезлик билан бошини ўғирди.

- Нима фақат сен ўзни қурбон қиласанми, - хириллоқ овозда деди у. - Бу ўйинни

иккалашиб ўйнаса ҳам бўлади.

- Нима?

- Мен ҳам айбдорман. Нега энди ҳамма нарсани мураккаблаштириши керак? Мен бошидан

таслим бўлишим керак эди. Мен ҳам сенга азоб бердим.

- Бу менинг айбим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Йўқ, Белла, ҳамма гуноҳни ўз елкангга олиш керак эмас. Ҳамма шон-шуҳратни ҳам

албатта. Мен айбни қандай ювиши биламан.

- Сен бу билан нима демоқчисан? - қорамтир кўзларидағи телба ёрқиндан чўчий бошладим.

Жейкоб қуёшга қаради ва жилмайди.

- Пастда мана-мана деганда жиоддий олишув бошланай деб турибди. Мени рўйҳатдан осонгина ўчириши мумкин.

Унинг сўзлари менинг онгимга қаттиқ кириб борди ва даҳшатли тарзда қаршимда турган

одамни бир лаҳзада йўқотиб қўйишшимни англадим. Жейкобнинг ўз ҳаётимдан ўчиришимни

тасаввур этгандан кўра юрагимга тиғ санчиганим маъқул эмасми.

- Йўқ, Жейкоб, йўқ! Фақат бундай қилма! - мен даҳшатдан ох тортуб юбордим. - Керак

эмас, Жейк! Илтимос, бундай қилма! - тиззаларим қалтиради.

- Белла, энди нима фарқи бор? Ҳаммага яхши бўлади. Ва сени ҳам кетишинг шарт

бўлмайди.

- Йўқ! - янада баландроқ қичқирдим мен. - Йўқ, Жейкоб! Мен руҳсат бермайман!

- Хўши қандай қилиб мени тўхтатиб қоласан? - жилмайиб қаради ўзидағи қўполликни

сидириб ташлашга унинг кучи етмасди.

- Жейкоб, ўтинаман. Мен билан қол! - агар ҳозир жойимдан қимирласам ерга йиқилишим аниқ.

- Сен билан ўн беш дақиқа қолиши ва яхшигина жсангни бой бериш-ку? Мендан қочиб

кетганинг билан мен сог саломат эканимга қандай ўзингни ишонтирасан? Мени мазаҳ қилма.

- Мен қочмаяпман. Мен ўйлаб кўрдим. Ҳар доим муроса йўлини топиш мумкин. Кетма!

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- *Фақат алдаяпсан.*
- *Алдамаяпман! Биласан-ку алдаши билмайман. Кўзимга қара.*

Мен кетмайман, агар мен

билин қолсанг.

Жейкоб тундлашиди.

- *Ва мен сенинг тўйингда гувоҳ бўламанми?*

Бир лаҳзага гапиришдан қолдим.

- *Илтимос! - фақат шуни айти олдим.*

- Шунақа деб ўйлаган эдим, - жавоб берди у. Унинг юзи яна газабга кирди, аммо кўзида

олов чақнарди. - Белла, мен сени севаман, - деди у.

- Мен ҳам сени яхии кўраман, Жейкоб, - зорлангандек нола қилдим мен.

У кулди.

- *Буни сендан яхии биламан.*

Ва ортига қайтиб кетмоқчи бўлди.

- Нима хоҳласанг, - таслим бўлган оҳангда инградим. - Жейкоб, сўра, нима истайсан, фақат кетма!

У секин ўғирилди.

- *Менимча сен жиоддий айтмаяпсан.*

- *Тўҳтасанг-чи! - ялиндим.*

У боши иргади.

- *Йўқ, кетмайман. - секинлашиди, қарор қабул қилаётгандек эди.*

- Мен буни тақдирга

қўйишим мумкин.

- *Қандай? - изтироб билан сўрадим.*

- Мен атай бирор нима қилмайман. Жоним борича тўдам учун олишаман, кучим

қолмагунича. Қолгани пешонамдан. - у елка қисди. - Агар сен шунчаки мени қўндириласдан

ҳақиқатдан ҳам шуни ҳохлаётганингни исботласанг балки қайтиб келарман.

- *Қандай? - сўрадим.*

- *Хмм, сен мендан сўрашинг керак.*

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Қайтиб кел, - пичирладим.

Наҳотки у менинг самимилигимга ишонмаса?

Жейкоб бошини чайқаб тиржайди.

- Мен буни назарда туттадим.

Мен у нима истаётганини бир лаҳзадан сўнг тушуниб етдим, у менга катта эътибор билан

тиклишидан ҳам осон сезса бўларди. Бу ҳаёл миямга келганида эса ўйлаб ҳам ўтирмаӣ

сўрадим:

- Жейкоб, мени ўпасанми?

У ҳайрат билан қаради ва шубҳаланди.

- Сен ҳазиллашаяпсан.

- Жейкоб, мени ўп. Ўп, кейин эса яна қайтиб кел.

У иккиланиб турди. Ғарбга бир қараб, сўнг менга қаради. Аммо жойидан силжимади. Аммо

секин мен томон юриб келди ва юзимга қараб турди.

Мен унга кўз ташламадим ва менинг юзимда қандай ифода акс этаётганига ҳам парво

қилмадим.

Жейкоб янада менга яқинлашарди.

Мен уни вазиятдан фойдаланади деб ўйладим. Мен буткул ҳаракатсиз, кўзларим юмуқ,

қўлларим мушт бўлиб тугилган ва ортимга эгиб олганман. Мен кумтар эдим.

Жейкоб менинг юзимни ушлаб ўзига тортди, бу гўё зўрлашга ўхшаб туюларди.

Унинг лаблари менинг митти қарама қаршилигимни сездими жаҳпланиб ҳаракат қила

бошлиди, бир қули билан бўйнимни ушлаган, бошқаси билан эса елкамдан тутиб ўзига тортди.

Менинг қўлимни тутиб ўзининг бўйнига ўтказди, мен уни тортниб олмоқчи бўлсам ҳам бундай

қилмадим. Аммо муштим ҳамон тугилган, мен Жейкобнинг ҳаёти учун ўзимни қурбон эта

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

олардимми? Аммо унинг майин ва қайноқ титраётган лаблари мендан жавоб кутаётгандек талпинарди.

Мен унинг бўйнидан қўлимни олмаётганимни кўргач у қўлини баданимдан пастга тушириб

янада ўзига тортиб силаб сийпалай бошлиди-ки, бу менга ёқа бошлиди. У лабимдан лабини

олганида мен ҳали унинг ўпичлари тамом бўлмаганини сездим. У энди юзимни, яноқларимни

ўпа бошларкан, шартта иккинчи қўлимни ҳам бўйнидан ўтказиб олди.

Иккала қўли билан ҳам менинг баданимни маҳкам қучоқлаганича у менинг қулоқларимни

топди ва эҳтиросли лаблари билан шивирлади.

- Белла, сен бунданда кўпрогига қодирсан, - харсиллади. - Кўп ўйлаб ўтирма.

У менинг қулоқларимни тишилаётганини ҳис этдим.

- Ана энди яхши, - пишиллади у. - Ҳеч бўлмаса бир марта эҳтиросларингга эрк бер.

Мен бошимни ликиллатдим. Жейкоб яна менинг бўйнимни силаб тўхтатмасликка уринди.

- Сен аниқ мени қайтишишимни истайсанми ёки ўлиб кетишишимни? - заҳарҳандалик билан сўради.

Мени ғазаб қамраб олди: бу адолатдан эмас!

Мен жсаҳл билан унинг сочларини узгудек бўлиб тортма бошладим, у эса буни эҳтирос деб

йўйдими ёки мени рози деб ўйладими яна суйкала кетди!

Қалтироқ тутгандек титраб у мени яна қаттиқ бағрига олиб ўпа кетди, иккинчи қўли билан

эса яна ортимдан маҳкам ушлаб ўзига тортиб турарди.

Қаҳр-ғазаб олови унинг ўзига бўлган ишончи ёнида ожиз қолдими ёки тақдирга тан бериш

деб шуни назарда тутишганми, унинг ўтли қайноқ лаблари лаззати менинг танамни миямдан

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ўчириб ташлади. Ва мен унинг бўсасига жавоб қайтардим.
Авваллари Эдвард билан

ўпишганимдек қўрқиб ёки эҳтиёт чегарасидан чиқмасдан эмас,
ошкора буткул қутуриб аниқ ва
қайнаб ўпиша кетдим...

Менинг бармоқларим унинг соларини силар, энди ўзим уни
багримга қаттиқ тортдим.

Жейкоб буткул мени қамраб олганди. Майин ва роҳатижон
офтоб нури бутун борлиқни
эгаллаган эди.

Бошимнинг қайсиdir бурчагида чалажсон ётган миттигина
миямда ҳамон қаршилик

кўрсатиши деган садо бонг ураг, аммо нега унақа қилишим
керак, ахир менга бу жуда

ёқаянти-ку? Мана шу лаззатли ва таскин берувчи ўйлар уни
янада учирив ташлар, энди эса мен

уни янада қаттиқроқ бағрига шўнгешини, янада қайнокроқ
таассуротни истаётганимни сезиб
қолдим.

Аҳмоқона саволлар. Мен энди жавобни билгандекман: чунки
шунча пайтдан бери ўзимни
алдаб келганман.

Жейкоб ҳақ - ва анча олдин бу ҳақида айтган эди: у менга
дўстдан кўра яқинроқ. Айнан шу

сабаб ҳам у билан видолашиб қийин эди. Менимча мен уни
севаман. Уни ҳам. Уни ҳам худди

удек севаман. Бунга қодир бўлмагандек, ўзимнинг ҳисларимни
унга лойиқ эмасдек севаман. Ва
иккисини ҳам азобга қўяётган мудхии севгини туяман.

Қолган нарсаларга эса тупуриш керак - ҳаммасига, фақат
унинг азобига эмас. Менинг

азобларимга ўзим сабабчиман. Менимча энди умрбод азобда
қолсан керак.

Ва шу онда биз бир бутун бўлиб қолдик. Унинг дарди меники,
меники эса уникига айланди,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

энди унинг қувончи ҳам менинг қувончимга айланади. Мен ҳам бу азобли баҳтдан баҳтиёр бўламан.

Фақат бир лаҳза мен ёшга тўлган кўзларимни очганимда буткул ўзгача келажакни кўрдим.

Мен гўёки Жейкобнинг фикрларини ўқидим ва мен айнан нимани йўқотиш им мумкинлигини

ва нимани асраб авайлашимни кўрдим: негадир Ла-Пуш қирғози бўйида эмишман, дадам ва

онам шунингдек, Билли амаки ва Сэм ҳам бор эмиши; йиллар ўткан сари қандай қилиб уларнинг

қариётганини ҳам кўрдим; мени ҳар доим ҳимоя қилишига тайёр улкан бўрини кўрдим. Ва яна

бир сонияга бўлса ҳам иккита қора соч болакайларнинг менга таниши ўрмон ичидаги шаталоқ

отиб ўйнаётгани кўриниб кетди ва кўрганларим тарқалганида эса уларга қўшилиб рўё ҳам йўқолди.

Ва ниҳоят мен юрагимдаги ёриқ бир умрга мени тарқ этганини ҳамда митти бўлакча

бутундан айрилганини сездим.

Жейкобнинг лаблари менинидан олдин тўхтади. Мен кўзимни очдим ва у менга ҳайрат ва

қувончдан қараб турганини кўрдим.

- Мен кетишим шарт, - пицирлади у.

- Йўқ!

Жейкоб менинг жавобимдан мамнун жилмайди.

- Кўпга эмас, - ваъда берди. - Аммо бошланишига...

У яна менга суйкалиб ўпди, мен ҳам қаршилик қилмадим. Энди нима фарқи бор қаршилик қилмоқни?

Аммо бу сафар бўса бошқача эди: Жейкоб майингина менинг юзимни кафти билан олиб

қайноқ лаблари юмшиоқ ва уятчанг ўпич берди. Ёш болаларча, аммо жуда ширин бўса. Жейкоб

мени бағридан бўшатаркан, бир қаттиқ қисди ва пичирлади: -
Бизнинг биринчи бўсамиз мана

шунақа бўлиши керак эди... Ҳечдан кўра кеч яхии. Унинг
кўксига юзимни яшиарканман мен
кўз ёшларимга эрк бердим.

XXIV боб. Кескин қарор

Мен юзимни тўшакка босганча жазойимни кутиб ётардим.
Қанийди қор кўчкиси бошлиниб

мени ўзи билан супуриб кетса. Ўзимни ортиқ кўришини, тирик
бўлишини истамас эдим.

Ҳеч қандай садо унинг яқинлашганини билдирамади: Эдвард
қаердандир пайдо бўлди-да

секингина пахмоқ соchlаримни силади. Мен айборларча
титрадим.

- Аҳволинг яхшими? - ҳавотирланди у.

- Йўқ. Ўлишини истайман.

- Бу ҳеч қачон бундай бўлмайди - мен бунга йўл қўймайман.

Мен инградим.

- Эҳтимол, ўйлаб кўрарсан, - пичирладим мен.

- Жейкоб қани?

- Ялангликка кетди, - деб бошимни ҳам кўтартмадим.

Жейкоб оёғида тура олмай шодланганича «Мен тез орада
қайтаман!» деб деярли қалтирас,

бўрига айланишига тайёр эди. Энди бутун тўда нима содир
бўлганини билиб олади. Сет

Клируотер, даладаги ҳар қадамиши текширас экан, қилган бор
хатти-ҳаракатимни сезган.

Эдвард бир дақиқага жисм бўлди.

- Мана бўлмаса! - нихоят оғир бир оҳангда гапирдики, мени
ростан ҳам қор кўчкиси босиб

кетгани афзалроқдек туюлди!

Мен унга кўзимнинг четидан тикилиб туарканман у
аллақаерга тикилиб қолганича оҳиста

эшишиб туарди - у буларни эшишибаслиги ва билмаслиги учун
бутун боримни беришига тайёр

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

эдим! Мен юзимни яна беркитиб ётдим.

- Яна фақатгина мен гирром ўйнаётганмишман! - кучсиз ҳайрат билан тан олди у. - Агар

Жейкоб билан солиштирганда мен айбсиз фаришта бўлиб қоламан-ку! - Эдвард менинг

ёногимни силади. - Мен сендан жаҳлим чиқмади. Жейкоб мен ўйлаганимдан кўра айёрроқ

экан. Рости афсусланганим сен ўзинг ундан сўрабсан.

- Эдвард, - пичирладим мен унинг юзига қарай олмасдим. -

Мен... мен...

- Шиши! - унинг бармоғи юзимни силарди. - Мен бундай демадим. У барибир ўпарди сени -

фақат иғво қилишлари мени қонимни қайнатаяпти, шу сабаб энди уни тишини синдирмасам

гуноҳ бўлар!

- Иғво тарқатаяпти? - ўйламай пичирлаб юбордим.

- Белла, наҳотки ўйламагандинг, ростанам уни шунақа яхши одам деб ўйлайсанми? У

ростанам бизнинг баҳтли бўлишишимиз учун ўзини жсангда қурбон қиласди деб ўйлаганимдинг?

Мен секин бошимни кўтардим. Эдвард сабр билан қаради: унинг кўзларида менга лойиқ

бўлган жирканиш эмас, қанақадир тушуниш бор эди.

- Ҳа, ишондим, - дедим ва бошимни ўгирдим.

Энг қизиги мен Жейкобнинг ёлғонидан ғазабланмадим: менинг руҳимда айни пайтда ўз

ўзидан нафратдан ўзга ҳисга жой қолмаган эди.

Эдвард яна оҳиста жилмайиб қўйди.

- Сен ўзинг ёлғон гапира олмайсан, шу сабаб бироннинг ҳам ёлғонини ҳам сеза олмайсан.

- Нега мендан дарғазаб эмассан? - пичирладим мен. -

Нафратланмайсанми? Сен ахир тўлиқ

бўлиб ўтган воқеани билмасанг керак?

- Менимча мен ўзимга етарли тасаввурни билиб олдим, - беғам гапиради Эдвард. - Жейкоб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

хом калласида жуда ёрқин манзарани акс этиб ўрганган, мен учун ҳам тұда учун ҳам ёқимсиз

манзарани. Бу хатто шу қадар бемаъни тасвирларки, бечора Сем қусиб юборишга сал қолди.

Аммо энди Сэм Жейкобни жиiddий қарашига мажбур қилади.

Қандай дахшат! Мен күзимни юмиб бошимни чайқадим. Қалин нейлон мато теримни
тирнади.

- Сен шунчаки одамсан холос, - тицирлади Эдвард ва яна менинг юзимни силади.

- Бу мен эшиштган эңг ишончсиз изоҳ!

- Белла, аммо оддий қараганда сен одамсан. Ва қайсибир жиҳатдан олғанда у ҳам одам. Ва у

сенинг истак-эҳтиёжларингни тұлық қондира олишини тушиунаман.

- Ёлғон! Айнан мана шу сабаб қылган ишиимни оқлааб бўлмайди.

Ҳеч қандай истак йўқ, ҳеч

қандай эҳтиёж йўқ.

- Белла, сен уни севасан, - майингина гапирди Эдвард.

Бутун танам эңг митти ҳужайрамгача тўзгиб кетди.

- Сени кўпроқ севаман, - жавоб бердим.

Ортиқ чидай олмайман.

- Буни ҳам биламан. Аммо... мен сени дардларинг билан ёлғиз ташлаб кетганимда айнан

Жейкоб сенинг ярангга дармон бўлган эди. Албатта бундай шафоатдан иккингизда ҳам асорати

қолган. Ва бундай яралар осонгина тузалмасди ва унинг хислати кучли эканки сенга ёрдами

катта, буни назардан қочирмаслик керак. Бу менинг айбим, мен сенга катта азоб ташлаб

кетдим. Кечирим сўраш керак бўлса мен сендан кечирим сўрашим керак менимча.

- Мен сенинг барибир ортингга қайтишингни билганман, шу сабаб айбдор санашини бас қил.

Илтимос бас қил... мен эшишишини истамайман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Унда нима эшишини хоҳлайсан?
- Мени билган билмаган барча тилларда энг ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб сўкишингни,
кейин эса мени энг жирканч деб атасанг-у кетиб қолсанг. Мен сени ортингдан тиззалаb ўтириб
йиглаб ёлворишга мажбур қилсанг.
- Узр, - ҳўрсинди у. - Мен ундаи қила олмайман.
- Унда мени тинчлантиришини бас қил. Мени азоблантири. Мен бунга арзийман.
- Йўқ, - деди у.
Мен бошимни секин чайқадим.
- Сен ҳақсан. Мана шундай саҳоватпешалигингча қол. Бундан баттари ҳам бўлиши мумкин
эди-ку.
Эдвард жим бўлиб қолди.
- Анча яқин, - алжирашим.
- Ҳа, бир қанча дақиқа қолди. Ва айнан яна бир нарсани айтиб олишимга имконим бор...
Мен жим ўтириб эшишта бошладим.
- Мен сенга ҳеч қандай ҳиммат кўрсатмадим, - ниҳоят пичирлади Эдвард. - Мен сени
иккимиздан биримизни танлашга мажбурламайман. Шунчаки баҳтли бўлсанг бас. Сен менинг
бутун бир борлигимни қабул эт ёки бир парчами, барибир сен баҳтли бўлсанг бас. Ва шундай
экан, сен мени танлашинг учун мажбур эмассан. Бу сенинг қароринг.
Мен тезда ўрнимдан тураман деб тиззамда турдим.
- Нималар деб ташаяпсан-а! - чинқирдим мен.
Эдвардинг кўзларида катта-катта ҳайрат ифодаси пайдо бўлди.
- Йўқ, сен тушунмадинг! Белла, мен сени хотиржам қилиш учун айтмаяпман, ростанам
шундай деб ўйлайман!

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Буни шусиз ҳам биламан, - инградим мен. - Нега менинг қарорим курашга айланиши мүмкін экан-а? Яна қанақанги ўзни қурбон қилиш? Курашсанғчи!

- Қандай қилиб? - сўради Эдвард, унинг чехрасида ажиб бир туйғу акс этди.

Мен тиззалаб унинг ёнига етиб келиб, унинг қўлини тутдим.

- Менга фарқи йўқ. Бу ер совуқ бўлса ҳам, мендан кўпнак ҳиди келиб ётган бўлса ҳам, менга

фарқи йўқ! Ҳаммасига тупурдим... Мен ўзимни маҳлуқ деб билишимдан мени ҳалос эт. Уни

унутишимга мажбур қил. Унинг исмини унутишимга ҳам мажбур қил. Таслим бўлма!

Мен унинг қарорини ҳам кутиб ўтирудим - менга ўхшаган қаттиқ ва енгилтак маҳлуқ

керакмаслигини айтишига ҳам имкон қолдирмадим. Шартта мен унинг музли лабларига

лабимни босдим.

- Хей секинроқ, азизам, - деди у менинг эҳтиросли бўсаларимдан нафаси қайтиб кетиб.

- Йўқ! - мен ноз қилиб тихирлик қилдим.

Эдвард юмишоққина бўлиб мендан бир қарич узоқлашиди.

- Сен бирон нимани исботлашинг шарт эмас менга.

- Мен исботламаяпман. Сен ўзинг истаган бўлагингни олишим мумкинлигини айтдинг-ку.

Мана мен шу жойингни истаяпман! Албатта бошқа жойларингни ҳам.

Менинг бу жазавали эҳтиросим уни ҳам ҳаяжонга солди. Танам буткул ўйлашни бас қилдимми шартта унга ёпишиб олдим.

Эдвард мени ўз вақтида ахмоқлик қилишдан зўрга тўхтатиб қолди ва қўлларимни ушлаб олди.

- Ҳозир буни мавриди эмас, - деди Эдвард.

- Нима учун?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Агар Эдвард ўзини шунақа ақлли ва сокин тутса мен ўзимни ҳам тийганим маъқул - мен қўлларимни тийдим.

- Биринчидан, бу ер жуда совуқ. - Эдвард тўшакни тўғирлаб мени ўтқазди.

- Ҳечам-да! Вампирлар учун бу қилмишинг вижонсизлик.

- Хўп шунақа бўла қолсин, - деди Эдвард. - Совуқ - иккинчидан ҳам. Учинчидан эса...

сендан шу қадар бадбўй кўппак ҳиди тарагаяпти-ки. - у бурнини жийирди.

Мен хўрсиндим.

- Тўртинчидан, - пицирлади у қулогим остида, - Биз албатта уриниб кўрамиз. Мен сўз

бераман. Аммо буни Жейкоб Блэкка қасдма қасдига қилишини истамайман.

Мен уялиб юзимни унинг кўксига яширдим.

- Бешинчидан эса...

- Бунчалик узун рўйхат бўлмаса! - пишириб қўйдим.

Эдвард кулди.

- Ҳа, ялангликда нима бўлаётганини билишини хоҳлайсанми?

Шу пайт Сет ташқарида ириллаб қўйди.

Мен титраб кетдим - мен хатто чап қўлим мушт бўлиб тугилиб, тирноқларим бинтга

санчилаётганини ҳам сезмабман.

- Белла, ҳаммаси яхши бўлади, - ваъда берди у. - Бизнинг тарафда тажриба, тайёргарлик ва

кутилмаганлик усули бор. Ҳаммаси жуда тез тугайди. Агар мен бунга ишонмаганимда ҳозир бу

ерда хотиржам ўтирасдан пастда бўлардим.

- Элис шунақа миттигина-ки! - инградим мен.

- Ҳа, бу камчиликдир, - хмилаб қўйди у. - Аммо ким ҳам уни тутма оларди.

Сет хуштак чалгандек ув тортди.

- Нима бўлди? - жазава билан сўрадим мен.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- У биз билан қолишига мажбур қилишгани учун дарғазаб. У түдә унинг фойдаси учун ҳам

жангга қўйишмаганини билади, аммо у жуда ҳам жангда қатнашгиси келаяпти.

Мен хўмрайиб ташқари тарафга, таҳминан Сет турган томонга қарадим.

- Янгилар изнинг охиригача етиб келишибди - бундан ҳам яхшироқ иш бўлиши мумкин

эмас, Баракалла Жаспер! Улар ялангликдаги сенинг ҳидингга ишониб икки гурухга

бўлиншиди, худди Элис айтганидек, - Эдвард, кўринмас тарафга қараб ўзича валдирай кетди. -

Сэм бизни айланма йўл билан ҳамлага бошлаяпти. - Эдвард «биз» сўзини ишлатганида шу

қадар ҳаяжон билан айтди-ки.

У бирдан менга қаради:

- Белла, нафас олишини эсдан чиқариб қўйма!

Мен қийинчилик билан унинг маслаҳатини қилдим. Шундоқ чодир ташқарисида оғир,

аммо бир текис эшиштилаётган Сетнинг нафаси таралди.

У гўё кислород етишимасдан ўзидан кетиб қолмаслик учун ҳам нафас олиши керак эди, мен ҳам.

- Биринчи гуруҳ майдонда. Биз жанг садоларини эшиштаяпмиз.

Мен тишишни тақиллатдим.

- Биз Эмметтни эшиштаяпмиз, - кулди Эдвард. - У роса хурсанд!

Мен ўзимни Сетдек нафас олишига ўргатдим.

- Иккинчи гуруҳ ҳужум қилишга тайёрланаяпти: ҳали бизни пайқашмади.

Эдвард ингради.

- Нима бўлди? - оҳ тортиб юбордим.

- Улар сен ҳақингда гаплашишяяпти. - Эдвард тишиларини қарсиллатди. - Уларни кимдир

сени йўқ эканингга ишонтирмоқда... Баркалла, Ли! Жуда тез ҳаракат қилди у, - қўшиб қўйди

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Эдвард. - Янгилардан биттаси сенинг ҳидингни топган экан,
Ли ундан олдин ташланиб ҳалиги

бурилгунича ҳамла этибди. Сэм биргалашиб уни
тинчтишибди. Пол ва Жейкоб яна биттасини

ушилабди, аммо энди қолганлар ҳимояланишига киришилар. Улар
бизни кимлигимизни

тушуниша ҳам олишимаяпти... Улар бизнинг заиф жойимизни
излашацияпти... йўқ Сэм кўриб

турибди ҳаммасини Оёқ остида ўралашманг..., - ғўнгиллади у. -
Уларни ажратиб юборинг ва

орқангизга ўтиб олишига йўл қўйманг.

- Уларни дала четига ҳайдаб бориши яхшироқ, - қўшиб қўйди
Эдвард.

У ҳам асабий инграф турар, шу тонда жсангга жуда ҳам
қўшилгиси келарди.

Биз қўлларимизни тутиб турардик, бармоғимиз бир-бирига
чувалган эди. Худога шукур

Эдвард ёнимда, пастда эмас!

Кутимаган барча овозлар орасида битта ягона
огоҳлантирувчи овоз янграб ўтди.

Сетнинг нафаси тўсатдан тинчиб қолди - ва мен буни ҳис
қилдим, чунки мен у каби бир

зайлда нафас олаётгандим-да. Мен ҳам нафас олишдан
тўхтадим: қанчалик қўрққанимни

Эдвард ҳам муздек қотиб қолиб кўрсатиб турарди.

Вой! Йўқ! Фақат бу эмас!

Кимдан айрилдик? Биздан ким, бўриларданми? Ҳаммаси
меники, ҳаммаси меники. Мен

кимидан айрилдим?

Ҳаммаси шу қадар тез содир бўлди-ки. ҳеч нимани тушунмай
қолдим. Чодир титраб кетди,

оёққа турдик. Наҳотки Эдвард ташқарига чиқиши учун чодирни
ёрган бўлса? Аммо нима учун?

Мен ёруғ нурдан кўзим қамашиб кетганди. Мен фақат Сет ва
унинг бурнига яқин ерда

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

турган Эдварднигина кўра олдим. Узоқ давом этган бир сония ичида улар диққат билан

бир-бирига қараб туришиди. Қуёш Эдвардинг териси ва Сетнинг жунлари аро сирганиб камалакдек жилоланди.

- Бўла қол, Сет! - буйруқ бергандек пичирлади Эдвард.

Улкан бўри ўрмонга қараб чопиб кетди.

Вақт жуда секин ва даҳшатли тарзда чўзилиб кетди. Шу онда мен Эдвардан мени ўша ерга

олиб боришини талаб қилишига шай тууродим. Уларга керак, мен ҳам керакман. Агар уларни

асраб қолиши учун қонимни тўкилиши керак экан. Мен учинчи рафиқа каби ўзимни қурбон

этишига шайман. Кумуши ҳанжар менда йўқ, аммо нимадир ўйлаб топаман.

Овоз чиқаришга ҳам улгурмай қолдим. Мен хавода учиб борардим. Эдвард мени қўлимдан

тутиб олдинга талпиниб борарди.

Эдвард мени ортига қояга тирааб олди-да, менга таниши бўлган ҳимояга туриб олди.

Устимга тепадан тошлиар тўкилди - юрагим қаёққадир беркиниб олди.

Демак мен ниманидир адаштириб қўйдим!

Қандай яхии, ялангликда ҳаммаси яхии.

Вой, ойижсон! Ҳавф-хатар айнан шу ерда экан!

Шубҳа қолмаган эди - Эдвард қўлини олдинга шайлаб тикилиб қотиб турарди. Мени

даҳшат қамраб олди. Елкамга ишқаланиб турган ортимдаги қоя Эдвард бир пайтлар Вольтури

жангчиларидан пана қилиши учун ёпиб қўйган қора ёпинчиқни ва қадимиий италия қасри

деворини эслатди.

Кимдир бизга ҳужум қилишига шайланиб турарди.

- Ким? - пичирладим мен.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Эдвард тиши орасидан жуда қаттиқ ириллаң жавоб
қайтарди-ки, демак яширинишига

кечикканмиз, шу сабаб ошкора гапиради. Бизни бурчакка
тақаб қўйишган, шу сабаб бемалол

Эдвардинг гапларини эшиштардилар.

- Виктория, - жирканиб айтди у. - Ба у ёлғиз эмас. У менинг
ҳидимни исқаб майдонга

чиққан, аммо мени жанг майдонида топмагач, мени ҳидим
бўйлаб бу ёққа келган. У сени мен

билан биргалигинги англай олган. Сен ҳақ экансан. Янгилар
қўшини ортида турган шу экан.

Ҳаммасининг сабабчиси мана шу Виктория.

Виктория шу қадар яқин атрофда эдики, Эдвард унинг
фикрларини эшишта оларди.

Мен яна енгилгина хўрсиниб қўйдим: агар Вольтуридагилар
келишганида эди, унда бизга

қийинроқ бўларди. Аммо Викторияга иккимиз керак эмас.

Эдвард бу қамалдан чиқиб кета

олади. У Жаспер каби яхши жангчи. Агар унинг янгилардан
жангчиси кўп бўлмаса Эдвардинг

бир ўзи бас кела олади. Ахир ҳаммадан тез, у бас кела олади.

Эдвард Сетни жўннатиб юборгани қандай яхши бўлди!

Албатта ёрдам бўлса яхши бўларди:

Виктория жуда қулай пайтни танлабди ўзиям. Аммо бошқа
тарафдан энди Сет ҳавфсизликда.

Уни ўйлар эканман оқииш сариқ жунли улкан бўрининг кўзларида
миттигина ўн беш ёшли

болакайни кўрдим.

Эдвард деярли олдинга отилишига таҳт бўлиб турар, мен ўрмон
аро чиқиб келаётган қора

сояларни мен ҳам кўрдим.

Ниҳоят тушиларимдаги даҳшат ўнгимга кўчди. Иккита
даҳшатли тарзда чақнаб турган

вампир оҳиста шошилмай чиқиб келишиади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Оппоқ бадан йигитчани мен зўрга кўриб қолдим. Унинг ёши таҳминан менини билан тенг,

гавдали ва мушакдор бўлса ҳам ҳали ёши эди. Унинг кўзлари ёрқин қизил тусда, аввалари

бунақасини асло кўрмагандим. У менга парво ҳам қилмас, икки кўзини Эдвардан узмас,

ҳамма ҳавф ундан бўлишини у аллақачон англаган эди.

Иигитчадан сал берироқда мендан кўзини узмаётган Виктория қаққайиб туради.

Унинг зарғалдоқ тусли соchlари янада ёрқин тусда товланар - ҳақиқий гулҳангага ўхшарди.

Шамол бўлмаса ҳам унинг соч кокиллари юзини елпиб ўйнареди.

Викториянинг кўзи ташналиқдан ёнареди. Тушимдаги дахшатлардан фарқли равишда

Виктория қўрқинчили кулмасди. Шунчаки лабини қимтиб тишилаб турганди. У худди ўлжасига

имкони бўлиши билан илк ҳамлагага тайёрдек таҳт туради.

Виктория гоҳи менга, гоҳ Эдвардга

кўз ўйнатар, мен ҳам ундан кўз уза олмасдим.

Зўриқиши хатто ҳавода ҳам сезиларди: ўтқир қасос эҳтироси унинг афтидан сезилиб

туради, аммо у нима ҳақида ўйлаётгани менга жуда таниш эди.

Мана у, унинг мақсади икки йил тинимсиз таъқиб этган истаги - энди ёнгинасида турибди.

Менинг ўлимим.

Викториянинг юриши шу қадар аниқ эди. Рангпар йигит Эдвардга ҳужум қиласди, Эдвард у

билан андармон бўлиб қолганда, Виктория мени тинчитади.

Нега энди тезда: аҳмоқона ўйин

ўйнашга вактимиз йўқ. Тез ва тўсатдан. Хатто вамир заҳри ҳам кор қилмайдиган усул билан

тинчитади.

Юрак шу қадар тез урадики - мана мен! Энди мени дарров таниб олса бўлади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Қаердадир жуда узоқда зулматли ўрмон ичидан бўрининг увиллагани эшитилди. Сет кетди,
энди нима бўлишини ҳеч ким билмайди.

Рангпар йигит Викторияга қараб унинг буйругини кутарди.

Ҳа, у ҳали жуда ёш йигитча эди - унинг вамири бўлганига унчалик кўп бўлмаган, чунки

терисида ҳали ҳамон қизғиши ранг акс этиб туради. Кучли, аммо тажрибасиз. Эдвард буни фарқлай олади.

Виктория оҳиста ияги билан болага Эдвардни им қилди.

- Райли! - ялингандек сўради Эдвард сокин тусда.

Рангпар йигит кўзини катта очганича унга қараб қотиб қолди.

- Райли, ахир у сени алдаяпти-ку, - давом этди Эдвард. - Мени эшишт. У сени ҳам

қолганларни ҳам алдаган. Ҳозир улар беҳудага майдонда ўлиб кетишашапти. Сен ўзинг ҳам

менимча у ёлғон гапираётганини сезгансан ва бошқаларни ҳам сен алдаб айтгансан: сизлар

унга ёрдам беришига ҳаракат қилмагансизлар. Наҳотки у сени шунчаки аҳмоқ қилганини

тушуунмаяпсан?

Райли жум қотди.

Эдвард бир қарич олдинга интилиб кўрди, рангпар ҳам шундай ҳаракат қилиб ортига

чекинди.

- Райли, аслида у сени севмайди ҳам. - Эдвардинг баҳмал овози ишонч билан гапиравди,

худди аврагандек. - Ва ҳеч қачон севмаган ҳам. Унинг севгилисининг исми Жеймс эди, сен эса

унинг оддий қуролисан холос.

Жеймснинг исмини эшитиши билан Виктория мендан кўзини уза олмай қолди.

Райли унга телбалардек қаради.

- Райли? - чақирди Эдвард.

Рангпар йигит тезда Эдвардга қаради.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- У сени ўлдиришиимни билиб ўтирибди, Райли. У сенинг ўлишингни истаяпти, агар сен

ўлсанг ортиқ у мугомбирлик қила олмайди. Ўзинг ахир буни кўрдинг-ку. Истамайгина

қарайдиган кўзлар, сохта сўзлар ва ваъдалар. Сен мутлақо ҳак эдинг. Сен унга керак эмассан:

ҳар бир бўса, ҳар бир тегинии - бари ёлғон.

Эдвард яна бир қарич йигитчага талпинди, қанча унга яқинлашса мендан шунча

узоқлашаётганди.

Виктория бизнинг ўртамиздаги масофага қараб қолди. У бир икки сонияда мени

тинчитиши мумкин, аммо унга янада қулаироқ имкон керак.

Райли ҳам ортига чекина кетди, аммо бу сафар секинроқ.

- Наҳотки шунчаки ўлиб кетишни истасанг, - ваъда бергандек гапирди Эдвард, йигитчанинг

кўзига қараб. - Айнан у буюргандек яшашинг шарт эмас. Райли, ҳаёт фақат қон ва ёлғондан

иборат эмас. Сен ҳозироқ кетишинг мумкин. Нега унинг чўпчаклари учун ўлиб кетишинг

керак?

Эдвард билдиримай у тарафга яна яқинлашиди. Энди орамиздаги масофа бир фум оралиқ бор

эди. Райли эса анча нарига сурилиб кетган эди, Виктория осонгина олдинга отилиши мумкин

эди.

- Райли, сенга сўнгги имконни бераяпман, - пичирлади Эдвард.

Рангпар йигит алам билан Викторияга қаради.

- Райли, у шунчаки алдаяпти, - деди Виктория, унинг товушидан титраб қақшаб кетдим. -

Мен сени огоҳлантирган эдим. У каллангга таъсир қиласи деб, ахир сен биласан-ку, мен сени

севаман.

Унинг бунақа жсангари мушиукдек ўзини тутшишидан овози ҳам шунга яраша бўлса керак деб

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

кутгандим, йўқ, ёш болаларникидек чийиллаб чиқаркан. Худди пушти сақичларнинг

рекламасига чиқадиган оқ сочли ноз ишвали ойимқизларнинг овозидек. Яна тишини

тақиллатганига ўлайми.

Райли бутун баданини силкитиб елкасини керди. Нигоҳи бўм-бўши, ҳеч бир шубха ва ҳеч

бир маъно йўқ эди унда. Рангпар йигит ҳужумга киришганди.

Виктория бетоқат бутун танаси титтарди. Бармоқларидағи тирноклари деярли ялтираб

кетди - шунчаки Эдвард мендан яна бир қаричгина узоклашган ҳам эди.

Бўкирик умуман бошқа томондан янгради.

Улкан оқиши сариқ соя дала ичидан отилиб чиқди-да Райлини судраганича ерга итқитди.

- Йўқ! - кумтилмаган бу ҳолдан ёш боладек инграб юборди Виктория.

Мендан икки қадам нарида улкан бўри ана у рангпар вампирни тишлаб олганича тинмай

силкинарди. Унинг бир парчаси оёғим остидаги тошларга келиб тушибди. Мен ортимга

тисарилдим.

Виктория ҳозиргина севги изҳори қилиб турган йигитчага қайрилиб ҳам қарамади, у

мендан кўзини узолмасди. Унинг нигоҳи шу қадар хафсаласизлик ва тушикунликка тушгандики

у ўзини эс- ҳушини ҳам йўқотаёзганди.

- Йўқ, - деди яна Виктория тиши орасидан ириллаб, менга яқинлашганида Эдвард унинг

йўлинни тўсиб чиқди.

Райли оёғини силтаб бир амалаб мувозанатини тутди-да Сетни орқасига уриб юборди. Суяқ

қисирлагандек бўлди ва орқага ўтиб қолди, Райли олдинга газаб билан ўтиб олганди...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Улардан сал олдинда Эдвард ва Виктория гүё раксга тушгандек ҳаракат қилишарди.

Доира каби айланиб Эдвард уни изидан ўтказмасликка уринар, Виктория эса унинг заиф

томонини топшига уринарди. Эдвард енгилгина унинг қилигини тақорларди. У Викториянинг

ҳаёлини бир сония аввал ўқиб шу каби йўл тутарди.

Сет пойлаб туриб Райлиниг ортидан яна тишлаб унинг бир қисмини узуб олганича ўрмон

томонга итқитиб юборди. Дахшатли ўкирик эшиштилгач Райли газаб билан узилган қўли билан

Сетни урмоқчи эди, Сет чаққонлик билан тисарилиб беркиниб олди - бундай катта ҳайвонга

жуда ҳайратланарли тезлик.

Виктория изига интилиб дарахтлар оралаб даланинг у томонига ўтиб олди. Оёлари уни

ҳавфсиз ерга олиб борсада, кўзини мендан уза олмасди. Унинг назари оҳанграбодек тортиб

турап, ўз жонини асраш ҳисси ўлдириши истаги билан кураш олиб борарди.

Эдвард ҳам буни англади.

- Кетма, Виктория, - деди у ўша авровчи оҳангода - Бундай имкон бошқа бўлмайди.

У чопишидан тўхтаб қолди.

- Сен доим қочишига улгурасан, - секин мижловланди Эдвард. - Вақтинг етарли. Ахир сен

бунга жуда устасан-ку? Шу сабаб Жеймс сени ўзи билан олиб юрган. Сен қачон қочиши

кераклигини бехато биладиган доно эдинг. Аммо сени ўзидан нари тутиб, у бечора катта

хатоликка йўл қўйди. Биз уни ўшандা осонгина Финиксда қўлга олганмиз.

Викториянинг томогидан газабнок ўкирик чиқди.

- Фақат шу сабабгина у сени ушлаб турган. Худди овчи ўз отини ушлаб тургандек. Ўз

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

кучингни сени умуман севмаган одам учун қасос олишга сарфлаш нақадар ахмоқлик! Сен у

учун шунчаки бир буюм бўлгансан холос - буни мен аллақачон билганман. - Эдвард ахмоқ қилгандек кулди.

Дахшатли чинқиригидан сўнг Виктория яна ўрмондан отилиб чиқиб келди ва ёлгондакам

ташланишлар қилиб Эдвардни алдашга уринар, шу топда Эдвард ҳам у билан яна "рақс тушиб кетди".

Шу онда Райли Сетнинг орқасига бир мушт тушируди. Сет унча баланд бўлмаган инграш

билан титраб ерга йиқилиб қолди.

«Худо ҳаққи! - дея Райлига ёлвормоқчи бўлдим, аммо овозим буткул йўқолиб қолганди. -

Ўтинаман! Керак эмас, ахир у ҳали гўдак-ку!»

Нега Сет қочиб кетмаяпти? Ҳозир ҳам кечмас-ку, нега қочиб кетмаяпти?

Райли Сетни итариб юбориб мен томон талпинди. Виктория кутмалмагандага ўзининг

шеригига қизиқиши билан қаради. Мен унинг кўзи остидан мен ва Райли ўртасидаги масофани

чамалаганини пайқадим. Сет Райлини тўхтатиши учун биз томонга талпинди ва Виктория

тиклиб қолди.

Сет ортиқ оқсоқланмай қўйди. Райлига орқамачасига келаркан Эдвардга жуда яқин келиб

қолди, хатто думи унинг елкасига уриларди. Виктория кўзларини пирпиратди.

- Йўқ, у менга ташланмайди, - деди Эдвард, Викториянинг ҳаёлий саволига жавоб бераркан.

Лаҳзадан фойдаланиб унга яқинлаша олди. - Сен бизларни иттифоқчиларга айлантириб

қўйдинг: биз сенга қарши чиқиши учун ҳам бирлашидик.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Виктория тишини тақиллатди ва фақат Эдвардан күз узмасди.

- Яхшилаб қара, Виктория, - деди у ва унинг ҳаёлларини тўзгитишда давом этди.

- Сенинг суюкли Жеймсингни Сибирда қувлаган маҳлуққа жуда ўхшайди-я?

У алам ва газаб билан титраб Эдвардга ва Сетга, кейин менга охир-оқибат яна Эдвардга қаради.

- Нахотки бу бошқаси? - у ириллади ингичка овозда. - Бўлиши мумкин эмас!

- Ҳаммаси бўлиши мумкин, - баҳмалдек гапира кетди Эдвард, унга янада яқинлашаркан. -

Сен хоҳлашингдан ташқари унга эса қўлингни ҳам теккиза олмайсан.

Виктория тезда бошини чайқаб қаршилик қилганича уни кесиб ўтмоқчи бўлди, аммо

Эдвард унинг йўналишини пайқаб йўлини тўсди. Газабланган Виктория яна шерга ўхшаб

ҳаракат қила бошлиди: ташналик билан фақат олдинга интиларди.

Ҳиссиётiga ишонувчи, тажрибасиз янгидан у анчагина, хатто ўлгудек ҳавфли эди. Хатто

мен ҳам Райли ва унинг фарқини сездим. Унга қарши Сет чидаш бера олмасди.

Эдвард ҳам ўз жойидан қўзгалди.

Рақс тезлашиб кетди, худди Элис ва Жаспер ўша кунги ўтлоқда курашгани каби Эдвард ва

Виктория тинмай айланаётган шаклларга айланишиди. Фақат бу ҳақиқий кураши бўлиб мен

кўрган оддий машгулот кураши эмасди бу. Ора-сирада қарсилаган овозлар янграб турар,

фақат айнан ким хато қилганини эса мен оддий кўзим билан илгай олмасдим...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Райли мудхиши рақсга қараб ўз шеригининг аҳволидан ҳануз ҳавотирда эмасми, алаҳсиб

қолди. Олдиндан ташланган Сет унинг бир бўлагини тишлашга улгурди. Аммо оғриқ ва

газабдан қутурган Райли Сетнинг тўёри кўксига тениб юборди ва бечора Сет шундоқ мен

томонга отилиб қояга урилди. Улкан бўри учиб келиб қояга урилди-да ерга беозор қулади ва

хуисиз инграб қўйди. Шу тонда бошим узра майдо тошлиар ва синик қоя парчалари тўкила

кетди. Мен бехос битта синик ўткир тоши бўлагини тутуб қолдим.

Қўлим ортиқ оғримас, муши тўлиб тугилган қўлимда ўткир қирра тоши ачитиб турарди.

Қочишига имоним қолмади. Шу сабаб танам жангга шайланди - қанчалик заифа бўлмай бу

менинг ҳам курашим эди.

Томиримда жасорат кўпира кетди, кафтимдаги шина тимиризикланар, ортиқ азоб бермасди.

Мен Райлининг ортидан кўра олганим фақат шу -
Викториянинг алангали соchlari

силкиниб- силкиниб кетар, иккита оппоқ тана тинмай чирмашиб олиша кетганди. Жаранглаган

садолар янгарар, бу даҳшатли рақс ким учундир фожеали якун топарди.

Аммо айнан ким учун?

Райли менга ёрқин ва қўрқинчили кўзлари билан ташланди. У мен билан ўзи орасида турган

бекор бўрига жирканиб қаради-да, секин тишлаб ташланган қўлидан тирноқларини ўстириб

чиқара бошлади. Тишларини иржайтириб рангпар оғзини катта очиб Сетнинг бўйини тишлаш

учун яқиналаша бошлади.

Иккала ҳужумкорлар ҳам кучлар бўйича тенг эдилар. Сет ўз ўйинини бой берди, яъниким

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ютқазди, энди эса Эдвард ютадими йўқми мана шу мени
ўйлантиради. Шу топда бу
рақибларни чалгитиш учун қанақадир устуңлик топишим шарт
эди.

Мен қўлимдаги тошни шу қадар қаттиқ қисдимки шина
зижирлаб кетди.

Менинг бунга кучим етармикан? Жасоратим-чи? Мана шу
тош бўлагини ўз вужудимга

санча оламанми? Бу эса бўрига имкон берармикан? Менинг бу
қурбонлигимдан Сет ўзига тезда
келиб олармикан?

Мен ўткир тош бўлагини билагим бўйлаб ишқалаб қалин
свитетимни енгини титиб ташлаб

теримгача етиб бордим. Менинг тирсагимда ўтган йилги
туғилган кунимдан қолган чандик

ҳамон турарди. Ўша чандик сабаб бир сония атрофимдаги
ҳамма вампирларнинг юраги

така-пука бўлган эди. Қани бу ҳийлам не қадар иши бераркан.
Мен қаттиқ инграб оҳ тортдим. Ва

чаккалаб қон оқа бошлиди.

Бу оҳдан Виктория тезда менга қаради: сония ичида у
кўзларимга қараб аллақандай газаб ва
қизиқишини сездим.

Бир сонияда жуда ғалати сукунат аро чидаб бўлмас шовқин
янгради, бу менинг ўзимнинг

юрагим, танамда хаддан ташқари баланд садо билан ура
кетди. Хавода жуда таниш ноланинг
садоси келди.

Виктория сонияда менга талпинаман деган маҳал Эдвард ҳеч
нимадан шубҳаланмай қолган

Райлининг қўлидан тутди. Менимча, Эдвард унинг ортидан
келиб ҳамла қилди ва орқасидан
тортди...

Райли бўкирганича отилиб кетди.

Сет оёққа туриб олиб менга ўгирилиб олди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Викториядан ҳамон кўзимни узмасдим. У бояги ҳийламдан сўнг фалаж бўлиб қолгандек,

афтини буриштирган, аммо юзида ўша мудхии тушларимдаги табассумини ва ниҳоят кўрдим.

Виктория сакради ва мен томонга отилди.

Қанақадир оқиши бир ёрқин жилва у томонга отилди ва портлашга ўхшаган садо

гумбурлади. Виктория бошқа дарахтга сакради ва дарахт иккига айрилиб кетди. У ерга сакраб

тушиб яна ҳужумга ўтмоқчи эди, аммо Эдвард аллақачон ўз жойида эди. У тетик ва бешикаст

турарди.

Виктория аламзадалик билан ҳужумига ҳалақит берган нарса қолдирган чуқурга қараб

қўйди. Ўша ғалати нарса мен томонга қараб отилиб келди, мен уни ана шунда билиб қолдим

нима эканлигини...

Мени сал қолса бошимни ёрарди.

Бу ғалати нарсани ушлаб турган бармоқларим музлаб кетди.
Райлиниг узилган қўлини

жон ҳолатда ерга улоқтиридим.

Сет яна дадил ҳамла этиб ана у рангпарни атрофида гир айланади, у оғриқдан бўзариб

кетганича мана бу бўритусдан беҳуда ҳимояланарди. Битта қўлига ишонсада ҳамон ҳимояда

эди. Сет мувозанатини зўрга тутиб турган вампирниг елкасига ташланиб, унинг иккинчи

қўлини ҳам узид олди. Хавода жаранглаган металлча садоси янгради. Сет бошини чайқаган

эди, қўл ўтлар устига учиб тушди.

Бўри тиши орасидан йўталиб, худди хихилаб қулгандақа садо чиқарди.

- Виктория! - ўлим талвасасида ингради Райли.

Виктория унга хатто парво қилиши у ёқда турсин қарамади ҳам.

*Сет анави рангпар вампирга қараб отилиб уни ўзи билан
тишлаганича ўрмон ичига*

*шўнгиди. У ердан тарсилаган ва жаранглаган садолар янграб,
кейин эса тошини бўлаклаганга
ўхшаши ёқимсиз овоз эшишилди.*

*Виктория, ёлгиз қолганини англаб етди, аввало Эдвардан
ҳалос бўлиб олиши керак.*

*Кўзида алами ва умидсиз қараши яраклаб кетди, менга сўнгги
марта ғамгин назар солди-да,
катта тезликда иргишиди.*

*- Йўқ-йўқ, - вангилаб қолди Эдвард қасоскорлик оҳангидা. -
Қаёққа шошаяпсан.*

*Виктория унга бир қараб қўйди-да камон ўқидек ўз жонини
сақлаши учун ўрмонга отилди.*

*Аммо Эдвард тезроқ ҳаракат қиларкан - у ҳам худди милтиқ ўқ
мисол учиб кетди-да*

*Викториянинг ортидан деярли етиб олиб дала ниҳоясида
уларнинг рақси ҳам тугади.*

*Чамамда, Эдвард Викториянинг бўйнидан худди ўпгандек
лабини ботириб олгандек*

*Оловранг сочи бош танасидан ажралди-да ўрмонга қараб
думалаб кетди.*

XXV боб. Кўзгу

*Ҳайрат ва қўрқув билан оёғим остига думалаб келган оловранг
сочи бошга жирканиб*

қараб қолдим. Мен буни ортиқ кўришини истамас эдим.

Эдвард тез ва гайрат билан калласиз танани қисмларга бўлди.

*Мен Эдвардга яқинлашишига журъатим етмасди: оёғим ерга
қаттиқ ботиб қолган, аммо*

*кўзларим унинг ҳар бир ҳатти ҳаракатини кузатиб борарди.
Энг қизиги унинг баданида битта*

*ҳам жароҳат изи кўринмасди: Эдвард олдин қандай кўринган
бўлса ўшандай эди. Ҳатто
кийими ҳам тўзимаган.*

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Қаттиқ құрқиб кетганимча қоя лабида турарканман Эдвард менга бир құр ҳам назар

солмади. Қуруқ хашакларни устига бир уюм ҳамон қимирлаб турған тана бўлакларини

парчаларини йиға бошлади. Кейин эса ўрмонга Сет томонга қараб юра бошлади - шунда ҳам менга қарамади.

Улар ўзимга келиб ўлгурмасимдан қайтиб келишиди. Эдвард Райлиниң қолган қутган

бўлакларини ташиб келтираётганди. Сет оғзида каттагина тананинг бўлагини тишлаб келарди.

Улар барчасини уюлган уюмга ташлашиди ва Эдвард чўнтағидан кумушранг қутича чиқарди.

Ўт ёндиригични хашакка алангалатгач тезда узун олов тиллари чиқиб ўлик таналарни куйдира бошлади.

- Қолиб кетган энг сўнгги сарқитларини ҳам териб келиши керак, - деди Эдвард Сетга.

Вампир ва бўритус биргаликда дала бўйлаб қолган сарқитларни йиғиб гулҳанга отишарди.

Сет тиши билан таширди. Мен тасаввур қилишига уриниб кўрдим, нега у одамга айланиб

қўли билан таший қолмайди.

Иш билан банд бўлиб, Эдвард менга кўз ташламади.

Нихоят улар ишни якунлашиди. Улкан гулҳандан бинафшаранг тутунлар таралар, улар

ҳаддан ташқари қуюқ ва оғир эдикки, ҳиди эса роса бадбўй эди.

Сет яна бўричасига хихилаб куларди, унга қўшилиб ўйчан Эдвард ҳам жилмайиб қўярди.

Эдвард қўлини мушт қилиб қўйди. Сет эса кулгандек ханжарсифат тишларини иржайтириб

бурнини учини Эдвардинг муштига текизиб қўйди.

- Уларни иккимиз болладик-а, - жеди Эдвард.

Сет кулгуга ўхшаи иўталиб қўйди.

Эдвард чуқур хўрсиниб олдида менга ўгирилди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Нега у менга бундай қарайпти? Худди мен ҳам унга душмандек эҳтиёткорлик билан

қарапди. Ҳавфсираб турарди. Ахир Виктория ва Райли олдида бир туки ҳам қилт этмади-ку...

Ўткан ҳодисотлар таассуротида мен ҳамон ўзимга кела билмаганманни юриш у ёқда турсин

бирор нима дейшига ҳам ожиз қолгандим: шунчаки тик турганимча Эдвардга бақадек қараб турардим.

- Белла, қувончим менинг, - анча майин оҳангда гапириб мен томон секин келаркан, қўлини ортига қилиб олганди.

Бу гўё, полициячининг ёнига келаётган шубҳаланган одамнинг айбсизлигини баён этиши

каби ғалати ҳолат эди...

- Белла, илтимос қўлингдаги тошингни ташла. Эҳтиёт бўл, яна шикаст етмасин.

Мен қўлимда турган қуролим ҳақида буткул унумибман - менимча у қаттиқ қисганимдан

синган бармоқларимни яна оғритарди. Наҳотки яна синган бўлса? Бу сафар Карлайл аниқ гипс қўяди.

Мендан бир қанча қадам нарида Эдвард секинлашганича қўлларини ортига солиб ҳавотир билан қараб турарди.

Мен хатто қўлларимни қандай қимирлатишни ҳам унумиб қўйгандим. Кейин тош қўлимдан ерга тушибди, қўлим эса шу таҳлит қотиб тураверди.

Энди Эдвард анча енгил тортиди, аммо яқин келмади.

- Белла, ҳеч нимадан қўрқмасанг ҳам бўлади, - пицирлади у. - Сен энди ҳавфсизликдасан.

Мен сенга азоб бермайман.

Сирли ваъда мени янада беҳушиликка сабаб бўлса эди деб қўрқдим. Мен Эдвардга буткул ақлдан озган одамдек қарадим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Белла, ҳаммаси яши. Биламан сен таҳликаға тушғансан.
Энди ҳеч ким сенга тегина
олмайды. Мен сенга тегмайман, азоб бермайман, - қайтарди у.
Мен пирпирадым ва тилга кирдим:
- Нега тұмықушідек битта гапни қайтараяпсан?
Мен үзимга ишонмагандек бир қалқиб Эдвард томонға юрдим,
у тентакка үхшаб ортиға тисарилди.
- Нима бўлди? - пишиқирдим мен. - Нима ҳақида гапирайпсан?
- Наҳотки сен... - Тилларанг күзларида ғалати ҳайрат ифода
тоди. - Наҳотки сен мендан
кўркмаяпсан?
- Кўрқаман? Сендан? Буни нима деганинг?
Мен яна битта ишончсиз қадам ташлаб у томонға талпиндим
ва қалқиб ерга йиқиламан деганимда Эдвард мени тутиб қолди ва
бағрига босди, мен унинг кўксига юзимни қўйдим-у ҳўнграб йиғлаб
юбордим.
- Белла, кечир мени азизам. Ҳаммаси тугади.
- Ҳеч қиси йўқ, - хўрсиндим мен. - Мен яхшиман. Шунчаки чўчиб
кетдим. Ҳозир үзимга келаман.
Эдвард мени маҳкамроқ қисди.
- Мени кечир, илтимос, - яна ва яна тақрорлади у.
Унга ёпишиб оларканман, нафас олаётганимни ҳис қилдим ва
шартта унинг бўйини, юзини, кўксини ўпа кетдим - қаерга тегина
олсам бас... ўпа кетдим. Миям яна фикрлашини
бошлиди.
- Ўзингга ҳеч нима қилмадими? - сўрадим ўтичларим орасида
тўхтаб олиб. -
Жароҳатланмадингми?
- Менда ҳаммаси яши, - тинчлантириди Эдвард ва менинг
пешонамдан ўпди.
- Сем қалай?
- Бундан аълоси йўқ! Ўзидан шу қадар ғуурланиб юрибди-ки.
- Колганлар-чи? Элис ва Эсми яхшими? Бўрилар-чи?
- Ҳаммаси сог ва саломат. У ерда ҳам ҳаммаси жойида. Мен
айтганимдек шу қадар тез ва текис адo бўлди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен индамай унинг гапини тинглаб ўтирадим.

*Менинг оилам ва дўстларим бехатар энди. Виктория энди йўқ.
Ҳаммаси тугади.*

Энди ҳаммамизга фақат яхши бўлади.

*Аммо яхши ҳабар миямда тургани билан бу ҳали ҳаммаси
ошкор дегани эмасди. Ҳали кўп нарса сирлилигича турибди.*

*- Ана энди айт-чи, нега сендан қўрқиш им керак эди? - буйруқ
оҳангида сўрадим.*

*- Узр. - қизиқ нега узр сўраяпти? - Мен айборман. Сен мени бу
ҳолатда кўришингни истамагандим. Ахир мен сенга даҳшатли
кўринган бўлсам керак.*

*Мен Эдвардинг қўлини орқасига қилиб эҳтиёткорларча менга
яқинлашганини эсладим.*

Гўё у тезроқ ҳаракат қилса мен қўрқиб қочиб кетаман...

*- Жиддий айтаяпсанми? - ниҳоят сўрадим мен. - Сен... нимага?
Сен мени қўрқита оласанми?*

- пиқиллаб кулдим.

*Бу кулганим менинг титраётган овозимни яшириб анча табиий
чиқди. Ва бу эркин жаранглади.*

*Эдвард менинг иягимни тутиб бошимни кўтариб юзимга
қаради.*

*- Белла, ахир мен... - жимиб турди-да, сўнг гапини тугатди: -
Ахир мен кўз олдингда онгли мавжудотни ўлдирдим. Наҳотки сен
бундан қўрқмаган бўлсанг? - у хўмрайди.*

*Мен елка қисдим. Елка қисиши ҳам яхши: бу менга баривир деган
эркин ҳаракат.*

*- Ҳеч ҳам. Мен фақат Сетдан ҳавотир олдим. Унга ёрдам
бўлсин деб қўлимдан келганини қилдим... - мен унинг юзида
кутилмаган заҳархандаликни кўриб жимиб қолдим.*

*- Ҳа. Бу тоши билан қилган қилғилигинг! Сен мени сал қолса
юрагимни ёриб ўлдирардинг?*

Бунақа ишларни қилиши ярамайди!

Унинг жаҳлдор сўзлари менинг томогимдан бўғгандек бўлди.

- Мен ёрдам бермоқчи эдим... Сет ахир жароҳатланганди...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Сет барибир ўз жароҳатини ўзи тузата оларди! Бу бир ҳийла эди. Сен бўлсанг – Эдвард бошини лўқиллатиб гапини тугатишга сўз излади. - Сет сен нима қилганингни кўрмай қолди, шу сабаб ўзим арашишига тўғри келди. Мана энди у Райлини бир ўзи гумдон қила олмаганидан бироз хафа.

- Сет... тузала оладими?

Эдвард қуруққина бош чайқади.

- Бўлмасам-чи...

Биз иккимиз Сетга қарадик, бизга эътибор бермасликка уриниб гулҳанга қараб ўтиради.

Унинг ҳар бир туки ўзига бўлган ғуурур ва мамнунилардан ялтиради.

- Мен қаердан билиб ўтирибман? - ўзимни оқладим. - Ўзимни мана шу бўлаётган жараёнда жим-жит ҳаракатсиз гувоҳ бўлиб ўтиришини истамадим-да. Ҳали қараб тур, вампир бўлиб олай, катта жангларни ўзим уюштириб бераман!

Эдвардинг юзида кучли ҳислар гирён ура бошлади. Нихоят ҳайрат устун келди.

- Катта жанглар? Нима сен янги уруши очмоқчимисан?

- Йўғ-а, ҳазил-ку бу? Шунчаки!

Эдвард ҳўмрайди, аммо мен унинг еттинчи фалакда учиб юрганини сездим. Иккимизнинг ҳам бошимиз баҳтдан айланарди.

Ҳаммаси тугади!

Ёки йўқми?

- Тўхта-чи... Ўшанда нима дегандинг?

Мен юзимни буриштириб Виктория пайдо бўлмагунича нима ҳақида гаплашганимизни эслашга уриндим. Яъники мен энди Жейкобга нима дейман? Менинг иккига айрилган юрагим қаттиқ оғриди. Ишониш қийин, аммо энг ёмони ҳали олдинда мени кутиб туради. Мен жасорат билан олдинга қадам ташладим:

- Нимаси мушқул буни? Элис аниқ муддатни белгиласа бўлдик. Ва ўзинг ҳам вақт кам дегандинг. Нимага вақт кам қоляпти? - Ҳўш? - шошилтирадим.

- Ҳа, шунчаки, - тезда жавоб қилди Эдвард. - Энди кетсак ҳам бўлади...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

У мени ортига опичлаб олмоқчи бўлди, лекин мен нари қочдим.

- Яна қанақа шунчаки?

Эдвард кафти билан яногимни тутди.

- Бизда бир дақиқа ҳам вақтимиз йўқ. Шундай экан ваҳима қилмасдан сакра менга. Айтдим- ку қўрқишига ҳеч нима йўқ, тушундингми? Сен менга ишонишинг мумкин.

Мен бош чайқадим, ўз ҳадигимни яширишига уриндим: қачонгача буни асрай оларканман?

- Кўрқиши керак эмас. Ҳаммаси яхши.

Эдвард лабини қимтинди, айтишига сўз излади. Ва Сетга қаради, худди Сет уни чақиргандек бўлди.

- У нима қилаяпти? - сўради Эдвард.

Сет ташвиши гириллади. Сочим тикка бўлди.

Далада оғир сукунат чўкди.

- Йўқ! - беҳос оҳ тортиб юборди Эдвард ва кўз кўрмас нарсани тумтиб қолмоқчилик қўл силтади. - Керак эмас!

Сет бутун танасини титратиб оғриқдан ингради. Шу сонияда Эдвард ерга тиззалааб ўтириб қолди: оғриқдан бошини чангллади.

Мен ҳам қичқирганимча ерга йиқилиб Эдвардни ушлаб юзини ўзимга қаратишга уриндим.

Менинг терлаган қўлим унинг мармар юзида тойиб кетди.

- Эдвард! Эдвард!

У менга назар солди ва оғриқдан тишини гижирлатиб турди.

- Ҳаммаси жойида. Биз билан ҳаммаси яхши. Бу... - Эдвард яна жимиб қолди ва бужмайди.

Сет оғриқдан увиллади.

- Нима бўлаяпти? - чинқирдим мен.

- Ҳеч нима ҳаммаси яхши бўлади, - хўрсинди Эдвард. - Сэм... унга ёрдам бер...

Сэмнинг исмини эшишиб Эдвард Сет ҳақида эмас бошқа нарса ҳақида гапирганини

тушуундим: ҳеч қандай кўзга кўринмас ёғийлар бизга ташланмаётганди. Бу сафар кулфат бу ерда содир бўлмаганди.

Эдвард «биз» деганида, тўданини назарда тутаётганди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Менинг бир жазавам ёниб тугагани учун асло қилт этмай қолғандим. Мен тош қотғанимча ерга ииқилдим. Эдвард мени тутыб қолди ва тошга құламадим. Мен унинг құлида турадим.

- Сет! - қичқирди Эдвард.

Сет ерни уриб ҳозир ўрмонга чопиб кетадигандек шайланиб туради.

- Йүк! - буйруқ берди Эдвард. - Уйга қайт! Ҳозироқ. Ва тезроқ!

Бүри ириллади ва бошини бошқа томонга қараб оға бошлади.

- Сет, менга ишон.

Улкан бўри бир сония Эдвардинг кўзига тикилиб турди-да, ортига ўгирилиб алам билан шарпадек ўрмон аро шўнгигб гойиб бўлди.

Эдвард мени маҳкам бағрига босиб қоп-қора ўрмон бўйлаб уча бошлади - фақат Сетнинг ортидан эмас бошқа томонга қараб чопиб кетарди.

- Эдвард... - менинг нафасимга ҳаво тиқилгани учун зўрга гапирадим. - Нима бўляяпти?

Сэм билан нима бўлибди? Қаёққа кетаяпмиз? Нима бўлди?

- Ўзимизниklарни олдига қайтишимиз керак. - тинчгина гапиради у - Биз ҳаммаси тез орада содир бўлишини билардик. Эрталаб Элис буни кўрган экан, шу сабаб Сэмга Сет орқали айтишини хабар қилганди. Вольтуридагилар аralашишга аҳд қилибди.

Вольтуридагилар!

Буниси энди ортиқча! Шунчаки ақлга сизмайдиган нарса-ку бу...

Дарахтлар орқада қолар, Эдвард ҳеч бир қийинчиликсиз учшишимиз учун тўсиқлар узра сакраб чопарди.

- Ҳавотир олма. Улар биз учун келишмаган. Оддийгина бир гурӯҳ вазиятни билиш учун келган. Ҳеч бир қўшиимча иши йўқ, ўзларини ишини қилгани келган. Аслида уларнинг пайдо

бўлиши жуда вақтида бўлди. Олдинроқ қаерда эдилар. - Эдвард тиллари орасидан ириллаб гапиради. - Вольтуридагилар пайдо бўлсинчи, уларнинг фикрини ўқиб кўраман.

- Айнан шу сабабдан қайтаяпмиз? - пичирладим мен.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бунга кучим етармикан? Кўз ўнгимда қора ёпинчиқларнинг совуқ жимирилаши кўриниб кетди. Ақлдан озмасам эди!

- *Ха, фақат шунга эмас. Ҳозир ҳавфсизлик учун ҳаммамиз бир жойда бўлганимиз маъқул.*

Вольтуридагиларда бизга ҳужум қилишга баҳона йўқ, аммо... улар билан Жейн ҳам бирга. Агар у мен сен билан бошқа ерда эканимни билса, у бундан шабҳали баҳона тайёрлаши мумкин.

Худди Виктория каби Жейн ҳам мени сен билан эканимни англайди. Албатта Деметрий ҳам унинг ёнида, Жейн ундан мени топишини сўраб қолиши тайин...

Мен бу исмни эшитишини, ўша ёш боланикига ўхшаши қизил чехрали юзни эслашни ҳам истамасдим. Томогимда галати ингрок янгради.

- *Тинчлан, Белла, тинчлан. Ҳаммаси яхши бўлади. Элис буни кўрди.*

Элис нимани кўрди? Аммо унда... бўрилар қани? Тўда қаёққа даф бўлди?

- *Тўда қани?*

- *Уларнинг зудлик билан кетиши керак бўлиб қолди.*

Вольтуридагилар бўритуслар билан бўлган аҳдномамизни тан олишимайди.

Мен иситмага тушгандек қалтирадим.

- *Чин сўзим, ҳаммаси яхши бўлади, - ваъда берди Эдвард.* -

Вольтуридагилар уларнинг ҳидини билишимайди: энг қизиги улар ҳали бундай мавжудотларга дуч келишимаган. Тўда ҳавфсизликда.

Мен унинг изоҳларидан ҳеч нимани тушунмадим. Кўрқув мени фалажлаган эди.

«Биз билан ҳаммаси жойида», - деди Эдвард... ва Сет оғриқдан увиллаган эди...

Эдвард менинг биринчи саволимга жавоб бермади, мени Вольтуридагилар билан чалгитди...

Мен қоя лабида зўрга осилиб турган заррага ўхшардим - энг сўнгги эпкин ҳам мени ҳалок этиши мумкин эди.

Дарахтлар шу қадар тез учиб ўтарди-ки, кўзимга зумрад жило тараларди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Нима бўлди? - пичирладим мен. - Сал аввал. Сет сенга нимани хабар қилди? Сен ҳам оғриқдан ўтириб қолгандинг-ку?

Эдвард секинлашиди.

- Бўлди-да! Нима бўлди ахир, гапира қолсанг-чи!

- Ҳаммаси тугади. - Эдвард шунақа тезликда чопардики, менинг кийимимда шамол ўйнарди. - Бўрилар ўзларининг битта рақибини саноқда кўрмай қолибди... ҳаммасини тинчитдик деб ўйлашган. Элис эса албатта ҳеч нарсани кўрмаган...

- Нима бўлди?!

- Янгилардан биттаси яшириниб олган экан... Ли уни топиб олган: унга ёлғиз ҳужум қилган кўринади.

- Ли... - тақрорладим. Кучим адo бўлиб сўлайиб қолаёздим. - У ҳозир қанақа аҳволда?

- Ли у қадар жароҳатланмаган, - деди Эдвард.

Мен секин унга қарадим.

«Сэм... унга ёрдам бер » - деган эди Эдвард.

- Деярли келдик. - Эдвард қанақадир тепалик ёнига келди.

Мен истамай унинг нигоҳи билан дарахтлар узра буруқсиб турган бинафшаранг булутга қарадим. Булут? Шундай қуёшли кунда-я? Ха-я, бу булут эмас, биз тоғда ёққан каби қуюқ гулҳандан чиққан тутун-ку.

- Эдвард, - пичирладим мен деярли сассиз - Барибир кимдир азият чеккандир.

Мен ахир Сетнинг увиллаганини эшиитдим-ку.

- Ҳа, - пичирлади у.

- Ким? - сўрадим мен, жавобни эса биладигандекман.

Эй Ҳудо, мен жавобни биламан. У бўлмасин-да!

Дарахтлар камайиб биз ялангликка чиқиб келдик.

Эдвард дарров жавоб қилмади.

- Жейкоб, - деди у.

Мен ақлдан озгандек бошимни чайқадим.

- Албатта ундан бошқа ким ҳам бўларди... - пичирладим.

Ва бир силкиниб кўринмас чоҳга қуладим.

Кўз олдим қоронгулашиди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бунга қадар совук қўлларнинг тафтини сезгандек бўлдим. Бир жуфт қўллардан ҳам кўпроққўллар эди була. Мени қучоқларига олишганича кўтариб туришар, пешонамни силашарди, бошқаси эса кафтимни силарди.

Кейин эса овоз эшиитдм: аввалига паст садо, аста-секин кучайиб борарди, аллаким радиоприёмникнинг қулогини тинмай шанғилатиб бурарди.

- Карлайл, ахир беши дақиқа ўтди, - ташвишланди Эдвард.

- Эдвард, у бунга тайёр бўлганда хушига келади. - Карлайлнинг овози ҳар доимгидек аниқ ва ишонч билан янгради. - Бугун унга жуда оғир кун бўлди. Асаблари ҳам дош бермаган.

Хушига келишига унга вақт бер.

Хатто ҳушимга келган дамда ҳам мен оғриқлар гирдобидан халос бўла олмайман. Мен ахир мана шу зулматнинг бир қатрасида яшаяпман-ку.

Мен ўзимни танамдан алоҳида ҳолатда ҳис этдим. Онгимнинг қай бир бурчагида ўз ўқини йўқотган миллар мисоли беҳуда чарҳ урадим. Қирғозини йўқотган кема мисол сарсон сузардим. Ўйлашини истамасдим: бу жуда оғриқди эди. Ва унданам азоблиси, бу оғриқдан ҳеч қаёққа қочиб қутула олмасдим.

Жейкоб.

Жейкоб!

Йўқ, йўқ, фақат бу эмас, йўқ...

- Элис, қанча вақтимиз бор? - асабий сўради Эдвард:

Карлайлнинг далласи унга таъсир қилмаганди.

Қаердандир Элиснинг чақнок овози келди.

- Яна беши дақиқа. Белла кўзини ўттиз етти сониядан сўнг очади. Ишончим комил, у бизни ҳозир эшиштаяпти.

- Белла, қизалогим мени эшиштаяпсанми? - майин сўради Эсми. - Энди буткул ҳавфсизсан.

Мен буткул ҳавфсизман - бу нимани ўзгартиради?

Муздек ва жуда қадрли овоз қулогим остида янгради ва Эдвард шивирлади:

- Белла, у тирик қолади. Жейкоб Блэк тузалаяпти. У билан ҳаммаси яхши бўлади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Оғриқларим адo бўла бошлаган пайт мен танамга қайтдим.
Қовоқларим кўтарили.

- Белла, ва ниҳоят! - енгил сўниши билан оҳ тортиб юборди
Эдвард ва лабини лабимга босди.

- Эдвард, - пичирладим мен.

- Мен шу ердаман.

Мен кўзимни очиб иссиқ ва ёқимли тилла кўзлар тубига ғарқ
бўлдим.

- Жейкоб тирикми?

- Ҳа, - деди ишонч билан.

У мени тинчлантириши учун алдамаяпти микан дея унинг
кўзларига дикқат билан қарадим, аммо ҳеч нимани пайқамадим.

- Мен ўзим уни кўрдим, - деди Карлайл.

Мен бошимни ўгириб бир қанча масофа нарида турган инсонга
қарадим. Карлайл анча имони комилдек кўринарди - унинг сўзларидан
шубхаланиб бўлмайди.

- Жейкобнинг жароҳати у қадар ҳавфли эмас ва энг қизиги
жуда тезлик билан тузалаяпти.

Тўғри у жиiddий жароҳат олди ва тузалиши бир неча кунга ҳам
етарди. Бу ердаги ишларни тамомлаб олай, бор кучим билан кўмакка
чопаман. Сэм Жейкобни одам қиёфасига киришга кўндираяти: ана
шунда уни даволашим осонроқ кечарди. - Карлайл енгилгина кулди. -
Ахир мен ветеринар эмасман!

- Жейкобга нима бўлибди? - пичирладим мен. - Унга жуда
огирми?

Карлайл яна жиiddийлашиди.

- Битта бўри тузоққа тушиб қолганди...

- Ли! - хўрсиндим мен.

- Ҳа. Жейкоб эса уни итариб юбориб ўзи ҳужумга тушиб қолиб
ҳимояланмай қолганми, янгилардан бўлган газанда унинг ўнг
томонидан қаттиқ қучоқлаб анча суюкларини синдириб юборибди.

Мен оҳ тортиб юбордим.

- Сэм ва Пол вақтида ёрдамга келишиди. Жейкоб ўзини Ла-
Пушга келтиришганида анча ўзига келиб қолганди.

- У тузалиб кетади-а? - сўрадим.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ҳа, Белла. Ҳеч қандай асорати қолмайды.

Мен чуқур ҳўрсиндим.

- Уч дақиқа - паст овозда эслатди Элис.

Мен ўрнимдан туришга уриндим. Эдвард тушундими шартта мени тургизди. Мен атрофга аланг-жаланг қарадим.

Калленлар гулхан атрофига доира бўлиб олишганди. Чўглар деярли қолмаган фақат қуюқ бинафшаранг аралаши қора заҳарли тутун зумрадранг майсалар узра осилиб турарди. Гулхан яқинидаги бошқалар билан Жаспер ҳам турарди. Тутун аро қуёш нури унинг терисига ҳам ғалати жило акс этарди. Жаспер олдинга сал қўл узатиб турарди. Бу соя орасида эса нимадир бор эди.

Мен яхшилаб қараганимдан кейингина Жаспер кимни пана қилиб турганини кўрдим.

Ялангликда саккизта вампир бор эди.

Гулхан ортидан дуд ичида битта қизалоқ қўлларини тиззасига букиб қараб турарди. У жудаҳам кичкина эди, мендан ҳам кичкина. Таҳминан ўн беш ёшлар атрофида озгин қора сочли эди.

Қизалоқ мендан кўзини узмасд, унинг кўзлари ҳам ҳаддан ташқари ёрқин қизил – ҳатто Райлиникудан-да ёрқинроқ қизил эди: улар қип-қизил алангали равишда ёниб турарди.

Эдвард менинг ҳайратимни сезди.

- У таслим бўлди, - тушунтириди менга. - Умрим бўйи бунақасини кўрмаганман. Бунақаси фақат Карлайлни қўлидан келади. Жасперга бу ёқмаяпти.

Мен қизалоқдан кўзимни узолмадим. Жаспер эринибгина елка бурди.

- У жароҳатланмадими? - пицирладим мен.

- Йўқ, шунчаки заҳар куйдираяпти.

- Уни тишилашдими? - қўрқиб кетдим мен.

- Жаспер бир вақтни ўзида ҳамма жойда бўлишга мажбур бўлди. Асосан Элисга ҳеч қандай ҳавф-хатар чанг солмаётганига имони комил бўлиши учун. - Эдвард боши чайқади. - Элис эса умуман ёрдамга муҳтож эмас аслида.

- Тентак, ўзича ҳимоя қилишга кимнидир топгиси келган-да! - Элис ёрига қараб масҳара қилгандек кўз ўйнатди.

Қизалоқ бошини қимирлатиб тўсатдан олдинга талпинмоқчи бўлди ва ҳайвондек ўкирди.

Жаспер унга қараб ҳамла қилгандек ириллаганди, у ерга ўтириб олиб тирногини ерга қадаб тисарилди. Жаспер ҳам у томон яна юриб олдига ўтириб олди. Эдвард мен билан қизчанинг орасига билмаган ҳолатда ўтиб олди, энди мен унинг елкаси оша қизалоқ ва Жасперни кўриб турадим.

Карлайл лаҳзада Жаспернинг ёнида бўлиб қолди ва ўзининг «кичик» ўғлининг елкасига қўйини қўйиб жойини алмашди.

- Нахотки ўйлаб кўрмадинг? - ҳар сафаргидек хотиржам гапиравди Карлайл. - Биз сени ўлдиришини истамаймиз. Агар ўзингни яхши тутсанг, албатта.

- Сизлар қандай қилиб бунга чидаяпсизлар? - ингради қизалоқ. - Мен уни хоҳлаяпман!

Ёрқин қизил кўзлар аввало Эдвардга чакчайди, сўнг эса менга тикилиб қолди. Аммо оғриққа чидай олмай ерни тирнади.

- Сен ўзингни қўлга олишинг керак, - қаттиқ тергади Карлайл. - Ўзингни бошқаришинг

шарт. Буни уddaлаш мумкин, фақат шундагина тирик қолишинг мумкин.

Қизалоқ анча тинчидими, ириллаб ерга термулиб қолди.

- Балки бу ердан нарироққа кетармиз? - дедим мен Эдвардининг қўлидан тутиб.

Менинг овозимни эшишиб қизалоқ яна оғриқдан ингради.

- Биз шу ерда бўлишимиз керак, - деди Эдвард. - Улар ялангликнинг шимол тарафидан ҳали замон келиб қолишади.

Кутургудек ураётган юрагимни босишига уриниб тутун босиб кетган даланинг шимол томонига тикилиб қолдим, аммо ҳеч нимани кўрмадим.

Бефойда излашларимдан сўнг яна ана у қизалоққа қарадим. У ҳамон телба кўзларини мендан узмасди.

Биз бир-биримизга тикилиб қолдик. Унинг тўқ қора соchlари калтагина эди, оҳакдек оппоқюзига ярашмайгина осилиб турап, уни чиройли деб бўлмасди, бор ҳуснини ҳам газаб ва ташналик бузиб туради. Мен фақат ёввойи қирмизи кўзларга термулиб қолдим –

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

улардан кўзни узиб бўлмасди. Қизалоқ ёвуз бир жазава билан ҳар сония ичидаги менга талпингиси келиб қараб туради.

Мен бир сонияга ўйланиб қолдим. Наҳотки бу кўзгу. Бу акс менинг келажакдаги аксим бўлса-чи?

Карлайл ва Жаспер изига қайтишиди. Эмметт, Розали ва Эсми шошилиб мен, Эдвард ва Элиснинг атрофимни ўраб олишиди. Ва албатта энг марказда Эдвард айтганидек мен.

Мен қийинчилик билан қонга ташна қизчадан кўзимни олиб яқинлашиб қолган маҳлуқларни излашга тушибдим.

Хозирча ҳеч ким кўринмасди. Мен Эдвардга қарадим, аммо у ҳам менга бир қараб, олдинга қараган эди. Мен ҳам у каби олдинга қарадим, тутундан бошқа ҳеч нимани кўрмасдим.

Шу пайт тутун ораси сал-пал қорайди.

- Хм, - деган ҳиссиз ўлик овоз қоронгукдан эшиштилди.

Мен бир лаҳзага уни танидим.

- Хуш келибсан, Жейн, - совуққина ҳурмат тариқасида деди Эдвард.

Қора соялар яқинлашгани сари тутундан тўлиқ чиқиб келишиди. Мен Жейнни энг ўртада юришини билардим: энг қон-қора ётинчиқ кийган кичкинагина вужуд - атрофидагилар эса ундан нақ уч баробар катта эдилар. Ёгинчиқ ичидан Жейннинг оппоқ юзчаси аранг кўринарди.

Унинг ортидан бўзранг ёгинчиқ кийган тўртвлонни ҳам мен жуда яхши танийман. Хатто шубҳали қарашиларимни улардан уза олмаётган бир пайтимда, Феликс менга қараб кўзини қисиб қўйди ва жилмайди.

Жейн шошилмай ҳамма Калленларга қараб чиқди, сўнгра гулхан бўйидаги қизалоқни кўриб қолди: қизалоқ яна бошини ҳам қилиб олди.

- Бу яна ким бўлди? - Жейннинг овози ўта совуқ ва ҳиссиз эшиштилди.

- У таслим бўлди, - тушунтириди Эдвард.

Жейннинг тўқ кўзлари Эдварднинг юзига қадалди.

- Таслим бўлди?

Феликс ёнидаги соя билан кўз уришишириб олди.

- Карлайл унга имкон берди, - елка қисди Эдвард.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ким қоидани бузса унга имкон берилмайды, - бепарво оҳангда кариллади Жейн.

Ана шунда Карлайл қўшиб қўйди.

- Унда бу сизнинг ишинги. У қанчалик бизга ҳужум қилмоқчи бўлса ҳам, мен уни ўлдира олмадим. Унга ҳеч ким ўргатмаган, - вазмин гапиради у.

- Бу муҳим эмас, - хўмрайди Жейн.

- Нима десанг шу.

Жейн ғазабланиб Карлайлга қаради. Зўрга ўзини тийиб ўзидан яна бепарво башара ясаб олди.

- Аро сизнинг ҳудудингизгача етиб боришишимизга умид қилганди, Карлайл. У сенга салом йўллади.

Карлайл бош иргиди.

- Агар сен ҳам саломимни етказсанг баъоят хурсанд бўлардим.

- Албатта, - жилмайди Жейн.

Унинг юзи янада чиройли бўлиб кўриниб кетди.

Жейн тутунга қаради.

- Бугун сиз бизнинг ишишимизни қойилатиб бажарибсизлар... катта қисмини. - у асирагақаради. - Ўта кучли қизиқиш билан сўраяпман, улар нечта эди? Сиэтлда улар роса қутуришиган бўлса керак.

- Бу қизни ҳисобга олмаганда ўн саккизта, - жавоб қилди Карлайл.

Жейннинг кўзлари тухумдек катталашиб кетди. У яна гулханга қаради ва ўлчамини олишига тиришиди. Феликс ва иккинчи анави соя анча пайт мунгайиб турдилар.

- Ўн саккизта? - шубҳа билан сўради Жейн.

- Ҳаммаси жуда гўр, - ясама кулиб қўйди Карлайл. - Ҳеч нарса қила олишмади.

- Ҳаммаси янгиларми? - дарров сўради Жейн. - Унда уларни ким айлантирган?

- Уни Виктория дейшишарди, - бепарво жавоб қилди Эдвард.

- Дейшишарди?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Эдвард калласини кериб ўрмоннинг шарқ томонига имлади.
Жейн у қаратган тарафга тикилиб қаради. Иккинчи тутун устуни?
Мен ўзимнинг жумбоқقا тиши ўтмагандек ҳис қилдим.

- Яъники Виктория бу ўн саккизтани ичига қўшилмаган-а?

- Йўқ. У билан яна биттаси бор. Мана бу қизалоқдек гўр эмас, таҳминан бир йилча яшай олган янги.

- Йигирмата! - деди Жейн. - Викторияни ким тинчитди?

- Мен, - жавоб қилди Эдвард.

Жейн кўзи билан сузилиб қараб қўйди. Кейин гулхан бўйидаги қизчага қаради.

- Хўш, сен, - деди Жейн, ва ўлик кўзлари билан ёвузларча қаради.

- Испинг?

Қизалоқ газаб билан қаради ва тишини маҳкам қисди.

Жейн беғубор фариштадек жилмайиб жавоб кутарди.

Қизалоқ тўхтовсиз инграр ва тўлғонар, мен эса қулоқларимни ёпмаганимга афсус қилдим.

Қулогим остида жуда кучли ингрок янграганди. Эдвард газаб билан Жейнга қараб туради-ю

анави қизалоқнинг юзида бир маҳаллар Эдвардга қилишган азоб оқимидағи ифодани кўрдим.

Ўшанда менинг кўнглим ағдарилган эди. Элис ва Эсмига қарадим: улар беҳис чеҳрада эдилар.

Нихоят тош ёрилди.

- Испинг, - тақрорлади Жейн ёқимсиз буйруқ оҳангидা.

- Бри, - талвасага тушган қизалоқ ингради.

Жейн жилмайди ва қизалоқ яна инграй бошлиди. Мен то ингроклар тинчиғунча нафасимни ичимга ютиб ўтирдим.

- У нима истасанг шуни айтиб беради, - деди Эдвард тиши орасидан ириллаб. - Бу учун уни қийнашинг шарт эмас.

Жейн унга ўлик кўзлари билан қаради ва табассум акс этди.

- Биламан, - деди у ва яна ёши вампирга қаради.

- Бри, у рост гапирдими? - унинг овози яна музлатарли эди. -

Сизлар йигирмата эдингизми?

Қизалоқ титраб қалтирагандек ерни чангаллади.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Йигирмата ёки ўн тўққизта, балки кўпроқдир, - тез тез гапира кетди у. - Билмайман! – у бошини ётиб олди, бу жавоби яна жазоли бўлади деб қўрқаётганди. - Сара ва яна биттаси, уни исми эсимда йўқ, йўлда уришиб қолишганди...

- Виктория дегани - сизларни айлантирганми?

- Билмайман. - Қизалоқ титради. - Райли ҳеч қачон унинг исми билан атамасди. Мен ўша кеча нима бўлганини кўра олмаганман... қоронгу эди, ҳам жуда оғриқли... - Бри қалтиради. -

Райли бизни у ҳақида ўйламаслигимизни хоҳларди. Йўқса бизнинг фикримизни кимдир эшишиб қоларкан...

Жейн Эдвардга қараб қўйди, кейин Брига кўз тикди.

Виктория анча яхши тайёргарлик кўрган эди. Агар у Эдвардинг изидан келмаганида, бизҳеч қачон унинг айнан нимага талпинганини билолмасдик...

- Менга Райли ҳақида гапириб бер, - буюорди Жейн. - Нима учун сизларни бу ёқа бошлаб келди?

- Райли айтдики, биз мана бу сариқ кўзлиларни йўқ қилишимиз керак экан, - шошилиб гапира кетди Бри. - Бу умуман қийин иш эмас деб бизга айтганди. Бу шаҳар уларга тегишли экан. Агар биз уларни ўлдирсак шаҳардаги ҳамма қон бизники бўлар экан. Кейин у бизга унингҳидини берди. - Бри бармогини менга ниқтаб кўрсатди. - Райли у мана шулар билан бирга эканлигини, қизни топсак уларни ҳам топишишимизни айтганди. Ва бизга ҳаммадан олдин уни қўлга киритишишимизни буюорди.

Эдвард суякларини қисирлатиб қўйди.

- Ҳа, Райли топшириқнинг мушкуллигини яхши ҳисобга олмабди, - деди Жейн.

Бри енгилгина бош қимиirlатиб қўйди ва бошқа оғриқ бўлмайди дея умид билан ўтириб олди.

- Мен нима бўлганини билмайман. Биз икки гуруҳга бўлингандик, аммо иккинчи гуруҳ қайтиб келмади. Ва Райли ҳам изсиз йўқолди: ёрдам бераман деб ваъда берганди, аммо ёрдам бермади. Кейин ҳаммамизни битта битталаб ўлдиришиди. - У пиқиллаб йиглашга тушибди. – Мен қўрқиб кетдим. Қочиб кетмоқчи эдим. Ана шунда анави, - у Карлайлни кўрсатди, - Агар мен

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

қаршилик қилмасам менга тегиниши маслигини айтди.

- Эх, қарор қабул қилиш уларнинг қўлида эмас, қизалоқ, - деди Жейн майин бир овозда. -

Жиноятчилар жазоланиши шарт.

Бри тушунмагандек унга қаради.

Жейн Карлайлга қаради.

- Сиз ҳаммасини тинчитганингизга ишончингиз комилми? Унда иккинчи гурӯҳ қаерда?

Карлайнинг юзи ифодаси ўзгармади.

- Биз ҳам бўлингандик, - бош иргади у.

Жейн енгил кулиб қўйди.

- Тан олишим керак, сиз бизни ҳайрон қолдирдингиз. - унинг ортидаги катта қора сояли биттаси тўнгиллади. - Ҳеч қачон бундай катта жсангда битта ҳам йўқотишисиз соф ғалабага эришганларни кўрмаганман. Сиз ҳужум бўлишини билгансизми? Сизнинг ерингизда бундай

тажсаввузкорлик камдан кам ҳолда бўлади. Ва бу ерда бу қиз нима қиласяпти? - Бир лаҳзага

Жейн истамайгина менга кўз ташлади.

Мен қалтирадим.

- Виктория Белладан қасос олмоқчи эди, - секингина тушунтириди Эдвард.

Жейн худди баҳтли гўдакдек жилмайди.

- Менимча бу қиз ҳаммани кутимаган ишлар қилишга ундаяпти, - изоҳ берди у, катта оғзини очиб жилмайди, мен эса совуққина қилиб ичимда "Башаранг қурсин, ўлик кўз" деб сўқдим.

Эдвард таранглашиди. У қандай қилиб Жейнга эътибор қилганини англашим.

- Сен буни қила олмасмидинг? - зиддиятли равишда сўради у.

Жейн яна жилмайди.

- Шунчаки текшириб кўрдим. Афсуски унга ҳеч қанақа зарар етказиб бўлмас экан.

Мен севиндим. Худога шукурки, мана шу нотабииyllигим мени яна бир бор Жейннинг азоб оқимидан асраб қолди. Оҳирги марта учрашганимизда ҳам менга таъсир қилмаганди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Эдвард мени қўлимни қаттиқроқ қисди.

- Унда бу ерда қиладиган ишишим қолмабди. Галати, - деди Жейн ҳиссиз овозда. – Кераксиз бўлиб қолишни жуда ёмон кўраман. Афсус биз шундай жсангдан кеч қолибмиз. Менимча бу ерда томоша қилишига арзийдиган манзара бўлган.

- Ҳа, - тезда жавоб берди Эдвард ва бемалол аччиқ-аччиқ гапирди. - Аммо сизлар анчагина яқинимизда эдингиз, шекилли. Афсус ярим соат олдин келмабсизлар-да. Балки ўшанда ўз топшириқларингизни адo этган бўлармидингиз.

Жейн Эдвардга диққат билан тикилиб қолди.

- Ҳа, афсус, бунақа бўлишидан хафаман.

Эдвард бош иргади: унинг шубҳаси рост чиққан эди. Жейн Брига ўгирилди.

- Феликс? - эринибгина чақирди у.

- Шошма, - аралашибди Эдвард.

Жейн қошини бурди, аммо Эдвардга эмас, Карлайлга қаради:

- Биз унга қонун қоидани тушунтирамиз. Менимча у рози. Ахир у хатто унга нима қилишаётганига ҳам ақли етмаган.

- Албатта, - қўшиб қўйди Карлайл. - Биз уни васийликка олишга тайёрмиз. Жейннинг юзида ҳайрат ва шодлик бирдек акс этиб кетди.

- Биз истисно қилмаймиз, - деди у. - Ва иккинчи имкон ҳам бермаймиз. Бу ањанани бузади.

Ҳа, айтганча... - у бирдан менга яна қаради. Унинг лўпти юзида совуқ бир ифода кўринди. – Кай ҳануз Беллани нега одам эканлигига қизиқаяпти. Эҳтимол у меҳмонга келишини истаб қолар.

- Кун белгиланган, - овозини кўтарди Элис. - Эҳтимол бир ойлардан сўнг ўзимиз сизларникуга меҳмонга борармиз.

Жейннинг табассуми ўчиб қолди. Элисга қарагиси ҳам келмай, парвосиз Карлайлга қаради.

- Сизни кўрганимдан хурсандман, Карлайл. Мен бўлсам Аро муболага қилди деб ўйлаган эдим. Ҳа, майли кўришгунча...

Карлайл бошини чайқаб оғриқдан юзини буриштирди.

- Феликс, тинчит! - деди Жейн ва Брига им қилди. - Мен уйга қайтмоқчиман.

- Қарама, - пичирлади Эдвард қулоғимга.

Менга буни айтишини кераги йүқ әди. Бир кунда шунчасини күриб қўйдим - бир умрга етади. Мен кўзимни юмдим ва Эдвардинг кўксига юзимни босдим. Эссиз қулоқларимни беркитмабман!

Пастгина огир жаранг эшитилиб бир нарса қарс этиб синди ва атрофни яна ёқимсиз сукунат қоплади.

Эдвард секингина менинг елкамни силаб қўйди.

- Кетдик, - деди Жейн.

Мен айни пайтда кўзимни очибман - кўз ўнгимда анави соялар саробдек узоқлашаётганди.

Ҳавода яна ёқимсиз ҳид тарагди.

Кулранг ёпинчиқлар қуюқ тутун ичида гойиб бўлдилар.

XXVI боб. Одоб-аҳлоқ

Элиснинг ванна хонасидаги кўзгу қаршиси ҳар қандай кўринишни ўзгартиришга қодир бўлган турфа хил пардоз-андоз воситаларига тўлиб тошган әди. Бу уйдаги гўзал кўриниш ва ёқимли теридагиларни инобатга олсак буларнинг ҳаммаси менга сотиб олинганини осонгина сезиш мумкин әди. Мен аҳмоққа ўхшаб ёрлиқларни битталаб ўқир эканман, Элисдан физоним фалак әди: шунча пулни сарфлаб нима қиласди?

Каттакон тошойнага қарамасликка ҳаракат қиласди.

Элис ҳудди сузаётгандек бир текисликда сочимни тарагди.

- Бўлди етади, Элис, - шундай бўлса ҳам номига гапирдим. -

Мен Ла-Пушга боришим керак.

Жейкобни кўриши учун бироз кутшишимга тўғри келди, ҳали дадам Билли амакиникидан энди кетаётган әди! Ва ҳар бир дақиқалар мен учун абадиятдек туюларди: ахир Жейкоб нафас олаяптими ёки йўқми мен ҳали билмайман. Шу сабаб аввало шахсан ўзим бориб Жейкоб тириклигига ишончим комил бўлиши керак. Энг қизиги мен гўёки тунаб қолгандек кўринишими ҳам керак. Энди нима фарқи бор?..

- Жейкоб ҳануз беҳуш, - жавоб берди Элис. - Агар ўзига келса Карлайл ёки Эдвард телефон қиласди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сен аввало даданг билан кўришишинг керак. У Билли билан бўлганда

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Карлайл ва Эдвардни ҳам кўрган ва уларнинг сафардан қайтган деб таҳмин қиласди.

Шу сабаб ҳам уйга қайтишинг керак.

Мен аллақачон ўз ролимни пухта ўзлаштирганман ва айтиб берадиган воқеаларни ҳам бемалол шариллатиб сўзлаб беришим мумкин.

- Хўп, барибир Жейкоб ўзига келганида уни ёнида бўлишим керак.

- Сен ҳозир даданг ҳақида ўйлашинг керак. Ҳали вақтинг етарли сени, - узр, мен сени тушуниб турибман, янада майинроқ қилиб айтганда, - ўзингни бурчларингни чалкаштириб юборма. - Элис жиддий гапиради. - Ҳозирда энг муҳими даданг ҳеч нарсадан шубҳаланмаслиги. Аввалига сен ўз ролингни пухтагина ўйна, ундан сўнг эса бемалол ўйлаганингча иши тут. Калленлар доим ўз бурчларини тўла тўкис ижро этадилар.

Албатта, у ҳақ.

- Уйингга бор, - деди Элис. - Даданг билан гаплаш.

Беҳабарлигинга ишонтир. Зора у сен

билан ҳаммаси жойидалигига амин бўлсин.

Мен ўрнимдан турдим ва оёғим жимирилаб кетди - узоқ ўтираверганимдан оёғим толиб кетганди.

- Бу кўйлак сенга жуда ярашиди, - пичирлади Элис.

- Кўйлакми? Ҳа-я, яна бир марта раҳмат бу янги кўйлак учун, - дедим мен одоб доирасида чин дилдан миннатдорчилик билдириб.

- Сен ахир бирор янги нарса билан исботлашинг керак-ку, - қақиллади Элис кўзлари чақнаб. - Қанақасига шунча бозорлик қилиб ўзига янги нарса сотиб олмай қуппа-қуруқ қайтиб келиш? Ҳа айтганча, кўйлак сенинг юзингга жуда мос келади.

Мен лақиллаб ўтирасдан ўзимга қараб олдим, Элис доим мени безантириб юборади.

Ҳаёлларим яна тўзғиб кетди...

- Белла, Жейкоб билан ҳаммаси жойида, - деди Элис, менинг миямдаги фикр ўйларни осонгина топди. - Ҳеч қаёққа шошма. Агар сен Карлайл қанча миқдорда морфей берганини билганингда ва унинг

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

ҳарорати сабаб қанча вақтда тез эриб таъсир этишини ҳам ҳисобга олсак

Жейкобинг ҳали бери күзини очмайди.

Асосийси у оғриқларни ҳис этмайди. Ҳозирча ҳис қилмайди.

- Сен ўз пардозинг ҳақида яна бирор нима айтишини истамайсанми? - яна қизиқиб кетди

Элис. - Сенга жуда ярашаяпти.

Мен уни нимага қизиқишини яхши биламан. Аммо ҳозир мени бошқа нарса қийнаяпти.

- Мен ҳам шунақа бўлиб қоламанми? - секингина сўрадим мен. - Худди ана у қизалоқ Бридек?

Ғамҳўрлик мен истаганимдан ҳам кўпроқ бўлса-да, ана у бечора қизалоқнинг ҳаёти тугагани мени қаттиқ изтиробга солганди. Мени еб қўйишга таҳт турган ажаловар кўзлар.

Элис менинг қўлимни силаб қўйди.

- Ҳаммада ҳар хил кечиши мумкин. Аммо шунга яқинроқ.

Мен ўзимни шунақа тасаввур қилиб кўрдим.

- Бу ўтиб кетади, - ваъда берди Элис.

- Қанчалик тез?

- Қанчадир йиллар керак бўлади, баъзан эса ундан ҳам тезроқ, - елка қисди у. - Балки сенда буткул бошқача бўлиши ҳам мумкин. Мен ҳали ўз хоҳиши билан айланганни кўрмаганман, балки сенда ўзгача кечар. Қизик, сенда илк марта тажриба қиларканмиз.

- Ҳа, жуда қизиқ, - тўнгилладим мен.

- Биз сени жиннилиқ қилишингга йўл қўймаймиз.

- Биламан. Сизларга ишонаман. - овозим ўлиқдек ҳиссиз чиқди.

Элис ҳўмрайди.

- Агар сен Карлайл ва Эдвардан ҳавотир олаётган бўлсанг, менинг ишончим комил улар бехатар ҳолатда. Ўйлашимча, Сэм бизга ишонишини бошлаган... айниқса, Карлайлга. Бу яхши.

Менимча, Карлайл тўғирлаш учун Жейкобинг баъзи суюкларини синдирганида сал-пал жанжалли муҳит бўлиб қолганди...

- Элис, худо ҳаққи!

- Узр.

Жейкоб жуда тезлик билан тузалаяпти экан, унинг синган жойлари ҳам тез бита бошлайди.

У ҳозир беҳуши, аммо ўйлашдан барибир тўхтай олмайди.

- Элис, сендан бир нарса ҳақида сўрасам бўладими? Келажак ҳақида?

У кумилмагандага тарангланиб тек қотди.

- Сен ахир у қадар узоқни кўра олмаслигимни биласан-ку.

- Йўқ, мен буни эмас. Бошқа нарсани сўрамоқчи эдим. Баъзан сен менинг келажагимни кўра оласан, қандай қилиб? Нега қолганлар эса ўз таъсирини ўтказа олмайдилар: масалан Жейн, Эдвард ёки Аро... - мен бўлганимча саволимга жавоб кутардим: ахир қанақадир томони бўлиши керак-ку.

Мана Элис ҳам саволимга қизиқиб қолди.

- Белла, Жасперни ҳам унумта: у бошқаларнинг танасига таъсир эта олганидек сенинг танангга таъсир эта олади. Қанақа фарқи борлигини айтами? Жаспер одамнинг танасига таъсир этади - у ўз вақтида ёки таъсирлантиради, ёки тинчлантиради. Бу пучҳаёл иллюзия эмас.

Мен эса натижаларни кўраман, сабаблар ёки ҳаёлларга элтувчи нарсаларни эмас. Бу ҳам идрокнинг ичига кирса-да, асло ҳаёлот ва иллюзия эмас, бу аниқ реал қарорлар натижаси.

Жейн, Эдвард, Аро ва Деметрий - ҳаммаси, бажарадиган нарсалар эса бошинг ичидаги жараёнларга таъсир қиласди. Жейн шунчаки ҳаёлий оғриқ яратса олади. У умуман танага жисмоний азоб йўллай олмайди. Шу сабаб сен ҳеч нимани сезмайсан. Энди билдингми?

Сенинг шахсий тафаккурингда сен буткул беҳавотирсан - у ерга ҳеч ким кира олмайди ва сенга тегина ҳам олмайди. Шу сабаб ҳам сен айлансанг қанақа янги ҳислатга эга бўларкансан дея ҳаммадан ҳам Аро кўпроқ қизиқиб кетаяпти.

Элис мени ростанам тингляяптими ёки ҳаёл суреб ўтирибдими деб дикқатлик билан қаради. Аслида эса унинг гаплари ҳавога учётганди, асл мазмунини тушунмай мен ҳудди тушунаётгандек бош чайқаб ўтиргандим.

Элисни алдашни эпломадим. У менинг яногимни силади:

- Белла, Жейкоб тузалиб кетади. Буни мен келажакни кўрмасдан ҳам айта оламан.

Тайёрмисан?

- Яна битта савол. Келажак ҳақида, майлими? Икирчикиригача шартмас, сал умум ҳулоса етади.

- Уриниб кўраман, - ўзига ишонқирамай жавоб қилди у.

- Сен ҳали ҳам мени қандай вампирга айланишими кўра оласан-а?

- О, бу қийин эмас. Албатта кўраман.

Бош чайқадим.

Элис дикқатлик билан менга қаради.

- Белла, наҳотки сен нима хоҳлашингни билмайсан?

- Биламан. Аммо ишонишини хоҳлаяпман шекилли.

- Белла, сен бунга ишончинг комил бўлсагина мен ҳам ишончим амин бўлади. Агар куттилмагандা ўйланиб қолсанг, мени кўрадиганларим ҳам ўзгаради айни вақтида эса буткул йўқолиши ҳам мумкин.

Мен хўрсиндим.

- Йўқ, бунақа бўлмайди.

Элис мени қучоқлади.

- Мен ростанам афсусдаман. Сенинг ўрнингда ўзимни қўйиб кўра олмайман: чунки биринчидан мен келажагимни кўрганман, - бу Жаспернинг юзи эди. Ва мен уни қачонлардир барибир учратишими билганман. Аммо мен сени ҳис эта оламан. Иккита яхшидан бирини танлаш бу жуда оғир ҳолат.

Мен унинг қўлини силаб қўйдим.

- Менга ачинишинг керак эмас.

Шундай одамлар борки ўзларининг сафида бўлмасанг сени жуда яхши ҳис эта оладилар ва тушунадилар. Шундай экан менинг ҳеч қанақа танловим йўқ - фақат битта меҳрибон бир юракни вайрон этиб кетишга маҳкумман, ва буни бугуноқ амалга ошираман.

- Уйга кетдим.

Дадам мени уйда худди Элис айтканидек катта шубҳа билан кутиб турган экан.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Салом дада!
- Салом, Белла. Дўконлар аро сайдларинг қалай ўтди?

У қўлини қовушириб олганича юзимга қаради.

Роса мароқли бўлди, - истамайгина гапириб бердим - Ҳозиргина келдик.

Дадам менинг кайфиятимни сезди.

- Жейкка нима бўлганини эшиштандирсан?

- Ҳа. Қолган Калленлар олдинроқ келишган экан. Эсми Карлайл ва Эдвард қаёққа кетишганини айтиб берди.

- Ўзингни қандай сезаяпсан?

- Жейкдан ҳавотир оляяпман. Сизга кечки таом тайёрлаб бераман-у, тезда Ла-Пушга бориб келаман.

- Сенга айтгандим-а қанчалик ҳавфли бу лаънати мотоцикллар. Умид қиласманки энди

уларни минмайсан.

Мен бош қимирлатиб музлатгични очдим. Дадам стол олдида ўтирарди – бугун одатдагидан кўра сергап бўлиб қолибдими.

- Менимча, сен Жейкдан қаттиқ ҳавотир олсанг арзийди. Агар йигитча шу кечага чираб берса бас кейин умуман ўлмайди, тирик қолади.

Мен ўгирилдим:

- Жейк ҳушига келганми, сиз уни қачон кўрдингиз?

- Яна қанақа ҳушида де! Сен унинг сўкинганини эшиштанингда эди... ҳар қалай сен буларни эшиштадинг. Менимча у бутун Ла-Пушни бошига кўтарди. Ҳайронман, бунақа сўзларни Жейкоб қаердан ўрганган. Кўнглим тўқки сенга бу сўзларни ишлатмайди.

- Қанақа кўринишда ҳозир?

- Унинг сог жойининг ўзи қолмаган. Дўстлари уни олиб келтиришиди. Яхшиям шунақа кучли дўстлари бор: бу йигитга ортиқча гапириб ҳам бўлмайди. Карлайл айтдики Жейкнинг ўнг оёги билан ўнг қўли синибди. Умуман олганда ўнг томони буткул шикастланган эди. У анави аҳмоқона мотоциклда ерга чирпирак бўлган бўлса керак. - дадам бошини чайқади. -

Белла, агар мен сени мотоциклда сайд қиласманинг эшиштудек бўлсам...

- Дада, ташишиланманг. Эшиштмайсиз. Жейк билан ростанам ҳаммаси яхши бўлишига ишончингиз комилми?

- Албатта! Унақа кучли сиқилиб ётма. У ўзини жуда яхши ҳис қиласяптики, хатто мени ҳам бир сўкиб қолди.

- Сизни сўқди? - ҳайратдан тилим айланмади.

- Ҳа-да... кимларнидир онасидан бўралатиб, хатто авлиёларни қолдирмай битталаб сўкиб, мени ҳам эслаб ўтиб: «Ҳа, Чарли, қизингиз мени эмас Калленни танлагани учун жуда ҳам қувнаётгандирсиз?» деди.

Мен музлатгичга бориб юзимни яширедим.

- Нима ҳам дердим? Эдвард ростан ҳам сенинг ҳавфсизлигинг сабаб ўзини жуда маъсулиятли тутди, албатта бу қойил қоладиган иш.

- Жейкоб ҳам жуда маъсулиятли, - тўғридан тўғри тан олдим мен. - У шунчаки оғриқдан бўлар бўлмасга алжираған ҳалос.

- Бугун ростанам жуда ғалати кун бўлди, - бироз жимиб кейин яна гапирди дадам. – Умуман олганда мен ирим-сириларга, аҳмоқона ақидаларга ишонмайман, аммо... гўёки бугун эрталабдан Билли тиг устида ўтиргандек бўлди, гўё Жейкка нимадир соодир билишини олдиндан сезгандек эди у. У мен гапирган гапларимни умуман эшиштмасди. Кейин янада ғалати нарсалар қилди: ёдингдами февраль-мартда катта бўрилар пайдо бўлиб қолганди?

Мен товани оламан деб шкафчани очаётгандим ва бир-икки сония беркиниб олдим.

- Аҳа, эслайман, - дедим мен.

- Умид қиласманки, ортиқ бизда бунақа муаммолар бўлмайди. Эрталаб қайиқда балиқ овлаётган эдик, Билли на менга ва на балиққа эътибор қилмайди. Ва кутимаганде ўрмонда бўрилар увиллай бошлиди. Бир эмас, анчагина бўрилар. Хатто қулоқларинг титраб кетади.

Айниқса шу яқин ўртада қишлоқдан увиллашганга ўхшиайди. Ва энг қизиги - Билли шартта ўгирилиб қайиқни қирғоқча ҳайдади, ҳудди бўрилар уни чақиришаётгандек. Мен унга нима қиласяпсан деб сўраганимни ҳам эшиштмади. Биз қирғоқча етгач увиллаш тўхтаб қолди. Билли хе йўқ, бе йўқ уйга бориб матчни кўраманга тушиб

қолди. Ҳали ўйин бошланишига анча вақт бўлса ҳам эртароқ кўрсатиб қолиши ҳавфи ва имконияти ҳақида шунақанги кўп вайсадики.

Ахир бу тўғридан тўғри кўрсатиши бўлса? Эй Худо, Белла, бу ерда нимадир жуда ғалати.

Умуман кейин, у қанақадир матчнинг ўйинини топди-да, кўраман деди, аммо кейин ўзи телевизорга орқа ўгирив олди. Ва ҳамма вақтини телефонда гаплашиши билан ўтказди: гоҳ Сьюга қўнгироқ қиласди, гоҳ Эмилига, хатто дўстинг Квилнинг бобосига ҳам қўнгироқ қиласди.

Билмайман улардан нима хоҳлади, шунчаки тинмай вайсаб ўтируди. Ундан сўнг шундоқ уй ёнида бўрилар увиллади. Умрим бино бўлиб бунақасини эшишмаганман! Бутун баданимда чумоли ўрмалагандек бўлди. Биллидан бу увиллашни тинчитиши керак дедим – ҳовлингга қопқон қўймаганмисан нима бало, бўри даҳшатли уввортаянти, дедим.

Мени энсаларим қотиб кетди, дадам эса ҳикоясини мароқ билан сўзлар экан мени пайқамади.

- Мен нима учун эслаб қолганимни сабаби айнан шу онда Жейкобни олиб келишиди.

Аввалига увиллаётган бўри садоси ўз ўрнида эшиштилмай қолди: ўрнига Жейкнинг бақириб сўкиниб дод солишини эшишта бошладим. Йигитчанинг томогидан худо берган экан!

Дадам ўйчан қиёфада секинлашиди.

- Ғалати, бу тентакликдан бирор яхшилик чиқмайди. Мен, Квилетлар ўзларининг аҳмоқона урф-одатлари-ю иримларидан воз кечишмайди, Калленларни Ла-Пушга киритмайдилар, деб ўйлардим. Аммо Карлайлни чақириб Билли жуда миннатдор бўлди. Мен Жейкни касалхонага олиб бориши керак деб ўйладим, аммо Билли уни уйда қолдиришини истади ва Карлайл ҳам ҳар тугул рози бўла қолди. Нима ҳам дердик, у кўриб қўя олди. Унинг уйга қилган ташрифи жуда ҳам меҳрибон ва мард шифокор эканлигини исботлади - энг қизиғи беморга унчалик узоқ муддат ҳам бермади! - ... - дадам жимиб қолди, гўё буни айтишини истамагандек. Кейин нафас олиб давом этди: - Ва Эдвард ҳам... жуда жасур йигит чиқиб қолди. У Жейкка

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

сендан кам бўлмаган ҳолатда ҳавотир олиб ўтири - гўё тугишган укасидан ҳавотир олди. Эдвард унга шунақа термулди-ки! - дадам бошини лўқиллатди. - Белла, у яхши йигит. Мен буни унумасликка ҳаракат қиласман. Ҳар қалай ваъда беролмайман. - у менга қараб кулди.

- Хўп эслатмасликка ҳаракат қиласман, - дедим мен.

Дадам оёгини чўзди ва ингради.

- Уй қандай яхши-я! Сен тасаввур қила оласанми, Биллини уйи қанчалик тор бўлиб кетди.

Жейкнинг еттита дўсти меҳмонхонага жойлашиб олганди - мен сал қолса бўғилиб қолаёздим!

Сен ҳеч эътибор берганмисан қанақа бақувват йигитлар?

- Ҳа, албатта кўрганман.

Дадам диққатлик билан менга қаради. Унинг назари беҳосдан жиоддийлашиди.

- Белла, Худо хоҳласа, Карлайл айтди Жейк тезда оёққа туриб кетади - ва сен касал кўришга боришга ҳам улгурмаслигинг мумкин. У қадар ёмон эмас экан аҳволи, ҳаммаси яхши бўлади.

Мен жимгина бош иргадим.

Жейкоб шунақанги мўрт бўлиб қолиши... ноодатий мўртлигини эшишиб мен елдек учиб бораётгандим, фақат дадам кетиши билан албатта. Ҳамма ери шинадан: Карлайл суюкларни кунлар давомида эмас, соат сайин тузалаётгани сабаб гипсга ҳожат йўқ дебди.

Шундай кучли соғлом йигит кутимагандга мўрт бўлиб қолса.

Эҳтимол бу бор-йўзи менинг тасаввуримдир, яна қўшимчасига мен унинг юрагини вайрон этмоқчи бўлиб бораятман.

Агар мени ҳозир яшин уриб иккига бўлиб ташласа эди, унда иккисига ҳам ўлик танам тегар экан. Мана менинг инсонийлик ҳаётимдан воз кечишим, барибир ўлишим билан адo бўларкан.

Жейкни танласам ҳам у фақат менинг ўлигимга эгалик қилишии тайин. Шуми мен танлаган қарор?

Мен тайёр кечки таомни столга қўйдим ва кетишига чоғландим.

- Белла, бир дақиқага шошмай тур!

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Бирор нима камчилиги бормикан? - мен дадамнинг ликопига қарадим.

- Йўқ, шунчаки мен... сендан бирор нарса илтимос қилмоқчи эдим. - дадам сал хўмрайиб кўзини олиб қочди. - Ўтиргин, кўп вақтингни олмайман.

Ўйлаб ҳам ўтирумай унинг қаршиисига чўкдим. Чидаига маҳкумман.

- Дада, сизга бирор нима керакми?

- Умуман олганда, Белла. - дадам қизарди. - Эҳтимол, бу менинг шунчаки тасаввуримдир...

Билли билан бўлган бунақа балиқ овидан кейин. Менимча... менда шундай ҳис пайдо бўлди, мен сени тез орада йўқотиб қўядигандек бўляяпман.

- Дада, нималар деяпсиз-а! - айборлардек валдирадим мен. - Аҳир сиз мени ўқишига кетишими истамайсизми?

- Бир нарсага ваъда бер.

- Майли...

- Сен бирор жиоддий иши қилиши олдидан албатта мени ҳабардор этасанми? У билан қочиб кетиши ёки шу каби режсаларингдан олдинроқ?

- Э-э, дада!

- Беҳазил. Мен томоша уюштирумайман. Шунчаки олдиндан айтиб қўй. Сени видолашмоқ учун қучоқлай олишимга имкон бер.

Юзимни асабий буриштириб унинг кафтига уриб қўйдим:

- Жиннича гап бўлса ҳам сизни кўнглингиз тинчиши учун майли... ваъда бераман.

- Раҳмат, Белла, - деди дадам. - Мен сени яхши кўраман, кичкинтоим.

- Мен ҳам сизни яхши кўраман, дада. - мен унинг елкасига шапатлаб уриб қўйдим ва столдан турдим. - Бирор нима бўлса мен Билли амакиникида бўламан.

Уйдан чиққунимча ортимга қарамадим. Фақат шу етмай турганди! Нега айнан ҳозир! Ла-Пушгача йўл бўйи ўзимни сўкиб кетдим.

Мен етиб келганимда Билли амакининг уй ёнида Карлайлнинг қора «мерседес»и йўқ эди.

Бир тарафдан бу яхши, аммо иккинчи томондан бу ёмон. Демак мен Жейкоб билан ёлғиз гаплашишимга тўғри келади. Аммо бу гапларни айтиши билан бир қаторда Эдвардинг қўлларини ушлаб олгим келарди. Қани эди Жейк ҳалиям ҳуисиз ётган бўлса. Оҳо бундан ҳам ҳеч бир фойда чиқмас эди! Мен Эдвардни согиндим: Элис билан ўтказган куним мен учун жуда узоқ чўзилди. Нима ҳам дердим, жавоб мана тайин: мен Эдвардсиз яшай олмас эканман.

Ва ана шу асос ҳам бироз оғриқни камайтирад эди.

Мен оҳиста эшикни чертдим.

- Киравер, Белла, - чақирди Билли.

Менинг пикапимнинг овозини ҳамма танийди.

- Салом, Билли амаки. Жейк кўзини очдими?

- Ҳа, ярим соат олдин кўзини очди, айнан шифокор кўригидан сўнг. Киравер, менимча у сени кутаяпти.

Мен қалтирадим ва чуқур нафас олдим:

- Раҳмат.

Жейкобнинг эшиги рўпарасига келганимда беҳосдан тўхтаб қолдим: тақиллатсаммикан ёки кириб кетаверайми? Олдинига мўралайман, балки ухлаб қолгандир - қанақа қўрқоқман-а!

Балки бироз кутишим керакмикан.

Секин эшикни чала очиб бошимни орасига тиқдим.

Жейкоб мени кутиб ўтиради. У негадир жуда хотиржам кўринди: юзида озгина азобли тўлғониш бўлсада ҳамон ўша беғам манзара уфуриб туради. Қора кўзлари анча маҳзунлашган.

Жейкнинг юзига кўз ташлашга қанча уринмай бу жуда оғир эди, мен уни севишини англаб етгандим. Ким ҳам бу англаб етганлигим бирор нимани ўзгартиради деб ўйларди.

Наҳотки шунча вақт бечора Жейкоб мана шундай қийналган бўлса?

Яхшиям кимдир ақллилик қилиб уни юзигача жун адёл билан ёпиб қўйибди. Жейк мени сезмади.

Мен кирдим ва секингина эшикни ичидан ёндим.

- Салом, Жейк, - пичирладим мен.

У дарров жавоб қилмади: аввалига юзимга узоқ тикилиб қараб турди. Ва бироз қувноқ күриниши учун жилмайди.

- Нима деб ўйласанг ҳам, бугун мен учун ҳаммаси тугади. - у хўрсинди. - Бугун бутун куним дабдала бўлди: энг аввалдан нотўғри жой танлабман, энг зўр жсангни бой бердим ва ҳамма шон шараф Сетга тегди; кейин эса анави Ли гирт аҳмоқлик қилиб қўйди, мен унданам баттар аҳмоқлик қилиб уни қутқариб қолдим. Яна мана бу.

- у сог қўли билан мен турган тарафга им қилди.

- Ўзингни қандай ҳис қиласяпсан? - мингилладим мен.

Тентакона савол!

- Озроқ сарҳушман. Доктор Сўйлоқ тиши менга қанча меъёрда дори беришини билмай бира тўла маст қиласидиган дори қуйиб кетибди. Менимча қалтираб-қалтираб қўйган бўлса керак.

Кўрқинчилманда ўзиям.

- Сенга оғриқ энди билинмаяптими?

- Йўқ. Умуман олганда синган суюкларимни сезмаяпман. - У яна масҳара қилгандек кулди.

Мен лабимни тишладим. Мен ўйлаган нарсамн асло айтишига журъатим етмаётганди! Ва алам қиласяпти. Нега ана энди ўзим ўлишини истаётган палламда мени ўлдирадиган одам қолмади?

Масҳарамуз қиёфа йўқолиб самимилик барқ ура кетди.

Пешонамда ажинлар тириша бошлади.

- Сен ўзинг қанақасан? - шошилиб сўради у. - Аҳволинг яхшиими?

- Меними? - Мен кўзимни бақрайтириб унга қараб қолдим.

Эҳтимол унга жуда ҳам кўп дори бериши керакмиди? - Ҳа, мени жин урармиди?

- Мен ўзимга келмаганимда ҳам фақат сени ўйладим... Ахир у сенга жуда ёмон муомала қилган бўлса керак - мен эса фақат сендан ҳавотир олдим. Хатто фол ҳам очдим, сенга мени

кўришига руҳсат берарканми ёки йўқми деб. Балки шунчаки нафрат ёки аламзадаликдан! У сенга нима деди? Жахл қилгандир? Кечир мени, истамагандим. Сени бир ўзингни у ерда гаплашишингни истамагандим... мен бўлишим керак эди...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен дарров ҳам у нима ҳақида алжираётганини тушуниб етмадим. Токи у уялиб қизариб гапира кетгандан сүнг буни нималигини тушундим. Ва уни тинчлантира кетдим.

- Ҳа, йўқ, Жейк! Мени ишларим яхши. Хаттохи жуда яхши. Фақат у менга жаҳл қилмади.

Ўзим ҳам кутмагандим буни!

- Нима? - ҳайратга тушди Жейкоб.

- Эдвард умуман ғазабланмади - мендан ҳам, сендан ҳам! У шу қадар бағрикенгки, аввал буни билмаган эканман! Ундан кўра менга бақириб сўkkани яхши эди. Ахир мен шунга арзирдим... ахир келишган бўлсак ҳам барибир. Фақат унга барибир: мен баҳтли бўлсам бас.

- У даргазаб бўлмадими? - ишонмай яна сўради Жейкоб.

- Йўқ-да. У... бунақа ишда жуда ҳам раҳмдил одам.

Яна бир дақиқа Жейкоб мендан кўзини узмай турди, сўнг эса ҳўмрайди.

- Жин урсин! - ингради у.

- Нима бўлди? Бирор жойинг оғридими? - Мен ожизларча қўлимни силкитиб дори излаб атрофга алангладим.

- Йўқ, - башираси бужмайиб у. - Кулогимга ишона олмаяпман!

Ва у сенга хатто қатъий талаб ёки шу каби жазо чораси ҳам қўлламадими?

- Ҳеч нарса. Ҳа, нима қилибди?

Жейкоб тунд кўzlари билан бошини лўқиллатди.

- Умаман олганда мен у бирор бир жиннилик қиласди, деб кутган эдим. Жин урсин! У мен ўйлаганимдан ҳам яхшироқ экан.

Унинг сўзлари ўша тонгда Эдвард Жейкобнинг ҳислатлари ҳақида айтган гапларини ёдимга солди. Эдвард асло жаҳл қилмади. Демак, Жейк ҳали ҳануз умидвор ва ҳалиям таслим бўлмади. Мен қалтирадим: юрагимга тиз санчилгандек бўлди.

- Жейк, у умуман мугомбирлик қилмайди, - секингина айтдим.

- Менимча, росаям мугомбирлик қила олади-да! Мендан кам айёр бўлмаса керак. Фақат фарқимиз у нима қилишини билади, мен эса йўқ. Аммо у одамларни миясига кириб олишини яхши билса мендами айб: мени бироз тажрибам етишимайди, холос.

- У мени бошимни айлантира олмайди!

- Яна қанақа айлантирмас экан! Сен унинг у қадар фаришта эмаслигини қачон англаб етар экансан-а?

- Ҳар қалай у ўзини ўлдираман деб қўрқитиб мени ўтишимга мажбур қилмаган, - ҳурилладим мен. Ва уятдан шолгомдек қизариб кетдим. - Тўхта! Кел, сен буни эшиштмадинг деб ҳисоблайлик. Мен буни айтмайман деб қасам ичгандим.

Жейкоб хўрсинди ва жиоддийроқ бўлиб олди:

- Нимага энди?

- Чунки бу ерга сени айблаш учун келганим йўқ.

- Аммо барибир шунақа бўлганди, - аниқ текис овозда гапирди у. - Ахир мен шундай қилдим.

- Менга барибир. Жейк, жаҳлим чиқмади сендан.

У жилмайди.

- Менга ҳам барибир. Мен кечиришингни билардим, шу сабаб таваккал қилгандим. Аммо яна шундай қилган бўлардим. Ҳар қалай мен нимадирли бўлдим-ку. Сенинг аслида мени севишингни ҳам тушуниб етишингга ундаи олдим. Бу кам нарса эмас.

- Наҳотки? Ундан кўра ҳаммасини кўрмаганга олиш маъқул эмасмиди?

- Наҳотки ўз асл истак ва туйгуларингни тушуниб етишини хоҳламасанг? Қачондир бир куни эрга теккан вамироӣ бўлиб олиб, аслида мени севишингни тушуниб етганингда кеч бўлган бўларди.

Мен бошимни чайқадим.

- Йўқ, мен ўзим ҳақимда эмас, сен ҳақингда гапирдим! Мен ўз ҳисларимни билганим билан сенга яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмайди-ку? Ахир биласан-ку бу билганим ҳеч нимани ўзгартирмайди. Наҳотки мени бирор нимани билишим сенга муҳим бўлса?

Мен жуда жиоддий савол берган бўлсам ҳам, Жейкоб вакиллашдан тўхтамасди.

- Яхшиси, бу сенинг билганинг, - ўйланиб қолди у. - Агар сен билмаганингда эди, мен ҳамон сен ўйлаб қўрасанми ёки йўқми деб фол очиб ўтиришидан бошқасига ярамас эдим. Ана энди эса мен биламан. Сен мени саваркансан. Мен қўлимдан келганини қилдим. - у қалтироқ тутгандек хўрсинди ва кўзини юмди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Бу сафар мен Жейкобни тинчлантиришдан ўзимни тия олмадим. Шошиб унинг каровоти бошига бориб тиззалаб ўтириб олдим: каровотга ўтиришига қўрқдим, Жейкобга азоб бериб қўйшиим мумкин.

Мен пешонамни унинг юзига яқинлаштирудим. Жейкоб хўрсинди. У менинг энсамдан секин ушлаб орқага кетиб қолмаслигимга қараб турди.

- Жейк, кечир мени.

- Мен доим менинг ҳеч қанақа имкониятим йўқлигини билар эдим. Белла, сенинг бу ерда айбинг йўқ.

- Сенинг ҳам! - инградим мен. - Керакмас!

Жейкоб менинг кўзларимга термулиб қолди.

- Нима керак эмас?

- Мен жуда ҳам айборман! Мени айбислизигимни баён этишлари мени янада кўнгилдан оздираяпти.

У жилмайди, гарчи кўзлари қайгули эди.

- Хоҳлайсанми мен сени айблайман?

- Умуман олганда... хоҳлайман.

Жейкоб лабини жуфтлади, нимадир деб айтмоқчи бўлди. Мен жиоддий сўраган бўлсам ҳам айтмади. Юзидағи табассум бирдан йўқолди-ю дарров хўмрайган қиёфага қайтди.

- Сен менинг бўсамга жавоб қайтардинг, - дадил гапираводи у. - Агар сен менинг фойдаланаётганимни билган бўлсанг, бунақа ишонтириб ўпишинг керак эмас эди.

Мен ўзимни буриштириб бош чайқадим.

- Кечирасан.

- Белла, тазаррудан одам енгил тортмайди. Биласанми нимани ўйлагандинг?

- Ҳеч нимани, - пицирладим.

- Мени ўлимга жўнатиши кераклигини ўйлагансан. Ахир сен айнан шуни хоҳлагансан.

- Йўқ, Жейк! Йўқ! Ҳечқачон!

- Нима, йиглаяпсанми? - у довдираб қолди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ҳа, - тўнгилладим мен ва пиқиллаб кўзимни ёшини қўлим билан арта бошладим. Жейкоб соғлом оёги билан иргишиб каровотдан турмоқчи бўлди.

- Ҳей, нима қиласяпсан? - деб унга ёпишдим. - Ёт, тентаквой, сенга туриши мумкин эмас! - мен унинг соғ елкасини икки қўлим билан итариб ётишига унгададим.

У таслим бўлдими, оҳ тортди-да яна ётиб олди. Аммо мени танамни тутуб ўзига яқинроқ ўтиришиимга улгурди. Мен унга анча яқин турарканман тинчланиб қолдим.

- Наҳотки йиглаясан? - пишиллади у. - Биласанку мен атай сенинг жисвингга тегиши учун гапираман холос. Аслида эса бунақа ўйламаганман. - унинг кафти елкамни силарди.

- Биламан. - мен қалтирадим, аммо ўзимни қўлга олдим. Қачон мен йиглашга тушсам

Жейкоб мени овутиб қўяди-я? - Ҳаммаси рост. Раҳмат ҳаммасини ўз оғзингдан айтинг.

- Балки мен сени йиглатма олганим учун қўшимча очко оларман?

- Аха! - мен жилмайшига уриндим. - Қанча хоҳласанг олавер.

- Белла, қуёшчам, сиқилма. Ҳаммаси яхши бўлади.

- Қизиқ, қанақа қилиб экан-а, - дедим мен. Жейкоб мени бошимга уриб қўйди:

- Мен таслим бўламан ва ўзимни наъмунали тутаман.

- Яна калламни қотираяпсанми? - мен унинг юзига қарадим.

- Балки! - ҳеч бир қийинчилксиз кулворди Жейкоб, кейин эса юзи буришиб кетди. – Ҳар қалай уриниб кўраман.

Мен ҳўмрайдим.

- Бунақа шубҳакор бўлма! Сўзларимга ишон.

- Ҳўш, сен наъмунали ҳулқ-автор деганда нималарни биласан?

- Белла, мен сенинг дўстинг бўлиб қоламан. Ва бундан ортигини сўрамайман.

- Жейк, менимча, энди кеч. Биз қандай қилиб бир-бirimizni сева туриб дўст бўлишишимиз

мумкин?

У шифтга тикилиб худди бирор кўринмас сўзни ўқиётгандек жим бўлиб турди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- *Хмм... масофадаги дўст бўла қолайлик, ҳамманинг кўзига холос.*

Мен тишимни тақиллатдим. Яхшиям, Жейкоб менга қарамаяпти! Ҳозир ёрилиб кетаман... мен кучли бўлишим керак - аммо қаердан олай ўша кучни?

- *Сен Инжилдаги бир қиссани эшишганмисан? - кутилмагандা Жейкоб, ҳамон шифтдан кўзини узмай сўради. - Битта пошио ва боласини талашган икки аёл ҳақидаги қиссани?*

- *Аҳа, Сулаймон подио ҳақидаги қисса бу!*

- *Ҳа рост. Ўша Сулаймон подио, - тақрорлади Жейкоб. - У гўдакни иккига бўлишини буюради... шу орқали ким болани ҳимоя қилиб тирик қолишини сўрашини синаб кўради.*

- *Ҳа, эсладим.*

Жейкоб менга қараб қолди:

- *Белла, мен сени ортиқ иккига бўлишини хоҳламайман.*

Мен бу орқали Жейк ўзини кўпроқ севишини айтиб таслим бўлгани билан исботламоқчи.

Менинг Эдвардни ёнини олиб у ҳам менга азоб бермаслик учун шундай йўл тутишини айтмоқчи бўлдим. Менинг баҳтим учун мендан кечишга ҳам тайёр, аммо мен ўзим ундан кечгим келмайди, шу сабаб айта олмадим. Ва бундан фақат яна Жейкоб ёмонроқ туюлиб қоларди-да?

Мен кўзимни юмдим ва оғриқни сидириб ташлашни истадим. Ҳеч қачон билдиримайман!

Бир дақиқача сукунат чўмди. Менимча, Жейкоб мендан жавоб кутган шекилли.

- *Балки мен сенга бунданам баттароқ нарса айтсам-чи? - ўзига ишонмайроқ гапирди у, сўз топшида қийналди. - Майлими? Мен ўзимни оддий тутишга ваъда бераман.*

- *Гарчи бу ёрдам берса? - пиҷирладим.*

- *Эҳтимол. Ҳар қалай зарар қилмайди.*

- *Қандай қилиб?*

- *Энг ёмони - буни билиб туриб қилиши.*

- *Бу қандай бўларди ҳам, - хўрсиниб қўйдим мен.*

- Йўқ. - Жейкоб бошини чайқади. - Белла, биз сен билан мукаммал жуфтлик бўлардик. Биз учун ягона бирга бўла олиш имкони бор эди - ҳудди бир ҳаводан нафас олиш каби. Сенинг ҳаётинг буткул ўзгарарди, агарда... - у жимиб аллақаёққадир қараб қолди. - Агар бу олам оддий бўлганида эди: ҳеч бир маҳлуқларсиз, ҳеч бир сеҳрларсиз...

Мен ҳам ҳудди Жейкобдек фикр қиласардим. Агар олам бу қадар мураккаб ва тилсимли бўлмаганида эди биз Жейк билан албатта баҳтли бўлар эдик. Ўзга оламимизда бундай зид кучлар бўлмаганида у менинг иккинчи бўлагим бўларди.

Иккита келажак, иккита ярим бўлак - битта одамга жуда кўплик қиласади бу! Нима ҳам қила олардик. Мен биттаман! Жейкобнинг изтироби - ўлчовсиз буюк кийматда эди. Даҳшатли қийматда... қизиқ бир маҳаллари мен Эдвардни йўқотганимда мана шундай иккиланганмидим.

Яъни агар уни танламасам кейин менга яшашимда маъно қолмайди дея ўйга борганмидим?

Билмадим. бу ҳотиротлар менинг олис ўтмишиимнинг давосиз бўлаги бўлиб қолаверади.

- Белла, у сен учун гўё бир гиёҳванд модда. - Жейкоб майин ва озор бермай гапиришга тиришиди. - Кўриб турибман, сен энди усиз яшай олмайсан. Энди жуда кеч. Ҳар ҳолда мен сенинг соглигинга зарар етказувчи гиёҳванд модда эмас эдим. Мен фойдали ҳаво ёки қуёши эдим.

Мен дард билан лабимнинг четида табассум топдим.

- Биласанми, мен ҳам айнан сени бир пайтлар шундай тасаввур этардим. Менинг Қуёшим -ўзимнинг қуёшим. Рутубат булутларини қувиб солган Қуёшим эдинг.

Жейкоб хўрсинди.

- Булутлар биланку мангу кураша олардим. Аммо сен Тутилган қуёшга тоқат қила олармидинг?

Мен унинг яногига кафтимни босдим. У яна хўрсинди ва кўзини юмди. Жуда ҳам оғир сукунат чўкди: хатто мен унинг секин бир текис ураётган юрагини эшишиб турадим.

- Ана энди менга энг ёмон нарсангни гапир, - пицирлади у.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Менимча керакмас.
- Гапира қол!
- Сенга озор бераман, деб құрқаман.
- Барибир, гапир.

Наҳотки шундай дамда мен Жейкобга рад эта оламанми?

- Ҳаммасидан ёмони... - Мен беқарорлик билан секинлашдим, сүнг борича түкиб солдим: -

Ҳаммасидан ёмони мен бир умр мана шуни ҳис этиб яшайман. Ва мен жуда ҳам сен билан баҳтли бўлишини истайман, Жейк! Шу ерда қолсам ва ортиқ ҳеч қаёққа кетмасам. Сени севсам, сенга баҳтлар ато этсам. Аммо мен бундай қила олмайман ва бу мени ақлдан оздирмоқда.

Жейк, ахир бир пайтлар Эмили ва Сэм билан содир бўлган кунларни эсалайсанми – иккисида ҳам танлаш имкони бўлмаган. Ва мен доим буни ўзгартириб бўлмаслигини билганман.

Менимча шунинг учун мен ҳаммасига қаршилик қиласман.

Менимча, Жейкоб нафас олишдан чалгид кетди.

- Мана шуни бекор айтдим...

У бош чайқади.

- Йўқ. Мен буни айтганингдан хурсанд бўлдим. Раҳмат. -

Жейкоб менинг пешонамдан ўпди ва хўрсинди: - Энди мен мўмин-қобил бўламан.

Мен унга қарадим: у куларди.

- Демак, эрга текмоқчисан?

- Бу умуман шарт ҳам эмас...

- Мен бироз тафсилотларини билмоқчиман. Эҳтимол бошқа кўришиб қолмасмиз.

Мен жимиб қолдим ва кучимн йига бошладим. Овозим қалтирамаётганига ишонч ҳосил қилгач гапира кетдим:

- Ростини айтсам, тўй менинг гоям эмас. Аммо у учун бу жуда муҳим. Шундай экан нима қилибди?

Жейк бош иргиди.

- Тўғри. Бу у қадар муҳим эмас - бошқаларга солиштирганда.

Унинг овози сокин эди, анчайин мулоҳазали ҳам. Мен Жейкобнинг кўзига қарадим: у қандай қилиб ўз осудалигини

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

жиловлай оляпти. У ўзини тутолмади. Менга кўзи тўқнаш келгач нигоҳини олиб қочди. Мен унинг ўзига келишини кутдим.

- Ҳа. Бошқаларга солиштирганда, - тушундим уни.

- У қанча муддат берди?

- Бу Элиснинг қанча муддатда тўйни ташкиллашишига боғлиқ. - мени инграб юборишиимга сал қолди, Элиснинг диконглаб юрганини тасаввур қилдим.

- Аввалми ёки кейин? - астагина сўради Жейкоб.

У нимани назарда тутганини тушундим.

- Кейин.

Жейкоб енгил бош чайқаб қўйди: менимча, у менинг битирув кечамгача ҳар бир тунни уйқусиз ўтказганди.

- Қўрқмаяпсанми? - сўради у пичирлаб.

- Қўрқаяпман, - шивирладим.

- Нимадан қўрқасан? - зўрга эшитиларли қилиб сўради у қўлимдан кўзини узмай.

- Кўп нарсадан. - мен жуда жиддий ҳам, жуда рост ҳам гапиргим келмасди, аммо алдамадим. - Ахир мен мазохист (оғриқлардан лаззатланувчи) эмасман, оғриқдан қўрқаман. Ва бу пайтда Эдвардни ёнимда бўлишини истамайман: мен унинг менга қўшилиб қийналишини истамайман, аммо унинг мендан айрилиб нари туришига кўзим етмайди. Ва яна дадам ва ойимга нима дейман... ҳаммаси ортда қолгач мен ўзимни қандай тийиб туришини ўрганишим керак бўлади. Эҳтимол ана шунда анча ҳавфли бўлиб қоларман ва хатто тўдандагиларга қарши жангга ҳам чиқишиимга тўғри келиб қолар.

Жейкоб энсаси қотиб қараб турарди.

- Мен ўзим уларнинг истаганини тинчитиб ташлайман!..

- Раҳмат.

У енгилгина кулиб қўйди. Сўнг қошини уйди.

- Ҳар ҳолда бу жуда ҳавфли бўлса керак? Ҳамма афсона ва тарихларда буни нақадар оғир бўлишини айтишган... улар ўз устида назорат ўрнатишига уринишиади... одамлар ўлади...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Йўқ, бундан қўрқмайман. Тентакча, наҳотки сен мана шунақа вампирлар ҳақидаги эртакларга ишониб ўтирган бўлсанг? - Жейкоб менинг ҳазилимни аниқ тушунмади.

- Умуман олганда эса, ҳавотир олишига сабабинг бор. Ва охир оқибат шундай якун топади.

Жейкоб истамай бош чайқади.

Мен юзимни иссиқ терисига теккиздим.

- Биласан-а, мен сени яхши кўраман - пичирладим унинг қулоғига.

- Биламан, - хўрсиниб мени қучоқлади. - Ва қанийди мана шунинг ўзи етарли бўлса эди.

- Биламан.

- Белла, мен сени ҳамиша кутаман, - ҳазиллашиб ваъда қилди у ва қучогини бўшатди.

Мен секин ундан узоқлашдим - аламли бир жудоликни сезиб: гўёки нимамдир ёрилиб менинг бир қисмим Жейкнинг ёнида қолгандек бўлди.

- Сенда доимо иккинчи имконинг бор, агар тўсатдан хоҳлаб қолсанг.

Мен ўзимни мажбурлаб жилмайдим.

- Токи менинг юрагим уришдан тўхтамас экан.

У хўрсинди.

- Биласанми, хатто маън этилса ҳам сени барибир тутавераман. Борингки сендан роса бадбўй вампир ҳиди таралса ҳам.

- Сени кўришига келиб туришимни истайсанми? Ёки керакмасми?

- Мен ўйлаб кўриб кейинроқ сенга айтаман. Барибир ҳам ақлдан озиб қолмаслигим учун сухбатлашгани шерик керак бўлади. Вампир тиббиёти менинг айланишими таъқиқлаган.

Йўқса суяк жойидан қўчиб кетиши мумкин экан - Жейкоб тундлашиди.

- Яхши бола бўлиб ўтир ва Карлайлнинг гапига кир. Тезда тузалиб кетасан.

- Бўламан, бўламан, ҳавотир олма.

- Қизиқ, қачон шундай бўларкансан-а? - дедим мен. - Қачон сен ўзингни истагингдаги қизга дуч келаркансан?

- Кумишингга тўғри келади, - деди Жейкоб. - Лекин бундан енгил торсанг керак.

- Эҳтимол енгил бўларман, балки йўқ. Барибир шуни айтаманки, сен ҳамма қизлар учун жуда ҳам кўплик қиласан. Сендан ортигини топа олишимайди. Яна мен аниқ рашиқ қиласам керак-а?

- Мана шуниси жуда қизиқ бўларди, - тан олди у.

- Келишимни хоҳласанг менга ҳабар қил, мен албатта келаман, - ваъда бердим. У ҳўрсинди ва менга юзини тутди.

Мен яқинлашдим ва ўтиб қўйдим.

- Мен сени севаман, Жейкоб. У кулди.

- Мен эса сени кўпроқ севаман.

Жейкоб диққатини узмай то мен хонадан чиқиб кетгунимча қараб қолди.

XXVII боб. Эҳтиёжлар

Узокқа кета олмадим. Мен йўл оҳирига деярли етай деб қолганимда асабийлик билан ортимга ўгирилдим ва тўхтадим. Ўзимни жуда ҳам ғариди ва ёлгиз ҳис қилиб кетдим. Жейкоб деган бўшлиқ ҳалитдан менга азоб беришини бошлаганди. Энди бу ҳисларимни на Жейкобга ва на бошқага кўрсатмайман.

Аммо ёлгизликда узок қолмадим. Эшик очилиб Эдвард мени ўз қучогига олди.

Аввалига жуда оғриқли бўлади. Чунки менинг кичкина ҳаммасидан мосуво бўлган қисмимга жуда катта меҳр ва қайнок оғуш керак бўлади. Кейин эса виждан азоби ҳам бунга жўр бўлади.

Эдвард мени йиғлаб бўлишимгача индамай қўйиб берди, мен дадамнинг исмини айтиб тўнгиллаганимдан сўнггина тилга кирди.

- Сен уйингга қайтишга тайёрмисан? - ишонқирамай сўради у.

Хозирги ҳолатимда барибир уйга қайтишидан ўзга чорам йўқ, йўқса дадам Билли амакига қўнғироқ қилиб безовталикни бошлаб юборади.

Эдвард мени уйга олиб кетишга рози бўлди - бир қўли билан танамни секин силаб иккинчи қўли билан рул чамбарагини тутганича

тошибақа юриши билан ҳайдаң борарди. Йўл бўйи ўзимни қўлга олишга уриндим. Аввалига тиришиганим бефойда бўлиб туюлди. Аммо ортга йўл йўқ. Мен яна бир икки сония чидаш берсам бас! Ўзимни бўлакларга ҳаёлан бўлиб, сўнгра қайтиб ииғиб чалгитишга уриндим. Наҳотки бу ҳолатдан чиқиб кета олмасам-а? Мен алам билан яширин ички кучларимни титкиладим.

Ички заҳираларим фақат пиқиллаб ииғлашимни тинчита олди - аммо буткул тўхтатмади.

Кўз ёшлари ҳали ҳам анҳордек оқиб турарди.

- Мени юқорида кут, - пичирладим мен ва уйга кира бошладим.

Эдвард мени бир дақиқа маҳкам қучоқлаб турди-да сўнгра гойиб бўлди.

Мен уйга кирдим-у шартта зинапояга қараб отилдим.

- Белла? - дадам ўзининг севимли диванида ўтирганича мени чақириб қолди.

Мен жсимгина ўгирилдим. У менга боши узра бўйини қайриб қаради.

- Нима қилди? Жейкобми?..

Мен томогимни қириб зўрга гапирдим:

- Унинг аҳволи яхши.

Товушим секин ва хириллаб чиқди. Ростан ҳам Жейкоб билан ҳаммаси яхши – жисмонан албатта. Дадам ҳам ана шундан ҳавотир олган бўлса керак.

- Унда нега ииғлагансан? - у менинг елкамдан тутиб юзимга қаради. - Сенга нима бўлди?

Менимча у кутганидан ҳам аҳволим расвога ўхшайди.

- Ҳеч нима... шунчаки Жейк билан гаплашиб келаяпман... унча айтиши мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида. Энди эса ҳаммаси жойида.

Дадамнинг юзидаги ҳавотир ўрнини норозилик акси эгаллади.

- Балки сен нокулай пайтда гаплашгандирсан?

- Эҳтимол... мени танлаб ўтиришига вақтим йўқ эди: танлаш вақти келганди... Баъзидга муроса билан иш битмайди.

Дадам бош чайқади.

- Хўши, бунга у қандай қаради?

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен гапирмадим.

Дадам узоқ пайт менинг юзимга қараб турди ва ниҳоят жавобни ўзи топди шекилли, боширгиди.

- Умид қиласманки бу ҳол унинг тузалиб кетишига ҳалал бермайди.

- У тезда тузалиб кетади, - пўнгилладим мен.

Дадам уфф тортиди.

Яна озроқ турсам ўзимни тутиб тура олмайман.

- Хонамга кираӣ, - дедим.

- Майли, - рози бўлди дадам.

Менимча ҳозир кўз ёшим оқиб кетишини сезгани учун руҳсат берди. У мана шундан қаттиқ қўрқади.

Урилиб сурилиб хонамгача етиб бордим.

Эшикни ичидан ёпарканман қўлимдаги билакузукни ечишга тиришидим.

- Йўқ, Белла, - пиҷирлади Эдвард ва ортимдан елиб қўлимдан тутди. - Бу сенинг бир қисминг.

Йиглаб юборган эдим Эдвард мени оғушига олди.

Адоқсиз бу кунлар қачондир юкунига етармикан?

Ёки тонг ҳеч қачон отмайди, ва мен абадий мана шу зулматимда қолиб кетавераман. Аммо нима бўлганда ҳам мен ёлғиз эмасман - мени овутувчим бор.

Дадам менинг йиғлашимдан қўрқар, шу сабаб эшигимдан мўралашга журъати етмади.

Аммо ҳали уйгоқ.

Энди марра сўнгида мен қилган хато барча азоб уқубатларимга сабаб бўлиши билан бир қаторда Жейкоб ва Эдвардга ҳам теккан изтироб бўлиб чиқди.

Ана шунда мени ва уларни қийнаб келган иккала зид қутблар аслан Эдвард ва Жейкоб эмас, балки ўзимнинг иккита бўлагим - Эдварддаги Белла ва Жейкобдаги Белла бўлиб чиқди. Фақат улар бирдек яшай олишимасди, шу сабаб мангу курашиб ўтдилар.

Қанча жинниликлар қилдим-а!

Мен эрталаб ўзимга ўзим Эдвардга ҳеч қачон Жейкоб Блэк учун күз ёш түкканимни күрсатмаслигимни ваъда қилганимни эслаб қолдим. Ва мени даҳшатли ваҳима яна эгаллади.

Афсус энди кеч.

Эдвард деярли ҳеч нима демади: шунчаки мени бағрига босиб тураверди. Мен эса унинг кўйлагини йиғлайвериб ҳўл қилиб юбордим.

Менинг миттигина қисмим йиғлаб сиқтаб тўхтатди шекилли. Кучим қолмаганидан ухлаб қолдим. Ўйиб кетаётган сароб сингари оғриқ ҳам, изтироб ҳам уйқуга сингиб тинчиб қолди.

Эрталаб камалак нурлари остида уйғонмаган бўлсан ҳам анча хотиржамдек эдим. Мен юрагимдаги азоб ҳеч қачон тўхтамаслигини англаб етдим. Аммо вақт ўтган сари босилиб боришига илинж қилдим - ахир ҳамма шундай дейди-ку. Асосийси Жейкоб учун ҳаммаси яхши

бўлса бас, менинг юрагим оғрийверсин. Насиб этса у албатта ўз баҳтини топади.

Уйғондим-у дарров ўзимга келдим. Кўзимни очсан Эдвард менга ташвишланиб қараб турган экан.

- Салом, - дедим мен.

Овозим ҳириллаб чиқди.

Эдвард жсим эди. Мени яна йиғлаб юбормасмикаң деб кутиб турди.

- Йўқ, мен билан ҳаммаси жсоиди. Энди жазавага тушимайман. Бу сўзларимдан у бироз қимтиниб олди.

- Мен ўзимни бунақа тутмаслигим керак эди, жуда афсусдаман, - дедим мен. – Сенга нисбатан анча ҳурматсизлик бўлди.

- Белла... ишончинг комилми? Тўғри қарор қабул қилганингга ишончинг комилми? Мен сени бунчалик азоб билан йиғлаганингни аввал кўрмаганман... - оҳирги гапидан Эдвард титраб кетди.

Аммо буни тушунаман. Бу янада азобли.

- Ҳа. - мен унинг лабларига талпиндим.

- Шубҳаланаяпман... - Эдвард ҳўмрайди. - Наҳотки тўғри қарор шунақа азоб келтириши мумкин?

- Эдвард, мен ҳеч кимсиз яшай олмайман.

- Аммо...

Мен бош чайқадим.

- Сен буни тушунмайсан. Эҳтимол, сенда менсиз яшаига жасорат етар. Аммо мен ўзимни қурбон эта олмайман. Менга сен билан бирга бўлиши битилган - сенсиз мен йўқман.

Эдвард ҳануз шубҳада эди. Мен уни бу кеча ёнимда қолишига ҳам ундаласлигим керак эди.

Аммо нима қиласай у менга керак...

- Китобни менга узатиб юбора оласанми - унинг ортида турган китобни сўрадим.

Эдвард ўйлаб ўтирмаи хўмрайиб китобни тутди.

- Яна шу китобми? - сўради у.

- Шунчаки сенга битта парчани ўқиб бермоқчи эдим, менга жуда кучли таъсир этган эди бу... у ерда айтиладики... - мен варакларни титкилаб ўша бетни осон топдим: мен одатда ана шу бетда тўхтаб қоламан ва бурчакларини босиб ўтираман. - Кэтрин, албатта гирт маҳлуқ ва бу фикри мутлақо тўғри, - ўзимга ўзим ўқиб бераётгандек гўнгиллаб ўқидим:

«Агар камма нарса ириб-чириб йўқ бўлиб кетса-ю, у камон мавжуд бўларкан - мен кам бу борликдан даф бўлмайман; agar бутун борлик мавжуд бўлиб колса-да, у йўкликка сингиса, бутун олам мен учун маънисиз ва бегонага айланади, ва мен бошка унинг бўлаги бўлмайман». - мен бошимни иргидим. - Мен у нимани айтишини хоҳлаганини тушундим ва мен ҳам кимсиз яшай олмаслигимни биламан.

Эдвард китобни олдида отиб юборди - хона бўйлаб учиб бориб иш столим узра қўнди. Сўнг мени белимдан тутиб кўтариб олди. Унинг юзи ҳануз хўмрайган бўлсада бироз жилмая билди.

— Хитклиф ҳам баъзида адашиб турган. - Китоб унга керак бўлмаганди - у мени маҳкам қучоқлаб қулогимга шивирлади: - «Мен ўз каётимсиз яшай олмайман! Ўз рукимсиз яшай олмайман!»

— Ҳа, - аста шивирладим. - Айнан мана шуни айтмоқчи эдим.

Белла, шунчаки сенинг азоб чекишингни кузатиб туриши менга осон эмас. Эҳтимол... Йўқ,

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Эдвард. Мен ўзим буларни пайдо қилдимми, энди ўзим барҳам бердим. Аммо энди мен нимани исташимни аниқ биламан... ва буни ҳозироқ қилмоқчиман.

- Хўши, сен нима қилмоқчисан, ҳозироқ?

Мен ўзимга келиб олиш учун енгилгина кулдим.

- Биз Элиснинг ёнига борамиз, - баён қилдим мен.

Элис уй ёнидаги зинапояда чўнқайиб ўтиради - ҳар ҳолда менинг қароримни аввалдан кўра олган, шу сабаб бизнинг келишишимизни интиқлик билан кутарди.

- Белла! Раҳмат! - биз никандан тушар тушимас чинқирди.

- Элис, шошимай тур! - тўхтатиб турдим, йўқса дугонам қувончдан ёрилиб ўлиб қолиши мумкин эди. - Менинг бир иккита шартларим бор.

- Биламан, биламан, биламан! Тўй ўн тўққизинчи августдан кечик маслиги керак, меҳмонлар рўйхатини ўзинг тасдиқлайсан, агарда мен ортиқча дабдабалашиб кетсан мен билан ортиқ гаплашмай қўясан!

- Хм... Умуман олганда шунаقا эди.

- Ҳавотир олма, Белла, ҳаммаси жуда ажойиб бўлади. Никоҳ кўйлагингни кўришини истайсанми?

Бунинг учун икки-уч марта чуқур нафас олишимга тўғри келади.

«Нима қилса қилсин, ҳар тугул Элис бахтли бўлса бас», - ўзимга эслатдим.

- Албатта.

Элис мамнун бўлиб жилмайди.

- Ҳа, айтганча, - довдираб қолдим. - Қачон кўйлак сотиб олишига улгурдинг?

Бундан ортиқ қаршилик қила олмайман: Эдвард менинг кафтиимни силади.

Элис бизни зинадан етаклади.

- Бунақа нарсаларга беш дақиқанинг ўзи камлик қиласди, - севинчдан қагалаб кетиб бораркан Элис тушунтирди. - Мен вазиятлар зҳтимоллигини назарда тутиб олдиндан ҳаракат қилишим кераклигини юз фоиз тушунгандим...

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Қачон? - сўрадим мен.

- Пэррина Брюйерега олдиндан ёзилиб қўйиши керак, - тушунтира кетди у. - Шоҳ асарлар бир кечада ёзилиб қолмайди. Агар мен вақтида ҳаракат қилиб чопмаганимда, сенга дўкондаги оддий латта-пұтталарни кийдирган бўлардик!

Унинг бирорта гапини тушунмадим.

- Нима ўзи у Пэрр... уни нимаси бор?

- У энг машхур дизайнер тикувчи бўлмаса ҳам, аммо ўта қобилиятли, менинг талабимни тушуна олади.

Биз энди унинг хонасига кирган ҳам эдик, у Эдвардга ўғирилди. - Эшик ортида қол!

- Нимага? - норози бўлиб сўрадим мен.

- Белла, ахир сен биласан-ку! - деди Элис. - У тўй кунигача никоҳ либосини кўрмаслиги керак.

Мен яна чуқур нафас олдим.

- Менга барибир. У аллақачон ҳаёлларингда либосни кўриб бўлган-ку. Агар шундай бўлса майли...

Элис Эдвардни ташқарига чиқариб юборди. У менга ҳам, синглисига ҳам қарамай индамасдан чиқиб кетди. Бизни ёлғиз қолдирди.

Мен бош иргадим. Мен юзимдаги беғамлигимни Эдвардга кўрсата олдим шекилли.

Элис эшикни шарақлатиб ёпди-да:

- Мана энди, томошани бошладик.

Менинг қўлимдан тутиб каттакон шкаф ёнига олиб борди. Бу шкаф менинг хонамдан ҳам катта эди. Шкаф эшигини бир табақасини очган эди, оқимтириб либослар учун қопчинни илгичда осилиб турганини кўрдим.

Элис секингина занжир тишичани очди ва эҳтиёт бўлиб илгичдан либосни олди ва катта совгадек уни менга топширди.

- Хўш, қалай? - деди у.

Мен имиллаб анча пайт тикилиб қолдим. Элис зик бўла бошлади.

- Оҳ! - дугонамнинг асабларига тегмаслик учун тезда тилга кирдим. - Жуда.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

- Ёқдими? - чидаб туролмай сўради Элис.

Бу кўйлак айнан йигирманчи асрлар бошидаги замон қаҳрамонига жуда мос келарди.

- Бундан аълоси бўлиши мумкин эмас. Айнан мен истагандек.

Сен даҳосан.

- Биламан! - тиржайди Элис.

- Минг тўйқиз юз ўн саккизинчи йилларми? - таҳмин қилдим мен.

- Таҳминан шунга яқинроқ, - бош иргиди у. - Баъзи бир қисмларни ўзим киритдим: фата, шлейф... - Элис оппоқ атласни силади. - Тўрлари ҳақиқий, қадимий. Ёқдими?

- Гўзал! Айнан Эдвард истагандек.

- Сенга-чи?

- Ҳа, эҳтимол. Ишончим комил, сен тўй маросимини ажойиб ташкиллашибрасан... фақат бутун чор атрофга гап бўлиб кетмасак бўлди.

Элис қиқирлаб кулди.

- Сенинг кўйлагингни кўрсан бўладими? - сўрадим мен.

Элис довдираб қолди.

- Нима сен ўзингга бир вақтни ўзида либос буюртма қилмадингми? Мен келинчакнинг дугонаси дўкондаги латтапуттани кийиб чиқишини истамайман! - мен асабий елка учирдим.

Элис мени бағрига босди.

- Белла, раҳмат!

- Наҳотки бу ҳақида ўйламагансан? -мен дугонамни ўпид қўярканман мингилладим. – Яна бу киши келажакни кўра олгувчи эмиш!

Элис атрофимда гир айланиб рақсга тушиди.

- Менинг ишим жуда кўп! Шундоқ экан бор, Эдвард билан ўйнаб кул. Мен эса ишлишим керак. - хонадан учиб чиқиб кетаркан қичқирди: - Эсми!

Мен шошилганча унинг ортидан эргаидим. Эдвард мени ўйлакда деворга суюниб кутарди.

- Сен учун жуда хурсандман, - деди у.

- Менимча, Элис еттинчи осмонда учиб юрибди, - унинг гапларига қўшилдим.

Эдвард менинг юзимга диққатлик билан термулди; унинг кўзлари жуда ҳам қон-қора эди: анчадан бери овга бормай қўйган кўринади.

- Кетдик бу ердан, - кутимагандага таклиф қилиб қолди у. - Ўзимизнинг ўтлоғимизга.

Жуда ажойиб гоя!

- Энди мен беркиниб яшашим керак эмас-а?

- Албатта йўқ. Ҳамма хатар ортда қолди.

Эдвард нималарнидир ўйлаганича жимгина чопиб кетарди.

Илиқ шамол менинг юзимга урилар: бўронлар даври тугади. Осмонда одатдагидек тиник булутлар сузиб юрибди.

Бугун бизнинг ўтлоқ энг сокин ва энг баҳтли гўшадек туюлиб кетди. Майсалари орасида оқиши сарғиши мойчечаклар гуркираб очилиб турарди. Мен зах бўлишига қарамай ерга ётиб олдим ва осмондаги булутларга термула бошладим. Улар жуда тиник, бир текис - ҳеч қандай шаклни эслатмайди, - фақат юмшоқ адёлни эслатади.

Эдвард ҳам ёнимга ётди ва қўлимни ушлади. Ёқимли сукунат қоплади.

- Ўн учинчи августандами? - секингина сўради у.

- Ҳа, ана шунда менинг түғилган кунимга бир ой вақт қолади.

Ортиқ ҷўзиини истамайман.

У хўрсинди.

- Эсми Карлайлдан уч ёшга катта - расмий ҳужжатларда. Сен бунга бирор марта эътибор қилганмисан?

Мен бош чайқадим.

- Мана кўрдингми, бу уларга сира ҳам ҳалақит қилмаяти.

- Эдвард, гап умуман ёшга боғлиқ эмас. - Шу тонда Эдвардинг овозида ҳаяжон бўлса, менда аксинча мутлоқ хотиржамлик музассам эди. - Мен тайёрман. Мен ўзим қадам ташламоқчи бўлган ҳаёт йўлимни танлаб бўлдим.

У менинг яногимни силади.

- Мехмонлар рўйҳатига нима дейсан?

- Умуман олганда Элис кимни таклиф қилса ҳам қарши масман, фақат... - мен секинлашиб қолдим. Тушиунтириб ўтирмай қисқагина қилиб айтиб қўя қолдим. - Тўсатдан Элис бир нечта...

бўритусларни таклиф қилса-чи. Билмадим Жейк... келишини хоҳлайдими йўқми. Балки ўйлаб кўрар, мени хафа бўлади деб балки келар. Уни мажбурлаш шарт эмас.

Мен осмонга бўй чўзган дарахтларнинг шоҳларига қараб қолдим. Ёрг осмон тасвирида улар деярли қоп-қора эди.

Кутимагандан Эдвард мени қучоқлаб устига чиқариб олди.

- Белла, айт-чи менга, нега Элисга ҳамма ишни қилишига руҳсат бердинг?

Мен кеча Жейкобникига кетишум олдидан дадам айтган гапни айтдим.

- Буни дадамдан яширишимadolатдан эмас. Демак бу дегани ойим ва ўгай отам Филга ҳам айтиши керак дегани. Ҳа, кел Элис бир яйраса яйрабди-да. Балки мана шунда дадам ҳам мен билан тўлиқлигича хайрлашиш имконига эга бўлар. Хаттоки у менинг турмушига чиқишимни жуда эрта ҳисобласа ҳам, менинг бу ҳолатим унга меҳробга олиб бориш шарафидан жудо этмайди. - бу сўзлардан ўзим ҳам титраб кетдим. - Шу орқали ота-онам, дўстларим ва ниҳоят уларга айта олишим мумкин бўлган қароримнинг мана шу қисмида иштирок этадилар. Улар мен сени танлаганимни ва сен билан бирга бўлишимни тушунадилар. Ва қаерда бўлмай менинг баҳтиёр эканимни шундай эслаб қолишиади. Бу улар учун мен қилган энг яхши имконим деб ўйлайман.

Эдвард менга узоқ тикилиб турарди.

- Битим тузилмайди, - кутимагандан хабар қилди у.

- Нима?! - оҳ тортиб юбордим. - Сен фикрингдан қайтмоқчимисан? Йўқ!

- Белла, мен умуман изимга қайтаётганим йўқ. Мен ўз ваъдамда тураман. Аммо сен ҳар қандай маъсулиятдан озодсан. Ва нима истасанг ҳаммасига ҳеч бир қаршиликсиз эришишинг мумкин.

- Нима учун?

- Белла, мен сени нима қилаётганингни кўриб турибман. Сен ҳаммани баҳтли илишини истаяпсан. Мен бошқаларга тупурдим. Мен

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

сен ўзинг баҳтли бўлишингни хоҳлайман. Ҳавотир олма, Элисга ўзим тушунтираман. Ва ваъда бераман у сени айбламайди.

- Аммо мен...

- Йўқ. Биз айнан сен айтгандек қиласиз. Мен сени қайсар деб атайман, аммо қара мени нима қилиб қўйдинг! Ўзимни буткул тентакка чиқардим. Гўёки сенга яхши бўлади деб ҳаёл қилиб юраман, аслида эса фақат ва фақат ёмон бўлиб тугайди. Яна ва яна оғриқ беравераманми.

Мен ортиқ ўзимга ўзим ишонмай қўйдим. Сен ўзингча баҳтли бўларсан. Аслида ҳаммаси тескарисига бўлади. Мана. - у елка қисди.

- Белла, биз ҳаммасини сен истагандек қиласиз.

Бугун. кечқурун. қанча тез бўлса шунча яхши. Мен Карлайл билан гаплашаман. Балки сенга катта миқдорда морфей берса, ана шунда у қадар даҳшатли бўлмас. Барибир ҳам уриниб кўрса ёмон бўлмасди. - Эдвард тишини тақиллатди.

- Йўқ!

У бармогини лабимга босди.

- Ҳавотир олма, Белла, қувончим мени. Мен нима исташингни биламан.

У нимани назарда тутганини ўйларканман, у мени эҳтирос билан майин бўсаларга кўмиб ўпа бошлиди. Оҳ, бу нима қилаяпти-а?!?

Ўйлашимга вақтим йўқ эди: яна бироз ва мен уни нимага тўхтатиш им кераклигини эсдан чиқараман. Мен инградим ва унинг лабларига лабимни босдим. Барча саволлар жавобсиз қолиб кетди.

Мен гапиришига уринардим.

Эдвард юмишоққина ўгириб мени ўтлоққа босди.

«Эй, ундан кўра гапирма!» - деди менинг миямдаги бир парчам.

Эдвардинг ширин нафаси мени ақлдан оздирарди.

«Йўқ, йўқ, йўқ! » - қаршилик кўрсатдим бошимни чайқаб.

Эдвард мени нафас олишим учун бироз дам олиб бўса оларди.

Шундан фойдаланиб

гапириб олдим:

- Эдвард, бас қил! Тўхта. - овозим иродамдан кўра ожизроқ чиқди.

- Нега? - пицирлади у ва яна ўпди.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Мен қатъий гапиришга тиришидим.

- *Мен буни ҳозир қилишини хоҳламайман.*
- *Наҳотки? - овозида кулгу бор эди.*

Ва яна лабимга тегина кетди, гапиришишга қўймасди. Менинг танам унинг терисига суйкалиб қизиб кета бошладим.

Мен аста-секин уни ўзимдан итара бошладим, унинг сочини силаб қўлимни кўксига қўйиб турдим. Ва ниҳоят бу таъсир қилди - у мендан тисарилди. У менга қараб турди. Унинг кўзларида ташналик ёниб тураг, қоп-қора кўзида олов бор эди. У қарор қилган эди.

- Нега энди? - паст овозда хириллаб. - Мен сени севаман. Мен сени хоҳляяпман. Айнан ҳозир.

Мен гапира олмай қолдим, ва Эдвард бундан фойдаланмоқчи.

- Тўхта, кутуб тур! - унинг бўсалари орасида гапириб олишига тиришидим.

- *Кутолмайман, - қайсарлик қилди у.*
- *Илтимос! - хўрсиндим мен.*

Эдвард ўзини зўрга айриб менга қаради ва иккимиз ҳам ерга ётиб осмонга қараб қолдик.

- Белла, айт-чи менга, илтимос, нега йўқ деяпсан, - талаб қилди у. - Умид қиласманки гап менда эмас!

Аҳмоққинам! Гап яна кимда бўлиши мумкин? Ахир мен фақат сен ҳақингда ўйласам!

- Эдвард, мен учун бу жуда муҳим. Ва мен барчасини қонун қоидалар асосида бажармоқчиман.

- *Кимнинг қонун қоидалари асосида?*
- *Менинг.*

У тирсагини тираб менга ишонқирамай қаради.

- Айнан қандай қилиб?

Мен чуқур нафас олдим.

- Барча маъсулият билан. Тартиб билан. Мен дадам ва ойимга мен билан видолашиб олишларига имкон бермоқчиман. Элиснинг ўйнаб қувнашини истайман, ахир охир-оқибат тўйга рози бўлдим-ку. Ва мен сендан барҳаётликка ўтказишишни сўрамагунимча барча инсоний ришталаримни узуб чиқаман. Эдвард, мен ҳаммасини қоидаларга таяниб қиласман.

@WORLDOF_BOOKS <<< KANALI UCHUN MAHSUS

Сенинг қалбинг менга жуда муҳим шу сабаб таваккал иши қила олмайман. Хатто ўзинг ҳам бунга мажсбур қила олмайсан.

- Аммо баҳслашишим мумкин, мен анча уддалагандим, - деди у ва кўзида яна олов чақнади.

- Аммо бундай қилмайсан, - дедим мен ва овозимдаги дадилликдан ҳайратга туша бошладим. - Чунки энди сен менга нима кераклигини аниқ биласан.

- Сен гирром ўйнаяпсан! - айлади мени.

Мен ўқрайдим.

- Мен сенга ҳалол ўйнайман, деб ваъда қилганмидим?

У хафа бўлгандек жислмайди.

- Балки яна бир марта ўйлаб кўрарсан...

- Унда сен биринчи бўлиб ҳабар топасан, - ваъда бердим мен.

Шу пайт ёмғир томчилай кетди: майда томчилар ўтлар устига тўкила бошлади.

Мен хўмрайиб осмонга қарадим.

- Уйингга элтиб қўяман. - Эдвард силкинганди, юзимга майда томчилар отилди.

- Ёмғир бизга чўт эмас, - вайсадим севиниб. - Шунчаки бироз ёқимсиз ва ўта ҳавфли бир ишини қилиши пайти келди.

Эдвардинг кўзлари ташвишланиб чақчайди

- Яхшиямки, сен ўқўтмас забардастсан, - хўрсиндим. - Менга узук тақ: дадамга айтадиган вақт келди.

Менинг юзимдаги ифодани кўриб Эдвард кулиб юборди.

- Ҳаддан ташқари ҳавфли иши, - тан олди у. Ва яна илмайганича жинси шими чўнтағига қўлини тиқди. - Охир-оқибат бизнинг йўлларимиз барибир дадангга олиб бораркан.

У яна чап қўлимнинг номсиз бармоғига узук тақди.

Бу сафар узук агадиятларга қадар бармоғимда мангу қолади.

Учинчи фасл тугади.

Телеграмдаги каналимиз: *@WORLDOF_BOOKS*

(Енг сара КИТОБ лар биринчи бизнинг каналда)